



Ҳақим САТТОРИЙ


ҲАЗРАТ  
СОҲИБҚИРОН

63.3(54)  
С. 33 ҲАКИМ САТТОРИЙ

# ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН

I

*Тулдирилган ва қайта ишланган  
иккинчи наشري*



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ - 2016

terDU ARM  
№ 397015

УЎК 94(092)  
КБК 63.3(5Ў)  
С 33

**Тақризчилар:**

Тарих фанлари докторлари:  
*Аҳаджон ҲАСАНОВ, профессор.*  
*Убайдулла УВАТОВ, профессор.*

С 33 **Сатторий, Ҳаким**

Ҳазрат Соҳибқирон: Тўлд. ва қайта ишланган  
2-нашри. 1-китоб. – Т.: «Sharq», 2016. – 512 б.

ISBN 978-9943-26-469-4

УЎК 94(092)  
КБК 63.3(5Ў)

ISBN 978-9943-26-469-4

© «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2016.  
© Ҳаким Сатторий, 2016.

Амир Темурни англаш ўзлигимизни  
англаш демакдир.

Ислом КАРИМОВ

## ИСТИҚЛОЛ АДОЛАТИ

(Иккинчи нашрга сўзбоши)

Биз улкан имкониятлар мамлакатада яшаймиз. Бу ҳол фақат табиий омилларга боглиқ бўлмай, шу заминда яшаб ўтган алломаларнинг бой мероси ҳам бизнинг бебаҳо хазинамиздир. Буюк аждодларимизнинг тафаккур маёғи минг йиллардан нарида порлаб, инсониятнинг бугунги тараққиёт йўлларини ёритиб турибди. Мазкур ҳақиқатни 2014 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари илмий меросининг ҳозирги замон тараққиётидаги роли ва мамлакатимиз туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишга бағишланган икки йирик халқаро анжуман иштирокчилари ҳам бир овоздан тасдиқладилар.

Ҳа, мустақиллик туфайли асил қадриятларимиз қатори жаҳонни лол қолдирган илмий-ижодий салоҳият ҳам ўз эгаларига қайтди. Эндиликда турли қомуслар-у луғатларда «араб олими», «форс мутафаккири» ёки «Ўрта Осиёда туғилган» сингари мавҳум эпитетлар билан таърифланган буюк олимларнинг ватани Ўзбекистон эканини олам аҳли англаб етаяпти. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн



Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум».

Мустақил юртимиз улкан марраларни кўзлаб, олға босар экан, ана шу мерос дастурул амал бўлиб хизмат қилди. «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашда, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади» деган эди Президентимиз. Истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ ана шу эзгу мақсадга амал қилинди. Фахрли аждодларимизнинг меросини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилиш борасида кўплаб тадбирлар қўлланилди. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик юбилейлари халқаро даражада кенг нишонланиши ёш давлатимизнинг улкан мақсадлар йўлидаги дадил қадамларидан бўлган эди. Шундан кейин дунё аҳлининг назари бизнинг юртимизга қаратилди ва асрлар ғубори остида қолиб кетаётган ёки маълум мақсадлар асосида нотўғри талқин қилиниб келган асил маънавий бойликлар ўзининг ҳақиқий моҳиятини намоён эта бошлади.

Ўтган йиллар мобайнида кўплаб буюк боболаримиз, муҳташам тарихий шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонланди. Шу тадбирлар муносабати билан тарихий меросга муносабат тубдан ўзгарди. Халқимиз чин маънодаги миллий ифтихор ҳиссини туйдилар. Бу бизнинг қадимги дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаганлигимизни тасдиқлаб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизга ишончимизни юксалтирди. Қўлга

киритилаётган ютуқларимиз эса келажакда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни кўрсатиб турибди. Ана шундай метин ишонч билан юртимиз юксалишда давом этмоқда.

Албатта, бу борада амалга оширилаётган маънавий соҳадаги ислоҳотлар парвознинг қўш қаноти сифатида моддий юксалишларга суръат бағишлади. Олиб борилаётган маънавий тадбирларимизда тарихий меросга мунтазам муурожаат қилиб турилади, ўтмиш салоҳиятини бугунги ёшлар онгига сингдириш борасида кўплаб амалий воситалардан фойдаланилмоқда. Шубҳасиз, бу борада тарихий мавзуларда яратилган китобларнинг аҳамияти юксак. Дастлабки кузатишлар кўрсатмоқдаки, бу борада ҳали қилинадиган юмушлар кўп. Негаки, биз шундай бир теран мероснинг ворислари эканимиз тинимсиз изланишларни тақозо этади. Жумладан, ватанимиз тарихида давлатчиликнинг пайдо бўлиши, бу борадаги саъй-ҳаракатлар тарихи улкан тадқиқотлар манбаи бўла олади. Юртимизда озодлик кураши, бу муҳорабаларнинг фаол иштирокчилари Султон Жалолиддин ва Амир Темур боболаримизнинг фаолияти заррама-зарра ўрганишга лойиқ. Бу улуғ зотларнинг ҳаёти шундай мўъжизаларга бойки, улардан хабардор бўлишнинг ўзи ҳам кишини анча баландга юксалтиради.

Тасаввур қилинг: гуллаб турган чаманга ёв бостириб келди, юз йилдан узоқ вақт давомида унинг кучини синдирадиган киши топилмади. Асоратда қолган ватан хор-зорликка мубтало бўлди. Ана шу жабҳада Хоразмшоҳ фарзанди Султон Жалолиддин муҳораба майдонида пайдо бўлди. У ёвнинг афсонавий шуҳратини сўндириб, дастлабки қақшатқич зарбаларни берди. Афсуски, у мақсадига эриша олма-

ди. Яна зулм кучайди, она тупроқ босқинчилар оёғи остида топталишда давом этди.

Орадан юз йиллар ўтиб, тарих саҳнасиغا Соҳибқирон Амир Темур чиқди, у устози, фахрли ватандоши Султон Жалолоддин бошлаган ишни охирига етказди. Қарийб чорак асрлик жангу жадаллари билан ёвни синдириб, мамлакатда мустақил давлатни барпо қилди. Яна ўттиз беш йил давлатни бошқариб, уни дунёдағи энг юқори даражага кўтарди. Шундан кейин ҳам Темурийлар беш асрдан кўпроқ вақт мобайнида тарих саҳнасидан тушмадилар. Эндиликда инсоният тарихининг Темурийлар даври деб аталмиш босқичи маънавий юксалиш борасида мислсиз мўъжизалар яратгани билан ҳайратлидир.

Мустақиллигимиздан кейин ўтмиш меросига, жумладан, Амир Темур ва авлодлари фаолиятига ҳолисона баҳо бериш бошланди. Бу меросни сатрмасатр ўрганишга киришилди. Тарихни билиш миллий ўзликни танишда муҳим омил экани тажрибадан маълум. Боболаримиз фаолияти билан танишиш ёшларимизни келажакка ишонч кўзи билан дадил қарашга ўргатмоқда. Шаҳарларимизда тикланган муҳташам ҳайкаллар, ҳар қадамда учрайдиган жозибадор суратларни кўрганда бошимизни мағрур кўтариб қўямиз. Бу, албатта, яхши. Мабодо бу меросни чуқурроқ ўргансак, китобларни мутолаа қилсак, бу ифтихор туйғуси қалбимизга, онгу шууримизга кўчади, бизга енгилмас маънавий куч ато этади. Албатта, ушбу масалада қўлингиздаги китоб яхши кўмакчи бўлади.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати муаллиф Ҳаким Сатторийнинг саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланиб, унинг «Ҳазрат Соҳибқирон» ва «Соҳибқирон абадияти» китоблари тўлдирилган ва қайта ишланган нусхада

нашр этилмоқда. Бу китобларда халқимиз тарихининг қарийб олти асрига дахлдор далиллар, маълумотлар юзасидан фикр юритилади. Улар содда тилда, тушунарли оммабоп услубда ҳикоя қилингани билан кенг китобхонлар аудиториясига мўлжалланган. «Ҳазрат Соҳибқирон» ва «Соҳибқирон абадияти» китоблари дастлаб 2005 ва 2011 йилларда нашр этилган эди. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, гарчи бутун инсоният миқёсидаги бетимсол Шах саналмиш Соҳибқирон Амир Темур ҳақида дунёнинг энг йирик қирқдан ортиқ тилида турли даражадаги асарлар ёзилган бўлса-да, уларда Соҳибқирон таржимаи ҳоли тўла акс этмаган, умуминсоният тамаддунида ўчмас из қолдирган тўрт юзга яқин Темурийлар ҳақидаги маълумотлар бир китобда жамланмаган эди. Ҳаким Сатторий турли манбаларни жиддий ўрганиб, узоқ йиллар давомидаги изланишлари натижасида иккита китобда шу вазифаларни адо этишга муяссар бўлди.

Асарларнинг қўлёзмалари мутахассислар ва илмий ҳамда бадий жамоатчиликнинг вакиллари томонидан ўрганилиб, сўнг нашрга тавсия этилган эди. Китоблар ўз ўқувчиларини топди, «Ҳазрат Соҳибқирон» китоби лотин ёзувида ҳам чоп этилди. Мазкур асарлар юзасидан «Жаҳон адабиёти» журна-лида, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат», «Хуррият» сингари газеталарда ижобий тақризлар эълон қилинди.

Ўтган йиллар давомида муаллиф изланишларини давом эттирди, манбалардан янги далилларни топди, баъзи маълумотларни яна ҳам аниқлаштирди ва китобларни қайтадан таҳрир қилиб, қўшимчалар билан тўлдириб, янги нашрини тайёрлади. Эътироф этиш жоизки, бу китоблар Ҳаким Сатторийнинг қарийб йигирма беш йиллик изланишларининг самараси-

дир. Уларнинг чоп этилиши тарихимиз жонкуярлари, умуман, маърифат ахли учун, қолаверса, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига китобхонларга арзирли совға бўлади

Албатта, ҳали бу борада изланишлар тўхтаб қолмайди, янги-янги китоблар, тадқиқотлар яратилаверади. Дастлабки қадамлар шуни кўрсатмоқдаки, қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Бу юмушларнинг чегараси ҳали маълум бўлмаган қўлёзмаларни излаб топишдан тортиб, китобларнинг янги нашрларини таъминлаш-у, саҳна, экран асарлари яратишгача бўлган кенг қамровни ташкил этади. Маълум бўладики, олайлик, Темурийлар даврини ўрганишда энг қимматли манбалардан бири ҳисобланмиш Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг ҳозир дунёда маълум нусхалари қиёсий-тарихий ўрганилмаган экан. Унинг ўзбек тилидаги 2–3 таржимаси маълум, уларнинг сифати ҳақида ҳам бир тўхтамага келинмаган экан.

Хуллас, қилинадиган ишлар етарли. Бу жабҳа ўзининг янги тадқиқотчилари, ижодкорларини кутмоқда. Ишни хайрли юмушдан бошлаб, манбалар билан танишиб, китоблар ўқиб турайлик. Бу борада ҳаммага муваффақият ва ютуқлар тилаб қоламиз. Соҳибқирон бобомиз оламига саҳифалар аро сафарингиз хайрли бўлсин.

**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,**  
*сиёсий фанлар доктори, профессор.*

**Хуршид ФАЙЗИЕВ,**  
*Темурийлар тарихи давлат музейи  
директори, т.ф.н.*

## МУАЛЛИФДАН

*Ассалому алайкум, муҳтарам Китобхон!*

Кўлингиздаги бу асар мавзуи дунёдаги барча йирик тилларда тараннум қилинган, унинг бош қаҳрамони – ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур ҳақида минглаб муаллифлар ўз муносабатини билдирган. Албатта, уларнинг ютуқлари кўп, бироқ кўз юмиб бўлмайдиган камчиликлари ҳам бисёр. Бу нарса, аввало, аксар муаллифларнинг турли эътиқод кишилари бўлганида кўринса, яна улар халқимизнинг ўзига хос жиҳатларини тушунишдан йироқ бўлганлар. Қолаверса, ўша муаллифлар мавзуни қанчалик салоҳият билан ёритишга уринмасинлар, улар тадқиқотчи сифатида ёндашганлар. Ҳолбуки, Соҳибқирон авлодларига хос муҳитда улғайган, ўзини бу буюк мероснинг ворисларидан бири деб билувчи муаллифнинг ўз нуқтаи назари бўлиши мумкин. Сиз мутолаа қилишга киришган асар ана шундай ёндашув асосида дунёга келган.

Буюк зотларнинг таржимаи ҳоли янги бир тарихий далил топилса ёки исботланса, қайта-қайта ёзиллаверган. Зеро, бундай шарафга эга бўлган кишилар ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси турли сир-синоатларга тўла. Бинобарин, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз ана шу теранликни кашф этиш йўлидаги навбатдаги уриниш. Шубҳасиз, Соҳибқирон бобомиз ҳақида энг мукамал асарларни яратиш ҳали истиқболда турибди.

«Ҳазрат Соҳибқирон» китобининг нашр этилганига 10 йилдан ошди. Бу давр мустақил юртимиз тарихида изчил юксалиш, тараққиёт босқичи бўлиб қолди. Ҳар соҳада рўй берган ўзгаришлар маънавийтимизнинг камол топишига самарали хизмат қилди. Инчунин, тарихга, ўтмишимизнинг бой маънавий меросига ҳам қизиқиш кучайди. Айниқса, изланишларнинг муттасил давом этгани янги-янги манбаларнинг илмий истеъмолга киритилишига хизмат қилди. Турли жанрларда салмоқли, жиддий асарлар яратилди. Шу йилларда «Миллий темуршунослик»да тобора кучайиб бораётган маънавий эҳтиёжни қондириш борасида кўплаб амалий тадбирлар кўрилди. Пойтахтдаги Темурийлар музейи мухлисларнинг ардоқли масканларидан бирига айланди. Ҳар йили 9 апрелни мамлакат бўйича нишонлаш урфга кирди. Хуллас, шавкатли бобокалонимиз ва авлодлари ҳаёт йўли, бой мероси, ибрати кундалик воқелигимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Бундай омиллар китобни қайтадан назардан ўтказиш, уни тўлдиришни талаб этарди. Аввало, у кенг китобхонлар жамоасига аталган бўлиб, таъбир жоиз бўлса, биринчи эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган, яъни чуқур илмий таҳлил, даврнинг кенг манзараси эмас, балки ҳар бир саводли киши билиши жоиз бўлган маълумотлар иложи борича ҳаммабоп услубда ҳикоя қилиш тамойилига амал қилинган. Шунинг учун тафсилотларга кенг ўрин берилмай, воқеаларнинг муҳим қирралари қайд этилган, ҳатто тарихий шахсларнинг исм-шарифи ҳам маълум мезон асосида – жиддий аҳамиятга молик

иштирокчиларгина қайд этилган. Очиғини айтадиган бўлсак, Темур ва Темурийлар даврини ўрганишда бутун бошли академияларга, университетларга юмуш топилади. Инчунун, бу маънавийтни бир неча жилдли китоблар ҳам сиғдира олмаслиги мумкин. Шу ҳақиқатни ҳис қилган ҳолда қийин истилоҳлар, мураккаб таҳлиллардан кўра одми, кўпчиликка тушунарли тилда ҳикоя қилиш мароми танланган эди. Қайта таҳрир жараёнида ушбу талабга яна ҳам жиддийроқ ёндашилди, гаплар, жумлалар имкон даражасида янада соддалаштирилди.

Шу йилларда маънавий истеъмолга киритилган асарлар орасида туркий, форс, араб тилларидан таржима қилиниб, дунёга тарқалган кўплаб халқ китоблари яна бошқатдан ўгирилиб, ўзимизга қайтарилди. Ноширлар ёки таржимонлар қанчалик зўр бериб, уларни «Соҳибқироннинг айнан ўз қўли билан ёзган» деб таништирмасинлар, бу гапга ишониб бўлмайди. Мантиқ ҳам, тақдим қилинаётган муаллиф ҳам бу ҳолни тасдиқламайди. Шунингдек, бундай китобларни бутунлай уйдирма деб ҳам бўлмайди. Уларда муаллиф (**котиб**)ларнинг салоҳияти ва имон-эътиқоди даражасида ҳақиқат бор. Қолаверса, бундай асарларда тарихий хроникаларнинг биронтасида учрамайдиган, бобокалонимиз шахсияти, ички олами, руҳий дунёсини ёрқин ифодаладиган лавҳалар борки, бу халқ китобларига ҳам чуқур эътибор билан қараш лозимлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, кейинги йилларда халқ китоблари мотивлари асосида яратилган, ҳатто кўпда муаллифи ҳам номаълум бўлган битикларни асл намуна



деб тақдим этиш ёки шулар руҳида асарлар ёзиб, уларни «тарихий далиллар асосида яратилган» тарзида тикиштириш урф бўлди. Холбуки, у хоҳ мақтов бўлсин, хоҳ танқид бўлсин, ёлғон барибир ёлғон. Миллий темуршуносликнинг асосий вазифаси эса тарихий адолатни тиклаш ва ҳимоя қилишдир.

Умуман, буюк зотлар шахсияти унча-бунча қамровга сиғмайди, истисно тариқасида ҳамма чўққини ўз кўзи билан кўради. Шунда соф ҳақиқат – доминанта барча рост ва ёлғонни, ҳақиқат ва ўйдирмани тушунишга асқотади. Бизнинг саъй ҳаракатларимиз ҳам анга шу эзгу мақсадга хизмат қилишдир.



**ШАВКАТЛИ  
УМР  
БАЁНИ**

*(Таржимаи ҳол)*



Буюк бобокалонимиз меросининг тол-  
мас тарғиботчиларига бағишлайман.

Муаллиф

## ҲАҚ СЎЗ ИСТАГИДА

### МУҚАДДИМА

Ватанимиз, умуман, дунё маданияти тарихида нурли саҳифаларни ташкил этувчи XIV–XV аср ҳақида шунчалар кўп тарихий асарлар борки, **академик В.Бартольд** сўзлари билан айтганда, тадқиқотчилар «маълумотларнинг танқислигидан эмас, балки кўплаб кутубхоналарга тарқалиб кетган, танқидий ёндашиш, энг аввало, танқидий нашр этишни тақозо этадиган манбаларнинг кўплигидан қийинчиликка дуч келади». Бу қийинчилик, айниқса, бир шахс ёки мавзу ҳақидаги фикрларнинг турли-туманлиги, ҳатто бир-бирига бутунлай тескарилигидан юзага келиб, мавжуд ҳақиқатни ажратиб олиш осон кечмай, балки мумкин бўлмай қолганлигида аниқ билинади. Худди шундай манзарани буюк бобокалонимиз таржимаи ҳолига доир маълумотларда, ҳатто тугал асарларда ҳам аниқ кўриш мумкин.

Маълумки, Соҳибқирон тарихи ҳазрат ҳаётлик пайтидаёқ ёзила бошлаган ва уларнинг баъзилари билан бобокалонимизнинг шахсан ўзлари танишишга улгурганлар ҳам. Жумладан, Ҳиндистон фатҳи ҳақида битилган **Ғиёсиддин Али ибн Жамол Яздий**нинг «*Рузномаи ғазовоти Ҳиндистон*» асарига муносабати кўпчиликка аён (**Соҳибқиронга асарнинг мураккаб, ҳавойи (пафосли) услуби, ундаги**

*ортиқча мақтовлар маъқул келмаган*). Шунингдек, хижрий 804 йил (*1401 йил, 11 август – 1402 йил, 1 август оралиғи*)да асли табризлик бўлган, ўша пайтда Ҳалабда дуч келган таниқли тарихнавис олим **Низомиддин Шомий**ни Соҳибқирон ҳузурига чақириб, халқона услубда бир китоб ёзишни топширган. Жумладан, бу асарнинг «услуби сўз оройишию ибораоролик санъатидан соф ва холи бўлиши» тайинланади. Билъакс, «шу услубда ёзилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади. Бир киши маъносини фаҳмласа, фаҳмлаб қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан ожиз».

Бу фикрлар Соҳибқирон бобомизга тегишли эканини Низомиддин Шомий ўз асарининг Муқаддимасида таъкидлайди ва ҳазратга ёқадиган китоб ёзишга киришганини билдиради. Унинг «Зафарномаи Шоҳий» асарида 1404 йилнинг март ойига кечган воқеалар акс этади. Кейинчалик **Шоҳрух Мирзонинг** топшириғи билан **Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид (Ҳофизии Аbru)** «Илова» («*Зайл*») билан тўлдиради ва «Зафарнома»да Соҳибқирон ҳаётининг сўнгги кунлари ҳам акс этади.

Кейинчалик ҳам жаҳон тарихида мислсиз ҳодиса, Ватанимиз шарафи, миллатимиз фахри Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларини миннатдор авлодлари унутиб қўймаган, ё у, ё бу даражада иззатини жойига қўйиб келган. Айнан шу борада ўтмишда амалга оширилган ижобий тадбирлардан айримларини эслайлик-да, уларни истиқлол йилларида Соҳибқирон бобокалонимизга кўрсатилган эҳтиром билан муқояса қилайлик.

Шоҳрух Мирзонинг Улуғбек билан тенгдош ўғли, Форс ҳукмдори Иброҳим Султон мозийшунос аллома **Шарафиддин Али Яздий**га раҳнамолик қилиб,

қарийб ўн йиллик саъй-ҳаракатлардан сўнг 1425 йилда Амир Темур ҳаёти ҳақида «Зафарнома» китоби ёзиб тугатилди ва бу борадаги юмушлар анча такомилга етказилди. Унда Низомиддин Шомий асаридан кенг фойдаланилган.

Шайбонийхонлар сулоласидан **Кўчқинчихон** (*она томондан Мирзо Улуғбекнинг набираси*) 1519 йилда «Зафарнома»ни Муҳаммад Али Бухорий орқали эски ўзбек тилига таржима қилдирди.

Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурий шаҳзода Шохжаҳон (*Хуррам, 1592–1666*) уламо **Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий**га Усманий турклардан бўлган Яман ҳукмдори Жаъфар пошо (*1607–1612*) кутубхонасида сақланаётган туркий аслиятдан **Абу Толиб ал-Хусайний** (*вафоти – 1625 йил*) форс тилига таржима қилган «Темур тузуклари» нусхасини «Зафарнома» билан солиштириб чиқиш ва мукаммаллаштиришни топширди. Бу юмуш 1637–1638 йиллар орасида амалга оширилади.

Кўқон хони Сайид Муҳаммад Алихон (*Мадалихон*) буйруғи билан 1835 йилда **Набижон Хотиф Хўжандий** Соҳибқироннинг таржимаи ҳоли – туркийчадан форсчага таржима қилинган «Зафар йўли» китобини форсчадан туркийчага ўгиради.

Мазкур далиллар Амир Темур меросига, ҳаётига қизиқиш даврлар оша яшаб келганини тасдиқлаб турибди. Бироқ мустамлака йилларида бу борада аянчли манзара юзага келди. Буни тасаввур қилиш учун ҳеч бўлмаганда Оқсаройнинг қисматини кўз олдимизга келтириш kifоя.

... Прагада бўлганимизда (*1997 йил, январь*) кўплаб тарихий обидалар қатори Страхов монастырига олиб боришди. Ҳозир ҳаракатини тўхтатган, ёдгорлик сифатида сақланаётган монастырда мени ҳайратга солган нарса Ренессанс даврида ишланган

олтин ҳайкаллар, барокко услубидаги деворий расмлар, готик нақшлар, одамнинг белига келадиган чарм китоблардан кўра ҳам ушбу мажмуада беш юз йилдан кўпроқ даврда қурилиш, бунёдкорлик ишлари изчил давом этгани бўлди. Муъжаз ибодатхонанинг ёнига кимдир черков қурган, кейинчалик шамол тегиримони барпо этилган. Яна бир ҳукмдор кутубхона ташкил этган, бошқаси эшикларини янгилаган – хуллас, маданият ҳомийларининг узлуксиз саъй-ҳаракатлари туфайли ақлни лол қолдирадиган гўзал бир маскан пайдо бўлган. Монастирнинг чўғдек гиламлар тўшалган, электр нурларидан музайян бўлган шаффоф залида туриб, юртимиздаги муаззам тарихий обидалар – Амир Темур кутубхонаси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва... Оқсарой хаёлимдан ўтди. Европа энди юксалаётган маданиятини мисқоллаб тўплаб, бойитиб боришга киришган XV–XIX асрларда бизнинг юртимизда XVI асргача яратилган юксак маданият намуналарини асраш эмас, уларни йўқотиш йўлидан борилган. Оқибатда, 40 мингдан зиёд обидадан XX аср бошида 10 мингга яқини қолган, уларнинг бор-йўғи 434 таси муҳофаза қилинган.

Истиқлолга биз ана шундай мерос билан етиб келган эдик. Ўша тарихий 1991 йил 1 сентябрдан 2–3 йил олдин, ҳатто бир ой олдин ҳам муносабат бундан яхши эмас эди. Шўро замонидаги айрим раҳбарлар «Оқсоқ Темур сингари феодаллар адабиёт ва санъатда нима қилиб юрибди?!» дея ўшқирар, шу мавзуда шеърига қофия излаган ёки ҳикоясига персонаж танлаган ижодкорнинг пешонаси ғурра бўларди. Мустақиллик эълон қилинишидан бир ой олдин – 1–20 август кунлари «**Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб**» сафарга чиқдик. Жойларда бизни жамоатчилик билан учраштирамаслик, улуғ аждодимиз, ўтмиш

тарихимиз ҳақида оғиз очтирмасликка ҳаракатлар, тазйиқлар бўлган...

Буюк бобокалонимизни шарафлаш бутун халқимиз кўз олдида кечди, бу хайрли ишларнинг моҳияти, кадр-қиммати ҳар биримизнинг қалбимиз тўридан жой олди. Албатта, бу савобли, айна пайтда оламшумул юмушларнинг бошида давлат раҳбари – мухтарам Президентимиз турганлигини, ҳамма юмушларга давлат сиёсати даражасида қаралиб, юксак талабчанлик билан адо этилганини эҳтиром билан таъкидлаш жоиз.

Ушбу ўринда маълум далилларни қайд этган ҳолда Амир Темур ҳазратларининг юртига қайтарилиши солномасини бир қур эслайлик.

*1993 йил 31 августда* пойтахтда Амир Темур ҳайкали очилди.

*1994 йил 29 декабрда* ҳукуматимизнинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини тантанали нишонлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди.

*1995 йил 26 декабрда* «1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш ҳақида» республика Президентининг Фармони эълон қилинди.

*1996 йил 14 мартда* Вазирлар Маҳкамаси «Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш тўғрисида» ва «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

*Апрель ойида* Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди.

*26 апрелда* «Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

28 августда Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

18 октябрда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Шу куни Самарқанд ва Шаҳрисабзда ҳам Амир Темур ҳайкали очилди.

24 октябрда Тошкентда «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 27 мамлакатидан 70 нафарга яқин таниқли олимлар иштирок этди. Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

25 октябрда Самарқандда юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

1997 йил 17 сентябрда Тошкентда «Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа» мавзуидаги халқаро илмий конференция очилди. Ушбу конференция Шаҳрисабзда ўз ишини давом эттирди.

Ҳар йили Амир Темур таваллуд топган кун – 9 апрелни тантанали нишонлаш таомилга кирди. Шунингдек, фахрли аждодимиз таваллудининг 670 йиллиги (2006 йил), 675 йиллиги (2011 йил) мамлакатимизда катта тантаналар билан нишонланди, турли юбилей тадбирлари бўлиб ўтди.

Хуллас, Соҳибқирон бобомизнинг табаррук номи, ҳаёти ва фаолияти халқимиз маънавий дунёсининг ажралмас қисмига айланди.

Шу йиллар давомида бу мавзуда кўплаб китоблар нашр этилди. Гарчи уларда, юқорида таъкидлаганимиз (иқтибос келтирганимиз)дек, Соҳибқирон ҳақидаги ҳақиқат турли даражада акс этган бўлса-да, бир нечта асарни солиштириб, доминанта – ягона тўғри асос гапни топиш имкони туғилди.

Мабодо, яратилган кўп китоблар қаторида қўлингиздаги асарнинг ўзига хослиги нимада, деб сўрасангиз, бизнинг жавобимиз шундай: биринчи-



дан, бобокалонимиз таржимаи ҳолларига доир сочилиб ётган далиллар, маълумотлар тартиб ипига тизилди. Ҳар бир далил қўлимизда бўлган манбаларга солиштирилиб, нисбатан ҳақиқатга яқини олинди. Ҳозиргача ёзилган китобларда муаллифнинг маслаги, дунёқараши, маълумот даражаси ва савиясига боғлиқ ҳолда билиб-билмай турли хатоликларга йўл қўйилган. Бу хатоликлар ўғилни набира ёки набирани жиян деб аташдан Соҳибқирон хизматларини камситиш, шахсига туҳмат қилишгача бўлган диапазонни қамраб олади. Энди кўплаб манбаларнинг эълон қилинганлиги, ўтмишга қарашнинг ўзгарганлиги, юртимиз истиқлолга эришганлиги туфайли бундай нуқсонларга чек қўйиш имкони туғилди. Бу вазифага асло Темурни нуқул мақташ воситасида эмас, балки давр нуқтаи назаридан воқеликка баҳо бериш тамоийилидан келиб чиқиб ёндашилди. Мақсад эса ҳазрат Соҳибқирон таржимаи ҳолини ҳаммабоп услубда энг қисқа шаклда баён этиш эди. Шунингдек, муҳим воқеалар, асосий янгиликлар кенгроқ шарҳланди, баъзи ўринларда шахсий муносабатлар изҳор этилди.

Нафсиламрини айтганда, бу мавзуда шунчалик кўп маълумот борки, улар «Уруш ва тинчлик» эпопеясига ўхшаш ўнлаб бадиий асарларга мавзу бўлиши мумкин. Шундай пайтда эса Лев Толстой сингари даҳо адибнинг ўн баравар кучли ғайрати ва илҳомилозим бўларди.

Мана, қарийб етти юз йилдирки, Соҳибқирон Темурбек билан боғлиқ баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Бу улуғ зот ҳақидаги бор ҳақиқатни тўлалигича баён этиш жуда қийин, балки мумкин эмасдек. Тортишувлар эса биз яшаётган уч ўлчамли (*эни, бўйи, баландлиги*) оламда, моддаларнинг уч ҳолати (*қаттиқ, суюқ, газ*) мавжуд муҳитда рўй берапти.

Илмий назариялар сайёралар дунёсида тўртинчи ўлчов ҳам борлигини, моддаларнинг тўртинчи ҳолатини топиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Мабодо, бу ютуқлар қўлга киритилса, дунёнинг ҳали очилмаган янги сирлари кашф этилиши, кўплаб муаммолар ҳал қилиниб, тилсимотлар қулфи очилиши мумкин экан. Агар одамзот тафаккури шу даражада ривожланганда ҳам ҳазрат Соҳибқирон ҳақида янги мулоҳазалар пайдо бўлаверади.

Шубҳасиз, бу мавзутадиққотлар натижасида оҳори тўкилмаган маълумотлар билан бойиб бораверади. Демак, янги, оригинал асарлар муттасил ёзилаверади. «Ҳазрат Соҳибқирон» китоби ана шундай хайрли юмушлардан бир ҳаракат, холос. У буюк бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятини қамраб олган теран маънавий дунёсини инкишоф этишда Сизга жиндай кўмак берса, ҳар ўқиганда вужудингиз жимирлаб-жимирлаб кетса ва шу лаҳзада миллий ифтихор туйғусини бир зум ҳис этсангиз, муродга етган бўлардик.





## ТАВАЛЛУД АЙЁМИ

(1336 йил, 9 апрель)

Одамзот дунёсида ҳар қандай (*яшии ва ёмон*) ўзгариш (*оқибат*)нинг аниқ сабаблари бўлади, яъни воқелик маълум эҳтиёж тағ-замини устида рўй беради. Шу маънода турли табиий фалокатлар ҳам буткул тасодиф эмас, фақат уларнинг макон ва замон ўлчамларини ҳали инсон ақли тўла инкишоф эта олмагани учун кутилмаганда, йўқ жойдан пайдо бўлиб қолгандек таассурот қолдиради. Бу қондани постулата сифатида ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ҳам тадбиқ этиш мумкин: агар одамлар барча эркинликлардан махрум қилинган тартибларга миқ этмай чидаб келаётган бўлса, демак, улар ўша инсоний эркинликлардан фойдаланишга ҳали тайёр эмас. Ёки эҳтиёж ва зарурат занжирини буюк шахсларнинг пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатиши фактига ҳам қўлласа бўлади. Дейлик, ҳазрат Алишер Навоийнинг адабиёт оламида пайдо бўлиши юз йиллар олдин кўз очган чашманинг дарё бўлиб тўлиб оқишидек гап: туркий маданият ривожига эрк берилгач, барча соҳалар (*муסיқа, меъморчилик, санъат ва бошқалар*) қатори адабиёт (*шеърия*) ҳам юксалиш босқичига қадам қўйди, кўплаб бадият даҳолари қатори катта-кичик шоирлар пайдо бўлди ва уларнинг зинама-зина улғайган қаҳқашонида Мир Алишер Навоий юлдузи энг баланд ва ёруғ порлади. «Навоий» (*Ойбек*) романи қаҳрамони Тўғонбек Хиротни кезиб, «Ажаб, бу шаҳарнинг кабобпази ҳам, мешкоби ҳам шоир» деганида, шаҳар адабий муҳитининг теранлигини эътироф этган эди. Ёки Наполеон Бо-

напарт ҳам «Мен бўлмасам-да французлар барибир дунёни эгалларди», деган экан. Демак, шу маънода буюк шахсларнинг тараққиётдаги ўрнини тушуниш мумкин: уларни объектив зарурат дунёга келтиради ва фаолияти орқали тўпланиб қолган саволларга жавоб топилади.

Эътироф этиш керакки, баъзан ҳамма томонидан тан олинган ўлчамлар ҳам баъзи ҳодисаларни баҳолашда етмай қолади. Шундай ҳолатлар бўладики, уларнинг кўлами, бўй-басти ҳар қандай мезонга сиғмайди. Гапнинг индаллосини айтганда, ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ана шундай мўъжизалардан. Соҳибқироннинг ҳаётини ўрганган барча яхши-ёмон ниятли тадқиқотчилар бу ҳақиқатни тан олганлар. Улар ўз баҳоларини «зиддиятли», «мураккаб», «жумбоқли шахс» сингари мавҳум эпитетлар орқали ифодалаганлар.

Ростдан ҳам Амир Темур тарих саҳнасиغا чиққанда, унинг халқи, ватани босқинчилар зулми, хўрлашларидан озод бўлиб, эркин яшашни тушларида ҳам кўрмасди. У пайтда шу қавм вакиллари тезда дунёнинг ярмини эгаллаб, улкан империя барпо қилиши хаёлга ҳам сиғмасди. Амир Темур ҳазратлари ўз фаолияти давомида шунчалик кенг миқёсли ишларни амалга оширдикки, ҳали одамзот тарихи (*пайғамбарлар фаолиятини ҳисобга олмаганда*), бундай буюк қахрамонликка гувоҳ бўлмаган (*албатта, бир уммат сифатида пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг шавкатларини алоҳида эътироф этман*). Мабодо, Амир Темур Мовароуннаҳр ҳудудларида мустақил давлат тузиш билан чегараланганда ҳам халқимиз тарихида абадий қоларди. Ҳолбуки, у бу вазифани 34 ёшида адо этди ва қолган 35 йиллик онгли фаолияти давомида бундан кам бўлмаган улуғвор юмушларни бажарди.

Мўъжизалари бисёр бўлган бу зоти шарифнинг яна бир мунаввар қирраси – зурриётларининг буюк шахслар бўлиб етишганидир. 50 йил тахтда қойим ўтирган илм-фан ва маданият ҳомийси Шоҳрух Мирзо, бутун Ҳиндистон ҳудудларини бирлаштириб, ҳокимиятни ярим асрдан кўпроқ бошқарган Акбаршоҳ, 40 йил подшоҳлик қилган ва олим сифатида дунёни лол қолдирган Улуғбек Мирзо, Ҳиндистонда қарийб 350 йил ҳукмронлик қилган Бобурийлар империясининг асосчиси, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг фарзандларидирки, бу даражадаги шараф ҳали бирон инсон зотига насиб этмаган – кўплаб бутун-бутун миллатлар пешонасига бундай даҳоларнинг ҳатто биттаси ҳам битмаган. Умуминсоний маданият рутбасида эътироф этилган Темурий шаҳзода ва маликалар икки юз нафардан зиёдни ташкил этади...

Биз бу ҳақиқатларни кўп-да ҳис этмаймиз. Қадриятларимизнинг ўзимизга қайтишига имкон юзага келгани туфайли тарихимиздаги кўплаб қора нуқталарга ойдинлик киритилмоқда, биз узоқдаги тоғ ёки кезиб юрган булутдек мавҳум тасаввур қиладиган тушунчалар чинакам воқеликка айланмоқда. Агар бу жараён изчил давом этаверса, биз афсонавий дostonлардек ғуборли тасаввур қиладиган ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур ва авлодлари ҳаёти ҳам кўз олдимизда ўзининг чинакам салобати билан намоён бўлади. Ўшанда тасаввурларимиз янада равшанлашиб, ул буюк зотга меҳримиз бир неча минг марта ортиши тайин.

Барча тадқиқотчилар эса битта нуқтада ҳамфикрдирлар: Амир Темур қўлга киритган ва амалиётини таъминлаб кетган ютуқларнинг бош сабаби – унинг бетимсол ШАХСИДир. Бу инсон талъатида шундай мўъжизалар, сир-синаотлар, қобилиятлар

мужассамлашган эдики, уни шарҳлашдан ҳар қандай ақл ожиз, унинг тилсими фақат Яратганга аён. Шунингдек, Соҳибқироннинг фаолияти жами инсониятга беназир хазиналар тухфа этди. Амир Темур тор масштаблардан чиқиб, бутун одам наслининг нодир тимсолини намоён қилди.

Унинг ҳаёти, таржимаи ҳолининг ҳар бир лаҳзасидан кишилар ибрат олса арзийдиган кўплаб ҳолатлар мавжуд. Ана шундай далиллар бу улуғ зот умр дафтарини бутун дунё тарихи кўзгусида акс эттиришни тақозо қилади.

## ДУНЁ

Албатта, бу кўҳна олам қанчалик зафарлару инқирозларни, бузишлару тузишларни кўрган. Дафъатан уларни фикрда чамалаб кўрганда эса маълум нуқталардагина диққат жалб бўлади. Шунда ҳам уларнинг ҳаммасини тасаввурларимиз бир кўзгуда жамлай олмайди.

Милодий XIII–XIV асрларга келиб, дунё ўзига хос ўнқир-чўнқир манзара касб этганди. Бу пайтда қулдорликнинг темир тартиблари асосида қурилган Рим империяси кунпаякун бўлган, антик даврларнинг ёқимли қўнгиरोқлари садоси жуда-жуда узоқлашиб кетган, биз бугун «Америка» деб атаётган улкан материк ҳали бошқаларнинг назаридан четда эди. Қулдорлик асоратларидан холи бўлган Европада эса тарқоқ (*уюшмаган*) тараққиёт вақт элагидеда чошланиб, уюшган ҳолга ўтган, ҳатто Илк ўрта аср деб аталувчи тараққиёт босқичи ўтмишга айланиб улгурган эди. Феодал тузумнинг ўрнатилиши билан изоҳланувчи Илк ўрта асрда Франклар империяси ярим асрга яқин кун кўриб, қуёши ботган, Византия империяси (*V–VI асрлардан ҳаракатини бошлаган*) эса улуғ салтанат-

лар йўриғини давом эттиришга киришганди. Византия Евроосиё материгида яшаган халқлар тарихида чуқур из қолдирди, унинг тақдирида Амир Темурнинг ҳам ўрни бор: Соҳибқироннинг Боязид устидан ғалабаси унинг умрини яна ярим аср (1453 й.)га узайтиради.

Олис тараққиётнинг босқичларини шундай ҳам тасаввур қилиш мумкинки, V–VI асрларда азалий манзаралардан юксалиб, катта ер эгалари – феодалларни деҳқонлар ҳужумидан асраш мақсадида қад ростлаган феодал қаср (**қалъа**)лари XI–XIII асрларга келиб мустақил шаҳарларга айланади. Бу шаҳарлар эса, ниҳоят, XIII–XVI асрларда марказлашган давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Демак, **қаср – шаҳар – давлат** учлиги Европада ривожланиш босқичларини акс эттиради.

Табий омиллар – туғилишнинг ошиб бориши, кун кўришнинг янги имкониятларини излаш баробарида ижтимоий муносабатлар ҳам такомиллашиб боради, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат тақсимооти, табақаланиш сингари ўсиш бўғинлари турмуш тарзида янги тартибларни юзага келтиради.

Мафкуравий ҳаётда дин мавқеининг кучайиб боришини кузатиш мумкин. Черков маънавий марказга айланади. Унинг даъвати билан «Исо пайғамбарни қутқариш» шиори остида Салиб юришлари уюштирилади. 1095 йилда Рим папасининг нутқи (**фотиҳаси**) билан илк қадам қўйилган бу юриш қарийб икки юз йил давомида саккиз марта такрорланди ва Куёш сайрига тескари бу ҳаракат мудҳиш асоратлар қолдирсада, мудроқ дунёнинг уйқусини бузди, маданиятлар қоришувига йўл очди.

Ва, ниҳоят, «Тухумга сиққанлар дунёга сиғмай қолди», деган ўзбек нақлига амал қилиб, Европа қалбида пайдо бўлган икки кучли давлат – Франция ва Англия муносабатларини аниқлашга кириш-

ди. 1337 йилда бошланган бу муҳораба 1453 йилгача давом этиб, тарихда «Юз йиллик уруш» номи билан машҳур бўлди.

Агар Европанинг шу йиллардаги харитасини «бирлашиш» нуқтаи назаридан кўздан кечирадиган бўлсак, бугунги мезонларга тўғри келмайдиган манзараларни кўрамиз. Франция ва Англиядан сўнг Сербия қиролигининг мавқеи анча баланд бўлган. Кейин Чехия кучайган, ҳатто қирол Карл I ўзини Рим императори, деб эълон қилган. Германлар, италянлар, поляклар эса ҳали бирлаша олмай овора эдилар. Руслар ҳақида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Москва ҳали қамишлар орасида унча билинмас, пойтахт эса Киевда эди. Князликлар ўзи билан ўзи, тарқоқ ҳолда кун кўрар, бирлашиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Албатта, Чингизхоннинг набираси, Жўчининг ўғли Ботухоннинг саҳройи зарбаси уларни тарикдек титиб юборгач, буни англаб етдилар, афсуски, энди кеч эди.

Бу пайтда турк султонлари қаттиқ шиддат билан олға интилаётган эди. Косовода 1389 йилда берилган зарба сербларни бир умр ўнганмас қилиб ташлади.

Шунингдек, Ян Гус бошлаб кетган ва давом этган деҳқонлар кўзғолони (**1371–1434 йиллар**) эса Чехияни ҳар томонлама заифлаштирди.

Африкада арабларнинг мавқеи баланд эди. Улар Испанияни деярли босиб олган (**VIII аср**), бироқ араб халифалиги XI асрдаёқ юлдузли онларига нуқта қўйиб, бир нави кун кўрарди.

Ҳиндистонда рожа (**князь**), брахман (**коҳин**)лар ўз тоифалари билан муттасил низолашиб юрар, XIII асрга келибгина мусулмон феодаллар Деҳли султонлигини тузишга эришган, бу эса нисбий барқарорликни таъминлаган эди.



«Буюк Ипак йўли» бўйлаб карвонлар сафари бошланган, ипак, чинни, ўқ-дори, порох илк марта кашф қилинган Хитой эса мўғуллар истилосидан сўнг мавқеини йўқотган, фақат 1368 йилда мустақиллик олган эди.

... Албатта, маданий тараққиётда ҳам хийла ютуқлар қўлга киритилган эди. IX аср ўрталарида кирилл ёзуви кашф қилинган, китоб босиш йўлга қўйилган, Хитойда (*VIII аср*), Францияда (*XII аср*) газета нашр этила бошлаган, Англияда 1265 йил биринчи парламент тузилган эди. Парламент 1370 йилда Буюк эркинлик хартиясини қабул қилган эдики, хозир ҳам бу ҳужжатнинг мавқеи баланд...

### ТУРОНЗАМИН

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур дунёга келган аср остонасида Туронзамин даҳшатли зулмат ичида эди. Ислом дини жорий этилиши билан юзага келган юксак тараққиёт таназзулга учраган, илму урфонлар ўлкаси мўғул босқинчилари истилоси натижасида харобага айланган эди.

Маълумки, Темучин (*унвони – Чингизхон, яъни «Тенгсиз хон» – «ҳукмдорлар ҳукмдори», яшаган йиллари – 1155–1227 милодий, тўнғиз йилида туғилиб, тўнғиз йилида тахтга ўтирган ва тўнғиз йилида вафот этган*) 1220 йилга келиб Мовароуннаҳрни тўла эгаллайди. Унинг бу юртга бостириб келиши сабаблари ҳақида турли тахминлар бор. Улар орасида ўша пайтдаги Бағдод халифаси Носир Абул Фатх Муҳаммад ибн Малик ал-Мансур Аббосий (*1180–1225*)нинг уларга нисбатан кўп шаккокликлар қилган Хоразм (*умуман, Мовароуннаҳр*) ҳукмдори Муҳаммад Хоразмшоҳни Чингизхон воситасида йўқотиш учун ҳаракат қилгани далили эътиборли. Чингизхон юришининг фожиала-

ри ҳақида кўп ёзилган. Тасаввур учун уларнинг гуллаб турган Бухоро шахрини тамом харобага айлантирганини ва бу ерда қарийб 7 йил одам яшашига имконият қолдирилмаганини эслаб ўтиш жоиз. Бундай ғорат бутун ўлкани қамраб олган эди. Қарийб 150 йил давомида мўғул истибдоди, улар ўрнатган тартиблар тузумнинг ҳам, одамларнинг ҳам қон-қонига сингиб улгурган эди. Шу туфайли Амир Темур мўғул маликасига уйланмагунча унинг подшолиги тан олинмаган, ҳатто кўп йиллар тахтни Чингизийлар авлоди вакили номидан бошқаришга, унинг мухри билан пул зарб қилишга мажбур бўлган, расмий таомил шуни тақозо қиларди.

Чингизхоннинг қўнғирот уруғидан бўлган хотини Бўрта кучиндан дунёга келган тўрт нафар (**яна бошқа хотинларидан 5 ўғли бўлган**) ўғли: Жўчи, Чиғатой, Ўқтой, Тўлига сарой юмушларини ва тириклигида жами ҳудудларни бўлиб берганди. Фарзандларига мулкларни тақсимлаётганда Туронзамин жиловини иккинчи ўғли Чиғатойга топширган эди. У қаттиққўллиги билан машҳур бўлиб, отаси айнан унга давлатни бошқаришдаги асосий тутум – Ясоқ ва Юсунга тўла амал қилинишини ҳам кузатиб бориш вазифасини юклаганди. Ясоқ шунгача амал қилиб келинган ислом дини шариати арконларидан ҳар жиҳатдан тубдан фарқ қиларди (**жумладан, унда ҳукмдор фақат Чингизхон авлодидан бўлиши белгилаб қўйилган, 6-моддасида эса «Қон ва ичак-човоқлар ейишга ярайди», дейилган**) ва шафқатсизлиги билан ажралиб турарди. Ана шунга асосланган сиёсат Турон юртини даҳшатли асорат комига ташлади.

Чиғатой вафоти (**1242 йил**)дан кейин бир қанча ҳукмдорлар алмашиб, ниҳоят, 1307 йилда улус ҳукмдорлиги Кебек (**Кепек, Кепак**) қўлига ўтади. Кебек отаси Тува, бобоси Бароқ орқали Чиғатойга

боғланарди. Кебек анча тараққийпарвар киши бўлиб, пойтахтни 1318 йилда Насаф яқинига кўчиради ва бу жойни «Қарши» (*сарой*) деб атайди. Пул ислохотини ўтказиб, кепак (*ҳозирги «копейка» шу атамадан келиб чиққан, демак, Қарши – копейканинг ватани*)ни жорий этади. У 1326 йил Тармашир томонидан ўлдирилади. Тармаширни ҳам 1334 йилда укасининг ўғли Бузан ўлдириб, пойтахтни Или водийсига кўчириб кетади. Унинг шафқатсиз сиёсатига қарши норозиликлар кучаяди, ниҳоят, 1343 йилда бир пайтлар Кебекка мухолифатда бўлган Ясавурнинг ўғли Қозон Чиғатой улуси тахтига чиқади ва яна пойтахтни кўчириб, ҳозирги Муборак шаҳри яқинидаги Занжирсарой қасабасига олиб келади. Ана шу жойда кейинчалик Амир Темурнинг энг яқин маслаҳатчиси ва умр йўлдоши бўлмиш Сароймулкхоним 1341 йилда дунёга келган, дейдилар.

Султон Қозонхон ўта шафқатсизлиги билан машҳур бўлган. Мабодо у мулозимларини ҳузурига чорласа, улар бола-чақаси билан видолашиб кетар эканлар. У Чиғатой насабининг барқарор ҳукмронлик қилган охирги вакили эди. Унинг маҳаллий амирлардан Қазаған (*бу аждодимизнинг исми «Қатаған» ҳам бўлиши мумкин, чунки араб имлосида «итқи» (т) ва «изғи» (з) фақат бир нуқта билан фарқланади*) томонидан 1347 йилда маҳв этилиши билан мўғулларнинг қарийб 110 йиллик ҳукмронлигига чек қўйилади. Чиғатойдан Қозонхонгача 21 нафар Чингизий Мовароуннаҳрни идора қилган.

Албатта, бу йиллар тинимсиз феодал урушлар, қирғин-баротлар остида ўтади. 1334 йилга келиб, турли ижтимоий-диний зиддиятлар тазйиқи остида Чиғатой улуси бир-бирига душман икки хонликка бўлиниб кетди (*маълумки, бу пайтга келиб,*

*асли мажусий ва буддавий бўлган мўғуллар ислом динини қабул қила бошлади. Буни биринчи бўлиб Муборақшоҳ 1266 йилда бошлаб берди*): шимол ва шимолий-шарқда мўғулча анъаналарни давом эттираётган, сахройи кўчманчи қабилаларни бирлаштирган Мўғулистон (*Жета ўлкаси*) ҳамда марказ ва жанубий-ғарбда ёйилган, аксарият исломга содиқ ўтроқ аҳолига эга бўлган Мовароуннаҳр.

Амир Қазағаннинг ғалабасидан сўнг тож-тахт талашлари, асосан, маҳаллий даъвогарлар ўртасида давом этди. Бу курашда жанубдаги қабилаларнинг қўли баланд эди ва бу ҳол Амир Темурнинг ғалабаси (*1370 йил*)гача тўхтамади.

## ОИЛА

Ана шундай суронли даврда ҳам одамлар ўз йўриғида кун кўрар, тирикчилик ташвишлари уларни тонгда уйғотиб, оқшом кулбасига қувиб келарди. Энг жузъий инсоний таомиллар тўфондек қўзғалган ижтимоий пўртаналарни ҳам маҳв этиб, башар фарзанди ўлимнинг асрорини тушунмаганидек, туғилишнинг маъносини ҳам кашф этолмасди. Барибир, ҳар бир чақалоқ дунёга келганда бу хабарни эшитган борки, шодланар ва кайфияти орқали оламнинг ҳали ечими топилмаган жумбоқларига жавобни Яратган шу мурғак жон орқали йўлламадимикан, қабалидаги умидини изҳор этарди. Тоғларга туташиб кетган маъмур бир шаҳарда, мучалнинг сичқон йилида, 736 йил ҳижрий, шаъбон ойининг 25-чисида сешанба куни амир Муҳаммад Тарағай ва Текина Хотуннинг шаръий никоҳидан чақалоқ туғилганда ҳам жафокаш тупроқ, эзилган қавм умид кўзларини Оллоҳга тиккан бўлса, ажаб эмас. Не бахтки, шу куни барча тилаклар ижобат бўлган, Мовароуннаҳр –

Туронзаминнинг бўлажак халоскори дунёга келган эди.

Тансиқ мевалар тоза палакларда етилганидек, муътабар шахслар ҳам палаги тоза оилаларда туғилиб, вояга етади.

Ота амир Муҳаммад Тарағай (*ул зоти шарифни манбаларда Тарағай баҳодир, амир Тарағай, Муҳаммад Тарағай, Тарағай тарзида қайд этганлар*) отаси амир Буркул ва боболари Илангиз баҳодир ва Ийжил нўён орқали Қорачор нўёнга бориб туташар, у Қорачор нўённинг бешинчи авлоди эди. Қорачор нўён Чингизхон саройида катта мавқега эга бўлган, шу сабабли уни Чингиз Чиғатой аскарларининг бошлиғи қилиб қўяди. Умуман, бу икки авлод ўртасида аҳднома бўлиб, хонлик Қобулхон (*Чингизийлар бобоси*) авлодлари, сипоҳсолорлик эса Қочувли баҳодир (*Темурийлар бобоси, Қобул ва Қочувли Туманакхоннинг эгиз ўғли бўлган*) фарзандлари илгида бўлиши келишилган эди. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да маълумот бор. Демак, Чингизхондан олдин таомилга киритилган бу анъанани Амир Темур бузиб (*яхши маънода, аслида зафар қозониб*), на фақат сипоҳсолорлик, балки хонлик (*яъни ҳукмронлик*)ни ҳам қўлга киритди. Шуниси борки, Темурбек ўзини ҳеч вақт «хон» деб атамаган, Темурий маликалар ҳам «бегим» (*«хоним» эмас*) тарзида юритилади.

Маълум бўладигани, Темурбекнинг отаси ўз насаби бўйича олий табақага мансуб бўлган. Ҳатто Қорачор нўённинг Чиғатойнинг қизларидан бирига уйланган, деган ишоралар ҳам учрайди.

Тарағай баҳодирни манбалардаги қисқа-қисқа маълумотларда котиблар табиатан вазмин, тоатибодатга мойил, Нақшбандия тариқати, Имом Аъзам мазҳаби талабларини дастур тутган, суҳбатида ула-

мою фузалого ўрин берган, кўпроқ хўжалик юмушлари – чорвачилик билан банд бўлган киши сифатида қайд этадилар.

Ҳозирги Чироқчи туманида Тарағай деган каттагина қишлоқ бор. Унинг тепасида бир ғор бўлиб, уни маҳаллий аҳоли «Амир Темур ғори» деб атайди. 1991 йил августда илмий сафар билан борганимизда ғор ҳудудига кўтарилдик. Пастда сой ва қирлар, даралар ястаниб ётарди. Шунда ушбу қишлоқлик йўлбошловчи ҳамроҳимиз қуйидаги манзарага ишора қилиб, «Бу жойлар Говхона, Бузовот деб юритилди, ана шу ерларда Тарағай баҳодирнинг сурув-сурув қўйлари, подалари ўтлаб юрган», деганди. Шу ширин хотираларда балки жон бордир.

Даргоҳи олиму фозиллар, фуқаро аҳлининг йиғингоҳи бўлган, машҳур шайхул ислом Шаҳобиддин Сухравардий авлодларидан бўлмиш шайх Шамсиддин Мир Кулолга сидқидилдан ихлос қилиб, пир тутган Муҳаммад Тарағай мусулмончилиқни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга кучли эътибор берган. Унинг бу фазилати кенжа набираси Шоҳрух Мирзога ўтганга ўхшайди. Аслида ҳам бобо авлоднинг фазилатлари набира авлодга ўтиши ҳақида фаразлар бор.

Тарағайнинг дастлаб Қадақ хотун (*«Зафарнома»*) ёки Йўқунхоним (*амир Қазағаннинг қизи, «Темурнома»*)га уйлангани ҳақида маълумотлар бор. Баҳодирнинг Бухоро садр-аш шариа (*шариаат қози*)-си қизи Текинабегим Моҳ билан никоҳи эса оламшумул аҳамият касб этди. Текинабегим Моҳ (*манбаларда Такинамоқбегим, Такина хотун тарзида ҳам қайд этилган*) Алишер Навоий «Насойим ул муҳаббат»да «шайхул олам» деб қайд этган Сайфиддин Бохарзий (*вафоти – 1266 йил*) авлодларидан бўлган, ўша пайтда Бухорода шариаат қозиси мавқеида турган Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий оила-

сида дунёга келган. Тарағай ва Текинабегимнинг никоҳлари олдиндан башорат қилингани, шу жуфтликдан Соҳибқирон туғилиши кутилгани ҳақида ривоятлар мавжуд.

Шу ўринда бир далилни қайд этиб ўтиш ортиқча бўлмайди, деб ўйлайман. Амир Темур Дамашқда турганда машҳур тарихчи олим ва араблар дунёсининг қозиси даражасига кўтарилган Валиуддин ибн Халдун 35 кун Соҳибқирон ҳузурида бўлади. Суҳбатларнинг бирида Бобилнинг охирги подшоси Бухтаннасар ҳақида сўз кетганда, унинг Манучеҳр авлодидан экани тилга олинади. Шунда Амир Темур «Оналаримиз томонидан бизнинг Манучеҳрга қариндошлигимиз бор», дейди. Манучеҳр – қадимги подшолардан бўлиб, унинг мадҳи Фирдавсий «Шоҳнома»сида, бошқа асарларда, халқ оғзаки ижодида кўп таърифланган, Манучеҳрлар сулоласини, умуман, бу номни кўплаб тарихий манбаларда учратиш мумкинки, бу далил алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Хуллас, бобокалонимизнинг кўплаб Ғарб тарихчилари, Ибн Арабшоҳ ҳам таъкидлаганидек, она томонидан Чингизийларга яқинлиги ёлғон, балки бошқа бир шажарага мансуб экан.

Манбаларда падари бузруквор ва волидаи муҳтарама ҳақида жуда кам маълумот берилган. Қўлга илинганлари эса юқорида қайд этилганлар, холос.

Ҳофизи Абру Тарағай нўённинг фарзандлари ҳақида сўзлаб, Соҳибқироннинг биродари сифатида Суюрғатмиш, Оламшайх, Жўги нўённи, опасингиллари – Қутлуғ Туркон оқа ва Шербека (**Ширинбека**) оқани (**тўрт ўғил, икки қиз**) санаб ўтади. Қутлуғ оқа амир Довудга, Ширинбека оқа эса амир Муаййадга узатилган эдики, бу номлар Соҳибқирон таржимаи ҳолида тез-тез такрорланиб туради.

Муҳаммад Тарағай 1360–61 йиллар орасида вафот этади, Текина хотуннинг бир ўринда Темур икки ёшлигида, бошқа ўринда 22 ёшлигида вафот этгани қайд этилади.

Соҳибқироннинг туғилган жойи ҳақида Шарафиддин Али Яздий «Каши дилкаш вилоятида...» деса, Заҳириддин Бобур «Темурбекнинг зоду буду кешлик» деб ёзади. Ибн Арабшоҳ эса Кешга қарашли Хўжаилғор қишлоғини кўрсатади. Бу учала маълумот ҳам ўз ўрнида тўғри. Тайини эса Темурнинг туғилган жойи Кеш (*санскритча сўз бўлиб, «нурафшон» деган маънони билдиради*), ҳозирги Шаҳрисабздир. Хўжаилғор қишлоғи Шаҳрисабздан 15 километр чамаси жануби-ғарб тарафда бўлиб, у ёзлик яйлов бўлиши мумкин. Ҳозир ҳам чорвадорларда шундай удум борки, қиш қори кўтарилгач, ёз яйловларига кўчиб чиқилади. Шаҳрисабз атрофларида ҳам шундай яйловлар кўп учраган ва шуларнинг бири балки Хўжаилғорда бўлгандир.

Биз сафар асносида (*1991 йил*) ушбу қишлоққа ташриф буюрганимизда одамлар бир пайтлар шу жойда беш тепалик, етти булоқ бўлганини, улар ер текислаш, артезиан қудуқлари қазилш туфайли йўқ бўлиб кетганини ҳикоя қилиб беришган эди. Қишлоқ қабристонига каттагина даҳма бўлиб, у ислом лашкарлари илғори – байроқдори Хўжа Абдурахмон Авфга тегишли экани ҳам айтилганди. Қишлоқда жомеъ масжиди (*унинг ўрни қолган, холос*) борлиги бу ер анча гавжум, балки карвонсарой ёки работ (*лангар, ём*) бўлганидан дарак беради. Тарағай баҳодир оиласи, табиий, шаҳар (*Шаҳрисабз*)да яшаган, унинг кўчи баҳор (*апрель ойи*)да яйловга чиққанини мантиқан тахмин қилишга асос бор.

Соҳибқироннинг туғилган вақти ҳақида ҳам ҳозиргача турли саналар қайд этиб келинган. Кўп-



лаб Европа ва рус муаррихлари 1333 йил 7 май (**М.Иванин**), 1336 йил 7 май (**Л. Лянглэ**), баъзи манбаларда, «Зафарнома»нинг 1997 йилги нашрида, академик Рустан Раҳмоналиев тадқиқотларида эса 1336 йил 8 апрель кунларини келтиришади. В.Бартольд (**«Темур салтанати»**), Т.Грановский (**«Темур»**) эса 1336 йил 9 апрель санасини кўрсатган. Маълумки, таваллуд куни ўша замон манбаларида аниқ кўрсатилган, фақат хижрий-қамарий йил ҳисобини милодийга ўгиришда чалкашликлар ёки беҳабарлик бўлиши мумкин. Бу мақсадда Вюстенфельд жадвалидан кўпроқ фойдаланилади. Унинг нечоғлик аниқлиги эса маълум эмас. Эндиликда юртимизда Соҳибқирон бобомиз туғилган кунини 9 апрелда нишонлаш таомилга кирди.





## БАЛОФАТ

(1336–1360 йиллар)

Шундай қилиб, яна бир инсон зурриёди дунёга келди. У ҳам иккита юрак, иккита тилак вобасталигининг ҳосиласи эди. Ҳали бу мурғак жонни нималар кутаётгани, у ҳақдаги тақдир ҳукми номаълум эди. Лекин биз, қарийб етти юз йил кейинги авлодлари, бу ёзуғдан бохабармиз. У– Соҳибқирон эди, инсониятнинг буюк орзулари тажассуми эди.

Албатта, бу эътироф бугунги гап. Табиий савол туғилади: ушбу мўъжизани ўша пайтда билишганмиди? Чақалоқни йўргаклаб олган момо-доя қўлида бўлажак мислсиз қаҳрамонликлар ижодкори, уч иқлимнинг соҳибби султони, ҳар саккиз юз йилда инсониятга туҳфа этиладиган илоҳий халоскор турганлигини билармиди? Ота-она, қариндошлар, эл-улус бирон ўзгариш сезганмиди?

Баъзи китобларда (*афсуски, уларда илмий ҳақиқатдан бадиий муболаға устун*) бола туғилган кун чакмоқ чақиб, қора булут ёмғир қуйиб, дунё бир безовталиқ ичида қолганлиги дарж этилган. Бўлса бордир, ахир буёғи эрта баҳор бўлса, намгарчилик, момоқалдиरोқ фасли эмасми? Шунингдек, гўё чақалоқ қўли қон ҳолда туғилган экан. Бунда ҳам ёмон таъбир қилинадиган бирон унсур йўқ: туғилиш жараёнида бу оддий ҳол эканини ҳозирги табобат ҳам тасдиқлайди.

Мавлуд айёмининг чинакам мўъжизасини ровийлар, аниқроғи – мунажжимлар бундай изоҳлайди: ўша кун осмон жисмлари Қирон буржига кирган эди ва худди шундай тизилиш юз берганда Оллоҳ биз

яшаб турган Дунёни яратган эди. Барча сайёралар, жумладан, Зухра (*Венера*) ва Муштарий (*Юпитер*)-нинг ана шундай мўъжизавий қаторлашуви бизнинг цивилизациямиз даврида уч марта рўй берган эмиш ва ҳар сафар бир бахтли ўғлон туғилган эмиш. Булар: Александр Македонский (*ҳаёт йиллари – эрамиздан олдинги 356–323 йиллар*), Муҳаммад алайҳиссалом (*мелодий 570–632 йиллар*) ва Амир Темур (*1336–1405 йиллар*).

Халқ ҳикоялари, мунажжимлар башоратида қанчалик ҳақиқат борлиги аниқ эмас, аммо айнан ўша йилларда Мовароуннаҳрда кароматли фарзанд туғилаганини ёки туғилганини ровийлар, куръачилар, башоратчилар дунёнинг турли бурчакларидан туриб сезганликлари ҳақида китобларда (*масалан, Ибн Халдун асарларида, «Темурнома»да*) қайдлар учрайди. Нима бўлганда ҳам, мутлақ ҳақиқат фақат Яратгангагина маълум бўлган, қолган барча нарсалар нисбий ҳисобланувчи бу дунёда биз ҳам нисбий тушунчалар билан мушоҳада қилсак, ўшанда Шаҳрисабзга фалакдан нур ёғилгани ва бу нур кейинчалик бутун дунёни мунаввар қилиб юборгани рост.

Фарзанд кутаётган бахтиёр отага маълум бўлган илоҳий пайғом ҳақида «Зафар йўли» китобида бир лавҳа мавжуд. Кейинчалик ота – Муҳаммад Тарағайнинг ўғли Темурбекка ҳикоя қилиб беришича, у бир кеча туш кўрган. Тушида арабсиймо бир зот унга қилич берган. Қилични боши узра сирпаганда бутун атроф ёруғ бўлиб кетган. Тарағай тушининг таъбирини пири Шамсиддин Мир Кулол (*бу зотни шайх Саййид Мир Кулол – Мир Саййид ас-Сухорий билан чалкаштирмаслик керак*)дан сўраганда, пир «Оллоҳ сенга бир ўғил беради, у дунёни зулматдан қутқаради» деб тушни таъбир қилган экан.

Қолаверса, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида шундай қисқа гап бор: «... Қочули баҳодирнинг тушининг таъбириким, Туманaxon айтиб эрди, муҳаққак бўлди». Демакки, Қочули баҳодирнинг саккизинчи наслидан жаҳонгир туғилиши ўша бобокалон аждодларга ҳам зоҳир бўлган экан.

Ана шундай сир-синоатлар қуршовида фарзанд туғилди. Энди унга исм қўйиш керак эди. «Зафар йўли»да қайд этилишича, ақиқа вақти (*исм қўйиш маросими*)да ота чақалоқни пир Шамсиддин Кулол ҳузурига олиб боради. Бундан пирнинг хабари бор эди ва олдинроқ отани муборакбод этиб, унга бир ҳовуч буғдой ва майиз берган ва «Уларнинг сонича авлодинг ҳукмрон бўлади» деб каромат қилганди (*буғдой ва майиз 370 дона бўлган*). Шайхнинг олди-га кирганларида у Қуръондан «А аминтум ман фис-самааи-яхсифа бикуму-л арза фа иза ҳийа таму-ру» (*67-Мулк сураси, 16-оят*)ни ўқиб ўтирган экан. Шунда оятдаги «тамуру» сўзидан болага «Темур» исмини берадилар. Мулк сураси (*«мулк» сўзи араб тилида подшоҳлик, ҳукмронлик маъноларини билдиради*) «Таборақ» деб бошланганидан кўпроқ шу сўз билан машхур ва кўп қироат қилинади. 16-оятнинг мазмуни эса қуйидагича: «*(Эй, Макка кофирлари)* ё сизлар осмондаги зот сизларни ерга юттириб юборганидан, бас, бирданига ер ларзага келишидан (*сизларни ҳалок қилишидан*) хотиржаммисизлар (*қўрқмайсизларми*)?!» («Қуръони карим маънолари таржимаси», Т. 2001 йил, 563-бет). (Шу ўринда бир мулоҳаза: тилимизда фаол қўлланадиган «таъмир» сўзи «тамуру» билан ўзакдош бўлиши мумкин).

Ҳазрат Соҳибқироннинг болалик, ўсмирлик йиллари ҳақида манбаларда маълумотлар йўқ ҳисоби. Бу ҳолни Шарафиддин Али Яздий шундай шарҳлайди: «Ул ҳазрат шахсан ўзи бош бўлган ғаройиб ишлардан

баъзиларини, эҳтимол, бундан сўнг одамлар ишон-масликлари ва ортиқча таъриф тавсифга йўйишлари мумкин, деб ёзиб қолдиришга йўл қўймади.» («**Шарқ юлдузи**» ж. 1992 й, № 5, 181-бет). Машҳур тарихчи бу талабга ўзи ҳам амал қилади ва айти пайтда Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда асос манбалардан бири ҳисобланмиш «Зафарнома» аса-рида ҳам бу давр ҳақида қисқа шарҳлар билан чек-ланади. Жумладан, насрда ёзилган мазкур китобида назм билан бир лавҳа чизади. У Муҳаммад Али Бухо-рий таржимаси (**XVI аср**)да шундай янграйди:

*Чу ёшлар билан ўйнар эди мудом,  
Дер эрди аларга: «Келинглам тамом.*

*Ки мен шоҳ бўлғайман ва барчангиз  
Мани шоҳ атаб, ўзга сўз демангиз».*

*Келур эрдилар ёшлар қошига,  
Ани шоҳ атаб, кўтариб бошига.*

*Бўлур эрди бир гўдак анга амир,  
Яна бири анга чу доно вазир.*

*Ёғоч ва қамиш бирла инсон этиб,  
Ҳар иш буюриб, анга фармон этиб.*

*Дер эрдиким, ул ёрлиқ эшитмади,  
Ёзуғлуқ қилиб ани буюртмади.*

*Дер эрди: «Кесинглам бошини равон,  
Ки мундин нари ҳеч киши дар жаҳон*

*Шаҳоншоҳ ҳукмидин ул чиқмағай,  
На ким шаҳ дегай, ўзга иш қилмағай».*

Ана шу теран лавҳа орқали бобокалонимизнинг болалик йиллари қай тарзда ўтганини тасав-вур қилишимиз мумкин. Табиий, кейинчалик ҳам асилзода хонадон фарзанди сифатида ўша пайтда аллақачон русум бўлиб улгурган мактаб ва мадраса таҳсилани инкор этиб бўлмайди. Маърифатли, илм-ли, оқил ва фозил кишиларнинг раҳнамоси Муҳаммад

Тарағайнинг ўғли Темурбек савод чиқармаслиги, Куръон қироат қилмаслиги мумкин эмас эди. Бунинг устига болакайда илоҳий сифатлар бўртиб турди, унинг пирлар, муридлар назарида бўлиши ҳам табиий.

Шу ўринда «Зафар йўли» китоби ва ундаги маълумотларга муносабат билдириб кетишга тўғри келади. Рисола 1992 йил «Амир Темур Кўрагон. «Зафар йўли». Ўз аҳвол ва атвори, юруш ва қўниши, мусолиҳа ва муҳораба воқеъотини туркий луғат бирлон ёзган китоби. *(Таржимаи ҳол)*» номи билан нашр этилди. Кўриниб турибдики, у тўғридан-тўғри Соҳибқиронга нисбат берилаяпти. Ҳозиргача маърифат аҳли фақат «Темур тузуклари»нигина бобокалонимиз ёзган *(ёздирган, назаридан ўтказган)* деган фикрдалар. Ҳақиқатан, «Темур тузуклари» шу даражага лойиқ, мукамал асар, уни ўша воқеаларни бошидан ўтказган кишигина ёзиши мумкин бўлган оригинал асар, дейиш мумкин. «Темур тузуклари»да расмий услуб, фалсафий йўналиш устун. «Зафар йўли» нимаси биландир «Темур тузуклари»ни тўлдирувчи, унга ҳамоҳангдек туюлади, бироқ унда бадиий услуб ва саргузашт йўналиши етакчи. «Зафар йўли»да акс эттирилган воқеаларнинг «Темур тузуклари» сюжети билан мантиқий боғланиши мавжуд, улар бир-бирига зид эмас ёки бир-бирини рад этмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради. Масалан, «Темур тузуклари»да: «Қирқ киши ҳамроҳлигида Қарши қалъаси томон йўл олдим. Йироқдан қалъа қораси кўринганда, баҳодирларимни келган ерда тўхтатиб қўйдим ва уйимизда туғилиб ўсган Мубашшир ва Абдуллоларни бирга олиб, ўзим кетдим» *(50-бет)* дейилса, «Зафар йўли»да эса «Мен шу ерда ўзим билан келган баҳодирларимни қолдирдим, отимни эса менинг садоқатли отбоқарим Абдуллога топшириб, бир

Ўзим қалъа дарвозаси томон кетдим» (90-бет) тарзида баён этилади. Бундай ўринлар ҳар икки асарда кўплаб учрайди. «Зафар йўли»га энг жиддий эътироз шунда бўлиши мумкинки, воқеалар баёни билан йиллар тўғри келмайди. Унда Соҳибқироннинг 39 ёшгача бўлган воқеалар ҳикоя қилинса-да, ҳали амир Ҳусайн ҳаёт. Қолбуки, ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, Ҳусайн Соҳибқирон 34 ёшлигида бу дунёни тарк этган бўлиб чиқади. Бундай чалкашликларни котибнинг ёки ровийнинг хатоси ҳам деб тушуниш мумкин, Ибн Арабшоҳ ҳам бобокалонимиз ҳақида гапирганда «... ёши 80 га етган бўлса-да» тарзида ноаниқ фикр юритади.

Хуллас, бундай нуқталарга аниқлик киритишни илм аҳли ҳукмига қолдириб, «Зафар йўли»нинг ҳам ғирт уйдирма эканини инкор этиб (*у ўша давр илм аҳли даврасида урф бўлган, кўп қироат қилинадиган халқ китобларидан бўлиши мумкин*), ундан Соҳибқироннинг ўз болалиги ҳақидаги эътирофларини келтирамиз. Уларда қайд этилишича, Темур 7 ёшда мадрасага борган, 9 ёшда беш вақт намозни ўрганиб, мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлиб олган. 12 ёшидан болаларча ўйинлардан орланадиган бўлган. 15 ёшга тўлганида муттасил овчилик билан машғул бўлган. 16 ёшида отаси масжидда отабоболаридан қолган одат бўйича аскарларга бошчилик қилиш – сипоҳсолорлик Темурга ўтганини маълум қилган. Тезда рўзгор юмушларини ҳам ўз зиммасига олади, отасининг номидан беклар, амирлар машваратларида иштирок эта бошлайди.

Халқ китоблари, афсоналарда ҳам ўсмир Темурнинг ҳайратомуз хислатлари ҳақида кўплаб қизиқ далиллар учрайди. Унга Хўжаи Хизр дуч келади ва подшо бўлишини каромат қилади. Мадрасада домла Оллоҳнинг 99 номини талабаларга ёдлатганида,

биринчи бўлиб Темур муборак исмларни адашмай, тўлиқ айтиб беради. Шунда домла ҳаяжонланиб, «Сен ҳақиқий Соҳибқиронсан» деб эътироф этади. Жисмоний бақувватлигини таърифлаб, юк тўла аравани бир қўли билан кўтарганини, аждарнинг бошини тиши билан узиб ташлаганини, қирқ киши тортадиган қовғани бир ўзи қудуқдан тортиб олишини баён қиладилар.

Ёши улгайган сари Темурбекнинг зуваласига оила тарбияси билан сингдирилган ҳалоллик, ҳар доим ҳақ тарафида бўлиш, ожизларга кўмаклашиш сингари фазилатлар барқ ура бошлайди. Халқ ҳикояларида унинг босқинчи мўғул навкарларидан юртдошларини ҳимоя қилгани, ноҳақ жабр чеккан оддий фуқарони ўз паноҳига олгани, зўравондан мазлумнинг ҳақини ундириб бергани тўғрисидаги тафсилотлар алоҳида меҳр ва самимият, халқона чечанлик билан акс этган. Адолатга ташна одамлар уни кучқудрат ва букилмас ирода соҳиби, ўтда ёнмас, сувда чўкмас мингбиржон сифатида тасвирлаганлар ва шу орқали ҳақнинг устуворлигига, қачондир, қайдандир нажот келишига ўзларини ишонтириб, оғир турмуш даҳмазалари остида эзилиб кетмасликка куч топганлар, халоскорни кутиб, умид билан яшаганлар. Темурбек тимсоли халқимизнинг шуурида асрлар давомида куйланган афсонавий қудрат, эртанги порлоқ куннинг ижодкори – қанотида бахт олиб келадиган Семурғ қуш бўлиб муҳрланган. Ундаги чексиз олижаноблик, кенг мушоҳада ва теран билим, букилмас ирода, раҳм-шафқатни бўрттириб ифодалайдиган кўплаб ҳикоятлар, бутун бошли китоблар яратилганки, уларда васф этилган қахрамонномалар замирида ҳаёт ҳақиқати бўлган, фақат ровий ёки котибнинг илтифоти туфайли улар янги тафсилотлар билан бойиб боверган.



Ўсмирлик йилларида дала-даштларни кезиб, чўпонлар, деҳқонлар, косиб-хунармандлар орасида яшаб, турмушнинг ранг-баранг манзаралари гувоҳи, кўплаб ҳаяжонли воқеалар иштирокчисига айланган йигитнинг саргузаштлари қанчалаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлганини тушуниш қийин эмас. Ўша олис замонлардан бошланган бундай муҳокамалар, таассуфки, ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. **(Бу ҳол бир томондан яхши, агар ростгўйлик устувор бўлса; бошқа томондан ёмон, агар ғаразли мақсадларга хизмат қилса).** Дейлик, бир ҳикояда Темурбек аёлни зўрламоқчи бўлган муттаҳамни чавақлаб ташлайди, бошқасида деҳқонга ташланган айиқнинг устига шижоат билан бостириб бориб, уни даф этади, яна бирида ёлғиз ўзи эллик нафар ўғрининг йўлини тўсиб чиқиб, уларни қўлга олади. Бундай ҳикояларнинг замирида аниқ одам шахсиятига сингдирилган халқнинг меҳрини, орзу-армонларини кўриш мумкин.

Ўша замонларда баҳодирларнинг шер, йўлбарс сингари ўрмон ҳукмдорлари билан яккама-якка олишувлари чинакам куч-қудратнинг намоёиши сифатида баҳоланган. Бундай жанглар тафсилоти Спантамана (*Спитамен*), Жалолиддин Мангуберди, Темурмалик сингари шерюрак баҳодирлар иштирокида қизиқарли ва ҳаяжонли акс эттирилган. Худди шундай, Темурбек ҳам тўқай ва тоғ-далалардаги шикор маҳали ҳаммадан кўп – 4 шер, 12 йўлбарс, ўнлаб қобонларни (*силовсин, қоплонларнинг ҳисобига этиб бўлмайди*) овлагани қайд этилади.

Хуллас, халқ ҳикоялари ижодкорининг ўзи каби самимий, меҳрга тўлиб-тошган кўнгилнинг изҳорларидек ёқимли таассурот қолдиради.

Соҳибқироннинг болалик йиллари Чингизийлар қудрати билан қарор топган осойишталик патаратга учраб, бошбошдоқлик бошланган, қавмлар, улуслар, уруғлар ўртасида низолар авж олган пайтга тўғри келди. Бу ҳолнинг изоҳи қуйидагича: 1348 йил қиши ниҳоятда қаттиқ келади. Қаршида турган Султон Қозонхоннинг отлари қирилиб кетади. Бундан хабар топган, олдинги икки жангда мағлуб бўлган амир Қазаған Амударё бўйларида Қаршига етиб келади ва Қозонхонни енгиб, уни ўлдиради. Бу жуда катта тарихий ғалаба эди, яъни шу билан Чингизийларнинг Мовароуннаҳрда 109 йил ҳукм сурган барқарор салтанатига чек қўйилади. Гарчи ҳукмдор орадан кўтариб ташланган бўлса-да, жорий бўлган тартиблар, хусусан, Чингизхон Ясоғи амалда эди. Унинг талабига кўра ҳукмдор Чингизхон наслидан бўлиши шарт эди. Ясоқ талабига кўра, Чингизхоннинг учинчи ўғли Ўқтой авлодидан Донишмандча хон қилиб кўтарилади. *(Бу билан Қазаған Чиғатой улусидан воз кечганини ҳам ифодалаган)*. У номигагина *(қўғирчоқ)* хон эди ва бор-йўғи икки йил ўтиб, феъли ёқмагач, Қазаған қатл этади. Энди Баёнқули хон аталади ва у Қазаған ҳукмдорлигининг сўнгги *(1358 йил)* гача шу маснадда туради.

Қазаған ғолиб бўлгач, пойтахтни Бухорога кўчиради, Қозонхоннинг мол-мулки ва ҳарамига эгалик қилади, қизи Сароймулкхонимни набираси, Мусалло *(Мусло, Мусаллаб)*нинг ўғли Хўсайнга олиб беради. Бу зот, тарих китобларида қайд этилишича, баҳодир, довурак, олийҳиммат ва соҳибқудрат киши бўлган. Мунк шаҳрини яйлоқ, Солисаройни қишлоқ сифатида танлаган. Ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, чегараларни кенгайтириш тадбирларини кўради. Унинг даврида, Яздийнинг эътирофича, турку тожик-

лар бениҳоят фаровонлик ва осойишталикда кун кечиришиб, барча тоифадаги одамлар бисёр бойликларга эга бўлишган.

Қазағаннинг улус амирлари, беклари билан ўтказадиган кенгашларида дастлаб Шаҳрисабз улуси номидан Муҳаммад Тарағай (*Қаршидан – Жоку барлос*) иштирок этарди. Икки амир сафардош бўлиб, фараз қилиш мумкинки, қуда бўлишга ҳам келишиб қўйишган эди: Жоку барлос қизи Турмиш оқани Тарағай баҳодир ўғли Темурга беришга рози бўлганди. Кейинчалик Темур отаси томонидан сипоҳсолор (*ота мулкига эғалик қилиш, навкарларни бошқариш вазифаси*) деб эълон қилинган, «Амир» сифатида тан олинади ва отаси номидан кенгашларда қатнаша бошлайди. Халқ китобларида нақл қилинишича, Амир Темур илк марта 18 ёшида шундай машваратларнинг бирида қатнашган.

Ёш амирнинг саҳти-сумбати, хатти-ҳаракати Қазағаннинг ҳам диққатини тортади ва шартта набираси Улжой Турконни Темурга никоҳлаб беради. Ана шу аснода Амир Темур Хусайн (*Қазағаннинг набираси, Улжой Турконнинг акаси*) билан танишади ва бу танишув Соҳибқирон фаолиятининг илк даврида ўчмас из қолдиради. Улар бирга кўнгилхушлик учун ов қилишади, ҳокимият кетидан баравар от суришади, ниҳоят, «икки кўчқорнинг боши бир қозонга сиғмай қолган» пайтлар ҳам бўлади.

Вақт ўтар, ҳаёт давом этарди. Албатта, ҳеч нарса беиз кетмайди, ерга сочилган уруғлар бир кун униб чиқади. Шундай ҳам бўлди. Соҳибқирон 20 ёшга тўлганда Оллоҳ уни бирданига икки ўғил билан ша-рафлади: Турмиш оқадан тўнғич ўғил туғилди, уни Пайғамбаримиз ҳурматига Муҳаммад деб аташди, кейин яхши ният билан «Жаҳонгир» нисбасини қўшишди. Канизак Тулун оқа эса Умаршайх аталган

анибандни тухфа этди. *(Истисно тариқасида қайд этилган жоизки, баъзи далиллар, хусусан, Ҳиндувон қалъаси фатҳида ёшининг 16 да эканлиги, ҳалок бўлганда эса 40 ёшга тўлганлиги Умаршайхнинг 1354 йилда таваллуд топганини тасдиқлайди)*. Бу шодликлардан бобо – Муҳаммад Тарағай баҳодир бағоят хурсанд бўлди. Амир Темурнинг ҳам мавқеи ошиб борди. Унга ато этилган баркамоллик атрофдагиларни у билан ҳисоблашишга мажбур қиларди. Машваратларда унинг таклифлари тош босадиган бўлди. Темурбек улкан юмушларга қодирлигини, беқиёс салоҳиятини аста-секин намоёни қила бошлади.

Ҳукмдор амир Қазаған бағрикенглик билан ёш амирни ўзига яқин олади, ундан меҳрини аямайди. Эътироф этиш лозимки, Соҳибқирондаги табиий иқтидор шу йилларда камолга етади, унинг салоҳиятини намоёни этиш имконияти туғилади. Бундай комилликни кўрган Қазаған уни мингбошилиқ мартабасига кўтаради, масъул топшириқлар ижросига йўллай бошлайди. Баъзи халқ китобларида Темурбекнинг савдо қарвонларини талаган қароқчиларни қўлга олгани, мамлакат ҳудудларида тинчлик-осойишталикни таъминлаш учун жидду-жаҳд кўрсатгани мароқли ҳикоя қилинади.

Ниҳоят, 1357 йил илк марта Амударёдан ўтиб, Хуросон ҳудудларига қадам қўяди ва Ҳирот ҳокими Малик Ҳусайн билан юзага келган ихтилофларни бартараф этиб келади. Амир Қазаған билан ғурийлар сулоласининг вакили Малик Ҳусайн ўртасида кўпдан буён зиддият мавжуд эди, табиатан сулҳпарвар бўлган Қазаған низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилар, баъзан тўқнашувларга ҳам бориларди, бироқ кўпинча амирнинг қўли баланд келарди. Соҳибқирон ўз раҳбарининг ишончига сазовор бўлгач, уни Ҳирот сари йўллайди, бу пайтда ёш қўмондоннинг додруги

узоқларга ҳам етиб борган, унинг кимлигини ғурий ҳам билар, аммо юзма-юз бўлмаганди. Шу ўринда халқ китобларида келтирилган бир тафсилотни эслаш ўринли. Рақибига нисбатан ғазаби ўт олган Малик ҳаяжонини жиловлай олмай, Темурбек ҳақида ҳақоратомуз гаплар тарқатади, «Бу тирранча ҳали менинг зарбамни билмайди, шундай қиламанки, унга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади» қабилида пўписалар қилади. Ҳикоя қилинишича, шу кеча Малик туш кўради. Тушида уни... пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) жаҳл билан қувиб юрган эмишлар. Буни кечаги қилиғининг шаккоклик эканлигига йўйган Малик муносабатини ўзгартирган, ўйлаб муомала қиладиган бўлган экан. Шундай қилиб, низо осон ҳал бўлади.

Амир Темур саркарда ва сиёсатчи сифатида намоён бўла бошлайди. Шу сафари давомида машҳур шайх Абубакр Зайниддин Тайободий зиёратига ноил бўлади. Йигитдаги талъатни кўрган, туғма истеъдодни хис этган пир унга камолот тилайди, панд-насиҳатлар қилади ва кўзига «Рости-русти» (*айнан таржимаси – «Туғри бўлсанг, ўзасан»*). Бу калима ҳозир «Куч адолатдадир» шаклида қабул қилинган) сўзлари ёзилган нодир узук тақдим этади, рост йўлдан озмаса, бутун ҳаёти давомида эришажак муваффақиятлари ҳақида сўзлайди, жумладан, Румни фатҳ этишини ишора қилади. Бу учрашув йигит руҳий оламининг тароват касб этишида катта омил бўлди, муътабар зот билан муносабатлар эса барқарор давом этди. Зайниддин Тайободий ҳазратлари бобокалонимизнинг маънавий пирларидан бири бўлиб қолдилар.

Қазағаннинг ишончини тўла қозонган Темурбек Хоразмда Сўфийлар билан юзага келган англашилмовчиликларни ҳам тинч йўл билан ҳал қилиб келади, бу гал ўзини уста синчи (*дипломат*) сифатида намоён этади.

Маҳаллий ҳукмдор бошқарувидаги дастлабки ўн йил ана шундай барқарор улгайиш ва комилликка интилиш тарзида ўтади.

«Ҳар кимнинг ўз қўшиғи бор» деганларидек, атрофдагилар ҳам ўз дардлари билан зир югурар эдилар. Инчунун, ҳукмдор – амир Қазағаннинг ҳам душманлари кучайиб бораётган эди. Бало эса оёқнинг остидан воқе бўлди. Овда куёви Қутлуғ Темур ўқни беҳато амирнинг юрагига қадаб қўйди. Қазағаннинг ўрнига ўғли Абдулло кўтарилди (**1358 йил**). У пойтахтни Самарқандга кўчирди. Абдулло табиатан енгилтак, қизиққон кимса эди. Ана шу феъли унга қимматга тушди. Дастлаб отасига сидқидилдан хизмат қилган Баёнқулихоннинг ҳарамига кўз олайтириб, уни ўлдирди ва ҳали балоғатга етмаган Темуршоҳни хон маснадига кўтарди. Шундан кейин унинг қилиқлари улус амирлари ўртасида норозиликларга сабаб бўлди. Оқибатда, Ҳисор ҳокими Баён сулдуз Абдуллога қарши бош кўтарди. Уни Кеш ҳокими Ҳожи барлос қўллаб-қувватлади. Ҳожи барлос ҳам Қорачор нўённинг авлодларидан бўлиб, Темурбекка амаки мақомида эди. Самарқанд яқинида бўлган жангда Абдулло енгилди ва Амудан ўтиб, Андароб томонга қочади (**кейинчалик ўша ёқларда вафот этиб кетади**). Шундан кейин Мовароуннаҳр жилови нисбатан мавқеи баланд бўлган Баён сулдуз қўлига ўтади, у Самарқандни вақтинча қароргоҳ тутади. Афсуски, у иродасиз, маишатга ўч, ичкиликка берилган зот эди ва шу туфайли қолган бекларни ўз атрофида жипс бирлаштира олмайди. Темиршоҳ ҳам хонлик маснадидан азл этилади. Амирлар ўзаро келишиб, ҳудудларни ака-укачилик (**ширкат**) асосида бошқариб турадилар.

Қазаған сулоласидан ҳукмдорлик кетгач, Мовароуннаҳрда бир-бирига бўйсунмайдиган ва бир-

бирини тан олмайдиган ўзича мустақил ҳудудлар пайдо бўлади. Кеш ва Қаршида – Ҳожи барлос, Ҳисорда – Баён сулдуз, Хўжандда – Боязид жалойир, Балхда – Менгли Буғо сулдуз, Шибирғонда – Муҳаммад Хўжа апарди, Хутталонда – Кайхисрав, Арҳангда – Ўлжойту апарди, Самарқандда – амир Хизр ясовурий хўжайин эдилар. Амир Ҳусайн Амунинг нари ёғида Хуросоннинг бир қисмини эгаллаб, бобосининг давлатига даъвогарлик қиларди.

Шуниси маълумки, бу туркий ҳукмдорлар бири бири билан келиша олмас ва шу туфайли ягона иттифоққа бошлари қовушмас эди. Аксинча, бири кучайса, бошқасига ҳужум қилиб ёки бир-бирини талаб, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётар эди. Ҳолбуки, умумий хавф – мўғуллар таҳдиди бартараф бўлмаганди. Фақат Чингизхон авлодлари ўртасида ҳам ўзаро ихтилофлар кучайиб кетганлигидан бу томонларни бир зум эсдан чиқаришган эди. Ҳам номига бўлсада, Чиғатой, кейин эса Ўқтой насли вакилларининг (**қўғирчоқ**) хон қилиб қўйилиши уларга тасалли бериб турарди. Мовароуннахрда ички зиддиятлар чуқурлашиб, бошбошдоқлик авж олгач, мўғуллар ҳам безовта бўлиб қолдилар ва, ниҳоят, қарийб 12–13 йиллик узилишдан сўнг ўзларининг собиқ мулкларига азимат қилиш, у ерларни тасарруфига қайта олиш фикрига тушдилар.

Бу пайтда Мўғулистон тахтини Туғлуқ Темур бошқарарди. У 1360 йилнинг бошида кўп сонли қўшини билан Мовароуннахр устига юради. Улуснинг тарқоқлиги туфайли деярли қаршиликка учрамай, жадал илгарилайди. «Темур тузуклари»да қайд этилишича, Туғлуқ Темур Хўжанд сувидан кечиб ўтгач, Амир Темур, Ҳожи барлос ва амир Боязид жалойир номига ёрлик жўнатиб, ҳузурига боришларини талаб қилган. Туғлуқ Темурнинг келаётганини эшитган

Хўжанд ҳокими Боязид жалойир қарши жанг қилиш ўрнига лашкари билан унга қўшилиб олади ва Кешга, Ҳожи Барлос устига душманни бошлаб келади. Чорасиз қолган Ҳожи барлос ўзида мўғулларга қарши куч топа олмагач, Амудан ўтиб, Хуросон тарафга кетишни афзал билади.

Албатта, Амир Темур ҳам Кешда, амакиси билан бирга эди. Шу кунларда отаси Муҳаммад Тарагай вафот этганди. Бу йўқотиш туфайли аламзада бўлиб юрган кунларнинг бирида мўғулларнинг бостириб келаётгани хабарини эшитади. Ёш амир ҳозиргача мўғуллар, уларнинг кирдикорлари ҳақида билар эди-ю, ҳали юзма-юз бўлмаганди. Эҳтимол, ўша дақиқаларда юртдошларидан Чингизийларнинг мислсиз бедодликлари ҳақида эшитган ҳикоялари унинг навқирон юрагида саросима уйғотган бўлса, ажаб эмас. Шунинг учун амакисининг таклифига рози бўлади. Кўч-кўрони билан Хуросон тарафга йўлга чиқади. Аммо падари бузрукворининг ҳали тупроғи совимаган қабрини ташлаб кетиши осон бўлмайди. Йўл бўйи уни ватандан қувилиш, ҳатто ота мазорини тарк этиш азоби қийнаб боради.

Бу азоб ҳозиргача – 110 йил давомида умумхалқ, умуммиллат даражасидаги азоб эди. Эл-улус она тупроқдан, хеш-ақрабодан, ор-номусдан мосуво бўлиш кулфатини бошини эгиб, миқ этмай тотишга, бу захру заққумни охирги томчисигача сипқоришга маҳқум қилинган эди. Қанчалаб одамлар дарбадарликда йўқ бўлиб кетмади, қанчалаб қиз-жувонлар номаълум тарафларга ҳайдаб кетилмади?! Бу кўргуликлар қуёшнинг чиқишидек, ёмғирнинг ёғишидек табиий қабул қилинар, бирор жонзот бу даҳшатли темир оқимга қарши боролмас, ҳатто бошини кўтариб, «Нега?» деб сўрай олмас эди.



...Саргардон карвон йўлда илгарилар, яқинда эркин от сурган дала-қирларни ғайриихтиёрий тарк этар, ҳозиргача ҳамма нажот топган усул – қочиш билан бошини омон сақлашга интиларди. Ана шу оқим сафида Амир Темур ҳам бор эди.

Шубҳасиз, ҳар ишнинг ўз фурсати бор, дейдилар. Қахрамонликни-чи? Бу фаолият олдиндан режалаштирилиб содир этиладими ёки вазиятнинг ўзи уни юзага келтирадими? Эҳтимол, қахрамонлик – ҳамма биладиган, бироқ ҳеч ким айта олмаётган гапни айтишдир. Эҳтимол, зарурат бўлган, аммо ҳеч кимнинг қурби етмаётган юмушни бажаришдир. Нима бўлганда ҳам қувилган, пароканда бўлган карвоннинг изми билан кетиш бошқа гап эди, унинг сафидан чиқиб, ватанда беватан, бемурувват қолган эл-улус сафига қайтиш бошқа гап эди. Амударёга етгунча Темур икки ўт орасида қоврилиб борди ва, ниҳоят, карвонбоши Ҳожи барлосга юрагини изҳор қилди: «Мамлакат ҳокимсиз қолса, у муҳолифлардан хароб бўлади. Сиз Хуросонга кетсангиз, мен Кешга қайтаман...» Бу таклиф чиллада ёққан қордек кутилмаган ҳол эди. Аслида, ҳукмдорда шундан ўзга – халқ нақлида айтилганидек, «Тирик бўлсак – бир тепада, ўлсак – бир чуқурда» қабилида мардона қарор қабул қилишдан бошқа йўл йўқ эди. Агар йўлбошчида бундай жасорат етишмаса-чи, унга ҳам жони ширин туюлаётган бўлса-чи? Темурбекнинг аҳди қатъий, амаки эса шароит қаршисида ожиз эди. Ҳожи ижозат берди. Темурбек отининг жиловини ортга қайтарди.

Кейинчалик маълум бўладики, бу қайрилиш бутун дунё тарихида туб бурилиш ясади, инсоният тараққиётини янги босқичга кўтарди, ўз таърифи, шон-шавкатини то қиёматгача тилларда дoston бўлиб қолишини таъминлайди. Бу қайрилиш том маъноси билан буюк жасорат эди.

## БУЮК ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ

**1336 йил, 9 апрель, ҳижрий 736 йил, 25-шаъбон** – Темурбек (*Амир Темур, Соҳибқирон Амир Темур*) Кеш вилоятида Муҳаммад Тарағай оиласида дунёга келган.

**1340 – 1343 йиллар** – болалик, «Подшо билан вазир» сингари ўйинлар, тенгдошлар орасида алоҳида белгиларнинг намоён бўлиши.

**1343–1351 йиллар** – мадрасада таҳсил. Тоғларда. Чўпонлар ҳузурида. Ов. Рўзғор юмушларини бошқариш.

**1346 йил**, қиш – маҳаллий ҳукмдорлардан Қазағаннинг (*қароргоҳи – ёзда Солисаройда, қишда – Балхда бўлган*) Қозонхон устидан ғалаба қозониши ва тахтга чиқиши. Пойтахтнинг Занжирсаройдан Бухорога кўчирилиши. Мовароуннаҳрда вақтинча Чингизийлар ҳукмронлигига чек қўйилиши.

**1352 йил** – Муҳаммад Тарағай томонидан ота-боболардан қолган одат бўйича ота мулкига эгалик қилиш, навкарларга бош бўлишни ўғли Темурбекка ўтганлигининг маълум қилиниши.

Амир Қазаған хизматида мингбоши. Хуросон ва Хоразм юришларида жасорат кўрсатди.

**1354 йил** – Темурбекнинг Қарши бекларидан Жоку барлоснинг қизи Турмиш (*Нурмушк*) оқага уйланиши.

**1356 йил** – Соҳибқироннинг фарзандлари – Муҳаммад Жаҳонгир ва Умаршайх (*баъзи тарихий далиллар уни 1354 йилда туғилганини тахмин қилишга изн беради*)нинг дунёга келиши.

Темурбекнинг амир Қазағаннинг набираси Ўлжой Туркон оқага уйланиши.

**1358 йил** – амир Қазағаннинг ўз куёви Қутлуғ Темур томонидан ўлдирилиши. Тахтга амир Абдуллонинг ўтириши.

Мамлакат пойтахтининг Самарқандга кўчирилиши.

**1359 йил** – Мовароуннаҳр амирларидан Баён сулдуз ва Ҳожи барлоснинг амир Абдуллога қарши бош кўтаришлари.

**1360 йил** – Мовароуннаҳрнинг ўнга яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетиши.

**Баҳор** – Мўғулистон хони Туғлуқ Темурнинг Мовароуннаҳрга юриши.

Падари бузруквор Муҳаммад Тарағай вафот этди. Кеш ҳокими Ҳожи барлоснинг Хуросонга қочиши.





## МАҚСАД САРИ

(1360–1370 йиллар)

Албатта, тулпорни жиловлаш, отнинг бошини буриш узоқ йиллар давомида қарор топган тартибларни бошқа, янги изга солиб юборишдан осон эди. Ўшанда Мовароуннахрда, умуман, Чингизхон авлодлари истило қилган ҳудудларда босқинчиларнинг иродаси ифодаси ўлароқ ҳозиргача қарор топиб улгурган исломий тартиблардан тубдан фарқ қиладиган, ғайрианъанавий, ғайримиллий одатлар қарор топган эди. Темурбек бир қатъий ҳаракати билан ана шу тартибларга – ижтимоий ҳаёт оқимиға қарши боришга жаҳд этган эди. Бундай аксилҳаракат жуда катта, мислсиз куч талаб қилардики, Темурнинг ихтиёрида ҳали бундай салоҳият йўқ эди, фақат истак, бўйсунмас ғурур, сўнмас иштиёқ мавжуд эди, холос. Соҳибқироннинг кейинги бутун ҳаёти, бор умрининг мазмуни юракнинг, қалбнинг тубларида жўш уриб ётган, ҳали бировга айтишга ҳам истиҳола қилинаётган оламшумул ниятлар – миллатни хорзорликдан халос қилиш, унинг шаъни, обрўсини улуғлашга қаратилди ва, не бахтки, ана шу улуғвор орзулар эгаси ўз мақсадига тўла-тўқис эришди. Тўғри, ўша пайтда толеда битилган ёруғ кунларни тасаввур ҳам қилиш қийин эди. У чоқда улуғ ғалабалар эмас, оёқнинг тагидан тиканакдек ўсиб чиққан ташвишларни бартараф этиш кўринарди кўзга. Зотан, ҳар бир қадамда ўйлаб иш тутиш, етти ўлчаб бир кесиш, хато қилмаслик талаб этиларди.

Темурбек Кешга қайтишга аҳд қилганда ўзини қандай синовлар кутаётганини билар эди. Жаҳлга

тўлган Чиғатой улуси хони бир ишора билан уни маҳв этиши мумкин эди. Ёки унинг иқтидорига шохид бўлган, келажакда ўзининг истаги йўлида уни асосий рақиб деб билган маҳаллий тахтпарастлардан бири гумдон қилиши қийин эмас эди. Гарчи ана шундай хавфлар кўндаланг турса-да, Темур тақдирни оқимга ташлаб, Яратганга таваккал қилиб орқага қайтди.

Энди қандай йўл тутмоқ лозим? Фурсат ғанимат, вақт қиличи бошда ўйнамоқда, девор икки томондан қисиб келаётир. «Темур тузуклари»да ёзилади: «Шу ҳол асносида пирим (*Тайободий*)дан маслаҳат сўраб, хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юборибдилар: «Тўртинчи халифа (*ҳазрати Али ибн Абу Толиб*)дан... бир киши сўрабдики, осмон – камон, ер – камон ипи, ҳодисалар ўқ бўлса, инсонлар у ўққа нишон бўлса, отғувчи эса Худойи таоло бўлса, ... одамлар қаерга қочадилар?» Халифа жавоб қилиб: «Одамлар Яратганнинг қошига қочсинлар» дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлуқ Темурхоннинг олдиға «қоч»ғил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олғил».

Бу жавоб келиши билан Соҳибқироннинг кўнгли кўтарилиб, бундан юраги қувват олиб, Туғлуқнинг қошига боришга аҳд қилади. Ҳолбуки, вазият тақозасидан келиб чиқиб, мухолифатда ҳам бўлиши мумкин эди. Шунингдек, у ўша пайтда кўпроқ таомилда бўлган тарафдорларни тўплаб, босқинчиларга чет-четдан ҳужум қилиш (*партизанлик уруши*) ёки қароқчилик, йўлтўсарлик усулларида фойдаланмади, бу тартибда улуғ мақсадга эришиб бўлмаслигини чақмоқдек ақли билан тушуниб етди ва жасорат билан хоннинг ҳузурига бостириб кириб боришни тўғри, деб топди. Бу билан у ҳаётини икки карра хавф остига қўйди...

Амудан қайтиб, Ғузорга келганда маҳаллий беқлардан ясурий (*ясавурий*) уруғидан Ҳожи Му-

хаммадшоҳни учратди. У Жета лашкарига йўл-бошловчи бўлиб келган ва атроф қишлоқларни аёвсиз талаётган эди. Темур Ҳожига мўғул лашкарбошилари билан учрашиш нияти борлигини билдирди. Туғлуқ Темур Қаршида (*баъзи манбаларда Хўжанд суви – Сирдарё ёқасидаги Чаноқбулоқ деган жойда*), фавж бошлиқлари – Улуғ Темур, Ҳожибек, Беккичик (*Бекчик, Бекижак*) Кеш вилоятида қўним топган эдилар. Темур Кешга совға-саломлар билан борди, очкўз беклар шунинг эвазига уни яхши кутиб олдилар, илтифот кўрсатдилар:

– Хонга мутеъ бўлмоқ керак, – деб маслаҳат бердилар.

Темур ҳам вазият тақозаси билан қўл қовуштириб:

– Мен қуллуққа келдим, ҳар не буюрсангизлар, тайёрман, – деб турди.

Туғлуқ Темур билан учрашув ҳам кўнгилдагидек ўтди. Темур ўзини намунали тутди, уста дипломатлик санъатини намойиш этди. Бундай муомаладан эриб кетган Жета ҳукмдори Кеш музофотини Аму соҳилларигача бўлган ерлар билан қўшиб, суюрғол қилиб берди. Албатта, Туғлуқ Темурга ҳам садоқатли тарафдорлар керак эди. Маҳаллий аҳоли ўртасида мавқеи анча баланд бўлган ёш Амир Темур унга муносиб ва ишончли таянч бўлиши мумкин эди. Ана шундай узоққа мўлжалланган мақсад билан Темурбекни яхши кутиб олди ва сийлади.

Бу пайтда Мўғулистонда ҳам аҳвол яхши эмас, ички низолар кучайиб бораётган эди. Туғлуқ Темур ўғли Илёсхўжани Мовароуннаҳрда, Самарқандда қолдириб, ўзи Жетага қайтиб кетди.

Амир Темурга нафас ростлаб олиш, ўз йўлини тайин этиш учун имконият туғилган эди. У асосий

этиборни атрофдаги беклар билан муносабатларни яхшилаш, улар билан иттифоқ бўлиб, бирлашишга қаратди. Самарқанд ҳоқими **Хизр ясаурий**, Хўжанддан **Боязид жалойир** Темурбек ҳузурига келиб, ҳамкорлик истагини изҳор этдилар. Албатта, умумий душман – мўғулларга қарши курашда бир туғ остида бирлашишдан ўзга йўл йўқ эди. Мовароуннаҳрда этиборли бекларнинг бу ҳаракати Амир Темурнинг мақсад сари қатъий бўлишга руҳлантирди.

Бу пайтда Жайхуннинг нариги қирғоғида яна бир шер наъра тортиб, майдон талаб қилиб юрарди. Бу – Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб маҳаллий ҳукмдорлар салтанатини ўрнатган **амир Қазағанинг набираси амир Хусайн** эди. Маълумки, унинг синглиси Ўлжой Туркон оқа Соҳибқироннинг никоҳида эди ва уларнинг қариндошлиги бор эди.

Амир Темур Кеш вилоятидаги юмушлар билан банд бўлиб турганда Хусайдан хабар келди. У Кобулдан қўшин тортиб, Ҳисори Шодмонга, Баён сулдуз устига юриш қилмоқчи эканини билдиради. Хусайн бобосининг давлатини қайтариб олиш, ўша ҳудудларда якка ҳукмдор бўлиш иштиёқида ёнарди. Дарёнинг бу тарафидаги Кеш, Самарқанд ва Хўжанд беклари ўзаро маслаҳатлашиб, Боязид жалойир (**Хўжанд**) чегараларда кўз-қулоқ бўлиб турадиган, Амир Темур ва Хизр ясаурий Хусайнга ёрдамга борадиган бўлишди.

Албатта, бу юриш маҳаллий туркий беклар ўзаро ички низоларининг бир кўриниши эди. Баён сулдузда қаршилик кўрсатадиган куч йўқ эди ва қалъани ташлаб қочди. Шу кетишда бирлашган қўшинлар Бадахшон ва Хутталонни ҳам забт этдилар, Хусайннинг хумронлиги устувор бўлди.

Хусайннинг дасти узунлигини таъминлаган шу юришда у бир воқеани содир этдики, унинг асорати умр бўйи уни тарк этмади, қолаверса, пировардида ҳаётига зомин бўлди. Хусайн Хутталон ҳокими Кайхусрав (**у қочиб улгурган эди**)нинг асир тушган укаси Қайқубодни ўлдирди. Албатта, ғалаба қурбонсиз бўлмайди. Хусайн ва унинг тарафдорлари зафар билан қайтдилар.

Бу Амир Темурнинг суюрғол қилинган ҳудудлардаги ҳукмдорлиги давридаги Кеш вилоятидан ташқари биринчи сафари эди. Ҳар ҳолда мақсад унга насиб этди. Кеш яқинидаги Улуғмайдон деган жойда зиёфат тузиб, ғалабасини нишонлади. Хизр ясавурийни яхши меҳмон қилиб, уни Самарқандга кузатиб қўйди.

Албатта, ҳамма нарсанинг биринчиси эсда қолади. Кейинчалик Соҳибқирон зафарли юришларида кўплаб ғалабаларни қўлга киритди ва бир нарсани қатъий одатга айлантирди: ҳар бир яхши кундан сўнг, албатта, тўй тузиш, зиёфат беришни қанда қилмади. Бу зиёфатлар бағоят тантанавор ва тўкин-сочин бўлганлигини, улар 3 кун, бир ҳафта, ярим ой, ҳатто, 40–60 кунгача давом этганини муаррихлар ёзиб қолдирган. Бу далил Соҳибқироннинг ниҳоятда ҳаётсевар бўлганидан, одамларнинг шодлиги, қувончидан ўзи ҳам завқланишидан дарак беради. Демак, у, баъзи ғайир кимсаларнинг наздича, фақат қон тўкиш, вайрон қилиш, босиб олиш учун яшамаган, балки унинг тириклик шиори, ҳаётининг мазмуни бутунлай бошқача бўлган. Шу жиҳати билан Амир Темур Чингизхондан тубдан фарқ қилади. Бу борада бири тун бўлса, бири – кун. Бири оқ бўлса, бири – қора. (**Бундай фарқланувчи белгиларни неча ўнлаб санаш мумкин**).



Афсуски, у пайтда ҳаёт тўй-базмлардан иборат эмас эди, аксинча, ҳар куни жанг, қирғин-барот, десак тўғрироқ бўлади. Яна Ҳусайнга қарши кучлар бош кўтаради. Бу ёқда Хуросон тарафга қочиб кетган Ҳожи барлос (*Темурнинг амакиси*) пайдо бўлиб қолади ва Хўжанд ҳокими билан иттифоқ тузиб, Кешнинг янги ҳокимига қарши майдонга чиқади. Қаранги, яккахукмронлик васвасаси икки қариндошнинг бирига тиг кўтаришига олиб келди. Шу аснода белларнинг феълидаги яна бир аломат юзага чиқади. Темур Ҳожи барлосга қарши курашда Самарқанд ҳокими Хизр ясавурийдан кўмак сўрайди. Ҳар ҳолда ўзининг шарафига Кеш яқинида Темур уюштирган зиёфат эсидан чиқмаган бўлса керак, таклифни қабул қилади. Икки кўшин Оқёр мавзесидан учрашади. Тўқнашув уч кун давом этади, шу орада Ҳожи барлос айғоқчилар юбориб, рақиблари қўл остидаги кўплаб лашкарни ўз томонига ағдариб олади. Бу ҳолни Темурбек ва Ҳожи бирлашяпти, деб тушунган Хизр ясавурий бирданига майдонни тарк этади. Шундай қилиб, кечаги иттифоқчилар душманга айланадилар. Бундай «тўлғама» ҳаракат – бугун бир тараф, эртага у тараф қабилидаги ҳолат у пайтда оддий нарсага ўхшайди. Амир Темур кейинчалик ҳам атрофидагиларнинг бетайинлиги (*балки сотқинлиги*) туфайли кўп бора оғир аҳволда қолади. Фақат омад ва тақдир ҳукми билангина қутулиб кетади.

Чорасиз қолган Темурбек ғурурини енгиб, амакиси Ҳожи барлос ҳузурига боришга мажбур бўлади. Бир ўзи қолган Темур яна тарафдорларини кўпайтиришга мажбур бўлади, вазият тақозасига кўра Боязид жалойир билан иттифоқ бўлади ва ҳатто Суруш мавзесидан Хизр ясавурий билан тўқнашишга ҳам тўғри келади. Амир Темурнинг қўли баланд келгач, Мовароуннаҳр ҳудудида учинчи кучнинг йўли кеси-

лади, энди зиддият Боязид жалоир билан маҳкам тил топишган Ҳожи барлос ва Темурбек ўртасида воқе бўлади. Бу пайтда Боязид Самарқандни, Ҳожи Ҳаса Кешни эгаллаб олган, фақат ўртада Темурбек уларга халақит қилаётганди. Албатта, уни ўртадан кўтариб ташлаш фикри икковини тарк этмасди ва турли ҳийлалар ўйлаб топиларди. Жумладан, Боязид кўлидан кетган Хўжандни эгалламоқчи, бу юмушда Ҳожининг кўмагидан фойдаланмоқчи бўлади. Темурбекка хат ёзиб, «Кешда учрашайлик, сен ҳам кўшининг билан етиб кел» таклифини билдиришади. Бу пайтда чеккароқ ҳудудларда (*балки Тошқўрғонда*) бўлган Темурбек ўз мардлиги ва дўстларга содиқлиги рамзи сифатида айтилган манзилга етиб келади. Уни махсус ясатилган чодирга таклиф қилишади. Шунда Соҳибқироннинг чақмоқдек ақли бунда бир фитна яширинганини сезади ва «Бурнимдан қон келиб қолди» дея баҳона қилиб, ҳовлини тарк этади, эгар устига ўзини олиб, отини қичайди. Шундай қилиб, душманлар тузоғидан чиқиб кетади. Чодирнинг кириш жойида ўра қазилган ва устига гилам ташлаб қўйилганди. Яккама-якка олишувда кучи етмаслигини сезган рақиблар Темурбекни чоҳга қулатиб, маҳв этмоқчи бўлишганди.

Режаси барбод бўлганидан дили хуфтон Боязид жалоир Ҳожи барлосдан юз ўгириб, Хўжандга кетди. Темурбек ҳам бу беклар билан тил топиш қийинлигига ишонгач, Термиз тарафга йўл олди. Унга инъом этилган ҳокимиятнинг тоши енгил эканини тушуниб, атрофида кучларни тўплашнинг янги воситаларини қидира бошлади. Бу пайтда мўғулларнинг зулми кучайгандан кучаяр, эзилган халқ нажот ис-таб, чарх урарди. Халқ китобларида авом номидан маҳаллий арбобларнинг Темурбекка қасос олиш учун майдонга чиқишга даъват этиб, қайта-қайта муро-

жаат қилганлари дарж этилган. Демак, ёш саркарда дастлабки ҳаракатлари билан умид учқунларини йилтирата олган, омма ўз нажодкорини топгандек бўлган экан. Афсуски, ҳали зулм тоғини синдирадиган кучлар тайёр эмас, шароит етилмаганди.

Ҳатто туғишганлар ўртасидаги дунё талашиш васвасалари поёнига етмаганди. Ҳожи Барлос турли фитналар билан мақсадига эриша олмаслигини билгач, майдон талаб қилди. Ниҳоят, икки қариндошнинг қўшини Ангорда юзма-юз бўлди. Ҳожи барлос Темурнинг зарбига дош беролмай, қочди. Уни Термизгача қувиб бордилар. Темурбек ҳам қайноғаси амир Ҳусайн билан бирлашиш фикрига тушди, ҳар ҳолда бегона эмас, бир, ҳатто икки марта мушкул аҳволдан чиқишига қўмаклашди. Ахир халқда «Соя кўрсанг, кўнглинг тўқ» деган мақол бор. Аммо Ҳусайн қандай хаёлда эди – буни келажак кўрсатади.

Мовароуннаҳрда авж олган бундай бошбошдоқликдан хабар топган ва ўз вилоятида вазиятни барқарорлаштиришга улгурган Туғлуқ Темур 1361 йил март ойида иккинчи марта шу тарафга юзланди. Бу сафар ҳам маҳаллий беклар совға-саломлар билан унга пешвоз чиқдилар, бироқ мўғулнинг кайфияти чатоқ эди. У Хўжандга келиб, Боязид жалоийрни ўйлаб ўтирмай қатл этди. Бу хабарни эшитгач, тама илинжида қуллуқ қилиб келган Ҳожи барлос олдин Боязид билан ҳамтовоқлигини, мўғулга мухолифатда бўлганини эслаб, қўрқиб қолди ва изига бурилиб, Хурросон томонга ўтиб кетди. У шу кетишда қайтмади, кейинчалик Сабзавор вилоятида иниси Идуки барлос билан қароқчилар қўлида ҳалок бўлди. Амир Темурга толеъ юлдузи балқиган пайтларда Сабзаворда ўша бузуқиларни топтирди ва амакиси учун шафқатсиз ўч олди, ўша ерларни Ҳожи барлоснинг авлодларига мулк қилиб берди.

Туғлуқ Темур лашкари сафида Ҳомид тархон деган оқил ва доно киши бор эди, у Темурбекнинг отасини яхши билар, юрагида унга меҳри ўзгача эди. Хон олдида яхши мавқега эга бўлган тархон Туғлуқ Темурга Амир Темурни яхши сўзлар билан таърифлайди ва отасининг мулкини унга мерос қилиб беришга кўндиради.

Амир Ҳусайн дарё ортида ўз ҳукмронлигини қарор топтирган эди. Туғлуқ Темур унинг устига юриш қилди. Ҳусайннинг душманларидан Баён сулдуз ва Кайхисрав қуллуқ қилиб, хонга келиб қўшиладилар. Ҳусайн қарши туролмай қочди, уни Қундуз вилоятигача қувиб бордилар. Мўғуллар ўтган жойларини шафқатсиз талаб, ўша баҳор ва ёзда шу ерда қолдилар.

Ўша қўниш асносида Туғлуқ Темур биродари Йасун Темурнинг қизини ўзига садоқат билан хизмат қилган Хутталон ҳокими Кайхисравга никоҳлаб беради. Кейинчалик улардан туғилган қиз Руқия хоникани Амир Темур тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга келин қилиш истагини билдирди.

Кузда Туғлуқ Темур Самарқандга келиб, янги нўёнлар тайинлади, ўзига ёқмаганларни, жумладан, Баён сулдузни қатл этди. Ўғли Илёсхўжани хон деб эълон қилди, Беккичикни улуғ бек қилиб қўйди. Туғлуқ Темур Амир Темурга боболари – Қобулшоҳ ва Қочули баҳодир томонидан битилган аҳдномани кўрсатиб, уни сипоҳсолор (**қўшин бошлиғи**) этиб тайинлади. 25 ёшли йигит учун бу жуда катта мавқе эди.

Шу билан яна ички низолар кучайгани сабабли Туғлуқ Темур Жетага қайтиб кетди.

Мовароуннаҳр қайтадан мўғуллар қўлига ўтган эди. Улар яна олдингидек беаёв ва ўзбошимча сиёсат юргиза бошладилар. Айниқса, Беккичикнинг золим, очкўзлиги, Илёсхўжанинг эса базму зиёфатга

муккасидан берилгани туфайли тартибсизлик ав-  
жигачиқди. Халқнинг ҳолидан хабар оладиган зот  
қолмади, аксинча, ғоят оғир азобга дучор қилинди.  
Тарих китобларида 70 нафар сайид ва сайидзода-  
ларнинг ҳибсга олиниб, азоблангани, мўғуллар маи-  
шати учун 400 нафар қиз асира қилиб олиб кетилгани  
сингари далиллар қайд қилинган.

Ўшанда эл-улуснинг кўзи яна Амир Темурга ти-  
килган эди. Гарчи унга яхшигина мавқе ва имтиёз  
ҳадя этилган бўлса-да, мўғуллар сафида айшини  
суриб юриши мумкин эса-да, юз бераётган бедод-  
ликларга тинч қараб турулмади. Давлат ишларида  
лаёқатсиз бўлган Илёсхўжанинг хоҳишига қарши  
бориб, ўзи мустақил йўл тута бошлади. Темурнинг  
бундай йўриғи мўғул ҳукмдорларга ёқмайди ва улар  
Туғлуқ Темурга хат ёзиб, шикоят қиладилар. Туғлуқ  
Темур ўзбошимча сипоҳсолорни ўлдириш ҳақида  
фармон беради. Бир тасодиф туфайли бу хат (**фар-  
мон**) Темурнинг қўлига тушиб қолади ва вазиятнинг  
муросасизлигини ҳис этиб, тезда Самарқандни тарк  
этади. Шу билан унинг узоқ – 7–8 йил давом этган  
оғир, саргардонлик кунлари бошланади.

Дастлаб уламо ва машойихларнинг фатвоси би-  
лан мўғулларга қарши исён қилмоқчи бўлган Амир  
Темурни фақат Ийгу Темур ва амир Жоку барлос  
қўллаб-қувватладилар. Лекин Мовароуннаҳр аҳли  
қандай йўл тутуди, кимнинг тарафида бўлади, деган  
савол Соҳибқиронни ўйлантиради. У ўзига тарафдор  
60 йигит билан шаҳардан чиқиб, тоғда кутиб тура-  
ди. Афсуски, бошқа ҳеч ким унга келиб қўшилмайди.  
Шунда тутган йўли – мўғулларга қарши бормагани  
тўғри бўлганига ишонади. Энди Жайхундан ўтиб,  
Бадахшон тарафларга кетиш ва ўша ёқдан лаш-  
кар тўплаш фикрига боради. Бухоронинг Сухори

қишлоғида яшаётган пирлари Саййид Мир Кулол хузурига ташриф буюриб, ўз мақсадини баён этади. Пир Темурга Хоразмга боришни маслаҳат беради. Шу томонларда амир Ҳусайннинг ҳам нажот истаб юргани маълум бўлади.

Илёсхўжа Темурбекнинг Хоразм тарафга кетганини эшитиб, Хива ҳокими Таваккал (**Тукал**) баҳодирга хат ёзиб, унга қарши чиқишни ва ўлдиришни буюради. Чўлдаги сарсон кезишлар давомида, Соғиж қудуғи атрофида Темурбек ва Ҳусайн учрашадилар, бир-бирларига соғинч изҳор қилиб, иссиқ кўришадилар. Улар Пойоб деган жойга етганларида Таваккал минг кишилиқ кўшин билан бостириб келиб қолади. Ўртада муросасиз, кескин жанг бўлади. Шу жангда Ҳусайннинг ҳалок бўлишига бир баҳя қолди. У душман қуршовига тушади. Аҳволни кўриб турган Темур ёрдамга шошилди ва Ҳусайнни қутқарди. Унинг оти ўлдирилди, ўзи пиёда қолди. Тенгсиз жангда Темурнинг йигитлари шердек олишдилар. Улар енгилга етдилар. Шу жангда Таваккалнинг минг аскаридан эллик нафари омон қолди. Темурнинг атрофида эса олтмиш кишидан тирик қолган етти отлиқ ва уч пиёда бор эди. Ана шу сафарда Темурнинг рафиқаси Ўлжой Туркон ва Ҳусайннинг хотини Дилшод оқа ҳам бирга эди.

Нажот излаб, Хоразм чўлларида кезиш бошланди. Бир кеча қандайдир қудуқ бошига қўндилар. Ўша кечаси пиёда юрган уч нафар хуросонлик буларнинг учта отини миниб қочиб кетибди. Энди 7 киши уч от билан қолди. Жўйиқий деган жойга етганларида узоқдан бир тўда одамнинг қораси кўринади. Яйдоқ чўлда қочиб қутилишнинг иложи йўқ эди, шунинг учун аёлини бир эски қудуққа яшириб, Темур уларга қарши таваккал қилиб боради. Улар туркмонлар

эди. Гап энди курол-яроққа бораман, деб турганда, туркмонлар сафидан Ҳожи Муҳаммад отлиқ киши Темурбекни таниб қолади. Унга азбаройи ҳурмати юзасидан яхши муомалада бўлади, меҳмон қилади. Темур унга бир лаъл ҳадя этади. Бундан эриб кетган Ҳожи Муҳаммад уч от, мўл озуқа беради, ғажарчи қўшиб, чўлдан чиқиб олишларига кўмаклашади. Соҳибқирон Ҳусайнни топади, уни отлантириб, Маҳмудий мавзеси **(Қорақум саҳросининг шарқиди)**га етиб оладилар. Шу ерда бир қудуқ қазадилар ва 12 кун дам олиб, ҳордиқ чиқарадилар...

***(Шу воқеаларнинг бадиий инъикоси сифатида ёзилган муаллифнинг «Шер ҳамлага чоғланади» (2013 йил, апрель-август) киносценарийсида Темурбек, Ўлжой Туркон ва бошқа иштирокчилар тинсолини экранда гавдалантиришга ҳаракат қилинган.)***

Улардан хабар топган саҳро бекларидан бири бостириб келади ва Темурни гаровга олиб, Мохон **(ҳозирги Марв)**га олиб кетади. Бу Ҳожи Муҳаммаднинг иниси Алибекнинг иши эди. Темурни бурга ва кана тўла бир ертўлага ташлайдилар. Воқеадан Ҳожи Муҳаммад **(у шу пайтда Тусда эди)** хабар топгунча, 62 кун зах ертўлада сақлайдилар. Ниҳоят, жасорат билан Темур ўзини озод қилади. Чарчаб, пароканда ҳолда чўлдан қайтаётганларида йўлда Санжарийлар беги, Мохон ҳокими Муборакшоҳ йўлиқиб қолди. У Темурбек ва ҳамроҳларига илтифотлар кўрғазди, озуқа, турар жой ва от-улов билан таъминлади. Кейинчалик Амир Темур Муборакшоҳ Санжарийнинг қийинчилик пайтида кўрсатилган бу яхшилигини унутмади ва унинг авлоди тўла эмин-омонликда кўн кўрди.

Чўлдаги бу саргардонликлардан мурод ҳосил бўлмагач, Темур ва Ҳусайн ажралишга, ўз юртларига

кетишга ва лозим бўлганда Сеистон яқинидаги маълум жойда учрашишга аҳд қилиб, тарқалдилар.

\* \* \*

Темур бир ойдан кўпроқ чўлу қумлоқларда, чангизору тўқайларда тентираб юрди. Ўлжой Турконни Бухорзиндон деган жойда қолдирди. У кўзга кўрина олмасди, атрофга айғоқчилар қўйилган, қўлга тушса, Илёсхўжага топширишлари аниқ эди. Ниҳоят, хуфриёна Самарқандга йўл олди. Мақсади – аҳвол билан танишиш – тарафдорлар орттириб, лашкар тўплаш эди. У опаси Қутлуғ Туркон оқаникида 48 кун яшадди. Аммо вазият бирон амалий чора кўришга имкон бермасди. Самарқандда эканлиги сезилиб қола бошлагач, бу ерни ҳам тарк этишга тўғри келди. Бундан кейинги воқеалар ҳақида «Зафарнома»да «Кешнинг жилғасига кирди ва Ачиғи отлиқ кентда қутбдек турди», дейилади. Асарда берилган изоҳда эса «Кеш атрофидаги Ачиғи кенти ҳақида хабар сақланмаган»лиги кўрсатилади. «Темур тузуклари»да эса «Аму бўйидаги Ачиғий деган ўнқир-чўнқир ерга келиб тушдик» деган жумла бор. Шунингдек, бошқа бир манбада бу жой «Ниёзий кенти» тарзида кўрсатилган. Агар жойларнинг амалдорларга мулк (*ниёз*) қилиб берилишини кўзда тутсак, бу жой балки унча-бунча одам бора олмайдиган узоқлардаги баланд тоғлар ораси ҳам бўлиши мумкин. Ҳақиқатда эса Шаҳрисабз туманининг кун чиқиш тарафида тоғлар орасида Аччиғи деган қишлоқ ҳозир ҳам мавжуд.

Албатта, Яздий таъкидлаган «кент» тушунчаси қай даражадаги аҳоли масканини ифодалайди, билмадик, бироқ Темурнинг ўша пайтда кўздан йироқ бўлишни хоҳлагани учун унинг бу қишлоққа борганини тахмин қилиш мумкин. Темур Ачиғида «нақт 48 кун турди» дейилади. Демак, унда атроф-теваракни кўздан



кечириш, асосий мақсади – аскар тўплаш борасида самарали саъй-ҳаракат қилиш имкони бўлган.

Умуман, ўлкамизда Темур ва Темурийлар номи билан боғлиқ жой – дарё, тепалик, ғор, тоғ, йўл номлари кўплаб учрайдики, бу далил ҳам алоҳида тадқиқотни талаб қилувчи мавзу. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, икки ғор ҳақида мулоҳаза билдириш мавриди келди. Уларнинг бири Чироқчи туманидаги Тарағай қишлоғи тепасида бўлиб, иккинчиси Ҳисор тизма тоғлари ҳудудида, Тошқўрғон қишлоғи яқинидадир. Биринчиси одам энгашиб, эмаклар аранг юрадиган ингичка кўринишда бўлса, иккинчиси ўз жойлашуви, манзараси билан чинакам табиат мўъжизаси (**у ҳақда кўп қисмли телефильм ҳам ишланган**). Ҳар иккала ғор Амир Темурга нисбат берилади. Биринчиси деярли махсус тадқиқ қилинмаган, ҳеч ким тубига ҳам етмаган. Тошқўрғондаги ғорда сақланиб қолган излар эса бу ерда муттасил ва доимий одам яшаганини тасдиқлайди. Ҳатто бу ғорда халқ қасоскори Муқанна ҳам бўлган экан. Ўша таҳликали йилларда, эл дардига дармон излаб чарх урган пайтларида Амир Темур ҳам бу жойларда бир неча бор бўлган, ҳатто лашкарига тартиб берганини фараз қилиш мумкин. Зеро, лашкар тўплаш учун бўлган ўша саъй-ҳаракатлардан сўнг «мингга яқин отлиқ аскар атрофимда жамланди», деб қайд этилган «Темур тузуклари»да. Албатта, бундай миқёсдаги нафусни муқим, яна махфий сақлаш учун анчагина катта ҳудуд лозимлигини назарда тутиш лозим...

Ана шу куч билан Соҳибқирон Жайхундан ўтади. Гармсир вилоятига қадам қўйганда, ҳоким Мир Маҳдий ҳузурига бош эгиб келиб, ўз ихтиёри билан сафига қўшилади. Гармсирни осонликча қўлга киритиб, лашкарга дам бериб турганда, Сеистон доруғаси Малик Маҳмуд Қутбиддин кўмак сўраб қолди. У

Ўлканинг энг йирик шахри Зуранжни рақиби Малик Шужоҳга олдириб қўйган эди. Зуранжга ҳужум таклифини Хусайн қўллаб-қувватлади, чунки бу шаҳар карвон йўллари туташган жойда, жуда бой ва обод эди. Темур бу таклифга рози бўлди. «Тузуклар»да таъкидланишича, тезда душманлар эгаллаб олган етти қалъадан бештаси уларнинг қўлига ўтади. Бундай шиддатдан шошиб, қўрқиб қолган Қутбиддин юртини ҳам қўлдан бериб қўйишдан чўчиб, иттифоқчилари қўшинига ҳужум қилади: кечаги дўст энди душманга айланади. Шу жангда Амир Темур ўнг қўли ва оёғидан яраланади.

Жароҳат анча жиддий эди ва унинг асорати бир умр кетмади. Шундан кейин гавданинг ўнг томонида ноқислик сезилса-да, муаррихларнинг қайд этишича, отда юришда ёки қилич чопишда ожизлик билинмаган. Бу ҳол Соҳибқироннинг жаҳонгирлик фаолиятига, оламшумул ғалабаларига таъсир қилмайди, аксинча, Ибн Арабшоҳ қайд этганидек, «бахту саодат ва мол-мулк (**ҳукмдорлик**) эшикларининг менга очилиши, фатҳ этилган дунё келинчакларининг менга кулиб боқиши фақатгина Сеистон ўқлари сабабли бўлди. Ўша вақтдан, яъни ўқлар мени ноқис этганларидан сўнг то ҳозирги вақтга қадар мен нуқул зиёда бўлишда давом этаман» деярни». Фақат унинг душманлари азбаройи ғазаблари кучидан исмига – **ланг** қўшимчаси ёки «оқсоқ» сифатини тиркаб айтадиган бўлишди. Кўплаб хорижий мамлакатларда уни «Тамерлан» тарзида юритишлари ҳам шундан.

Бу ҳасад, кўролмаслик ифодаси эди, ҳолбуки, дунёда кўзи, оёғи ёки қўли ожиз кўплаб лашкарбошилар, бошқа машҳур кишилар ўтган, аммо улардан ҳеч қайсисига бундай лақаб тиркалмаган. Ҳолбуки, инсоннинг жисмоний камчилигини юзига солиш энг оддий одобга ҳам тўғри келмайди, буюк

зотлар ҳақида гапирганда эса мулоҳаза билан иш тутиш лозим, зеро «Хизр назар қилмаса, эшак бозорида даллол ҳам бўла олмайсан», дейдилар. Бошқа бир халқ мақолида таъкидланганидек эса «Ит ҳураверади, карвон ўтаверади», бундай бачкана тавқилаънатлар тарих ахлатхоналарида қолиб кетди, Соҳибқироннинг ёруғ юлдузи эса инсоният оламида мангу порлаб турибди.

Соҳибқирон жароҳати тузалгунча икки ой чама-си Сеистоннинг бошқа бир шаҳри – Бустда қолишга мажбур бўлади. Бу воқеалар 1363 йил аввалида содир бўлганди. Агар шу кунлардаги Темурбекнинг ҳолатини кўз олдимизга келтирсак, оламшумул мақсадлар билан тўлиб-тошган, жисми-жаҳонид мислсиз куч-қудрат мужассамлашган, яна бунинг устига эл-улуснинг дардига дармон бўлиши кутилаётган оташқалб йигитнинг ёв ўқидан яраланиб, тўшақда ётиши тақдирнинг яна бир зарбаси эди. Баъзан мулоҳаза қиласан: нега ўша ўқ юракка тегмади-да, ҳаммасига нуқта қўймади? Балки шундай бўлганда, тириклик, ҳатто инсоният тарихи бунчалик жозибадор бўлмасди. Ҳар ҳолда бетоблик, захмдорлик кунлари ҳаммаси ҳақида батафсил, теран ўйлаб олиш учун фурсат бор эди. Уҳравий ва дунёвий илмлардан яхши хабардор Темурбек бу чоқларни чуқур мулоҳаза қилиб кўрар, ҳар бир унсурни тафаккур элагидан ўтказарди ва бу дамлар ҳам бир синов эканини, кейинги қисмат ундан қандай ўтишга боғлиқ бўлишини тушуниб етарди.

Ўқ яраси оғриғи ва этнинг чириш азобига тишни тишга қўйиб чидаганча, тирқишдан тушаётган тола нурга термулиб ётар экан, кўзи ногаҳон бир чумолига тушиб қолди. У девор сиртида юқорига интилар, маълум жойга чиққач, қулаб кетар, ўнгарилиб, яна ҳаракатини давом эттирарди. Умидлар ичида жони

ҳалак йигит чумолининг ҳаракатини охиригача кузатди, «У мақсадига ета оладими?». Ростдан, нечанчидир уринишда ҳашарот унғай из топди ва тирқишдан чиқиб, кенг оламга йўл олди. Ана шу ожиз махлуқнинг шашти, жасорати унга куч берди. «Наҳотки бир ожиз чумолича мақсад йўлида собит бўлмасам?!»

Шу кунларда воқеадан хабар топган пир Абубақр Тайободий ташриф буюрди. Муътабар зотнинг қадам ранжида қилиши турли гумон ва иккиланиш исканжасида мажхул бўлиб турган йигитнинг қалбида офтоб зиёсини олиб кирди. Унинг истиқболини башорат қилган улуғ пир сидқидилдан дуо айлаб, иродасини тоғ этадиган пурвиқор каломлардан ирод этди. Инсон қавми турли саъжия ва даражаларда умргузаронлик қилиши мумкин, аммо Куръони каримда таъкидланганидек, «Биз сизларнинг бирингизни бирингиз устидан ҳукмрон қилиб яратдик», яъни қай бир вакилгаки, бошқа қавми, эҳтимол, нуқул қорин ғамида яшаб, пода ҳолига тушиб қолган оломонни Оллоҳ амр этган эзгу амаллар тариқатига йўллаш буюрилган ва бундай шараф қисматда ёзилгани юздаги холдек билиниб турган экан, ўткинчи синовларга бардошли бўлиш, юрак ёллуғи ва қалб юксаклигини сақлаб, оламшумул ишларга шай туришни тайинлади. Бундай илоҳий руҳдаги олиймақом калом ўзини ёмон тутган, ҳатто тириклар оламида ортиқча деб ҳисоблаган беморга айни шифо, ҳаёт инъомидек туюлди. Пирнинг соҳир нафаси уни ғайратлантирди ва захм азобидан тезда халос бўлди.

Соғайиб чиқса, атрофида энг садоқатли 40 чоғли йигитлар қолган экан. «Лекин уларнинг бариси аслзода, амирзода ва насли пок йигитлар эди, – дейилади «Тузуқлар»да, – Шундайин азаматлар бу оғир кунларда нима учундир мен каби олтину молсиз, озиқ-овқатсиз бир кишига ҳамроҳлик қилиб, менинг

изнимга кириб юрганлари учун Тангри таолога шукрлар қилдим. Ўзимча: «Оллоҳ таолонинг мен билан қиларлик ишлари бўлғайким, ўзим каби йигитларни менга буйсундирмиш», деб ўйладим».

Хусайн эса юз чоғли киши билан Боғлонга йўл олган, мол-дунё тўплашга киришиб кетган эди. Унга Беккичикнинг иниси Ажуний (*Жуний*) баҳодир хужум қилади, ундан қочиб, Шивирғон тарафларга кетиб қолади. Ўз омадсизлиги юзасидан Темурбекка хабар юборади, қийин пайтда ташлаб кетгани, хабар олмаганидан хафа бўлса-да, хатони тузатиш иложи йўқ, душман остонага келиб қолганди. Фурсатни ғанимат билган Амир Темур Балх сари юради. Унинг хабарини эшитиб, тентираб юрган беклар унга келиб қўшила бошлашади. Тезда лашкарининг сони 300 дан ошиб қолади. «Лашкаримни ҳисоблаб кўрсам, ҳаммаси уч юз ўн уч киши экан. Кенгаш қилиб, бирор қалъани эгаллаб, ўринлашишни мўлжалладим», дейилади «Тузуқлар»да.

Шундан кейин ўз қароргоҳини мустаҳкамлаш, тарқоқ бекларни бирлаштириш учун жадал ҳаракатлар бошланиб кетди. Темурнинг дастлабки муваффақиятлари, унинг ҳарбий салоҳиятига ишонч, эртага унинг барча кутган туркий қавмларининг йўлбошчиси бўла олишига умид одамларни унга оҳанрабодек торта бошлади. Ҳозиргача Илёсхўжа лашкарида бўлган, аслида унинг уруғдошлари ҳисобланмиш амирлар: Сулаймон, Мусо, Жоку, Жалолиддин, Ҳиндука сингари нуфузли ва бообрў беклар Соҳибқирон тарафига ўтдилар. Амир Хусайн ҳам жадал ҳаракатда бўлди, атрофига тарафдорларини кўпайтира борди, фақат у Соҳибқиронга мутеъ бўлишни хоҳламасди. Темур эса мудом мурсо қилишга, унинг истиғноларини кўтаришга мажбур эди. Вазият, катта кучга эга бўлган умумий душман –

мўғулларнинг мавжудлиги шундай йўл тутишга мажбур қиларди.

Нихоят, Жета лашкари (**мўғуллар**) ўзининг борлигини маълум қилди. Уларнинг Термизни талани хабари келди. Энди икки кучнинг тўқнашуви нақд эди. Бу пайтда Темурбек ва Хусайн ҳозирги Афғонистон шимолини деярли тўла назорат қилар, 6 мингдан зиёд аскарга эга эдилар. Душман тарафда эса 20 минг киши бор эди. Хуллас, Вахш дарёси устидаги Тошкўприк (**Пулисангин**) деган жойда қўшинлар бақамти келди. Улар бир-бирларини пойлаб, қарийб бир ой кутишади. Тўқнашув эса нақд эди.

Кучлар тенг бўлмаган жангда Темур урушлар силсиласида ҳали кўрилмаган усулларни қўллади. Жойнинг жўғрофий тузилишини пухта ўрганиб, лашкарни кичик фавжларга бўлиб ҳаракат қилди, пистирма, тўлғама, аванғорлардан етарлича фойдаланди. Енгил кучлар душманни чалғитиб турди-да, ўзи бир ярим минг сараланган аскар билан дарёнинг юқори қисмидан нариги қирғоққа кечиб ўтди. Қоронғу тушгач, ҳар бир аскарига кўринадиган жойга чиқиб, ўн ерда ўт ёқишга фармон берди. Тоғ бошида сонсиз машғалани кўрган Жета лашкари ваҳимага тушиб қолди. Шабихун қилиб, ғафлатдаги ёвни тўсатдан босди ва мўғуллар жонини сақлаш учун ура қочди. Фурсатни қўлдан бермай, Соҳибқирон таъқибни давом эттирди. Кўпларини асир олди, кўплаб аскарлар Темур тарафига ўтдилар.

Кешга яқинлашгач, лашкарларидан юз йигитни саралаб олди, уларни фавжларга ажратди ва ҳар бир отлиқ эгарининг қошига иккитадан дарахт шохини боғлаб олиб, тупроқ йўлдан от қўйганча, чангтўзон кўтариб, қийқириқлар билан шаҳарга киришини тайинлади. Осмонга кўтарилган қуюн, даҳшатли

шовқиндан ўтақаси ёрилган душман Кешни ташлаб қочади.

Ҳазрат Соҳибқироннинг бу ғалабаси кўплаб ҳарбий дарсликлардан жой олган ва урушлар тарихида ўзига хос талқинга эга. Олов ва чанг воситасида кўп сонли душманни енгиш – кам учрайдиган ҳодиса.

Кеш вилояти душмандан деярли тозаланади. Илёсхўжа Кешдан тўрт йиғоч наридаги Тошариқ (*олим Омонullo Бўриев бу жойни Тошқўрғон қишлоғи, деб тахминлайди*) да эди, Мўғулистондан отаси вафот этгани ҳақида хабар келади. У ота тахтини эгаллаш учун равона бўлади. Шу фурсатларда яна кўплаб беклар (*Баён сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммад, Шербаҳром*) ўз лашкарлари билан Темурбек паноҳига келади. Хусайн ҳам ҳозир бўлади ва Темур билан иккаласи пирларнинг мазоридида дўстлик ва иттифоқликка аҳд қилдилар.

Эмну омонликда 2 йилга яқин вақт ўтди. Бу фурсатни, албатта, мутлақ тинчлик, осойишталик онлари деб бўлмайди. Шу даврнинг аввалида «Менинг салтанатим бутун Бадахшон вилоятига ёйилди» дейди Темурбек «Тузуқлар»да. Шунингдек, Жета лашкарлари билан қисқа-қисқа тўқнашувлар бўлиб турди ва, аксарият, Темур ва Хусайн иттифоқининг қўли баланд келаверди. Илёсхўжа билан ҳал қилувчи жангларнинг бири эса 1364 йилнинг баҳоридида рўй берди.

Отаси вафотидан сўнг Мўғулистонга бориб, тахтни эгаллаган ва вазиятни ўнглаган Илёсхўжа Мовароуннаҳрга бостириб келади ва кучли рақиби даражасига етган Темурбекни янчиб ташлаб, ўлкани эгаллашга астойдил аҳд қилади. Афсуски, Кеш яқинидаги Куббаиметин қишлоғи ва Ём (*Жом*) суви бўйидаги тўқнашувларда омад амир Хусайн ва Темурбекнинг бирлашган қўшинлари тарафида бўлади. Илёсхўжа қақшатқич зарбага учраб, ўз юртига қайтиб

кетишга мажбур бўлади. Кўплаб мўғул саркардалари асир олинади. Уларнинг сафида амир Ҳамид ҳам бор эди. Эски қадрдонлик ҳурмати учун Темурбек унга омонлик ҳадя этади, аммо амир Ҳусайннинг йигитларидан бири шошиб, ясоққа етказиб қўяди. Шу ҳол ҳам қайнаға ва куёвнинг зиддияти чуқурлашига туртки бўлади...

Шубҳасиз, бу зафарларда Темурбекнинг кучли салоҳияти, одамшавандалиги муҳим ўрин тутди. Унга ҳақиқатан илоҳий куч-қудрат, иқтидор ато этилганини ўша замон воқеаларининг шоҳидлари, муаррихлари кўп қайд этганлар. Соҳибқирон Қуръондан фол очиб, нима рўй беришини аниқ айта олганини «Темур тузуклари»да таъкидлаган. Ҳазратга туш орқали ҳам кўп нарса маълум бўлган. Бу ҳикматларга атрофдагилар ҳам жонли гувоҳ бўлганлар, азбаройи ишонганларидан унга имон келтириб, тарафдорлари тобора ортиб бораверган. Темурнинг бундай обрўси, шуҳрати Ҳусайннинг ҳасадини қўзғар, уни тан олишни хоҳламас, Мовароуннаҳрда ўзи танҳо ҳукмрон бўлишни истарди. Бунинг учун ўзини кўпроқ ҳақли, деб ўйларди, чунки амалда бўлган Чингизхон Ясоғида ҳукмдор мўғуллар авлодидан бўлиши белгилаб қўйилган, Ҳусайн мўғулларга куёв бўларди: у Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимга уйланганди.

Ҳусайн Темурга нисбатан кек сақлар, ичида адовати бор эди. Бу кайфият кучайиб бораверди ва охириқибат икки томоннинг бутунлай душман бўлиб қолишига олиб келди. Бу ҳол тарихда «Лой жанги» деб ном олган муҳораба асносида аниқ юзага чиқди.

Илёсхўжа ўзини ўнглаб, Жетадаги юмушларни адо этиб, яна Мовароуннаҳрни эслаб қолди ва ўлкада ўз тартибларини ўрнатишга қайта киришади. Албатта, у биринчи навбатда Темур ва Ҳусайннинг ўзаро



зиддиятлари чуқурлашишидан манфаатдор эди, шу фурсатни кутарди, қолаверса, уларни бир-бирига қайраб, шу йўл билан даф этмоқчи бўлади. Икки тараф тўқнашувга жадал тайёргарлик кўрадилар. Тошкент ва Чиноз ўртасидаги кенг майдонда кучлар 1365 йил 21 майда рўбарў бўлишади. Биринчи кунги жанг моаруннаҳрликларнинг кичик устунлиги билан тугайди. Бунда қўшиннинг чап қанотини бошқарган Темурбекнинг шижоати асқотади. Иккинчи кун мўғуллар сафларидаги шомонлар сеҳри восидасида яда (*жада*) тоши билан кучли ёмғир ёғдирадидлар. Бунга уларнинг рақиб тайёр эмас эди. Боз устига Хусайннинг саркашлиги туфайли қўшинни бир режа асосида бошқариш имкони бўлмайди. Жавонғор фаол ҳужумга ўтганда баронғор тарафдан қўллаш кўрсатилмайди, Хусайн шундай таклиф билан борган жарчи Тобон баҳодирнинг гапига қулоқ тутмай, аксинча, уни бир мушт уриб, қулатади. Рақиб қисувни кучайтиради, хуллас, иттифоқчилар енгилади. Улар Самарқанд томонга чекинадидлар. Шундан кейин Хусайн дарёдан ўтиб кетди, Темурбек эса Кешда қолди.

Маълумки, Жета қўшинлари Самарқандни эгаллашда шаҳар аҳлининг шафқатсиз қаршилигига дуч келадилар. Мудофаа ишларига Сарбадорлар етакчилик қилади. Мўғуллар шаҳарни қамал қилиб турадилар. Шу пайтда касал тарқалиб, уларнинг отлари қирилиб кетади. Оқибатда, тўрт кишига бир от қолади. Шундан кейин улар эгарларини елкалаб, тиркишларини орқалаб ортга қайтадилар. Бу воқеа яхшилик аломати эмас эди, гўё Илёсхўжадан омад юз ўгиргани белгиси эди. Мўғулистонда у йўқлигидан фойдаланган муҳолиф кучлар кучайиб кетганди. Аҳвол шу даражага етдики, дуғлат аймағидан Қамариддин тахтни эгаллади ва Илёсхўжа Жетага қадам қўйиши билан уни тутиб ўлдирди.

Буни эшитган Темурбек Хусайн томон боради ва Боғлонда учрашадилар. Кейинги юмушларни маслаҳатлашиб олиб, Темур қайтади ва шу йил қишни Қаршида ўтказди. Кенг кўламли ободончилик ишларини бажаради, қалъа деворларини, шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтган ариқни таъмирлайди.

Самарқандда ҳукмронликни эгаллаган Сарбадорлар вазиятни кўлдан чиқарадилар, аҳолининг маълум табақасида норозилик пайдо бўлади. Шаҳарда бошбошдоқлик юзага келади. Кешда ҳозир бўлиб қолган Хусайн Темурни Самарқандга юриш қилишга кўндиради. У анча ўзгариб қолган, ўзини хўжайиндек ҳис этарди. Сарбадорларга муносабатда ҳам ташаббусни кўлига олди, тезда уларнинг йўлбошчиларини тутиб остирди. Фақат Темурнинг аралашуви билан Мавлонозода омон қолди.

\* \* \*

Хусайннинг феълидаги қусурлар аста-секин юзага ура бошлади. У бойликка ўч, хасис одам эдики, бундай сифатлар юқори табақа кишиларига хос эмас эди. Хусайн тама илинжида Темурнинг атрофидаги бекларга катта-катта солиқлар солди. Ҳолбуки, улар Лой урушида бор бисотларини бой берган эдилар. Улар солиқни тўлай олмадилар ва Соҳибқирондан ёрдам сўрадилар. Темур жами хазинасини, жумладан, хотини Ўлжой Турконнинг бир жуфт исирғасини ҳам бекларга берди.

Хусайн синглисининг бисотини таниди, бироқ очкўзлигидан уларни ҳам олди.

Темур ва Хусайн муносабатлари тобора чигаллашиб, зиддият чуқурлашиб борди. Бунда аламзада бекларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Бири Хусайндан зўр кўрган, бири Темурни ёқтирмайди, улар тараф-тараф бўлиб, муносабатларни ойдинлаштиришга

киришиб кетдилар. Хўжанднинг Туғлуқ Темур қатл этган ҳокими Боязид жалойирнинг куёви Мусобек, унинг қайноғаси Али Дарвеш, бошқалар иғвони кучайтиравердилар. Жумладан, Тармаширнинг беваси Ўрда хотун (**унинг қизи Хусайннинг никоҳида эди**) сохта бир хат ёзиб, гўё Темур Ҳасайнга қарши суиқасд тайёрлаётганини маълум қилишади. Шербаҳром билан Баҳром жалойир эса Темурбекка Хусайнга қарши биргаликда курашишни таклиф қилишади. Шундан кейин Шербаҳром Хутталонга, Баҳром жалойир Хўжандга, Темурбек эса Самарқандга аскар тўплаш учун равона бўлишади.

1366 йил ёзида Ўлжой Туркон оқанинг бевақт вафоти иккала бек муносабатларини аниқ белгилаб берди. Энди икки қиличнинг бир қинга сиғмаслиги аниқ бўлиб қолди.

Ниҳоят, шу йилнинг кузида Соҳибқирон катта қўшин билан Хусайн устига юрди. Бундай юришларда уруғ бекларининг йўли жуда бетайин бўлганлиги тарих китобларида ёзилган. Кечагина кўз ёш қилиб, остонага бош уриб келган бек эрта ё индин шартта нари томонга ўтиб кетаверган ва, аксинча. Шунданми, Темур сафдошларига нисбатан бирданига кескин чоралар кўриш (**ўлдириш**)дан тийилган. Аксинча, уларни турли воситалар (**муомала, бойлик, обрўли одамларни ўртага қўйиб**) билан ўзига оғдириб олиш йўлларини қўллаган.

Хусайнга қарши лашкар Бойсунга етганда у томондан элчилар келиб, Соҳибқиронни ярашишга кўндиради. Темур лашкари билан Ғузорга қайтганда Хусайн Чағониёнга келди, Хизр Хазиначи деган кишини Қуръон билан қасам ичиб, Темурга жўнатди ва гиналарни кўтармоқчи эканини билдирди. Темур бунинг ҳийлалигини тушунди, етарли тайёргарлик билан айтилган жойга – Чакчак дарасига борди, бироқ

Хусайннинг нияти амалга ошмади. У Темурни қўлга тушириб, ўлдирмоқчи эди. Шундан кейин Хусайннинг чинакам душман экани, унга ишониб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолди.

«Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Мен жангу жадалга ҳозирлана бошладим. Бу ерда ҳаммаси бўлиб икки юз отлик аскар бор эди. Амир Хусайн қўшинининг фавжи дарага киргунича сабр қилиб турдим. Ўзим келгунга қадар юборган одамларимга уларнинг қайтиш йўлини тўсишларини буюрдим, ўзим эса ёғийга юзма-юз бўлдим. Хуллас, дарада икки ёқдан қамалиб қолган ғаним лашкарининг кўп қисмини қўлга туширдим. Сўнг Қаршига қараб юзландим. Тажрибамдан шуни кўриб билдимки, дўст ҳар ерда асқотар экан. Амир Хусайнга эса ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юбордим:

*Ёрға етгур, сабо, ким макр қилмишдир манго,  
Қилди эрса кимки макрин, қайтадир бир кун анго.*

Бу хатим Амир Хусайнга бориб етгач, кўп хижолат бўлди ва мендан узр сўради, лекин мен иккинчи бор унинг сўзига ишонмадим».

Хусайн ҳам энди юздан ниқобини кўтарди, муддаосини яшириб ўтирмай, уч минг кишилик лашкар билан бостириб келди. Ҳозирги Пачкамар сув омбори ўрнида (*Чакдолик ёки Қатимиш деган жойда*) бўлган тўқнашувда Хусайннинг қўли баланд келди. Темур тарафдорларининг қолган-қутганлари Исҳоқ қудуғи (*Олотда*) атрофида тўпландилар ва Темур Амудан ўтиб, Мохон (*Марв*)га кетди. Рақибларни чалғитиб, 2–3 ой шу тарафларда юрди.

Ниҳоят, Ғузордан ўтиб, Кўҳна Пазди (*Миришкор туманидаги Фазли қишлоғи*) мавзеига борди ва кутилмаганда 243 йигити билан Ширкентда пайдо бўлди. Бу пайтда Қарши Хусайн қўлига ўтган,

амир Мусо шаҳарга ноиб сифатида эгалик қиларди. Қаршини амир Мусо ихтиёридаги 7 минг, амир Малик баҳодир қўл остидаги 5 минг – жами 12 минг лашкар қўриқлар эди. Темурбекнинг Амудан ўтиб кетганига ишонган амир Мусо қўшини билан Боймароғ деган хуш ҳаво жойда ҳордиқ чиқарарди. Вазиятни атрофлича ўрганган Соҳибқирон йигитлардан 40 кишини ажратиб олиб, тунда девордан ошиб ўтди ва уйқудаги ўрдани босди. Ичкарида ваҳима кўтарилиб, ҳамма қоча бошлади.

Қалъанинг кутволи Мусобекнинг ўғли Муҳаммадбек эди. Уни Темурбекнинг қошига олиб келдилар. Мўйлови энди сабза урган бу йигитча Соҳибқиронда яхши таассурот қолдирди. Кейинчалик унга суюкли қизи Тоғайшоҳ Оқабегимни никоҳлаб берди. Улардан Султон Ҳусайн туғилган, бу набиранинг буюк салтанатдаги «хизматлари» такрорланмас бўлган.

Олатасирда Мусобекнинг ой-куни яқин хотини Орзумалик оқанинг кўзи ёриб қолди. Дунёга келган қизалоқ – Туман оқа орадан йиллар ўтгач, Соҳибқироннинг маликаларидан бирига айланди.

Энгилган амир Мусо қочиб, Ҳусайн қошига борарди, уни яна катта куч билан қайтариб жўнатади. Бу пайтда Соҳибқирон атрофидаги йигитлар икки юздан кўпроқ эди. Юзма-юз тўқнашув фойдасизлигини билиб, атрофида тарафдорлирини кўпайтириш тадоригини кўрди. Ҳатто Жета ҳукмдорларидан кўмак сўрашни мўлжаллади.

Кейинги йиллар ҳам муттасил жангу жадаллар билан ўтди. Бу муҳорабалар бир тарафдан якка ҳукмронлик истагидаги Ҳусайн билан бўлиб ўтган бўлса, иккинчи томондан ўзаро бир-бирини талаб, қирғинбарот қилиб турадиган маҳаллий амирлар, бекларни муросага келтириш мақсадида кун тар-

тибига қўйиларди. Ана шу курашларда Соҳибқирон нафақат ҳарбий лашкарбоши, балки узоқни кўра оладиган стратег, моҳир дипломат сифатида ҳам намоён бўлди. Бу жиҳатдан Ҳирот вилоятининг подшоси Малик Ҳусайн билан муносабатлари диққатга сазовор. Ҳиротда ўша пайтда курдлар сулоласи **(1245–1389 йшлар)** ҳукм суларди. Курдлар эронийлашган ўғуз турклари бўлиб, Чингизхон истилоси ҳам уларга дахл қилмаган, мустақиллигини сақлаб қолган, Ҳирот шаҳар-давлат сифатида яшаган. Темурбек Ҳиротнинг бетарафлигидан фойдаланиб, уни захира ҳамкор сифатида танлайди ва Жокубекни элчи тайинлаб, дўстлик ва мурося таклифини изҳор этади. Подшо қароргоҳига ўғли Муҳаммад Жаҳонгирни хос вакил **(аслида гаров сифатида. Ҳа, ватан эрки Соҳибқирон учун фарзанддан ҳам қадрли эди!)** қилиб қўйди.

Ҳар қанча қийин бўлмасин, Соҳибқирон номардлик йўлини тутмаганига бир мисол – тинимсиз зарбалар олавергач, Ҳусайн яна бир бор узрхоҳлик қилади ва икки амир Самарқанд яқинидаги Алиободда учрашади. Ҳусайн юз киши билан келади **(Чакчадагига ўхшаш)**, Темурнинг тарафдорлари эса кўпчилик эди. Унинг бекари «Ҳусайнни тутиб ўлдирайлик», дейишади. Соҳибқирон «Сўзимизда турайлик» деб бунга рози бўлмайди.

Албатта, Темурбекнинг ҳаёти фақат курашлар билан ўтди, десак хато бўлади. 1368 йилда Ҳусайннинг ашаддий душманларидан бири – Кайхисравнинг кизини ўғли Жаҳонгирга келинликка сўради. Бу воқеа сабаб Тошкентда бир ой хурсандчилик қилишади **(1364 йил қишини ҳам Тошкентда ўтказган эди)**. 1368 йилда кучлар нисбати тўла Соҳибқирон тарафга оғгач, она шахри Кешда бўлиб, эл-улуснинг

катта-кичиклари, вилоятнинг уламою машойихлари билан учрашади, улар Соҳибқиронни алқаб, дуолар қиладилар, эмну омонлик учун курашида зафар тилайдилар. Ундан кейинги фаолиятга ҳам Темурни Кеш (*Шаҳрисабз*) меҳри асло тарк этмади, салтанатнинг энг олий иморати – Оқсаройни ҳам шу ерда бино қилгани бежиз эмас.

Лой жанги, ундан кўп ўтмай Чакдоликдаги тўқнашув, Қарши қалъаси учун талашлардан кейин Амир Темурнинг эртанги куни учун амир Ҳусайн билан орани очиқ қилиш биринчи даражали вазифага айланди.

Агар бу икки шахс муносабатларини умумий тарзда назардан ўтказсак, Ҳусайннинг иззатталаблик қилиб, Темурнинг бўйсунушини истаганини, салоҳият ва иқтидор жихатидан бутунлай устун бўлган Темурнинг бу инжиқликларни сабр-бардош билан енгиб келганлигини кўрамиз. Ҳусайн Темурни мағлуб этиш, ҳатто йўқ қилиш учун турли ҳийлалар ишлатади, хаёлга келмайдиган иғволар ўйлаб топади. Бироқ омадми, тасодифми ёки Яратганнинг илтифотими, Соҳибқирон балолардан омон қолаверади. Шу йиллар давомида улар 6–7 марта юзма-юз тўқнашдилар: Қўзимунчоқ мавзеси (*Қамаши туманидаги Қизилтепа қишлоғи*), Ём (*Жом*), Самарқанд ва Жиззах атрофларида. Бу тўқнашувлар гоҳида алоҳида сараланган кучларнинг пистирмада юзма-юз келиб қолиши шаклида бўлса, гоҳида тарафларнинг ўн минглаб лашкар иштирок этган ҳақиқий уруши тарзида рўй берди. Ҳар сафар зафар Соҳибқирон тарафида бўлар, тақдирнинг бу ҳукмини тан олишни хоҳламаган Ҳусайн эса ғирромлик билан ё зимдан, ё пинҳона курашни давом эттирди. Бу борада ҳазрат Соҳибқироннинг нақадар мураса йўлини тутгани, умумий хавф бартараф бўлмагунча икки йирик куч-

нинг ҳаёт-мамот тўқнашувини орқага суриб келаверганини кўриш мумкин.

1368 йилда Ҳусайн ва Темур лашкарлари Кобул ва Бадахшонни бўйсундиргач, Ҳусайн Балхни ўзига пойтахт қилмоқчи бўлади. Темур унинг бу таклифни қувватлайди, балки дарё ортида тинч юрар, деган илинж ҳам бўлгандир, шаҳарни ободонлаштириш, Ҳиндувон қалъасини тиклаш ишларида бақамти туриб ёрдам беради. Аммо мамлакат ҳудудлари нотинч эди.

Бу пайтда Илёсхўжа ўлдирилган, Мўғулистонни идора этиш навбати Қамариддинга етганди. Қамариддин ҳам ўз издошлари йўлини давом эттиради, ўша йил қишида Тошкентни босади. Соҳибқирон Амир Темур Мусо билан муносабатларини яхшилаб олган эди, икки амир бошчилигида қўшин шошилиш Балхдан ортга қайтадилар, Қамариддин лашкарини қувадилар. Ҳусайн ҳам дарёдан ўтиб, Кешда тўхтади. Бу юриши билан у нимани назарда тутган, номаълум, балки Темурнинг Қамариддин билан тўқнашувда енгилишини кутган ва шундан фойдаланиб, Мовароуннаҳр ҳукмронлигини қўлга киритмоқчи бўлгандир.

Бундай тўлғама ҳаракатлар Темурбекнинг ҳафсаласини пир қилади. Тарих китобларида ёзилишича, у «Ўзингдан чиққан балога, қаерга борасан да(в)вога?» тарзида бош оғриғи бўлган Ҳусайн билан орани очик қилиш мақсадида юзма-юз тўқнашувни мўлжаллайди. Ҳатто Тошкентда турган пайтида Жетадан кўмак сўрамоқчи ҳам бўлади. Бундан хабар топган Ҳусайн ишнинг оқибати ўзи учун ёмон бўлишини тушуниб етиб, бир қанча уламоларни Балхдан Тошкентга юборади. Улар узрхоҳлик қилиб, Соҳибқиронни режасидан қайтарадилар. Яна яраш битими имзоланади.



Вазият эса бошқа таҳдидни юзага чиқаради. Хусайн йўқлигидан фойдаланган бадахшонликлар бош кўтаради ва Амудан ўтиб, бу томонни талайди. Жаҳлдан тушган Соҳибқирон тезда чегара сари отланиб, илғор билан йўл олади. Хусайннинг ўғли Жаҳонмалик лашкари билан қўшилади. Соҳибқироннинг келаётганини эшитган Бадахшон аскарлари дарёдан ўтиб қочади. Темур Жайхуннинг юқорисидан кечиб, улар йўлини тўсиб чиқади. Шу юриш асносида маҳаллий аҳоли уларни қароқчилар талаганини арз қилади. Темур Жаҳонмалик бошлиқ гуруҳни юборади. Тўқнашувдан қайтишда бадахшонликлар тор дара йўлини тўсиб, 130 отлиқ аскарни асир оладилар. Жаҳонмалик қочади. Амир Темур бу шармандаликлардан қаҳрланиб, уларни қутқаргани йўлга тушади. Тор дарада душманнинг катта кучига дуч келиб қолишади. Бу филга қарши пашша билан боришдек гап эди. Темур саросимага тушмай, отлиқларига *(улар 13 нафар эди)* юкларни тушириб, отларни бўшатиб, яйловга ҳайдаб юборишини ва ўзлари чўпонлардек бемалол ётишларини буюради. Душман тараф бу «отбоқар»ларга парво ҳам қилмай ўтиб кетади ва даранинг ичкарасига йўл олади. Уларнинг изидан отланиб, ҳужум қилишади. Ана шу муваффақиятли маневр туфайли 130 отлиқ озод этилди. Бу тўқнашувни Соҳибқирон бутун умри давомида ҳарбий юришларидаги энг оғир жанг сифатида эслаб юрди.

Амир Темурнинг бу зафарли юриши билан Бадахшон ва Балх вилоятлари яна Хусайн қўлига ўтди. Энг қизиғи – Темурбекнинг мислсиз шуҳратидан лол бўлган Хусайннинг рақиблари ҳам Соҳибқиронга садоқат нишонасини изҳор эта бошладилар *(чунки ўртадаги низо ва тўқнашувлардан хабардор эди-*



Илк юришлар (1360–1370 йиллар)

лар). Жумладан, Хутталон ҳокими Кайхисрав (*Ўз вақтида Темур билан қуда-анда бўлишга келишган эди*) ва Шайх Муҳаммад Баён сулдуз (*амир Баён сулдузнинг ўғли, эътиборли беклардан бўлиб, қўл остида 10 мингдан ортиқ сараланган йигити бор эди*) хат ёзиб, ҳамкорликка таклиф этадилар.

Вазият Ҳусайн масаласини бир ёқли қилишни кўндаланг қўйди. Ҳўш, Темурбек бу ишни нега бунча орқага суриб келди?

Бу ҳолнинг турли сабаблари мавжуд. Аввало, улар қариндош эдилар ва Темур ўз завжаи муҳтарамаси Ўлжой Туркон ва ундан туғилган фарзанди Султонбахтбегим ҳурмати сабаб муроса қилиб келгандир. Иккинчидан, Ҳусайн ҳам Мовароуннаҳрда энг нуфузли шахслардан эди (*кимсан, Султон Қозонхоннинг куёви, амир Қазағаннинг невараси*). Маънавий салоҳият Темур тарафида бўлса ҳам моддий салоҳият Ҳусайн томонда эди, чунки у ҳукмдорнинг меросхўри сифатида хазинада нима бўлса, унга ўтган эди. Учинчидан, Ҳусайнни даф қилиш билан улусда мавқеи баланд катта кучни бой бериш мумкин эди. Тўртинчидан эса сўнгги ҳукмга ички аҳвол ҳам, ташқи вазият ҳам тайёр эмас эди. Аввало, иш аввалроқ амалга оширилса, бу беклар ўртасида норозиликка сабаб бўлиши, Темур Ҳусайнни ҳокимият талашиб йўқ қилди, деган таассурот туғдириши мумкин эди. Кейин эса ҳали умумий душман – жеталикларнинг кучи бор, таҳдиди муқаррар эди ва Ҳусайн бартараф этилса, Мовароуннаҳр лашкарида парокандалик, ожизлик юзага келиши эҳтимоли бор эди.

Қурғур Ҳусайн эса ўзининг бетайин қилиқлари билан сўнгги соатни тезлатарди. У бирданига Балхни обод қилиш мақсадида Кешдан одамларни кўчириш

талаби билан чиқди. Анча олдин Темурга тарафдорликда гумон қилиб Шербаҳромни қатл этганди. Жаҳонгир Мирзо унинг саройида эди, у орқали Соҳибқирондан Мусобекни ихтиёрига беришини сўради. Энг ёмони эса Муаййадбек базмда Хусайн аскаридан бири (*жовурчи – қадаҳ тутувчининг ўғли*) ни уриб ўлдириб қўяди. Хусайн қотилнинг ҳарамини келтиришни буюради. Маълумки, Муаййадбекнинг хотини (*яъни ҳарами*) Соҳибқироннинг синглиси эди.

Буларсиз ҳам сабр косаси тўлган Амир Темур мулозимлари билан маслаҳат қилади. Улар яқдиллик билан Хусайн устига юриш қилишни ёқлаб чиқадилар. Ажр соати етиб келади. Қўшин йўлга тушади, унга Мусобек қўлиғул этиб тайинланади. Афсуски, Ғузорга етмасидан Мусобек ваҳимага тушиб, Самарқандга қочди (*«ишонган тоғда кийик ётмас», деганлари шу бўлса керак-да*). Соҳибқирон лашкарнинг тизгинини ўз қўлига олди, хон Суюрғатмиш билан Муаййадни илгари юборди. Темурбек Термиздан уч йигоч (*тахминан 20 км.*) берида тўхтаганда, тарихчининг ибораси билан айтганда, кутилмаганда саййидзода Саййид Барака «ажалдек пайдо бўлди» ва унинг висолини истади. Шу учрашувда мухтарам зот Темурбекнинг оламшумул ишларини муборакбод этиб, унга янги зафарлар тилади. Соҳибқиронга табла (*ноғора, балабан*) ва алам (*байроқ*) тухфа эттиким, бу салтанат аломатлари эди.

Шу учрашувдан кейин бу икки зот хоҳ юзма-юз, хоҳ руҳан асло ажралмадилар. Соҳибқирон Саййид Баракани ўзининг маънавий пири сифатида тан олди, бир умр унинг маслаҳатларига қулоқ солди. Бу яқинликни қисмат ҳам бир умрга муҳрлади, руҳан ва қалбан яқин бўлган иккала зотнинг хоки туроби

ҳам бир гумбаз остида қўним топди: Самарқанддаги машҳур хилхонада устоз шогирднинг бош томонида ётибди.

Ўшанда пирнинг ташрифини Соҳибқирон хайрликка йўйган эди. Унинг келаётганини эшитган, тентираб юрган беклар йўлига пешвоз чиқиб, қўшилавердилар. Амир Хусайндан кўпчилик безган экан. Катта куч Ҳиндувон қалъасини ўраб олиб, омбирдек сиқа бошлади.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий шу жангда ўсмир ёшли амирзода Умаршайхнинг жасоратини алоҳида эҳтирос билан тасвирлайди. Жасорат кўрсатишга муштоқ шердил, шерюрак Умаршайх ҳаммадан кўп жавлон урарди. Бир ўқ оёғига теккан ва тешиб ўтган эди, унинг оғриғини сездирмай, тинимсиз от сурарди. Балки эшитган ҳикоялари орқали Хусайннинг отасига етказган изтироблари юрагида қолганмиди?

Темурбек элчи юбориб, Хусайннинг таслим бўлишини ва хузурига келишини сўради. Бу муҳорабадан омон қолмаслигини билган Хусайн сулҳ таклиф қилиб, ўғлини юборди. Соҳибқирон унинг тилагини қабул қилди, ҳаж зиёратига кетишига рухсат берди.

Хусайн ҳаммани ўзидек эгри кўнгил деб биларди ва Темурнинг бу гапига ишонмай, тунда қочиб чиқади ва отини излаб юрган бировга йўлиқиб қолади. Зикна Хусайн қўрққанидан бир ҳовуч тиллани ҳалиги одамга бериб, ҳеч кимга айтмаслигини сўрайди. Одам айтмасликка онт ичиб, тўғри боради-да, Соҳибқиронга бу хабарни етказди. Хусайнни яширинган жойидан топиш қийин бўлмайди: чопонининг этагини эшик қисиб, ташқарида қолган эди.

Ниҳоят, бир пайтлар қалин дўст бўлган, Мовароуннахрни босқинчилардан тозалаш учун бир-

га от сурган узанги йўлдош, кейинчалик эса ашаддий рақиб икки зот бири ғолиб, бири мағлуб сифатида учрашдилар. Хусайннинг аҳволини кўриб, Темурбекнинг кўнгли бузилади, саргардонлик кунларида бирга ўтказган оғир дамларини эслаб, кўзига ёш келади. У Хусайнни авф этганини, ўзи хоҳлаган жойга кетиши мумкинлигини яна такрорлайди. Беклар олдин ҳам қасамини бузган бу одам яна хиёнат қилиши мумкинлигини билдирадилар. Кайхисрав укасини ўлдиргани эвазига Хусайндан хун талаб қилади. Темур Муаййадга кузатиб қўйишни топширди. Кайхисрав эса изидан бориб, эски алами учун ўч олди. Бундай қасос шариат ҳукмича тўғри экан. Кайхисрав Хусайнни ўлдирди. Бироқ тақдир унга қандай ёзуғ ато этади, қасос ўти уни четлаб ўтадимми – буларни келажак кўрсатади.

Ана шу ғалабадан сўнг Амир Темур Хусайннинг барча бойлиги ва ҳарамига эга бўлади. Жумладан, Сароймулкхонимни ўз никоҳига олди. Унга мўғуллар одатига кўра «Кўрагон» (*куёв*) нисбаси берилди. Бошқа амирлар, бекларга ҳам мавқеига яраша инъомлар улашилди. Ниҳоят, ҳамма жам бўлиб, бир байрам туздилар, узоқ-яқиндан меҳмонлар ҳам тақлиф қилинди, Саййид Барака ҳам етиб келди. Балхда бўлиб ўтган шу анжуманда ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон Мовароуннаҳр ҳукмдори, деб эълон қилинди.

Бу воқеа 1370 йил 9 апрелда рўй берди.



## БУЮК ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ

**1361 йил боши** – Туғлуқ Темур томонидан Кеш беклигининг Амир Темурга суюрғол (*мулк*) қилиб берилиши. Амир Темур ва амир Ҳусайн ўртасида ҳарбий иттифоқнинг вужудга келиши.

**Март** – Туғлуқ Темурнинг иккинчи марта Мовароуннаҳрга юриш қилиши.

**Куз** – Илёсхўжанинг Мовароуннаҳр хони деб эълон қилиниши, Чингизийлар ҳукмронлигининг қайта тикланиши.

Амир Темурнинг Туғлуқ Темур томонидан сипоҳсолор (*қўшин бошлиғи*) этиб тайинланиши.

**1362 йил** – сипоҳсолор Темурбекнинг мўғул қўшинидан ажралиб чиқиши. Сўхори қишлоғида пир Саййид Мир Кулол ҳузурида. Бадахшонга эмас, Хоразм томонга йўл олиш.

Амир Темурнинг олтмиш навкар билан Хива ҳоқими Таваккал (*Тўкал*) баҳодирнинг минг кишилиқ қўшинини енгиши.

**Баҳор-ёз** – Амир Темурнинг Мохон (*Марв*) бекларидан бири Алибек ертўласида 62 кун тутқунликда бўлиши.

**Ёз** – Самарқандда ва Ачиғи (*Ниёзий*) кентида (*48 кундан*) яшириниб юрди.

Жета лашкари Термизни талади.

**Куз-қиш** – Гармсир вилоятининг эгалланиши, Зуранжга ҳужум пайтида яраланиб, икки ой даволаниши. Пир, шайх Зайниддин Тайободий ташрифи ва руҳий далдаси.

**1363 йил** – Тошкўприк (*Вахш дарёси устида*) яқинида Илёсхўжа қўшинлари устидан ғалаба. Кешнинг эгалланиши ва Мовароуннаҳрнинг мўғуллардан деярли тозаланиши.

Туғлуқ Темур вафот этади.

Амир Темур ва амир Ҳусайн Ғузордаги Хўжа Шамс мозорида дўстлик учун онт ичадилар.

**1364 йил, қиш** – чегараларни мустаҳкамлаш мақсадида фислани Тошкентда ўтказиш.

Қурултой. Амир Темур – Кешда, амир Ҳусайн – Солисаройда ҳоким.

Ём суви атрофи (*Тошариқ, Қуббаиметин мавзеси*)да Амир Темур ва амир Ҳусайннинг Илёсхўжа билан тўқнашувлари.

**1365 йил** – қишни Қаршида ўтказиш.

**Баҳор** – Илёсхўжа Жетадан қайтди.

**21–22 май** – Мўғулистон хони Илёсхўжага қарши Амир Темур ва амир Ҳусайннинг бирлашган қўшинлари ўртасида тарихда машҳур «Лой жанги» бўлиб ўтди.

Илёсхўжа қўшинларининг Самарқандни қамал қилиши. Сарбадорларнинг бебошлиги, халқ норозилиги.

**1366 йил, ёз** – амир Ҳусайннинг синглиси, Темурбекнинг рафиқаси Ўлжой Туркон оқанинг вафот этиши билан Амир Темур ва амир Ҳусайн ўртасидаги муносабатнинг узилиши.

Мироншоҳ Мирзо туғилди (*онаси – канизак Менглибека оқа*)

**Куз** – амир Ҳусайннинг Амир Темурни ҳийла билан қўлга тушириш учун Чакчак дарасида уюштирган фитнасининг барбод бўлиши.

**1367 йил, баҳор** – Амир Темур ва амир Ҳусайн ўртасидаги Чақдоликда тўқнашув.

Темурбекнинг Мохонга кетиши.

**Ёз** – Ширкент орқали 243 йигит билан Қаршига ҳужум қилиш ва 12 минг аскар қўриқлаётган шаҳарнинг эгалланиши.

Ҳусайн билан Қарши, Самарқанд ва Жиззах атрофларида тўқнашувлар.



**1368 йил** – Соҳибқироннинг қишни Тошкентда ўтказиши. Амир Ҳусайн ҳузуридан уламоларнинг келиши ва ярашиш. Балх ва Бадахшон томонларга назорат юришлари.

**1369 йил** – Жета ҳукмдори Қамариддиннинг Тошкентга ҳужуми.

Соҳибқирон ҳаётидаги энг оғир жанг (*Қўнғуз ялангида 13 киши билан бадахшонликларга асир тушган 130 отлиқни озод қилиш*).

Амир Ҳусайннинг нобоп талаблари. Муносабатларнинг ўта кескинлашиши.

**1370 йил** – Ҳусайнга қарши ҳал қилувчи юриш. Саййид Барака Амир Темурга Термиздан 3 йиғоч беридаги Бўёйи мавзеида ҳокимият рамзлари бўлмиш ноғора ва байроқни топширди.

**Март** – амир Ҳусайннинг амир Кайхусрав томонидан ўлдирилиши.

**9 апрель** – Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилиниши.





## ХУКМДОР

(1370–1380 йиллар)

Самарқанд бу гал карвонни ўзгача хушнудлик билан кутиб олди. Шаҳар кўпдан буён бундай тантанани, шодиёнани кўрмаган эди. Тарихи минг йилларнинг чанг-тўзонларига кўмилиб, афтода ҳолга келиб қолган қадимий пойтахт аёвсиз жангу жадаллардан азалий кўркини йўқотган, лойсувоқ уйлару қинғирқийшиқ кўчалардан иборат маҳзун кўриниш касб этганди. Бу ҳақда муаррихлар, сайёҳлар ўз китобларида аниқ-тиниқ ёзиб қолдирганлар. Жумладан, бундан ўттиз беш йил олдин Самарқандда бўлган машхур сайёҳ Ибн Баттута (*у Бухорода Тармашир билан ҳам учрашганди*) ўз нафис қоғози, шоҳи матолари билан дунёни лол қолдирган шаҳарнинг ночор аҳволини надомат билан тасвирлаган. «Чингиз тўдалари катта-кичикни аямаган. Қадимий деворлар тупроққа айлантирилган, бозорлардаги шодон шовқинлар қумга сингиган сувдек йўқ бўлиб кетган» дея ифодаланади унинг кечинмалари.

Балхдан йўлга чиққан, Кешда тўхтаб нафас ростлаган Соҳибқирон Амир Темур чиндан Самарқандга янги ҳаёт, яшнаш-яшариш, машхурлик тоқида абадий порлаш нафасини олиб келаётган эди. Самарқанднинг, Мовароуннаҳр диёрининг, умуман, Шарқнинг шавкатли кунлари бошланаётган эди.

Балхдаги тантаналар баланд кайфиятда ўтди. Хусайн ўртадан кўтариб ташлангач, кейинги ҳукмрон ким бўлиши масаласи кунтартибига қўйилиш табиий эди. Ҳеч ким тож-тахтни ўзгада бўлишини хоҳламас, жиловни ўзи тутишини истарди. Халқ китобларида

нақл қилинишича, гарчи бу даража Соҳибқиронга мос бўлса-да, тахт даъвоси билан чиққанлар: Кайхисрав Хутталоний ўзини «хон куёви» ҳисобларди ва Яса бўйича тахтни ўзиники ҳисобларди. Шох Муҳаммад Бадахшоний ва Шайх Муҳаммад Баён сулдуз катта ҳудудларда ҳукмронлигини, нуфуси кўплигини пеш қиларди. Шундай вазиятда Саййид Барака ва Термиздан ташриф буюрган саййидлар Абулмаолий, Алиакбар масалани қуръа ташлаш йўли билан ечишни таклиф қиладилар. Номзодларнинг отлари қоғозга ёзилади ва хат жойнамоз остига яширилади. Холис киши қўл суқиб, қоғозлардан бирини олади. Уч марта шу амални такрорлайдилар, уч сафар ҳам Темурбекнинг қоғози чиқади. Шундан кейин даъвогарлар тақдирга тан бериб, муҳолифат либосини ташлайдилар ва Соҳибқиронни табриклар, тиз букиб келадилар.

Бу машваратларда улуснинг барча нўёнлари, амирлари, беклари, дин арбоблари (*Саййид Барака, Абулмаолий, Алиакбар*) жам бўлиб, Темурбек ҳукмронлигини бир овоздан тан олдилар. Соҳибқирон табрикларни қабул қилди, тантана шарафига катта зиёфат уюштирилди.

Ўша давр уруш йўсинининг тартибларидан бири шу бўлганки, ғолиб тараф ўз шавкатини кўз-кўз қилиш мақсадида мағлубнинг ҳарамига эгалик қилган ва уни ихтиёрича тақсимлаган. Кўпинча бу маросим ўч олиш, нари томонни хўрлаш каби ғаразли мақсадлар асосида амалга оширилган: аёллар чўри ҳолига келтирилган ёки улар отбоқар, чўпон, ошпаз даражасидаги тоифаларга ҳадя қилинган. Темурбек бу удумга амал қилишга мажбур эди; шунда у бутунлай инсоф йўлидан борди, марҳумнинг насл-насаби ва оиласига ўз илиқ муносабатини ифодалади. Маликалардан тўрт нафарини: Қозонхоннинг қизи бўлган Сароймулкхоним, Баён сулдузнинг қизи

Улус оқа, Хизр ясурийнинг қизи Ислим оқа ва Тоғай Туркон хотунни ўз хос ҳарамига юборди. Бу билан уларнинг имтиёз ва мавқеини сақлаб қолди. Бошқа малика ва канизакларни ҳам эътиборли беклари ихтиёрига топширди.

Ҳазрат Соҳибқирон шу кунларга етишда фидойилик кўрсатган яқинларига совға-саломлар улашди, уларга кўнглига ёқадиган гаплардан айтиб, ўз вилоятларига бориб, хурраму хушҳол яшашларига ижозат берди.

Балхга ҳоким тайинлаб, дарёдан ўтдилар ва Кеш яқинидаги Хушмиш яйловида кўч ташладилар. Шу хушманзара жойда икки ой турдилар. Темур синалган бекларни турли лавозимларга тайинлади.

Тарих китобларидан маълум бўладики, Соҳибқирон давлатни бошқаришда дастлаб амалда бўлган *(мўғуллар жорий этган)* тизимни қўллаган *(чунки бир ярим аср истифода этилган тартибларни бирданига ўзгартириш қийин эди. Соҳибқирон кейинчалик 35 йиллик ҳукмдорлик йилларида давлат тизимини муттасил ислоҳ қилиб борди ва янгича давлат бошқарувини асослади)*. Жумладан, шаҳар ёки вилоят доруғалари, арбоблар, ҳазора, сада, туман тушунчалари ҳудудий бўлинишларни ифодаласа, девондор, черик беклари, девон беклари, мингбеги, юзбеги, ҳировул, сафларнинг улуғи мансаблари маъмурий бошқарувни акс эттирган.

Самарқандга келгач, ободончилик ва тиклаш ишлари авж олиб кетди. Темур Самарқанднинг имкониятларини ҳисобга олиб, уни салтанатининг пойтахти қилиб танлади. Пойтахтда подшоҳ саройи қуриш ва унда аёну мулозимларни – сарой хизматкорларини жойлаштиришга амр этди. Бу билан Амир Темур кўчманчи мўғуллардан тубдан фарқ қиларди. Чингизхон авлодларида ўтроқлашиш тўла жорий

бўлмаган, шу сабабли уларнинг қароргоҳлари ҳам ўтовларда жойлашган эди. Соҳибқирон тутган йўл ўта маданийлиги ва янгича тараққиёт белгиси сифатида ўтмишдошидан бутунлай устун эди. Шу тариқа Кўксарой қурилиши (*кейинчалик Бўстонсарой – асосан маиший турмушга мўлжалланган*) жадал бошланди. Шаҳар мудофаа девори – қўрғонини тиклаш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш ҳам авж олди.

Соҳибқирон ҳукмдорлигининг илк кунлариданоқ бошланган бу хайрли юмушлар кейинчалик ҳам изчил давом эттирилди. Оқибатда, Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди. Энг гўзал шаҳарлар унга рашк қила бошлади. Бир шоир ёзганидек, «унга Бағдод рашк қилиб йиғлаганда, кўз ёши Дажла бўлиб оқди, Қоҳира эса рашк либосини Нилга отди!»

Мамлакат янги ҳаётга қадам қўя бошлади. Истикболда муҳим вазифалар кўндаланг турарди. Булар, аввало, ички аҳволни тартибга олиб келиш, ўзаро низоларга чек қўйиш, чегараларни мустаҳкамлаб, чет душманнинг йўлини қирқиб қўйиш, шу билан ички тинч ҳаётни таъминлаш эди.

Ўшанда Амир Темур қўл остидаги ҳудудларнинг бир чети – шарқда Мўғулистон (*Жета*), шимолда – Оқ Ўрда, Олтин Ўрта (*Дашти Қипчоқ ерлари*), ғарбда – Хоразм, жанубда – Балх, Бадахшон, Хуросон, Хутталон орқали Ҳиндистон ва Эрон билан ўралган эди. Албатта, мўғуллар ўзлари мазахўрак бўлган ва қарийб бир ярим аср ширасини сўриб келган Мовароуннаҳр (*Туронзамин*)ни эсдан чиқармаган ва улар истаган пайтда имконият топиб, бостириб киришга тайёр турарди.

Маълумки, ўша асрнинг 40-йилларига келиб, бир пайтлар яхлит Чиғатой улуси деб аталган ҳудуд диний, маданий ва турмуш тарзидаги тафовутларга кўра икки (*Жета (Мўғулистон) ва Мовароуннаҳр*)

га ажралган, рамзий чегара Иссиққўлнинг ғарби, Сирдарё ўзани орқали ўтарди. Мўғулистонда дуғлат уруғидан чиққан хон Қамариддин ҳукмронлик қилар, у ўзини баҳодир жангчи ва кучли ҳарбий лашкарбоши сифатида кўрсата олган эди. Ана шу одам қарийб йигирма йил давомида Амир Темур билан урушди. Соҳибқирон етти марта унга қарши мудофаа жанглари олиб борди. Аммо Қамариддин мақсадига эриша олмади, энди олдинги дарахтлар кесилиб кетган, Туронзамин ўз халоскорига эга бўлган эди.

Иккинчи энг катта хавф ва безовта нуқта Хоразм тарафда эди. Бу ўлкада ўзига хос бошқарув тизими қарор топган эди, яъни у Чингизхон томонидан бурдаланиб, кейин қўшилганди. Чингизхон бу юртни босиб олгач, уни иккига бўлганди. Шимол қисми (*маркази – Урганч*)ни катта ўғли Жўчига инъом этган ва у Олтин Ўрда тасарруфига ўтиб кетганди. Жануб (*маркази – Кот (Қиёт)*) Чиғатойга берилганди. Мўғуллар ичида парокандалик бошлангач, маҳаллий беклар яхлит юртни ягона қилиб бирлаштириш ҳаракатига тушиб қоладилар ва, ниҳоят, 1359 йилда кўнғирот уруғидан чиққан Хусайн Сўфи бу ишни амалга оширади.

Мовароуннаҳр Темур қўлига ўтганда Хоразм мустақил сиёсат олиб борар, ҳали муносабатлар аниқ эмас эди. Албатта, Амир Темур Хоразмсиз Мовароуннаҳрда тугал давлат қуриб бўлмаслигини тушунарди. Негаки, буюк тарихга, теран маданий илдизларга эга Хоразм азал-азалдан Туронзаминнинг ажралмас бир қисми бўлиб келган, бу ерда умумий маданият, турмуш тарзи шаклланган, бир ота-онадан тарқалган халқлар яшарди. Қолаверса, бу икки ҳудудни ажратиш чап қўлни ўнг қўлдан ёки танани оёқдан ажратишдек гап эди. Энг қийин пайтларда ҳам бўлиниш ҳақида гап бўлмаган, Муҳаммад

Хоразмшоҳ юлдузи чарақлаган пайтларда кўп муддат Самарқандни пойтахт қилиб танлаган эди. Шунингдек, Туронзаминнинг бу дурдонасига шимолдан Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда кўз тикиб турган эдики, нисбатан кичик бу ҳудудни улар бир ҳамла билан ўзига қўшиб олиши мумкин эди. Туронзамин яхлитлигини таъминлашни бош стратегик мақсади, деб билган Амир Темур Хоразмни доимо эътиборида тутди. Кейинчалик унинг таклифларига рози бўлмаган ёки хиёнат қилган Сўфилар билан беш марта музокаралар олиб боришга мажбур бўлди.

Агар Соҳибқироннинг шу ўн йилликдаги фаолиятига умумий назар ташлайдиган бўлсак, унинг бу даврдаги умри Шарқ ва Ғарб оралиғида чарх уриб ўтганига гувоҳ бўламиз. Гоҳ кунчиқишда Қамариддин ширин лукма илинжида чегара вилоятларга бостириб кирса, гоҳ Хоразмда тўполон бошланиб, унинг шовқини Бухорогача етиб келарди. Бу икки қутб худди келишиб олгандек, Темур Мўғулистонга йўл олса, ғарбдан бош кўтаришади, аксинча, кун ботишга юзланса, Қамариддин отини қамчилаб қолади. Бунинг устига Темурни тан олишни хоҳламаган ёки унинг сиёсатидан норози бўлган беклар ҳам озгина таадди ўтса, қочиб, ё у томонга, ё бу томонга кетиб қолади. Хуллас, Туронзаминнинг келажаги, қолаверса, Темурбек сиёсатининг иқболи шу қарама-қарши икки қутбни бир қўлда ушлай олиш, энг мақбул йўлни топиш, ўлкада тинчлик ва барқарорликни таъминлай билишда қолган эди. Тарих ва тақдир кўрсатдики, ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур бу мураккаб вазифани муваффақиятли уддалади, мақсадига етиб, иқбол юлдузи баланд порлади.

Албатта, бунга ҳали анча бор эди. Ўша кунларда эса тезда ҳал қилинишини кутаётган юмушлар оёқ остида пойлаб турарди.

Мавжуд вазиятни таҳлил қилиб, кейинги юмушларни бамаслаҳат ҳал этиб олиш мақсадида Соҳибқирон 1370 йил кузида қурултой чақиришга аҳд қилди. Қурултойга вилоятлар, туманлар, ҳазоралардан доруға, арбоб, мингбеги, юзбегилар Самарқандда тўпланди. Темур пойтахт шаҳарга ҳоким қилиб Довудбекни (*опаси Қутлуғ Туркон оқа унинг никоҳида эди*) тайинлаганди. Қурултой қатнашчилари Темурбекка садоқат изҳор қилдилар, унинг айтганларини адо этишга сўз бердилар. Шу анжуманга фақат апарди бекларидан Шивирғон ҳокими Зиндачашм (*Тириккўз*) келмади.

Шу ўринда Соҳибқироннинг ўз йўлдошларига, бекларига, умуман, одамларга муносабатини тасаввур қилиш учун ўша даврнинг нуфузли шахсларидан икки кишининг хатти-ҳаракатини Темур қай йўсинда баҳолагани, уларга қандай муносабатда бўлгани баёнини келтириб ўтамыз. Булар амир Мусо ва юқоридаги бек – Зиндачашмдир.

Эсингизда бўлса, Ҳусайнга қарши юришда амир Мусо қўшинга бош этиб тайинланган, у эса Ғузорга борганда лашкарни ташлаб, Самарқандга қочган эди. Темур ғалаба билан қайтгач, Мусо Туркистон томонга кетиб қолади. Соҳибқирон унинг изидан одам юборади.

Мусобек улар билан олишиб, яна Тангиболо деган тоғларга чиқиб кетади. Темур унга ярашиш, яхши кунларда бирга бўлиш таклифини изҳор этиб, Ҳусайннинг иниси Қарлиғочбекни жўнатади. Мусо барибир тутқич бермайди ва Амудан ўтиб, Зиндачашм ҳузурига боради. Очиғи, бу иккиси ҳам марҳум Ҳусайнга мойил бўлиб, унинг тақдиридан (*ўлдирилишидан*) норози эди.

Зиндачашм қурултойга келмагач, Соҳибқирон жаҳлланди ва одам юбориб, тезда етиб келишини,



билъакс, қўшин тортиб боришини айтиб юборди. Зиндачашм тилёғламалик қилиб, садоқатини изҳор қилди-ю, барибир келмади. Аксинча, Ҳусайннинг душманлари бўлган, Темур хузурига қўшилиш учун келаётган арлот уруғининг бегини ўғли билан йўлда тутиб ўлдирди. Бундай ҳаракатлар жиддий муносабатни талаб этарди. Илк ҳукмронлик босқичида парокандаликка олиб келиши мумкин бўлган бу ҳолни тезда баргараф этиш лозим эди. Зиндачашмнинг бир қариндоши Темур қошида яхши мавқега эга эди, ундан яқинини тартибга чақиритишни сўради. Лекин бу ҳам кор қилмади. Шундан кейин Соҳибқирон Шивирғонга қўшин тортиб боришга мажбур бўлди. Албатта, Зиндачашм бундан талвасага тушиб қолади ва ўша қариндошига арз қилиб, гуноҳини тилаб олишни сўрайди. Темур уни авф этади. Мусобекни ҳам кечириб, ўзи билан олиб келади, унга мол-мулк ҳадя этиб, ўзига яқин тутарди. Маълумки, кейинчалик у билан Соҳибқирон қариндошлик ришталарини улайди.

Зиндачашм шу билан ҳам тинчимайди. Термиз саййидлари фатвоси билан дарёдан ўтиб, элни талашга машғул бўлади. Темур қўшин жўнатарди, шаккокни тутиб, Соҳибқирон қошига келтирадилар. Унга насихатлар қилиб, яна қайтариб юборади.

Самарқандда бўлаётган ўзгаришлар атрофдагиларни бепарво қолдирмасди. Темурнинг ҳокимият тепасига келганини эшитиб, Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрусхон Тўйхўжа Ўғлон бошлиқ элчиларини Самарқандга юборди. Улар сафида Тўйхўжанинг ўғли Тўхтамиш ҳам бор эди. Кейинчалик унинг ҳаёт йўли Соҳибқирон билан кўп бора кесишди ва таржимаи ҳолида белгили шахслардан бирига айланди.

Кейинроқ Олтин Ўрда хонининг элчилари ҳам ташриф буюрди. Бу Темурбек салтанатининг Чингиз-

хон авлодлари томонидан тан олиниши ифодаси эди. Қўшни мамлакат элчиларини Соҳибқирон яқинда қуриб битказилган Кўксаройда қабул қилди.

Хўжанд вилоятида босим бўлган жалойир уруғи Қамариддин билан тил топишаётгани ҳақида хабар келгач, 1371 йил баҳорида Жета сари қўшин тортишга тўғри келди. Юриш шарқий чегараларни тафтиш қилиш, айбдорларни жазолаш билан тезда якунланади. Афсуски, бу юмшоқ муносабат етарли ҳулоса чиқаришга кифоя қилмайди чоғи, кузда жиддий юриш уюштирилади. Сайрам ва Янги (*Авлиёота-Жамбул*)дан ўтган лашкар кенг қамровли маневрлар ўтказиб, Хўжандга етади. Ношукурлик, кўр кўзнинг очилмаганлигини қарангки, қўшин сафида бўлган Мусо ва Зиндачашм маҳаллий беклар билан келишиб, Темурга суиқасд тайёрлашади. Улар Ўтрор яқинидаги тўқайда ов пайтида уни ўлдиришмоқчи бўлади. Бу хабар Соҳибқиронга етиб боради. Шу кунларда Мусонинг ўғли Муҳаммадга Соҳибқироннинг қизи унаштириб қўйилган эди. Бунинг устига Сароймулкхоним Мусонинг эгачисининг қизи эди. Шуларни ҳисобга олиб, уни яна афв этади. Зиндачашм эса энди кечирилмайди.

\* \* \*

Албатта, Амир Темурда Мовароуннаҳрни Чигатой давридаги чегараларда тиклаш нияти бор эди. Хоразмга Алуфа тавочини юбориб, Хусайн Сўфидан тобелик аломати сифатида закот талаб қилади. Элчига шундай жавоб бўлди: «Мен бу вилоятни қилич билан олганман, мендан ҳам қилич билан оладилар». Темур бунга муносиб жавоб бермоқчи бўлди, бироқ унинг аъёнлари сафида мулоҳазали, донишманд Жалолиддин Кеший деган солиҳ одам бор эди, у қўшин тортмай, яна бир марта муроса қилишни таклиф қилди ва

Ўзи Хоразмга йўл олди. Хусайн Сўфи эшитишни ҳам хоҳламади ва Кешийни зиндонга буюрди. Темурнинг қўшин тортишдан бошқа иложи қолмади.

1372 йил баҳорида лашкар Қарши орқали йўлга чиқди. Шу аснода олдиндан ҳамкор бўлган Ҳирот подшоси Малик Ғиёсиддин Соҳибқиронга садоқат рамзи сифатида совға-саломлар юборди. Уларнинг қаторида бир оқ от ҳам бўлиб, эгари олтиндан эди, уни Ханг Ағлақ деб атардилар.

Йўлда Кот қалъаси шитоб билан забт этилди. Хусайн Сўфида Урганчни мудофаа қиладиган мажол ҳам йўқ эди. У сулҳ билан чиқишни ўйлаб турганда, Темурбек лашкари сафида бўлган Кайхисрав одам юбориб, таслим бўлмасликни, ўзи унинг тарафига ўтиб, биргаликда курашишини билдирди. Оқибатда, муҳораба анча чўзилди. Бу орада Хусайн Сўфи ўлиб қолди ва унинг ўрнига Юсуф Сўфи ўтирди.

Юсуф яраш йўлини тутди. Унинг таклифини Соҳибқирон қабул қилди. Ўртадаги муносабатларни мустаҳкамлаш, қариндошлик ришталарини боғлаш учун Темур куда бўлиш ниятини изҳор этди. Юсуф Сўфининг иниси Оқ Сўфи мўғул хони (*Олтин Ўрда ҳокими Ўзбекхон, ҳукмронлиги 1312–40 йиллар*) нинг қизи Шакарбекага уйланган эди ва ундан Севинчбека исмли қизи бор эди (*уни Хонзода деб аташарди*), ана шу моҳичеҳрани Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога сўради. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, бу тақлиф хушхол қабул қилинган, фақат Хонзоданинг сепи тайёр бўлмагани учун тўй кейинроққа қолдирилган.

Кўшин яраш йўлини тутиб, ортга қайтгач, йўлда Кайхисравнинг хатти-ҳаракати муҳокама қилинди. Унинг айби исботлангач, Соҳибқирон уни Хусайннинг навкарларига топширди ва олган қасди учун (*маълумки, Кайхисрав укаси Қайқубоднинг хуни учун*

*амир Хусайнни ўлдирган эди*) ўч олиниб, умри поёнига етказилди.

Шундан кейин Кайхисравнинг ўгли Муҳаммадбек фитна уюштириб, ўз фикрдошлари билан қочиб, Юсуф Сўфи ҳузурига бордилар ва уни Темурга қарши муҳолифатга кўндирдилар. Улар қўзғалиб, Котни босдилар. 1373 йил январь ойида, қаттиқ совуқ аралаш Хоразмга иккинчи юриш бошланди. Юсуф Сўфи ошкора тўқнашувдан қочиб, сулҳга кўнди ва тезда Хонзодани сепу саруполар билан узатишни бўйнига олди.

1374 йил март ойида Соҳибқирон энг яқин одамлари— Қорачор нўён авлодидан Ёдгор ва куёви Довудбек ҳамда Улжойтуни шоҳона бисотлар билан Хоразмга жўнатиб, Хонзодахонимни келин қилиб тушириб келди. Юсуф Сўфи қуда тарафни яхши кутиб олди, данғиллама тўй қилиб берди. Келин йўлга чиққанини эшитгач, Соҳибқирон Чингизхон наслидан Қайдухон ўғлининг рафиқаси Куртуқа хотун бошлиқ жами бекларнинг аёлларини пешвоз чиқарди. Улар Котгача бориб, юз-минг таъзим билан келинни кутиб олдилар ва ўйин-кулги, хушчақчақлик қанотида Самарқандга олиб келиб, тўйга машғул бўлдилар. Соҳибқирон ўзи бош бўлиб, тўйни тантана ва шод-хуррамлик билан ўтказди.

Шарқий ҳудудларда кўчманчи ўзбеклар ва мўғуллар таҳдид солиб турардилар. 1375 йил январда яна, учинчи марта Қамариддин изидан тушилди. Ҳаво ҳаддан ташқари совуқлигидан йўлдан қайтдилар ва баҳор келгач, қўшин Сайрамдан ўтиб, ҳозирги Алмати ҳудудларига етди. Қамариддин этагини туттирмас эди. Жаҳонгир Мирзо бошлиқ лашкар шу ёз тоғ дараларию Иссиққўл атрофларини айланиб чиқди. Ҳамма жойда ўз тартибларини ўрнатдилар. Сафардан

қайтиб, Соҳибқирон ўша йил қишни Занжирсаройда кутиб олди.

Кўп манбаларда шу сафар давомида Қамариддиннинг хотини ва қизи Дилшод асир олинди, деб қайд этилади (*кейинчалик Дилшод оқага Соҳибқирон уйланади*), Яздий эса «Зафарнома»да «Шамсиддиннинг хотуни Буён оқа ва қизи Дилшод оқа эликка тушди» (77-бет), деб кўрсатади. Ёш бўлишига қарамасдан, бундай шижоат намоён этган Жаҳонгир Мирзонинг ишларидан ота хурсанд бўлди.

Баҳор келиши билан яна янги юришларга жадал тайёргарлик кўрила бошланди. Хоразмда Юсуф Сўфи келишув шартларини бузаётган, Жетада Қамариддин чет-четдан таҳдид солиб турарди. Ўз кучига ишонган Соҳибқирон икки рақиб билан бир йўла ҳисоблашишни мўлжаллади. Ўттиз минг лашкарни Жета устига йўллади. Кўшинни Сарибуға ва Одилшоҳ жалойир деган ишончли бекларга топширди. Ўзи Хоразмга кетди.

Гарчи Темурбек шу пайтгача анча иссиқ-совуқни татиб кўрган бўлса-да, ҳали одамларга ишончи сўнмаган эди. Ўзи ғарбий чегараларга йўл олиб, икки бегини Мўғулистонга юборганида, уларга ўзига ишонгандек ишонган эди. Аммо «Одамнинг оласи ичида бўлади», деганлари рост чиқди: Жетага йўл олган лашкар бошлиқлари Андижонга етгач, вилоят доруғаси Ҳамди билан тил бириктириб, хиёнатга юз тутдилар, кучларни бирлаштириб, шартга орқага қайтиб, пойтахтни эгаллаш мақсадида Самарқандга ҳужум қилдилар.

Соҳибқиронга ҳам Шивирғонга доруға этиб тайинланган Туркон арлот хиёнат қилди. У келишилган жойга лашкари билан чиқиш ўрнига Афғонистон томонга қочди. Аксинча, йўл-йўлакай у билан ҳам жанг қилишга тўғри келди.

Темурбек Самарқандда аҳвол танглигини билгич, шаҳар мудофаасига ўғли Жаҳонгирни юборди ва изидан ўзи ҳам қайтди. Хоинлар қочдилар ва Оқ Ўрда хони Ўрусхон паноҳига кетдилар. Шундан кейин Темур жалойир уруғидан бўлган аскарларни бўлиб юборди. Андижонга ўғли Умаршайхни ҳоким қилиб қўйди.

Умаршайх Мирзонинг Андижон ҳокими этиб тайинланиши Соҳибқироннинг мамлакат худудларини бошқариш сиёсатида янги, ёрқин ва дадил қадами эди. Агар ҳазрат ҳозиргача маъмурий бошқарувда анъанавий ҳокимларга суянган бўлса, энди ўзи вояга етказган кишиларга ишонч билдиришни бошлади. Кейинроқ учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзони Хуросон ҳокими этиб тайинлади. Ҳа, Соҳибқироннинг фарзандлари қанотига кира бошлашди.

Умаршайх чегара вилоят Андижонда хушёрлик билан фаолият кўрсатди, падарибузрукворининг талабларига тўла жавоб берди. Шаҳар ва вилоят ҳаётида ёрқин из қолдирган тадбирлар кўрди. У барпо этган Гулистон боғи ҳақида муаррихлар завқ билан ҳикоя қилганлар. Жумладан, Бобур Мирзо машҳур асарида уни чуқур ҳурмат билан «Улуғ Умаршайх» деб атайдди (*чунки бобосининг исми ҳам Умаршайх эди-да*) ва Андижонда амалга оширган ишларига юқори баҳо беради.

Одилшоҳ ва Сарibuға кейинчалик Қамариддинга қўшилдилар. Тўқнашувларнинг бирида Одилшоҳ тутиб ўлдирилди. Сарibuға кечирим сўраб келди, Соҳибқирон уни афв этди ва яна жалойир қавмига бош қилиб қўйди.

Қамариддин ўша қочиб борганларнинг қутқусига учиб, Андижонга бостириб кирди. Умаршайх пойтахтдан ёрдам сўради. Амир Темур Жета устига тўртинчи бор юриш қилди. Қамариддин Отбошидан қочиб, бир

дарага яширинди. Соҳибқирон қўшинни фавжларга бўлиб, рақиб изидан жўнатди. Ўзи 200 жангчи билан қолди. Шу пайт Қамариддин 4 минг аскар билан кутилмаганда ҳужум қилиб келди. Ҳазрат Соҳибқирон заррача ҳам ваҳимага тушмай, йигитларни олға бошлади. Улар шунчалик жасорат ва садоқат билан жанг қилдиларки, Қамариддин лашкари чекинишга мажбур бўлди. Темур аскарлари Қамариддинни таъқиб қилишда давом эттилар. Бу сафар ҳам у қочиб қутулди.

Албатта, уч-тўрт калимада, бир-икки сатрда қайд қилинган бу жидду жаҳдларни бир сира, пинакни бузмай ўқиб кетиш мумкин. Аслида уларнинг замирида, зуваласида, ботинида қанчалаб инсон тақдири турганини ҳис этиш осон эмас. Камондан пайконлар тинимсиз учиб турган, яланғочланган қиличлар қон тўкишга ташна бўлиб, лаҳзама-лаҳза сирпанаётган издиҳомда бир ишорат қанча умрларга завол келтира олади? Яна бу талотўмлар ҳафталар, ойлар мобайнида узлуксиз давом этганини тасаввур қилсак, ҳаёт саҳнасида тақдир ўйини на қадар қалтис кечганини ҳис қилиш мумкин. Солномаларнинг хира тортган саҳифалари орқали ўша кунларнинг сурони бир қадар совуққон, шафқатсиз кўринишда етиб келган. Ҳар бир жанг тафсилотида, ҳар бир варақда қанчалаб сарбозлар, баҳодирлар, беклар, амирлар номи қайд этилмаган? Ҳатто уларнинг исмини эслаб қолиш ҳам дафъатан қийин, бироқ номлар замирида давр руҳи, замона зайли яширинган.

Олайлик, Шарафиддин Али Яздийнинг маълум асарида шу кунлар иштирокчисининг ҳаёт тарзи тафсилотига доир кўплаб лавҳалар берилган. Масалан, Пўлод (*бугунги Пулат бўлса керак*) баҳодир қандай жанг қилган? Соҳибқирон уни бир жамоат киши билан Туркон арлотнинг изидан юборади. Форёб дарё-

сининг бўйидаги тўқнашувда Туркон енгилиб қочади. Пўлод унинг изидан тушади, рақибининг оти ҳориган эди, йиқилди. Отган ўқи Пўлоднинг дубулғасига тегди. «Пўлод анинг сари югуриб, анга ёпушди ва Турконни кўтариб ерга уруб, бошини кесди.. Ва Амон сарбадол Турконнинг инисини тушуриб, ўлтурди ва икки бошни Соҳибқирон қошига келтирдилар».

Қамариддин билан муҳорабада ҳам Пўлод майдонда эди. «...яна Қамариддин қочиб, Учқаробек анинг кейнида тушиб, бир неча сурди. Қамариддин саккиз киши билан қайтиб урушти ва кўб захмлар еб, чиқиб қочди. Пўлод баҳодирнинг эликида йамон ўқ тегиб эрди, қайтиб бир ерга тушканда анда ўт тушди. Ўзи қўнуб саъйи эттиким, ўтни ўчургай. Ул жиҳатдин жароҳати тоза бўлуб, вафот бўлди».

Қир-адирлар, тоғ-тошлару чўл-биебонларни гоҳ отда, гоҳ пиёда қадамлаб ўтган, бу изғишлардан этигининг пошнаси тўзғиган; бошидан қуёш уриб, жала-ёмғир қуйган, шамол ва бўрон зириллатган; уйқусида фароғату еб-ичишида ҳаловат бўлмаган; бор бисоти бир чарм саночда жамланган, бир қўлида найза, бошқасида қалқон тутиб, ҳар лаҳзада ажал билан бақамти юрган минглаб навкарларнинг умр баёни ушбу тахлид эди. Ана шундай ярим ёввойи турмуш тарзи, унча-бунчада қолипга тушмайдиган, буйсунмайдиган такабўйин куч бир онгли мақсадга йўналтирилганди: эл-улус осойишталигини таъминлаш, ватан озодлигига эришиш. Бу ёруғ, олиймақом орзунинг жиловида Амир Темур қоядек собит турарди.

Ҳаёт эса ўз измида давом этар, унинг қаттол, шафқатсиз қонунлари ўз ҳукмини ўқирди.

Ўша кунларда Соҳибқирон сирли бир туш кўрди. Жаҳонгир Мирзо касалланиб, Самарқандда қолган эди. Тушига манбаларда машҳур шайх Сайфуддин Бо-



харзийнинг ўғли, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида таниқли диний арбоб тарзида изоҳ берилган шайх Бурҳониддин Қилич кирибди, ул зотдан «Ўғлимнинг аҳволи қалай?» деб сўраганмиш ва «Худойи таолодан унга саломатлик тиланг» деганмиш. Аллома эса «Худо билан бўлгин» деган сўздан ўзга ҳеч нарса гапирмай, ғойиб бўлибди. Бундан таҳликага тушган Темур бекларга:

– Гумон қиламанки, фарзандимдан айриламан, – дейди ва пойтахтдан бирор хабар келган бўлса, сир тутмай айтишларини сўрайди. Бироқ ҳеч қандай дарак йўқ эди.

Соҳибқирон Самарқандга қайтганда, ҳақиқатан Жаҳонгир вафот этган эди. Бундан қаттиқ изтиробга тушадилар. «Жамиъ халойиқ бошьяланг, палос ёпинган ҳолда Соҳибқирон истиқболига чиқди» (*Шо-мий*). Шаҳзода Кешда дафн этилади. Ундан икки ўғил қолади: Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад.

\* \* \*

Ҳазрат фарзанд доғини унута олмай юрган кунларда Дашти Қипчоқдан Тўхтамиш келиб қолди. Отаси – бир пайтлар Темур саройига элчи бўлиб келган Туйхўжани Ўрусхон қурултойда ўзига қарши овоз бергани учун ўлимга буюрган, қасд олишга жазм қилган ўғил эса енгилиб, қочиб, Соҳибқирон даргоҳига келган эди. Тўхтамиш нимаси биландир тенгдоши марҳум Жаҳонгирни эслатар эди. Бундан Соҳибқироннинг изтироби таскин олгандек бўлди ва унинг даргоҳига келишини хайриликка йўйиб, ўғли қаторида қабул қилди. Уни паноҳига олди. Саброн ва Сиғноқ вилоятларини берди.

Ўрусхоннинг ўғли Қутлуғбуга Тўхтамишни таъқиб қилиб бостириб келади, афсуски, жангда Қутлуғ ўлдирилади, бироқ Тўхтамиш енгилиб яна

Самарқандга қайтади. Соҳибқирон бу сафар олдингидан ҳам яхши кутиб олиб, лашкарини жамлаб, яна вилоятига юборади. Энди шаҳиднинг акаси Тўхтақия яна ҳам кўп лашкар билан келади, тўқнашувда енгilib, Тўхтамиш яна қочади: Сирдан сузиб ўтаётганда ўқ тегиб ярадор бўлади. Сувдан чиқиб, хас-хашаклар ичида ётганида, тасодифни қарангки, Темурбек унга кўмакка юборган Идику инграган овозни эшитиб, уни топиб олади...

Ўрусхон элчи юбориб, ўғлини ўлдирган Тўхтамишни талаб қилади. Соҳибқирон талабни бажармайди ва икки ўртада гап урушга бориб тақалади.

Бу орада Қамариддин устига икки марта қўшин юборилади. Соҳибқироннинг ўзи ҳам Кўчқор мавзесигача бориб, шу ерда Тўхтамиш келганини эшитган эди.

Соҳибқироннинг чекига тушган қисмат ройиши, унга аталган ҳаёт тарзи шунчалик шиддатли эдики, бир инсон – ота сифатида дард чекишга, курашлардан сўнг дам олишга, авом халқ қаторида осуда яшашга имкон тополмасди. Ҳазрат гўё улкан оқимга тушиб қолган, энди фақат нариги қирғоққа сузиб ўтибгина ўзини сақлаб қолиши мумкин; бу оқимнинг забти шунчалик тезкор эдики, озгина ғафлатда қолиш, кечикиш ғарқ бўлиш билан баробар эди. У тинмай от суришга, эгар устида тонгларни бедор ўтказишга, бунинг устига ўз сафдошларига жасоратда, матонатда, маҳоратда ўрناق бўлишга мажбур эди. Унинг танлаган йўли – ватанни озод қилиш, унинг қаддини тиклаш, халқнинг бошига соябон бўлиш вазифаси шуни талаб қилар эди.

Темурбекка ҳар бир дақиқа, ҳар бир ҳаракат – у чегараларда ёғийнинг пайдо бўлишими, ишонган одамларининг хиёнатими ёки тақдир ўйиними – ҳаммаси синов эди. У ана шу шафқатсиз синовлардан

мардона, шараф билан ўтиши керак эди, негаки, Туронзамин аталган бебаҳо юртнинг тақдири беихтиёр унинг ҳаётига кириб борган эди. Энди Темурнинг зафари – бутун халқнинг ҳаёти, унинг мағлубияти шу халқнинг мамоти эди. Соҳибқирон Темур зиммасида ана шундай залворли юк бор эди.

Бу пайтга келиб, Мовароуннаҳр эски чегараларида тикланган, Амир Темур Туронзаминнинг шавкатли султонига айланган эди. Ҳазрат ўз табиати ва тарбиясидан келиб чиқиб (*у гўзалликни қадрловчи, хурсандчиликдан чинакам завқ олувчи киши эди ва маърифатли, аристократ хонадонда тарбияланганди*), жангу жадаллардан бўш вақтларида ободончилик ишлари билан муттасил шуғулланди, қадимги Самарқанд, Урганч ёки Бухоро обидаларига монанд иморатлар қуришга киришди. Уларнинг дастлабкиси ўз қароргоҳи Кўксарой эди. Кейин Кешда отаси ва пирлари Шамсиддин Мир Кулол (*1370 йилда вафот этганди*) қабри устида мақбара қурдирди. Пайғамбаримиз авлодларидан Қусам ибн Аббос дафн этилган Шохизинда зиёратгоҳини обод қилиш билан бирга янги мажмуалар бунёд этди. Шулардан бири ёш вафот этган жияни Шодимулк хотирасига қурилди. Кейинчалик опаси Қутлуғ Туркон оқа ҳам шу ерда дафн этилди ва мазкур мақбара ҳозир ҳам мавжуд. Самарқанд атрофида бир-бирига ўхшамаган гўзал боғлар барпо этилди. Уларнинг аксарияти аёллар шарафига аталган эди. Агар боғларнинг тарихи алоҳида бир мавзу бўлса, Соҳибқирон тақдирида аёлларнинг ўрни ва ҳазратнинг аёлларга муносабати, ҳурмат-эътибори ундан ҳам кам қизиқ бўлмаган мавзу. Булар ҳақида тадқиқотлар бор, бу юмуш тўхтамайди...

Умуман, Соҳибқироннинг шахсий сифатлари ҳақида жуда кўп фикр юритиш мумкин. Бу гениал ва мураккаб инсонда одам фарзандига хос барча бел-

гилар мужассам бўлганга ўхшайди. Бироқ шу сонсиз хислатларни баҳоловчи битта мезон бор: буюк бобокалонимиз номард бўлмаган.

Ҳазратнинг мардлиги шу даражада бўлганки, у ҳатто ўзига қарши тиғ кўтарган, жонига қасд қилган кишиларда заррача инсонийлик бўлса, уларни қадрлаган, тан олган, гуноҳини кечирган (**баъзи лавҳаларни юқорида кўрдик**). Ўзига яқин олган одамларига хиёнат қилмаган (**ҳатто бу тарзда фикр юритиш бизга ҳам ноқулай, негаки, Соҳибқиронда бунақа кайфият ҳам бўлмаган**), эзгуликни ҳар қандай шароитда қўллаб-қувватлаган.


Ана шу фикрларимизнинг жонли тасдиғи Тўхтамиш тақдирида аниқ кўринади. Ҳақиқатан, шерюрак, жасур бўлган бу йигит Темурбекнинг меҳрини қозонди, ана шундай кучнинг доимо ёнида бўлишини истади, ҳар доим қўллаб-қувватлади, бироқ...

Ўшанда, Ўрусхон қасос олиш учун Тўхтамишни беришни талаб қилганда ҳам Соҳибқирон ўз феъл-атворини намойиш қилди ва даргоҳига юкиниб келган одамни тутиб бериш (**ҳатто икки мамлакатнинг тинч-тотув яшаш манфаатларига мос тушса-да**) одамгарчиликдан эмаслигини изҳор қилиб, Ўрусхон билан муҳорабага чиқди.

1376 йилнинг қиш-қировли кунлари ўтгач, ҳарбий сафар бошланди. Ўрусхон ҳам бутун Жўчи улусининг қолган-қутган лашкарларини тўплаб келди. Бу тўқнашув қарама-қарши йўллар кесишган пайтда содир бўлди. Бир тараф бу ёғи Қорақурум саҳроларидан бошланиб, Европанинг киндигигача (**Адриатика денгизигача**) ўз тасарруфига олган, дунёни чинакамига ларзага солган қавм вакиллари бўлса, иккинчи томон энди кураш саҳнасига чиққан, ички низоларни куникча бостириб, тинч бунёдкорлик юмушига киришган ва истиқболда нима кутаётганини билмайдиган



Мовароуннахр чегараларини мустахкамлаш



учун кураш (1370–1380 ва 1385–1389 йиллар)

сирли куч эгалари эди. Шуниси борки, кучлар нисба-ти янги авлод фойдасига оғаётган эди: лашкарбоши-лар, улус беклари Чингизийлар тасарруфидан чиқиб, қочиб, Мовароуннаҳр султони қўли остига ўтаётган эди. Тўхтамишнинг ташрифи, ўша кунларда Ҳирот маликидан юз ўгириб одамларнинг келиши шунинг исботи эди. Толе янги ойнинг балқишини ихтиёр эта-ётган эди.

Тўқнашув Сиғноқ атрофида рўй берди. Тарихчи-ларнинг гувоҳлик беришича, бу муҳорабалар узи-лишлар билан келаси йилнинг март ойигача давом этган ва Соҳибқирон зафар қучиб, Тўхтамишни Даш-ти Қипчоқда хон тайинлаган. Бу ғалаба шарафига ҳазрат Тўхтамишга юлдузни кўзлаган бир от – Ханг Уғлақ *(бир пайтлар Ҳирот подшоси Соҳибқиронга совға қилган от «Зафарнома»да «Ханг Ағлақ» деб берилган. Бу ўша отми, бошқасими – аниқ эмас, бироқ тахмин қилиш мумкинки, ўша от, чунки им-лода ҳарфларнинг кичик ўзгариши кўп кузатилган)* лақабли бедовни тухфа қилади.

Ўрусхоннинг бартараф этилиши катта ютук эди: мамлакатнинг шимолий ҳудудлари ишончли ҳимояланган эди. Аммо бу осойишталик узоқ давом этмади. Ўрусхон вафотидан сўнг тахтга ўтирган унинг энг кичик ўғли Темур Малик Тўхтамиш устига юриш қилди. Тўхтамиш ҳамлага дош беролмай яна қочди, бу сафар Соҳибқирон ҳадя этган арғумоқ унинг жо-нини қутқарди. У тўртинчи марта ҳазрат Соҳибқирон ҳузурига нажот истаб борди. Бу сафар ҳам Темур уни оғринмай қабул қилди, яна лашкарбошиларни кўмакка йўллади. Улар Сиғноқни қайтадан қўлга ки-ритдилар.

Шу кунларда *(20 август)* Амир Темур ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Яратган унга малика Тоғай Туркон оқадан тўртинчи ўғилни ато этди. Нақл

қиладиларки, Соҳибқирон бу хушхабарни шахмат ўйнаб ўтирган ва шу ўйинда рух билан шоҳга кишт бериб, ғалабага эришган аснода эшитган эмиш. Шунданми, янги фарзанди аржумандга Шоҳрух деб исм бердилар. Ўғил баркамол муҳитда тўкис ўсиб-унди ва толе унга авлодлари қаторида энг нурли кунларни насиб этди...

Иқбол бошқа қутбда ҳам кулди – Оқ Ўрда ҳукмдори Темур Малик маишатга ружу қўйиб, мамлакат ҳолидан хабар олмай қўйгани, бу раиятнинг норозилигига сабаб бўлаётгани, улус Тўхтамишни талаб қилаётгани ҳақида хабарлар келди. Фурсатни ғанимат билиб, Соҳибқирон Тўхтамишни лашкар билан отлантирди. Тўхтамиш зафар қозонди ва Дашти Қипчоқни тўла эгаллаб, пойтахт Сарой Беркага кирди. Бу жуда катта тарихий ютуқ эди. Амир Темур бу муваффақиятдан беҳад хурсанд бўлди, Дашти Қипчоқнинг эгалланиши муносабати билан тантаналар ўтказилди, афв эълон қилиниб, зиндондаги тутқунлар озод этилди. Амир Темур ҳомийлигида тахтга чиққан Тўхтамишнинг юлдузли онлари бошланди.

Соҳибқирон Дашти Қипчоқда ўз салоҳиятини намойиш этиб юрган чоқларида Хоразм волийси Юсуф Сўфи ўртадаги келишувларни ҳамда қариндошлик муносабатларини бузиб, Бухорога бостириб кирди ва аҳолини талади. Темур элчи юбориб, бу ҳаракатга изоҳ талаб қилди. Юсуф Сўфи шунчалар ҳаддидан ошган эдики, мураса қилиш ўрнига элчини зиндонга ташлади. Элчини банд қилиш подшоҳлик шартларидан эмаслигини эслатиб битилган иккинчи хатни олиб борган кишини тутқун қилди, аксинча, талончиликни кучайтирди. Мураса талаб қилиб, Юсуф Сўфининг инсофга келишини кутиб, шу киш ўтди. Шу пайтларда Сайфиддинбек ҳаж сафаридан қайтди *(у Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин зиёратга*



*кетганди*). Қишни Занжирсаройда (*кейинги қиш ҳам, умуман, Соҳибқирон Сароймулкхонимнинг қизалоқлиги ўтган бу зўшага кўп ташриф буюрган, яшаган, қандай сир бор экан?*) ўтказдилар.

Кунлар исигач, Хоразмга юриш қилишдан бошқа илож қолмади. Қўшин тўртинчи марта мамлакат яхлитлиги ва осойишталигини кўзлаб йўлга чиқди. 1379 йил февраль ойида Амудан ўтиб, Урганчни ўраб олдилар.

Шу юриш асносида бўлиб ўтган қизиқ воқеалар: Юсуф Сўфининг яккама-якка курашга тушмоқчи бўлгани (*бир пайтлар Оҳлот қамали пайтида ҳам Абубакр Аюбий Султон Жалолиддинни курашга чақирган ва ўзи қўрқиб чиқмаганди*), унга олтин товоқда Термиздан келтирилган илк ҳосилдан янги қовун юборганлари-ю, туҳфани дарёга ирғитганлари ҳақида кўп ёзилган.

Темур қўшинлари қалъани юз кундан кўп қамал қилиб турдилар. Юсуф Сўфи ўжарлик билан сулҳга рози бўлмади. Шундан кейин ҳаммасини қурол кучи билан ҳал қилишга тўғри келди.

Соҳибқирон Амир Темур шу юришида биринчи марта узоқ давом этган ҳарбий ҳолатга дуч келди (*қалъани эгаллаш уч ойдан кўп чўзилди*) ва ўзига хос тактика қўллашга мажбур бўлди. Кейинги юришлари давомида ҳам бундай вазиятга жуда кўп дуч келди ва илк катта муҳораба тажрибаси, сабоғи ҳар сафар асқотди. Бу ҳарбий тактика моҳияти шундан иборат эди: бирор қалъага яқинлашгандан сўнг, элчи орқали хат йўлланиб, таслим бўлиш таклиф қилинади. Таклиф қабул қилинса, ҳеч кимга тегилмайди, қалъа тасарруфга олинади. Рад жавоби бўлганда эса қалъа ўраб олинади ва унинг бир қисми вайрон қилинади. Бу охирги эслатиш бўлади, шундан кейин ҳам муросага келинмаса, бутун куч билан тотал ҳужум қилинган.

Бундай муносабат Соҳибқироннинг ўз услубига айланди ва бутун жанглари давомида унинг зарбасига биронта ҳам қалъа дош беролмади. Бу Амир Темурнинг урушлар тарихида қолдирган ўзига хос навбатдаги дастхати эди.

Куҳна Урганч қалъаси таслим бўлгач, олимлар, ҳофизлар, ҳунармандлар афв этилди, ҳарбийлар ва сарбозлар асир олинди. Бундай муносабат ҳам Соҳибқирон фаолиятида ўзгармай қолди. У ҳеч қачон илм-фан, санъат аҳлига шикаст етказмаган, аксинча, уларни асраб-авайлаган, илмидан, ҳунаридан фойдаланган. Ҳисоб-китобни қурол тутган кишилар, давлат бошлиқлари билан олиб борган, чунки ўринсиз қон тўкилишларга шуларни айбдор деб билган.

Кейинги замон тарихчилари турли сиёсий мақсадларни назарда тутиб, қалъаларнинг текислаб ташлангани, баъзан ўрнига арпа экилгани ҳолатига кўп урғу берганлар. Кўриниб турибдики, мазкур ҳолатда қамал узоқ давом этган ва шу аснода ўтқир юқумли касаллик тарқалган бўлиши эҳтимоли бор. Бунинг бартараф этишнинг синалган усули сифатида эса кўкат ўстирилгандир. Нима бўлганда ҳам орадан кўп ўтмай, қалъа олдингисидан ҳам мустаҳкам ва маҳобатли қайта тиклангани китобларда қайд этилган.

Соҳибқирон 1380 йил баҳоридан она шаҳри Кешда гўзал ва тенгсиз иморат қуришга фармон беради. «Қуббат ул-илм ва адаб» дея эътироф этилган шаҳардаги мазкур кошона кейинчалик Оқсарой номи билан машҳур бўлади. Оқсарой жуда мукаммал мажмуа бўлиб, Соҳибқирон Темур унинг бетимсол ва такрорланмас бўлиши учун ҳеч нарсани аямаган. Қурилиш ишлари йигирма йилдан кўпроқ давом этиб, 50 минггача одам юмушларга доимий жалб қилинган. У баландлиги 74, узунлиги 250 метрли улкан кошона

бўлиб, мингта хонаси бир-бирига ўхшамаган. Сарой тепасидаги катта ҳовуз, ҳовлисидаги улкан фаввора бу мўъжизанинг чинакам ноёблигини тасдиқлайди. Унинг деворларига «Султон Оллоҳнинг ердаги сояси-дир» деган гап чавандознинг бўйича катталиқдаги олтин ҳарфлар билан ёзилган. Пештоқига эса машҳур «Кимки бизнинг қудратимизга шубҳаланса, қурдирган иморатларимизга қарасин», деган сўзлар дарж этилган. Саройни ўз кўзи билан кўрган испан сайёҳи Руи Гонзалес де Клавихо унинг таърифига сўз ожизлигини эътироф этиб, бу гўзаллик қаршисида Париж ҳам лол қолишини тан олган. Хуллас, Оқсаройнинг қурилиши, тақдири, у билан боглиқ воқеалар буюк бобокалонимиз тарихи ичидаги алоҳида тарихдир.

Оқсаройнинг қуришга киришилгани Мовароуннаҳрда саодатли кунлар бошланаётганининг хуш-хабари эди.



### **БУЮК ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ**

**1370 йил, куз** – Самарқандда қурултой чақирилди. Шибирғонга, Зиндачашм устига юриш.

Оқ Ўрда ва Олтин Ўрдан элчиларнинг келиши.

**1371 йил, баҳор** – Жета сари биринчи юриш.

**1372 йил, баҳор** – Хоразмга илк юриш. Хонзодани келин қилиш шарти билан сулҳ тузилди.

Салтанатда жиддий ислохотларга киришилди.

**1373 йил, январь** – Хоразмга иккинчи юриш. Ҳусайн ўрнига ўтирган Юсуф Сўфи ваъдасини бажармагани учун узр сўрайди, ярим йўлдан қайтилади.

**1374 йил, март** – Хонзоданинг келин қилиб олиб келиниши.

Чегараларда ҳарбий тўқнашувлар.

**1375 йил баҳори ва ёзи** – Қамариддинга қарши муҳофаза жанглари. Жаҳонгир Мирзо асирлар ва Дилшод оқани Самарқандга олиб келди.

**Июнь-июль** – Хоразмга ва Жетага қарши бир пайтда учинчи ва тўртинчи юриш.

**1375 йил, 26 декабрь** – мўғуллар томон юриш.

Ғатвон мавзесида қаттиқ совуқдан тўхташ.

**1376 йил, 23 февраль** – яна Қамариддин изидан. Дилшод оқа Соҳибқирон никоҳида.

**Баҳор** – Жета устига ҳал қилувчи юриш. Мўғуллар қаршилигининг бутунлай бартараф этилиши ва ҳудудларда тўла ҳукмронликнинг таъминланиши.

Умаршайх Мирзо – Андижон ҳокими.

Жаҳонгир Мирзо вафот этди.

Тўхтамишнинг Соҳибқирон ҳузурига келиши. Унга Ўтрор ва Саброннинг берилиши.

**1377 йил, март** – Оқ Ўрда устидан зафар.

Тўхтамиш – Дашти Қипчоқ хони.

**20 август** – Шоҳрух Мирзо туғилди.

**1378 йил** – Боғибеҳишт қасри ва чорбоғи қурилди. Соҳибқирон Туман оқага уйланди. Қишни Занжирсаройда ўтказди.

**1379 йил, февраль** – Хоразм устига тўртинчи юриш.

Умаршайх Мирзо Андижонда Гулистон боғини барпо қилишга киришди.

**1380 йил** – Оқсарой қурилишининг бошланиши.

Мироншоҳ Мирзо қўмондонлигида 25 минг лашкар Хурсонга йўл олди.



## ЖАҲОНГИР

(1380–1390 йиллар)

Соҳибқирон Темур чинакамига камолга етди. Унда, бир донишманд таъкидлаганидек, йигирма ёшгача жисмоний қувват, ўттиз ёшгача ақл ва, ниҳоят, қирқ ёшгача бойлик насиб этди – бу пайтда Темурбек Туронзаминнинг ҳақиқий султони эди. Бирор нарсага эришиш осон, уни сақлаб қолиш қийин, деган гап бор, энди унинг зиммасида жами сарватини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш, шунингдек, ўз имкониятини, салоҳиятини тўла намойиш этиш ташвиши турар эди.

Амир Темур атрофидагиларнинг ишончини тўлиқ қозониб улгурди. Бу бежиз эмас эди. Ундаги яширин қобилиятни юришларда анча кўзи пишган, одамни ажрата оладиган Туғлуқ Темур 1360 йилдаёқ сезган эди. Катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирган Чингизий фотиҳ Кешда Темурни кўрди-ю, шаштидан тушиб, отасининг мулкани Амударёгача бўлган ерлар билан қўшиб суюрғол қилиб берди. Темур вужудидаги ботиний қудратни маҳаллий амирларнинг дастлабкиси Қазаған ҳам сезган эди, шундай бўлмаса, унга ишониб, Хуросонга юбормаган, қўшинга мингбоши қилиб тайинламаган ва, ниҳоят, иккиланмай набираси Улжой Туркон оқани никоҳлаб бермасди.

Темурбекда қандайдир жозиба бўлмаганда, бўйсунмас айиқдек амирлару жаҳд қилса дарёни қуритадиган беклар унинг хизматига қўл қовуштириб келмас эди, энг нуфузли амир, ўн йилдан кўпроқ Мовароуннаҳрни бошқарган Қазағаннинг набира-

он Хусайн билан орани очик қилиш пайти келганда, «Ғуҷчилик унинг тарафида турмасди. Темур ўз кучини, нимага қодирлигини кўрсатиб қўймаганда эди, рақиблари унинг келаётганини эшитибок тирақайлаб қочмасди. У 243 йигити билан 12 минг киши кўриқлаб турган Қарши қалъасини забт этди, 13 нафар ҳамроҳи билан 150 асирни қутқарди, 200 киши 4 минг лашкарнинг ҳалқасини ёриб чиқиб кетди.

Бундай ҳайратомуз воқеаларни кўплаб келтириш мумкин, булар Темурнинг ҳозиргача кечган ҳаётидан лавҳалар, холос. Ҳали унинг зиммасига буюк қаҳрамонликлар юкланганки, улар билан кейинги саҳифаларда танишамиз.

Албатта, дастлабки қадамлар *(ҳа, Туронзамин ҳудудларидаги ушбу ҳаракатлар катта ҳаётнинг бошланишигина бўлиб қолди, тақдир Темурга жуда теран умргузаронликни ҳадя этди)* улкан ютуқларнинг сири ҳақида ўйлаб кўриш имконини беради. Агар гап ғалабаларнинг сабаблари ҳақида кетадиган бўлса, унинг асосини Соҳибқироннинг шахсий фазилатларидан изламоқ керак. Яратган унга чексиз қобилият билан бирга ўша қобилиятни истеъфода эта оладиган ақл ҳам берган эди.

Соҳибқирон Темур деганда, аввало, гениал *(доҳий)* шахс тушунилади. Ҳазратнинг ўзи кўп такрорлаган ҳаётий тамойиллари борки, уларни эшлаш беназир шахсини тасаввур қилишга имкон беради. У «Тузуқлар»ида асло душман излаш йўлидан бормаганлигини, балки душманларни дўст қилишга интилганини кўп такрорлайди. Унинг узоқ ва барқарор зафарли юришларининг асрори билан қизиққан тадқиқотчилар ҳам Темурнинг жиддий душманлари бўлмаганлиги, шунингдек, қўл остидаги бошлиқлар ўртасида адоват умуман ҳукм сурмагани – ички ихтилофлар рўй бермагани ҳолларини унинг салтанати

бардавомлигини таъминлаганини таъкидлайдилар. Унга ҳукмдорлик, кейин эса жаҳонгирлик насиб этганда ҳам йўлида учраган катта-кичик рақибларига уларнинг хатти-ҳаракатига мос муомала қилган, иложи борича тўқнашувга бормасликка, низони тинч йўл билан ҳал қилишга интилган. Шу ўринда ҳазратнинг иккинчи ҳаётий шиори ёдга келади: «салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо қилиш».

Табиий, Темур от сурган йилларда одамлар ўртасида ўзига хос тартиблар ҳукм суларди. У пайтда ақлдан кўра жаҳолат устун эди ва ҳокимиятни фақат кучли сиёсат, қолаверса, шафқатсизлик билан сақлаб қолиш мумкин эди. Темурбек бу талаблардан чекина олмасди ва ўша даврда урф бўлган жазо чораларини хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам қўллашга мажбур эди. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам умр бўйи «қилични ўйлаб қинидан чиқариш (*чекиш*)»га интилгани шубҳасиз. Ахир у икки хил муносабатлар – мўғуллар ва туркийлар тарихи ажралаётган пайтда саҳнага чиқди. Мабодо, унинг юрагида инсонпарварлик бўлмаганда ундан даҳшатли фотиҳ пайдо бўлиши ва ўтган йўлларида гўзал бинолар, жаннаторо боғлар эмас, вайроналар, култепалар қолиши мумкин эди.

Тафаккур тараққиётининг ХХI асрига келиб, цивилизациялар тадрижи таҳлилининг кўплаб хулосалари пайдо бўлдики, улар орқали биз баъзи нарсаларни тўлароқ тушуниб олишимиз мумкин бўлади. Жумладан, формациялар алмашаётган, янги тартиблар жорий бўлаётган ғалаёнли пайтларда «ҳокимият тепасига кам қобилятли, лекин иззатталаб, кучли жозибали, бироқ ишлашга кучи ҳам, матонати ҳам етишмайдиган одамлар» келиб қолар экан (*А. Герцен*). Ўша пайтларда муносабатлар маълум бўлмайди, омма тепадаги одамнинг оғзини пойлаб юравера-

ди ва унинг халқни яхши ёки ёмон томонга бошлаб кетишига имкон берадиган бўшлиқ (*вақт*) пайдо бўлади. Франция ва Германияда шундай вазият юзага келганда ҳокимият бошига келиб қолган Наполеон ва Гитлер нима «каромат» кўрсатганини бутун инсоният бир умр унута олмайди.

Не бахтки, олис XIV асрнинг зулмат кунларида миллатнинг, халқнинг пешонасида қуёш порлаган эди – ҳокимият тепасига қалби эзгу мақсадларга тўлган Турон фарзанди – Соҳибқирон Темурбек келиб қолган эди.

Шундай қилиб, тарих ғилдираги юксалиш сари одимлади, Темур мамлакат жиловини қўлига олиб, унинг қудратини мустаҳкамлаш, мустақиллигини таъминлаш, дунёда номини бор этиш мақсадига киришди.

Албатта, Темур дастлабки йилларда мамлакатада амалга оширган ислохотлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Маълумки, ўша пайтда Туронзамин мўғулларнинг асрий истибдодидан чалажон ҳолатга келиб қолган, ҳамма ёқда қашшоқлик, вайронгарчилик эди. Вазиятни изга солиш учун Соҳибқирон томонидан кескин чоралар кўрилган.

Давлатни бошқарадиган маъмурий тизим юзага келтирилган.

Худудларда қатъий маҳаллий идора усули жорий этилган.

Тафтиш, назорат, солиқнинг ўзига хос тизими барпо қилинган.

Албатта, барқарор ички ривожланишни мустаҳкам ташқи сиёсатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Теварақтаги юртларнинг эса Темур давлатига қарашлари турлича эди: бири ҳамкорликни кўзлаб, элчилар юбораётган бўлса, бошқасида зимдан ҳаёт-мамот курашига тайёргарлик кўриляётганди.



Аввало, ташқи омилларнинг таъсири, кейин эса мамлакат салоҳиятининг жадал ошиб бораётгани Амир Темурнинг икки дарё оралиғидан чиқиб, кенгроқ сарҳадларда фаолият юритишини талаб қиларди. Қолаверса, тақдир ҳукми (*пешонага ёзилгани*)ми ёки ҳар қандай одамда бўладиган шахсий майлларми, хуллас, Соҳибқирон Темур парвозга шай турарди.

«Темур тузуклари»да шундай қайдлар мавжуд: «Ўз-ўзимча: «Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Оллоҳ таолонинг муқаддас мулки – ер юзига эгалик қиладиган подшоҳ ҳам битта бўлиши керак», дея ўйлар эдим». Шуниси борки, бу эътироф Темур ҳали катта аренага чиқмаган, Туронзамин парчаланиб, беклар ўртасида талаш бўлиб ётган пайтларда хаёлидан кечган. Демак, ўша пайтдаги тасаввурича, ер юзи – Мовароуннаҳр худудлари бўлиб туюлгандир. Бинобарин, «Тузуклар»даги бу сўзларни кимнингдир дунёни забт этиш васвасаси деб тушунмаслик керак. Шароит, вазият тақозоси, албатта, кераклича жавоб қайтаришни талаб этарди.

Воқеалар тадрижга эътибор берайлик.

Хоразм юришидан қайтилгач, Соҳибқирон қурултой чақирди. Унга Хуросон вилоятининг подшоҳи Малик Гиёсиддин ҳам таклиф қилинган эди. Ўшанда вилоят курдлар сулоласи қўлида бўлиб, ўзича мустақил кун кечирар, ҳатто уларга мўғуллар ҳам дахил қилмаган эди. Малик қурултойга келмайди. Фақат ҳожи Сайфиддин элчи бўлиб келса, боришини билдиради. Сайфиддин бориб, аҳвол билан танишгач, Малик ўзича мудофаага тайёргарлик кўраётганини (*шаҳарга қалъа қураётганини*) ва Темур ихтиёрига ўтмоқчи эмаслигини сезади. Аслида, «Тузуклар»да қайд этилишича, Ироқ аҳолисининг ўз ҳукмдорлари – Музаффарийлар ва турли тоифадаги

қукмдорлар зулмидан шикоят қилиб ёзган аризалар Соҳибқироннинг қўлига тушгач, Ироққа юриш тадоригини кўришга жазм қилади ва дастлаб Хуросон давлатлари билан иттифоқ тузишни мўлжаллайди. Қўшнилар эса ўз билганларича кун кўрар, ўзаро низолардан боши чиқмасди. Жумладан, (*Ҳиротни кўрдик*), Сабзаворда Хожа Али Муаййад бошлиқ Сарбадорлар ҳукмдорлик қилса, Мозондаронда амир Вали подшо бўлиб, унинг қавми афғон қабилаларига мансуб эди. Ҳиротдаги курдлар эронийлашган ўғуз турклари авлодлари саналиб, улар суннийлар эди. Сарбадорлар эса форс шиаларидан ташкил топганди. Ана шундай турли-туман ихтилофлар туфайли бу икки давлат ўзаро уришаётган эди. Шу ҳудуддаги Калот ва Тусни Алибек бошқарарди. Эронда мўғул хонларининг сўнгги қолдиқлари – Элхонийлар сақланиб қолганди. Озарбайжонни Жалойирлар султонлиги ўзига қўшиб олганди.

Аниқ бўлиб қоладика, дунё масшабида қараганда, кафтдек жойда асло қони қўшилмайдиган турфа қавм жамланганди ва улар ўртасидаги низолар бир зум тўхтамасди. Бундан оддий халқ кўп жафо чекарди.

Темурга иттифоқчилар керак бўлиб турганда Моҳондан Алибек Жониқурбоний (*ўша, Соҳибқиронни 62 кун асирликда ушлаганлар вакили*) келиб қолди. Ўтган гаплар унутилди. Алибекнинг қизини ҳазрат набираси Муҳаммад Султонга келинликка сўради. Энди ҳамкор бўлишга, баҳорда Хуросонга бирга боришга аҳдлашилди.

Хуросон забтига киришишдан олдин Соҳибқирон 25 минг лашкарга 14 ёшли ўғли Мироншоҳни бош қилиб ўша томонларга юборди. Бу катта сафар олди-дан разведка характерида бўлса керак.

1381 йил февраль ойида Темурбек бошлиқ қўшин Керки кечиги орқали Амударёдан ўтди. Андхуйда

жаҳрия тариқатининг кўзга кўринган шайхларидан Бобо Сангу яшарди. Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, Темур уламони хузурига чорлайди, лекин валий зот «Менинг унда ишим йўқ, юмуши бўлса, ўзи келсин» деб жавоб қайтаради. Темур бундай журъатли одамни кўришга иштиёқи ортиб, даргоҳига боради. Кейин бобо айтган эканки, «Ҳар доим бировга юзма-юз бўлсам, уни салобатим босарди, бу сафар йигитнинг салобати олдида шошиб қолдим». Унинг зиёратига борганда, Соҳибқиронга қўйнинг тўшини узатди. Темур тўшни қўлига олиб, «Хуросон ер юзининг тўши бўлса, у бизнинг илкимизга ўтади», деб яхши таъбир қилди.

Ҳирот яқинидаги Тайобод қишлоғида Соҳибқироннинг пири, машҳур авлиё Зайниддин Абубакр Тайободий яшардилар. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, Темур эмаклаб бориб, шайхнинг оёғига бош урди. Шунда шайх Темурнинг кифтига икки қўлини қўйди. Темур (*кейинчалик*) деди: «Агар шайх елкамдан тезлик билан қўлини олмаганда, чиндан ҳам мени (*тоғ*) босиб қолади, деб ўйлаган эдим. Гўё осмон ерга узилиб тушгану, мен ўзимни еру осмон ўртасида майда-майда бўлиб кетгандек тасаввур қилдим». Пир амирни ғалабалари билан қутлаб, яхши тилаклар билдирди, ҳаётига оқ йўл тилади. Соҳибқирон бу улуғ инсон билан бир умр муносабатларини узмади, ундан маслаҳатлар олиб турди. Зайниддин Тайободий чинакамига Темурнинг маънавий пирларидан бирига айланди. «Темур тузуклари»да ул зотнинг номини бир неча жойда ҳурмат билан эслайди.

Воқеаларнинг бошланиши Соҳибқироннинг зафаридан дарак бераётган эди. Фушанж қалъаси (*у Соҳибқироннинг зафарли юришлари давомида биринчи марта забт этган қалъаси сифатида белги-*

ли), кейин Ҳирот шаҳри астойдил жангу жадаллардан сўнг таслим бўлди. Темур Ҳирот атрофида тикланган қалъани бузиб ташлашга буюрди, чунки кейинчалик исён чиқиши мумкин эди (*ростдан, 1383 йил Ҳиротликлар қўзғолон кўтардилар*), шаҳарнинг темир қопланган нодир дарвозаларини эса Шаҳрисабзга юборди. Шаҳар аҳлидан бир қисмини ҳам қўчириб бориш амр этилди. Кейинчалик Ҳирот Темурийлар давлатининг йирик маданий марказларидан бирига айланди. У Мир Алишер Навоий таваллуд топган шаҳар сифатида эса тарихимизда мангу муҳрланди.

Нишопур ва Журжон орасидаги Исфараин қалъаси Темур лашкарига қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Қалъа эгаллангач, у бузиб, ер билан тенг қилиб ташланди ва қайтиб тикланмади.

Сафар ғалаба билан ниҳояланди ва апрелда Самарқандга қайтдилар. Бу Темурнинг ўз ҳукмронлиги давридаги Мовароуннаҳрдан ташқари биринчи йирик юриши эди.

\* \* \*

Шундан кейин Али Муайяд ва Алибек тобелик шартини қабул қилдилар. Сабзавор, Калот ва Тус Соҳибқирон тасарруфига ўтди. Амир Вали эса бўйин эгишни хоҳламасди чоғи, музокараларга ҳам тобе йўқ эди.

Соҳибқирон кенжа қизи Тоғайшоҳни жуда яхши кўрарди, эркалаб Оқабегим, деб атарди. Оқабегим кутилмаганда касалга чалиниб, вафот этди. Бу йўқотиш Темурга оғир таъсир этди, дунё ишларидан бутунлай қўли совиди. Шу кунларда унга тобе бўлган Алибек амир Вали билан бирикиб, Сабзаворни босгани, халқни талаётгани ҳақида хабарлар тарқалди. Темур эшитиб, пинагини ҳам бузмади, унинг кайфияти ёмон эди. Тарихчи Яздийнинг ёзишича, Соҳибқироннинг

опаси Қутлуғ Туркон оқа унга мамлакат аҳволини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтирган ва бебошлар устига қўшин тортиб боришга кўндирган.

Қишнинг ўртасида черик йиғилади, Моҳон орқали Калотга етилади. Таассуфлар бўлсинки, Алибек Жониқурбоний бола-чақаси билан қалъага кириб олиб, Темурдан юз ўгиради. Уни инсофга чақиришлар бефойда кетади. Оғир жанглар билан Калот эгалланади, Соҳибқирон қариндошлик ҳурмати (*қизи Муҳаммад Султонга қаллиқ эди*) Алибекни кечиради.

Амир Валибекни таъқиб этиб, Туршиз вилоятига бордилар. Туршиз қалъасини афғон қавмларидан садидийлар шижоат билан қаттиқ ҳимоя қиладилар. Уни эгаллаш оғир кечади. Қалъа таслим бўлгач, Соҳибқирон ҳимоячиларнинг жасоратига тан беради ва уларни ўлдирмай, ўз аскарлари сафига қўшиб олиб, Мовароуннаҳрга жўнади. Бу ердаги қалъалар муҳофазасини уларга топширади. Бундай муносабат – ўз душманини қаҳрамонлик учун афв этиш ва уни ўз сафига қабул қилиш урушлар тарихида кам учраса керак.

Туршиздан сўнг (*шу жойда Дилшод оқа Соҳибқирон билан бирга эди, унинг тоби қочади ва Самарқандга жўнатадилар*) Мозондаронга йўл олинганини эшитган амир Вали қўрқиб, Соҳибқирондан шафқат сўради. У афв этилди ва мағлубларга турли чоралар қўлланди. Жониқурбонийлар Тошкентга жўнатилди. Алибекнинг ўғиллари ва иниси Андижонга, Умаршайх Мирзо ихтиёрига юборилди. Туршиз ҳокими Малик Гиёсиддин Самарқандда сақланди.

Хуросон ерларига Мироншоҳ Мирзо ҳоким этиб тайинланди.

Тобелар янги ҳукмдорларни осонгина тан олиб бўлмадилар. У ер-бу ерларда исёнлар бўлиб турди. Бебош оломон Ҳирот ичкарасидаги Ихтиёриддин салъасини эгаллаб олди. Сабзаворда Соҳибқирон таъинлаган доруғани ўлдирдилар. Сеистонда рақиблар бош кўтардилар. Бундай ҳолларда зарур тадбирлар бўрилди, эшитган, кўрганлар ваҳимага тушадиган шайқатсиз чоралар қўлланди.

Соҳибқирон шарқий чегаралар – Мўғулистон томонга, Қамариддинга қарши жияни, амирзода Али бошлиқ қўшин юборади. Улар ҳудудларни тафтиш қилиб, яна Қамариддинни тутолмай келдилар.

Шероз подшоси Шоҳ Шужоъа оқил ва фозил киши эди. Амир Темурнинг Хуросондаги юришларини эшитиб, бу безовта элда тинчлик ўрнатилганини муборакбод этиб, элчилар юборди, ўзининг хайрихоҳликканлигини изҳор этди.

Минтақада тинчлик ўрнатиш миссияси давом этди. Балхда қўшин йиғилишини кутиб, бир оз тўхташга тўғри келди. Шу жойга икки ойлик Халил Султонни йўргаклаган Хонзодахоним келади (*у олдинроқ Мироншоҳ Мирзога узатилганди*), бу ташриф шарафига катта базм уюштирилади. Ҳаёт фақат жангу жадалдан иборат эмас-ку.

Эрон ва Ҳиндистон чегара ҳудуди (*Кач ва Мекрон*)да карвонларни талашга машғул бўлган Туман, Ҳазарбаро қалъаси атрофидаги уч мингдан ортиқ йўлтўсарлар, Даҳна қалъаси бебошлари даф қилинди. Дунёнинг ишларини қарангки, ана шу юришлар пайтида Соҳибқиронни Сеистонда ярадор қилган Мамақтув исмли мекронлик навкар узрakashлик билан ҳазрат қошига келди. Аммо бу узр қабул қилинмади, у нариги дунёга жўнатилиб, қалъалари эгаллаб олинди. Қандаҳор вилояти ҳам тасарруфга ўтди. Энди навбат Мозондаронга етганди.

Албатта, ҳар гал ҳам мақсад ҳосил бўлавермайди, ташқи борлиқ доимо бизга бўйсунавермайди. Ма-шаққатлар тортиб эришган, узоқ кутилган ютуқлар қаторида хабар бермай, кутилмаганда рўй бера-диган ҳодисалар ҳам мавжуд. Шу йилда кетма-кет Соҳибқироннинг завжаи муҳтарамаси Дилшод оқа ва опаси Қутлуғ Туркон оқа бандаликни бажо қилдилар. Дилшод оқа саккиз йил Соҳибқирон никоҳида бўлди, у Мўғулистон маликаси эди. Қутлуғ Туркон оқа ақлли, маслаҳатгўй аёл эди, Темурнинг жами изтиробу қувончларига гувоҳ эди. У Шоҳизиндада дафн этил-ди. Таъзия кунлари ҳазрат Соҳибқирон кўп ортиқ хафа бўлди, Саййид Барака, яна бошқа уламолар ёни-да туриб, хотира маросимларини ўтказдилар.

Соҳибқирон илгидаги худудлар кенгайиб бо-рар, бу ҳол ўз-ўзидан чегараларни мустаҳкамлаш, ички аҳволни барқарор ушлаб туриш чораларини кўришни талаб қиларди. Айниқса, тарихий ва гео-график мавқеи баланд шаҳар ва қалъаларга доимий эътибор зарур эди (*Бу пайтда Макка ва Мадинага олиб борувчи йўллар ўтадиган Сулаймон тоғлари, Марказий Осиёни Ҳиндистон билан боғлайдиган уч йўлнинг иккитаси – Панжоб ва Мўлтонга туташ-ган Буст шаҳри – уни қўлга киритишга Искандар Зулқарнайн ҳам, Маҳмуд Ғазнавий ҳам, Чингизхон ҳам алоҳида эътибор берган эдилар – Соҳибқирон тасарруфига ўтган эди*). Тинчликни таъминлаш мақсади ҳаракатда бўлган баъзи бебош тўдалар усти-га юришни тақозо этарди. Вазиятдан келиб чиқиб, жиддий сафарга тайёргарлик кўрилди. Унинг бир оз узоқ давом этиши кутилаётган эди.

1384 йил баҳорида қўшин Самарқанддан чиқиб, Дурун қалъасига етди. У эгаллангач, Деҳистон (*ҳо-зирги Туркманбоши шаҳри*) орқали Журжон дарё-сини кечиб, Шоҳонга кетдилар. Жиддий тўқнашувга

тайёргарлик кўрилди, амир Валининг қўшини билан йигирма кун мудофаа жанглари олиб борилди. Вали енгилса-да, тутқич бермай, Астробод (*Мозондарон пойтахти эди*)га қочди. Уни изма-из таъқиб қилиб, Домғон (*Техрон*), сўнгра Райгача бордилар. Амир Вали тоғлар орасидаги Рустамдор вилоятига қочиб яширинди. Соҳибқирон бўлган жойларини назардан ўтказиб, шаҳар ва қалъаларга тарафдорларидан бошлиқлар тайинлаб борди. Оёғи остидаги Султония (*ўша пайтда Форсинг пойтахти*), Табриз (*Озарбайжон пойтахти*), Омул, Сори шаҳарлари (*Фирдавсий «Шоҳнома»сида бу шаҳарларнинг подшоҳ Манучеҳр томонидан эгалланиши васф этилган*) ташвишсиз фатҳ бўлдилар. Ўша йил қишни Райда ўтказиб, 1385 йилда Самарқандга қайтдилар. Пойтахтда ёлиб лашкар шод-хуррамлик билан кутиб олинди.

Нафасни ростлаб, мамлакат ички ҳаёти масалалари билан шуғулланиш имкони туғилди. Кўплаб янги мадрасалар, хонақоҳлар қурилди, боғлар барпо этишга киришилди. Соҳибқирон шу йил қишни Занжирсаройда ўтказди.

\* \* \*

Соҳибқирон мамлакатининг жанубий чегараларини мустаҳкамлаш билан астойдил машғул бўлиб кетган йилларда шимолда бир тўқай йўлбарси тобора куч тўплаб, кураш майдонига дадил кириб кела бошлаган эди. Бу – ҳаммамизга маълум Тўхтамишхон эди.

Тўхтамиш ҳазрат Соҳибқирон кўмаги билан Оқ Ўрда тахтини (*1378 йил*) эгаллагач, унга янги имкониятлар эшиги очила бошлади. У, аввало, жасур ва қобилиятли лашкарбоши эди (*ахир беҳудага Темурбекнинг назарига тушмагандир*). Кейин эса у балоғат



палласига етганда мўғуллардан ундан кучли етакчи (*лидер*) йўқ эди. Етарли куч тўплагач, Олтин Ўрдани ҳам бўйсундириш фикрига тушиб қолди ва 1380 йилда Азов денгизи қирғоғидан унча узоқ бўлмаган Мариупол районидаги Калька ёнида Олтин Ўрда ноиби Мамайни енгиб, мақсадига муяссар бўлди. Ўзини Олтин Ўрда хони, деб эълон қилди. Шу билан икки ўрда қўшилди. Унинг ғайрати туфайли иккига бўлиниб ётган Дашти Қипчоқ ерлари бирлашди ва у амалда бир пайтлар Жўчи бошқарган ҳудудлар ҳукмдорига айланди. Пойтахти қуйи Волга бўйидаги Сарой ҳисобланган унинг давлати чегаралари Сирдарёдан Днестргача, Ўтрордан Киевгача чўзилган эди.

Тўхтамиш тезда қувватга кира бошлади, Чингизхон анъаналарини давом эттириб, йирик юришларга азм этди. Руснинг қўлдан чиққан ҳудудларини яна босиб олди. 1382 йил августида Москвага ўт қўйди, Владимир, Юрьев, Можайск сингари рус шаҳарларини вайрон қилди, ўзига халақит беришга уринган Литва князларига Полтава остоналарида қақшатқич зарба берди. У Русь давлатини яна мўғулларга тиз чўктирди.

Бундай ғалабалар Тўхтамишнинг бошини айлантириб қўйди. Энди Соҳибқирон Темурни эрдан чиқарадиган, уни писанд қилмайдиган ҳолга етди. Босар-тусарини билмай қолган Тўхтамишнинг 1383 йил Хоразмга киргани, Сулаймон Сўфи билан апоқ-чапоқ бўлиб, ҳатто ўз номидан пул чиқазгани ҳақида тарих китобларида ишоралар бор. Аммо Соҳибқироннинг бу ҳаракатларга эътибор бермагани кизиқ.

Хуллас, андишанинг отини қўрқоқ билдими ёки Турон арслонининг жиғига тегмоқчи бўлдими, ўша 1386 йил қишида кечагина Темурбек отларининг туёғи теккан йўллар билан Кавказга бостириб борди.

У мазкур юришга аждодлари удумига содиқ қолиб, жуда тантанали тус берди. Тўхтамишнинг тўққиз думлик хоқонлик байроғи ортидан ҳайқириқлар билан Чингизхон авлодидан 12 шахзода қўшини от суриб борган. Улар Дарбанддан ўтиб, шамол тезлигида Табризни эгаллаганлар, Ширвон ва Озарбайжоннинг бошқа вилоятларини талаб, мачит ва мадрасаларни бузиб (*демак, улар ислом динига қарши эканликларини яширмаганлар, худди Чингизхон тутган йўлни қўллаганлар*), кўп ташвиш орттирганлар.

Эронзамин ўша пайтда зиддиятли бир тарихий шароитни бошидан кечираётган эди. Аввало, у бўлиниб, парчаланиб кетган ва бундай ҳол, биринчидан, ўзаро низоларга сабаб бўлса, иккинчидан, эл-улуснинг қашшоқланишига, бир вақтлар гуллаб турган маданиятнинг таназзулга юз тутишига олиб келарди. Тўхтамишнинг ошиғич бурнини суқиши эса вазиятни яна ҳам чалкаштириб юборган эди.

Соҳибқирон икки йиллик юриши давомида бу қадимий ўлкадаги аҳволни ўз кўзи билан кўрган, унинг келажаги ҳақида хулосалари бор эди. Мўғуллар шимолий ҳудудларни бемалол мусаххар этиб, ўлжаларни қўлга киритиб кетдиларми, демак, Хуросон аҳли ўзини ҳали ҳимоя қила олмайди. Турон ва Эроннинг азалий муштарак тарихи шунини кўрсатадики, уларнинг бирида тинчлик бўлмаса, иккинчисида ҳам осойишталикни кутиш мумкин эмасди. Туташ чегаралардан безовталиқ сизиб ўтиб кетаверади. Кўриниб турибдики, вазият Эронзаминдаги аҳволни барқарорлаштириш вазифасини кўндаланг қилиб қўяпти. Соҳибқирон Темур бу нозик ҳолатни ўз вақтида англади ва жиддий юриш тадоригини кўрди. Тавочилар вилоятларга чиқиб, ҳарбийларни жамлади. Темурнинг таржимаи ҳолида

«Уч йиллик юриш» номи билан машҳур катта сафар бошланди.

Уч йиллик юришдан кўзда тутилган мақсад ва унинг натижалари ҳақида кўп тадқиқотчилар ўз муносабатларини билдирган. Аввало, бу азим ҳаракатга зарурат туфайли қўл урилгани аниқ. Мақсад эса ҳудудда барқарор тинчликни таъминлаш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш эди. Нотинчлик туфайли тартибсизлик авж олган, йўлларда талончилар кўпайиб, карвонларнинг ўтишини қийинлаштирарди. Шунингдек, диний низолар пайдо бўла бошлаган, бундан мусулмонлар азият чекаётган эди. Грузинлар кучайиб, Озарбайжоннинг Ганжа ва Шеки бўлуқларини эгаллаб олганди.

Кўшин Жайхундан ўтиб, Мозондарон шарқидаги Ферузкўҳ қалъасига етди. Соҳибқирон улус ҳокимларидан аҳволни суриштирди, Тўхтамиш келибкетганидан сўнг бўлиб ўтган ўзгаришлар билан қизиқди. Гап орасида Луристонда Маккаи мукаррамадан қайтган карвонларни талаганлари ҳақидаги хабар айтилди. Темур бу воқеани жуда тез тафаккурдан ўтказди, ҳам сиёсат, ҳам вазият тақозоси билан кескин тадбирлар қўллашга аҳд қилди.

Луристон Исфаҳоннинг шимоли-ғарбидаги вилоят бўлиб, ўтиб бўлмас тоғу тошлар кўп эди ва қароқчилар ўзларини беҳавотир ҳисоблардилар. Темур ўз қудратини бир кўрсатиб қўйишни мўлжаллади. Бунинг билан, аввало, йўлтўсарларни жазолаб, диндорларнинг ишончини қозонади, ўзининг тинчлик тарафдори ва таъминловчиси эканини кўрсатади, ниҳоят, аскарининг қудратини намоёиш этади. У ўн кишидан саралаб биттасини олди, тоғда асқотадиган буюмлар билан тўла қуроллантирди. Топшириқнинг бажарилишини шахсан ўз назоратига олди. Соҳибқироннинг ишончидан руҳланган,

жасорат кўрсатишга иштиёқманд бўлган йигитлар тоғларда мислсиз қаҳрамонлик намойиш этдилар, бургут учиб ўтолмайдиган чўққилар бағридан қароқчиларни битталаб тутиб, йўқотдилар. Жанг оғир кечди, Соҳибқироннинг ботирларидан айримлари, жумладан, жияни Али Муаййад ҳам ҳалок бўлди.

Зафарли юриш давом этди.

Табриз яқинига Султон Аҳмад жалойир қўшини билан келгани хабари етгач, жадаллаб Озарбойжонга юрилди. Жалойир туриш бера олмай қочди, шаҳар ҳеч қаршиликсиз Темурга дарвозаларини очиб берди. Шаҳар Тўхтамишдан катта талафот кўрган эди, Соҳибқирон ташрифини улар мадад кучлари сифатида қабул қиладилар. Шаҳарнинг обрўли кишилари, илм ва санъат вакиллари, қозилар пешвоз чиқиб, тобелик шартини бажо этадилар. Шаҳарнинг энг яхши ҳунармандлари Самарқандга жўнатилди.

Ҳунармандлардан ташқари шаҳар яқинидаги Шабистар қишлоғи аҳли ҳам Темурнинг алоҳида илтифотига сазовор бўлишади. Шу қишлоқда таваллуд топган шоир Маҳмуд Мирзаҳайдарнинг «Гулшани роз» достони йигитлик йилларида Соҳибқиронга кучли таъсир этган, ҳатто уни ёддан айтиб юраркан. Шундай латиф шоирга ватан бўлган макон аҳлининг ҳар бирини алоҳида сийлашга аҳд қилган жаҳонгир ҳар жон бошига маълум миқдордан тилла пул тарқатишни амр этади. У пайтда олтиннинг қадри қай даражада экани маълум эмас-у, баъзи манбаларда Шабистар қишлоғига ўттиз кило чамаси тилла тарқатилгани қайд қилинган. Бу далил ҳеч қандай изоҳларсиз ҳам тушунарли.

Нахчивон мустақил хонлик эди. Жиддий тўқнашувдан кейин у ҳам таслим бўлди. Шу орада Валибек қочиб, Халхол вилояти доруғаси ҳузурига

борган эди. Доруға қочқоқ амирнинг калласини кестириб, Соҳибқирон ҳузурига юборди.

\* \* \*

Нусратнишон қўшин Аракс дарёси устига қурилган 27 метр кенгликдаги тош кўприкдан ўтиб, Гарни, Сармолука, Қарс қалъаларини мусаххар қилди. Озарбайжон ҳудудларида йўлтўсарлик қилиб юрган туркмон қабилалари ҳам муросага келтирилди.

1386 йил ёзида Тифлисга ҳужум қилинди. Қалъа жуда мустаҳкам ҳимояланган эди, дастлабки икки уриниш бефойда кетди. Кўп киши беҳуда қурбон бўлди. Ҳужум наф бермагач, мудофаага ўтилди ва қалъа қамал қилинди. Ана шу муҳорабада отиш қуроллари – манжаниқ, нафтандоз ва бошқа муҳандислик қурилмаларидан фойдаланилди. Қалъа ичига ёниб турган смола-ю ўқлар тинимсиз ёғдирилди, жон талвасасидаги одамларнинг қийқириғи, ёнғин ҳамма ёқни тутиб кетди. Шиддатли ҳужумга дош беролмай, қалъа таслим бўлди. Подшоҳ Бағрат V асир олинди. Уни Соҳибқирон ҳузурига келтирганларида, жонини омон сақлаш, фақат халқини ислом динига киритиш таклифи айтилди. Бу билан Темур ғайридинларни ҳам мусулмон қилиш, шу орқали ислом динини қувватлантиришни кўзлаган эди. Бағрат Соҳибқироннинг таклифини қабул қилади. Унга улуғ мақсадни амалга ошириш учун кўп сонли лашкар қўшиб берилади. Афсуски, Бағратнинг ваъдаси ёлғон эди, у ўлимдан қолиш учун ҳийла ишлатган эди. Озод бўлгач, аёнлари ва унга берилган қўшинни бошлаб, тор даралар ичига кетади. Қулай бир жойда ислом лашкарини ҳалок қилиб, ўзи қочиб қолади.

1387 йил баҳорида Грузияга қайтадан юриш уюштирилди. Унда Озарбайжондан келиб қўшилган Иброҳим Ширвоншоҳ бошлиқ мусулмон лашкари ҳам

бирга ҳаракат қилди ва жуда катта куч ҳосил бўлди. Юзма-юз тўқнашувларда, текисликдаги жангларда грузинлар тинимсиз мағлуб бўлдилар, фақат улар майда-майда бўлақларга ажраб, қадам етмас тоғларга чиқиб жон сақладилар. Шуниси борки, грузинлар билан бу сафар ҳам муносабатлар аниқланишига кифоя қилмади. Кейинчалик ҳам ўзаро ихтилофлар сақланиб қолди ва, ниҳоят, олтинчи марта уринишда **(1403 йил, декабрда)** Грузия подшоси Георгий XII **(1393–1407 йил)** таслим бўлганини тан олди.

Тифлис муҳорабасидан сўнг Соҳибқирон Арронга йўл олди. Бу хушҳаво жой ўз бошидан кўп савдоларни ўтказган, қадимги римликлар уни Албания, арманлар Ағвани деб атаган, мусулмонлар қўлига ўтгач эса Аррон бўлган эди. Темур унга Қорабоғ дея ном қўйди. Бу манзилнинг ишқи Соҳибқирон қалбидан чуқур жой олган экан чоғи, кейинги юришларида ҳам бир неча марта Қорабоғда бўлди.

Шеки вилояти, лакцлар юрти, Танғут вилояти, Эльбурс ва Кура дарёсидан ўтиб, Ширвон, Гилонда назорат ўрнатиб, Бардаъа шахрига келдилар. Шу жойга етганда Тўхтамиш Озарбайжон устига қўшин юборгани хабари етди. Тўхтамишнинг бу ҳаракати очиқча нонкўрлик эди. Ғалабаларидан ҳаволанган бу мўғулнинг феълидаги ўзгаришларни Яздий шундай изоҳлайди: «Тўхтамишнинг атрофида кўпни кўрган 3–4 донишманд беклар бор эди. Улар доим Тўхтамишга ҳазрат Соҳибқироннинг яхшиликларини эслатиб турарди. Улар вафот этиб кетгач, бир жамоат номаъқул ва ақлсиз кишилар Тўхтамишхон қошида нойиб бўлдилар. Шуларнинг бири Қарончи ҳатто ўз отасини ўлдирган эди, у улуғ бек бўлди. Ана шуларнинг таъсирида муҳолифат йўлига тушди».

Мўғул қўшинлари билан Кўра дарёси атрофида тўқнашув бўлди... Темур уларга қарши Мироншоҳ

бошлиқ лашкар жўнатади. Тўқнашувда Тўхтамиш лашкари енгилади ва кўплаб аскарларини асирликда қолдириб, Кавказни тарк этади. Рўй берган воқеалардан ҳайрон бўлган Соҳибқирон Тўхтамишга элчилар йўллаб, душманлик тўғри йўл эмаслигини, бир ирқдаги халқлар тинч-тотув яшашлари лозимлигини уқтиради ва асирларни озод қилиб (*икки ярим мингдан зиёд киши озод қилинади ва уларнинг ҳар бири қўлига мураса таклифи ёзилган мактублар берилади, ўз элида қондошлар билан тинч яшашни ташвиқ қилиш топширилади*), улар орқали ўзи ва Тўхтамиш ўртасида ота-ўғиллик муносабати борлигини етказди. Тўхтамиш бундай мураса йўлини қандай баҳолаганини вақт кўрсатади.

Амир Темур ҳаётида Сароймулкхоним беқиёс вазифани бажаргани кўп такрорланган. Албатта, бу ақлда ва ҳуснда беназир аёл дунёқараши ўз хайрли ишларида, доно маслаҳатларида акс этган. Соҳибқирон тўрт тарафлама ёвлар билан курашиб юрган ўша ташвишли кунларда Улуғ аёл қандай туйғуни кечирган, билмаймиз, бироқ тинч ўтирмай (*балки тинч ўтиролмай*), Самарқанддан суюкли набиралар – Шохрух (*10 ёш*) ва Халил Султон (*3 ёш*) ни олиб, Кавказга келган экан. Меҳмонлар Табриз яқинида шоду хуррамлик билан кутиб олиниб, улар шарафига тантаналар уюштирилган.

Сафар шиддат ва зафар билан давом этарди. Авник қалъаси, Арзирум ва Арзинжон шаҳарлари ортда қолди. Бу жойлар ҳозир Арманистон таркибида бўлиб, ўша пайтда бир қатор туркмон амирлари ўртасида тақсимлаб олинган эди. Улардан Тахуртан Соҳибқиронни тан олиб, унинг вассаллигига ўтди. Қора Муҳаммад эса тутқич бермай қочди, унинг изидан юборилган уч туман лашкар ҳам қуруқ қайтди.

Арманистонни фатҳ этиш Ван ва Вастон қалъаларини олиш билан ниҳоясига етди.

Солномаларда қайд этилишича, шуюриш асносида Турон лашкарига таслим бўлишни хоҳламаган одамлар тоғларга чиқиб кетиб, қоялар бағрида, ғорларда яшаганлар. Темур қўшинлари ўз йўлида бундай муваққат манзилгоҳларни кўплаб учратган. Тоғдаги бир ғорда арманлар монастири жойлашган бўлиб, унда таркидунё қилган кўплаб эркак ва аёл яшарди. Уруш қонунларига мувофиқ босиб олингандан кейин жой тағ-туғи билан йўқотилиши керак эди. Биринчи ҳаракати билан Соҳибқирон шундай йўл тутмоқчи бўлади. Бироқ бу жой, гарчи бошқа эътиқодга хизмат қилса ҳам, диний маскан-ку. Шунда иккиланади ва фикрини амалга оширишга шошилмайди. Тутқунлар томонидан билдирилган аёллар ва болаларни олтин ҳам кумуш ҳисобига озод қилиш таклифига пинағини ҳам бузмайди. Бирданига ўзи бошқа бир таклифни ўртага қўяди: ким тирик қолишни хоҳласа, ўз оғирлигича китоб келтирсин! Бу таклифни монастирдагилар узоқ муҳокама қиладилар ва унга жавобан китобларни топширмасликларини (**агар қириб ташламоқчи бўлса, ёқиб юборишларини**), аксинча, ўлимга рози эканликларини изҳор этадилар. Улар энг қимматбаҳо бойликлари – китоблар ва қўлёзмаларни топширишни хоҳламайдилар. Соҳибқирон бундай қарордан ҳайрон бўлади ва уларнинг ҳаммасини афв этади. Халқининг энг нодир бойликларини жонидан азиз билган кишилар тирик қолишга, яшашга ҳақли эди.

Арманистон худудларини ишончли одамларга топширган Соҳибқирон Курдистонда ҳам ўз назоратини ўрнатди. Гилон тоғи этакларида кўч ташлаб, Форс подшоси Зайналобидинни ҳузурига чорлади. Бир пайтлар унинг отаси Шоҳ Шужоъа Соҳибқиронга



садоқат изҳор қилган, элчилар юборган, ҳатто қуда бўлишга келишилган эди. Шужоъа вафот этгач, ўғил ота лафзини эсга олмайди ва Темурнинг ҳузурига келишдан бош тортади. Бильакс, амакиси – Исфаҳон ҳокими Шоҳ Мансур ҳузурига қочиб бориб, душманлик йўлини тутади. Бундай муносабатга жавобан 1387 йил кузида шу томонга қўшин тортилади.

Исфаҳон катта бож эвазига омон сақланади.

Темур шаҳарда уч минг навкарни бож йиғишга қолдириб, ўзи шаҳар ташқарисига кетди. Солиқчилар ишга киришгач, Али Кўчапо деган киши фитна ҳозирлаб, шаҳар аҳлини оёққа турғазади ва оломон солиқчиларни ўлдиради. Бу хабар Темурга етгач, қаттиқ ғазабланади, бегуноҳ ўлдирилган уч минг мусулмон хуни учун шаҳар аҳлини бутунлай қириб ташлашга буюради. Бундай шафқатсиз йўл тутилишининг сабаби – ўшанда кўп жойлар энди Соҳибқирон тасарруфига ўтган ва унинг одамлари измида эди. Мабодо, Исфаҳондаги воқеа муносиб баҳоланмаса, уни эшитган бошқа тобелар ҳам бош кўтариши мумкин эди. Шуни ҳис қилган лашкарбоши кескин йўл тутди. Бу воқеа 15 ноябрь, душанба куни содир бўлган.

Исфаҳондаги ишлар жойига тушгач, шаҳарга садоқатли беклардан ҳоким тайинлаб, Соҳибқирон Шерозга юрди. 13 декабрда шаҳар яқинидаги Тахтиқорача манзилига етиб тушди. Шерознинг барча аъёнлари, улуғлари Соҳибқирон ҳузурига келиб, қуллуқ қилдилар. Кермон, Сиржон вилояти ҳокимлари итоат изҳор этдилар. Саркашлик қилган вилоятлар куч билан олинди.

Шероз азалдан илм-фан, адабиёт, санъат аҳлининг ватани сифатида машҳур эди. Соҳибқирон бир неча кун тўхтаб, шаҳар ҳаёти билан танишди. Шу аснода шоир Ҳофиз Шерозий (1325–1389 йиллар) билан суҳбатлашди. Ҳофиз Шерозий Шарқ шеърляти-

нинг такрорланмас вакили бўлиб, у газал жанрини хар жиҳатдан камолга етказган, айниқса, ҳаётдан завқланиш, умрни шодликда кечиришга даъват мотивлари билан бойитган эди. Ўз даврининг шоири сифатида Шоҳ Шужоъанинг тахтга чиқишига қасида бағишлаган, ғазаларида Шоҳ Мансурни мадҳ этган эди.


Нақл қилишларича, шоирнинг бир ғазалидаги:

*Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро*

(Мазмуни: «Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони, қаро холига бахш эткум Самарқанду Бухорони») мисралари Соҳибқиронда киноя уйғотган ва бир холга икки гўзал шахрини бериб юборган шоирни кўрмоқчи бўлган. Ўша пайтда Ҳофиз 60 ёшдан ошган эди, табиий, Темурбек унга зарур даражада ҳурмат кўрсатган. Шеърдаги муболаға ҳақида гап кетганда эса кекса шоир лутф қилиб: «Ана шундай сахийман-да, шунинг учун ўзимга ҳеч нарса қолмаган» деб, тўнининг олдини очиб кўрсатган экан. Шоирнинг юпун кийинганини кўрган Соҳибқирон чиройли жавобдан кулиб юборган ва мўътабар шоирга совға-саломлар берган экан.

(Дунёга машҳур адиб Чингиз Айтматов таниқли қозоқ ёзувчиси Мухтор Шаханов билан суҳбатида ҳокимият ва маънавият ёки подшолар, хонлар, қироллар, президентлар фаолиятига бир назар ташлар экан («Чўққида қолган овчининг оҳи-зори». «Шарқ». 1998 йил.), Соҳибқирон билан боғлиқ шу воқеани эслайди ва ундан ўзгачароқ хулоса чиқаради. Чингиз Айтматов келтирган ҳикояда Амир Темур мулозимларига шундай дейди:

– Ўз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини из-





(1386–1388 йиллар)

**лаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир. Менинг бу сўзларим ҳамиша ёдингизда бўлсин).**

Шерозга Шоҳ Шужоъанинг Соҳибқиронга эҳтиром кўрсатган ўғил ва набираларидан ноиблар тайинланди. Хунармандлардан бир гуруҳи Самарқандга юборилди. Машҳур муҳаддис олим Шариф Журжоний (1340–1403 йиллар) ва ҳарб илмининг моҳири амир Аловуддин Иноқ ҳам пойтахтга кетадиган бўлди.

\* \* \*

Соҳибқирон 1388 йилнинг 2 феввалида Самарқандга йўл олди. Жайхунга етганда, уч йил олдин Хитойга юборилган элчи Низомиддин Кошғарий карвонга келиб қўшилди, Темурбекка қимматбаҳо совғалар пешкаш қилди, сафар ҳақида ахборот берди.

Уч йилнинг юзини кўрган катта сафар муваффақиятли поёнига етди. Мамлакатда эса Соҳибқиронни етарлича ташвишлар кутиб турарди. Чопар аллақачон унга Тўхтамиш яна аҳдини бузиб, Мовароуннаҳрга қўшин юборганини хабар қилган эди. Мўғуллар Сиғноқ ва Саброн орқали Андижонга ҳужум қилмоқчи бўлган. Андижон ва Самарқанд қўшини биргаликда Чўкалак мавзесида мўғуллар билан жанг қилган. Умаршайх Мирзо жуда баҳодирлик кўрсатиб урушган, уни тузоққа тушириш учун ишлатилган ҳийладан ҳам қутулиб кетиб, Андижонга янги кучларни бошлаб бориш учун қайтган. Шу пайт Жетадан Сайрамга ҳам таҳдид бўлди. Умаршайхнинг икки рақиб билан урушишига тўғри келди.

Тўхтамишнинг тўдалари Бухорони таладилар, Занжирсаройга ўт қўйдилар, Қарши, Ғузордан ўтиб, Аму сувигача босқин қилдилар. Улар Соҳибқирон келётганини эшитгач, орқаларига қочдилар.

Самарқандда Чўкалакда бўлган жанг тафсилоти жиддий муҳокама қилинди (*шу тўқнашувда Соҳибқирон пойтахтга ҳоким қилиб қолдирган Аббосбек ҳам ҳалок бўлганди*). Темур жасорат кўрсата олмаган бекларини койиди. Баҳодирлиги анча машҳур бўлган Барот хожа сусткаштлиқ қилган эди, унинг соқолини қириб, юзига упа-элик суртиб, шаҳарни айлантирдилар. 13 аскар билан 300 душманга қарши олишиб, енгилга етган ва асирларни ҳам озод қилган Кўча Маликка катта мулк инъом этилди. Темурбек ўғли Умаршайхнинг жасоратидан мамнун бўлди.

Соҳибқирон давлат юмушларига киришди. Яна раиятнинг аҳволини яхшилаш, ободончилик ишларини давом эттириш, чегараларни мустаҳкамлаш борасида тадбирлар кўрилди.

Хоразм масаласини узил-кесил ҳал қилиш кун тартибига қўйилди. Бу ўлкага тайинланган Сулаймон Сўфи мўғулларни юртга киритмаслик, уларга қарши курашиш ўрнига душман билан апоқ-чапоқ бўлиб, ўз салтанатига қарши қилич кўтарди. Тўхтамишга ғажарчилик (*йўл кўрсатувчилик*) қилиб, ёвни Бухоро, Қарши устига бошлаб борди. Соҳибқирон Сўфилар билан дўст бўлишнинг ҳамма воситасини қўлади: уларни кечирди, ўзларидан ҳоким қўйди, қуда бўлиб, қариндошлиқ ипларини боғлади, бироқ ҳеч бири наф бермади. Энди охириги чорани қўлламасдан бошқа илож қолмади.

1388 йилнинг баҳорида бешинчи қатла ғарбий чегараларга қўшин юборилди. Қўшин сафида Тўхтамишдан юз буриб келган лашкарбошилар ҳам бор эди. Шу юриш натижасида Урганч қалъаси тамом эгалланди, аҳолиси бошқа жойларга кўчирилди, Сулаймон Сўфи тутиб қатл қилинди. Бу ўринда асло меҳнаткаш, хунарманд, навозанда халқнинг айби

йўқ. Фақат нобоп, шуҳратпараст, хоин етакчилар вазиятни шу даражага етказдилар. Орадан уч йил ўтгач, Урганч қалъасини қайта тиклашга киришилди, у олдингисидан ҳам мустаҳкам ва салобатли иморат бўлди.

Сафар чоғида Бухорода Суюрғатмишхон касалланиб, вафот этди (*у 1370 йилдан хонлик маснадида эди*). Унинг мол-мулки ва мавқеи ўғли Маҳмудхонга ўтди.

Соҳибқирон вояга етган фарзандларини уйлантириш фикрига тушди. Ака-ука Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад ҳамда ўғли Шоҳрух Мирзога моҳичеҳра қизлардан келин туширди. Тўй Боғибеҳиштда юксак тантаналар билан ўтказилди.

Албатта, олатасир дунё ҳеч вақт тинч турмаган. Мамлакат ичкарисида гоҳи-гоҳи бекларнинг обрў таллашиб тўқнашувлари юз бериб турса, баъзан очикча кўрнамакликлар ҳам содир бўларди. Соҳибқироннинг кичик қизи Султонбахтбегим Муҳаммад Миракнинг (*у ҳазратнинг йигитликдан яқини Шербаҳромнинг фарзанди эди*) никоҳида эди. Темур куёвига марҳамат қилиб, Хутталон вилоятини берган эди. Хоразм юриши кунлари Мирак жазавага тушиб, Термиз, Ҳисор шаҳарларини талади. Қўшин тўплаб, урушга тайёргарлик кўрди. Албатта, у бирор натижага эришиши гумон эди, лекин одам йўлдан адашса, ёмон экан. Миракдан ҳамма юз ўгирди, дарбадар қочиб юрган кунларининг бирида тутиб ўлдирилди. Уни баргараф этишда амирзода Умаршайх Мирзо анча фаоллик кўрсатган.

Тўхтамишнинг нонкўрлиги эса ҳаммасидан ошиб тушди. Унинг бир тўда лашкари Ўтрор атрофида пайдо бўлгани ҳақида хабар келди. Қиш, қаттиқ совуқ, қалин қор бўлишига қарамай, Соҳибқирон қўшинга бош бўлиб, мўғуллар устига отланди. Андижондан

чиқиб, Умаршайх қўшилди. Кутилмаганда қилинган ҳужум душманни довдиратиб қўйди, улгургани қочди, кўплари асир тушди. Мўғулларнинг бир тўдаси Ўзганд яқинида қаттиқ зарбага учраб, орқага қочди. Асирлар Тўхтамиш Ясси (*ҳозирги Туркистон шаҳри*) тарафда эканини айтишди. Баҳорга чиқиб, Хуросондан Мироншоҳ ҳам қўшини билан етиб келди. Кунлар исигач, Соҳибқироннинг бирлашган лашкари Тўхтамишнинг изидан тушди. Энди у билан муроса қилиб бўлмаслиги, бутунлай душманлик йўриғига ўтиб олгани аниқ эди. Соҳибқироннинг келаётганини эшитиб, Тўхтамиш юзма-юз тўқнашувдан қочди. Уни Еттисувгача қувиб бордилар.

Соҳибқирон Тўхтамиш билан орани узил-кесил очиқ қилиш фикрига тушди. Бу хусусда аъёнлари, ҳарбийлар билан маслаҳатлашди. Шаҳзодалар ва беклар бу катта муҳорабадан олдин шарқий чегараларни мустаҳкамлаш лозимлигини билдирдилар. Бу пайтда Мўғулистонда Қамариддин ҳокимиятдан ажралган, тахт Тўғлуқ Темурнинг кичик ўғли Хизрхўжага теккан эди.

1389 йил ёз чилласида Мўғулистон устига ҳал қилувчи юриш бошланди. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, икки ой давом этган бу сафар давомида Жета улуси қадамба-қадам кезиб чиқилган, қаердаки мўғул қавмидан бўлса, улар билан очиқча гаплашилган. Соҳибқирон қўшини бу ҳудудни тўла фатҳ этиб, сонсиз ўлжалар билан августда Самарқандга қайтган.

Бу галги юриш анча жиддий ва муросасиз кечди. Сараланган қўшин ҳудудни шаккоқлардан бутунлай ҳоле қилишни мақсад қилиб қўйди ва кенг қанотли муҳорабалар олиб борилди. Ҳудуд эса бепоён эди, Соҳибқирон жидду жаҳд билан ҳар бир қадамни назаридан ўтказиб борарди. Бу ёғи Катта ва Кичик



юлдуз яйловларигача борилди. Мазкур жойларни кўрганлар, хусусан, Алихонтўра Соғуний эсдаликларида ўлангзорларнинг чексизлиги алоҳида ҳайрат билан тасвирланган. Уфққа яшил кенглик тирмашиб кетган, кафтдек текисликда бошқа ҳеч нарса кўзга ташланмайди. Ана шу ораликда ҳафталаб йўл юрсанг ҳам ҳеч нарса ўзгармайди, худди бир жойда дебсиниб тургандек ҳолат. Чексизлик шунчалар бепоён. Соҳибқирон қўшини ана шундай сирли-синоатли манзиллардан ўтиб, Қорахўжа деган жойгача боради. Бу Самарқанддан уч ойлик йўл нарида эди. Агар қўшин бир кунда бир марҳала (**20–25 чақирим**) йўл босишини инобатга олсак, бу масофа қарийб 2500 километрни ташкил этади! Соҳибқироннинг ҳаракат кўлами шунчалар беқиёс эди. Мабодо, қизиқувчилар бобокалонимизнинг бир ўзи от устида босиб ўтган йўлни ҳисоблаб чиқса, бунатижа ҳам бетакрор бўлиши мумкин. Жуда кўп жиҳатар билан Соҳибқирон Амир Темур одамзод оламида ўчмас из қолдирган.

Қишда Бухорога бориб, Фаркат кўлида қуш ови билан машғул бўлдилар. Шу қиш ичида Султонбахтни Сулаймонбек (**жияни, опаси Қутлуғ Туркон оқа ва Довуд дуғлат никоҳидан туғилган**) га узатдилар.

1390 йилда Сулаймонбек бошлиқ 20 минглик қўшин Жетага юборилди. Улар 6 ой давомида мўғулларнинг собиқ улусини айланиб, тинчликбарқарорликни таъминлаб келдилар. Бу галда турган катта муҳораба олдидан шунчаки машқ эди. Энди Тўхтамиш билан ҳисоб-китоб қилиш фурсати етган эди.

Ҳа, қарийб икки юз йилдан буён бу чексиз ҳудудларда икки куч олишар эди. Бирида дунёни бўйсундириш истаги жўш урса, иккинчисида ўзи кўз очган тупроқда эркин, қарам бўлмай кун кўриш

хоҳиши яшарди. Кечмиш онлар эса ана шу икки вайсар, бир-бири билан муроса қила олмайдиган туйғуни (*зеро, ҳар қандай киши елкасига чиқиб оламан ёки кўкрагига оёқ қўяман, деган бошқа бир қавмига қаршилик кўрсатади*) яроғланган лашкар тимсолида юзма-юз қилиб турарди. Қирғинбарот бўлар, одамлар ўлар, қонлар дарё бўлиб оқарди. Муҳорабадан бир тараф ғолиб чиқар, яна ўз ҳукмини ўтказар, иккинчи тараф эса суяги иликка тўлгунча, мушаги куч олгунча бош эгиб яшашга, тўзиб кетишга, эзилишга маҳкум эди. Ҳозиргача Туронзамин тупроғи қайта-қайта душман оёғи остида гард-гард бўлиб титилиб келар, ҳозиргача мўғул қавми ғолиб эди. Энди ана шу куч тизгинланган бўйсунмас майлини яна кўз-кўз этиб, Тўхтамишхон тимсолида намоён бўлаётганди.

Бу икки кучнинг дунёни ларзага келтирган мислсиз тўқнашувлари кўп бўлган. Буларнинг энг даҳшатлиси Синд дарёси (*Ҳинд ҳам эмас, Аму ҳам эмас – эслаб қолинг*) бўйларида 1221 йилнинг изғиринли ноябрь ойида рўй берганди. Ўшанда Синд дарёсида ўн кун қон оққанди. Дарё яқинидаги Нилоб деган жойда рақиб тарафлардан қарийб 4 юз минг жангчи бир-бири билан олишганди. Бир тарафнинг бошида Чингизхон, иккинчи томонда эса Жалолоддин турган эди. Ўшанда нима бўлгани кўпчиликка маълум – тўқнашувда мўғулларнинг қўли баланд келган. Жалолоддин онаси, хотини ва фарзандларининг тирик асир тушишини хоҳламай, уларни дарёга чўктиришга амр этганди. Бироқ мулозимлар бу даҳшатли юмушга журъат этолмаган, оқибатда, улар тирик қолган эди. Айниқса, Нилоб қиёматининг энг даҳшатли манзараси – ғазаби оловланган Чингизхон қаршисида эндигина беш ёшга тўлган, ниҳоятини нафратини шаҳзодаларга хос мағрур туриши билан

ифодалаган мурғак Жамолиддин (*Жалолиддиннинг ўғли*) нинг қисмати ҳеч кимнинг кўз олдидан кетмас керак.

Босқинчи душманидангина эмас, унинг зурриёдларидан, эртага туғилиши мумкин бўлган авлодидан ҳам кўрқарди, шул сабаб қўлга тушган эркакларнинг ҳаммасини ўлимга ҳукм этганди. Чингиз гўдакка раҳм қилмади, аксинча, жаллодига уни яна ҳам даҳшатлироқ тарзда бўғизлашни буюрди. Жаллод бир зумда қайқи пичоғи билан гўдакнинг кўкрак қафасини тилкалади-да, норасиданинг юрагини қонли бармоғида олиб чиқди, уни олтин баркашга солиб, хоқонига узатди. Чингизнинг ишораси билан ҳали дириллаб, ҳовур чиқиб турган юрак хоқоннинг севимли тозисига луқма бўлди, итга ирғитилди. Шу билан золим босқинчи қасоскор кучнинг илдизини қуритдим, уни бутунлай йўқотдим, деб ўйлагандир. Афсуски, одамнинг эркинликка бўлган иштиёқи асло сўнмаганидек, озодликка, ёруғликка интилиши ҳам ўлмас экан. Қаранг, орадан нақд 115 йил ўтиб, ёш гўдак кўкрак қафасидан чиқиб, осмонларга учиб кетган руҳ Кешда пайдо бўлди, Муҳаммад Тарағай ва Тегинабегим Моҳ дунёга келтирган зурриёд қасос иштиёқида майдонга чиқди, бўлиниб қолган эрк курашини давом эттирди.

Тарихнинг бурамасимдек тараққиётининг шартимикан, тақдир яна икки кучнинг курашини нақд қилиб қўяпти. Гарчи бу курашда одамлар, йўлбошчилар ўзгарган бўлса-да, моҳият ўзгармаган эди, ҳамон озодлик, эрк ўз душманига рўбарў турарди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Темурбек Султон Жалолиддиннинг айнан ўзи эди – бу иккала Турон шунқори қалбида Ватанни озод кўриш истаги ёнган, холос. Лекин Тўхтамиш Чингизхон эмас эди. Аввало, унинг ёнида кучли ҳарбий истеъдодга эга бўлган

Жэбэ нўён, Субутой баҳодир сингари содиқ ва тажри-  
бали лашкарбошилари йўқ эди. Кейин эса унга қарши  
турган қўшиннинг салоҳияти ҳам энди унинг лашка-  
ридан устун эди.

Соҳибқирон Темурбекнинг қўшини дунёда  
тенгсиз лашкар бўлган – бу орадан беш-олти юз  
йил ўтгандан кейин энг юқори талаблар билан  
чиқарилган хулоса. Бундай хулосага олиб келган  
кўплаб белгилар мавжуд, уларни моҳиятан даража-  
ларга ажратиб бўлмайди, аммо ҳаммадан асосийси –  
қўшинда энг кичик навкардан энг юқори лашкар-  
бошигача – Темурбекка содиқлигидир. Тадқиқотчи-  
лар, ҳарбий мутахассислар ана шу асрор қаршисида  
неча юз йиллардан берики, ҳайрон – Соҳибқирон  
ўзига нисбатан одамларда бунчалик меҳр, ҳурмат,  
фидойиликни қандай уйғота олган? Бундай жон-  
фидоликни эса ҳар қадамда кўриш мумкин эди:  
унинг тахтиравонини елкасида опичлаб бораётган  
юзлаб йигитлар бу юмушдан ифтихор сезганлар  
**(айниқса, қорли Ҳиндикуш тоғларидан ўтишда,  
Ҳиндистон забтидан қайтишда)**, унинг койишла-  
ри, насиҳатларини ҳамма жон қулоғи билан эшит-  
ган, агар у буюрса, ўтда ёнган, сувда сузган.

Темурбек қўшинни битта қўлда маҳкам ушлаган  
эди, унинг айтгани – айтган, дегани – деган эди – у  
ягона ҳакам эди. Рағбатлантиришда ҳам, жазолашда  
ҳам унинг гапи–гап эди. Аслида, бу жуда оғир вази-  
фа, битта нотўғри ҳукм, битта чалкаш хулоса билан  
ҳамма нарсани бузиб юбориш мумкин эди. Худди шу  
ўринда Темурбек шахси бутун талъати билан намоён  
бўлади. У қарорлар қабул қилишда хато қилмаган –  
чунки у бу борада одилликни устивор билган, адо-  
лат талабларига амал қилган. Ҳамма соҳада, ҳамма  
жойда – Адолат бўлиши қўшинда ҳам, ҳаётда ҳам  
Соҳибқироннинг бош шиори бўлган. «Куч – адолат-

дадир!» Бу одмигина шиор бугун ҳам Соҳибқирон Темурбек номидан дунёда янграмоқда.

Соҳибқироннинг адолати қаршисида энг қайсар кишилар ҳам бошини кундага қўйгани, душманлар дўст бўлиб даргоҳига келгани ҳақида мисоллар кўп.

Темурбек ҳар қандай шароитда навкарлар билан бирга бўларди, сафар машаққатларида, урушларнинг ҳаёт-мамонт лаҳзаларида ёнма-ён турарди. Бу эса унга одамларнинг меҳрини ошириш билан бирга уларнинг кайфиятини яқиндан билишга ёрдам берарди. Унинг қўшинида мўғул билан эрони ёки шаҳарлик билан сахройи, мусулмон билан христиан ёки буддист аралшиб юраверар, бироқ бирор ўринда чеклаш ёхуд камситиш сезмасди. Ана шундай турфа хил касбкор, миллат, эътиқоддаги кишилар бирлашиб, юксак бир чўққини ташкил этган эдиларки, унинг энг юқорисида Соҳибқирон Амир Темур турарди.

Сараланган қўшин яхши қуролланган ва аслаҳаланган эди. Бошда темир қалпоқ, эгнида совут, юзда сипар тортилган, булар навкарнинг енгил ҳаракат қилишига халақит бермайди. Қурол эса қилич, найза, чўқмор, гурзи, сўйил, камон бўлган. Муттасил ҳарбий машқлар ўтказилиб турилган, оқибатда, навкарлар уста мерган, чавандоз, тирандоз бўлиб етишганлар.

Темурбекнинг адолатга асосланган тамойиллари туфайли кишилар ишчанлиги, қобилияти сингари фазилатларига кўра қадрланган. Бундай муносабатнинг қарор топиши билан азалдан ҳукм суриб келган уруғчилик кўринишларини чеклаб бориш имкони туғилган. Ҳозиргача ҳар бир уруғ ўзича мустақил бўлиб *(биз тез-тез дуч келаётган барлос, сулдуз, апарди, ясурий, қавчин, арлот, эркинит сингари сўзлар уруғ номлари бўлиб, исмига шу сўзлар*

қўшилган кишилар уруғ беклари ҳисобланган, уларнинг ихтиёрида уруғнинг қудратига қараб 10 кишидан тортиб 4–5 минг нафаргача қуролланган йигит бўлган, орада келишмовчилик юзага келса, шартта бўлиниб кетаверган ёки душман тарафга ўтаверган), бу ҳол уларни бирлаштиришни қийинлаштирарди. Соҳибқирон турли йўллар билан уруғларнинг қўшилиб боришини таъминлади. Бир уруққа бошқа уруғ вакилларидан бошлиқ тайинлашга эришди. Уруғчиликнинг барҳам топиб бориши, аввало, жамият тараққиёти нуқтаи назаридан олға қадам эди. Бу марказлашган давлат тузишни таъминларди.

Шунингдек, сафарлари давомида ҳозиргача ёпиқ бўлган ва маълум тоифаларга хизмат қилган қалъаларни бўйсундириш билан уларни очиқ аҳоли қароргоҳларига айлантирди. Европа стандартларида ҳам феодал қасрларининг фуқаролашуви марказлашган йирик шаҳарлар пайдо бўлишига олиб келган бу ҳол анча кейин юз берган.

Албатта, Соҳибқирон Темурбек давлатининг ўша йиллардаги аҳволини шарҳлаганда, мамлакатда амалга оширилган кўплаб ислохотларни тилга олмаслик мумкин эмас. Соҳибқирон узоқ сафарларда юрганда юрт ичкарасида барқарор тизим ишлаб турарди. Катта-кичик амалдорлар ўз ишларини дафтарга ёзиб юрганлар, вилоятлар, бошқа мамлакатлар билан ёзишмалар олиб борганлар. Шу орқали зарур ахборотлар тўпланиб борган, давлат ҳужжатчилиги юзага келган. Нархлар (*айниқса, озиқ-овқатга тегишли*) муттасил назорат қилиб турилган, ҳунармандлар, дала юмушчилари рағбатлантирилиб борилган. Хатларни тез етказиб бериш, юкларни бежавотир ташиш мақсадида йўлларда подшоликнинг навкарлари хизмат қилган.

«Темур тузуклари»да «Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим», дейилади. Тузуклар ҳар хил низомлар, шариат талаблари бўлса, тўра – махсус давлат хизмати эди. Тўра шундай йўлга қўйилган эдики, Соҳибқирон бепоён ҳудудларда нима рўй бераётганини ҳаммадан олдин биларди. Унга сарҳадларнинг қайси бўлагида қай бир мамлакат карвони кезаётгани, уларнинг қанча сармоясини борлигини-ю, тайинланган амалдорларининг феъл-атворларидан тортиб набиралари эрталаб қачон уйғонгани, тунда нима деб алаҳсираганигача – ҳамма нарса бехато аён бўлиб турарди. Бу ҳам Темурбекнинг мустаҳкам ва боқий давлат тузиши йўлидаги самарали усули эди... Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ ўзининг машҳур асаридида алоҳида тўхталган («Амир Темур тарихи», 2-китоб, 71-бет).

Хуллас, яна бир ҳаёт имтиҳони фурсати етди. Туронзамин Соҳибқирон тимсолида нимага эришган бўлса, очиқ муҳорабада уни намойиш этиши керак бўлди. Хижрий 792 йил (1390 йил) кузида Тўхтамиш устига юриши бошланди. Қўшин Самарқанддан чиқиб, Тошкент остонасига етиб келди. Соҳибқирон тўхтаб, сўнгги тайёргарлик ишларини поёнига етказишни ихтиёр этди.



## БУЮК ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ

**1381 йил, февраль-апрель** – Соҳибқироннинг Хуросонга юриши.

Бобо Сангу, Зайниддин Тайободий билан учрашувлар. Фўшанж қалъасининг олиниси. Ҳиротнинг таслим бўлиши, Қуртлар сулоласи тугади.

Тоғайшоҳ Оқабегим вафот этди.

**1382 йил, қиш** – Яна Хуросонга юриш.

Мироншоҳ Мирзо – Хуросон ҳокими.

**1383 йил, ёз** – бутун Хуросон ва Мозандароннинг бўйсундирилиши.

Форсга элчиларнинг юборилиши.

Дилшод оқа ва Қутлуғ Туркон оқа вафот этди.

Тўхтамишнинг Хоразмга ҳужуми.

**1384 йил, баҳор** – Соҳибқироннинг амир Валига қарши Мозандарон, Ироқи Ажам, Султонияга юриши.

Райда қишлаш.

**1385 йил, май** – Самарқандга қайтиш.

Қиш – Занжирсаройда.

**1386 йил, қиш** – Тўхтамиш Табризни талади.

Уч йиллик юришнинг бошланиши. Гуржи подшоҳи Баграатнинг исломни қабул қилиши.

Форс тасхирига киришилди.

**1387 йил, ёз** – Соҳибқирон Табриз атрофидаги Кўкча-тенгиз (*Урмуя кўли*) бўйига келиб тушди. Сароймулкхоним Самарқанддан набиралар Шоҳрух (*10 ёш*) ва Халил Султон (*3 ёш*) билан восил бўлди.

**15 ноябрь** – Исфаҳондаги кўзғолон.

Тўхтамиш Занжирсаройга ўт қўйди.

**13 декабрь** – Соҳибқирон Шероз яқинидаги Тахтиқорача манзилида. Уламолар билан машварат. Машхур шоир Ҳофиз Шерозий (*1325–1390*) билан суҳбат.



**1388 йил** – Анқа Тўранинг Жетадан келиб, Сайрамдан Тошкентга хужум қилиши.

**Февраль** – Самарқандга қайтиш.

**Баҳор** – Хоразмга бешинчи юриш.

Шоҳрух, Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммаднинг уйланиш тўйи тантаналари.

**1389 йил, ёз** – Мўғулистон устига ҳал қилувчи юриш. Оқ(ир) мавзеи (*Афто, Оққоп, Дарбанд яқини*)да катта қурултой.

**1390 йил** – Мироншоҳ Мирзо Самарқандга, Соҳибқирон хузурига келди.

**Куз** – Тўхтамиш устига юришнинг бошланиши. Тошкентда қишлаш.

Қадақ хотун вафот этди.





## СОҲИБҚИРОН

(1391 йил, январь – 1399 йил, май)

### ЖАВОБ ЮРИШИ

Соҳибқирон Темурбекнинг тарихини ёзган турли тоифадаги муаррихлар ҳазратнинг шахматга жуда ишқибоз бўлганларини қайд этишган.

Одатда, ҳар қандай машғулот билан ундан завқ олган кишигина шуғулланади. Шуғулланиш бир завқ бўлса, унда ғалаба қозониш яна бир завқдир. Қолаверса, завқлана билиш, завқланадиган воситани топиш, ўзида завқланишга эҳтиёж сезиш қай даражададир комиллик белгисидир. Ҳазрат Соҳибқирон шахсида комилликнинг бир қирраси сифатида шахматга ишқибозлик намоён бўлган эди. Ибн Арабшоҳ ўзига хос истехзо билан ёзади: «Темур Шарқу Ғарб иқлимларини алғов-далғовга солди. Унинг жангу жадалида ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шоҳ жангда ҳам, (*шахмат*) ўйинида ҳам ундан енгилиб мот бўлди».

Баъзан шахматда бир томонга ишқибозлик қилган мухлислар вақт ўтиб, тахтанинг икки томонидан бир-бирига қарши дона сурадилар. Бу ўйиндаги оддий ҳол, бироқ Тўхтамишга қарши (*аниқроғи, Тўхтамишнинг шаккоклизига яраша*) жавоб юришига жаҳд қилган Турон лашкари билан кечажак синоатлар эса шахмат тахтаси устида рўй берадиган ҳолатлардан хийла мураккаб эди.

Тўхтамиш йўқ жойдан Соҳибқиронга ташвиш орттирди. Буни халқда «Ўзига ўзи қилди», дейилади. Ўшанда, енгилиб, думи қисилган тозидек, даргоҳига

қочиб келганда, Ўрусхонга тутиб берганида ҳам Ок  
Ўрда олдида обрўси ошарди, ҳам бугунги ташвишла-  
рига ҳожат қолмасди.

Тўхтамиш илк дафъа отаси Тўйхўжа бошлиқ эл-  
чилар билан Соҳибқирон саройига келганда ўсмир  
ёшида бўлиб, шаҳзодалар Жаҳонгир ва Умаршайх би-  
лан қарийб тенгдош, ўғиллари қаторида анча жози-  
бали туюлганди. Кейин эса ёш Жаҳонгир Мирзо дунё-  
ни тарк этган кунлар фарзанд доғида куйиб ўтирган  
Темур ҳузурида пайдо бўлди. Соҳибқирон эрта тарк  
этган фарзандига аталган меҳрини унга берди, уни  
ўғил мақомида кўрди. Лашкар билан қувватлантирди,  
тахтни олиб берди, энг учқур аргумоғини ҳадя этди.  
Дашти Қипчоқда ҳукмрон бўлганда, дилдан қувониб,  
бутун Мовароуннахрга тўй берди: Соҳибқирон ши-  
молдан келадиган душманлар энди бутунлай барта-  
раф бўлди, деб ишонганди. Афсуски, одамнинг оласи  
ичида экан, Тўхтамиш йўлдан оза бошлади, дастлаб  
пана-панада, кейин очикча «ўғлим», деб тутган ин-  
сонга оқпадарлик қилди. Аввал Хоразмга бостириб  
кирди, кейин изидан Кавказга от сурди, охири Бухо-  
рою Қаршини талади, Занжирсаройга ўт қўйди. Ўша  
сафар Тўхтамишнинг Жета лашкари билан бирлашиб,  
Мовароуннахрни тўла эгаллашига бир баҳя қолди.  
Хайрият, Темурбекнинг қозиғи анча чуқур кетган, у  
қадаган кўчат амал олган экан, юрт ёғий оёғи ости-  
га тиз чўкмади. Отаўғил шаҳзода Умаршайх Мирзо  
қийналиб бўлса-да, жон сақлаб турди...

Мана, ниҳоят, ажр фурсати етиб келди. Шарқда –  
Мўғулистон, ғарбда хоин Сўфилар бутунлай барта-  
раф этилиб, тўла қувват билан Туронзамин лашкари  
шимолга, кўрнамак Тўхтамишхон билан очик ҳисоб-  
китоб қилишга йўл олди.

Совуқ кунлар бошланаётган эди. Нусратшиор  
қўшин Тошкент атрофида танда қуйиб, катта юришга

тайёргарлик кўрарди. Соҳибқирон Хўжандга бориб, бузруквор шайх Муслиҳиддин (*ХШ асрда ўтган уламо*) ва бошқа авлиёлар мазорларини тавоф қилди, ундаги фақир мискинларга, жумладан, шоир Камол Хўжандий авлодларига ўн минг олтин динар ҳада этди. Тошкентга қайтгач, ноғоҳ касаллик нишон берди ва аста-секин хуруж қилиб борди. Сеистонда ортирилган жароҳат – ўнг қўл ва ўнг оёқдаги шикаст биринчи марта қутқу солди. Соҳибқирон жиддий оғриб, ётиб қолди. Бу ҳолдан барча безовта бўлди.

*Ҳазрат ғамидин барча жаҳон титрар эрди,*

*Танларда кўнгиллар била жон титрар эрди.*

*Ул жону жаҳон эрди, анинг ваҳмидин*

*Айтмоққа оғизларда забон титрар эрди.*

*«Зафарнома»*

Темурбек қирқ кун безовта бўлиб ётди. Имкони бўлган барча муолижалар амалга оширилди. Эл-улус Соҳибқиронга омонлик тилаб, дуолар қилди. Ниҳоят, Яратганнинг шафқати билан касаллик чекинди. Соҳибқироннинг аҳволи ўнгланди. Аммо ҳамма иккиланарди: ҳазратнинг соғлиғи бу оғир юришни кўтара олармикан? Бироқ Соҳибқирон аҳдидан қайтмади: ё у жуда қаттиқ ғазабланганди, ё бош кўтараётган бу аждаҳони зудлик билан, тезда янчиб ташлаш шартлигини, билъакс, кучайиб, янада оғир ташвишлар туғдириши мумкинлигини тушуниб етган эди. Кўшинга тайёргарлик ишларини поёнига етказиш тўғрисида буйруқ берилди.

Шу кунларда амирзода Мироншоҳ ҳам Хуросондан ўз лашкари билан келиб қўшилди.

Соҳибқирон мамлакат ҳукмронлигини набираси Пирмуҳаммад (*15 ёш*) ва ўғли Шоҳрух (*14 ёш*)га топширди. 1391 йил 19 январда Тўхтамиш устига юриш бошланди. Малика Чўлпонмулк оқа (*у бир йил олдин*

**Соҳибқироннинг никоҳига ўтган эди)** кўчи билан сафарда бирга кетадиган бўлди.

Қораосмон мавзеъи (**бу жой Чимкент вилоятининг Ўрдабоши авдони ҳудудида; 1992 йил октябрь ойида илмий экспедиция билан у ерда бўлиб, зиёрат қилганмиз. Қораосмонда қозоқларнинг уч улў жузи бийлари жунғорларга қарши биргаликда курашиш (XVII аср) учун онт ичганлар**)га етиб келишганида, Тўхтамишхон тарафдан элчилар ташриф буюриб, узрхоҳлик қиладилар. Улар Тўхтамиш ўз қилиқларидан қаттиқ пушаймонда эканини, баъзи бекларнинг игвосига учганини, Соҳибқироннинг унга ўз ўғлидек марҳаматлар кўрсатганини унутмаганини изҳор этадилар. Темурбек элчиларга етарли ҳурмат кўрсатади ва «Шу «ўғли»миз билан толеъимизни майдонда синаб кўришга аҳд қилдик, энди сўзимиздан қайтмаймиз», деб жавоб беради. Соҳибқирон чиндан ҳам қаттиқ ғазабланган эди.

21 февралда шахзодалар ва беклар йиғилиб, қурултой ўтказдилар, энди юришда орқага қайтиш йўқлигини қатъий қилиб қўйдилар.

Қиш чилласи ўтган эди, қўшин йўлга чиқиб, Қарочуқ ва Саброндан ўтиб, чўлга кириб борди. Олдинда тубсиз, адоқсиз текислик ястаниб ётарди. Бундай шароитда юриш жуда қийин эди. Мўлжал тўғри олинмаса, адашиб кетиш мумкин. Бунинг устига сув, отларнинг озуқаси катта ташвиш туғдирарди. Бепоён саҳрода қарийб икки юз минг лашкар еру кўкни тутиб олға босарди.

Тарихчи ёзадики, қўшин 28 мартда Қарсақбай мавзесига етди (**ҳозирги Жезқазғандан 100 чақирим шимолроқда**). Бу ерда Кичик тоғ ва Улуғ тоғ бор эди. Соҳибқирон Улуғ тоққа чиқди-да, атрофни кузатди. Борлиқ ям-яшил эди. Ҳазратнинг кўнглидан ажиб хислар ўтди. Балки у тақдир ўзини қандай жойлар-

га етаклаб келганини-ю, бу ерлардан яна қачон ўтиш насиб этишини мулоҳаза қилгандир. Тоғдан тушди-да, черикнинг ҳар бир аъзосига тош келтиришни буюрди. Тоштарошлар жадал ишга киришиб, бир минора-нишона тиклаладилар. Минора битгач, унда шундай ёзув қолдирилди: **(мазмуни)** «Турон мулкининг султони Амир Темур Кўрагон қалин лашкар билан ҳижрий 783 йил жумода ул-аввал ойининг йигирма учинчи куни Тўхтамишхонга қарши бораётиб шу ердан ўтди. Келаси авлодлар эсга олурлар, деб ушбу минорани тиклатдим». **(Баъзи манбаларда бу ёзувли тош тақдири номаълум дейилган. Ўтган асрнинг 30-йиллари охирида Қарсақбай кони яқинида, Қорамўла тоғ ёнбағрида ёзувли тош топилган. Унда араб ва уйғур имлосида туркийча ёзувлар бўлган. Кейинчалик Бойқўнғир космодроми очилгач, бу жойлар ёпиқ ҳудудга айлантирилган. Шундай тош Эрмитажда сақланиши ҳам айтилади).**

Сафарга чиққанларига ҳам тўрт ой бўлиб қолди. Йўл ғоҳ тубсиз саҳродан, бепоён яйловлардан кечар, ғоҳ ўчиб ўтишда бургут қаноти қайриладиган чўққиларга, қир-адирларга, дарё-кўлларга-ю, ботқоқликларга тўғри келарди. Дастлаб қор ва изғирин, кейин муттасил қуядиган ёмғир-дўл остида олға босишга мажбур бўлинарди. Тўхтаб туриб ҳам бўлмайди: тубсиз биёбонда ер ютиб юбориши мумкин. Икки юз минг кишининг еб-ичиши-ю, ётиб-туришини таъминлаш, от-уловининг аҳволи, хуллас, улкан оиланинг ташвиши осон эмасди. Шу тарзда оғир захматларни мардонавор енгиб, олға босишар эди. Бундай қийинчиликларга унча-бунча одамнинг иродаси чидамасди. Тўхтамиш эса изини қумга солиб кетган, дараги топилмас эди. Озиқ-овқат тақчиллиги ва толиқиш сезила бошлади. Сахро кўкатлари, пар-



Тўхтамишхонга қарши юриш (1391 йил)





рандаларнинг тухумлари билан тамадди қилишга ҳам тўғри келди. Озгина унга туз ва кўкат сувлари қўшиб қайнатилиб, буламуқ тайёрлаб ердилар.

3 майда ҳозирги Қустанай вилояти худудида катта ов уюштиришга ҳукм бўлди. Подшолар қатнашадиган бундай овларнинг тартибича, катта ҳудуд ўраб олинган ва қисиб келинаверган. Жами ҳайвонлар жамланиб, овчилар елкама-елка бўлгунча доира торайтириб борилаверган. Кимдан ов қочса, у жазоланган. Шундай кейин биринчи ўқни подшо отиб, овни бошлаб берган. Табиийки, бу усулда катта ўлжа қўлга олинган.

Шу ерда ҳўкиздедек чўл кийикларини кўришди. Етарлича озуқа гамлашди.

Ривоят қилишларича, лашкарнинг аҳволи ҳақида Соҳибқирон Самарқандга хат ёзиб, Сароймулкхонимдан маслаҳат сўрайди. Ҳазинадан маблағ жўнатишини талаб қилади. Бибихоним ҳазратга шундай жавоб ёзган экан: «... хазинангиз-ку тугабди, сиёсатингиз ҳам тугадими?!» Соҳибқирон бу тагдор гапни мулоҳаза қилиб кўриб, шундай йўл тутибди: ҳайвон суякларини турлича шаклда қирқтириб, уларга муҳр босибдида, пул ўрнида навкарларга тарқатибди. Кейинчалик катта бойликка эга бўлишгач, суякларнинг қиймати алмаштириб берилган экан.

Овдан кейин Соҳибқирон қўшинини кўриқдан ўтказишга аҳд қилди. Лашкар фавжларини ўғиллари – Умаршайх ва Мироншоҳ, набираси – Муҳаммад Султон, шунингдек, Султон Маҳмудхон, Худойдоди Ҳусайний, Шайх Темур бошқаришарди. Икки кун давом этган кўриқ юқори тайёргарлик ва байрамона кайфиятда ўтади. *(Шуниси эътиборлики, «Темур тузуқлари»нинг «Сипоҳнинг яроқ-жабдуқлари ва анжом-жиҳозлари тузуги», «Жангу жадал, уруш майдонига кириш, қўшинни сафлаш ва ғаним лаш-*

карини синдириш тузуги» бўлимларида сипоҳ ва қўшиннинг аҳволи жуда аниқ белгилаб қўйилган. Демак, кўрикда ўша талабларнинг бажарилиши текширилган). Бу тадбир ҳам Соҳибқирон ҳарбий таълимотининг бир бўлаги эди.

Ниҳоят, натижасиз кезишлардан зериккан Соҳибқироннинг шерюрак набираси Муҳаммад Султон бобосидан қўшиндан ажраб илгари боришга ва душмандан хабар топиб келишга рухсат сўрайди. У 12 майда ўз сипоҳлари билан олға кетади, икки кундан сўнг янги ёқилган гулхан изларига дуч келадилар. Бу беш ойдан бери учратганлари биринчи жонли нишон эди. Қўшин ҳушёрликни ошириб яна олдинга юради ва Тобол дарёсидан ўтади. Ушбу юриш тафсилотларида қайд этилишича, Тобол ва Ёйиқ дарёлари оралиғида қарийб бир ой Тўхтамишнинг дараги қидирилади. Асирлар ҳам аниқ маълумотни билмайдилар. 6 июнда Ёйиқдан ўтиб, Қирққўл (*Челябинск*) гача излаб ҳам бирор белги тополмайдилар.

Олтин Ўрданинг собиқ нўёни Мамайнинг ўғлини ярадор ҳолида асир олиб келдилар. Унинг маълумотларидан Тўхтамиш турган жойни аниқлаш имкони бўлди. Разведкага борган Ийгу Темур бошлиқ илғор қисми Тўхтамиш лашкари сезиб қолади ва кучлар тенг бўлмаган шароитда тўқнашув юз бериб, Ийгу Темур ва 2–3 нафар беклар ҳалок бўлади. Соҳибқирон Ийгу Темурнинг ўрнига Қиличқайнинг ўғли Шохмаликни бек тайинлайди, унинг муҳрини ва мулкани бахш этади. Шу ўринда Темурбек, умуман, Темурийлар хонадонига бетимсол садоқат кўрсатган зот катта саҳнага чиқади.

Соҳибқирон Умаршайх Мирзога 20 минг лашкар бериб, тутқич бермас Тўхтамишни топиш вазифасини юклайди. Эртасига керакли хабар Темурбекка келиб етади.

18 июнь куни Самара шахрининг шимолидаги Кундузча (*Кондурча*) мавзеида лашкар алоҳида саф ланиб, жанговар ҳолатга келтирилди. Соҳибқирон бу муҳорабага ҳали ҳеч ким қўлламаган янги усулни жорий этди. Қўшиннинг марказ қисмини 7 қўлдан (*бу рақамни хосиятли деб биларди*) иборат қилиб туздик, «ҳеч подшоҳ андоқ қилмайдур эди ва эшитмайдур эди» (*Яздий*). Ҳар бир қўлга энг баҳодир ва қўрқмас лашкарбошилар тайинлади. Энг катта қўлни Муҳаммад Султонга топширди ва унинг яна икки ёнида сараланган лашкардан қанотлар тузди. Қолган қўлларга Султон Маҳмудхон, амирзодалар Умаршайх ва Мироншоҳ, ҳожи Сайфиддин, Бердибек, Худойдоди Ҳусайний бош этиб тайинландилар. Ҳар бир бўлинма аниқ режага эга эди. Бундай тузилма қадимул айёмдан урушлар тарихида янги ҳодиса эди. Ҳазрат Соҳибқирон жанг қилиш санъатини тартибсиз савашишдан иборат ғалаёндан мукамал босқичга, худди шахмат тахтаси устидаги мураккаб «ақл гимнастикаси» даражасига кўтарди.

Ҳали офтоб шуъласи ерга тушмай душман тарафдан қоровул қисми пайдо бўлди. Тўхтамиш уларни Жўчи наслидан бўлган хонзолалардан тузган эди. Бирданига Соҳибқирон отлардан тушиб, чодирлар тикишга амир этди. Тўхтамиш бундан ҳайрон бўлди. Унинг қўшини сон жиҳатдан кўп эди. Тарихчи ёзади: «Ҳазрат ҳаргиз черик билан эътимод қилиб кўнгул қўймас эди, анинг умиди ҳазрат Жаббордан эрди ва одати бу эрдиким, ҳар урушдаким ғаним била муқобила бўлиб эрди, тушуб икки рақъат намоз ихлос била ўқиб, тазарруъ ва зорий била ҳазрат Ҳақдин нусрат тилар эрди».

Намоз тугагач, байроқлар кўтарилди, ноғора ва нафирлар чалинди, еру кўкни тутган шовқинсурон билан душман устига от қўйилди. Сафар-

да бирга бўлган Саййид Барака қўл кўтариб дуо қилди. Жанг бошланди. Аскарларнинг дубулғаси шунчалар ялтирар эдики, уларга тушган қуёш нуридан рақиб лашкарининг кўзи қамшиб қолди. Ҳожи амир Сайфиддин биринчи бўлиб ўзини душманнинг сўл қанотига урди ва бир зарба билан рақибларини тўзитиб юборди. Тўхтамишхон лашкари амир Сайфиддин қўлини марказдан ажратиб олиш мақсадида орқадан айланиб ўтишга интилди. Душманнинг бу ҳаракатини сезиб қолган Жаҳоншоҳ ёрдамга шошилди. Шаҳзодалар, амирлар, беклар ғалаба иштиёқида шиддат билан чопишдилар. Мироншоҳ бошлиқ қўл ҳам ўз тўғрисидаги рақиб зарбасини қайтариб, қарши ҳужумга ўтди. Айниқса, Муҳаммад Султон қўмондонлигидаги қўшиннинг қалби душман тўдасини қоқ ёриб, кучини бўлакларга ташлади ва рақиб тарафда парокандалик бошланишини таъминлади. Бердибек ва Худойдод иккаласи иттифоқ бўлиб, душманнинг ўнг қўлдаги кучларига қақшатқич зарба бердилар. Жанг майдонининг ҳар бир бўлагида Мовароуннаҳр лашкари устунликни таъминлади. Умаршайх Мирзо жасорат билан Тўхтамишнинг устига бостириб борди, рақиб ҳужумга дош беролмай қочди. Тўхтамишнинг қочгани хабарини Соҳибқиронга етказдилар. Темурбек унинг изидан борди, бироқ Тўхтамишда тўхтаб уришадиган мажол йўқ эди. Лашкардан ҳар ўн кишидан етти кишини ажратиб, душманни таъқиб этишга юбордилар. Улар Волга дарёсигача қувиб бордилар. Тўхтамиш ўша томонларга қочиб кетди.

Қундузча мавзеида бўлган жангда Соҳибқирон Темурбекнинг ҳарбий даҳоси оғир синовдан муваффақиятли ўтди. Амалда нотаниш бўлган дала шароитида, сон жиҳатдан кўп душманга қарши жангда фақат қўшинни тўғри бошқара олиш йўли билан

ғалабага эришилди. Бу зафар ҳали олдинда турган оламшумул муваффақиятларнинг бир нишонаси эди, холос.

Жўчи авлодидан икки шахзода – Кунча ўғлон ва Идику ўзбек ҳазрат қошига келди. Улар Тўхтамиш билан келиша олмас эдилар. Соҳибқирон уларга сарполар берди, улусларига бошлиқ қилиб тайинландилар. Умуман, бу галги ғалаба айнан мўғуллар яшаган заминда, улар давру даврон сурган ҳудудларда нишонланётган эди. Соҳибқирон қўшинида уларнинг кўплаб уруғдошлари бор эди, баъзилари яхшигина мавқега эга эдилар. Қариндошлар бир-бирларини излаб кетишади, баъзилари уларни бошлаб Самарқанд лашкари сафига олиб келса, баъзилари бу ёқдан у ёққа қочиб кетади. Хуллас, Соҳибқирон Тўхтамишнинг ўрнига ўзига хайрихоҳ бўлган Чингизийлардан ҳукмронлар тайинлайди. Шу йўл билан Тўхтамиш давлати ва Мовароуннаҳр ўртасида буфер юзага келади.

Волга бўйларида эришилган зафар муносиб нишонланади. Ғолиблар жуда катта миқдордаги ўлжага эга бўладилар. Қўшинга мириқиб ҳордиқ чиқаришга изн берилади. Улар 26 кун давомида Тўхтамиш устидан эришилган ғалабани нишонлайдилар. «Дунёдаги энг гўзал қизлар хизматда бўлди», деб ёзади тарихчилар ўша кунлар ҳақида.

Шундай қилиб, Олтин Ўрданинг мавқеига путур етди. Икки асрдан буён бутун Европага таҳдид солиб турган рақиб чекинди, уларни ҳам енга оладиган, тиз чўктирадиган куч дунёда пайдо бўлганини ҳамма билди.

Бу юришдан кўзланган стратегик мақсадга тўла эришилди. Энди бу ёқларда узоқ қолиб бўлмасди. Зафарнишон лашкар ватанга йўл олди.

Тарих китобларида шимолдан ватанга Хоразм орқали қайтилгани, Соҳибқирон бу жойда-

ги ободончилик ишлари билан обдон танишгани, янги топшириқлар бергани қайд этилади. Қалъа аллақачон қад ростлаган, бошқа юмушлар ҳам кўнгилдагидек давом этарди. Ҳазрат йўл-йўлакай Питнакда тўхтаб, шу жойда кўним топган саййидлар – Абу Муслим (*халқ китоблари* – «*Або Муслим жангномалари*»ни эслайлик) авлодларига ўзининг алоҳида эҳтиромини изҳор этади, махсус ёрлик билан уларнинг дахлсизлиги ва имтиёзларини кафолатлайди. Маълумки, Абдурахмон ибн Муслим – Абу Муслим (*718–755 йиллар*) Умавийлар – Муовия ва Язид тарафдорларидан ислом ҳукмронлигини қайтариб олиш, пайғамбаримиз Муҳаммад (*с.а.в.*) арконларини қайта тиклашда Наср ибн Сайёр билан қаттиқ курашган, Аббосийлар тахтни эгаллагач, Хуросонга ноиб қилиб тайинланган ва Моваруннаҳрда ҳам бўлган машҳур лашкарбошидир. Энг эътиборлиси, бизгача жуда кам етиб келган Темурийлар даври ҳужжатларининг асил нусхалари ичида Соҳибқироннинг муҳри чекилган ушбу ёрлик ҳам бор. Унинг фотонусхасини муҳтарам олим Иброҳим Мўминов ўзининг машҳур рисоласида эълон қилган, асли ҳам музейларимизда сақланади. Қолаверса, эски ўзбек тилида ёзилган бу ноёб топилма ўша давр расмий услубини, ёрлик матнини тарихий, лингвистик ва этимологик ўрганишда муҳим манба бўлиб, кўплаб тадқиқотларга асос бўлган. Шу хилда Тўхтамиш устидан қозонилган зафарнинг бир эпкинни маданиятимизни бойитиб турибди.

Ғолиб лашкарлар 11 ойдан кейин Мовароуннаҳрга қайтиб келдилар. Соҳибқирон ўша йил қишни Тошкентда ўтказди. Шимолга уюштирилган юриш сабоқлари таҳлил қилинди, ўлжаларнинг ҳисобкитоби олинди, яна навбатда турган юмушларга тайёргарлик кўрилди. Энди жануб ўзига чорлаётган эди.

## БЕШ ЙИЛЛИК САФАР

Олтин Ўрда муҳорабасидан қайтилгач, амирзода Мироншоҳ тўхтамай қўшини билан Хуросонга йўл олди. Бу ҳудуд хийла нотинч экани хусусида хабарлар бор эди. Соҳибқироннинг у ёқлардан қайтганига ҳам уч йилдан ошди. У тайинлаган беклар, жорий қилган тартиблар яна қайта тафтишни талаб қилиб қолгани сир эмас. Кўп жойларда ғаним кучлар бош кўтарган, Темурбек тайинлаган мансабдорларни ўлдирган ёки писанд қилмай қўйган эди. Яна ғайридинлар ўз йўлига тушиб олганди. Вазиятдан келиб чиқиб, яна бир улуғ сафарга тайёргарлик кўрилди.

Соҳибқирон Наврўз кунлари Тошкентдан Самарқандга келди. Шу гўзал дамларда бир тўй тузиб, вақтичоғлиқ қилиш фикрига тушди ва Кониғилда шодиёналарга тайёргарлик бошланиб кетди. Шаҳзода Умаршайхнинг ўғиллари Пирмуҳаммад ва Рустамни ҳамда Мироншоҳнинг ўғли Абубакрни **(у икки йил олдин амир Сайфиддиннинг қизига унаштирилган эди)** уйлантириб қўйди. Тўй ер ва кўк орасида жуда тантаналар билан шоҳона нишонланди.

Орадан кўп ўтмай, товачилар узоқ-яқиндаги қўшинга беш йиллик юришга тайёрланиш ҳақида хабар етказди. 1392 йил ёзида бошланган бу тарихий сафар ўша замон муаррихлари томонидан кунма-кун аниқ қайд этиб борилган. Биз ҳам ортиқча мураккабликка чек қўйиш мақсадида воқеаларни ўша солномалар асосида хронологик қайд этиб ўтамыз.

7 июнда қўшин Бухоро орқали йўлга чиқди. 23 июнда Шофиркон туманидаги Жўйизар ариғига етганда Соҳибқирон бетоб бўлиб қолди. Самарқанддан оила аъзолари чақиртирилди. Муолижалар ўтказилди, кўплаб жонлиқлар сўйилиб, садақалар қилинди.

7 июлда ҳазратнинг сиҳати ўнгланди, ўн кун ўтгач, илғор билан кетиб, Амудан ўтган Муҳаммад Султонга сафарни давом эттириш хабари берилди. Соҳибқирон кўчи ойнанинг 27 сида қўзғалиб, 30 да Жайхундан ўтди ва Эронзаминга йўл олди.

Астробод ҳокими пешкашлар билан чиқди. Бу шаҳардан йирик қалъаларга олиб борадиган йўллар чангалзор, ботқоқликлардан иборат эди. Ана шу нобоп ерларга йўлтўсарлар бекиниб олиб, карвонларга ортиқ захмат етказишарди. Соҳибқирон амри билан йўл қуришга киришилди, ўн минглаб одамлар (*асосан ҳарбийлар*) бу ишга сафарбар қилинди. Кенглиги юз қадамдан кам бўлмаган учта йўл очилди.

Мозондарон вилоятидаги Омул, Сари, Мохон қалъаларида шиа мазҳабидаги саййидлар таъсири кучли бўлиб, улар диний тартибларни ўзларича ислоҳ қилган (*масалан, намозда азонни таъқиқлаган, жума намозини жамоат бўлиб ўқишни маън этган*) эдилар. Баъзи гуруҳлар эса кимнинг қўлида китоб кўрса, ўлдирар эди. Ислом динининг софлиги, илм-маърифат учун курашган Соҳибқирон бу қалъаларни мурасага чақирди, рози бўлишмагач эса куч билан эгаллаб, айбдорларни жазолади.

Мозондарон қайта тасарруфга ўтгач, Шасмон мавзеида бир олий иморат қуришга амр бўлди ва йилнинг охирида Самарқанддан чақириб келинган Сароймулкхоним бошлиқ маликалар, шахзодалар шу бинода кутиб олинди.

Соҳибқирон 1393 йил 9 январда Мозондарондан чиқди, Қазвин, Султония, Бағдоддан ўтилди, Курдистон ҳудудлари ҳам назардан ўтказилди.

Луристон ва Хузистонга етгач, ҳазрат Соҳибқирон фарзандлари Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Муҳаммад Султонни алоҳида лашкарлар билан таъминлаб, бу вилоятларнинг тоғ ва чўлларига бўлиб-



бўлиб юборди. Улар қаерга борсалар, хайрихоҳ ки-  
шиларни қўлаб-қувватладилар, рақибларни енгиб,  
янги ҳокимлар тайинладилар.

Соҳибқирон 1 мартда Тустар шахрига боришда-  
ги Дизфул кўпригидан ўтди. Уни 310–79 йилларда  
ҳукмронлик қилган Эроннинг Сосонийлар сулола-  
сидан бўлмиш Шопур II қурдирган бўлиб, 28 тоқи  
бор эди. Унга пешвоз чиққан Шамсиддин Дехдор  
20 харвор (*1 харвор – 75–100 кг*) кумуш танга совға  
қилди.

Йўллар энди Шерозга элтар эди. Маълумки, бу  
ўлкани Музаффарийлар сулоласи идора этар, бир  
вақтлар уларнинг вакили Шоҳ Шужоъа Соҳибқиронга  
эътиқод кўрсатган эди. Уч йиллик юриш вақтида Шу-  
жоъанинг авлодлари Темурбекка ҳар хил муносабат-  
да бўлди. Айримлари унинг хизматига ўтди, айрим-  
лари бўйсунитишни хоҳламади. Жумладан, ўшанда Ше-  
роз ҳокими бўлган Зайналобиддин очикча тан олмай,  
қочиб кетганди. Ўтган йиллар давомида ҳам Шероз,  
Исфажон, Абаркўх, Язд, Кермон, Сиржон ҳокимлари  
бир-бири билан низолашиб юрган эдилар. Улар ора-  
сидан Шоҳ Мансурнинг мавқеи баланд бўлиб, Исфа-  
хон, Абаркух, Тустар – асосий ҳудудларни у назорат  
қиларди.

«Амирзода Муҳаммад Султон ва иниси Пир-  
муҳаммад Бошихотун дарбандидан музаффар ва  
мансур қайтиб, ҳазрат Соҳибқирон ўрдусига келиб  
қўшилдилар. Соҳибқирон Севинчак баҳодирни Умар-  
шайх Мирзони чақириб келиш учун Хувайзага юбор-  
ди», деб ёзади Яздий. Демак, бу юришнинг масъулия-  
ти оғир бўлган ва унга атрофлича, жиддий тайёрла-  
нилган.

Соҳибқирон 10 мартда Шероз томон йўлга тушди.  
Кейинги кунлар шарҳи муаррих томонидан батафсил  
келтирилгани эътиборли. Бир ой давомида қайси ман-

зилдан ўтилгани қадамба-қадам қайд қилинган. Сарой котиблари учун жорий қилинган тартибга қойил қолмай илож йўқ. Балки бобокалонимизнинг ҳаёт йўли ана шундай қатъий изчиллақда мухрлагандир-у, фақат биз ўша битикларга эга эмасмиз?

Музаффарийларнинг деярли ҳаммаси қўл қо-вуштириб пешвоз чиқдилар, фақат Шоҳ Мансур куллуққа келмади. Бу пайтда Зайналобиддин ҳам унга тутқунда бўлиб, кўзига мил тортилган эди.

Қўшин ўн беш кун давомида шарқий Эронни му-сахар этиб, 25 мартда Навбинжон шаҳридаги Сафид қалъасига яқинлашди. Бу қалъа тоғ бошида бунёд қилинган бўлиб, забт этишнинг иложи йўқдек эди. Тор бир жойда уч киши туриб олса, дунёнинг лашкари бўлса ҳам қайтарар эди. Қалъанинг ҳудуди кенг бўлиб, унда йиллаб жон сақлаш мумкин эди. Соҳибқирон шу қалъага кўз тикди. Уни ўраб олиб, фатҳига киришди-лар. Шу муҳорабада Оқбуға навкар алоҳида жасорат кўрсатди, у кутилмаганда қалъа устида пайдо бўлди ва лашкарларни ғалабага руҳлантирди. Қалъа эгал-ланди, аскарлар, жумладан, кўр бўлиб қолган Зайна-лобиддин ҳам озод этилди. Соҳибқирон алоҳида жа-сорати учун Оқбуғага жуда кўп бойлик ва бир чирой-ли қиз ҳадя этди.

Шероз яқинидаги Потила деган жойда Темур-бек ўттиз минг лашкари билан Шоҳ Мансурни ўраб олди. У чекинишни хаёлига ҳам келтирмай, жуда қаттиқ олишди. Мансур таслим бўлмаслик ҳақида қасам ичиб чиққан эди – бу ҳақда Ибн Арабшоҳ эҳтиром билан ҳикоя қилади. Мансур икки қўли би-лан баравар қилич чопар, шердек ҳамла қиларди. У хос соқчиларни ёриб ўтиб, Соҳибқиронга дадил яқинлашиб келди, икки марта қилич ҳам урди. Бун-дай жасоратга Темурбек тан берди. Арабшоҳ ёзади-ки, жанг тугагач, Мансурни топа олмай қоладилар.

Уни ўликлар ичидан излашади. У ярадор бўлиб ётар, бошига келган навкарга ялиниб, катта пул ваъда қилиб, қутқаришини сўрайди. Навкар эса Мансурнинг бошини кесиб, Соҳибқиронга элтади. Бу мард йигитнинг ўлдирилишидан қаттиқ изтиробга тушган Темурбек ўша навкарни шафқатсиз жазолади, деб ёзади Арабшоҳ. Шарафиддин Али Яздий эса ўша пайтда 17 ёшда бўлган шаҳзода Шохрух Мирзо Шох Мансурнинг бошини кесиб, ҳазрат Соҳибқиронни зафар билан муборакбод этди, деб қайд қилади.

Шу билан Музаффарийлар сулоласига чек қўйилади. Улар ўртасидаги ўзаро низолардан раият жуда жабр кўрган эди. Форс мамлакатига Умаршайх Мирзо подшоҳ қилиб тайинланади. Шаҳар ва вилоятларга ҳам янги ҳокимлар қўйилади. Шерозда тинчлик, осойишталик ўрнатиш чоралари кўрилади, жабр чеканлар афв этилади.

Форсда эришилган муваффақият шарафига Боғимайдонда бир ой тўй қилдилар.

10 май куни Соҳибқирон Шероздан кўчди. Исфаҳон, Жарбодикон, Ангувон, Бурҳондан ўтиб, бир ойдан сўнг Ҳамадонга етдилар. Бу жойларни Мироншоҳ Мирзо қўлига топширди.

Мансур черик олға босарди. Сафасун қалъаси, Дашти Жаҳо, Ҳабаший қалъаси, Армон тоғи, Гармсир, Қулоғи дашти, Оқсой, Оқбулоқ ортда қолди. Шу орада Хонзодахоним Соҳибқирон шарафига тўй берди. Рамазон ойини ўтказдилар. Энди навбатдаги манзил Бағдод эди.

Бағдодда жалойирларнинг сўнгги вакилларида Султон Аҳмад ҳукмронлик қилар эди. Соҳибқирон элчисидан айнан шу одам ҳақида «... икки кўзли бир бўлак гўшт экан», мазмунида хат олган эди. Аҳмад юраксиз, тадбирсиз бир кимса бўлиб, уришишдан қочишни яхши кўрарди. 12 сентябрда Соҳибқирон

қўшини Бағдодга етгач, Карбало тарафга қочди. Бойлиги, хотин-бола-чақаси асир тушди. Улар Самарқандга жўнатилди.

Темурбек Бағдодда икки ой турди, шарқнинг йирик илмий марказларидан бири ҳисобланган шаҳарда яшовчи уламолар, дин арбоблари, ижод аҳли билан учрашди, уларнинг аҳвол-руҳияси билан танишди, суҳбатлар қурди. Жумладан, йирик тарихчи олим Низомиддин Шомий (**Шанбий, Шанби Ғозоний**) шу шаҳарда эди, у Соҳибқироннинг дароғини эшитиб, истиқболга пешвоз чиқди, кейин ҳам суҳбатларига мушарраф бўлди. Бу қадрдонлик сўнг ҳам давом этиб, олим машҳур асарини яратди.

Атроф-жавонибда карвон йўлларининг эмну омонлиги чоралари кўрилди, қароқчи тўдалари лашкар юборилиб даф этилди. Ислом дунёсининг шон-шухратга бурканган бу қадимий дурдонаси ўзининг маърифий ва маданий мавқеини йўқотган, шаҳарда ахлоқсизлик авж олганди. Соҳибқироннинг фармони билан хумлардаги шаробу майлар Дажла дарёсига тўктириб юборилган, кенг тус олган фоҳишахоналар ёпилган. Илм-фан, санъат аҳли ҳимояга олинган.

Салтанат ҳудудлари Миср билан чегарадош бўлиб қолганди. Мисрда ҳукмдорлик мамлуклар (**улар ҳам Дашти Қипчоқдан бориб қолган туркийлар авлоди эди**) қўлида эди. Соҳибқирон Миср подшоҳи Барқуққа хат юборди. Унда Чингизхон наслига бўйсунган ерлар энди Мовароуннахр ҳукмдори тасарруфига ўтгани маълум қилиниб, ўзаро муносабатлар режаси баён этилган эди. Шунингдек, Султон Аҳмаднинг қочиб, Мисрга боргани хабари эшитилган эди, уни топшириш талаб қилинди. Бу хат ўзига хос дипломатик эслатма ҳам бўлган.

Соҳибқирон Бағдоддан чиқиб, Шайх Баҳлул мазорини тавоф қилди. Дажладан ўтиб олға юрар экан,

Мосул ҳокими ва Ирбил доруғаси ҳазратнинг йўлига пешкашлар билан чиқиб, мамнун кутиб олишди.

Умуман, Соҳибқироннинг Форс ва Ироққа юришидан бош мақсади ўша ҳудудларда тинчлик ўрнатиш, ҳаж зиёратига борувчилар ва савдо карвонларининг йўлларда беҳавотир ҳаракатланишини таъминлаш бўлган. Шу жиҳатдан Тикрит қалъаси билан боғлиқ воқеалар эътиборли.

Тикрит қалъаси Миср ва Суриядан ўтадиган карвон йўли устида тикланган бўлиб, унда бир тўда қароқчилар жойлашиб олган эди. Қурилганидан бери бирор подшо фатҳ қилмаган қалъа аҳли карвонни истаганича талаб, хароб қиларди. Соҳибқиронга бу қалъа ҳақида хабар берганларида иккиланмай унинг забтига киришишни буюради. Қалъада Ҳасан деган ҳоким эди, у Соҳибқирон ҳузурига инисини, кейин онасини элчи қилиб юбориб, шаҳзода Шоҳрухни ўртага қўйиб, ҳар қанча бойлик бўлса беришга тайёрлигини, фақат қалъни дахилсиз қолдиришни сўраётганини маълум қилди. Темурбек эса фақат Ҳасан қалъадан чиқиб, ҳузурига келишини талаб қилиб тураверади. Қалъа ўраб олиниб, тагидан лаҳмлар ковланиб, манжаниқлар тайёрлаб қўйилган эди. Ҳасаннинг қалъа ичидаги бойликни тўла топширгиси келмайди чоғи, мурсога кўнмайди. Ниҳоят, кучли шиддат билан қалъа йигирма кунда эгалланади. У ер билан яксон қилинади, фақат битта минораси ёдгорлик сифатида сақлаб қолинади. Асир олинган оддий фуқаро озод қилинади, ҳарбийлар қолдирилмай қатл этилади. Бу воқеа 1 декабрь, душанба куни содир бўлади.

Амирзодалар Муҳаммад Султон ва Мироншоҳ ҳам Восит, Ҳилладан ўтиб, Басрага келдилар, бу шаҳарга Сарбадорлардан бирини ҳоким тайинладилар. Шатт ал-арабдан ўтиб, ниҳоят, Ҳарбия мавзеъида Соҳибқирон дийдорига етдилар. Шу билан

Бағдод султонлиги ва араб Ироқи ҳам тўла эгалланди. Соҳибқирон бу жойлар ихтиёрини қароқўйлик ва оққўйлик туркмонлар қўлига топширар экан, адолат ва инсоф билан ҳукм юритишларини қаттиқ тайинлади.

Диёрбакр (*ҳозир Туркиянинг жанубий-шарқида*) мазкур юришнинг энг узоқ нуқтаси (*апогейи*) бўлди. Шаҳардан айланиб, Қирқўк қалъаси, Ирбил мавзеи орқали Мосулга бордилар. Бу ерда Жиржис (*Идрис*) ва Юнус пайғамбарларнинг марқадлари бор эди, уларни зиёрат қилиб, ўн минг олтин танга садақа қилинди ва қабрлари устига гумбаз тиклаш буюрилди.

Шу ердан Форс мамлакати подшоси амирзода Умаршайх Мирзога бош ўрдуга, Соҳибқирон ҳузурига етиб келиши ҳақида чопар юборилди.

3 январда ҳазратни Мордин ҳокими шаҳар дарвозаларини очиб кутиб олди. Руҳа шаҳрида Бобил ҳукмдори золим Нимруд (*эрамиздан олдинги IV–III асрлар*) пайғамбар Иброҳим Халилуллоҳни оловга солган оташкадани кўрдилар. Шу ерда тўққиз кун туриб, хайр-худойи маросимлари ўтказилди, атроф-теварақдаги аҳвол билан танишилди. Ҳианкайр, Арзин, Ботмон, Жазира ҳокимлари Соҳибқирон ҳузурига келиб, мулозимат қилдилар.

Амирзода Умаршайхга етиб келиш ҳақида хабар борганда, у Сиржон қалъасининг забти билан машғул эди. У бир йил давомида Форс ўлкасида тинчлик-осойишталик ўрнатиш, ҳудудни ягона марказга бўйсундириш учун кўп ишлар қилди. Ҳозиргача ҳеч кимни тан олмай келаётган Истахр, Фадак, Шаҳриёр қалъаларини ўз ҳукмига олди. Умаршайх Сиржонда ўрнига одам қўйиб, ўзи Шерозга борди ва юқларини олиб, Курдистон орқали йўлга тушди. Афғусуски, бу сафар унинг учун охиргиси бўлиб қолди. Йўлда Хурматур деган қалъага яқинлашганларида бир қароқчи

пистирмадан амирзодага ўқ узди. Не бахтсизлики, шу билан амирзода шахид бўлди (**1394 йил, 16 январь**). Дастлаб отасининг қанотига кирган, Андижонда узоқ вақт ҳокимлик қилиб, шаҳар салоҳиятини юксалтирган, Жўчи улусига қарши курашларда мислсиз жасоратлар кўрсатган шерюрак шахзоданинг умри аламли тарзда поёнига етди. Бу салтанат учун оғир йўқотиш эди.

Бу хабарни Соҳибқиронга етказганларида, тарихчининг ёзишича, «йиғламай ва хуруж қилмай тик турди». Умаршайх бу пайтда қирқ ёшга тўлмаган эди. Ундан олти нафар ўғил қолди – Пирмуҳаммад 10 ёшда эди, у отасининг ўрнига тайинланади, Рустам (**у ҳам сафарда бирга эди**), Искандар (**ўшанда эмизикли бўлган**), Аҳмад, Сайди Аҳмад ва Бойқаро (**кейинги учаласининг уйланиш тўйини бобоси Конигилда ўтказган**).

Бойқаро наслидан кейинчалик бошқа бир шоҳ ва шоир – Султон Ҳусайн (**унинг отаси – Мансур Бойқаро ўғли**) дунёга келдики, уни бугунги авлод ҳам яхши билади. Маълумки, Султон Ҳусайн Мансур (**Бойқаро**) (**1438–1506 йиллар**) Мир Алишер Навоийнинг замондоши ва энг яқин дўсти бўлган, Ҳиротдаги оламшумул шуҳратли маданий муҳитнинг ҳомийси, ҳам подшо, ҳам шоир (**«Ҳусайний» тахаллуси билан шеърлар ёзган, девон тузган**) сифатида тарихда қолган.

Умаршайх Мирзони дастлаб Шерозда муваққат дафн этадилар, кейинчалик хоки Шаҳрисабзга, Жаҳонгир Мирзо қабри яқинига кўчирилади. Унга ҳам хонақо тикланади, ёнида Соҳибқирон яна бир иморат қурдирган ва вафот этса, ўзини шу ерда дафн этишларини айтган.

... Соҳибқироннинг ёши олтмишни қоралаб қолган эди. Бу йилларнинг ҳар бир лаҳзаси шунчалик

кўп кескинликларга тўла бўлганки, уларни бирдек кечириш, бирдек қабул қилиш учун кишидан уммондек қалб, тоғдек матонат, филдек куч талаб қилинарди. Ҳар ҳолда, вазиятнинг ўзи ҳазрат Соҳибқиронда ана шундай қудратни пайдо қилдими ёки мислсиз қудрат ўз забтига чексиз майдонни талаб этдими, нима бўлганда ҳам Соҳибқирон Темурбек ўз даврининг буюк воқеаси бўлиб ҳаракат қилаётган эди. Билъакс, бино бўлгандан бери ҳеч кимни тан олмаган асов қалъаларни бўйсундириш, кўрғошиндек қайнаб, бир зум осойишталик билмай, қирпичоқ бўлиб ётган улусларда тинчлик, эмну омонлик ўрнатиш, миллионлаб одамлар тақдирини бошқа ўзанга бошқариб юбориш юкини ҳамма ҳам кўтара олмас эди. Бир вақтлар камолот остонасида Темурбек «Ўзимни осмон ва ер ўртасида қолгандек ҳис қилдим», деганди шайхнинг елкасидаги қўлини эслаб. Кейинчалик унга ҳаёт чинакамига ер юзига осмондек салмоқ билан босиб келган жаҳолат, парокандалик, мазлумлик юки остида қолишни, бироқ чилпарчин бўлмай, бу юкни (*миссияни*) озод кўтариб туришни ирода этди. Ер билан осмон ўртасида бақувват тик устун бўлиш нақадар оғир эди, у одамни метинга айлантириб қўяр эди. Шунданми, Соҳибқирон фарзандининг ўлими ҳақидаги хабарни қилт этмай эшитди. У жуда мустаҳкам чийралган эди, энди ундан мислсиз муъжизалар кутиш мумкин эди.

... Гарчи Мордин шахрининг ҳокими тобелигини изҳор этса-да, бироқ дарвозаларни очмади. Бу ҳол ҳазратни ажаблантирди ва «Сўзингда турмасанг, ёмон бўлади», деб пўписа қилиб қўйди. Март ойининг бошида Дажладан қайтиб ўтди ва Жазирани мусаххар этиб, ўлжаларни қирқ кемада ўн кун Мосулга ташидилар. Аммо Мордин кучоғини очмасди. Наврўз арафасида уни тўрт тарафдан қуршовга олиб,



шундай қисдиларки, дарвозалари ўз-ўзидан очилиб кетди. Шу куни (*22 март*) чопар Султониядан (*олий ўрду шу пойтахт шаҳарда турарди*) хушхабар келтирди: амирзода Шохрух Мирзо хонадонида ўғил фарзанд туғилган эди. Соҳибқирон бағоят хурсанд бўлди, гўдакка падари бузрукворининг исмини нишон этди – Муҳаммад Тарағай, ҳам асир тушган Мордин аҳлининг гуноҳидан кечди. Чексиз шодлик ва эмну омонлик ҳадя этиб келган бу меҳмон пешонасига нурли кунлар ёзилгани аниқ эди. У кейинчалик Темурийлар осмонининг порлоқ юлдузи, буюк олим ва Мовароуннаҳр тахтини 40 йил бошқарган подшо бўлиб етишган Мирзо Улуғбек ҳазратлари эди.

Омид (*Ҳомид, Амид*) шаҳрида (*бир пайтлар унинг аҳли ҳамма нарсасидан мосуво бўлган Султон Жалолиддин нажот истаб келганда дарвозаларини очмаган, шундан кейин Маёфориқин томонларга кетиб қолганди*) бир қалъа бор эди, унинг қурилганига тўрт минг уч юз йил бўлган, лекин бегона бир киши қадам қўймаган эди. Соҳибқирон қўшини шунчалик кучга эга эдики, шу қалъани икки кунда эгаллайди, деворларини бузиб, қароқчиларга барҳам беради.

Тарихчи ёзадики, шу кунларда лашкар сафидаги Йатиқ сўфи одамлари билан қочмоқчи бўлади. Унга Соҳибқирон эътибор кўрсатиб, бир туманни берган, у Тикрит қалъасини забт этишда илғорлар сафида эди. Демак, сўфилар ҳар қанча ҳурмат кўрсатилмасин, барибир душманлик кайфиятидан воз кечмаган. Улар хуфиёна йўллар орқали Тўхтамиш билан алоқа қилиб турган, омадли соат келишини пойлаб юрган. Темурбек Йатиқни ўлимга буюрмайди, балки Муш шаҳридаги бир қалъага беркитади.

Ван кўли яқинидаги Олатоққа етгач, Соҳибқирон амирзода Мироншоҳ ва ишончли лашкарбошиларга

навкар бериб, теварак-атрофнинг тафтишига юборди. Амир хожи Сайфиддин бошлиқ қўшин Грузия жануби, месхетилар ўлкасига сафарбар қилинди.

Баҳор келиши билан Сароймулкхоним бошлиқ олий ўрду ҳам Султониядан чиқиб, Соҳибқирон дийдорини ихтиёр этди. Ҳазрат ўн бир ойдан бери фарзандларини кўрмаган эди. Июнь ойининг бошида оила аъзолари учрашдилар, Умаршайх Мирзони эслаб, таъзия изҳор қилишиб, ош-сув бердилар. Хоқон ҳокими, Ойдин қалъаси кутволи, Арзинжондан Тахуртан Соҳибқиронни очик юз билан кутиб олишди. Қаршилиқ қилган Аланчук, Авник (*икки ойга яқин жангдан сўнг*) қалъалари фатҳ этилди.

Мана, бир қалъни тасхир қилиш (*эгаллаш*) қандай кечади:

Қароқчилар ва йўлтўсарларнинг сардорларидан бири Қора Муҳаммад (*Шомийда «Аҳмад»*) ўз қавмида эътиборли шахслардан эди. У тоғлар ва дараларга бекиниб, карвонларга кўп ташвиш орттирар, уларни талар эди. Унинг ўғли Миср Авник қалъасига ҳоким эди ва Соҳибқиронга тобеъ бўлишни хоҳламас эди. Шарафиддин Али Яздийнинг рақам қилишича, Фурот дарёсидан ўтиб, шу томон юзланган Соҳибқирон 16 июнь куни Муҳаммад Султонни Авник томон юборган. Соҳибқирон Муҳаммад Султондан олдин қалъа яқинига келиб тушиб, унинг фатҳига киришган.

Нақора ва нафирларнинг овозидан, баҳодирларнинг ҳайкириғидан дарада зилзила кўчгандек бўлади. Қалъани тўрт томонидан ўраб олиб, тезда мудофаа деворлари ер билан тенг қилинади. Миср тоғлар орасига қочиб, қулай жойларга ўрнашиб олганча юқоридан зафарқарн қўшинга кўп талофат етказди. Унинг забтига жиддий киришадилар. Сиқувга дош беришига кўзи етмаган Миср ўғлини пешкашлар билан Соҳибқирон ҳузурига юборади ва ундан

омонлик сўрайди. «Менда қувват йўқдирки, сиз билан муқобила тургаймен. Ҳар не бўлса, бандалиққа боргайман. Фақат бизни тинч қўйсинлар» дейди. Соҳибқирон элчини сийлаб, унга олтин камар ва хосса тўнлар тақдим этади, қайтариб юборар экан, дейди:

– Отанг биздан қўрқмасин. Уни омон қўйгайбиз. Фақат қалъадан чиқиб, қуллуққа келсин.

Таслим бўлишни хоҳламаган Миср яна урушишга ружу беради. Эртаси Арзинжон ҳокими Тахуртан унга насихатли сўзлар айтади, қаршилик қилишдан наф йўқлигини ўқтириб, қалъани топширишни таклиф қилади. У «Шаккокликдан наф йўқдир. Бу Соҳибқирон ўзгача турур, агар омонлик тиларсен, келиб уни кўргин, шунда сени афв этгусидир. Соҳибқирон лафзида туради» дейди.

Қўшиннинг ҳаракатидан ваҳимага тушган Миср бу гал ўғлини Сатилмиш деган яқин кишиси билан яна узрхоҳликка юборади. Рақиб таслим бўлишни истамаётганини билган Соҳибқирон элчиларни тутиб туришни буюради. Муҳаммад Султон ҳам лашкари билан келиб қўшилади. Яна қаттиқроқ жидду жаҳд билан ҳужум бошланади. Шу пайт қалъа ичкарисидан пайконга боғланган бир хат келиб тушади. Унда Сатилмиш Мисрнинг азиз кишиси экани, унинг қонидан кечмаслиги, банд қилиб турсалар, таклифга кўниши ёзилганди.

Яна муроса йўлини истаган Соҳибқирон ўғилни озод қилиб, бўйнига кафолат хатини осганча отаси қошига қайтариб юборади. Миср ҳазратнинг одамларини сарполар билан сийлаб қайтарди ва кўнглига қўрқув тушиб, онасини гуноҳини тилашга юборди. Соҳибқироннинг маликалари Сароймулкхоним, Туман оқа ва бошқа олийнасаб аёллар онани яхши

сўзлар билан кутиб олиб, нафис хилъатлар нисор этиб, Соҳибқиронга дуч қилдилар. Ҳазрат яна ўз шартини такрорлаб, бу қалъа шутторлари кўп йиллардан бери карвонларга, тинч одамларга ташвиш орттириб келганлари, уни ўз ҳолига қўйиб бўлмаслигини маълум қилади.

Жони ширин кўринган Миср яна қалъадан чиқмайди. Шундан кейин жиддий ҳужумга киришилади. Атроф-жонибдан шох-шабба, тош-кесак тўплаб, уларни балчиқ ва лой билан мустаҳкамлаб, қалъа яқинида ундан ҳам баланд минора кўтарадилар. Устига манжаниқ, раъд, аррода, тирчарх, нафтандозларни чиқариб, ичкарига тош ва ёнаётган нафтларни ирғитадилар. Ер-осмон чанг-тўзон ва олов ичида қолади. Мисрнинг лашкари ваҳимага тушиб, девордан ўзини ташлаб қоча бошлайди. Яккаланиб қолганини сезган Миср бу гал онаси ва ўғлини қалъадан чиқариб, яна ҳамма бойликлари эвазига тегмасликларини сўрайди. Улар тупроққа юзини босиб йиғлаганча илтижолар қилиб, омонлик тилайдилар. Соҳибқирон:

– Биз қалъани куч билан олурбиз, фақат гуноҳсиз одамларнинг қони тўкилмасин, деб мураса йўлини тутаяпмиз. Агар Миср бунга кўнмаса, одамларнинг уволи унинг бўйнида қолур, – деб жавоб беради.

Мисрнинг онаси ҳайрон ва саргашта бўлиб, ўғли қошига борди ва эшитганларини унга етказди. Ёлғизланиб қолганини сезган ва ҳаракатлари зое эканини тушунган Миср охири қисмат ҳукмини кутиб, бўйнига кафан ва қилич осган ҳолда 1 август куни чиқиб келди ва Муҳаммад Султондан гуноҳини сўраб олишни илтижо қилди.. Уни тутдилар. Шаҳзода юкуниб, бобосидан Мисрни кечиришни сўради. Қайсар ҳокимни аввал Султонияга, сўнгра эса Самарқандга юбордилар.

6 августда Самарқанддан қайтган ҳожи Сайфиддин ҳудудларда тинчлик омонлик эканини, ҳазрат салтанатига қарши бош кўтарадиган бирор куч мавжуд эмаслигини маълум қилди. Бу хабарни ўзича таҳлил қилган Амир Темур пойтахтга янги ҳоким тайинлаш заруратини ҳис этади.

14 август куни Сароймулкхоним ҳазрат Соҳибқирондан суюнчи олди. Яратган Шоҳрух Мирзога иккинчи ўғил фарзандни ато этган эди. Мазкур шаҳзода – Иброҳим Султоннинг туғилиши шарафига Мингқўл (*ҳозир Туркиянинг Бингёл шаҳри*) даштида катта тўй ўтказдилар.

Орадан ўн йил ўтгач, бир йилда туғилган бу икки шаҳзода бобосининг Хитой юришида бирга бўлди. Қорли Ўтрор яқинида улар ҳазратнинг қошида эдилар. Ҳатто Соҳибқиронсиз унинг оқ ўтови тикилганда бугун дунёга келган нуридийда Иброҳим Султон бобосининг ўрнида ўтовга кириб ўтирган эди. Кейинчалик у хонадонга муносиб фарзанд бўлиб ўлғайди, вилоятларни бошқарди. Машҳур муаррих Шарафиддин Али Яздийга раҳнамолик қилиб, узоқ йиллар давомида маълумотларни тўплатиб, уларни текширтириб, буюк бобосининг зафарномасини ёздирди. Соҳибқироннинг ўзлари лутф этганларидек, «Китоблар қурилган иморатлардан ҳам узоқроқ яшайдилар». Айни пайтда Яздий яратган «Зафарнома» Соҳибқирон тарихини ўрганишда энг қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

17 сентябрь куни ҳазрат Соҳибқирон Оллоҳ икки ўғил билан сарафроз этган Шоҳрух Мирзони ҳузурига чақирди. Бағрига босиб, муборақбод айлади ва уни Самарқандга ҳоким қилиб юборажагини маълум этиб, шундай насиҳатлар айтди: «Ўзингдан ғофил бўлма, халқнинг аҳволидан хабар ол. Тоат-ибодатни

канда қилма. Мансабга тайинласанг, мўмин ва му-  
сулмон кишилардан қўй. Халққа зулм қилганларни  
тирик қўйма». Маликалар ҳам Султониягача Шоҳрух  
Мирзо билан бирга кетадиган бўлди.

Шоҳрух Амудан ўтиб, Кеш орқали Самарқандга  
етиб келди. Уни шод-хуррамлик билан кутиб олиш-  
ди. Тахтга ўтиргач, жарчилар қўйдириб, кимнинг  
арзи бўлса, келиб учрашишини маълум қилди. Ғайрат  
билан юрт азиматига киришди.

Зафарнишон қўшин йўлда давом этиб, шуттор-  
ларнинг таъзирини бериб, овлаб, гўзал манзараларда  
дам олиб, Грузия ҳудудларига кирди, Тифлис, Баз-  
тоз, Кўхистон қайта назардан ўтказилди. Кура дарёси  
соҳилларидаги қулай масканларда қишни тинч-омон  
ўтказиш тадориғи кўрилди..

\* \* \*

Шу кунларда Тўхтамишнинг одамлари Дарбанд-  
дан ўтиб, Ширвонга яқин ерларни талагани ҳақида  
хабар келди. Соҳибқирон вазиятни тез баҳолади, Кўра  
дарёси бўйидаги Маҳмудобод, Фахробод мавзеъла-  
рида қишлоқ (*кўч*) ташлаш, олий ўрдуни Султония-  
дан кўчириб келтириш ҳақида амр қилди. Мироншоҳ  
ҳам Аланчукдан келиб, ўғруққа қўшилди. Ҳазрат  
жиддий бир юмушга орқа-олдини йиғиштириб тай-  
ёрланаётган эди. Қишни шу тақлид сергаклик билан  
ўтказишди. Бу катта сафарнинг тўртинчи қиши эди.

Хуфия хизмат 1391 йилги зарбадан ўзини тез  
ўнглаб олган Тўхтамишхон яна ҳал қилувчи жанг-  
га тайёргарлик кўраётганидан хабар берарди. У шу  
мақсадда ўзига иттифоқчилар излай бошлаган. 1394  
йил 26 мартда унинг элчилари Дамашққа, Султон  
Барқуқ аз-Зоҳир ҳузурига келадилар, албатта, бундан  
мақсад аниқ эди. Худди шундай таклиф билан Рум  
султони Боязид ва Сивос ҳокими Бурҳониддин Аҳмад

элчилари ҳам келади. Шундан сўнг иттифоқчилар Шом (*Сурия*)да катта қўшин тўплашга киришишади.

Ҳазрат Соҳибқирон катта ҳарбий стратег сифатида кутилаётган хавфни аниқ ҳис қилади ва ўзига қарши бирлашаётган рақибларининг қўшилишига имкон бермаслик, улар билан якка-якка ҳисоб-китоб қилиш йўлларини излайди.

Шу қиш ичида Соҳибқирон саройдаги уста дипломат(*тўра*)лардан Шамсиддин Алмолиғийни Тўхтамиш ҳузурига хат билан юборади. Хатда сулҳ таклиф қилинган, муросада яшаш шартлари баён этилган, аксинча бўлса, кескин чоралар кўрилиши дарж қилинган эди. Манбаларда кўрсатилишича, Тўхтамиш элчини яхши кутиб олган, Соҳибқироннинг таклифига кўнган, бироқ атрофидаги жоҳил беклари қарши бўлганлар. Оқибатда, элчига рад жавоби берилган. Бу хабар Соҳибқиронни муросасиз бўлишга ундагани шубҳасиз. Ҳазрат Сароймулкхоним ва Туман оқани шахзодалар билан Самарқандга жўнатади, Чўлпонмулк оқа ва баъзи канизаклар Султонияга бориб турадиган бўладилар.

Соҳибқирон Тўхтамиш билан муроса қилиб бўлмаслигини, унинг қўл остидаги нўёнлар Чингизхон замонини қумсаётганини тушуниб етади ва у билан орани бутунлай очиқ қилишга аҳд этади. Бундан тўрт йил олдинги зарбани мўғуллар унутиб улгурган ва, эҳтимол, улар ўзларига ортиқча баҳо бериб, Соҳибқирон Темурбекни писанд қилмаётган, улар дунёда (*ҳудудда*) янги бир куч пайдо бўлганини тан олишни хоҳлашмаётган эди.

Соҳибқирон жиддий ҳал қилувчи юриш олдидан, одатдагидек қўшинни кўриқдан ўтказмоқчи бўлди. Унинг лашкари 400 000 кишидан иборат бўлиб, Эльбурс тоғи этакларидан Каспий денгизигача чўзилган ерларда ёйилиб ётар эди. Бундай катта қўшин Чин-

гизхон замонидан буён бўлмаганди. Қўшин фақат сон жиҳатдан эмас, сифатига кўра ҳам, ҳатто бундан 3 йил олдинги лашкардан фарқ қиларди. У тажриба, интизом, жасорат борасида тенгсиз эди. Ҳарбий юришларнинг пири ҳисобланган Соҳибқирон Темурбек қўшинни ҳар доим юксак тайёргарлик ва етарлича таъминотда сақлашда бетакрор бўлган. Унинг қўшинида дунёдаги жами лашкарларнинг энг яхши ютуқлари мужассамлашган эди. Қўшин бўлинмаларининг тактик вазифасига қараб турли ранглардаги кийимлар, қўмондонларнинг даражасини фарқлаш учун ўтоға (**какарда**) сингари атрибутларгача жорий қилинганди.

Соҳибқирон қўшиннинг яроғини кўздан кечирар экан, бўлинмалар олдида отдан тушар, навкарларнинг тайёргарлигини кўздан кечирар, уларни илҳомлантирадиган сўзлар айтар эди.

Тадорик поёнига етгач, 1395 йил 28 февраль, якшанба куни қўшин йўлга чиқди. Ҳозирги Доғистон ҳудудларидан ўтиб, Гудермесдаги Сунта дарёси ёқалаб, Терек, ундан Куранинг юқори ҳавзасига етиб борилди. Ниҳоят, ҳозирги Ставрополь ўлкаси даштларида икки тараф бир-бирига муқобала бўлди.

14 апрелда хандақлар қазиб, позицион жангларга ҳозирлик кўрилди. Тўхтамиш бунчалик катта куч олдида довдираб қолди, очиқ урушдан қочиб, кичик-кичик маневрлар қилиб турди. Соҳибқирон асосий кучларни амирзода Муҳаммад Султон ихтиёрига берди ва очиқ тўқнашувга чиқилди. Соҳибқирон яна қўшинни етти фавжга бўлиб ҳужумга ўтди. Жангда ҳазратнинг ўзи ҳам майдонга тушди. Наққора, нафир, кавс, кўрагаларнинг овози оламни тутди, минглаб навкарлар «Урҳо!» деганча майдонга от қўйдилар. Еру осмон бу шиддатдан титроққа келди. Йигирма етти қўшин муҳолифларга қарши аёвсиз ку-



рашар эди. Бирданига душман Соҳибқирон гуруҳига қақшатқич ҳужум ташкил қилди. Шунда жасур бе-  
клардан Шайх Нуриддин Ёлимни ҳам писанд қилмай,  
отдан тушиб, ёв билан юзма-юз муқоталага киришди.  
Унинг бу диловарлиги бошқаларни ҳам руҳлантирди,  
ҳамма жонини жабборга бериб олишди. Оллоҳдод,  
Худойдоди Хусайний, Сайфиддинбек, Жаҳоншоҳ улуғ  
баҳодирликлар кўрсатдилар.

Шу жангда яқинда вафот этган Умаршайх Мирзо-  
нинг 14 ёшли ўғли амирзода Рустам катта жаҳду жа-  
дал билан ҳаракат қилганини тарихчи алоҳида таъ-  
кидлайди. Айни шунақа пайтда шахзодаларнинг ба-  
ланд ғурурини, ҳар қадамда отасининг ўғли эканини  
тасдиқлашга интилганини сезиш мумкин.

Тўхтамиш чекинади, қўшинини ва аъёнларини  
паришон ҳолда ташлаб, Кама дарёси ҳавзасидаги  
Булғор ўрмонлари ичига қочиб, яширинади.

Тўхтамиш шу кетишида жонини қутқариш учун  
Кримга ҳужум қилади, озуқа ва маблағ илинжида  
Генуяни босади, Литва князи Витавт билан иттифоқ  
бўлиб, кичик муваффақиятларга эришади, лекин  
у қайтиб Олтин Ўрда тахтини эгаллай олмайди.  
Соҳибқирон назоратида бўлган Ўрда унга қақшатқич  
зарбалар беради. Майда-майда тўдалар билан  
қароқчилардек кун кўриб юрган Тўхтамишни 1406  
йилда Дашти Қипчоқ хони Шодибек ўлдиради. Катта  
қувват ва кучли салоҳиятга эга лашкарбоши худбин-  
лиги туфайли бирор мақсадга эриша олмай, дунёни  
тарк этади.

Соҳибқирон Ўрусхоннинг ўғли Қўйричакни Жета  
улусига етакчи этиб тайинлайди ва ўзи Тўхтамишни  
таъқиб қилишда давом этади.

Зафарнишон қўшин Русь ва ҳозирги Украина  
(Ўрустуқ) ерларини фатҳ этди, Москвага яқинлаш-

гач, Соҳибқирон у ерга Муҳаммад Султонни юборди. Амирзода ғолибона юришини давом эттириб, жуда катта ўлжа ва асирлар билан қайтди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг айнан шу нуқтаси ҳозиргача турли хилда изоҳланган. Собиқ шўро, айниқса, рус тарихчилари Темур Москвагача бормаган, Рязань вилоятидан, Ёйиқ дарёси бўйидан қайтган, деган даъвони илгари суриб келдилар. Ҳатто улар Темур Русь князи Василий Дмитриевичдан чўчиган, деган кулгили далилларни рўқач қилишди. **(Ҳолбуки, бу князь Тўхтамининг вассали бўлиб, унга бож тўлаб турган)**. Албатта, Москвага бориш ёки бормаслик масалани ҳал қилмайди, гап тарихий далилларни хаспўшлаб, «Москва енгилмасдир», бунинг устига олис Осиёдан келган лашкар қаршисида тиз чўкмаган, қабилидаги шовинистик қарашларга зўр бериб келингани ҳақида кетаяпти. Аслида нима бўлганини эса ўша замон тарихчилари Шарафиддин Али Яздий ҳам, Низомиддин Шомий ҳам кўрга ҳасса тутқизгандек аниқ ёзиб қўйишибди. «Соҳибқирон Маскавга сориким, Руснунг шаҳарларидин эрди, таважуж қилди. Анда етконда нусратшиъор черики ул вилоятни **(шаҳар ва атрофини)** чоптилар ва андағи ҳокимларни тобеъ қилди. Ва черикнинг эликларига сонсиз мол тушди: олтину кумиш ва қумошу кабиш ва ҳатану қоқам ва каттону қаро самур ва қиличлар, йахши отлар тушти» **(Яздий)**. Матннинг давомидан маълум бўладики, Муҳаммад Султон ва Мироншоҳ Мирзо бошлиқ алоҳида гуруҳлар ҳам атроф ҳудудларни назардан ўтказиб, Болчимкин, Азов шаҳарларигача борганлар.

Яна бир мулоҳаза: унақада Темур нега изига қайтди, Русни босиб олмади, деган сўроққа эса ҳамма ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, турлича жавоб беради. Биз ҳам муқобил фикрларнинг айримлари-

га шахсий мулоҳаза сифатида тўхтаб ўтишга қарор қилдик.

Москвада 1981 йилда «XIV–XV аср ўрталари қадимги Русь адабий ёдгорликлари» деган тўплам эълон қилинган. Унда «Оқсоқ Темур ҳақида қисса» деб номланган халқ китоби ҳам киритилган. Қисса айнан ҳазрат Соҳибқирон қўшинининг Тўхтамишни қочириб, Русь ерларига етиб бориши хусусида. Унда душман сифатида Темурга беҳисоб қора чапланади ва ана шу «ёмондан-ёмон» одам дунё мамлакатларини кетма-кет бўйсундириб, ниҳоят, шавкатли Русь ерларига яқинлашгани жазава билан ҳикоя қилинади: «1395 йилда, Тўхтамиш ҳукмронлигининг ўн бешинчи йили, улуғ князь Василий Дмитриевич князлиги (*айнан шундай, ҳукмронлиги ёки подшолиги эмас*)нинг еттинчи йили Москвани эгаллаш учун Ўрдадан даҳшатли қуюн кўтарилди». Ҳикоя қилинадикки, бу хабарни эшитгач, улуғ князь қаттиқ қўрқиб қолади ва бутун Русь ва Киев митрополити, архиепископ Киприандан ҳаммани оёққа турғазиб, ибодат қилдиришни сўрайди. Москвани офатдан сақлаш учун Владимир шахридаги муқаддас ибодатхонада сақланаётган Биби Марям иконасини келтирадилар. Бутун мамлакатдаги черковларда 15 августдан бошлаб монахлар, князлар, боярлар, бойлар, камбағаллар, ёшлар, кексалар – ҳамма-ҳамма тинимсиз ибодат қилиб, Москвани ўз паноҳида сақлашни сўрайди. Ниҳоят, 26 август куни Темур қўшинларининг ортга қайтгани хабари тарқалади. Ўруслар яйраб, байрам қилади ва ҳар йили шу сана Андреан ва Натальянинг илтижолари қабул бўлган кун сифатида нишонланади. Мазкур халқ қиссасида қанчадир тарихий ҳақиқат бордир, бироқ ўша улуғ князнинг аёл кийимини кийиб, хотинлар монастырида яширингани аниқ далил. Талқин қилинмоқдаки, Соҳибқирон

Москва остонасидан қайтиши халқнинг Худого ялиниб, адо этган ибодати туфайли бўлди.


Буборада яна бир ривоятнамо гап бор: Соҳибқирон Русда турганида бу жойнинг халқи билан қизиққан эмиш ва унинг ҳузурига бир рус мужигини келтирибдилар. У дарахт новдасидан тўқилган чориқда, юпун кийинган, соч-соқолига тиг тегмаган ночор бир алпозда экан. Соҳибқирон уни кўриб, бу юртни фатҳ этишда мантиқ йўқлигини тушунади ва отини ортга буради. Фақат унинг ғолиб «Урҳо!»си садолари ҳамон ўша минтақаларда жаранглаб турибди: «Ура!»

Тарихий йилномалар эса яна бошқа далиллардан сўзлайди.Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида қайд этилишича, Тўхтамиш енгилгач, Соҳибқирон ўз тасарруфидаги худудлар тақдирини мулоҳаза қилиб кўради. Асосий куч Дашти Қипчоққа келтирилган, бундан фойдаланган ёғийлар бош кўтариши мумкин эди. Шунини ҳисобга олиб, Пирмуҳаммад Умаршайхни олти минг киши билан Шерозга жўнатади. Амир Шамсиддин Аббосни уч минг киши билан Самарқандга юборади. Хавотир беҳуда эмаслигини хабарлар ҳам тасдиқлайди. Арманистонни эгаллаб турган Қора Юсуф бош кўтариб, Олатоққа келган, бу жойларни эгаллаб, Доғистон томон бормоқчи бўлиб турган экан.

Пирмуҳаммад Табризга келиб, қўшинни тартибга солди ва Қора Юсуфнинг изига тушди. Уни Қуйсу, Қорадарадан қочириб, Авниккача қувиб боради, бироқ Юсуф тутқич бермай қочиб қолади...

Аҳвол гувоҳлик берадики, Кавказда, умуман, мамлакат ичкарисидан нотинчлик бошланган.

Хуллас, зафарнишон қўшин Москвадан бу ёғи ҳозирги Венгрия худудларигача назардан ўтказиб, яна Шарққа қайтади. Волганинг қуйи оқимидаги Болчимкин, Дон бўйларидаги Азов шаҳарларидан



Беш йиллик юриш (1392–1396 йиллар)



Ўтиб, черкаслар юртига келди. Элбурс тоғи этаклари-га қайтиб, осетинлар ҳокими Бўриберди ва Барақан билан муносабатни аниқлаштириб, хушманзара бир жойга қўндилар. Шу ерда бир мунча тўхталиб, лаш-карга дам берилди, қўшин тартибга келтирилди.

Ҳожи Сайфиддин тўй тараддудига киришди. Шимолга уюштирилган юришда эришилган зафар муносиб нишонланди.

Кейинги йўл Элбурс тоғи дараларида барпо этил-ган ва йўловчиларга етарлича хавф солиб турадиган Кула, Товус, Булод қалъаларини тасхир этиш билан давом этиб, Йалғон, Абаса, Сим-сим, Бўғозқум мав-зеълари орқали ўтди.

Тўхтамишнинг асосий иқтисодий таянчлари-дан ҳисобланган Астрахан (*Ҳожи Тархон*)га қаттиқ совуқ ва муттасил қор билан етиб келинди. Шаҳар эгалланди, у зарарсизлантирилди. Энди навбат Тўхтамишнинг пойтахти Сарой Беркага етди, унга бир вақтлар Соҳибқирон Эронда бўлганда мўғуллар бостириб бориб ўт қўйган Занжирсаройнинг куни-ни солдилар. Шаҳар эгалланди, ўтган 1391 йилги муҳорабада бу шаҳарга дахл қилишмаган эди. Бу са-фар эса аяб ўтирилмади. Шу билан Олтин Ўрданинг ҳам, унинг пойтахтининг ҳам, Тўхтамишнинг ҳам қуёши ботди. Тезда империя парчаланиб, майда дав-латлар ажралиб чиқа бошлади.

Қўлга тушган ўлжалар черикка тақсимланди. Яёв юрганларга ҳам от тегди. «Барча Соҳибқирон давла-тидан от минди», деб ёзади тарихчи.

Дашти Қипчоқдаги Жўчи улусининг ўнг ва сўл қўлига навкарлар жўнатилди. Улар Соҳибқирон тар-тибларини жорий қилдилар. Ҳазратнинг талаби эса ислом динини қабул қилиш эди. Ким бунга рози бўлса, ҳадялар олди, юқори мансабларга қўйилди. Бошқирд,

мадьяр, қрим ва бошқа кўплаб миллат вакиллари му- сулмон бўдилар. Кофирлар эса рақиб саналарди.

Шундай қилиб, Чингизхон салтанати, ундан сўнг Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Жўчи улуси номлари би- лан юритилган ҳукмронликнинг сўнгги меросхўри ҳисобланмиш Тўхтамишхон устидан тўла ва узил- кесил ғалабага эришилди. Шунинг билан икки юз йилдан кўпроқ давом этган мўғул истибдодига чек қўйилди, мазкур империя парчаланиб кетди. Бу чи- накамига оламшумул воқеа эди.

Албатта, дунё тарихининг бу айёмлари турли да- ража ва нуқтаи назарлардан етарлича шарҳланган. Фикрларнинг пирамидаси эса бир ҳақиқат тасдиғига хизмат қилади: Темурбекнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси дунё тақдирини остин-устун қилиб таш- лади, ҳатто тараққиёт шайинини Шарқдан Ғарбга оғдириб юборди.

1396 йил март ойида Наргис, Мика, Болу, Дарак- лу қалъалари тасарруфга олиниб (*уларнинг баъ- зилари ихтиёрий қўшилдилар, баъзилари эгал- ланди*), Дарбанд орқали Бокуга келиб тушдилар. Соҳибқирон шу ерда бир қалъа қурдирди. Ширванот ҳокими шайх Иброҳим ҳазрат билан сафарда бирга эди, уни юртга тайинлаб, Дарбандни яхши сақлаш, хабардор бўлиб туриш топширилди. Бу юртларни – Бокудан Багдодгача, Ҳамадондан Румгача амирзода Мироншоҳга берди.

Соҳибқирон шимол юриши билан банд бўлганда баъзи нохушликлар рўй берганди. Ҳазрат ўз йўлида уларга чек қўйиб келаверди.

Сиржон қалъаси уч йилдирки, таслим бўлмасди. У фатҳ этилди. Маълум бўладики, қалъа аҳли тамом қирилиб кетган, 6 нафар киши қолса-да, дарвоза- ларни очмай ўтираверган.



Язд қалъасида Музаффарийлар ва хуросонликлар бирлашиб исён қилганлар.

Незаванд шахрининг ҳоқими Мазид барлосни (у *Соҳибқироннинг яқин кишиси эди*) ўз навқари Баҳлул ўлдириб, шаҳарни эгаллаб олганди. Қалъа ва шаҳардаги вазият жойига келтирилди, гуноҳкорлар қаттиқ жазоланди.

Ўша йил рамазон ойини Соҳибқирон Ҳамадонда ўтказди. Рўза намозларини адо этиб, ифторликлар қилиб, ҳадялар улашди. Бева-бечораларнинг кўнглини олди.

Муборак ой охирлагач, Соҳибқирон беш йиллик улуғ сафарни якунлаш, Самарқандга қайтиш фикрига келди. Бундан олдин яна бир марта худудлар аҳволини назардан ўтказди. Ҳукмрон фарзандларини қувватлантирди. Мирзо Рустам Умаршайх ва Жаҳоншоҳбекни Шерозга, амирзода Муҳаммад Султон ёнига юборди. Самарқанддан амирзода Абубакрни чақиртириб, Озарбайжонга – отаси Мироншоҳ ҳузурига жўнатди.

Ниҳоят, карвон 18 июлда Ҳамадон вилоятидан Самарқандга қараб йўлга тушди. Жайхундан ўтиб, Ғузорга етганларида пойтахтдан Сароймулкхоним, Султонбахтбегим ва бошқа маликалар пешвоз келдилар, узоқ айрилиқдан кейинги дийдорлашув жуда ҳам ҳароратли бўлди.

Кеш вилоятига келиб, Шаҳрисабзга тушдилар. Соҳибқирон дастлаб пири, отаси, марҳум ўғиллари, қизи қабрларини тавоф қилди, ҳофизлар, уламою фузалоларга марҳаматлар кўрсатди. Сўнгра ҳамма Оқсаройга борди, бу ерда тўй уюштириб, хурсандчиликлар қилдилар.

Самарқанд ва самарқандликлар Соҳибқиронни энг яхши бисотлари билан кутиб олди. Шаҳар аҳли янги либосларини кийиб кўчаларга чиқди, ҳамма

жойда хонандаю созандалар турли созларни чалиб, турфа нагмаларни кўрсатдилар.

Катта зафар билан юртга қайтган ҳазрат Соҳибқирон авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиб, обод этиш учун маблағлар ажратди. Фуқаро ва мискинларга кўп садақалар улашди. Амалдорларни қаттиқ тафтиш қилди. Кўпларини жазолаб, молу мулкани раиятга тарқатиб берди. Вилоятларга одам юбориб, фақир, мискин, дарвеш, ногиронларни аниқлаб, ҳар бирига йиллик озуқа, етарли кийим-бош (*кунлик либос, кавш, этик, фўта, дастор, қишлиқ ва ёзлик тўн*) билан таъминлашни амр этди. Шундан кейин мамлакат бўйлаб хурсандчилик қилишга рухсат берилди.

Ўша дамлар ҳазрат Соҳибқирон Темурбек юлдузининг энг нурафшон порлаган онларидан бири эди. Шундай кунларда яна бир хушхабар келди. Яратган Муҳаммад Султонга ўғил ато этди. Бу Соҳибқироннинг биринчи эвараси эди. Исмини бобосининг шарафига Муҳаммад Жаҳонгир қўйдилар.

Дунёнинг қайбир ерларида бўлганда ҳам Соҳибқирон пойтахтини гўзалдан-гўзал бўлишини ўйларди. Шунинг учун Ироқ, Форс, Бағдод, Шероздан энг моҳир усталарни, нодир касб эгаларини Самарқандга юборарди. Энди уларнинг санъати ва маҳорати намоён бўладиган бинолар, боғлар қуришга киришди. Шулардан бири – шаҳарнинг шимол қисмида бунёд этилажак боққа 1397 йил март ойида киришилди. Боғ тарҳини энг моҳир усталар чиздилар. Қурилишни Соҳибқироннинг ўзи кузатиб турди. Усталар тўрт гуруҳга бўлиниб жадал ишладилар. Унда жуда гўзал иморатлар барпо этдиларки, устунлари, сахни Табриздан келтирилган мрамрдан эди, шифтига олтин, ложувард билан нақшлар бердилар. Шу боғда Мироншоҳнинг қизи, Соҳибқироннинг

суюкли набираси Бегисултон (*Бекасултонбегим*) учун тенгсиз кўшк ҳам қурилди. Боғ битгач, бу ерда олий даражадаги машваратлар ўтказиладиган бўлди. Жумладан, май ойида амирзода Шохрух Мирзога Хуросон вилояти берилгани хабарини ҳам Соҳибқирон Боғишамолда маълум қилди.

Хуросон (*Хирот, Сеистон, Мозондарон, Рай ўлкалари – Ферузкўҳгача*) салтанатнинг марказий, юқори ривожланган худуди эди, шу жойларни Шохрухга ато этиб, Темурбек бу сеvimли ўғлига яна бир бора ўз ишончини намойиш қилди. Шохрух Мирзога энг садоқатли беклар ёки уларнинг ўғилларидан йигирма нафарга яқинини кўшиб жўнатди. Ҳазрат Соҳибқироннинг узоқни кўра олишини шундан ҳам билса бўладики, Шохрух боргач, ҳақиқатан ўлкада тинч-омонлик, фаровонлик бошланди, Хирот мамлакатда иккинчи маданий марказга айланди. Яна тан берадиган бир жиҳати – Шохрух Мирзо шу кетишда қимирламай Хуросон тахтини эллик йил бошқарди. Ўзининг хайрли ишлари билан Темурийлар тарихида ўчмас, нузли из қолдирди.

Сентябрь ойида Шохрух оиласида янги ўғил дунёга келади, Соҳибқирон унга Бойсунғур деб исм қўяди.

Соҳибқирон бу йил рамазон ойини Шаҳрисабзда ўтказишга аҳд қилди. Бу ерга Форсдан Муҳаммад Султонни чақиртирди, у ҳақида хавотирли хабарлар эшитилган эди. Шаҳзода эсон-омон Кешга етиб келди. Маълум бўлдики, сафарда юрганда мулозимларидан бири пичоқ ўқталган, ундан енгил ярадор бўлган экан. Соҳибқирон арзанда набирасини эсон-омон кўрганидан хурсанд бўлди. Табриздан Хонзодахоним ҳам келди ва ўғли билан кўришди.

Ҳазратнинг кайфияти аъло даражада, фарзандлар камоли, эл-юрт эмну омонлигию фаровонли-

ги унга куч-қувват берарди. Яна ҳаёт завқини, тирлик лаззатини тўлароқ суришга аҳд қилди ва Мўғулистонга, Хизрхўжага қизини сўратиб, совчи юборди. Кониғилда яна бир боғ барпо қилишга амр этди. Боғ тўртбурчак шаклида ҳар бир тарафи 1500 қарн (*750 метр*) қилиб лойиҳаланди. Унга ҳам хассилик қилмай жуда мўл зеб бердилар. Уч қаватли кўшклар қурдилар. Боғидилкушо деб аталди ва уни Соҳибқирон Хизрхўжанинг қизини кутиб олишга ҳозирлади.

Кузда Тошкентга йўл олиб, Шоҳрухия шаҳридаги ишларнинг боришини кузатди, азиз-авлиёларнинг мазорларини обод қилишни буюрди. Яссига ташриф буюриб, Хожа Аҳмад Яссавий қабрига мақбара қуришни тайинлади. Маълумки, Тошкент яқинида Зангиота зиёратгоҳи мавжуд. У ерда Хожа Аҳмад авлодларидан Ойхўжа Тошхўжа ўғли – Зангиота дафн этилган. Ривоят қилишларича, Амир Темур шу ерда мақбара тиклашни айтган, бироқ пойдевор қулаб кетаверган. Бунинг сабабини сўрашганда, Зангиота Аҳмад Яссавий авлодларидан, Яссавий қабри эса қаровсиз ётибди, балки ишни ўша ёқдан бошлаш керакдир, деб айтишган экан (*бундай ривоят бошқача талқинда ҳам учрайди*).

Яссида катталиги ва маҳобати жиҳатидан бетимсол иморатга кўл урилди, бугунги тасаввурлар билан баҳолайдиган бўлсак, баландлиги – 41 метр, ичи – 39 метр, гумбази – 18 метр ҳажмдаги улкан кошона ҳамон одамларни ҳайратга солиб турибди. Мақбара ичида қирқ қулоқ қозон бор. У дунёдаги энг катта қозон сифатида Гиннес китобига кирган. Мақбара мусамман шаклида бўлиб, 35 хонаси бор. Кираверишда ойна ичида Соҳибқирон томонидан тасдиқланган вақфнома турибди. Унда зиёратгоҳга берилган ерлар, тайинланган хизматкорлар, уларга тўланадиган

ҳақ, даромадларнинг дахлсиз эканлиги Соҳибқирон томонидан қатъий белгиланиб, кўрсатиб қўйилган. Мақбара ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам бетимсол иморат бўлган. Жаҳонгир Темур сўфий шоир Аҳмад Яссавийни маънавий пирларидан, деб билган, унинг таълимотини хурмат қилган, қадрлаган. Балки шу орқали дунё ишларидан қизиган қиличининг дамини шоирнинг сўфиёна ғоялари билан совутиб олгандир.

...Мўғулистон томондан келиннинг келаётгани хабари эшитилди. Олий ўрду ўн беш кунлик йўлга пешвоз чиқиб, қудаларни кутиб олди. Қаердан ўтсалар, тўй бериб, совғалар улашиб, 22 ноябрда Самарқандга етиб келишди. Соҳибқирон Хизрхўжа қизи Тўкалхонимни никоҳига олди. Пойтахтда жуда катта тўй бўлди, унда Хитойдан келган элчилар ҳам қатнашди. Тўкалхоним Чингизхон наслидан бўлгани учун «Кичик малика» (*Бибихоним – «Катта малика»*) саналди. Умуман, Соҳибқирон никоҳида ўндан зиёд аёл бўлган (*бу жиҳатдан бобокалонимизни анча камтар ҳисоблашимиз мумкин. Чингизхон ҳарамиди 500 чоғли аёл бўлган*), бу масалада ҳазрат шарият талабларига қатъий амал қилган, шаръий никоҳдаги аёлларини тўрт нафардан оширмаган (*қолганлари канизак мақомида бўлган*). Тўкалхоним Боғидилкушога кўчиб ўтди ва шу йил қишни боғда кечирдилар.

Соҳибқирон қиш ичида Муҳаммад Султонни Мўғулистон сарҳадларига юборди, чегарада Ашпара ҳарбий қалъасини қуришни тайинлади. Бу жуда узоқни кўзлаб қилинган стратегик режа эди.

## ҲИНДИСТОН ФАТҲИ

Ҳазрат Соҳибқирон юришлари, умуман, фаолиятини мулоҳаза қилганда, икки нуқтага диққатни қаратиш кўп нарсани ойдинлаштиради. Аввало, шахсий ташаббуси ва вазият тақозоси билан ҳазратнинг зиммасига тушиб турган юк, унга ато этилган миссиянинг кўламини тасаввур қилиш керак бўлади. Соҳибқирон, бинобарин, оддий косибчилик ҳунари ёки кичкина ҳудуд ҳокимлигига эмас, миллионлаб одамлар тақдирида ўзгаришлар ясаб юборадиган улкан юмушга қўл урди, бу борада неча ўн йилларки, ўз сўзини айтиб келаяпти. Шу кўлам, миқёс масшабда муҳит шаклланди, энди уни тарк этиш мумкин бўлмай қолди. Киши қанчалик теран оқимга тушса, маҳв бўлмаслик учун шунча миқёсдаги куч билан қирғоққа интилади.

Иккинчи омил эса ҳазратнинг дунёқараши билан боғлиқ. У дастлаб парчаланган Мовароуннаҳр давлатини тиклаш ғояси билан майдонга чиқди. Кейин ўзаро низоларга чек қўйиш, эл-улусга тинчлик, оёйишталик ҳадя этишга киришди. Ҳазратнинг қалб тўрида бир даъват бор эдики, уни энг юксак эътиқод даражасида тутарди, ўзи унга сажда қиларди, юкунарди, қийин ҳолларда унга суянарди. Ўз эътиқодининг поклигига, юксаклигига, унга сиғинганларни, албатта, мақсадига етиштиришига шахсий ҳаёти мисолида ишонарди. Соҳибқирон бу эътиқодни қалбга жойлаб, тилда сўзлаб, амалда кўрсатишни бурчи деб биларди. Бу – Оллоҳнинг сўнгги пайғамбари – Муҳаммад (с.а.в.) динига садоқат эди. Ҳазрат Соҳибқирон зиммасидаги кўплаб юмушларнинг аввалида ўзини ислом динининг ҳимоячиси, унинг саккизинчи муҳофизи деб биларди.

«Темур тузуклари»да шундай ёзилган: «Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касунокастап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди».

«Қуръони карим»да нозил қилинишича, «Эй, имон келтирганлар, агар Сизлар Оллоҳга ёрдам берсангизлар (*динининг ривожини учун ҳаракат қилсангизлар*), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва қадамларингизни собит (*барқарор*) қилур». (*Муҳаммад сураси, 7-оят. «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», Т., 2001 йил, 507-бет*).

Ана шу мулоҳазалардан хулоса қиладиган бўлсак, Ҳиндистонга юришни ҳам вазиятнинг ўзи тақозо қилаётган эди. Ҳолбуки, Соҳибқирон бу пайтда бошқа бир улуғ сафар тадоригини кўраётганди.

Ҳиндистоннинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларини **Маҳмуд Ғазнавий (998–1030 йиллар)** давридан туркий халқлардан бўлган мусулмон сулолалари бошқарган. Пойтахт дастлаб Лоҳурда бўлган, 1206 йилда **Қутбиддин Ойбек** уни Деҳлига кўчирган ва бу давлат Деҳли султонлиги номини олган. Кейинги пайтларда султонликни Ферузшоҳ 37 йил бошқариб, 1388 йил вафот этгандан кейин тахтга унинг набираси **Султон Маҳмудшоҳ** чиқади. Бу пайтда олдинроқ бошланган парчаланиш авж олади, дастлаб Дакан вилояти ажралиб чиқади. У Баҳман (**1347 йил**), Бенгалия (**1359 йил**), Жампур (**1394 йил**), Гужарат (**1396 йил**) вилоятларига бўлиниб кетади. Бундай бўлиниш мусулмонлар таъсирининг сусайишига, ҳинд рожалари ва коҳинларининг кучайишига олиб

келади. Оқибатда, масжидлар бузилиб, оташкадалар, церковлар қурилади.

Соҳибқирон давлатининг Ҳиндистон чегарасидаги Кундуз, Бағлон, Кобул, Ғазни, Қандаҳор ўлкаларида Пирмуҳаммад Жаҳонгир ҳукмронлик қилар, муттасил бебош афғон қабилалари, йўлтўсарлар, чегара бузувчилар билан кураш олиб борарди.

Қўшниларда бошланган тарқоқликдан фойдаланиб, Пирмуҳаммад Синд дарёсидан ўтди ва Уч (*Уча*) шаҳрини эгаллади. Ундан Мўлтонга ўтдилар. Мўлтон мавқеи жиҳатидан анча юқори шаҳар бўлиб, мудофаси ҳам кучли эди, Пирмуҳаммаднинг ҳужуми хийла чўзилиб кетади. Тажрибали лашкарбошилар ҳозирги қувват билан Мўлтонни эгаллаб бўлмаслигини тушуниб, аҳволни Соҳибқиронга етказадилар. Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Ҳиндистонга муҳораба қилиш ҳазратнинг режасида бўлмаган, аксинча, у Хитой устига юриш ҳақида ўйлаётган бўлган (*Муҳаммад Султоннинг 40 минг лашкар билан Хитой чегарасида Ашпара қалъасини тиклашга юбориши шу мақсадда эди*). Ҳиндистондан хабар келгач, ҳазрат Соҳибқирон вазиятни жуда яхши ҳис этади ва зудлик билан сафарга тайёргарлик кўради.

Таъкидлаш жоизки, Соҳибқирон Темурбекнинг Ҳиндистонга юриши таржимаи ҳолининг энг муфассал ёритилган қисми ҳисобланади. Бухақда Ғиёсиддин Али махсус «Ҳиндистон ғазавоти рўзномаси»ни ёзган, «Темур тузуклари»да бошқа воқеаларга нисбатан муфассалроқ – тўрт сарлавҳада мақола ажратилган. Шарафиддин Али Яздий ҳам, Низомиддин Шомий ҳам бу даврга атрофлича тўхталганлар.

Жумладан, «Тузуклар»нинг «Ҳиндистонни забт этиш учун қилган кенгашим» бобида шундай дейилади:



«Даставвал, фарзандларим ва амирларимнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш учун уларга маслаҳат солдим.

Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир «Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз», деди.

Амирзода Муҳаммад Султон эса «Ҳиндистонни оламиз-у, бироқ (*бунга*) тўсиқлар бор; биринчиси – дарёлар, иккинчиси – ўрмону тўқайлар, учинчиси – тўлиқ қуролланган сипоҳийлар ва одамни ов қилувчи филлар кўп», деди.

Амирзода Султон Хусайн «Агар Ҳиндистонни қўлга кирита олсак, тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз», деди.

Амирзода Шохрух деди: «Мен турк қонунларида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб, номларини атамай, лақаблари билан айтадилар: Ҳинд подшосини – рой, Рум подшосини – қайсар, Хитой ва Чину Мочин подшосини – фағфур, Туркистон подшосини – хоқон, Эрону Турон подшосини – шаҳаншоҳ дейдилар. Шаҳаншоҳнинг ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларида (*ҳам*) жорий этиларди. Ҳозир Турон ва Эрон бизнинг қўлимизда бўлгани учун Ҳиндистонни ҳам фатҳ этмоғимиз лозимдир».

Амирлар эса «Борингки, Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик. Бироқ у ерда турғун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз аслидан ажраб, ҳатто тиллари ҳиндча бўлиб кетади», дейишди.

Мен бўлсам Ҳиндистонга юриш учун ҳиммат камарини белга боғлаганимдан ўз азму жазмимдан воз кечишни истамадим ва шундай жавоб қилдим: «Тангри таолога ўтинч билан мурожаат этайлик. Жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида Қуръондан фол очайлик, Тангри таоло нени буюрса, шунга

амал қилгаймиз». Ҳаммалари менинг таклифимни маъқуллашди. Куръони мажиддан фол очсам, ушбу улуғ оят чиқди: «Эй, Пайғамбар! Кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга нисбатан **(сиз ҳам)** дағаллик қилинг!» (*Таҳрим сураси, 9-оят. «Куръони карим маъноларининг таржимаси», Т., 2001 йил, 561-бет*). Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб берганидан сўнг, бошларини эгиб, жим бўлиб қолдилар».

Олий ўрдуда ўтказилган машваратнинг ўзига хос стенограммаси стратегик мақсаднинг моҳиятини изоҳлаб турибди. Демак, мўъжизавий ўрмонлар, дарёлару кўллар, филлару маймунлар мамлакати забти ўша даврлардаёқ кўпчиликни қизиқтирган. Бу, албатта, бежиз эмас. Шуниси ҳам борки, буюк фотиҳлардан на Искандар, на Маҳмуд Ғазнавий, на Чингизхон бу афсонавий юртнинг ичкарисига кира олган эди.

Ҳиндистон ҳақиқатан мўъжизалар ўлкаси бўлса, иккинчи тарафдан, ер юзининг энг бой худудларидан ҳисобланган. Чингизхон даврида унинг бебаҳо хазиналари нақд ўлжа бўлган. Мўғуллар Ҳиндистонни шунчаки ов майдони, бойлик тўла ҳамён деб билганлар, фақат босқинчилик хужумлари уюштириб, талаб келаверганлар (**лекин уларнинг мусулмонлар қўлида бўлган, тараққий этган Деҳли султонлигига ҳадлари сиғмаган**).

\* \* \*

1398 йил март ойида Мироншоҳнинг ўғли Умар Мирзони Самарақандга ҳоким тайинлаб, Соҳибқирон йўлга чиқди. Кеш йўлида бир тоғ бор эди, ундан бир дарё оқиб чиқарди. Ҳазрат бу баҳаво жойга гўзал иморатлар солиш, улкан боғ барпо этишни тайинлади. Боққа ўзи Тахтиқорача деб ном қўйди.

Соҳибқирон ихтиёрида 32 минг жангчиси бор эди, Қандаҳорда 30 минг жангчиси турарди, амирзода Рустамга ҳам 30 минг навкар бериб, Кашмир орқали Лоҳурга жўнатди. Қўшиннинг жами сони 92 минг экани, 92 рақами абжад ҳисоби бўйича «Муҳаммад» сўзига тўғри келиши ҳазратга хайрли туюлди.

Соҳибқирон бошлиқ қўшиннинг марказий қисми (**ғўл**) Амудан ўтиб, Хулм, Ғазни, Саманган, Бағлонни ортда қолдириб, Андаробга тушди. Бу ернинг аҳли ҳазратга пешвоз чиқиб, қоралибосли катур кофирларидан шикоят қилишди. Улар мусулмонларни талаб, асир олиб, эркакларни ўлдириб, кўп азоб берарди. Соҳибқирон қароқчилар изидан тушди, денгиз сатҳидан 3850 метр баландликдаги Хован деган жойга чиқдилар, унда бир бузуқ қўрғон бор эди, уни таъмирлаб, яна иморатлар солдилар. Ундан тепада Каптархона деган тоғ бор эди, арпа пишар маҳалида ҳам қалин қор билан қопланган эди. Отларни кигизлар, жулларини тўшаб қор устидан ўтказдилар, пастга тушишда арқонлардан фойдаландилар. Соҳибқирон от ўтолмайдиган ерлардан пиёда юрди, албатта, бир оз қийинчилик туғдирди, бироқ Яратган шундай куч ато этди. Ўн беш чоқли одам тоғдан кулаб шаҳид бўлди, отлардан фақат иккита қолди. Чўққилар орасида бир қавм бор экан, тилини ҳеч ким тушунмайди, кийим кийишни билмайди, бошлиғини «ғудо», «ғудошув» деб атаydi, шуларни ҳам мусулмонликка киритдилар.

Қоралибослар тутқич бермас эди, уларни бир дарада учратдилар. Кофирлар болта ва метинлар билан уришдилар, кўплари қурбон бўлди, қолганлари қочди. Уларнинг уйларига ўт қўйилди, томорқалари бузиб ташланди. Бу ғолибона юриш 800 йил, рамазон (**1398 йил, май-июнь**) ойида амалга оширилди.

Мағрур тоғлар салтанатида бундай фатху зафарга Искандар Зулқайнайн ҳам эриша олмаган эди, деб ёзади тарихчи. Бу воқеаларни халқ ўқиб билсин, деб тошларга нақш қилдилар.


Тоғлар ичида 18 кунлик сафардан қайтиб, Соҳибқирон шаҳзода Шохрухга Хуросонга кетишга рухсат берди, яхши насихатлар қилиб, қучоқлаб, юзидан ўпиб хайрлашди.


Ҳиндикуш тоғларини ортда қолдириб, Кобулга йўл олдилар. Борон жилғасига етганда шифобахш сувга дуч келишди, ҳазратда бу сувни яқиндаги қалъага бошлаб бориш фикри туғилди ва аскарларга фармон бериб, ариқ қаздирди, узунлиги беш йиғоч (**30–35 км**), унга Моҳигир суви деб от қўйдилар. Ариқ битгач, Кобулга кириб бордилар.

Кобул яқинидаги Дурин мурғзорига қўнган Соҳибқирон ўрдусига Дашти Қипчоқдан Темур Қутлуг Ўғлон (**уни Тўхтамишининг ўрнига тайинлаган эди**) ва Идикунинг, Жетадан эса Хизрхўжа (**у билан қариндошлик ришталари боғланган эди**)нинг элчилари ташриф буюришиб, ўз валинеъматларининг садоқатларини изҳор этишди. Элчилар тантанали кутиб олинди, мулоқотлардан сўнг уларга қайтишга рухсат берилди.

Малика Сароймулкхоним ва Соҳибқироннинг суюкли набираси шаҳзода Улуғбек ҳам сафарда бирга эди. Ҳазрат уларга Ҳиндистон ажойиботларини кўрсатишни ният қилганди, бироқ иссиқ ҳаво ёмон таъсир этди. Шунинг учун улар ҳам Самарқандга қайтадиган бўлишди.

Кобулда Ҳиндистон ҳудудларига бўлажак юришга обдон тайёргарлик кўрилди. Форсда бўлган Саррибуғанинг ўғли Шайх Нуриддин катта ўлжа билан келиб қолди, унинг келтирганларини уч кеча-кундуз рўйхат қилдилар.





Эрёб қалъасини эгаллаб олган каркан қаби-  
ласининг бошлиғи дастлаб мураса қилди, бузилган  
жойлар 14 кунда тикланди. Бироқ Соҳибқирон таш-  
риф буюрганда (**31 август**) камондан ўқ отиб, суиқасд  
уюштирди. Қалъа мусаххар қилинди, Эрёб назоратга  
олинди, йўллар эмин бўлди.

Эртаси Шанузонга етдилар, Соҳибқирон Халил  
Султоннинг иқтидорини синаш ва камолга етказиш  
учун бир лак аскар билан Қапчиғай йўлидан Бону  
(**ҳозирги Покистоннинг Бонну шаҳри**)га юборди.

Нагар шаҳрида Сулаймоншоҳ қурилиш олиб  
бораётган эди, уни бориб кўрди, Пурниён таслим  
бўлмаганди, босим ишлатишга тўғри келди.

20 сентябрда Синд дарёси (**у ҳозирги Покистон  
давлати ҳудудидан оқиб ўтади**) қирғоқларига,  
бундан 176 йил 310 кун олдин (**ҳа, буюк фарзандлар  
ҳар кун туғилавермайдилар, уларнинг дунёга ке-  
лишида юз йил, минг кунлар ўтиб кетади**) Султон  
Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингизхон қўшини билан  
муросасиз жанг қилиб, дарёдан ўтиб кетган жойга  
етиб боради ва ўша манзилга чодирини тиктиради.  
Албатта, бу пайтдаги Соҳибқироннинг ҳолати юза-  
сидан фолбинлик қилиш қийин, бироқ ҳазрат ўша  
суронли кунларни эслагани, қондоши Жалолиддин  
душманга ўз ғурурини қай тарзда намоён қилганини  
хаёлдан ўтказгани шубҳасиз. Соҳибқирон айнан ўша  
жойда кўприк қуришга амр этади. Кўприк икки кун-  
да тайёр бўлади.

Ҳазрат, баъзи элчилар келган эди, уларнинг кири-  
шига ижозат берди. Жумладан, Макка ва Мадинадан  
сайид Муҳаммад Маданий ҳарамайн шарифайдан  
саломлар келтириб, ул ерларда Соҳибқиронни кута-  
ётганларини билдирди. Кашмирдан келган элчи эса  
Искандаршоҳнинг тобелигини етказди.

Тўрт кундан сўнг кўприкдан нариги қирғоққа ўтдилар. Бу жойлар, Жалолиддин жон сақлаб қолган ерлар, Жалолий чўли деб аталар экан. Соҳибқирон Шайх Нуриддин ва Шоҳмаликни теварак-атроф назоратига юборди. 5 октябрда Жамула ва Чиноба дарёлари қўшилган Ҳавели шаҳрига етиб, дарёга кўприк боғладилар, ҳали бирон киши буни эпломмагани. Таламба қалъаси омонлик тилади, Соҳибқирон уларга илтифот кўрсатди. Ҳиндлар мустаҳкам қўриқлаган Кўкари қалъаси, ғалла омборлари лиқ тўла Шаҳнавоз мавзеъсидан зафар билан ўтиб, Соҳибқирон 26 октябрда Биёҳ дарёси бўйида шаҳзода Пирмуҳаммад билан учрашди. Пирмуҳаммад Мўлтон шаҳрини олти ой қамал қилиб мусаххар этган, лашкари ҳам қийналиб қолган эди. Набира ҳазратнинг шарафига катта тўй берди, Соҳибқирон эса унга 30 минг от ***(Пирмуҳаммад лашкарининг отлари пашакаал («Бобурнома»да қайд этилишича, Ҳиндистонда жорий бўлган 3 фаслнинг бири, серёмғир, дўл бўладиган 4 ой) да сув тошқинидан нобуд бўлганди)*** инъом қилди.

Зафарнишон лашкар энди кофирлар юрти Ҳиндистонда от сурарди. Йўлдаги қалъалар, шаҳарлар Туронзамин лашкарига турлича муносабатда бўларди, баъзилари қўл қовуштириб чиқар, айримлари чираниб қаршилиқ кўрсатарди, барибир, унақада ҳам, бунақада ҳам таслим бўларди.

Батнир ***(Битнир, Байтнур)*** қалъаси жуда мустаҳкам бўлиб, у габрлар қўлида эди ва атрофдаги Дайбалпур, Ажудан ва бошқа ерлардан кўплаб қочганлар ҳам шу ерга бош суққанди. Соҳибқирон 6 ноябрда Ажуданга кириб, сидқу эътиқод билан шайх Фарид Шакарганжнинг мазорини тавоф қилди, авлиёнинг руҳидан мадад тилаб, назр-ниёзлар ҳадя этди. Эртасига Соҳибқироннинг бирлашган қўшинлари ҳарбий ҳаракатларни бошладилар. Қалъа фатҳи беш



кунга чўзилди, олдин қаршилик қилишди, кейин муро-  
роса, яна қаршилик – охири барчаси ер билан тенг  
қилинди.

Ибн Арабшоҳ «Темур қанчадан-қанча даҳо ва  
хуфиёна фикру заковатга эга эди!» дея ўзининг  
истехзоли эътирофини изҳор этар экан, «Қачонки, у  
ўз қўшини билан ҳиндлар мамлакатига отланганда,  
баланд бир қалъага етиб бордики...» деб бир ҳикоя  
келтиради. Қалъани эгаллашда аскарлар етарли  
журъат кўрсатмайдилар, бунинг устига Муҳаммад  
қовчин орқали Соҳибқирондан ундан воз кечишни  
сўрайдилар. Қовчиннинг гапини эшитиб «Темур эъ-  
тибор қилмади ва жавоб ҳам, рад ҳам этмади, бал-  
ки Ҳиромалик деган манзари қабих, хунук ҳолатда  
бўлган бир кимсани чақиртириб келтирди. У сассик  
терли, юзи қоракуядек, қозон-товоқ ювувчидан  
ҳам ифлос, бадбўй ҳидли... эди». Хуллас, Темур ана  
шу тасқаранинг кийимларини Муҳаммад қовчинга  
кийдиради ва бутун бойлигини унга хатлаб бера-  
ди. Қовчинни эса ҳаммадан ажратиб, бадарға қилиб  
юборади.

Сарасати, Фатҳобод, Амура жанг билан 4 кунда  
олинди. Йўлтўсар жатларни бартараф қилиб, Сомона  
шаҳрига бориб етганларида ноябрь охирлаб қолган  
эди. Шу ерда ҳудудларда тарқаб кетган амирзодалар  
Рустам, Халил Султон, Султон Ҳусайн, амир ва беклар  
бирин-кетин тўпландилар. Соҳибқирон ҳамма лаш-  
карларини жам қилди ва декабрь бошида Дехлига то-  
мон йўлга чиқдилар. Қўшин бошдан-охир олти йигоч  
(35–40 км) йўлни тутиб борар эди.

Кофирлар қўлидаги Кайтал, Асанда, Панипат,  
Жаҳоннамой, Луни қалъа ва шаҳарлари тобе этилиб,  
Дехлига яқинлашдилар.

13 декабрда Соҳибқирон барча шаҳзода ва амир-  
ларни қошига чорлади, уларга жанг олдидан ёқимли

сўзлар айтиб, кўнгилларини хушнуд этди. Тарихчи ёзадики, шу машваратда нуфузли беклардан Жаҳоншоҳ ва бошқалар Соҳибқиронга фикр билдириб, йўлда кўплаб асирлар олингани, улар қўшин билан биргалиги, пойтахтга ҳужумга киришиб кетилса, улар ҳам ичкаридан бош кўтариши мумкинлигини маълум қилдилар. Шундан кейин Деҳли муҳорабасига киришишдан олдин ихтиёрларида бўлган асирларни зарарсизлантирдилар. Бу қай тарзда олиб борилгани номаълум. Баъзи манбаларда таъкидланган усул – ёппасига қириб ташлашни мантиқан ҳам, табиий тарзда ҳам оқлайдиган далиллар топилмаган: ҳарбий саркарда сифатида Амир Темур асирлар жонли меҳнат қуроллари эканини яхши тушунарди ва бу бойликни йўқ қилиб ташламасди. Шунингдек, бу ҳудудларда шунча одам бир йўла дафн этилган жой топилмаган...

Ғиёсиддин Али ўз «Рўзнома»сида Ҳиндистон юришини иншо этар экан, имкон даражасида манзарани тўлиқ гавдалантиришга интилади. Баъзи кичик унсурларни ҳам назаридан қочирмайди, қалъалар тасхирини бутун тафсилотлари билан кўрсатади. Воқеаларни кунма-кун баён этиб боради. Шужихатдан унинг бу асари қимматли манбадир. Жумладан, Деҳли муҳорабаси тасвирига киришар экан, бу мустаҳкам шаҳарни эгаллашга энг тажрибали лашкарбошиларнинг ҳам кўзи етмагани, ҳатто машҳур мунажжимлар – Мавлонои аъзам Хўжафазл, Жалолиддин Кеший, Абдулжаббор, Нуъмониддин Хоразмий ҳам бу ишнинг охирида иқбол кўрмаётганларини изҳор қилганларини қайд этади. Фақат Соҳибқироннинг қатъийлиги ва журъати билангина Деҳли фатҳига киришилди.

17 декабрда Султон Маҳмуд, Маллухон ва хинд сардорлари ўн минг отлик, қирқ минг пиёда, бир юз

йигирма фил билан ясол тортиб турдилар. Филларга жайбалар кийдирилган, устига тахт ўрнатиб, 5–6 ёй отувчилар жойлашиб олган эди. Умрида бунақасини кўрмаган Темурбекнинг энг совуққон навкарлари ҳам ҳаяжонланиб қолди. Бироқ Соҳибқирон заковати ҳар қандай жумбоқнинг ечимини топишга қодир эди. У темирдан асоси уч бурчак шаклидаги минглаб тиканли михлар тайёрлашни буюрди. Бу тиканлар пиёдаларга тарқатилиб, уларга жанг вақти филлар оёғи остига ташлаш топширилди. Айтишларича, у ерларда туялар бўлмас ва филлар туялардан кўрқар экан. Шу сабабли беш юзта хуркович туя топиб келдилар ва уларнинг устига мойга бўктирилган хашаклар боғлаб қўйдилар.

Соҳибқирон баландроқ ерга чиқди-да, икки ракъат намоз ўқиб, Оллоҳдан нусрат ва зафар тилади. Намозни тугатиб, ғўлда турганлардан ҳировулга мадад юборди. Худди шуни кутиб турган илғор қисм ҳазратнинг топқирлигига қойил қолиб, кўтаринкилик билан жангга кирди. Амирзода Пирмуҳаммад бир филни яралади. Муҳораба айни қизиган пайтда филлар темир тиканларга дуч келдилар. Оёғидаги оғриқдан жони чиққан баҳайбат махлуқлар изига бурилиб, ўз эгаларини босиб-янчиб кетдилар. Шу пайт туяларнинг устларидаги хашакларга ўт ёқиб, филлар устига қўйиб юбордилар. Баттар қиёмат қўпди. Шунақа ола-тасир билан ҳинд аскарлари чекинди. Шу жангда Халил Султон бир филни сигирдек олдиға солиб ҳайдаб, Соҳибқирон қошига келтирган экан.

Султон Маҳмудхон Ҳавдарон дарвозасидан, Маллухон Барака дарвозасидан чиқиб қочди. Уларни чангалзорларда узоқ қувлаб бордилар. Соҳибқирон зафар билан Дехлига кирди. Кўплаб ўлжа ва асирлар тушди. Филларни шаҳзодаларга улаштирди. Бештасини Ҳиротга, иккитасини Табризга, Ше-

роз, Озарбайжон ва Ширвонга биттадан юборди. Қўиларини Самарқандга ҳайдаб кетдилар, улар улуг қурилишларда «кран» вазифасини бажардилар. Саройда асир тушган аёлларнинг бошдан оёғи тилла тақинчоқ эди. Ферузшоҳ жуда маҳобатли жомеъ масжиди қурган эди, Соҳибқирон ҳам шундай масжид қуришни кўнглига тугиб қўйди ва тоштарошларни Самарқандга жўнатишни буюрди.

Соҳибқирон ўн беш кун Дехлида бўлди. 1399 йил 1 январда Ферузободдаги масжидда икки ракъат намоз ўқиб, йўлга тушдилар. Бу Соҳибқироннинг Ҳиндистон сафари поёнига етгани аломати эди.

Халқ китобларида шу ташриф давомида Соҳибқирон Сарандиф (*Цейлон, ҳозир Шриланка*) оролида макон топган Одам Атонинг қабрини зиёрат қилгани тафсилотлари келтирилади. Марқадгача етиб бориш осон бўлмаган, кейин эса сирли дарвозалар, эшиклар очилавермаган. Барибир мақсад восил бўлган. Нақл қилишларича, бу тилсимли эшиклар бир неча юз йиллар олдин фақат Александр Македонскийга очилган экан. Яна ҳам – Оллоҳ билгучидир!

Орадан 128 йил ўтиб ҳазратнинг Мироншоҳ Мирзодан тўраган авлоди Заҳириддин Муҳаммад Бобур Дехлини фатҳ этди ва Буюк Бобурийлар империясига асос солди. Шундай қилиб, Темурбек очган ариқдан улкан наҳр тўлиб оқди ва бу тарихий салтанат 330 йилдан ортиқ давом этиб, Ҳиндистон тараққиётида ўчмас из қолдирди. «Темурия салотини дастури била тўшак устида (*яъни, тахтда*) ўлтурур эдим», деб ёзган Бобур бутун ҳаётида бобокалони тариқатига содиқ қолди. Ўғли Муҳаммад Ҳумоюнга ёзган хатида «Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади», деб тайинлади. Соҳибқирон Темур-

бекнинг йўли ва иши шу тақлид авлодларга дастур бўлиб қолди.

Дехлидан йўлга тушилгач, зафарнишон лашкарни Кубла, Вазиробод, Ганг шаҳар ҳокимлари совғасаломлар билан кутиб олди. Мират (*Мирн*) қалъасида Илёс Авғоний эса «Бу қалъани Тармашир ҳам ололмаган» деб, Темурни писанд қилмади. Шундай ҳукм бўлдики, ҳамма лаҳм қазишга киришиб кетди. Ҳадемай Сарой деган навкар қалъа кунгурасида пайдо бўлди. Мират бир кунга ҳам дош беролмай, таслим бўлди.

10 январда Ганг дарёси бўйлаб юрдилар, бирор кечик топиб, нариги қирғоққа ўтмоқчи эдилар. Қўшин майда гуруҳларга бўлиниб, ҳаракат қиларди. Соҳибқироннинг қўлида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди, табиблар муолажа қилиб турар эдилар. Дарёдан ҳиндлар кемалар билан қочиб келаётгани хабар қилинди. Соҳибқирон жанг иштиёқида оғриқни ҳам унутиб, отланганча дарё ёқасига келди. Баҳодирлар наҳангдек олишиб, кемаларни асир олдилар.

Ҳазрат 12 январда Гангдан ўтди. Шу кун озчиликдан фойдаланиб, Маликшайх деган навкар ўлжа талашиб, исён қилди. Соҳибқирон ўзи ўқ билан қорнига уриб, бошига қилич чопиб, отидан йиқитиб олди. Лашкар ичидаги навкарнинг хиёнати Темурбекни изтиробга солди. У бегоналар орасида ўзини ёлғиз сизди, уч кун олдин тоғ даралари бўйлаб кетган набираси Пирмуҳаммадни ва куёви Сулаймоншоҳни эслаб ичикди. «Улар тезроқ етиб келсалар эди», деб турди. Ниятнинг холислигини қарангки, шу кун намоздигар пайтида улар етиб келди.

Кубла дарасида сигир шаклидаги бир улкан тош бор эди ва ҳиндлар уни тавоф қилар эди. Ганг дарёси шу ердан бошланар, габрлар бир йиллик йўлдан келиб ҳам топинар, марҳумларининг кулларини шу жойда сувга ташлардилар. Бу муқаддас ерга унча-

бунча одам бора олмас эди. Фотиҳлардан фақат Султон Маҳмуд бора олган эди. Соҳибқирон шу томонга юрди, лашкар сурон солиб, кофирлар устига бордилар. Барча қўрқиб қочди, сонсиз бойлик ўлжа тушди.

Сувалак (*Савалак*) тоғи тор даралар, баланд чўққилар, қалин ўрмонлардан иборат эди. Чангалзорлари Мозондарондагидан ҳам қалин, маймун кўп эди. Соҳибқирон 18 январда шу жойларга қадам қўйди ва ўзини беҳавотир ҳисоблаб ўтирган Баҳроз, Ратан сингари кофирларни босиб, 23 февралгача Карака тоғи оралиғида етти улкан қалъани мусаххар қилди. Шайхун қалъаси мусулмонлар қўлида эди, унга иноятлар кўрсатди.

Байла, Манур, Лаҳовар аҳлига ҳам мусулмончилик шарти ўринлатилди (*мусулмончиликни қабул қилганликнинг белгиларидан бири – мол гўшти ейиш бўлган*). Март ойининг бошларида Табриздан Мироншоҳнинг, Форсдан Пирмуҳаммад Умаршайхнинг элчилари келиб, шахзодаларнинг тинч-омонлик хабарини етказди.

5 мартда Самарқандга сафар тугаганлиги ҳақида хабар юборилади. Соҳибқирон ўзига ҳамроҳлик қилган ҳиндистонлик шоҳларга, қўшиннинг баронғор ва жавонғор бекларига, туман бекларига, қўшин бекларига уйларига боришга рухсат беради.

Карвон 8 мартда қўзғалиб, эртаси Жалолий чўлини кечиб, Синд устидаги янги кўприқдан ўтди. Бу ерда қолган беклар Соҳибқиронни етти ой кўрмаган эдилар, хурсанд бўлиб, тўққиз от, минг сигирни совға қилганча пешвоз чиқдилар. Отларини ўзларига қайтариб берди, сигирларни эса «Буларни камбағаллардан талаб олганлар, эгаларига қайтариб беринглар», деди.

Нагар қалъасида қурилиш ишлари яқинлашиб қолганди. Унинг яқинида бир булоқ бўлиб, суви-

ни қалъага келтириш ҳазратнинг хаёлига келди. Шу пайт ахтачилар кўплаб тақа қолганини, уларни нима қилиш кераклигини билмаётганларини айтиб қолишди. Соҳибқирон уларни одам бошига қараб тарқатиб беришни буюрди. Беклар кўпроқ тақа олиш учун кишисини кўпайтириб айтаверди. Булоқ сувини қалъага олиб келишда эса ҳар бир бекдан тақа олган одамича ҳашарчи талаб қилинди (**шундай қилиб, олғирлик қилмоқчи бўлганлар тилидан «тутилди»**). Ҳамма ишга жалб этилди, беклар ғишт ва лой ташидилар. Икки кунда ариқ битди.

Аравон мавзеъсига етганда Соҳибқироннинг соғлиги ёмонлашиб, отда ўтира олмай қолади. Уни тахтиравон (**маҳоффа**)га ўтказиб, мулозимлар кўтариб бордилар. Дарадан ўтаётганда йигирма олти марта дарёдан кечишга тўғри келди, шунда ҳам оғринмай, ҳазратни елкада олиб юрдилар. Беш кун ўтиб, оғриқ бартараф бўлди.

Дехлидан йўлга чиққанларининг саксон тўққизинчи куни – 29 мартда Жайхундан ўтдилар. Қирғоқда Самарқанддан келган меҳмонлар – Сароймулкхоним, Тўкалхоним, Туман оқа, Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон, Бегисултон кутиб туришарди. Учрашув жуда қувончли бўлди, сочқилар сочилди, дарё бўйи кумуш ва олтин тангаларга тўлиб кетди. Тезда Ҳиротдан Шохрух, Самарқанддан Умар Мирзо (**Темурбек уни пойтахтга тайинлаб кетган эди, ишларидан хурсанд бўлди**) ҳам Соҳибқирон хузурига келдилар.

Кешда ўн беш кун тўхтаб, зиёрат ва тўйлар қилиб, 28 апрелда тантана билан Самарқандга кириб боришди. Изма-из филлар ҳам етиб келди, уларни умрида кўрмаган одамлар роса ҳайрон бўлдилар.

Ҳиндистон фатҳидан одамни лол қолдирадиган жуда кўп совғалар келтирилган эди. Уларнинг

миқдори кейинчалик барпо этилган олий иморатларда кўрина бошлади. Самарқанд ҳусни яна очилиш, гўзаллашиш, бутун дунёни мафтун этиш сари юз тутди, чунки унинг ҳукмдори дунёда тенгсиз эди.



## **БУЮК ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ**

**1391 йил, 19 январь** – қўшин Тошкентдан Олтин Ўрда сари йўлга тушди.

**21 февраль** – Қораоспонда тўхташ, Тўхтамиш элчиларининг келиши.

**Апрель** – Улуғ тоғда минора тикладилар ва эсдалик тоши ўрнатдилар. Бу жой ҳозирги Бойконур космодроми ўрнига тўғри келади.

**9 май** – Соҳибқироннинг қўшинни кўздан кечириши.

**Май** – Тобол, Урал (*Ёйиқ*), Ик (*Ийиқ*) дарёларидан кечиб ўтиш.

**18 июнь** – Самара шаҳри шимолидаги Қундузча (*Кондурча*) мавзеида Тўхтамишхон лашкари билан бўлиб ўтган жанг ва қозонилган ғалаба.

**Июль** – ҳозирги Тольятти шаҳри яқинида қўшинга бир ой дам берилди.

Мироншоҳ Мирзога Тошкентдан Хуросонга жўнаб кетишига рухсат этилди.

**Октябрь** – Ўтборга келиш. Қишни Тошкентда ўтказиш.

**Декабрь** – ғолиб қўшин Самарқандга қайтди.

**1392 йил, 21 март** – Соҳибқирон Тошкентдан Самарқандга йўл олди. Сирдарё бўйларида ов.



Пирмухаммад Жаҳонгир Мирзо ўғлига Синд дарёсигача бўлган ҳудудлар ҳукмронлиги топширилди.

**24 май** – беш йиллик юришнинг бошланиши.

**24 июнь** – Бухорода. Соҳибқироннинг бетоблиги.

**Июль** – Эрон сари юриш бошланди.

Омул, Сори, Моҳон қалъалари эгалланди.

Жайхундан ўтиб, Мозандарон вилояти қайта тасарруфга олинди. Қавмларни бирлаштириш ва ободончилик тадбирлари ўтказилди.

**19 сентябрь** – Астрободга етиб, Журжон дарёси яқинига тушдилар.

**Куз-қиш** – Журжон вилоятида муқим яшаш ва Самарқанддан маликалар ҳамда набираларни чорлаш.

**1393 йил, 9 январь** – қўшин яна йўлга тушди.

**1 март** – Дизпул кўпригидан ўтилди.

**10 март** – Шероз томон йўлга тушилди.

**Апрель** – Музаффарийларга қарши кураш. Шоҳ Мансурнинг енгилиши.

Умаршайх Мирзо – Форс мамлакати подшоҳи.

**10 май** – Исфаҳонга юриш. Муҳаммад Султон билан дийдорлашув.

**Июнь** – Исфаҳонда Ҳулогу мулкининг Мироншоҳ Мирзога топширилиши.

**Август-сентябрь** – Бағдодга етиб борилди ва эгалланди.

Тарихчи олим Низомиддин Шомий билан илк учрашув.

Миср подшоҳи Барқуққа хат ва элчилар юборилди.

**31 октябрь** – шайх Баҳлул мозори зиёрати.

**9 ноябрь** – Тикрит қалъасига етиб келдилар.

**1 декабрь** – қалъа эгалланди.

**1394 йил, 3 январь** – Руҳа шаҳридаги оташкадани кўрдилар.

**16 январь** – Умаршайх Мирзо йўлда, Курдистонда ҳалок бўлди.

**22 март** – Мордин қалъасининг ишғол қилиниши ва Муҳаммад Тарағай (*Улуғбек*) туғилгани ҳақидаги хушбарнинг тарқалиши.

**Апрель** – 3–4 минг йиллик Ҳомуд қалъаси 2–3 кунда эгалланди.

**26 май** – Табриздан Шоҳруҳ Мирзо келиб, Марандга яқин жойда Соҳибқирон билан кўришди.

**8 июнь** – Соҳибқирон Султонияда турган оила аъзоларини бориб кўрди.

**18 июнь** – Авник қалъасига етиб келдилар ва унинг фатҳига киришилди.

**1 август** – қалъа ҳокими Миср (*Қора Муҳаммаднинг ўғли*) енгилганини тан олди. Унинг гуноҳи Муҳаммад Султонга бағишланди.

**6 август** – ҳожи Сайфиддинбек Самарқанддан саломлар келтирди

**14 август** – Иброҳим Султон туғилди.

**17 сентябрь** – Шоҳруҳ Мирзо Самарқандга ҳоким этиб тайинланди.

**Октябрь** – Грузияга юриш.

Қишни Кўра дарёси бўйларида ўтказдилар.

**1395 йил, 28 февраль** – Тўхтамиш устига юришнинг бошланиши.

Мироншоҳ Мирзо Хуросон ҳокимлигини тарк этиб, Озарбайжонга кўчди. Амирзода Умаршайх ва Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг ўғли Рустам унга ҳамроҳлик қилди.

**22 апрель** – Терек ва Кўра дарёлари оралиғида Тўхтамиш устидан қозонилган оламшумул ғалаба.

**Май** – Муҳаммад Султон – Москвада.

Рус ерларида зафарли юриш.

**26 август** – Андреан ва Наталиянинг илтижолари қабул бўлган кун, яъни Соҳибқирон Амир Темурнинг музаффар қўшини Русга шикаст етказмай, ортга қайтди..

**Ноябрь** – ғолиб қўшин Астраханда.

Сарой Берка тасхир қилинди.

**1396 йил, март** – Бокуга келиб тушдилар.

Рамазон ойи Ҳамадонда ўтказилди.

**18 июль** – Самарқанд сари йўлга тушилди.

Зафар тантаналари.

Самарқандда ободончилик ишлари. Боғишамол қаср-боғи қурилди.

Вақтинча ҳукмдор қилиб қолдирилган Оллоҳдод ўрнига Шоҳруҳ Мирзо Хуросон ҳукмдори этиб тайинланди. Унга йигирма нафарга яқин таниқли беклар ҳамроҳлик қиладиган бўлди.

**1397 йил** – Рамазон ойи Шаҳрисабзда кутиб олинди.

**Куз** – Тошкентга ташриф. Шоҳруҳия шаҳри қурилиши билан танишиш. Яссиди Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини қуришга фармон.

**22 ноябрь** – Тўкалхоним Самарқандга етиб келди.

**1498 йил, 19 февраль** – Муҳаммад Султон Хитой чеғарасидаги Ашпарага юборилди.

Кеш доवони яқинида Тахтиқорача боғи ва кўшкнинг бунёд этилиши.

Шоҳруҳ Мирзо отасини кўриб келиш учун Астрободдан Кешга ташриф буюрди.

**1498 йил, баҳор-ёз** – Ҳиндистон томон йўлга чиқилди.

Саодатманд кўшин Амудан кечиб, Хулм, Ғазни, Самантин, Бағлонни ортда қолдириб, Андаробга тушди. Баланд чўққилардан ўтилиб, қоралибослар мурасага келтирилди.

Кейин Кобулда. Моҳигир ариғи қазилиб, шаҳарга тоза сув олиб келинди..

Дашти Қипчоқдан элчилар.

**31 август** – Эрёб қалъасида хоинлик. Эртаси Шанузонда.

**20 сентябрь** – Синд дарёси қирғоқларида.

Бир пайтлар Султон Жалолиддин кечиб ўтган жойда кўприк қурилди.

**5 октябрь** – Жамула ва Чиноба дарёлари қўшилган Ҳавели шаҳрига етиб, дарёга кўприк боғладилар. Бу ишни ҳеч ким эплай олмаганди.

**26 октябрь** – Биёҳдарёси бўйида шаҳзода Пирмуҳаммад билан дийдорлашиш.

**30 октябрь** – Жанжонда Соҳибқирон шарафига Пирмуҳаммад Мирзо томонидан базм уюштирилди.

**5 ноябрь** – кўшинларнинг Ажуданга келиши.

**6 ноябрь** – Соҳибқироннинг шайх Фарид Шакарганж қабрини зиёрат этиши.

**7 ноябрь** – Батнир қалъасига келиш ва қалъадан рожа Долчиннинг чиқиб, итоаткорлик билдириши.

**14 ноябрь** – Феруз қалъасининг олиниси.

**17 ноябрь** – Сарасати, Ражабпур, Амаруни қалъаларининг олиниси.

**18 ноябрь** – Гуҳна даштида тўхташ.

**21 ноябрь** – Қаҳқар дарёси бўйида тўхташ.

**25 ноябрь** – Копла кўприги ёнида тўхташ.

**29 ноябрь** – Бакран кўприги ёнида тўхташ.

**23 апрель** – Қутлуғ юрда тўхташ.

**25 апрель** – Тахтиқорачада тўхташ.

**26 апрель** – Давлатободда, Қасрижаҳоннамода тўхташ.

**27 апрель** – Боғидилкушода.

**28 апрель** – Самарқандда. Соҳибқироннинг Қусам ибн Аббос қабрини зиёрат этиши.

**10 май** – Амир Темурнинг Бибихоним жоме масжиди пойдеворига ғишт қўйиши ва қурилишнинг боришини шахсан қузатиб туриши.

Боғлар бунёд этилиши.





## ЕТТИ ЮЛДУЗ ЁҒДУСИ

(1399 йил, 10 сентябрь – 1404 йил, 19 июль)

Инсон доим олдга, узоқларга, осмонга тикилади, ўша ёқлардан истакларининг тажассумини излайди. Зеро, ҳаммаси аввало кўкда ҳал бўлади, осмонда нима бўлса, ерда шу рўй беради, дейишади. Осмон ёритқичлари силсиласида эса етти қароқчи юлдузлар туркумининг ўз синоати, мазмуни бор. Қомусий маълумотларда Катта айиқ туркумига кирувчи бу юлдузлар галасининг четги иккиси жуда кучли ёруғлик сочиши ва улардан Қутб юлдузини топиб олиш жуда осонлиги қайд этилган. Қутб юлдузи ёрдами билан эса олам томонлари аниқланар экан. Таъбир жоиз бўлса, ҳазрат Соҳибқирон ҳаётининг юлдузли онлари, умр мазмунини сарҳисоб қилиш фурсати худди шу даврга тўғри келиб қолади.

Қундузча яқинида Тўхтамиш билан илк тўқнашувда Соҳибқирон қўшинини етти фавжга бўлди, ҳали бирон лашкарбоши қўлламаган тактикани амалиётга киритди – ҳазрат «7» рақамини хосиятли, деб биларди.

Ва, ниҳоят, умр силсиласида бир йил (1391 йил, январь – декабрь, Дашти Қипчоқ, Русь; 1398 йил, март – 1399 йил, март, Ҳиндистон), икки йил (1384 йил баҳори – 1385 йил, май, Хуросон), уч йил (1386 йил қиши – 1388 йил, февраль, Хуросон, Форс), беш йил (1392 йил, июнь – 1396 йил, июль, Эрон, Миср, Сурия (Шом), Олтин Ўрда, Русь) давом этган зафарли юришлар ордда қолиб, етти йиллик сафарга навбат етди. Бу галгиси ҳазрат Соҳибқирон ҳаётида

**22 апрель** – Терек ва Кӯра дарёлари оралигида Тўхта-миш устидан қозонилган оламшумул ғалаба.

**Май** – Муҳаммад Султон – Москвада.

Рус ерларида зафарли юриш.

**26 август** – Андреан ва Наталиянинг илтижолари қабул бўлган кун, яъни Соҳибқирон Амир Темурнинг музаффар қўшини Русга шикаст етказмай, ортга қайтди..

**Ноябрь** – ғолиб қўшин Астраханда.

Сарой Берка тасхир қилинди.

**1396 йил, март** – Боқуга келиб тушдилар.

Рамазон ойи Ҳамадонда ўтказилди.

**18 июль** – Самарқанд сари йўлга тушилди.

Зафар тантаналари.

Самарқандда ободончилик ишлари. Боғишамол қаср-боғи қурилди.

Вақтинча ҳукмдор қилиб қолдирилган Оллоҳдод ўрнига Шоҳруҳ Мирзо Хуросон ҳукмдори этиб тайинланди. Унга йигирма нафарга яқин таниқли беклар ҳамроҳлик қиладиган бўлди.

**1397 йил** – Рамазон ойи Шаҳрисабзда кутиб олинди.

**Куз** – Тошкентга ташриф. Шоҳруҳия шаҳри қурилиши билан танишиш. Яссиди Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини қуришга фармон.

**22 ноябрь** – Тўкалхоним Самарқандга етиб келди.

**1498 йил, 19 февраль** – Муҳаммад Султон Хитой чега-расидаги Ашпарага юборилди.

Кеш довони яқинида Тахтиқорача боғи ва кўшқининг бунёд этилиши.

Шоҳруҳ Мирзо отасини кўриб келиш учун Астрободдан Кешга ташриф буюрди.

**1498 йил, баҳор-ёз** – Ҳиндистон томон йўлга чиқилди.

Саодатманд қўшин Амудан кечиб, Хулм, Ғазни, Саманган, Бағлонни ортда қолдириб, Андаробга тушди. Баланд чўққилардан ўтилиб, қоралибослар муросага келтирилди.

Кейин Кобулда. Моҳигир ариғи қазилиб, шаҳарга тоза сув олиб келинди..

Дашти Қипчоқдан элчилар.

**31 август** – Эрёб қалъасида хоинлик. Эртаси Шанузонда.

**20 сентябрь** – Синд дарёси қирғоқларида.

Бир пайтлар Султон Жалолиддин кечиб ўтган жойда кўприк қурилди.

**5 октябрь** – Жамула ва Чиноба дарёлари қўшилган Ҳавели шаҳрига етиб, дарёга кўприк боғладилар. Бу ишни ҳеч ким эплай олмаганди.

**26 октябрь** – Биёҳ дарёси бўйида шаҳзода Пирмуҳаммад билан дийдорлашиш.

**30 октябрь** – Жанжонда Соҳибқирон шарафига Пирмуҳаммад Мирзо томонидан базм уюштирилди.

**5 ноябрь** – қўшинларнинг Ажуданга келиши.

**6 ноябрь** – Соҳибқироннинг шайх Фарид Шакарганж қабрини зиёрат этиши.

**7 ноябрь** – Батнир қалъасига келиш ва қалъадан рожа Долчиннинг чиқиб, итоаткорлик билдириши.

**14 ноябрь** – Феруз қалъасининг олиниши.

**17 ноябрь** – Сарасати, Ражабпур, Амаруни қалъаларининг олиниши.

**18 ноябрь** – Гуҳна даштида тўхташ.

**21 ноябрь** – Қаҳқар дарёси бўйида тўхташ.

**25 ноябрь** – Копла кўприги ёнида тўхташ.

**29 ноябрь** – Бакран кўприги ёнида тўхташ.



**30 ноябрь** – Сомнатда тўхташ.

**2 декабрь** – қўшин Асанди шаҳрида.

**3 декабрь** – Туғлуқпур қалъасида.

**4 декабрь** – Панипат шаҳрида.

**17 декабрь** – Деҳли атрофида жанг.

**20 декабрь** – Деҳлидаги жомеъ масжидида Соҳибқирон номи хутбага қўшиб ўқилди.

**1399 йил, 1 январь** – ортга қайтиш, Ферузободга келиш.

**2 январь** – Вазирободга ташриф.

**3 январь** – Мудулга ташриф.

**4 январь** – Гатага ташриф.

**5 январь** – Боғободга ташриф.

**8 январь** – Мирот қалъасида.

**9 январь** – Мирот қалъаси ёнида жанг.

**10 январь** – Ганг дарёси соҳилида тўхташ.

**12 январь** – Туғлуқпур қалъасида.

**13 январь** – Кубла довони орқали ўтиш.

**14 январь** – Ганг дарёсига қайтиш.

**18 январь** – Сувалак тоғи яқинида тўхташ.

**19 январь** – Пирмуҳаммад Жаҳонгир уйида тўхташ.

**20 январь** – Сава масканида тўхташ.

**22 январь** – Гандарга келиш.

**23 январь** – Жамму вилоятининг Байла қишлоғида тўхташ.

**Февраль** – Сувалак ва Карака тоғларидаги ўнлаб қалъалар мусаххар этилди, Бағроз, Ратан, Байла, Манур, Лаговарда мусулмончилик жорий қилинди.

**3 март** – Чиноб дарёсидан кечиб ўтиш.

Табриздан Мироншоҳ Мирзонинг аъёнлари совғалар келтиришди.

**7 март** – Кашмирнинг Жаҳон қишлоғида тўхташ.

**8 март** – Синд устидаги янги кўприқдан ўтилди. Соҳибқироннинг қўшиндан ажралиб, Самарқандга жадал йўл олиши.

**9 март** – Амир Темур Сомнатда.

**11 март** – Бонуга ўтиш жойида тўхташ.

**13 март** – Нагар қалъасига келиш ва қалъада таъмирлаш ишларининг бошланиши.

**17 март** – Шайх Муборакшоҳ қишлоғида тўхташ.

**18 март** – Арамак Даҳанга келиш.

**19 март** – Сурхоб қишлоғида тўхташ. Кобулга ташриф. Жўйинав канали соҳилига келиш.

**27 март** – Саманган масканида.

**28 март** – Тошқўрғон (Хулм)да.

**29 март** – Жайхундан ўтилди. Зафарнишон қўшинининг сарой аъёнлари томонидан кутиб олиниши.

**30 март** – Термизга келиш.

**31 март** – Термиздан чиқиб, Жаҳоншоҳ ва Турки Ғармоб қишлоқларида тўхташ.

**2 апрель** – Оби Баряқда тўхташ.

**3 апрель** – Чакдоликда тўхташ.

**4 апрель** – Қўзимунчоқда тўхташ.

**5 апрель** – Дулбуржигга келиш.

**7 апрель** – Соҳибқирон – Кешда.

**21 апрель** – Кешдан жўнаш.

**22 апрель** – Чинор масканида тўхташ.

энг узоқ давом этган, энг ёрқин из қолдирган ва... энг охирги (*ҳа, умр поёнига етиб борар эди*) юриш бўлди. Қахрамонона, жанговар қўшиқ энг баланд, авж нуқтасига кўтарилди. Етти йиллик юриш ҳазрат Соҳибқирон Темурбекзафарномасининг ҳаммасидан нурли, ҳаммасидан ёруғ саҳифаларидир.

Нусратнишон лашкар ҳижрий 802 йил, муҳаррам ойининг 8 ида, чоршанба куни (*1399 йил, 10 сентябрь*) бутун вужуди қурилиш майдонига айланган Самарқандни тарк этди. Шу куни Соҳибқирон Қоратепа боғидан тушиб, Кешга йўл олди.

Ҳали бир йил давом этган Ҳиндистон сафарининг чарчоқлари чиқмаган эди. Ҳали Самарқандда қурилиши давом этаётган жомеъ масжидида ишлар поёнига етмаган эди. Мазкур масжид бетакроп ва улуғ бўлиши керак эди. Унда Форс, Озарбайжон, Ҳиндистондан келтирилган икки юз уста, беш юз тоштарош ишлаётганди. Тўқсон беш фил тош таширди. Масжидда ҳар бири етти қарн (*3,5 м*) баланликдаги тўрт юз саксон тош устун кўтарилди. Саҳни тошдан ороланиб, тўрт ёнида тўртта минора барпо этилди. Масжиднинг намозгоҳи битгач, Дилкушо боғида катта тўй қилиб, усталарга муносиб армуғонлар берилди. Боғлар ҳам Самарқанд ҳуснига хол бўлиб ярашаётган эди. Боғибихишт (*1378 йил*) дан кейин барпо этилган Боғи Амирзода Шохрух (*1394 йил*), Боғишимол, Боғидилкушо (*1397 йил*), Боғижаҳоннамо, Тахтиқорача, Давлатобод, Қоратепа боғлари, Боғичинор, Боғинақшижаҳон – булар ҳали ҳаммаси эмас. Ер юзининг жаннатини эслатувчи Самарқанд боғлари кўҳна Шарқ маданияти тарихида алоҳида воқелик бўлиб қолди.

Соҳибқирон Самарқанд боғларида тўйиб сайр этишга, бошланган қурилишлар билан охиригача машғул бўлишга улгурмади. Ҳиндистондан қайтгач,

Форсдан унинг ҳузурига ташриф буюрган Хонзодахо-  
ним ташвишли хабарлар олиб келди (*аслида ҳамма  
гап махфий хизмат орқали маълум эди*).

Гап бундай эди. Икки йил олдин амирзода  
Мироншоҳ овда бир мозор (*Хўйга яқин пир Умар  
Нахчивон қабристон*)да отдан йиқилиб, ҳушидан  
кетди, уч кеча-кундуз гоҳ ўзига келиб, гоҳ ўзидан  
кетиб ётади. Шундан феълида ўзгариш содир бўлади.  
Олдинги қатъийлик йўқолиб, саргашталиқ юзага ке-  
лади. Гоҳ Бағдодга қўшин тортиб йўлга чиқади, гоҳ  
Табризда бош кўтарганларни ноҳақ жазолайди ёки  
Али Шакийнинг вилоятига босқин қилади. Мамла-  
катда эса аҳвол жиддий эди. Аҳмад Жалойирнинг  
ўғли Тоҳир Аланчуқ қалъасида асир эди, Али Ша-  
кий гуржилар билан тил бириктириб, Тоҳирни озод  
қилиш ниятида Озарбайжонга бостириб кира-  
ди. Кўп жойларни талашади, уларга қарши борган  
Мироншоҳнинг ўғли Абубакр сал бўлмаса асир ту-  
шиб қоларди, лекин у ҳам боболарига хос ҳаракат  
қилди, ўзини қутқариш учун яккама-якка жангда  
Алини ўлдирди. Мироншоҳ чоғирга ружу қўйган,  
шаҳзоданинг айшу ишратга берилгани вилоятларга  
тарқаб кетганди. Мироншоҳ бир куни хотини Хонзо-  
дани (*маълумки, у Муҳаммад Жаҳонгир вафотидан  
кейин Мироншоҳнинг никоҳига ўтган эди*) қаттиқ  
сўкиб ҳақорат қилади. Аёл жаҳли чиқиб, Самарқандга  
йўл олади ва қайнотасига арзини етказади.

Бошқа хабарлар ҳам кўнгилга таскин бермасди,  
ўша «икки кўзли бир бўлак гўшт» – Бағдод султони  
Аҳмад Жалойир Миср ва Сурия подшолари билан тил  
бириктириб, Темурга қарши фитна тайёрлашаётган  
эди. Уларни Қора Ўрда деб ном олган қорақуюнли  
туркмонлар ҳам қувватлаб туришарди.

Шу жойда нозик бир дипломатик нуқта юза-  
га келган: улар ўша пайтда ўзини зўрман, деб юр-

ган турк султони Боязид билан Темурбек ўртасида низо чиқишини пойлаб турганлар. Агар Темурбек Боязидга хужум қилса, орқадан бош кўтаришни мўлжаллаганлар. Ҳазрат Соҳибқирон буни тушунган ва иложи борича Боязид билан тўқнашувдан қочиш, ҳеч бўлмаса, уни орқага суришни ўйлаган. Унинг стратегик режасида иттифоқ тузмоқчи бўлган Сурия, Бағдод, Миср султонларининг бир-бирларига қўшилишига йўл бермай, улар билан якка-якка ҳисоб-китоб қилиш бор эди.

... Сафар олдидан Соҳибқирон мамлакат ичкари-сидаги аҳволни тартибга келтирди. Мўғулистон чегараларидан қайтган Муҳаммад Султонни Самарқандга ҳоким қилиб қўйди. Искандар Умаршайхни Андижонга тайинлади. Уларнинг ёнига тажрибали бекларни қолдирди.

Соҳибқирон Кешда падари бузруквори ва пирлари Шамсиддин Кулол, Термизда Ҳаким Термизий, Абубакр Варроқ мазорларини тавоф қилди, уларнинг рухидан мадад сўраб, садақаю инъомлар қилиб, Жайхундан ўтди. Рай ва Шаҳриёрга етганда амирзода Мироншоҳ дохил бўлди, Соҳибқирон уни шу кун қабул қилмади. Эртаси ўғли билан суҳбатлашиб, унинг девонини тафтиш қилиш ва амирзоданинг маишатига сабаб бўлганларни аниқлаш учун икки амалдорни Табризга юборди. Улар олиқ-солиқ ва бошқа ҳужжатларни текширдилар, айш-ишратга бир тўда созандалар боис эканини аниқладилар. Соҳибқирон айбдорларни муносиб жазолашни буюрди. Нойиб ва созандалар Мавлоно Муҳаммад Куҳистоний, Қутбиддин Найий, Ҳабиб Удий, Абдулмўмин Гўянда дорга тортилди. Ривоят қилишларча, Куҳистоний Найийга: «Устод, овқатга биринчи қўл узатардингиз, ўзингиздан бўлсин», деган. Ўзи ҳам «Дор тагига

мағрур бор, дунё ўзи бори дор» мисраларини баланд ўқиб, жаллод билан юзлашган.

Ана шу жазодан моҳир созанда ва бастакор Абдулқодир Мароғий қочиб қутилганди. Кейинчалик Соҳибқирон Ироқда пайтида уни тутиб келтирадилар. Ҳофиз азбаройи қўрққанидан бор овози билан Қуръон тиловат қила бошлайди. Бу ҳолдан таъсирланган Амир Темур «Абдол зи бийм чанг бар Мусҳаф зад» дейди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, булар тасодифан тилга келиб қолган сўзлар эмас, балки машҳур форс шоири Абусайд Абулхайр (967-1049 йиллар)нинг бир тасаввуфий рубоийси (*унда ёр – Оллоҳ, айбдор-абдол – дарвиш, ошиқ*)нинг сўнгги қатори экан.

*(Рубоийнинг тўлиқ матни: «Ҳавро бо наззораи ни-горам саф зад. Ризвон ба ажаб бимонду каф зад. Як холи сияҳ бар он рухон мутраф зад. Абдол зи бийм чанг бар Мусҳаф зад». Уни шундай таржима қилдик: «Ёр жамолин кўриб, жаннатда хурлар лол қолди. Жаннатнинг ўзи мафтун бўлиб, жами ҳусни йўқолди. Фақат ёрнинг қора холи булутдек соя солди. Бу ҳолдан қўрқиб дарвиш қўлига Куръон олди»).*

Абдулқодир Мароғий авф этилиб, Самарқандга юборилади. У сарой тадбирларида қатнашади, шогирдлар тарбиялайди. Кониғилда ўтказилган машҳур тўйда бошқа санъаткорлар қатори сидқидилдан хизмат қилади. Унинг номи Шарқ мусиқа санъати тарихида алоҳида қайд этилади. Бу ҳолат ҳам (*тасаввуф шеърятидан яхши хабардор эканликлари, иқтидорли одамларни қадрлашлари*) бобокалонимиз олмос қиррали фаолиятининг бир манзараси бўлиб, Соҳибқирон шахсини тасаввур қилишга кўмаклашади.

Шаки вилоятида тахтга исёнчи Алининг ўғли Аҳмад ўтирар эди, у қўрқиб Ширвонга, шайх Иброҳим хузурига борди. Иброҳим Аҳмаднинг гуноҳини сўради. Соҳибқирон олдида Иброҳимнинг ҳурмати бор эди, қабул қилди.

Тўхтамишхон энгилгач, унинг ўрнига Соҳибқирон Темур Қутлуғни тайинлаган эди, у ҳам наслига тортиб, мухолифат йўлига кирганди.

Миср ва Сурия (*Шом*)да ҳазратнинг энг жиддий рақиблиридан аз-Зоҳир Барқуқ ҳукмрон эди.

Хитойни мусулмонобод қилиш яна орқага ташланди, у ерда фағфур Тўнғузхон (*лақаби, асл исми – Мин Хун-Бу*) эди.

Жетада Хизрхўжа (*ҳазратга қайнота мақомида*) хон эди.

Яратганнинг қудрати, дунёнинг ҳикматини қарангки, махсус хизмат Соҳибқиронга бу зотларнинг вафот этгани ҳақидаги маълумотни бир кунда тақдим этди. Албатта, ҳамма ҳам бу дунёда омонат, ҳазрат бу хабарлардан муносиб хулоса чиқарди. Зеро, душманнинг биттаси ҳам кўп, дўстнинг мингтаси ҳам оз, дейдилар.

Хуфиялар яна шундай хабар келтирди: Мўғулистонда Хизрхўжа вафот этгач, ўғиллари тахт таллашиб ўзаро жанжаллашиб қолганлар. Бундан фойдаланган шахзода Искандар атрофидаги бекларнинг маслаҳати билан Андижондан Мўғулистонга ўтган, қалъаларни қамал қилиб, шаҳарларни босиб, Хўтан, Қашқарни эгаллаган, Хитой чегарасигача тасхир қилиб борган ва босиб олган ҳудудларида 6 ой қолиб кетган. Унинг бу қилиғи Самарқандда Соҳибқирон ўрнида қолган Муҳаммад Султонга ёқмаган, шахзодани пойтахтга чақиртириб, уни қутқуга бошлаган 26 бекни қатл эттирган.

Шу ўринда яна бир далил борки, бу шахзодаларнинг феъл-атвори, умуман, Соҳибқирон тузган давлатнинг келажаги ҳақида мулоҳаза юритишга асқотади.

Пирмуҳаммад Умаршайх бир тўда бадфеъл кишиларга қўшилиб, Соҳибқироннинг Бағдодга қўшин билан бориши ҳақидаги буйруғидан бош тортади. Уни тутиб, ҳазрат қошига келтирадилар, Пирмуҳаммадни жамоатнинг олдида калтаклаб жазолайдилар. Унинг ўрнига тайинланган Рустам Мирзо ҳам Бағдодга бормай, Шерозга кетади. Бу воқеалар ҳали Соҳибқирон ҳаётлигида рўй бераяпти. Болалар қийинчилик кўрмай ўсса, ҳаводорроқ бўлиб қолар эканми?!

Олий ўрду кишни Қорабоғда ўтказадиган бўлди. Жойлашиб бўлгач, Соҳибқирон ўн кишидан уч кишини ажратиб олди, мусулмонларга жабр етказган гуржилар изидан Хамша дарасига йўл солди. Дара ичи ниҳоятда чангалзор эди, дарахтларни кесиб, кенглиги минг қадамли йўл очдилар. Тоғ эли шаробга жуда ўч экан, ҳатто ўликларини май билан ювар экан. Соҳибқирон тоқзорларни бузиб ташлашга амр этди.

Кавказда тоғ ораларида бўлган гуржи улуси билан муҳорабалар давом этиб, Тифлис, Микрон, Сванети, Мцхети, Хушкурд, Мингқўл тафтишдан ўтказилди, Гурген, Жонибек, Иван билан жанглари олиб борилди, калисо, дауракалар бузилиб, ўрнига масжидлар қурилди, азон айтилиб, намоз ўқиладиган бошланди. Шу билан ёз келди.

Соҳибқирон Қорабоғдан кўчиб, Мингқўлга келди. Бу ернинг ҳавоси ёқимли, яйловлари бой эди, икки ой турди. Шу аснода Венеция савдогарлари вакиллари келиб, турк султони Боязид уларнинг бир қисмини асир тушириб, молларини тортиб олгани юзасидан арз қилдилар, ҳазратдан ёрдам сўрадилар.



Соҳибқирон даргоҳига юкуниб келганларни яхши кутиб олди, совға-саломлар билан жўнатди. Ҳайтовур, Кичик Осиёда пайдо бўлган турклар давлатининг султони Боязид (*уни улуғлаб Елдирим Боязид деб атардилар*) дунёнинг қуйи бир бурчида сурон солиб юрган, унинг овозаси оламни тутаётган эди.

Елдирим Боязид ким, унинг йўли нима учун Соҳибқирон Темурбек билан кесишди?

1220 йилдан кейин, Чингизхон Мовароуннаҳрни тўла забт этгач, ўғуз туркларидан бир тўдаси юртини тарк этади ва Анатолияга бориб паноҳ топади. Уларнинг етакчиси Эртўғрил султон Алоиддин Қайқубоддан чорвасини боқиш учун бир яйлов сўраб олади. Бу Константинополдан икки юз километр чамаси узоқда эди. Эртўғрилнинг ўғли ислом динини қабул қилади ва ўзига Усмон деган исм олади. Усмон кўчманчи ўғузларнинг мавқеини мустаҳкамлайди, мустақил Сегут беклигини тузади ва ўзини султон деб эълон қилади. Усмон бошлаган ишларни унинг кейинги авлоди – ўғли Ўрхун, набиралари Сулаймон пошшо, Мурод I давом эттиришди ва чегараларни мунтазам кенгайтириб (*қўшни давлатларни босиб олиб*) боришди. Шундай қилиб, икки буюк қуруқлик – Осиё ва Европа туташган нуқтада янги, истиқболли давлат пайдо бўлди.

1389 йил 15 июнда серблар билан урушда, Косово майдонида Милош Обилич Султон Муродни ўлдиради. Бу йўқотиш туркларнинг мағлубиятига олиб келиши мумкин эди, бироқ унинг ўттиз тўрт ёшли ўғли Боязид отасининг ўрнини муносиб тарзда босиб, вазиятни қўлга олади ва турклар ғалаба қозонади. Шундан кейин Боязид Болгария, Македония, Фессалияни босиб олган отасининг йўлини давом эттириб, Византия пойтахти Константинополни қамал қилади, бошқа бир қўшини Дунайгача бориб,

босиб қайтади. Унинг яшиндан ҳам тез ғалабалари бутун Европани ларзага солади.

Кун ботиш – Ғарб Осиёдан чиққан фотиҳлар – Аттила, Боломбир, Чингизхоннинг шўришларини унутмаган эди. Христиан дунёси Боязиднинг юришлари айнан ўзларига қаратилганини тушуниб етадилар ва Рим папасининг ғоявий раҳнамолигида, Франция давлатининг ташаббуси билан Боязидга қарши салиб юришларининг навбатдагиси (**ҳисоб бўйича – тўққизинчиси**)ни уюштирадилар. Дунай қирғоқларида Бургундия герцогининг ўғли граф Неверский, граф Евский ва маршал Бусико бошлиқ француз армияси Венгрия ва бошқа иттифоқчиларнинг қўшинлари билан бирлашиб, Боязид эгаллаган Никополис шаҳрини озод этишга йўл олади. Ҳали жанг бошланмасдан французлар билан иттифоқчилар келиша олмай қоладилар ва французлар 1396 йил 25 сентябрда туркларга қарши ўзлари жангга киришадилар. Бу тўқнашув бутун Европа олдида Боязиднинг кўргазмали чиқиши эди. Турк армиясининг сараланган қисмлари – яничарлар фарангларга имкониёт қолдирмай, янчиб ташлайди. Венгрлар ва бошқа иттифоқчилар қўшинларини султон захирада тутиб турган серб суворийлари тор-мор этади. Боязид душманга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишни буюради ва барча асирлар қириб ташланади.

Бу ғалаба Европани ларзага солади. Улар Боязидга қарши турадиган куч топа олмайдилар. Турклар мутлоқ ҳарбий устунликка эга бўладилар, улар Греция, Кипрни бир зарб билан тиз чўктирдилар, Франция қарғоқларига кемалар юбордилар, Византия империясининг қуёши ботадиган кунлар яқинлашди.

Ночор қолган Европа аҳли фақат бир тасодифдан умид қиларди: аждодлари осийлик бўлган фотиҳни осийликка қарши тезлаш, мусулмонни мусулмон

қўли билан енгиш. Таъбир жоиз бўлса, кейинги 3–4 йилда бутун имконият: дипломатия, махфий хизмат, савдо-сотик – жами ташқи сиёсат шу машғум (*бу усул ҳақиқатан даҳшатли ва аёвсиз эди*) режани амалга оширишга қаратилди. Яъни нима қилиб бўлса-да, Темурбек билан Боязид ўртасида уруш келтириб чиқаришга ҳаракат қилинди. Натижалар эса йўқ эмас эди. Бунга Боязиднинг шўҳратпарастлиги, иззатталаблиги, қизиққонлиги кўпроқ қўл келди.

Елдирим Боязид ғалабалардан руҳланиб кетиб, қўшни бўлган мустақил беклар – Ойдин, Менгтеша, Кирмиён, Қарамонни босиб олди, улар Анатолиянинг турли тарафларида эди. Сивос ва Малатияни ҳам мусаххар этиб, ўз одамларини қўйди. Иштаҳаси очилиб, Арзинжон ва Арзирумдан хирож талаб қилдики, бу ўлкаларнинг ҳокими Тахуртан Соҳибқиронга садоқатда эди ва у ҳазратнинг ҳифзу ҳимоясида турарди. Тахуртан бу ҳақда Темурбекка хабар берди ва Соҳибқирон Венгрия савдогарларининг арзи баҳона Елдиримга хат **(1)** ёзиб, элчи жўнатди. Хатда ҳазрат ўзининг қудратидан хабар бериб, Боязидга кўп ҳаволанмаслик, «келиб чиқиши кемачи туркмонлардан бўлган» султон ўнгу сўлига қараб иш тутса яхши бўлиши, унинг фарангларга қарши курашаётгани учун вилоятини босмаганлигини андишанинг отини кўрқоқ, деб тушунмаслиги эслатилган эди. Боязид хатни ўқиб, жиззакилиги тутиб кетади, мурсо ўрнига майдонда Темурбек билан бир урушиш истаги борлиги, агар у келмаса, ўзи Табриз ва Султонияга бостириб боришини маълум қилади. Боязид Темурдан 20 ёшлар кичик, тахтга ўтирганига 11 йил бўлган, подшолик ва ғолибликнинг анча ҳавосини олган эди. Унинг бундай муносабати катта бир фалокатдан хабар берарди.

Боязиднинг жавоби Соҳибқиронга ёмон таъсир этди. 1400 йил 22 августда қўшин Сивосга яқинлашди, уни яқинда турклар эгаллаган эди. Сивос қалъаси Аловиддин Қайкубод замонида қурилган, баландлиги 5–10 метр бўлиб, 7 дарвозаси бор эди, икки тарафдан чуқур хандақ билан ўралганди. Соҳибқирон ғарб томонга тушди ва қалъа тагини кавлашга буйруқ берди. Ўн етти кунда лаҳимлар тайёр бўлди, уларга ўтин тиқиб, олов бердилар ва лашкар икки тарафдан бостириб келди. Қалъа деворлари қулади, ичкаридаги турклар, грузинлар, арманлар асир тушди. Қалъа бузиб, ер билан текис қилинди. Шундан кейин Туркия чегарасига яқин Абулистон (*Каппадокия*), Малатия ҳам эгалланди.

Бу ҳаракатларга жавобан Боязид бирор чора қўлламайди, оқибатда ҳарбий юриш тин олади.

Соҳибқирон Малатиядан Мисрнинг яқинда тахтга ўлтирган султони Фаражга хат ва элчи юборади. Темурбек 1393 йилда марҳум султон Барқуққа элчи юборган ва у ҳар қандай андишани унутиб, элчини ўлдирган эди. Соҳибқирон Тўхтамиш устига юргач, бу масала очиқ қолганди. Бунинг устига Темур Авник қалъасига тайинлаган Аталмишни Қора Юсуф банд қилиб, қалъани эгаллаб олган эди. Соҳибқирон хатида Фаражга шу воқеаларни эслатиб, бандда турган Аталмишни қайтариб беришни сўрайди. Фараж бунга жавобан отасининг йўлини тутди ва Соҳибқироннинг элчиларини қамаб қўйди.

Албатта, бундай ҳаракат беиз кетмасди. Миср ва Сурияга бориш шарт эди. Шундан олдин қўшин бошлиқлари ҳазрат Соҳибқиронга ўз кечинмаларини изҳор этдилар. Улар қарийб икки йилдирки, умрлари сафарда ўтаётгани, бир йил Ҳиндистонда, ундан қайтиб Эрон ва Кавказда кўплаб муҳорабалар ўтказилгани, бундан лашкар жуда чарчаганини бил-

дирдилар. Бунинг устига Миср ва Шом (*Сурия*) лашкари яхши қуролланган, сони кўп, улар билан жанг қилиш осон бўлмайди, шунинг учун қўшинга бир оз ҳордиқ бериш лозимлигини минг андиша билан тушунтирдилар. Соҳибқирон бу таклифларга кескин қарши чиқди ҳамда душманга тез ва қутилмаганда зарба бериш ярим ғалаба эканини таъкидлади.

– Ғалаба, – деди Соҳибқирон, – қўшиннинг яроғи ёки сонига қараб мушарраф бўлмайди, балки Яратган уни севган бандаларига ато этади. Шундай кишилардан бири қаршингизда турибди. Ё менга ишонмасизларми? – Шундан кейин бошқа изохга ҳожат қолмади.

Қўшин еру кўкни наққораю балабонларнинг овозидан ларзага келтириб, фалакка чангу тўзон кўтариб йўлга чиқди. Бу манзарани кўрган унча-бунча лашкарбоши ҳам қўшинини ташлаб қочар эди. Амирзода Шохрух Мирзо илғорни бошлаб борди ва йўлдаги биринчи тўқнашувда ҳақиқатан Соҳибқиронни худо асрашига гувоҳ бўлдилар.

Биҳишти қалъасида Муқбил деган доруға бор эди ва таслим бўлишни хоҳламай, манжаниқлардан тош оттирди. Ҳазратнинг чодирини қалъа яқинида эди ва ундан бир зумга чиқди. Шу пайт бир тош келиб, чодирни ёриб юборди. Соҳибқирон ичкарида бўлса, бир шикаст бўларди. У тошни олиб, ичкарига отдилар, у тўғри бориб, манжаниқни синдирди. Хужумга дош бера олмаган Биҳиштининг таслим бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Айнтоб қалъаси жангсиз дарвозаларини очиб берди.

Форсдан амирзода Рустам ҳам муҳорабаларга келиб қўшилди.

Миср ҳудудидаги икки қалъанинг таслим бўлгани навбатдаги манзил – Ҳалаб (*Алеппо*) шаҳар ҳокими

Темуртошни ваҳимага солиб қўйди. У подшога хабар юбориб, ахволни билдирди. Фараж бутун мамлакатдан қўшин тўплаб, Ҳалабни мудофаа қилишга киришди. Хўмс-у Ҳама, Антакия, Тараблус, Баалбек – барча вилоятлардан лашкар Ҳалабга кела бошлади. Соҳибқирон йўлда шошмай, кунига ярим чақирим босиб яқинлашарди. Темуртош йиғилганларга Темурбекка бас келиб бўлмаслигини, у ҳозиргача қаерга кўз тиккан бўлса, эгаллаб келаётганини эслатиб, муросага боришни таклиф қилди. Дамашқ ноиби Шадун (**Судун**) жуда мақтанчоқ одам эди, у Мисрдаги қалъалар жуда пишиқ ғиштдан қурилганини, уларни ҳеч ким эгаллай олмаганини айтиб, урушга ундади.

Турон лашкари 28 октябрда Ҳалабга етиб келиб, кўч ташлади. Амирзодалар Султон Хусайн ва Абубакр разведка жангларига чиқиб, энгиб қайтдилар, асирлар келтирдилар. Уч кундирки, рақиб томондан ҳаракат бўлмагач, Соҳибқирон ҳужумга фармон берди. Ҳалаб қўшини бундай жангни кўрмаган эди, чидай олмади, шаҳар тез таслим бўлди. Ҳамма қочиб қалъага кирди. Бундан нажот йўқлигини тушуниб, Соҳибқирондан омонлик сўрадилар. Шадун ва Темуртош қалъа калитларини келтириб топширдилар.

Зафарнишон лашкар ўн беш кун шу ерда турди. Ҳалабда даврининг йирик олимлари истиқомат қиларди. Соҳибқирон улар билан мулоқот қилиш ихтиёрини билдиради, «Жангда сиз томондан ҳам, биз томондан ҳам ўлганлар бўлди, уларнинг қай бирлари шаҳиддирлар?» сингари чалкашу чигал саволлар беради. Қониқарли жавоблар олингач, самимий суҳбатлар бўлиб ўтади.

Шунингдек, ўша дамларда эски қадрдан – йирик тарихчи олим Низомиддин Шомий шаҳарда асирликда эди. У биринчилардан бўлиб Соҳибқиронни табриклайди, ўртада самимий мулоқот бўлиб ўтади.

Ҳазрат олимга халқона тилда ўз тарихини ёзишни топширади...

Ҳалаб қўлга киргач, Ҳама шаҳри, Ҳўмс қалъаси жангсиз таслим бўлди. Қўлга олинган Баалбек қалъаси ўзининг тош устунлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирди. Уларнинг узунлиги 14 м, эни 8 м, баландлиги 4 м. эди. Бу қалъани Сулаймон пайғамбар қурган, деган гаплар бор экан. Баалбек тоққа яқин эди, киш кириб, ҳаво совугани учун Соҳибқирон ундан кетиб, Дамашқ сари йўл олди.

22 декабрда Нуҳ пайғамбарнинг мозорини зиёрат қилди.

\* \* \*

Дамашқ Шом (*Сурия*)нинг пойтахти бўлиб, бу мамлакатни мамлук султонлари идора қиларди. Мамлуклар ҳам келиб чиқиши Дашти қипчоқлик турк-черкас улусидан эди. Уларнинг ота-боболарини араблар шу томонлардан қул қилиб ҳайдаб кетган эди (*бундай ҳаракатлар аббосий халифалардан бошлаб, IX аср ўрталари – Маъмун (813–833 йиллар) дан кейингача давом этган*). Ўз жанговарлигини ва эркесварлигини йўқотмаган туркийлар минтақада катта нуфуз қозондилар. Ҳатто муқаддас шаҳарлар – Макка ва Мадинанинг муҳофазаси фақат уларга ишониб топшириладиган бўлганди. Мамлуклар гарчи араб тили ва маданиятини қабул қилган бўлсада, ўзлигини сақлаш ва намоёиш қилиш йўлида бирлашиб, 1250 йилда Мисрда, 1260 йилда Сурияда, султон Бейбарс Рукниддин аз-Зоҳирнинг саъй-ҳаракати билан ўзларининг ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатадилар. Уларнинг давлати шунчалик кучайиб кетадики, мўғуллар ҳам, салибчилар ҳам уларга дахл қила олмайди. Кейинги мамлук султони Зоҳир Барқуқ (*1382–1399 йиллар*) билан Соҳибқирон сулҳ тузишга интилди, бироқ у Темурбекнинг элчисини ўлдириб,

бу борада ўз муносабатини изҳор этди. Унинг ўрнига ўтирган ўғли Фараж ҳам Соҳибқирон таклифига рози бўлмаяпти. Аталмишни озод қилмади, уни асир тушган Темуртош ва Шадунга алмаштириш таклифига ҳам кўнмади.

Дамашқ Ироқ ва Арабистон чўлларидан чиқиб келган сайёҳга саҳро ўртасида қўр тўкиб турган жаннатга ўхшарди. У мусулмон оламининг энг гўзал шаҳарларидан бири эди. Шаҳарнинг пайдо бўлиш тарихи Таврот ва Инжилдан ҳам қадимий, дейишади. Дамашқ, айниқса, Умавийлар уни ислом дунёсининг пойтахти қилиб танлагандан кейин яна ҳам гуллаб яшнади. Соҳибқирон ана шу қадимий ва йирик шаҳар остонасида тўхтади (**рақам қилишларича, Соҳибқирон бир вақтлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қароргоҳ қилган боққа тушган экан**). У Фараж хушини йиғиштириб олар, бизнинг таклифларимизга рози бўлар, деб кутган эди, аксинча бўлиб чиқди. У икки кишини қаландар либосида ҳазрат қароргоҳига юборди. Элчи бўлиб келганларнинг ҳаракати ғалати эканидан девон бошлиғи Хўжа Маҳмуд Симноний шубҳаланди, уларни тутиб, тафтиш қилганларида, либосларининг ичидан заҳарланган ханжар чиқди. Улар Соҳибқиронга суиқасд қилиш топшириғини олганларига тан бердилар.

Шу айёмларда ривояту дostonларда қораланадиган, эшитган ҳам, рақам қилган ҳам нафратланадиган бир воқеа содир бўлди. Соҳибқироннинг марҳум қизи Тоғайшоҳ Оқабегимдан туғилган набираси (**унинг отаси амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбек эди**) Султон Хусайн яқинларига аччиқ қилиб ва «бир жамоат муфрид (...) била иттифоқ қилиб» (**Яздий**) тунда Дамашқ томонга қочиб кетади. Фараж уни



яхши кутиб олади, сочини қирдириб, араблар либосини кийдиради.

Соҳибқирон беҳуда қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида Фаражга мактуб йўллаб, элчи жўнатади. Хатда бўлиб ўтган урушлардан хулоса чиқариш, Аталмишни қайтариб бериш ва хутбада Соҳибқирон номини зикр қилиш айтилган эди. Фараж элчини яхши кутиб олади ва фақат беш кундан кейин Аталмишни юборишини маълум қилади. Бу хабардан ҳамма хурсанд бўлади. Орадан ўн кун ўтади. Бу орада ем-хашаклар тугаб, чорполар қийналиб қолади ва серўт Ғўта яйловига кўчишга ҳукм бўлади.

Фараж сўзида турмайди, бунинг устига қўшиннинг орқага қайтганини кўргач, Соҳибқирон чекинди, деб ўйлаб, дамашқликлар от қўйиб шаҳардан чиқадилар ва Турон лашкарини қувиб солмоқчи бўладилар. Темурбекка шу керак эди, бирдан орқага қайтилади, наққаро ва нафирларни чалдириб, сурон солиб, қарши ҳужумга ўтадилар. Шаҳзодалар, амирлар, беклар роса матонат кўрсатиб олишадилар. Миср қўшинини чекинтириб, 1401 йил 15 январь куни Дамашқни қамал қиладилар. Асир тушганлар ичида Султон Хусайн ҳам бор эди. Шоҳрух Мирзо унинг гуноҳини тилайди. Хоинни таёқлаш билан чекланадилар, аммо шундан кейин Соҳибқирон узоқ вақт унинг юзини кўрмайди (*қарамайди*).

Бир кундан сўнг қўшинни тартибга келтириб, шаҳар забтига юрадилар. Ўртада тоғдек филлар, 3–4 йиғочга чўзилган лашкар шаҳарга яқинлашганда ҳамманинг ўтакаси ёрилади. Фараж пешкашлар билан одам юбориб, омонлик тилайди, бироқ дарвозадан чиқиб келиш ўрнига бошқа тарафдан Мисрга қочади. Қамалда турган шаҳар аҳли маслаҳатлашиб, уламою ақобирлар, олиму қозилардан бир гуруҳини

Соҳибқирон ҳузурига юбориб, эминлик сўрашга аҳд қиладилар.

Ана шу элчилар сафида машҳур олим Валиуддин ибн Халдун (**1332–1406 йиллар**) ҳам бор эди. У Барқуқ саройида катта мавқега эга эди. Фараж ҳам уни Қоҳирадан ўзи билан олиб келганди. Шу учрашувдан кейин у 35 кун эрталабдан кечгача Соҳибқирон ҳузурида бўлади, суҳбатлари давомида бу улуғ инсоннинг Оллоҳ ато этган иқтидорига тан беради. Суҳбатлар жараёнида Соҳибқирон улуғ олимдан ўтган подшолар тарихини, уларнинг зафарга эришиш сирларини қизиқиб сўрарди. Ҳазратнинг инсоният тарихини чуқур билиши намоён бўлади, у катта шаҳарларнинг кўчасигача, яшайдиган халқининг уруғ-аймоғигача билар эди...Айниқса, Ибн Халдуннинг она ватани Мағриб (**Тунис**) ҳақида шундай мураккаб саволлар берадики, жавоб беришга олим ҳам қийналиб қолади. Бобил подшолари Бухтаннасар ва Навоҳуданнасар юзасидан саркарда ва олим мунозара қиладилар, Соҳибқирон кўпчилик билмайдиган нодир далилларни келтиради.

Олим кейинчалик «Таржимаи ҳол» деган асар ёзган ва унда Соҳибқирон Темурбек билан мулоқотларини тўла шарҳ этган. Ибн Халдуннинг эътирофларидан Темурбекнинг дунёга келишида илоҳий кароматлар мавжудлигини, унинг туғилиши анча олдин башорат қилинганини тушуниб олиш қийин эмас. Жумладан, Ибн Халдун ёзадики, 1360 йили Фас шаҳридаги Каравийийин масжидида Кустантиялик таниқли мунажжим Абу Али Бадисни учратган, у 1380 йиллардан кейин шимоли-шарқ томонда яшовчи халқлардан чиққан Соҳибқирон ҳақида хабарлар тарқалишини айтган. Устози Муҳаммад Обилий эса тирик бўлса, Соҳибқиронни кўришини башорат қилган.

Юзма-юз суҳбатлари асносида тасаввур қилганидан ҳам улуғ одамга дуч келганидан ҳаяжонланиб кетган олим, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, эҳтирос билан шундай хитоб қилишдан ўзини тия олмаган: «Мавлоно Амир! Сенга баробар келадиган зот менинг насли насабим, аҳлию авлодим, ватану мамлакатим, дўсту биродарларим, хешу ақробаларим, оламлар подшоҳлари тугул бутун инсоният орасида ҳам йўқдир. Мен фақат ўз умримнинг беҳуда ўтиб, ўз давримнинг бефайз кетганига ачиниб, афсусланаман. Ўтган умрим қандай қилиб сенинг хизматингдан ўзганинг хизматида кечди? Нега менинг кўзларим сенинг сиймонг нурларини ўзига сурма қилиб сурмади? Лекин хато ўткинчидир. Майли, сенинг паноҳингда қайтадан иккинчи умримни бошлайман, уни сенинг хизматингга бағишлаб, зое кетган умримни топаман. Ушбу вақтни ҳаётимнинг энг ази-зи, эришган мартабамнинг энг олийси, ҳолатимнинг энг шарафлиси, деб ҳисоблайман...» Бу эътирофларни ёши етмишга бориб, дунёнинг иссиқ-совуғидан бохабар, ўз даврининг буюк олими томонидан изҳор қилинаётганига эътибор берсак, ҳазрат Соҳибқирон одамларни нечоғлик мафтун қила олганини тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Шаҳар дарвозаларини очгач, Соҳибқирон Пайғамбаримизнинг завжалари Умм Салма ва Умм Ҳабиба қабрларини ихлос билан тавоф қилди. Амирзодалар Абубакр ва Халил Султонни мутасадди қилиб қўйиб, икки марқад устида тошдан гумбаз тиклатди. Билол Ҳабашийнинг мозори шу ерда эди, уни ҳам зиёрат қилди. Шундан сўнг Шайх Нуриддин, Шоҳмалик, Оллоҳдодни ўлжаларни ҳисоб-китоб қилишга қўйди. Диний муассасаларнинг молиҳарамайнларини қўриқчилар билан Қуддусга юборди. Шу ерда биринчи марта Соҳибқирон номига юз,

эллик ва ўн мисқоллик тангалар зарб қилинди, бу ҳақда фатҳномалар битиб, Эрону Туронга чопар билан жўнатдилар.

Дамашқда гўзал иморатлар кўп эди. Баалбекдаги тош устунлар ҳазратнинг ҳайратини оширган бўлса, Бутжос деган улуғ бекнинг иморати – меҳмонхонаси ҳам ҳавасини қўзғатди, Самарқандда шундай бинолар тиклашни ният қилиб қўйди. Энг яхши усталар, хунармандлар танлаб олиниб, Самарқандга юборилди. Пойтахтга кўплаб олимлар, дин арбоблари ҳам жўнатилдики, улар қаторида машҳур табиблар Мавлоно Жамолиддин ва Мавлоно Сулаймон ҳам бор эди.

Дамашқни Чорёрлар халифалик қилиб турганда Умавийлар авлодлари, хусусан, Муовия ибн Абу Суфён пойтахт қилиб олган ва 656 йили халифалик тахтига келган ҳазрат Алини тан олмаган эдилар. Беш йил давом этган кураш ниҳоят Муовиянинг ғалабаси билан тугайди, 661 йил халифа Али Куфада шаҳид бўлгач, халифалик тахтига Муовия ўтиради. Шундан кейин ислом олами пойтахтини ҳам Маккадан Дамашққа кўчиради. Бу бошқа юртлардаги мусулмонларнинг норозилигига сабаб бўлади, негаки, Дамашқ Византиянинг, яъни насроний кофирларнинг таянч нуқталаридан ҳисобланарди. Умавийлар ҳукмронликни қўлга олгач, Муҳаммад (с.а.в.) жорий қилган тартибларга янгиликлар киритмоқчи бўлдилар, шундай қилиб, ислом динида аста-секин тафриқалар пайдо бўлди ва бугунга келиб бу ҳол даҳшатли кўриниш касб этган. Ўша пайтдаёқ Дамашқ, ҳатто Маккада куфр одатлар, чунончи, ичкилик-бозлик, маишатбозлик кенг тарқалди, муқаддас таълимотнинг асосига зирҳ етди.

Соҳибқирон Дамашқ фатҳ этилгач, бошланиб кетган талончилик ва ёнғиннинг олдини олишга атай-

лаб эътибор қаратмайди, қолаверса, Оллоҳнинг ер даги сояси ҳисобланмиш пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг таълимотларини ўзгартиришга уринган, муқаддас Маккаи муқаррама ўрнига пойтахтлик даъво қилган шаҳарни шунга лойиқ, деб биларди. Бу ҳолнинг шарҳини тарихдан ва Соҳибқироннинг дунёқарашидан қидирмоқ керак. Зеро, ҳазрат ўзини ислом динига ривож берувчи саккизинчи вакил, деб ҳисобларди. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да шундай дейилади (*Мир Саййид Шариф Журжонийнинг мактубидан*):

«Рисолатпаноҳ пайғамбаримиз ҳижрат этганларига (622 йил) ҳам саккиз юз йил бўлаяпти. Ҳар юз йил бошида Оллоҳи таоло ва тақаддус ўз элчиси ва ҳабиби Муҳаммад динини унинг умматига таратувчи ва муҳофаза этувчини ихтиёр қилади. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, саккизинчи юз йиллик бошида Оллоҳи таоло Амир Соҳибқиронни ислом динининг ҳимоячиси ва ривожлантирувчиси сифатида ихтиёр қилди ва у турли ўлкалар ҳамда мамлакатларда халққа Муҳаммад динини қабул қилдирди. Илк ислом олимлари динни муҳофаза этувчилар аҳволини ўргаииб, ўз китобларида бу ҳақда маълумот берганлар. Бу муҳофизлар қуйидагилардир».

Шундан кейин улуғ хизматга мушарраф бўлганларнинг исм ва шарифлари келтирилади, асосий хизматлари санаб ўтилади. Биз бу ўринда ўша рўйхатни келтириш билан кифояланамиз:

1. Умар ибн Абдулазиз (*ҳукмронлиги 712–720 йиллар*)
2. Маъмун ибн Хорун ар-Рашид (*813–833 йиллар*)
3. Муқтадир ибн Аббос (*908–932 йиллар*)

4. Иззуддавла Дайлабий (967–978 йиллар)
  5. Султон Санжар ибн Маликшоҳ (1118–1157 йиллар)
  6. Ҳозонхон ибн Арғунхон ибн Ҳолокухон (1295–1304 йиллар)
  7. Улжойту Султон ибн Арғунхон (1304–1317 йиллар)
  8. Соҳибқирон Амир Темур (1370–1405 йиллар)
- (Аҳмад Дониш (1827–1897 йиллар, Бухоро) куйидаги тарихий шахсларни бу хизматнинг келиши давомчилари, деб тавсия этади: 9. Султон Ҳусайн Мансур Бойқаро, 10. Абдуллахон, 11. Саййид Субҳонқулихон, 12. Шоҳ Мурод Маъсум).

17 мартда бошланган ғорат туфайли барча бойликлар мусодара қилинди, олов тушиб, қуруқ ёғочдан қурилган, пардозига ёғ ишлатилган бинолар роса ёнди. Шаҳарда шу пайтгача қурилган иморатлар дегарли қолмади.

Тасодифми ёки сирли дунёнинг бир синоатими, тош қалъалар ҳам эриб кетган шу ёнғинда VII асрда қурилган бир минора омон қолади. Уни Арус минораси, тошни ганч билан оқартириб тиклаганларидан Миноратул байзо (**Оқ минора**) ҳам деб атар эдилар. Шу минорага Исо пайғамбар тушган, деган ривоят бор экан. Ёнғинда Умавийлар масжиди ҳам куйиб кул бўлган.

20 мартда олий ўрду Дамашқдан кўзғалиб, Ғутага келиб тушди. Соҳибқирон Самарқандга икки хат жўнатиш ҳақида амр этди. Бири Мўғулистонда турган Муҳаммад Султоннинг, иккинчиси Тумон оқанинг фарзандлар билан етиб келиши ҳақида эди.

Нусратнишон лашкар шу билан изига қайтди.

Темурбек қўшинни бир неча қисмга бўлиб, турли йўллар билан юриб тафтиш ўтказишни топширди. Тадмур, Антакия, Фирот йўналишлари бўйлаб бўлиниб кетдилар. Марказ Хўмс, Ҳама, Ҳалабдан ўтди, баъзи бебош тўдаларни жазолади. Шу юришда Султон Ҳусайн яхши ишлар қилган эди, Соҳибқирон гуноҳидан ўтиб, кўришди.

Мордин қалъасининг ҳокими ўтган юришда тавба-тазарру билан авф этилган эди, бироқ бу сифар на ўзи, на ўғли кўринди. Қалъа атрофи тап-тақир эди, уни қамал қилишга одам қолдириб, Аланчуққа бордилар. Ўн йилдан буён қамалда эди, ичкаридаги одамларнинг кўпи қирилиб кетган, қолганлари териларни еб аранг жон сақлаб турарди. Бу гал у ҳам олинди. Йўл гуржилар юртидан тушганда Гурген (*Георгий V*) таслим бўлиб, қўл қовуштириб чиқди.

Соҳибқирон Оллоҳдодни (*у амир Сайфиддин ҳожининг унисси эди*) Ашпарага юборди.

Яна барча қанот бирлашиб, йўлни давом эттирдилар. Мадоин, Насибин, Мовсулдан ўтиб, Дажлага етдилар. Дарёга кўприк қуриб, қўшин ўтди. Бағдодга юборилган оз сонли қўшин шаҳар қаршилиқ кўрсатаётганини билдирди. Бағдод қирқ кун қамал қилинди, ёзнинг айна қизиган пайти бу ерда туриш осон бўлмади. Ниҳоят, ичкаридагиларнинг ҳам силласи қуриди чоғи, 9 июлда, айна туш пайти Халил Султон, Шайх Нуриддин, Шоҳмалик шоти бойлаб, девордан ошиб тушганда айтарли қаршилиқ кўрсатмади. Шаҳар эгалланди, унинг вайрон бўлиши қисматида бор экан, қалъаси ер билан тенг қилинди (*шу фатҳ асносида шаҳар ҳокими саройидан олтин дарахт ўлжа қилиб олинади*).

22 июлда Соҳибқирон Абу Ҳанифа (*Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ад-Диноворий ал-имом ал-*

*азам, (699–767 йиллар), ҳанафия мазҳаби асосчиси)* мазорини тавоф қилди. Шундан сўнг Табризга томон йўлга тушди. Сина мавзеида Султониядан ташриф буюрган маликалар, шаҳзода Улуғбек Соҳибқирон дийдорига мушарраф бўдилар. Табризда илтифот ва очиқ юз билан кутиб олишди. Соҳибқирон уламолар билан суҳбат қилиб, оила даврасида йигирма кунни шу шаҳарда ўтказди.

Табриздан чиқиб, Ужон деган шаҳарчага етганларида Елдириим Боязиднинг уларга қарши келаётгани ҳақида хабар олинди. У Соҳибқирон Дамашқ томон кетганда Қора Юсуф туркмон ва Султон Аҳмад жалойир билан бирикиб, Арзинжонга бостириб кириб, уни эгаллаб олган, Тахуртанни эса асир тушириб, ўзи билан олиб кетган эди. Боязиднинг бу ҳаракати – Соҳибқироннинг иттифоқчисини босиши очиқча беписандлик, қолаверса, жиғига тегиш эди. Хабар келгач, Соҳибқирон Шоҳрух Мирзога Боязидга қарши боришни буюрди ва Грузия ҳудудларида бўлган бекларни ҳам Шоҳрухга келиб қўшилишини амр этди.

Шоҳрух қўшин билан Навин мавзеига етганда Боязид элчи юбориб, ўзини Соҳибқирон билан яраштириб қўйишини сўрайди. Бу ҳақда ҳазратга маълум қилганларида индамай қўяди. Боязид ярашишга астойдил иштиёқини намойиш этиб, Тахуртанни банддан озод қилади, унинг ўзини Соҳибқиронга элчиликка юборади. Шундан сўнг Шоҳрухга йўлдан қайтиш ва Табризга етиб келиш айтилади.

Бу пайтда Самарқанддан Туман оқа ва шаҳзодалар етиб келган эди, ҳаммалари дийдорлашиб, хушчакчақ бўладилар. Фақат Муҳаммад Султоннинг етиб келиши кечикаётган эди, маълум бўлишича, унга ҳамроҳлик қилиб келаётган ҳожи Сайфиддин Нишопурга етганда вафот этибди. Бу хабарни эшитиб, Соҳибқирон қаттиқ хафа бўлади, йиғлаб, «Инно лиллоҳи ва инно



илайҳи рожибуна», дейди, чунки Сайфиддин унинг энг эски дўстларидан, Жаҳонгир Мирзо (*марҳум*) ва Муҳаммад Султоннинг бек аткаси (*устози*) бўлган эди.

Соҳибқирон Нахичевонга бориб, Шоҳбуз дара-сида ов қилди. Ов Темурбекнинг бўш пайтларида энг яхши кўрган эрмаги эди. Айниқса, у Кавказнинг гўзал табиати қучоғида ов қилишни хуш кўрганини ўша замон тарихчилари ёзиб қолдирганлар. Шу кунларда Грузиядан Георгий V нинг укаси катта совға-саломлар билан келиб, акасининг сидқидилдан Соҳибқироннинг хизматига ўтганини, етарлича бож тўлаб, қўшинга лашкар юбориб туришга рози эканини маълум қилади. Соҳибқирон уни яхши ҳурмат қилиб, тўнлар кийдириб жўнатади.

Қоровултепада бир ой туриб, Ганжа ва Бардаъадан ўтиб, Қорабоққа келдилар. Бу йил қишни шу ерда кутиб олиш ва баҳорда Дашти Қипчоққа юриш қилиш нияти бор эди. Даштдан элчилар келиб, ўз садоқатлари ва тобеликларини изҳор этгандан сўнг юриш қолдирилади. Ниҳоят, узоқ кутилган меҳмон – Муҳаммад Султоннинг Ардабилдан ўтиб, Оқтомга тушгани хабари келади. Амирзода Шоҳрух бошлиқ шахзодалар, беклар пешвоз чиқиб, Ағлоқ дарёси бўйида Самарқанддан келаётган меҳмонни кутиб оладилар, бир-бирларига совға-саломлар тортиқ қиладилар. Соҳибқирон дилбандини оташин меҳр билан қучади, унинг мамлакатда ўтказган тадбирларидан хурсандлигини билдиради, эгар-югани олтиндан тўққизта от, олтин тож, олтин камар ва зарбоф тўн совға қилади.

Мўғулистонга ўзбошимчалик билан қўшин тортган собиқ Андижон ҳокими амирзода Искандар ҳам банди ҳолда келтирилган эди, уни сўроқ қилиб, жазо таёғи урилади ва гуноҳидан кечилади.

Шу қиш ичида Соҳибқирон шаҳзодалар – Пирмуҳаммад Умаршайх, Абубакр, Султон Ҳусайн, Халил Султонларни бош қилиб, тўрт томонга қўшин юборди ва ўз тасарруфидаги ҳудудларни назорат қилишни топширди, чунки Султон Аҳмад жалойирни Боязид ҳузуридан кетиб, Бағдодга боргани хабари келган эди. Абубакр бошлиқ гуруҳ Бағдодгача боради, бироқ жалойир яна қочиб кетади. Амирзодалар қиши билан айланиб юриб, эрта баҳорда Соҳибқирон ҳузурига келадилар.

Ҳазратнинг табиатида ҳар доим бунёдкорлик, вратувчанлик бор эди. Бир куни ов қилиб юриб, кўмилиб кетган эски ариқ устидан чиқиб қолади. У хийла катта бўлиб, чўзилиб кетган эди. Маълум бўлишича, эски подшоларнинг бири бу ариқни қаздирган, ундан эл маъмур ва обод бўлган. Кейинчалик ўз-ўзидан бекилиб кетган ва уни қайта қазишга кейинги ҳукмдорлар куч топа олмаган экан. Соҳибқиронда шу ариқни очиш фикри пайдо бўлади ва ҳаммани бу ишга сафарбар қилади. Бир ойда Аракс дарёсидан боши Кўшкчекишида бўлган, Сурхакўлгача чўзилган ўн йиғоч (**70 км.га яқин**) улкан ариқ қазилади. Унда кема ҳам суза оларди. Ариққа Барлос нахри деб от қўйдилар. Ундан кўп жойлар обод бўлди, боғлар, экинзорлар юзага келди. Ҳозир ҳам шу канал ҳаракатда, дейишади.

Албатта, Темурбекнинг довуғи узоқ-узоқларга тарқалган эди. Дунё бу улуғ лашкарбошининг фаолиятидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интиларди. Жумладан, унинг Европани ларзага солиб турган Боязид билан муносабатларини хушёр кузатишарди. Шу пайтларда (**баъзи манбаларда «Авник қалъасида турганда» дейилган**) Соҳибқироннинг ҳузурига қатор Европа мамлакатларидан элчилар келди.

Византия империяси (*Константинополь*)нинг вакили монах Франсуа ота агар Боязид билан урушда енгса, унинг давлати Темурбекка тобе (*вассал*) бўлишига тайёрлигини билдирди ва қайтиб боргач, Константинополь устида Темурнинг байроғини кўтардилар. Бу вассалликни тан олиш эди. Генуя, Венеция қиролларининг вакиллари Усмонли турк империяси билан кечадиган муҳорабада кемалар (*флот*) билан ёрдам беришга тайёрликларини билдирдилар. Тинчгина хоналарда кечган бундай музокаралар дунё тақдирига дахлдор эди.

Ғалвали дунё эса тинч турмасди. Хусусан, йўлларда қароқчилар пайдо бўлаётгани, улар қарвонларни талаётгани ҳақида хабарлар келиб турарди. Айниқса, Қора Юсуф ҳаддидан ошаётган, у Боязид паноҳида жон сақлаб, йўлтўсарликни авж олдираётган эди. Соҳибқирон уни даф этиш учун отланади. Бу хабар Рум (*ўша пайтда ҳозирги Туркия шундай аталган*)га етгач, ақлли кишилар Боязидга Темурбек билан уришиб бўлмаслигини, аксинча, у билан муроса йўлини тутиш лозимлигини уқтирдилар. Боязид уларнинг маслаҳатини қабул қилади ва Соҳибқирон ҳузурига совға-саломлар билан элчилар юборади. Соҳибқирон элчиларни яхши кутиб олади, Боязид билан мақсади бир хил эканини, у билан уришиш нияти йўқлигини изҳор этади. Фақат Қора Юсуфни ихтиёрига беришни талаб қилади. Бу фикрларини хат (2)да батафсил ифодалаб (*мазкур хатлар музейларда сақланган, ҳозир ҳам бор*), бир элчи билан Боязид ҳузурига бериб юборади. Аммо қиш чиқиб, баҳор келса ҳам Боязид томондан хабар бўлмайди.

Аста-секин қуролли тўқнашувнинг муқаррарлиги юзага чиқа бошлайди. Гарчи кун тартибида бу масала турса-да, Соҳибқирон қўшини бошлиқлари унинг оқибатидан чўчирдилар. Негаки, уч йилдир-

ки, умр сафарда ўтаяпти, ҳамма чарчаган, қўшинга дам бериш зарур. Бунинг устига Рум лашкари анча кучли, жанг кўрган, зафарлардан ғурури баланд, улар билан тўқнашиш осон кечмайди. Ақобирлар бу мулоҳазаларни Соҳибқирон олдида мавқеъи анча баланд бўлган Шамсиддин Муҳаммад Алмолиғий (*у киши элчи бўлиб Тўхтамиш ҳузурига ҳам борган эди*) орқали Соҳибқиронга етказадилар. Темур уларнинг фикрини рад этиш учун мунажжим мавлоно Абдулла Лисонни чақиради ва илми нужумда нима бўлса, яширмай очиқ айтишини сўрайди. Мунажжим юлдузлар илмидан фол очиб, бу йилги тақвимда Соҳибқирон лашкарининг толеъи баландлиги, рақибларининг эса омадсизлиги кўринаётганини айтди. Бу йил Зу дувоба (*юлдузи*) ҳамал буржида қуёш ботаётганда то шафақ кетгунча кўринаяпти. «Чун Зу дувоба ҳамал буржида зохир бўлса, машриқ (*шарқ*) соридин черики келиб, Рум вилоятини олғай ва Румнинг подшоҳи эликка тушгай», дейди Абдулла Лисон (*Шарафиддин Али Яздий*).

1402 йил 12 март куни қўшин Қорабоғдан қўзғалиб, Шамкур томон йўлга тушди. Кўчда бирга бўлган амирзодалар Улуғбек, Иброҳим Султон, кичик Муҳаммад Жаҳонгир, Ийжал, Бойсунғур, Суюрғатмиш Султонияга жўнатилди. Мингкўлга етганда Соҳибқирон яна Боязидга учинчи марта хат (*3*) ёзиб, элчи жўнатди. Мактубда Қора Юсуфни топширмаса, Фирот дарёси бўйидаги Камох қалъасини бериш сўралади.

Тартум қалъасида икки юз чоқлик киши бекиниб олиб, билганини қилиб юрарди, улар таслим бўлишни ҳам хоҳламадилар. Беш кунлик жангдан сўнг қалъа олинди, унинг бошлиғи Тағи узр сўраб келган эди, Соҳибқирон кечирди. Авникка етиб, икки ой ўтирдилар ҳам Боязиддан хабар келмас эди.

Соҳибқирон асло Рум ерларига зиён етказмоқчи эмаслигини, бундай нияти ҳам йўқлигини, бироқ Боязиднинг қилиғи буни хоҳламаётганлигини билдириб қўяётганини таассуф билан қайд этди-да, Румга томон юриш ҳақида фармон берди.

Камох дунёдаги энг мустаҳкам қалъалардан эди. У бир тоғ бошида барпо қилинган бўлиб, атрофи тўла боғу бўстон ва экинзор водий эди. Унинг мўъжизаларидан бири шу эдики, эрта баҳорда уч кун осмондан пишган ҳолда чумчуқ ёғиларди. Уларни териб, тузлаб, кўза ва хумларда сақлаб, йил бўйи истеъмол қилар эдилар. Қалъани эгаллашни Муҳаммад Султон бобосидан сўрайди, Соҳибқирон Самарқанддан келган меҳмоннинг раъйини қайтармай, илтимосини бажо қилади, Камохни фатҳ этишни Муҳаммад Султонга топширади, бошқа амирзода ва бекларни ҳам унинг ихтиёрига юборади. Ўзи Арзирумда туради. Қалъа ўн кун қаршилик кўрсатади, ўн биринчи кун таслим бўлади. Уни эгаллашда Муҳаммад Султоннинг йигитлари алоҳида жасорат кўрсатадилар. Қалъа деворига ҳам улар биринчи бўлиб чиқадилар.

Соҳибқирон Сивосга етганда Боязидга юборилган элчи Чимбой Рум элчилари ҳамроҳлигида қайтиб келади. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боязид элчилари орқали «мухолифат изҳорини» қилган. «Ва сўзларким, анча лойиқ эрмас эрди, айтиб йибарди ва Камох қалъаси учун номақбул сўзлар айтиб юбориб эрди».

Ибн Арабшоҳ, испаниялик Клавиho, яна бошқаларнинг гувоҳлик беришича эса Елдириим Боязид Соҳибқиронни очиқ жангга таклиф қилган ва рад этса, хотининг уч талоқ бўлади, деган: «Агар сен **(биз томонга)** келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу, мен сенга

қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин»... Темур унинг жавобидан хотинларнинг зикр қилган жойини ўқиб, хотима қилди, чунки хотинларга тил тегизиш уларда катта айб бўлиб, ғоят гуноҳ ҳисобланади» (*Ибн Арабшоҳ*).

Нима бўлганда ҳам, «қазодин муқаррар бўлган эмишким, Румни ҳазрат Соҳибқирон мусаххар қилгай» (*Яздий*), Боязид билан очиқ жанг қатъий қилиб қўйилади.

Урушга киришдан олдин Соҳибқирон одатига кўра қўшинни кўриқдан ўтказди. Лашкар Сивос саҳросига чорланади.

Ҳазрат ўша кун бир тепа устида турар, қўшин лаклак бўлиб, унинг қаршисидан ўтарди. Лашкар мукамал яроғланган эди, жангчининг бошидан отининг тирноғигача темир ичида эди. Ҳар бир бўлак Соҳибқиронга етишгач, бўлакбоши отдан тушиб, юкунар, ахборот бериб, Соҳибқиронга дил изҳорини баён этарди. Ҳазрат ҳам яхши сўзлар билан илтифот қилиб, бекни ва навкарларни руҳлантирарди.

Навбат Муҳаммад Султоннинг қўшинига келади. Самарқанддан яқинда келган лашкарнинг дунёда тенги йўқ эди. Ҳар бир бўлак алоҳида рангли кийим кийган, яроғлар тахт, ғалаба иштиёқида жўш урарди. Одатдагидек, Муҳаммад Султон ҳам отдан тушиб, бобосига ҳисоб беради. Соҳибқирон чексиз қувонч ичида ғарқ эди. Қаршисида келажаги, давлатининг эртанги эгаси, ўринбосари барқ уриб турарди. Бобо Муҳаммад Султонга энг эзгу тилақларини изҳор этди, юрагидан чиқариб дуо қилди:

*Ёмон кўздан сени Ҳақ асрасин,  
Паноҳида доим сени сақласин.*

«Зафарнома»

Тонгдан бошланган кўрик пешинга бориб тугади.

Соҳибқирон пешин намозини адо этиб бўлгач, Рум элчиларига қўшинни кўрсатишни буюрди. Элчилар бундай мислсиз кучни кўриб, тиллари айланмай, бўғинлари қалтираб қолди. Эртаси Соҳибқирон элчиларни кузатар экан, кўрганларини Боязидга айтишларини сўради.

– Бизга вилоятингизга ғазо ва жиҳод билан бориш оғир, бовужудким, унга бир ўғлини бизнинг ихтиёримизга юборишини айтдик, қачонки, у ўғли биздан отасидан кўрмаган ҳурматни кўрарди, юбормади. У йўлидан адашди, – деди Соҳибқирон.

Шунинг билан то рўй бергандан буён баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келаётган, тайёрланиши, амалга оширилиши, оқибати юзасидан минглаб тахминлар билдирилган, лекин натижаси – Соҳибқироннинг тўла ва узил-кесил ғалабаси – аниқ бўлган, бир дин, бир миллатдан келиб чиққан икки буюк кучнинг тўқнашувига олиб келган ҳарбий жаралар бошланиб кетди.

\* \* \*

Катта жанг арафасида таъбни жойига келтиришдек юмуш – Ҳорук қалъаси ҳам ерга тенг қилинди. Нусратнишон лашкар Қайсарияга кирди, авжи пишиқчилик эди, етарлича озуқа ғамланди. Қисқа-қисқа маневрлар билан Анкурия (**Анқара**)га юзланилди. Шоҳмалик бошлиқ минг киши разведка (**мухобарат**)га бориб, Боязид Қиршаҳрда эканини аниқлаб келди. У ҳам муҳораба тадориги билан Анқарага яқин келганди. Икки томонда кўз илғамас даражада сонсиз лашкар бағрини ерга босиб ётарди. Баъзи йилномаларда ўшанда Боязид ихтиёрида 400 минг киши борлиги қайд қилинган. «Қайсар тўрт юз

минг отлик ва пиёда аскарни билан менга юзланди», дейилади «Темур тузуклари»да ҳам **(67-бет)**.

Европада ғолибона от сурган турк лашкарининг тайфияти жанговар эди. Айниқса, яничарларнинг дамига одам яқинлашолмасди.

Усмонли турк султонлари асирга тушган ёки отаси жангда ўлдирилган болаларни йиғиб **(уларнинг кўпи грек, арман, румин, поляк, венгр, грузин ва бошқа миллатдан бўларди)**, мусулмончиликни қабул қилдиран ва эсини танигандан ҳарбий иш билан шуғуллантирарди. Улар давлат томонидан парвариш қилинар ва султонни «ота» деб биларди. Мурод I даврида уларга «янги черик **(жангчи)**» – яничар **(ёки оддий – янчар)** деган ном берилди ва яничарларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Уларнинг ўз ахлоқ кодекси бўлиб, унда амал қилиш шарт бўлган талаблар белгилаб қўйилганди **(жумладан, уларга уйланиш таъқиқланади)** ва шу кодексга қасамёд қилиб, яничарлар сафига кирарди. Уларга Бектоший сулукидаги қаландарлар қарашларига асосланган диний тарбия берилади. Яничарлар элита **(сараланган)** жангчи ҳисобланарди, уларнинг ҳарбий тайёргарлиги жуда юқори бўлиб, «Ўзинг ўлишдан олдин бошқани ўлдир», шиорига амал қилишарди. Яничарлардан ташқари турк армиясида серб отликлари **(сипоҳийлари)** ҳам жуда машҳур эди. Ҳозирча яничарлар ва сербларни ҳеч ким тўхтата олмаган эди.

Кейинчалик ҳарбий тарихчилар бу тўқнашувнинг кўп қирраларини синчиклаб ўргандилар. Анқара яқинидаги жангда Соҳибқирон Темурбекнинг ҳарбий даҳоси чинакамига намоён бўлганини тан олдилар, Соҳибқирон ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, рақибнинг ўз уйида шундай позицияни эгаллайдики, бу ҳали ўйин бошланмасдан олдин ғалабани таъминлаш билан тенг эди. Тезкорлик, қўшин тайёрлиги да-



ражасининг баландлиги сингари омилларга суяниб, Соҳибқирон вақтдан ютади, Боязид сезмаган ҳолда уни қопқонга туширади.

Эртага юз бериши кутилаётган издиҳом арафасида ҳазрат Соҳибқирон тонггача ухламай, кечани жойнамоз устида ўтказади. У Яратганга илтижо қилиб, ҳозиргача эришган ғалабаларининг мададкори Ўзи бўлганини ва эртага ҳам умиди Ўзидан эканини такрорлаб чиқади.

Қўшиннинг ўнг қўлида амирзода Шохрух, сўл қўлида амирзода Мироншоҳ туради. Илғорни амирзода Абубакр бошқаради. Марказ (**ғўл**) эса Соҳибқироннинг ўзига бўйсунди. Марказнинг олдида Муҳаммад Султон бошлиқ Самарқанд қўшини жой олади. Йигирма минг киши Соҳибқирон байроғининг ҳимоясига қўйилди. Ўрдадаги филларга темир ниқоблар кийдириб, устига мерганларни ўтиргизиб, олдинга соладилар.

Боязид ҳам лашкарини ўзича тузди. Ўзи **ғўлда**, орқасида ўғиллари – Мусо, Исо, Мустафо турди. Бир томонни сербларнинг Стефан Лазар ўғли (**1389–1427 йиллар, Боязид унинг синглиси Мария Оливерага уйланган эди**) бошлиқ рицарлар, иккинчи томонни Боязиднинг яна бир ўғли Мусулмон Чалабий эгаллайди.

Бу жанг инсоният тарихида ҳозиргача бўлган тўқнашувларнинг энг каттаси эди. Унда бир миллионга яқин одам иштирок этади. Бу жангни дунё икки қутбга бўлиниб кузатиб турарди. Соҳибқироннинг ғалабаси бутун Европа учун керак бўлса, Ироқ, Сурия, Миср, Русь Боязидга кўз тикканди.

1402 йил 20 июль, жума куни тонги отди. Соҳибқирон жанг майдонида одатига кўра отдан тушди-да, икки ракъат намоз ўқиб, **ғўлга** келиб турди. Ҳамма ўз ўрнини эгаллаган, ҳазратнинг битта ишо-

расига маҳтал бўлиб турарди. Абубакр душманнинг сўл қанотига от қўйди. Турон лашкарининг шиддати кучли эди, рақиблар дош беролмайди. Соҳибқирон амирзода Муҳаммад Султоннинг сараланган лашкарини серблар устига йўналтирди. Серблар бошдан охир темирга ўраниб олган, фақат кўзи йилтиллаб кўринарди. Самарқандликлар шердек ташландилар, гўё уларни тўхтатадиган куч дунёда йўқ эди, уларнинг қўли баланд келди. Шундан кейин Шоҳрух ва Мироншоҳ бошлиқ ўнг ва сўл қўлдаги қўшин жангга кирди. Майдон зарбдан зир титрар, ноғораю нафирларнинг овози, одамларнинг қийқириғи, отларнинг пишқириғидан пайдо бўлган шовқин еркўкни ларзага келтирган эди. Бунақа даҳшатни дунё кам кўрган. Унинг шиддати олдида худди шу жойда бўлиб ўтган эрамизгача 66 йилда саркарда Помпейнинг подшо Митрадат VI билан уруши болаларнинг ёқалашишига ўхшарди. Чошгоҳга яқин Боязиднинг лашкари тирқираб чекина бошлади. Уни қуршаб турган яничарларнинг сўнггиси тирик қолгунча ўзи ҳам чидади-да, охири бўлмагач, майдондан шартта қочди.

Зафарнишон қўшин Анқарага кирди. Хуфтон намози пайтида Боязидни тутиб келтирдилар. Соҳибқирон унинг қўлини ечиб, ҳурматини жойига қўйиб, ҳузурига олиб киришларини буюрди. Уни кўргач, бўлиб ўтган ишларни баён этиб, агар у ўжарлик қилмаганда, бундай шармандали ҳол юз бермаслигини эслатди.

– Агар мен сенинг қўлингга тушганимда нима қилишинг аниқ эди, лекин мен сенга ва сенга яқин кишиларга ёмонлик қилмайман, – деди Соҳибқирон. Боязид ўз қилиғидан пушаймон бўлиб, гуноҳидан кечишини сўради ва жангда ўзи билан бирга бўлган ўғилларининг тақдирини билгиси келди. Соҳибқирон

унга подшоҳона тўн кийдирди ва яхши сўзлар билан кўнглини олди.

Бир неча кундан кейин Мусони топиб келдилар.

Боязидга подшоҳона оқ уй тикиб бердилар. Кейинчалик унинг оиласи Бурсадан келтирилди. Серб маликаси Мария Оливер Деспина Соҳибқироннинг талаби билан мусулмон бўлди.

Рум таслим бўлди. Улуғ пир Зайниддин Абубақр Тайободий 1357 йилда Темурбек билан илк учрашувда маълум қилган башорат ўз тасдиғини топди. (*Авлиё 1389 йилда ёлғон дунёдан рост дунёга риҳлат этган эди*). Бу воқеанинг давоми халқ китобларида жуда таъсирчан ифодаланган.

Соҳибқирон тилидан шундай ҳикоя қилинади: «Рум мамлакатини ўзимга бўйсундириб қайтгач, қутб ул-орифин шайх Садриддин Ардабилий хизматига бордим ва ундан қутбларнинг бирига мулозимат кўрсатай, деб илтимос қилдим.

Шайх дедиларки:

– Солон тоғида бир булоқ борки, суви гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ бўлади. Ана шу булоқда бир киши келиб таҳорат қилади. Қутб ўша одамдир.

Булоқ бошига бориб, кутиб ўтирдим. Тонг пайти бир киши келиб, булоқда таҳорат қилиб намоз ўқиди. Иккинчи, учинчи кунлари ҳам шу ҳол такрорланди. Қарасам, бир одам эди. Шайх хато қилмадими, деб ўзимча ўйладим. Унга қараб хитоб қилдим:

– Эй саййид оға Али, мен сени аскарларимнинг энг қуйи мансабида билардим, бундай юксак мартабага қандай эришдинг?

– Мен қутб ул-ақто (*яъни Абубақр Тайободий*)нинг амри билан салтанатинг бошидан давлатинг мададкориман, – деб жавоб берди. У менинг мирохўрларим (*баъзи китобларда «отбоқарларим»*) қаторида эди.

Шундан кейин намозга машғул бўлди. Мен унга иқтидо қилдим ва унинг иқтидосидан ҳузур топдим. Намоздан бўшагач, деди:

– Ё амир, сен шу лаҳзада Худойи таоллонинг меҳмонисан. Меҳмон мезбондан ҳар не тиласа, топғусидир. Тила тилагингни.

Мен имон талаб қилдим. Шунда дедики:

– Имон Оллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад билан барқарордир ва у бир шаҳардики, унинг ташқарисидан «Унга ибодат қилинлар, Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир» дерлар.

Шундан сўнг бошини саждага қўйди. Бориб, бошини кўтарсам, омонатини топширган экан. Ўта афсусланиб, шайхнинг ҳузурига қайтиб келдим. Кўрган воқеаларимни унга маълум қилдим.

Шайх айтдики:

– Давлат низоми ва воқелар йўриғида мулк олмоқ ва бировга бермоқ Худойи таоллонинг пайғамбари қўлидадир. Ҳар бир давлатда қутблардан бири вакиллик қилади. У давлатни қўллаб-қувватлайди. Қутб оламдан ўтса, унинг ўрнига бошқаси тайинланмаса, бундай давлат заволга юз тутаети, – ва дедики, – Қайсар (*Боязид*)нинг давлатига Оллоҳ кишиларидан бири вакил эди, у дунёдан ўтгач, сен зафар топдинг...» (*«Темур қиссаси», 2008 йил, «Фан», 30–31-бетлар*).

Рум эгаллангач, Соҳибқирон унинг вилоятларига ўз кишиларини юборди. Мамлакат пойтахти Бурсага Муҳаммад Султон жўнатилди. У беш кунда Бурсага етди. Ундан олдин Мусулмон Чалабий пойтахтга келган ва отасининг хазинасидан бир қисмини олиб, кема билан қочган эди. Денгизда Венеция, Генуя, Византия кемалари турар ва улар қочиб келган туркларни хавфсиз жойларга элтиб қўярдилар. Соҳибқирон

туркларнинг қочиб кетаётганга атайлаб эътибор бермайди. Кемачилар ўшанда олган арзимаган пуллар эвазига ўзлари учун қабр қазийётганларини сезмас эдилар. Омон қолган турклар Соҳибқирон қайтгач, яна ўз қадларини тиклаб оладилар ва орадан эллик йил ўтиб, Константинополни эгаллайдилар. Бу Византия империясининг қулаши эди.

Бурсада жуда катта бойлик бор эди, уни келтириб Соҳибқиронга топширдилар. Боязиднинг оиласи ҳам шу шаҳарда эди, Соҳибқироннинг хоҳиши билан унинг катта қизига Абубакр Мирзо уйланади.

Бурсада қўлга олинган хазиналар орасида муқаддас диний ёдгорлик – муқоваси оҳу терисидан ишланган, халифа Умарнинг ўзи мутолаа қилган Қуръони карим нусхаси борлигини академик Рустан Раҳмоналиев қайд этиб ўтади (*122-бет*). Бу далилни кўплаб ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам тасдиқлайди. Ҳақиқатан, ҳозир муборак юртимизда Қуръоннинг нодир нусхаси мавжуд ва унинг бу ёқларга келиб қолиши ҳақида турли фаразлар билдирилган.

Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад (*с.а.в*) вафотларидан кейин Қуръонни ёзиб олиб китоб ҳолига келтиришга киришилди. Бу юмуш халифа Абубакр Сиддиқ (*632–634 йиллар*) даврида бошланиб, халифа Усмон (*644–656 йиллар*) ҳукмдорлиги даврида поёнига етказилди. Ўшанда муқаддас китобдан 6 нусха тайёрланган экан. Ҳозир улардан иккитаси Мадина ва Маккада, иккитаси Миср ва Туркиядадир. Бир нусхаси Мадинада масжидга ўт кетганда куйган экан. Олтинчи нусхаси эса Тошкентда. Уни мамлуклардан чиққан Миср султони Бейбарс (*1277 йилда вафот этган*) Дашти Қипчоқ хони Беркахонга (*1209–1266 йиллар*) дўстлик, қардошлик рамзи сифатида тақдим этган, деган тахминлар ҳам бор экан. Соҳибқирон Тўхтамишни енгач, бу нусха-

ни қўлга киритган ва уни Самарқандга олиб келган. Нима бўлганда ҳам, қайси йўл билан келмасин, мушайян юртимизда муқаддас Куръони каримнинг бир асил нусхаси борлиги ҳақиқат!

Соҳибқирон Анқарадан Кутахияга келади ва шу ерда Румда эришилган ғалаба шарафига катта тўй бўлади. Бу зафар ҳақида фатҳномалар ёзиб, Форс (*амирзода Рустам*), Кобул (*амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир*), Самарқанд (*амирзода Умар*) ва бошқа мамлакатларга юборилади. Амирзода Халил Султон бошчилигида бир гуруҳ жарчиларга эса бутун салтанат бўйлаб бу ғалабани маълум қилиш вазифаси юкланади. Улар Хитой чегараларигача бориб, Соҳибқирон эришган зафарнинг хушхабарини етказадилар. Жарчилар бу шарафли юмушни кўнгилдагидек адо этиб, 1404 йил 18 апрелда яна олий ўрдуга келиб қўшилдилар, деб қайд этади Низомиддин Шомий.

Соҳибқирон олий ўрдусидан дунёнинг турли бурчакларига ҳар хил мазмундаги хатлар парвоз қила бошлади. Уларнинг бирида бош қароргоҳнинг хоҳиш-иродаси ифода этилган бўлса, бошқасида императорлар, қироллар, диний арбоблар ва ўзга тоифа ҳукмдорларнинг ҳазратга илтифот ва садоқат кўрсатган мурожаатларига жавоб қайтарилганди. Анқара ёнидаги ғалабадан сўнг Соҳибқирон Темурбек ер юзининг энг обрўли шахсига айланган эди.

Анқара шахри яқинида эришилган зафарнинг акс-садоси турлича таралди.

Ўша пайтда Кичик Осиёда бўлган Испания қиролининг икки элчиси Пайо Гомес де Сотомайор ва Эрнан Санчес де Паласу Элос Соҳибқиронни ғалаба билан ўз мамлакатлари ҳукмдори номидан табриклайди.

Бугунги кунда архив хужжатлари Соҳибқиронга Трапезун императори Мануэлдан элчи (1402 йил, март) келганини, музокаралар натижасида Ион Полеолог Темурбекка 20 та кема беришга тайёр эканини билдирганини (15 май) ҳикоя қилади. Шунингдек, ҳазратнинг қароргоҳига 1403 йил май ойида Франция қироли Карл (Шарл) VI, Кастилия қироли Генрих III, Англия қироли Генрих IV нинг элчилари ташриф буюрган. Шубҳасиз, бу ташрифлар муҳим халқаро аҳамиятга эга бўлиб, уларда бутун дунё тақдирига дахлдор масалалар муҳокама қилинган. Музокаралар ва ёзишмаларнинг мазмуни ҳақида ҳозиргача етиб келган хужжатлар аниқроқ сўзлайди.

Франция қироли Карл VI га ёзилган хатда 1402 йил 1 август санаси қайд этилган. Хат жавоб тариқасида бўлиб, ёзишмалар олдин ҳам давом этган. Мактуб католик архиепископи монах Иоанн орқали жўнатилган. Бу хатнинг асли ҳозир ҳам сақланган. Демак, Румдаги воқеалар ҳеч кимни бифарқ қолдирмаган.

Бир ойдан сўнг Фракия яқинидаги Олтинтош мавзеига ўтдилар. Шу ерда Соҳибқирон Боязидни ҳузурига чақиртирди, яхши зиёфат уюштириб, Рум вилоятини унга берди.

Шундай нақл қиладиларки, зиёфатда меҳмонларга аёллар ҳам хизмат қилар эди. Боязид разм солиб қараб, хотини, келин ва қизларини таниди. Бу ҳолдан ғурури уйғониб, изтиробга тушди ва беихтиёр Соҳибқиронга ёзган хатида келтирган талоқ ҳақидаги сўзларини эслади.

Кузнинг охирларида Султон Маҳмудхон вафот этади. У Соҳибқирон даргоҳидаги Чингизхон наслининг сўнгги вакили эди. Маҳмудхон Анқара жангида жасорат кўрсатган, Боязидни тутиб келган эди.

Соҳибқирон ўтмишга, улуғ боболарининг аҳду пай-  
монига ҳурмат сифатида уни сўнгги пайтгача «хон»  
унвонида сақлаб келди.

Соҳибқирон қишни ҳар бир шахзода алоҳида  
худудларда ўтказишини амр қилди. Шундан кейин  
ҳазрат Тўнғузлуғ, Гўзал, Аяслиқ, Тира шаҳарларида  
тўхтаб, мамлакат аҳволи билан танишади.

Туркия (*Рум*) султониغا жавобан амалга оширил-  
ган ҳарбий ҳаракатларнинг асосий юмушлари орт-  
да қолган эди. Мовароуннаҳр қўшинининг ғалабаси  
жуда катта тарихий воқеа эди. Айниқса, «шамолдан  
ҳам тез» Елдиirim Боязид олдида зир қақшаб турган  
Европа учун бу ҳалокатдан омон қолишдек гап эди.  
Агар турклар Ғарбга кўз тикканда, шубҳасиз, Гиб-  
ралтар бўғозига бемалол чиқардилар. Аммо балони  
даф этиш учун бўлган саъй-ҳаракатлар зое кетмади,  
икки қардош қавмининг ёқалашини билан Европа  
худудлари дахлсиз қолди. Бобокалонимизни улар  
шу хизмати учун «Европа халоскори» деб атадилар,  
ҳайкаллару обидалар тиклаш билан эътирофларини  
изҳор этдилар.

Ҳақиқатнинг иккинчи қирраси шундан иборат  
эдики, мағлубиятдан сўнг Усмонли турк империяси ўз  
салоҳиятини йўқотди, ўзини ўнглаб олиш учун неча  
ўн йиллар керак бўлди. Бу фурсат эса уларнинг энг  
асосий рақиби Константинополь (*Византия импе-  
рияси*)нинг умрига умр қўшарди. Шундай қилиб, им-  
перия яна 50 йил яшади. Ниҳоят, турклар 1453 йилда  
Константинополни эгалладилар (*унга «Истанбул»  
деган янги ном бердилар*), шу билан Византиянинг  
куни битди.

Кичик Осиёда кенг миқёсли муҳорабалар давом  
этарди. Ҳали ғалабани тан олмаётган, Турон лашкари  
тасарруфига ўтмаган қалъалар, бошқа худудлар бор  
эди.



Измир шахрида иккита қалъа бўлиб, бири мусулмонлар, бири ғайридинлар ихтиёрида эди ва бу икки қалъа муттасил бир-бири билан жанг қиларди. Измирни Султон Мурод ололмаганди, Боязид ҳам етти йил камал қилиб, мақсадига етолмаганди. Соҳибқирон 2 декабрда жами кучни Измирни эгаллашга сафар бар қилди ва икки ҳафтага қолмай бу ишни уддалади. Ҳамма, жумладан, Боязид ҳам ҳайрон қолади ва Соҳибқирон илоҳий қудрат эгаси эканлигига қатъий ишонади. Қалъага яқин келгач, Франция кемалари унинг ўрнида йўқлигини кўриб ажабланишади. Улар томонга шахид бўлганлар бошини раъдга солиб отганларида, ваҳимага тушиб, қочиб қолдилар. Фўча (**Фавжа**) қалъаси франклар қўлида эди. Соҳибқирон унга Муҳаммад Султонни юборди. Қалъадагилар қўрқиб, тобеликни тан олдилар. Шахзода яна олдин турган шахри – Мағнисияга қайтиб кетди.

Боязиднинг ўғиллари Мусулмон ва Исо элчилар юбориб, Соҳибқироннинг хизматига тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Ҳазрат уларнинг таклифини мамнун қабул қилди. Мусулмонга Асразия вилоятини берди.

Боязид касал бўлиб қолади, унга табиблар муолажа қилиб турадилар. Фараҳобод қалъаси эгалланиб, олий ўрду Оқшаҳарга бораётганда чопар келиб, Муҳаммад Султоннинг ҳам саломатлиги бузилганини хабар қилади. 9 мартда Елдиirim Боязиднинг нафас қисиш ва иқрис (**водянка**) касали билан вафот этгани хабари келади. Бу фожиадан Соҳибқирон қаттиқ хафа бўлади, унга Рум мамлакатини қайтариб бермоқчи эди. Ўғли Мусулмон Чалабийни чорлаб, таъзия билдиради, эгар-жабдуғли юз от совға қилади, унга Бурсани ҳам бериб, отасини ўша ерда подшоҳлар тартиби билан дафн этишни тайинлайди.

Мағнисиядан яна Муҳаммад Султоннинг аҳволи яхшиланмаётгани ҳақида хабар келади. Соҳибқирон

набирасидан жуда хавотир олиб, унинг ҳузурига йўл олади. Бориб кўрдик, дард жуда оғир, шаҳзода таниролмас эди. Ўша кун уни маҳоратига солиб кўнайдилар. Қорахисордан бир оз ўтганларидан кейин амирзоданинг жони узилди. Ўша кун 1403 йил 13 март, душанба эди. Муҳаммад Султон 27 ёшда эди, ундан уч ўғил ёдгор қолади.

Бу йўқотиш ҳамманинг дилини вайрон қилади, ёқани йиртиб, бошларидан тупроқлар сочиб, фарёд чекиб мотам тутадилар. Шаҳзоданинг жасадини икки юз киши билан Султонияга юборадилар. Дастлаб шу ерда муваққат дафн этилади, сўнгра Самарқандга кўчирилади.

Муҳаммад Султон Соҳибқироннинг тўнғич фарзанди Муҳаммад Жаҳонгир ва Ўзбекхон авлодидан бўлган Хоразм маликаси Хонзодахоним никоҳи (1373 йил)дан туғилган эди. Тарихчиларнинг қайд этишича, ҳазрат Жаҳонгир Мирзони бошқа фарзандларидан ортиқчароқ суйган ва уни тахт ворислигига лаёқатлироқ, деб ҳисоблаган. Афсуски, у 20 ёшида вафот этиб кетган эди. Соҳибқирон кейин умид кўзини Муҳаммад Султонга қаратди, унинг баркамол улғайиши учун барча имкониятни яратди. Набира ҳам умидбахш фарзанд эди, Яратган унга етарлича ғайрат-шижоат, ақл-фаросат ато этганди. Уни Соҳибқирон ўз сафарларида бирга олиб юриб, ҳарб ишини ўргатди, жанг майдонидаги ҳаракатларини кузатиб, ишончи мустаҳкамланди. Тўхтамиш устига юришда мустақил лашкарбоши сифатида намоён бўлганда Муҳаммад Султон 17 ёшга ҳам тўлмаганди. Шу муҳорабада ҳеч ким эпполмаган юмушларни адо этганди. Беш йиллик юришда кўшиннинг илғор (*авангард*) қисмини бошқариб, зафарларга йўлбошчи бўлганди. Руснинг йирик шаҳарларидан – Москвани ҳам Муҳаммад Султон

бошлиқ кўшин забт этганди (1395 йил, май). Хитой юришида муҳим нуқта ҳисобланмиш Ашпара қалъасини бунёд этишни ҳам бобоси унга ишониб топширганди. Соҳибқирон пойтахтни етти йил тарк этишни мўлжаллаган энг улуғ сафарида мамлакат тақдирини Муҳаммад Султонга бағишлаганди – уни Самарқандга ҳоким қилиб тайинлаганди. Сара турк лашкари билан юзма-юз тўқнашув аниқ бўлиб қолгач, бобоси набирани кўмакка чақирди. У олий даражада тайёрланган кўшини билан ҳозир бўлди ва Анқара ҳужумида туркларнинг энг ишонгани – серб сипоҳийларини янчиб ташлади, сўнгра пойтахт Бурсани фатҳ этиб қайтди. Охирида французлар химоясида бўлган Фуча қалъаси ҳам унга тиз чўккан эди...

Шубҳасиз, ҳали 30 га ҳам тўлмаган йигитнинг бундай шонли ғалабалари ҳар қандай ҳарбийнинг ҳавасини келтиради. У салоҳиятли олим, шоир, хушнавис хаттот эди. Оллоҳ унга ҳадсиз иқтидор берганди, таассуф, пешонага сиғмади. **(Бу «пешона» жуда тор экан).**

Ҳазрат Соҳибқирон бутун борлиғи билан Муҳаммад Султоннинг келажагига ишонарди ва уни муносиб вориси (**валиаҳди**) ҳисобларди. Афсуски, ҳар қанча умидлар, илтижолар уни ёмон кўзлардан асрай олмади.

Муҳаммад Султоннинг вафоти мисли кўрилмаган йўқотиш эди. Бу бутун имкониятлар ишга солиниб тикланган, жами орзулар мужассам бўлган иморатнинг қулашидек гап эди. Бу йўқотиш нафақат Турон лашкари ёки Амир Темур учун мислсиз фожиа, балки кейинчалик Темурийлар сулоласи деб аталган, сўнги вакиллари Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган, бутунги кунда бутун миллатимизнинг бўй-бастини белгилашда мезонга айланган тарихий юксакликнинг хира

тортиши эди. Агар Оллоҳ таоло Муҳаммад Султонга узоқ умр ато этганда, инсоният тарихи бошқачароқ кўриниш касб этган бўларди. Бу мотамнинг кўлами ана шундай теран дардли эди.

Соҳибқирон бу синоат қаршисида лол эди. Бу кўргулик нимадан дарак бериши, қайси хулқининг жазоси эканини мушоҳада қилишдан ақли ожиз эди. У ўткинчи дунёда умри боқий эмаслигини билар ва Оллоҳдан муттасил муносиб ворис – ишларининг давомчисини тиларди. Муҳаммад Султон бутун борлиғи билан у орзу қилган даражага етган эди. Тақдирнинг бу зарбаси эса уни барча порлоқ умидларидан мосуво этди.

Ҳамма мотам ичида қолди. Шундай шароитда мусофир юртда, душманлар қуршовидаги улкан жанговар қўшиннинг бошида турган биринчи шахс сифатида Соҳибқирон ўзини йўқотишга ҳаққи йўқлигини сизди ва иродасини қўлга олди. Агар бу кулфат қаршисида қуласа, бутун жамоат, Турон салтанати йиқилиши, охир-оқибат ҳаммаси йўқ бўлиб кетиши муқаррар эканини сизди ва гамни чекинтирди. Ортиқча оху фарёд бефойда эди.

Қўшин қоп-қора кийиниб йўлда давом этар, кўплар отларига минмай пиёда кетарди. Беклар ҳазратга юкуниб, лашкарнинг қора кийиниши яхшилик аломати эмаслигини айтадилар. Шундан сўнг Соҳибқирон таъзия либосини ташлаб, бошқа тўнлар кийишга ҳукм қилади.

\* \* \*

Олти ой олдин, Боязид енгилгач, Қоҳирага элчилар жўнатилиб, Миср подшосидан Аталмишни озод қилиш, масжидлардаги хутбада Соҳибқирон номини зикр этиш талаби қўйилган эди. Ғалабадан сўнг Миср султони Носир Фараж бу таклифларни кўрққанидан

бош устига қабул қилади. Шу кунларда Аталмиш ва элчилар ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўладилар. Соҳибқирон элчилардан Фаражнинг тақдирини сўрайди. Унинг Дамашқ фатҳидан кейин тахтдан мосуво бўлиб, тентираб юрганини эшитгач, афсусланиб, «Фараж отадан эрта етим қолиб кўп қийналди (*отаси султон Барқуқ вафот этганда (1399 йил) Носир Фараж 10 ёшида бўлган*), унга ёрдам бериш бизга вожибдир», дейди.

Хулогухон Эронга ҳукмдор бўлиб келгач, Мангуқоон унга бир тўп Дашти Қипчоқ элини қўшиб юборган, улар мусофирликда яшашарди. Соҳибқиронда шуларни (*улар «қора тоторлар» дейилган*) Самарқандга кўчириш фикри пайдо бўлади. Амасия ва Қайсарияда яшаётган 30–40 минг уйли қора тоторлар Самарқандга кўчириладиган бўлди.

Арзинжонга етганда Султониядан амирзодалар ва маликалар келишди. Хонзодахоним ўғли Муҳаммад Султоннинг вафотига аза очди, элга ош-нонлар тарқатиб, дуо-фотиҳалар билан марҳумни ёдга олдилар.

Мордин ҳокими Султон Исонинг қизини Абу-бакр Мирзога қаллиқ қилдилар ва Соҳибқирон набирасини Бағдодга қайтариб юборди. Унга Бағдодни обод қилиш, Султон Аҳмад ва Қора Юсуфни (*у Бағдодни эгаллаб олганди*) жазолашни тайинлади. Пирмуҳаммаднинг эски гуноҳидан кечиб, уни Шерозга тайинлади, Рустамга эса Исфаҳонни берди.


Ширвондан шайх Иброҳим, Табриздан Баён қавчин совға-саломлар билан юкуниб, ҳазратнинг йўлига чиқди. Гуржистон подшоси Гурген ҳамон сўзида турмас, мусулмончиликни қабул қилмас эди. Ўша томонга Шайх Нуриддин юборилди, гуржилар тоғларга қочдилар. Айни пишиқчилик эди, лашкар ғаллаларни ўриб, янчиб, донларни ўрдуга олиб келдилар.


Картин қалъаси икки қоя орасида ўринлашган, жуда мустаҳкам жой эди. 24 июлда Соҳибқироннинг ўчи қўшинни бошлаб, унга яқинлашди, бироқ гуржилар итоат қилмадилар. Қалъани эгаллашдан бошқа йўл қолмади. Унинг ёнида ўша баландликда минора тикладилар. Ипақдан арқонлар эшиб, шотилар боғлаб, 12 август кечаси дуои такбир айтиб шундай босдиларки, гуржилар бу офат ерданми, осмондан эканини билмай қолди ва таслим бўлди.

Шундан кейин қурултой чақирилди, унда уламо-лар ва беклар абхазларни мусулмончиликка киритиш таклифини билдирдилар. Шоҳмалик ва Шайх Нуриддиннинг Абхазияга юриши сентябрнинг охирларига тўғри келди. Бу ўлкадаги фатҳларни эшитган Гурген тавба-тазаррулар билан элчи юборди. Соҳибқирон Тифлисга йўл олди.

Байлақон қадимий шаҳарлардан ҳисобланиб, айни пайтда вайрон бўлиб ётар эди. Соҳибқирон унга яқин Қорабоғда ариқдан ташқари Жамшид саройини қурдиргач, Байлақонни обод қилишни кўнглига тугиб қўйганди. Кун совуқ бўлишига қарамай, мазкур юмушга киришилди. Бир ойда пишиқ ғиштдан иморатлар тикланди, 1300 м. қалъа девори (*эни 6 м., баландлиги 8 м.*), хандақ (*эни 16 м., чуқурлиги 11 м.*) барпо этилди. Шаҳар битгач, унга Арас (*Аракс*) дарёсидан 35 км. узунликда, 7,5 м. кенликда ариқ қазилиб, сув олиб келинди. Бу юмушлар ҳам бир ойда битказилди.

Байлақонда ободончилик ишлари поёнига етиб, шаҳар ҳусни очилгач, ҳазрат Соҳибқирон унда анжуман чақиради. Олимлар, диндорлар, тақво ва фазл аҳли йиғилган бу машваратда турли мавзуларда, хусусан, ислом динининг ривожини ва сўфийлик тариқати ҳақида баҳс-мунозаралар бўлади.





Етти йиллик юриш (1399-1404 йиллар)



Анжуманнинг навбатдаги кунларидан бирида уламо ва фузалога мурожаат қилиб, Соҳибқирон айтади:

– Олимлар ҳар замонда подшоларга маслаҳатчи бўлганлар, хайрли ишларга йўллаб, номуносиб ишлардан қайтарганлар. Сизлар эса негадир менга ўз фикрларингизни изҳор қилмаяпсизлар.

**Мажлис аҳли:** «Биз сизга йўл кўрсатадиган даражада эмасмиз. Сизнинг барча ишларингиз ва сўзларингиз яхши ва тўғри».

**Соҳибқирон:** «Сизлар менга хушомад қилаяпсизлар, мен эса хушомадни ёқтирмайман. Мақсадим шуки, сизлар турли вилоятлардан келгансиз, яхши-ёмонни биласиз. Ҳукмдорлар, давлат кишиларининг ишларидан менга хабар берингизки, одамларга зиён етмасин. Қаллоблар, золимлардан ожизу фақир, мискинлар жафо чекмасин».

Шундан кейин ҳар ким билганини изҳор этади.

Соҳибқирон ўша мажлисдан кейин илму тақво ва зуҳду фатво билан машғул бўлган кишилардан ҳар бир вилоятга битта вакил тайинлади ва аҳволдан олий ўрдуни хабардор қилиб туришни топширди.

Нафсиламрни айтганда, ҳазратнинг илм ва фан аҳлига эътибор фаолиятида муҳим, ҳатто биринчи даражали ўрин олган. Ижодкорларга муносабатни эса шоирлар Ҳофиз Шерозий, Наимий, ёш Насимийга эътиборда кўриш мумкин. Ўзини Хуруфийлар оқимига мансуб деб билувчи Имодиддин Насимий юзма-юз суҳбатда анча кескин фикрлар билдиради, ҳатто Соҳибқироннинг ғазабини кўзгайди. Нима бўлганда ҳам ҳукмдор жаҳлини босиб, уни ўлимга буюрмайди, аксинча, ёш йигитга насиҳатлар қилади. Эҳтиросларни жунбушга келтирмай, ақлга ҳам қулоқ тутишни, бу дунёда ҳамма ҳам шоирларни тушунавермаслигини уқтиради. Унинг иқболида

фожиа кўраётганини билдиради. Ҳақиқатан, Насимий радикал фикрлари учун 1417 йилда қаттиқ жазага мустаҳиқ этилади, тириклайин териси шилинади.

Албатта, ўз табиатида маърифат ва фозиллик мужассамлашган кишигина оддий бир ҳақиқатни – олиму шоирларни қадрлаш лозимлигини тушуниб етиши мумкин бўлганидек, ҳаёти маънавият билан музайян бўлган зот ўз салобати даражасида урфоний мерос қолдириши ҳам табиийдир. Соҳибқирон салтанатининг тиргаги деб билган 12 тоифа кишилар қаторида уламолар, фозилларни биринчи тоифада қайд этиб ўтган бўлса, ўзи ҳам олимлик ва ҳақимлик сифатларини амалда намойиш этди. Шу ўринда «Темур тузуклари» асарини эслаб ўтиш ўринлидир.

Аксарият тасаввурлар Соҳибқирон умрини жангу жадаллар, сурункали юришларда ўтказган, қабилида шаклланган. Ҳолбуки, ҳазратнинг ҳаётида ҳам узоқ муддатли сокинлик пайтлари бўлган. Айниқса, етти йиллик юриш асносида Қорабоғда умрнинг бир мунча дамларини осойишталикда ўтказиш насиб этган. Албатта, бобокалонимизнинг бу гўшага айрича ихлоси сабаблари алоҳида тадқиқот мавзуси, бор гап шуки, ҳазрат Соҳибқирон 1399 йил охирларида Қорабоққа етиб келиб, шу йил қишни, кейинги **(1400–1401 йиллар)** ва кейинги қишни **(1401–1402 йиллар)** ҳамда ундан кейинги қишни ҳам шу жойда ўтказганлар. Қолаверса, бу заминдаги сўнгги қиш **(1403–1404 йиллар)**ни ҳам Қорабоғда кечиришга тўғри келган. Шундай қилиб, улуғ сафарнинг жами қиш фасли **(беш бора)** бир манзилда ўтган. Агар маълумотларга суянадиган бўлсак, шу йиллар давомида Самарқанд қўшини, унинг олий ўрдуси Қорабоғда 25 ойга яқин муқим, оила-рўзгор, фуқаролик шароитида яшаган. Демак, ана шу осойишта кунларда тинч фаолият би-

лан шуғулланиш имконияти бор эди. Бу фаолиятнинг баъзи қирралари бунёдкорлик, ободончилик, олий анжуманлар тузиш, хорижий элчиларни қабул қилиш бўлганини кўрдик. Шубҳасиз, ана шу ранг-баранг юмушлар силсиласида ўтган умрни сарҳисоб қилиб, китоб тузиш (*ёзиш*)га ҳам имкон бўлгандир. Шунга кўра, бугун қўлдан қўймай ўқиладиган, дунё подшолари ва ҳукмдорлари кутубхонасини безаб келаётган «Темур тузуклари» сингари шоҳ асарлар (*улар бир нечта бўлиши мумкин*) Қорабоғда қоғозга туширилган, деб фараз қилиш ўринлидир.

«Темур тузуклари» (*«Тузуки Темурий»*) (*бошқа номлари: «Темурнинг айтганлари»* («Малфузоти Темурий»), «Темур хотиралари» («Воқиоти Темурий»)) муаллифнинг кечинмалари изчил ва тартибли баён қилинган оригинал асар. У, ҳақиқатан, ўша воқеаларни бошдан кечирган, ташқи борлиқ таассуротлари ва ички руҳий изтиробларни бир юракдан ўтказган зотнинг изҳори. Китобда муаллиф (*ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур*) ҳодисаларнинг ташқи пассив кузатувчиси бўлиб эмас, балки асарда акс этган хоҳ фалсафий, хоҳ биографик, хоҳ ҳарбий мавзуларнинг фаол ижодкори, иштирокчиси сифатида намоён бўлади. Китобдаги самимий руҳ Соҳибқироннинг буюк қалбидан уфуриб тургандек туюлади. Баъзи кўчирмаларга эътибор беринг:

«Тунда пинҳона Самарқандга кирдим ва тўнғич опам Қутлуғ Туркон оқанинг уйига бориб жойлашдим».

«Кўзлари менга тушгани ҳамонок, ўзларидан кетаёзиб, отдан тушдилар. Тиз уриб, узангимни ўпишди. Мен ҳам отдан тушиб, ҳар бири билан қучоқлашиб кўришдим. Мандилимни Туғлуқхўжанинг бошига қўйдим. Жуда нозик ишланган, олтин билан зийнатланган камаримни эса амир Сайфиддиннинг белига

боғладим. Чопонимни Тўбак (*Туман*) баҳодирга кийдирдим. Уларнинг кўнгли юмшаб, бағоят таъсирландилар. Мен ҳам қаттиқ таъсирландим».

«Мен Илёсхўжага етиб олиб, «Йўл бўлсин!» деб қичқирдим».

«Ярим уйқу ва ярим уйғоқлик орасида қулоғимга: «Темур, фатху зафар сенга ёр бўлади!» деган нидо эшитилди»...

Тарихда фотиҳлар, жаҳонгирлар кўп ўтган, аммо уларнинг ҳаммасидан «Тузуқлар»га ўхшаш асар қолмаган. Таъбир жоиз бўлса, бу китоб ҳазрат Соҳибқироннинг инсониятга қолдирган нодир бойлиги, мислсиз шахснинг борлиқ дунё, унинг абадийлигини таъминлаш борасида айтган ҳақ сўзидир. «Темур тузуқлари»нинг ҳар бир сатридан нур жилваланади, бу нур тирикликнинг қоронғу сўқмоқларида қалбга кучли шуъла бўлиб, манзилларга борар йўлларни ёритади...

Соҳибқирон давлатни идора этиш ишлари билан машғул бўлди.

Бағдоддан хабар келдики, амирзодалар Абу-бакр ва Рустам Қора Юсуфни шаҳардан суриб чиқарганлар, укасини ўлдириб, хотинини асир олганлар. Қароқчининг ўзи қочган.

Самарқанддан шахзода Умар Мироншоҳ ўғли келди, элнинг тинч-омонлигини етказди.

Вилоятлардан ортиқча солиқ олган, фуқароларнинг ҳаққига хиёнат қилган амалдорлар, душманлик қилган хоинларнинг бўғзидан осилгани, терисига сомон тикилгани, боши кесилгани ҳақида маълумотлар келиб турди. Бу балки Соҳибқироннинг Байлақонда ўтказган машваратидан сўнг юзага келган жонланиш самарасидир.

Қишни Қорабоғда ўтказиш учун бу гўзал гўшага кўчиб ўтилди. Пири муршид Саййид Барака, бошқа

вилоятлардан акобиру ашрафлар келиб, Соҳибқирон дийдорини тиладилар, Муҳаммад Султон вафот муносабати билан таъзия изҳор қилдилар. Таассуфки, Саййид Барака касалланиб, вафот қилди, уни Андхўйда дафн этдилар.

Рамазон ойида тоат-ибодат билан марҳумни эслашди. Шундай ифторликларнинг бирида муаррих Низомиддин Шомий Қуръон тиловат қилди ва ёзиб тугатган китобини Соҳибқиронга топширди.

Муҳаммад Султоннинг йилини ўтказиб, қўшин ва Соҳибқирон ўрдуси 26 мартда йўлга чиқади.

Етти йиллик юришдан кўзланган асосий мақсадларга эришилган эди. Шом ва Рум эгалланди. Миср (**Қоҳира**)да Соҳибқироннинг номи хутбада зикр этилди. Энди Хитой кофирлари устига юриш қилса ҳам бўлади.

Карвон Самарқанд томон йўлга чиқди. Унинг тизгини Соҳибқирони аъзам, жаҳоншоҳи муаззам Темурубекнинг қўлида эди. Жангу жадаллар, мурсою қирғинлар билан фатҳ этилган ёки Соҳибқиронга багрини очиб, меҳмоннавозлик қилган қадрдон манзиллар ортда қола бошлади. Ҳар қадамда бир янгилик, ташвиш ёки ғам – тирикликнинг турфа нафаси уфурарди.

Наҳри Барлос бўйида улуғ бир тўй туздилар. Бу ҳам Самарқандга қайтиш ишораси, ҳам шаҳзода Умарга бир пайтлар Ҳулогу идора қилган ҳудудлар – бутун Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳукмдорлиги инъом этилганини маълум қилиш тантанаси ҳам эди.

Амирзода Умарга бундай ишонч билдирилишини шарҳлар экан, у шавкату шукуҳда бошқа халафлари ва шаҳзодалардан юқори бўлиб, жаҳондорлик ва ботирликда танилган, адлу инсоф билан мавсуф (**васф этилган**) эди, деб ёзади Низомиддин Шомий. Орадан 23 йил ўтиб рақам қилинган Шарафиддин Али Яздий

«Зафарнома»сида бундай сатрларни учратмаймиз, чунки ўтган йиллар бошқа ҳақиқатни кўрсатган эди.

Жуда катта ҳудуд – ҳозирда ўнлаб мамлакатлар ташкил топган Осиё ва Африкада ястаниб ётган (*Ироқ ва Форсдаги шахзодаларнинг ҳам унга итоат этиши кўзда тутилганди*) салтанатга Умар Мирзони подшоҳ қилиб тайинлар экан, Соҳибқирон унга насиҳатлар қилди ва энг садоқатли, синалган беклардан Жаҳоншоҳни (*у Соҳибқироннинг энг қадимги дўстларидан амир Жоку борласнинг ўғли эди*) маслаҳатчи қилиб қолдирди. Тарихчи ёзадики, ҳазрат Соҳибқирон жўнаб кетар экан, негадир Жаҳоншоҳ кўнгли бузилиб, «кўп йиғлаб, зори қилди». Унинг бу кайфияти ниманинг аломати эди, буни келажак кўрсатади (*кўрсатган*).

Ардабил, Султония, Қазвин, Рай вилоятлари ортда қолди. Чеккагинада мунғайиб турган Гулихандон қалъаси харобаларини кўргач, Соҳибқирон уни тезда ганч ва тошдан тиклашга амр этди. Ферузкўҳ қалъаси эса ўзининг шавкатига бино қўйиб, беписанд турарди. У ростдан ҳам номдор қалъалардан бўлиб, тасхир этишга ҳеч ким жазм қилмаганди. Соҳибқироннинг забтига қалъа икки кун ҳам туриб беролмади – таслим бўлди.

Оёқнинг тагидан чиқиб қолган Искандар Шайхий ўзини ҳартомонга ташлаб, жиққа тега бошлади. Унинг дафъини на амирзода Рустам, на Сулаймоншоҳбек, на Мизроббек эплай олди. Соҳибқирон Искандарнинг изидан ўзи тушди, 30 майда Жиловга келиб, қувди. Искандар муттасил булут бўладиган ва ёмғир ёғиб турадиган Жаҳаннам дарага қочиб яширинди. Уни қанча таъқиб этмасинлар, афсонавий паҳлавонлар авлодидан бўлган шаккок на таслим бўлди, на қўлга тушди, у дом-дараксиз йўқолди. Болалари, хотинларини асир олиб келдилар. Соҳибқирон уларни афв

этиб, жўнатиб юборди. Баъзан юз минглаб кишилар ни очик муҳорабада маҳв этиш мумкин, баъзан бир сичқон ҳам кавакка кириб, қутилиб қолади. Эътиборли далил: Искандар Шайхий Соҳибқирон жанг майдониди учратган энг сўнги рақиб бўлди...

Хазрат Соҳибқирон тажрибали бекларни шаҳзодаларнинг хизматига тайинлаб, Нур қалъасидан чиқди, Калора дашти, Лор вилояти, Бистом (*шу ерда Боязид Бистомий мазорини зиёрат қилишди*), Жага қишлоғи, Нишопур, Ишқобод, Жом Соҳибқироннинг ғолиб лашкарини кузатиб, ортда қолди. Бистомда йўлга чиқилганда, шаҳзода Шохрухдан элчи (*Хасан Сўфи тархон*) келиб, унинг ҳазрат Соҳибқирон дийдорини кўришга иштиёқи борлигини билдирди. Соҳибқирон унга яхши бир от бериб жўнатди ва Нишопур йўлидан Жақжаронга келишини тайинлади. Жақжарон дарёси бўйида Ҳиротдан Шохрух Мирзо келиб, отасининг муборак дийдорига мушарраф бўлди. Минг бора таассуфлар бўлсинки, ўшанда на ота, на ўғил бу охирги учрашув эканини сезмаган эди. Қисматда эса шундай ёзилган экан.

Мурғоб, Дарагез дарёларини кечиб, Андхўй орқали Балхга етганда Мовароуннаҳр жамоли во-сил бўлди. Жайхундан ўтиб, Термизда эл-улус билан омонлашиб, Кешга равона бўлдилар.

Ниҳоят, улуғ бир сафар поёнига етди. Ўтган йиллар Соҳибқирон ҳаётининг энг шафқатсиз имтиҳони, шу билан бирга бутун дунё олдида қудратининг намоиши бўлди. Унинг шахсида мужассамлашган мақсад йўлида қатъийлик, одамийлик, ўтмиш меросига ҳурмат, эътиқод, халқпарварлик сингари фазилатлар тўла юзага чиқди. Соҳибқирон бутун борлиғи билан ватанпарварликнинг жонли тимсолига айланди.

Тўғри, у ўз даврининг фарзанди сифатида, лашкарбошиси сифатида ўша пайтда қарор топган

қон тўкишлар, бошдан миноралар яшаш, тириклай кўмиш, қалъаларни ер билан яксон қилиш, уйларга ўт қўйиш сингари даҳшатли усулларни йўқота олмади, бироқ уларни қўллашда адолатга тўлароқ амал қилишга, ноҳақ жазоламасликка интилди. Ҳали фақат жисмоний устунлик ҳисобга олинадиган, одамлар кучлиларга бўйсуниб яшашга ўрганган шароитда бундан бошқача йўл тутиш мумкин эмас эди. Бошқача муносабат ўз-ўзини маҳв этиш билан баробар эди.

Нима бўлганда ҳам битта инсоннинг шунча юмушни бажара олгани, нимани истаса шунга эришгани, бирон марта жангда мағлуб бўлмагани ҳар қандай одамни ажаблантиради. Ахир дунёда одамларга тирик товон бўлиб ўтиб кетадиганлар, ниҳоят чойхонада ёнбошлаб умрини қаритганлар ёки бошқаларга ташвиш орттириб юрганлар сон минг. Улар ҳам Темурбекка ўхшаш бир инсон тимсоли...

Кешда шайх Шамсиддин Кулол ва отаси Тарағайбек мозоринизи ёратқилди. Шаҳардан чиқиб, Тахтиқорача боғига, ундан Қоратепа боғидаги Қасрижаҳоннамога тушди. Самарқанддан Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Қайду, Тўкалхоним, беклар етиб келдилар. Соҳибқирон келаётгани ҳақида хабар тарқалмаган эди, шундан сўнг нусратнишон лашкарнинг қайтгани овоза бўлиб, ҳамма кутиб олишга ошиқди.

Соҳибқирон Боғичинорга келиб тушди ва ундан сўнг Самарқандга кирди. Ўша кун 1404 йил 19 июль эди.

Албатта, Соҳибқироннинг Самарқандга камтарона кириб келганининг сабаби маълум. Унинг кайфиятига Муҳаммад Султоннинг тақдири жуда ёмон таъсир этган эди. Келиши билан тезда ўзи йўқлигида қурилиш поёнига етган Муҳаммад Султон мадрасасини бориб кўради, мадраса ёнида бир олий гумбаз



барпо этишни, сардоба қуришни, атрофида боғ яратишни буюради.

Маликалар ҳам етиб келади. Сароймулкхоним Боғичинорга, Туман оқа Боғибехиштга бориб ўрнашадилар.

Пойтахт Самарқанд азиз фарзандларини бағрига олиб, янада музайян бўлади. Ҳар муюлиш, ҳар кўчадан ғалаба, тўй-тантана нафаси уфурарди.



### **БУЮК ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ**

**1399 йил, 10 май** – Амир Темурнинг Бибихоним жоме масжиди пойдеворига ғишт қўйиши ва қурилишнинг боришини шахсан кузатиб туриши. Боғлар бунёд этилиши.

**10 сентябрь** – юришнинг бошланиши. Муҳаммад Султон – Самарқанд ҳокими.

Соҳибқирон Озарбайжон томонга жўнади. Султонияга етиб келди. Мироншоҳ фаолиятига баҳо берилди.

**Қиш** – Қорабоғда. Кавказ томон юришлар.

Андижон ҳокими Искандар Мирзонинг ўзбошимчалиги.

**1400 йил, ёз** – Венеция савдогарлари Боязид устидан шикоят қилдилар.

Боязид Арзирум ва Арзинжонни босди.

Соҳибқирон Боязидга хат ёзиб, элчи жўнатди.

**Август** – Амир Темурнинг Каппадокия (*Абулистон*) ва Малатияга юриши. Соҳибқирон қўшини Сивосга келди, 17 кунда қалъа олинди.

**27 сентябрь** – Суриядаги Биҳешти ва Айнтоб қалъаларининг олиниши.

Султон Фаражга хат ва элчилар жўнатилди.

**Куз** – Ироқ ва Мисрга юриш бошланди.

**28 октябрь** – кўшин Ҳалабга етди. Асирликдаги Низомиддин Шомий озод қилинди, у Соҳибқиронни табриклади. Олимга китоб ёзиш топширилди.

Баалбек шаҳрида.

**22 декабрь** – Нуҳ пайғамбар қабрини зиёрат.

**1401 йил, 8 январь** – Султон Фаражнинг Дамашқдан Мисрга қочиши.

**15 январь** – Дамашқ эгалланди. Аллома Валиуддин ибн Халдун билан илк учрашув.

**17 январь** – хутбага Соҳибқирон номи кўшиб ўқилди.

**20 март** – Дамашқдан қайтиш.

**9 июль** – қирқ кунлик қамалдан сўнг Бағдоднинг иккинчи марта эгалланиши.

**22 июль** – ҳазрат Соҳибқирон Имоми Аъзам мазорини тавоф қилди.

**Куз** – яна Қорабоққа қайтиб келдилар.

Самарқанддан Муҳаммад Султон келди. Йўлда амир ҳожи Сайфиддин вафот этган.

**1402 йил, қиш** – тўрт томонга кўшин юборилди. Шипка довони эгалланди.

Аракс дарёсидан 10 фарсах ариқ (*Барлос наҳри*) қазилди.

Европа мамлакатларидан элчилар келишди.

Боязидга яна хат ва элчилар юборилди.

**12 март** – кўшин Қорабоғдан кўзгалди.

**Май** – Камох қалъасининг олиниши.

**Июнь** – Сивос саҳросида ҳарбий кўрик.

**20 июль** – Анқара ёнида жанг ва ғалаба.

Миср элчиларининг келиши. Қора тоторларнинг Рум еридан кўчирилиши.

**Август** – Муҳаммад Султон – Бурсада.

Зафарнинг муносиб нишонланиши.

Халил Султонга Самарқанд томон жўнаб, бу зафар хабарини салтанат худудларига етказиш, Хитой чегараларигача чопқин ясаб, мухолифлардан тозалаш топширилди.

**2 декабрь** – Измир қалъасига ҳужумнинг бошланиши ва тезда эгалланиши.

Соҳибқироннинг давлат ишлари билан банд бўлиши.

**1403 йил, баҳор** – Кавказда.

**Ёз** – Европа ва Миср элчиларининг келиши. Мисрдан қайтган элчилар Қоҳирадаги масжидларда хутба Соҳибқирон номига ўқилганини хабар қилади.

**24 июль** – Картин қалъасига ҳужум.

**27 сентябрь** – Абхазиядан қайтдилар.

**Куз** – Байлақонни тиклаш. Наҳри Барлос бўйларида ободончилик ишлари.

Уламолар билан анжуман.

**16 ноябрь** – Соҳибқирон чорлови билан амирзода Умар Самарқанддан келди.

Қишни Қорабоғда ўтказдилар.

**1404 йил, 13 март** – Муҳаммад Султоннинг йиллик маъракаси ўтказилди.

**26 март** – Самарқанд томон йўлга чиқилди.

Қўшиннинг Аракс бўйидаги Неъматободда тўхташи.

Хулогухоннинг улуси амирзода Умар Мирзога ақд қилинди.

**12 апрель** – Ўғлоқ дарёси соҳилида тўхташ.

**18 апрель** – Мовароуннаҳрдан, Халил Султон ҳузуридан Амир Темур қароргоҳига чопар келиши. Ардабил ва Миёнадан ўтиш. Саржомада тўхташ.

**1 май** – Султонияга келиш.

**3 май** – Қазвин даштида, Совуқбулоқда тўхташ.

**11 май** – Сариқамиш ўтлоғида тўхташ.

**19 май** – Ферузқуҳ қалъаси яқинида тўхташ.

**21 май** – Ферузқуҳ қалъасининг эгалланиши ва у ердан жўнаш.

**30 май** – қўшиннинг Жиловга келиши.

**2 июнь** – Дайламда тоғ довонидан ўтиш.

**4 июнь** – Қулзум (*Каспий*) денгизи соҳилида Искандар шайх билан учрашув.

Етти йиллик юришнинг тугаши ва қўшиннинг Самарқанд томон ҳаракатининг жадаллашуви.

**29 июнь** – Қўшкиарғун саройида тўхташ.

**1 июль** – Ферузқуҳга келиш.

**3 июль** – Бистомга келиш.

**10 июль** – Нишопур орқали ўтиш ва Ишқободда тўхташ.

**12 июль** – Жомга келиш ва у ерда тўхташ. Жақжарон дарёси бўйида Соҳибқирон Шохрух Мирзо билан учрашди.

Жайхун орқали ўтиш. Термизда тўхташ. Кешга келиш ва Оқсаройда.

**19 июль** – Тахтиқорача орқали Соҳибқирон – Самарқандда.





## ЖАННАТОРО САМАРҚАНД

(1404 йил, август – ноябрь)

Пойтахт Самарқанд зафар сурури ва ғолиблик ғурури ичида эди. Олис юртлардан йўлга чиққан карвоннинг изи бирин-кетин шаҳарга кириб келар, улар ўзлари билан бебаҳо моддий бойликлар қаторида китоблар, нодир санъат асарларини ҳам манзилга етказардилар. Сарой муншийлари уларни рўйхатга олиш, ҳисоб-китоб қилиш билан кечаю кундуз банд эдилар. Шаҳарда, нафақат шаҳарда, бутун мамлакатда эмну омонлик, хурсандчилик эълон қилинган, олиғ-солиғлар, тўловлар тўхтатилган, ҳаммага эшилиб хушчақчақлик қилишга изн берилганди. Қадимий юрт, мўътабар пойтахт узоқ тарихида бундай шодиё-нани кўрмаган эди.

Шаҳарлар Соҳибқирон Темурбек салтанати тожининг ёрқин дурлари бўлган. Азалдан хизрназар шаҳарлар ўша фараҳли кунларда янада гўзаллашиб, қудрат кашф этиб, дунё аҳлини лол қилганига тарих гувоҳ. Бухорою Урганч, Термизу Андижон салтанатнинг тўртта бақувват тиргаги бўлса, Шаҳрисабз у осмоннинг оyi, Самарқанд куёши эди.

Темурийларнинг улкан маданий меросида шаҳарсозлик йирик бир йўналиш бўлганини, саҳройи, кўчманчи улусдан ҳукмронликни қабул қилган Темурбек ўтроқ маданият, жумладан, шаҳар қуриш санъатини юксакларга кўтарганини ХХI асрда ҳам олам аҳли ҳайрат билан такрорламоқда.

Темурбек катта ҳаётга қадам қўйган илк дамларида Кешнинг гуллаб-яшнаши учун кўп куч сарфла-

ди. Гумбази Сайидон, Доруссиёдат, Доруттиловат, Жаҳонгир Мирзо мақбараси, Жомеъ масжиди сингарни обидаларни қурдирди ёки қайтадан таъмирлатди. отаси ва пири қабри устида гумбаз барпо эттирди. Айниқса, Шаҳрисабзда Оқсаройнинг қурилиши жуда катта воқеа бўлди. Ўз даврида тенгсиз бўлган бу кошона Соҳибқироннинг онаси Тегинабегим Моҳ хотирасига бунёд қилинди. Кешда ўз даврининг йирик диний, илмий арбоблари, шоир ва муаррихлари тўпланди. Шу сабабли бу шаҳар «Қуббатул илм вал адаб» – «Илм ва ахлоқ қуббаси» деб ном олди.

Қарши (*Насаф, Нахшаб*) Соҳибқирон таржимаи ҳолида алоҳида ўрин тутади. Шу шаҳарда унинг мадраса таҳсилини олгани ҳақида маълумотлар бор. Фарзандлари – Муҳаммад Жаҳонгир ва Тоғайшоҳ Оқабегимнинг онаси Нурмушк (*Турмиш*) оқа Қарши бекларидан Жоку барлоснинг қизи эди. Соҳибқироннинг суюкли маликаси Сароймулкхоним Қарши яқинидаги Занжирсарой қасабасида вояга етган эди. Бу шаҳар Темурбек жасоратининг боқий тимсолидир: 40 нафар навқари билан 12 минг киши қўриқлаётган шаҳар қалъасига бостириб кириб, уни рақибдан тортиб олган эди. Оламшумул юришларининг илк босқичида шаҳар қўрғонини тиклади, улкан ариқни таъмирлатди. Кейинчалик ҳам муттасил ободончилик ишларини давом эттириб, дарвозалар қурдирди, шаҳарни муҳим савдо ва карвон йўллари билан туташтирди. Ғарб сари юришларида Қаршида тўхтаб ўтди. Бир неча йил қиш фаслини унга яқин тўқайларда (*Занжирсаройда*) ов қилиб ўтказгани ҳам эътиборли далил.

Самарқанд эса Соҳибқирон маънавий, руҳий дунёсининг моддий сурати сифатида шундай чирой касб этдики, уни кўрган ҳар қандай жоҳил киши ҳам шаҳар хуснидан ҳайратланарди. Таъбир жоиз бўлса,

Самарқанд Соҳибқироннинг шоҳ асари сифатида инсониятга хотира бўлиб қолган эди.

Самарқанд заминини ўрганган қадимшунослар унда уч буюк цивилизация қолдиқлари борлигини эътироф этадилар. Шаҳар тарихининг энг қадимий даври – турк ўғлони Эр Тўнға (**форслар уни Афросиё деб аташади**) давридаги ҳаёти юзасидан кам маълумот биламиз. Агар Мароканда Александр Македонский аскарларига жиддий қаршилик кўрсатганини (**у икки йиллик муҳорабалари билангина ўша пайтдаги Суғдиёна давлатининг қаршилигини енга олган**) ҳисобга олсак, шаҳар мустаҳкам қалъага, кучли салоҳиятга эга бўлганини тасаввур қиламиз. Эҳтимол, бу даражада юксалиш учун бир неча юз йил керак бўлгандир. Демак, эрамизгача IV асрда рўй берган Искандар босқинидан 4–5 юз йил олдин ҳам Самарқанд шаҳар сифатида мавжуд бўлган.

Эрамизнинг I асрида Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистонни эгаллаган туркийларнинг қадимги аجدодлари Кушанлар Самарқандни марказ сифатида танлади. Катта карвон манзиллари – Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳарни Хитой савдогарлари ҳам муносиб қўналға сифатида эътироф этдилар. Ана шу йилларда яратилган Самарқанд қоғози дунёда тенгсиз бўлган. Унинг таърифи ҳамон тарих китобларини безаб келмоқда. Фақат 751 йилда хитой ва араб қўшинларининг Самарқанддан унча нари бўлмаган жойда тўқнашуви билан узоқ йиллик тарихнинг тақдири ҳал бўлди. Гарчи ўша жангда араблар ғолиб келган бўлсалар-да, яна шарққа силжишга бошқа мажоллари етмади. Шарқдан эса бошқа бир куч – Чингизхон бошлиқ мўғуллар 1220 йилда Муҳаммад Хоразмшоҳ пойтахти Самарқандни эгаллаш билан ҳудудда бутунлай бошқа турмуш тарзини жорий қилдилар.

Уша йиллари Самарқандга ташриф буюрган ёки у қилда ёзган машхур шахслар Марко Поло, Семпад (*Арманистон подшоҳининг констабли*), подшоҳ Гайтон, Ибн Баттута мўғуллар истилосидан кейин шаҳар кучли шикастланганини қайд этганлар. Буюк Инак йўли чорраҳасидаги чақноқ бу шаҳар ўз тароватини бутунлай йўқотган эди.

1370 йилда Соҳибқирон Темурбек Самарқандни салтанатининг пойтахти, деб эълон қилгандан кейин шаҳарни ўз шавкати, обрўсига яраша бўлиши учун бутун иқтидорини сарфлади. Зудлик билан барпо қилган қалъа девори, Кўксарой ёнига осмондаги юлдузлар мисол янги кошоналар қўшилиб борди.

Захириддин Муҳаммад Бобур ёзади: «Мўғул ва турк улуси Семирқанд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур. Қўрғонини, фасиланинг устидан буюрдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқди» (*«Бобурнома»*, 59-бет).

Шаҳарда кўплаб масжидлар, мадрасалар қаторида ҳаммомлар, карвонсаройлар, работлар қурилди. Бибиҳоним масжиди, Муҳаммад Султон мадрасаси, Шоҳизинда хилхонасидаги бетакрор иморатлар чинакам санъат асари сифатида кўрганни ҳайратга солди. Уларнинг бетимсол архитектураси, безатилиши ҳамон кишиларга завқ улашиб келмоқда. Айниқса, Самарқанд атрофидаги боғларнинг таърифи қогозга сиғмайди. Нақл қиладиларки, бу боғлар фақат шахзодалар ёки маликалар учун бунёд этилмаган, балки уларнинг дарвозаси ҳаммага очик бўлган, дарахтларнинг мевалари бепул тарқатилган.

«Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ...раиятини ўзимга қаратиб олдим. Ҳаммани қўрқув ва умид ораси-



да сақладим.» Раият (*оддий халқ*) доимо Соҳибқироннинг эътиборида турган, кўркув – ўша давр ахлоқий мезонларига мос равишда муомаланинг моҳияти бўлса, умид – сиёсатининг асоси, бутун давлатнинг бош мақсади ҳисобланган. Зеро, одам қўлсиз, оёқсиз яшаши мумкин, бироқ умидсиз яшай олмайди, деган ҳаёт ҳақиқати ҳазрат Соҳибқиронга бегона эмас эди.

Самарқанд ўз бозорлари билан ҳам машҳур бўлган. Соҳибқирон шаҳарнинг энг катта кўчаси икки тарафида бор бўйича савдо дўкончалари қуриш, уларни мрамор ва бошқа нодир ашёлар билан безашни буюрган экан. Ёпиқ бозор (*тим*)ларда жазирама кунларда ҳам бемалол савдо-сотик қилиш, маҳсулотни сақлаш имконияти таъминланган.

Самарқандда дунёнинг энг машҳур ҳунармандлари жамланди. Улар тоштарошлик, наққошлик, ўймакорлик, ганжкорлик, рассомлик борасида мислсиз мўъжизалар яратдилар. Ўша пайтдаёқ ҳар бир ҳунар турининг ўз мактаби пайдо бўлди ва улар ҳозиргача яшаб келмоқда. Ер юзининг энг машҳур созандаю хонандалари ҳам ўша пайтда Самарқандда тўпланган эди. Шунингдек, Самарқанд улуғ олимлар, диний арбоблар, табибларни ҳам ўз бағрига олди, уларга ғамхўрлик кўрсатиб, фаолиятлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Самарқанд дарвозаларига маҳсус кузатувчилар қўйилган экан, улар келувчилар билан қизиқишмас, балки кетувчиларни обдон суриштирар экан. *Дидбонлар бирон илм ёки ҳунар аҳли нимадандир ранжиб, Самарқанддан чиқиб кетмаслигини назорат қилишар экан.*

Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсан кўрганлари асосида, жаҳоннинг энг илғор анъаналарини муҷассамлаштирган турмуш тарзи юзага келганини ўша замон тарихчилари ҳайрат билан қайд этганлар. Чет

эллардан ташриф буюрган меҳмонлар Самарқандда энг гўзал либосларга, энг ширин таомларга, энг нозик муомала-муносабатга дуч келганлар, хотин-қизлар безаклари, уларнинг пардоз-андоз ашёлари, тўй-маросимлардаги тартиблар ҳаммани лол қолдирган. Хуллас, Самарқанд Соҳибқирон Темурбек даврида дунёнинг бетимсол гўзал шахрига айланганини дўст ҳам, душман ҳам баробар тан олади.

Ана шундай бетакрор жиҳатлар билан ороланган шаҳар бутун дунёни ўзига мафтун этди, ер юзининг турли бурчакларидан савдогарлар, сайёҳлар, элчилар унинг остонасига интилдилар. Фараҳли ўша кунларда Самарқандга олис Испаниядан элчилар ташриф буюрган, Соҳибқиронга Испания, Франция, Англия, Византия, Венгрия, Генуя қироллари хат йўллаб, вакил жўнатган эдилар. Қарийб беш йилдан буён Хитой қоонининг элчилари Соҳибқирон саройида яшар, бу орада икки давлат пойтахтларига 6-7 марта элчилар бориб келган эди.

Хориждан ташриф буюрган элчилардан бири Руи Гонсалес де Клавихо (?–1412) эди. У Кастилия ва Леон қироли Генрих III Трастамар (*ҳукмронлиги 1390–1407 йиллар*)нинг топшириғи билан, Соҳибқирон 1402 йил Испанияга жўнатган элчи Муҳаммад Кешийнинг ташрифига жавобан, келган эди.

Клавихо илоҳиёт илми магистри Алфонсо Поэс де Санта Мария, қиролнинг махсус соқчиси Гомес де Салазар ҳамроҳлигида 1403 йил май ойида йўлга чиқиб, 1404 йил августининг охирида Самарқандга етиб келади. Клавихо кўрганларини кундалигига ёзиб боради ва юртига қайтиб ҳам ўтқир таассуротлар оғушида яшайди чамаси. «Самарқандга, Темур саройига қилинган саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар)» асарини профессор Очил Тоғаев маҳорат билан таржима қилган (1989 йил).

Қирол саройида муътабар мавқега эга бўлган, етарлича дунёвий билимлар ва Шарқ тарихи ҳақида маълумотларни эгаллаган Руи Клавихонинг Самарқандга ташрифидан кўзланган асосий мақсади ҳақида турли фаразлар билдирилади. Албатта, бу сафар шунчаки кўнгилхушлик ёки икки давлат бошлиғининг расмий алоқалари мақомидаги элчи алмашинуви даражасидан кўра теранроқ мақсадни назарда тутгани аниқ. Бунга шундан ҳам ишонса бўладики, Клавихо юртига қайтиб боргач, у катта дабдабалар билан кутиб олинади, Испаниядан ташқари бошқа Европа мамлакатлари ҳукмдорлари унга энг шарафли унвонларни тақдим этадилар. У шундай сийловга муяссар бўлибдими, демак, ўшанга арзийдиган хизмат қилган. Унинг «Кундалиги» эса турли доираларда қўлдан қўйилмай ўқилгани шубҳасиз.

Клавихонинг асари билан танишиб, шунга амин бўлиш мумкинки, у ҳар бир воқеа, ашё, белгини муфассал таърифлашга ҳаракат қилган, шаҳарлар ва бошқа аҳоли масканлари ҳақида тўлиқроқ маълумот беришга интиланган. Айниқса, урф-одатлар, тўй-маросимлар, умуман, одамлар кайфиятини ифодаладиган анжуманларни бутун икир-чикири билан тавсифлайди. Унинг назаридан либослар, унинг матоси, қандай тикилиши ёки овқатлар, унга хўрандаларнинг муносабати, таомларнинг тайёрланиш усуллари, ҳатто, ошхона жиҳозларигача четда қолмайди. Шунингдек, мамлакатлардаги сиёсий аҳвол, қайси шаҳзода ёки лашкарбошининг мавқеи баландлиги, Соҳибқирон атрофидаги кишилар билан жуда кизиқади. Шу жиҳатларига кўра Клавихо битикларини ўша давр ҳақида атрофлича хабар берувчи нодир манба дейиш мумкин.

Элчи қалам тебратар экан, тафсилотларни чуқур  
на муфассал баён этиш билан бирга уларга холис ён-  
дашувга интилади. Соҳибқиронни Темурбек (**Тамур-  
бек**) деб атайди, ўз муносабатини эса эҳтиросларга  
берилмай, совуққонлик билан ифодалайди. Жумла-  
дан, ҳазрат Соҳибқирон ҳузуридаги илк учрашув (**8  
сентябрь, душанбакунирўйберади**)да кўрганларини  
шундай баён этади: «... Назаримда, улуғ амир худ-  
ди ҳашаматли уй бўсағасида ўлтиргандай туюлди  
менга. У шоҳсупа устида ўлтирарди. Унинг олдидаги  
фаввора ичида қизил олмалар сузиб юрарди. Улуғ  
амир лўла-болишга ёнбошлаган ҳолда шойи кўрпача  
устида ўлтирарди. Подшоҳнинг эгнида гулсиз  
силлиқ шоҳи яқтак, бошида узун телпак, телпакнинг  
тепасида қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо  
тошлар қадалган. Элчилар подшоҳни кўришлари  
заҳоти ўнг оёқларида тиз чўкиб, қўлларини кўксига  
қўйиб таъзим қилдилар. Кейин бир оз яқинлашиб,  
яна таъзим қилдилар, сўнг тиз чўкиб турдилар. Улуғ  
амир уларнинг ўринларидан туриб, яқинроқ келиш-  
ларини айтди. Мулозим подшоҳга яқинроқ бориш-  
га истиҳола қилиб, элчиларнинг қўлларини қўйиб  
юборди. Подшоҳ ёнида турган, унга энг яқин ки-  
шилар ҳисобланган Шамелик мирасса (**Шоҳмалик  
мирза**), Норадин мирасса (**Шайх Нуриддин**) деб  
аталган амирлар элчиларнинг қўлларидан олиб,  
подшоҳ ёнига келтириб, қатор қилиб тиз чўктириб  
қўйдилар... Улуғ амир элчиларга қўлидан ўпишга  
рухсат этмади, чунки уларда бундай одат йўқ. Улар  
иззатталаб кишилар бўлмаганлиги сабабли ҳатто  
улуғ амирнинг ҳам қўлидан ўпмайдилар. Шундан  
кейин подшоҳ элчиларга мурожаат қилиб, «Ўғлим  
қиролнинг аҳволи қандай, унинг ишлари жойида-  
ми?» деб сўради» (*Очил Тоғаев таржимаси*).

Элчилар саволларга жавобан ўз фаолияти ҳақида тўла ахборот бергач, Соҳибқирон қабул маросимиди тўпланган мулозим ва аслзодаларга мурожаат қилиб шундай дейди:

– Мана, дунёнинг у бурчагида яшовчи мавжуд фаранги қироллар орасида энг пешқадами – Испания қироли юборган элчилар! Испан халқи буюк халқ, мен ўғлим қиролни шарафлайман. Қирол сизларни совғасиз, фақат биргина мактуб билан юборганда ҳам мен ўғлимнинг аҳволи ва соғлиғини билиб, совға олгандай хурсанд бўлур эдим.

Руи Гонсалес де Клавихо кўрганларини ана шундай иштиёқ билан акс эттиради ва бу хотираларни умрининг охиригача энг қимматли бойлик каби асрайди. Иттифоқ даврида масъул лавозимларда ишлаган Нуриддин Акрамович Муҳиддинов бир суҳбатимизда (*«Юракдаги ёдгорлик»*) Клавихонинг кейинги ҳаёти ҳақида қизиқ маълумотларни айтиб берган эди. Клавихо ҳазрат Соҳибқирон билан бир неча марта учрашади, оилавий зиёфатларида қатнашиш ва, ниҳоят, Кониғилда ташкил қилинган машҳур тўйда иштирок этиш бахтига муяссар бўлади.

...Гўё ҳамма нарса тахт эди, фақат улкан анжуманни, жаҳоноро тўйни бошлаш учун бир ишора лозим эди чоғи. Шундай ҳам бўлди: Соҳибқирон Хитой муҳорабасини тезроқ амалга оширишга шошар ва шу туфайли бўйга етган набираларини уйлантириб қўйишни ният қилганди.

Курултой чақирилди-да, тўй хабари ва унга тайёргарликни бошлаш ҳақида амр эълон қилинди. Курултойда тўйга Пирмуҳаммад Мирзо (*у Кобулда эди ва (ҳозирги) Афғонистону Ҳиндистонни бошқарарди*) ва Шохрух Мирзо (*Ҳиротда эди*)ни чақириш таклифи изҳор қилинди. Соҳибқирон: «Пирмуҳаммад келсун. Аммо Шохрухга маслаҳат

пўқдирким, бери келгай. Анинг учунким, Ироқ ва Олтурбайжонда ўлтирғанларнинг орқалари анинг била қавий турур» *(Яздий)*, деди.

Тўй жойи сифатида Кўҳак тепалиги этагидаги Конибил яйлови танланди. Тошкентдан Самарқандга кириб боришда кунчиқиш тарафда, қирлар бағрида бир текислик ғубор ичида ястаниб ётади. Ўша пайтларда йўл Темурдарвозадан сўнг Зарафшон дарёси ўзани бўйлаб кетган бўлса керак, Самарқандга Конибил орқали кириб борилган. Қанчалаб долғали воқеаларга жонсиз гувоҳ бўлган бу кенгликларда мислсиз синоатлар яшириниб ётибди. Тарихчи Рашидиддиннинг гувоҳлик беришича, Чингизхоннинг набираси, Элхонийлар давлати *(1256–1353 йиллар)*нинг асосчиси ва дастлабки ҳукмдори *(1256–65 йиллар)* Хулогу ҳам Эронга юришидан олдин *(1254 йил, сентябрда)* Конибилда 40 кун тўй берган экан. Эҳтимол, Александр Македонский ҳам Суғдиёнани таслим қилганини шарафлаб ташкил қилган тўйнида шу яйловларда ўтказгандир *(Ўша тўйдан тарихда ўчмас хотира бўлиб қолган воқеа: кайфи ошган ва ғазабга тўлган Искандар болаликдан бирга ўсган қадрдон дўсти Клитни унинг таънасига чидай олмай найза санчиб ўлдириб қўяди)*.

Мутасаддилар тўй тадоригини бошладилар. Ҳазрат Соҳибқирон учун бир чодир тикдиларки, «ўн минг киши ўлтирар эди» *(Яздий)*. Унинг эни юз қадам, баландлиги уч найза бўйи бўлиб, кунгурасини одам танаси йўғонлигидаги ўн икки устун тутиб турарди. Шифти ипак арқонлар билан тортилган, бахмал ёпилган, устунлар олтин безаклар билан мунаққаш қилинган эди. Шаҳзодалар, лашкарбошилар, баҳодирлар ҳам ҳар бири ўз чодирини тикиб, уларни муҳорабаларда қўлга киритилган бисотлари билан ким ўзарга безайдилар. Самарқанд аҳлига зеб-

зийнатларга ўранишга, яйраб дилхушлик қилишга изн берилади.

«Мавжуд ғализлик ва дағаллик латофат ва зарофат билан алмашди», деб ёзади Ибн Арабшоҳ. Шаҳар аҳли бисотидаги бор нарсасини намойиш этиб, ҳар бири ўз ҳол-қудрати етгунча кўркам бўлишга уринди. Хунармандлар, санъаткорлар иқтидорини бутун бўйи-басти билан намойиш этишга киришди. Хунар ва санъат аҳли салтанатнинг бахтиёр айёмларида муносиб мўъжиза кўрсатишни дилдан истарди гўё. Бундай мўъжизалар эса бисёр эди.

Бир қамиш тўқувчи ўз ашёсидан қурол-яроғи билан суворий тимсолини ясади, унинг амали (*иши*) шунчалар мукамал эдики, отлиқнинг барча ашёлари, либослари қамишдан тўқилганди. Ҳатто унинг киприқлари, тирноқлари ҳам аниқ билиниб турарди.

Пахта титувчилар момикдан шундай бир мезана ясадиларки, унинг оқлиги кўзни қамаштирса, баландлиги, пишиқлиги ва гўзал сурати барчани лол қолдирарди. Мезана ҳамма жойдан кўриниб турарди.

Шунингдек, заргарлар, темирчилар, этикдўзлар, ёй ясовчилар ва бошқа хунар аҳли энг нодир бисотларини намойишга олиб чиққан эдилар. Масхарабозлар, аскиячилар, лофчилар – ҳазил-мутойибага мойил бошқа тоифалар одамларни атрофига тўплаб, хурсандчилик улашардилар. Қандолатпазлар, нонвойлар, ошпазларнинг қўли-қўлига тегмасди. Хуллас, ҳар бир киши бошқа бир кишидан кўра хурсанд, бахтли эканини кўрсатишга уринарди.

Соҳибқирон 7 сентябрда Конибилга келиб тушади. Миср султони Носир Фараж совға-саломлар билан элчи юборган эди. Луристондан Халил Султон ва кўп машҳур амирлар, беклар, вилоят ҳокимлари етиб келади. Ғазниндан ташриф буюрган Пирмуҳаммадни

Соҳибқирон алоҳида қабул қилади, акаси Муҳаммад Султонни эслаб, йиғлайдилар. Эртаси унга ва бошқа меҳмонларга қимматбаҳо тўнлар улашилади, ҳамма пазо либосини ташлайди.

Дастлаб никоҳ маросими бўлиб ўтади. Амирзода Улуғбек ва амирзода Иброҳим Султон, шахзода Мироншоҳнинг ўғли амирзода Ийжал, шахзода Умаршайхнинг фарзандлари амирзода Аҳмад, амирзода Саид Аҳмад, амирзода Бойқарога келин туширилади. Шайх Шамсиддин Муҳаммад Жазирий хутба ўқиб, никоҳ қилади. Шартлар Ҳанафий мазҳабида адо этилади.

Шундан сўнг тантаналар бошланди. Дастлаб ҳамма Соҳибқирон ҳузурида тўпланди. Катта малика – Бибихоним уч юзга яқин канизаги қуршовида тўйхонага кириб келди. Малика ўта шоҳона ясанган, тўй либосининг этагини ўн саккиз канизак кўтариб келарди. У келиб Соҳибқиронга яқин жойда ўтирди. Кичик малика – Тўкалхонимнинг асъасаси ҳам бундан кам эмасди, унинг либоси этагини ўн олти (*маликаларнинг мавқеига қараб белгиланган, жумладан, Туман оқага ўн тўрт, Чўлпонмулк оқага ўн икки*) нафар канизак қўлда тутиб, хизмат қилиб келарди. Иккинчи тарафдан амирзодалар, амирлар, девонбегилар ва бошқа сарой аҳли мавқеига қараб жой олади. Элчилар, бошқа меҳмонларга тўғридан ўрин ажратилади. Ҳамма қатъий тартиб билан жойлашиб олгач, тўй зиёфати бошланади...

Тўй тантаналарида бевосита иштирок этган Руи Гонсалес де Клавихо бу гўзал анжуманни батафсил таърифлаган. Бутунлай бошқа оламга тушиб қолган Европа фуқароси ҳар бир унсурга ҳайрат кўзи билан боқади ва кўп-да кўникиб қолган назарлар илғай олмайдиган сирли нуқталарни ҳам кўра олади. Уни, аввало, тўйга тайёргарликнинг жуда дабдабали



ташкил қилингани қойил қолдиради. Соҳибқирон қароргоҳини тасвирлар экан, уни «тўрт бурчак шаклидаги катта ва баланд бир кўшк» деб атайди (**унинг тафсилотлари Шарафиддин Али Яздий келтирган маълумотларга айнан мос**). Ва «Уч-тўрт кундан кейин салтанат чодир атрофида қарийб йигирма минг чодир пайдо бўлди», дейди. Сўнгра базмдаги тўкинчилик уни лол қолдиради.

Никоҳ тўйи зиёфати ҳақида «Гўштларни доира шаклидаги зарҳал чарм суфраларда судраб олиб келдилар. Гўшт шу қадар кўп эдики, суфрани уч юзтача одам судраб олиб келди» тарзида қайд этса, яна бир базм хусусида «Майхўрлик узоқ давом этди, сўнг гўштли таомлар келтирдилар. Дастурхонда қовурилган ва қайнатилган от гўшти, қайнатилган ва дудланган кўй гўшти (**тандир кабоб бўлса керак**), ўз удумларига кўра ҳар хил усулларда тайёрланган гуручли овқат (**албатта, паловхонтўра**) жуда кўп бўлди», деб ёзади.

Ўша пайтда таомилда бўлган бир одат ҳақида шундай дейди: «Зиёфатда ўлтирган ҳар бир кишининг олдидан олинган таом, удумга кўра, уларнинг уйларига юборилар эди. Акс ҳолда катта ҳурматсизлик бўлур эди».

Элчиларга ҳам етарли даражада эътибор кўрсатилган бўлса керак: «Элчилар олдига шу қадар кўп гўшт қўйилдики, мабодо, олиб кетмоқчи бўлсалар, ярим йилга етар эди».

Чодирларнинг безатилиши, уларда қўлланилган саропардалар ғарблик меҳмонни батамом мафтун этади ва уларни баланд шавқ билан тасвирлайди. Халқ қизиқчилиги, аёллар базми, филлар тасвири, яна кўплаб удумлар шарҳини ўқиб, ўша пайтдаги доруломон кунларни янада тўлароқ тасаввур қилиш мумкин.

Улуғ тантана тугагач, куёвтўра амирзодалар учун алоҳида тикланган қароргоҳларда никоҳ расм-русумлари, тўй хурсандчиликлари бўлиб ўтади. Уларга ҳазрат Соҳибқирон махсус иштирок этиб, дилбандларини муборакбод этади, уларга совгалар, тортиғлар улашади.

Тўйда беназир созандалар, хонандалар хизматда бўлади. Ҳамма бир-бирига тўнлар кийдириб, бошидан олтин-кумуш тангаларни нисор этиб (**со-чиб**), ўткир ичимликлардан «Хушбоду нушбод!» дея тилак билдириб, нўш этиб, роса хурсандчилик қиладилар. Турли кўнгилочар ўйинлар, айниқса, бошдан-оёқ қимматбаҳо тошлар, либослар билан безанган филларнинг паради ҳаммага янада баланд кайфият ато этади. Шу дамларда барча ўз маҳоратини тўлароқ кўрсатиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди.

«Бу тўйда, – деб ёзади тарихчи, – подшоларнинг ўғли қул, қизи чўри бўлиб хизмат қилди. Ушбу тўй тантанасида Темурга савлатлилик ва улуғворлик, ҳашамат ва дабдабалиликдан шундай бир улуғ нарса муяссар бўлдики, ўйлайманки, бу қадарлик нарса қадим ўтган халифалардан ҳеч бирига насиб бўлмаган ва бундан кейин келадиганларнинг биронтасига насиб бўлмайди» (**Ибн Арабшоҳ**).

... Хурсандчиликлар ҳаммани сарафроз қилиб, кўнгиллар тўла яйраб олгач, шодликлар авжи фалакка етиб, ғуборлардан юраклар поклангач, ўз обрўси ва салобатига мос равишда, улуғ базм охирлайвериб, ҳазрат Соҳибқирон меҳмонларга кўриниш беради. Ибн Арабшоҳ бу ҳақда сўзлар экан, шундай давом этади: «Кейин Темур подшоҳлар ва амирлар, ҳудудлар султонлари ва улуғларини, туманлар оқсоқоллари, аскарлар азимлари ва қўмондонларини таклиф этиб, уларга ўз қўли билан қадаҳлар қуя бошлади ва

улардан ҳар бирини ўз биродари ёки ўғли мақомига қўйди».

Таомилга кўра, Темурбекнинг қўлидан қадаҳ олиб ичиш энг катта мукофот бўлган. Созандаю хонандалар яна ҳам авж пардада нағма қиладилар, энг сара таомлар дастурхонларга қўйилади. Элчилар, амирлар, ҳокимлар меҳр билан сийланиб, тухфалар ҳадя этилади, инъомлар ва армуғонлар улашилади. Ниҳоят, қалби шодлик ва завққа тўлган Соҳибқирон кексалигига қарамай, ўрnidан оғир қўзғалиб, цитра, уд ва арғун наволари остида рақс тушишни ихтиёр этади. Тарихчи ёзадики, «у тебраниб-тебраниб узоқ рақс қилди». Меҳмонлар буюк жаҳонгирни шарафлаб, бошидан жавоҳирлар ва марваридлар, кумуш ва тиллолар, турли нафис ва қимматбаҳо ашёлар сочадилар. Жамоат тарқалмагунча шу аҳвол давом этади.

Албатта, шодлик уммонида чарх урган бобокалон кечирган туйғуларни бугун тиклаш имкони йўқ. Табиатан ҳаётсевар, шодликдан завқланишни биладиган инсоннинг мутаассир қалбида, эҳтимол, ўша пайт дунёни бевақт тарк этган азиздан-да азиз набираси Муҳаммад Султоннинг соғинчи ғалаён қилгандир ёки хаёлидан ўн йиллардан буён дард бўлиб келаётган Хитой муҳорабаси олдидан маҳзун ва мужмал ўйлар кечгандир.

Конигилда бўлиб ўтган бу улуғ тантанани шарҳлар эканмиз, кўз олдимизда бугунги тўйларимиз манзараси суратланади. Тўйларда авж хурсандчиликка интилиш, самимият, очилиб дилхушлик қилиш улуғ боболаримиздан мерос бўлиб ўтганмикан? Албатта, ўша тўйларда оталарнинг, боболарнинг рақс этиши ҳамон тантаналарнинг энг чўққиси ҳисобланади. Тўйларда тўйиб яйраш жами замонларда, жами халқларда бор ҳодиса, бу балки тарих ва маданиятлар яхлитлигининг зоҳир бўлишидир.

Ушна тўй ҳазрат Соҳибқирон шаън-шавкатининг барқ уриб намоиш бўлган лаҳзалари эди.

Соҳибқирон тўй тантаналари бошланганининг биринчи куни Конибилдан жўнаб, Сароймулкхоним мадрасасига келиб тушди. Ҳазрат яна давлат ишларига машғул бўлди. Тошкентдан Хитойгача бўлган ерларни Улуғбек Мирзога, Андижон, Тароз, Қошғар, Хутанни амирзода Иброҳим Султонга хатлаб берди, уларга қизил муҳр босилган ёрлиқни топширди. Самарқанд аҳли, меҳмонлар эса жами «икки ойгача тўй баҳонаси билан айшу ишрат қилдилар» (*Яздий*).

Албатта, бу кунлар Соҳибқирон давлатининг энг нузли, фарахбахш дамлари эди.

Тўй тантаналари поёнига етгач, Фаранг, Миср, Дамашқ Қипчоқ, Жета ва бошқа юртлардан келган меҳмонларга қимматбаҳо совғалар улашилиб, уларга юртларига кетишга рухсат берилди. Жумладан, Хурсондан, Шоҳрух Мирзодан вакил бўлиб келган малика Мулкат оқа бошлиқ азиз меҳмонларга ҳам ижозат теғди. Ҳамадондан Соҳибқироннинг суюкли набираси, Мироншоҳнинг қизи Бекасултон ташриф буюрганди, у ҳам оиласи ҳузурига (*Бекасултон Искандар Мирзога узатилганди*) Бухоро, Марв, Моҳон орқали йўлга чикди.

Фақат Хитой мамлақати элчиларига рухсат этилмади. Бу ҳол Соҳибқирон кўп йиллардан буён кўнглига тугиб юрган стратегик мақсад билан боғлиқ эди.



## БУЮК ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ

**1404 йил, июль** – Кастилия, Миср, Византия, Рум элчилари Самарқанд яқинидаги Миср қишлоғига келиб тушдилар.

**Август** – курултой чақирилди ва унда улуг тўй ўтказилиши маълум қилинди..

**7 сентябрь** – Соҳибқирон Кониғилга келиб тушди. Амирзода Пирмуҳаммад етиб келди. Тантаналар бошланди.

**8 сентябрь** – Кастилия элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг Соҳибқирон томонидан қабул қилиниши.

**22 сентябрь** – Боғинавда Кастилия, Миср, Шом, Византия, Рум ва Хитой элчилари шарафига зиёфат берилди.

**17 октябрь** – Соҳибқирон Кониғилдан қайтиб, Самарқандга, Сароймулкхоним мадрасасига келиб тушди.

**7 ноябрь** – 60 кун давом этган тўй тантаналари хотима бўлди.





## ҚОРЛИ ЎТРОП

(1404 йил, 27 ноябрь – 1405 йил, 18 февраль)

Маълумки, Хитой фатҳини Соҳибқирон анча олдин – беш йиллик юришдан қайтгач, кун тартибига қўйган эди. Бироқ ҳаётий воқелик, долзарб зарурат туфайли Ҳиндистонга боришга, ундан сўнг етти йиллик улуғ сафарни амалга оширишга тўғри келди. Ҳар қандай шароитда ҳам Соҳибқирон тафаккурида Хитойга бориш фикри чарх урарди (*машойиҳлар одам сўнгги кунига шундай шошиб интилади, дейдилар*). Гарчи олдда қиш фасли, қаҳратон совуқ кунлар турсада, ҳазрат кенгаш чақириб, Хитой юришига тайёргарлик кўришни ҳукм этди.

Ўшанда Соҳибқирон забтига олган юртлар мусулмонбод бўлиб, тинчлик-хотиржамлик ўрнатилган эди. Ўша замон тарихчисининг ташбеҳи билан айтганда, «агар биров бир табақ олтун ё кумиш бошига қўйиб, йалғуз саҳрода кириб, бохтардан ховар (*ғарбдан шарқ*)гача боргай, ҳеч киши унга тик боқа олмас эрди» (*Яздий*). Лекин Хитойдан карвон йўлларидаги талончилик, мусулмонларга таҳдид ўтказиш, ички низолар ҳақида ташвишли хабарлар келиб турарди. Солномаларда Хитой ҳукмдори Мин Хун-Бу 1398 йилда 100 минг мусулмонни қириб ташлашга буйруқ бергани қайд этилган. Бундай ҳолатлар Соҳибқиронни ғайратлантирар, тезроқ бориш, бутхона ва оташкадаларни бузиб, ўрнига масжид ва хонақолар қуришга ундарди. Нима бўлганда ҳам шиддат билан ўтган умрнинг қолган лаҳзалари-да шиддатли кечганига тарих гувоҳ.

Шундай қилиб, жануб сари уюштирилган музаф-фар юриш тугаганига беш ой ҳам тўлмасдан тақдир (*балки қисмат*) кун чиқиш – шарқ тарафни кўрсатиб турарди. Вазият Хитой юришини тақозо этарди.

Бу юришнинг, мислсиз муҳораба бўлиши кути-лаётган жангнинг кун тартибига қўйилишида бир нечта инкор этиб бўлмас сабаблар кўрсатилади. Лекин бу сабаблар қаторида енгилмас жаҳонгирлик кайфияти, дунёни бир туғ остида бирлаштириш ис-таги бўлмаганини, бу – салтанат ҳудудларида тинч-ликни таъминлаш, яхлитлигини сақлаб қолиш учун қилинган мажбурий чора эканини таҳлиллар аниқ тасдиқлайди.

Ўша пайтда Хитойда Мин сулоласининг вакилла-ри ҳукмронлик қилар (*улар 1368 йили мўғуллардан мустақилликка эришган, энди, аксинча, мўғул хон-лари устидан ҳукмронлик қилишарди*), улар ўзларига жуда юқори баҳо бериб, «Биз – осмон ўғиллари, Хи-той эса оламнинг маркази» деб жар солардилар. Ко-нигилда ўтган тўйда Хитой элчилари ҳам қатнашган, улар Соҳибқиронга ўз ҳукмдорлари – фағфур, 1403 йилда тайинланган хоқон **Юн-Лонинг** мактубини топширган эдилар. Мактуб анчайин беписандлик билан ёзилган бўлиб, унда Самарқанд ҳукмдори «ўғлим» деб аталган, бу ўша замон дипломатияси шартига кўра, қарамлик талаб қилишни билдирарди. Қарам мамлакат эса ўз ҳукмдорига бож тўлаб туриши лозим эди. Бу талабни элчилар Соҳибқиронга етказадилар. Шубҳасиз, ҳозиргача 27 мамлакатни фатҳ этган, оламнинг тўртдан уч қисмини бир туғ остига бирлаштира олган (*бобокалонимиз байроғидаги уч ҳалқа шу маънони билдиради*) зот учун бундай муо-мала ҳақорат билан тенг эди.

Мухобарат (*разведка*) маълумотлари ҳам Хи-тойда ён-верида пайдо бўлиб қолган буюк давлат-

ни хушламаслик кайфияти кучайиб бораётганини, қолаверса, юзма-юз муҳорабага очик тайёргарлик кўрилаётганини тасдиқлар эди. Шунданми, бошқа динда бўлган бу мамлакатда мусулмонларни таҳқир қилиш кучайиб бораётганди. Дунёда ислом динининг навбатдаги – саккизинчи ҳимоячиси деб тан олинган Амир Темурни бу ҳол ҳам бепарво қолдириши мумкин эмас эди.

Катта салоҳиятга ва қудратга эга бўлган ён кўшни мамлакатдаги бундай муносабат ҳазрат Соҳибқиронни доим безовта қилиб келарди. У Хитой билан рўй бериши мумкин бўлган тўқнашувни кўз олдига келтирар ва шунга зимдан тайёргарлик кўрарди. Етти йиллик юриш асносида ҳам бу вазиятни доим эсида тутди, шунинг учун чегарадаги қалъаларни мустаҳкамлаш, муҳофазани кучайтириш чораларини кўрди. 1401 йил бошларида ўзи билан Ироқда бўлган энг ишончли лашкарбошилардан Оллоҳдод (*амир Сайфиддиннинг укаси*)ни махсус топшириқлар бериб, чегарадаги Ашпара шаҳрига ҳоким қилиб жўнатади. 1404 йил ёзида эса Туркияда пайтида Бердибек, Тангриберди, Саодат, Илёсхўжа, Давлат Темурни Оллоҳдод ҳузурига сафарбар этиб, Ашпарадан чамаси ўн кунлик йўл ичкарида Бошхумра деб аталадиган бир қалъа тиклашни амр этади. Эҳтимол, ана шу қалъа Хитой фатҳида асосий таянч нуқтаси бўлиши кўзда тутилгандир.

Олдинда таҳликали кунлар турар экан, Соҳибқирон унга бутун тажрибаси ва истеъдодини ишга солиб, жиддий тайёргарлик кўрди. Салтанатнинг бошқа сарҳадларида барқарор осойишталикни таъминлаш борасида амалий чоралар белгилади.

Тўйдан сўнг Пирмуҳаммад Мирзони ҳузурига чорлаб, зарур топшириқлар берган ва уни Қобул, Ғазнин – жанубий-шарқий тарафга, ўз тасарруфи-



даги ҳудудларга эзгу тилаклар билан йўллаган эди. Миср султони Фаражга махсус хат ёзиб (*бу хатнинг эни қарийб 1,5 метр, узунлиги 34,5 метр бўлган*), уни доимий ҳушёрликка ва ҳамкорликка чақирди.

Бошқа мулк ва қалъаларда ҳам қўшимча эҳтиёт чоралари кўрилиб, тажрибали бошлиқлар билан кучайтирилди. Барча ҳудудларга чопарлар юборилиб, қўшиннинг кайфияти тафтиш қилинди, улар тўла ҳарбий тайёргарлик ҳолатига келтирилди.

Хитойга сараланган отлиғ ва пиёда икки юз минг сонли лашкар билан ҳужум қилиш ҳисоби олинди (*тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар дўғлат қўшин салоҳиятини 7 йилга етадиган озуқа билан таъминланган 800 минг навкардан иборат, деб кўрсатган экан*). Тайёргарлик ва таъминотнинг юқорилиги билан бир аскар ўн аскарнинг қувватига эга эди. Улар шу даражада жисмоний жиҳатдан бақувват, ҳарбий жиҳатдан тажрибаси юқори, қурол-аслаҳа, озиқ-овқату кийим-бошдан мукаммал таъминланган эди.

Йўл-йўлакай катта шаҳарларда мўл-кўл озуқа фамланди, қўшин билан кўплаб туя ва биялар бирга эдики, уларнинг сутини соғиб, ичар эдилар. Ҳазрат Соҳибқирон каттақўшиннинг ўнг қаноти (*баронғор*)-га набиралари Халил Султон ва Аҳмад Мирзони бошлиқ тайинлаб, Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрамда қишлашни буюрди. Бошқа набираси Султон Ҳусайн қўмондон бўлган сўл қанот (*жавонғор*) эса Туркистон ва Сабронда қишлаши лозим эди.

Мунажжимлар юлдузлар ҳаракатини кузатиб, зафарли юриш учун энг мақбул кунни белгилаб бердилар. Амир Темур қўшиннинг ғўл (*марказий*) қисми билан ҳижрий 807 йил, жумод ул-аввал ойининг 23-да (*1404 йил, 27 ноябрь*) пайшанба кунини Самарқанддан чиқди.

Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Офтоб қавс буржида эрдиким, Самарқанддин чиқиб, Оқсулот кишлоғига таважжуҳ қилди. Қорабулоқ мавзеига бориб тушди. Шаҳзодалар ва беклар ҳар соридин яроғларини қилиб, чериклари билан таважжуҳ бўлдилар. Ҳазрат Қорабулоқдин кўчиб, Илонўтти йўлига кириб юрди ва Томлиққа келиб тушди. Ванда улуғ қор тушди ва ҳаво асру совуқ бўлди. Ҳазрат андин кўчиб, Оқсулотқа бориб тушди, бу ер ўтуни кўп, қумлоқ эди. Шу ерда қишлоқ солиб, эвлар ясаб ўтирдилар».

Хавонинг раъйи туфайли Оқсулотда узоқ қолиб кетишга тўғри келди. Бу кўзда тутилмаган эди ва Хитой фатҳининг режасига қусур етаётганди. Бундан ҳазрат Соҳибқирон жуда дилтанг бўлади, тинмай чопарлар юбориб, қўшиннинг ҳолатини янада чийраб туради. Мўл-кўл ғалла ғамланган, лашкарга етарлича озуқа улашилган эди.

Соҳибқиронга етиб келаётган хабарлар орасида набираси Халил Султон ва канизак Шодимулкнинг ишқий можаролари ҳақидаги гап-сўзлар жаҳлга тегарди. Халил Султон аёлни бобоси Самарқанддан чиққач, никоҳига олган эди. Бундан норози бўлган Халилнинг рафиқаси, ҳазратнинг жияни Али Муаййаднинг қизи Соҳибқиронга арз қилганди. Шаккокни йўлдан қайтариш чоралари кўрилади. Ҳатто Шодимулкни ўрдуга келтирадилар, у ўлимга буюрилади, фақат ҳомиласи борлиги учун афв этилади.

Сафарда маликалардан Сароймулкхоним, Тўкалхоним ва Туман оқа, амирзодалар Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султон бирга эди.

Оқсулотга етиб келганда қаттиқ совуқ бўлиб, қалин қор тушганди. Аёзнинг забти шунчалар баланд эдики, кўпларнинг қулоқ-бурунларини совуқ уриб кетди. Ўшанда оғиздаги тил танглайга ёпишиб

қолганини, совуқ ҳатто қориндаги ҳомидаларга ҳам таъсир қилганини ёзиб қолдирганлар.

25 декабрда Оқсулотдан қўшин йўлга чиқиб, Узун ота, Хўжа оға, Суткант, Қиморшоҳ ота, Султоншайх, Зарнуқ деган манзилларни босиб ўтди. Тошкент атрофи ва Туркистонда турган қўшиннинг баронғор ва жавонғорига баҳор келишини кутмай йўлга чиқишга шай бўлиб туриш амр этилди. Олий ўрду илгари босарди. Сирдарёни қоплаган қалин муз устидан ўтиб, 1405 йил, 14 январь куни Ўтрорга етиб келдилар.

Ўтрор (*Туларбанд, Тарбанд, Фарад, эрамизгача I асрдан XVI асргача қадимий шаҳар*) ўша пайтда мавқеи баланд қалъа-шаҳарлардан бўлиб, мўғуллар ғоратидан кейин Соҳибқироннинг ўзи қайта тиклаган ва обод қилган эди. Ундаги жомеъ масжиди, энг муҳими – жуда бой кутубхонанинг шуҳрати муаррихлар томонидан жуда баланд пардада мадҳ этилган. Машҳур қомусий олим Абу Наср Форобий ҳам унга яқин шаҳарда туғилган. Буюк ипак йўлида, жуда қулай ҳарбий стратегик нуқтада жойлашган бу манзил Чингизхон қўшинларига жиддий қаршилик кўрсатгани билан тарихда машҳур. Маълумки, Чингизхоннинг қимматбаҳо моллар ортилган 500 туядан иборат савдо карвони (*уни 450 сарбоз кузатиб борган*) 1218 йилда Ўтрор волииси Иналчиқ томонидан қириб ташланганди. Бундай шафқатсиз муносабатга қарши Чингизхон ҳам муносиб жавоб бермоқчи бўлади, бироқ саҳройи босқинчилар деярли биринчи марта шу жойда катта талафот кўрадилар. Мудофаа жанги узоқ – олти ой давом этади, охирида қалъа енгилгач, ғазабга келган Чингизхон жами тирик жонни (*ҳайвонларни ҳам*) қириб ташлаш, ҳатто гиштларни майдалаб, қайта тикланмайдиган ҳолатга келтириш ҳақида фармон беради. Ўтрор фожиаси босқинчилик

юришлари силсиласида энг даҳшатли воқеалардан бири сифатида эсланади.

Ўтрорга Бердибек ҳоким этиб тайинланган ва у жиддий тайёргарлик билан Соҳибқиронни кутиб олади. Меҳмонлар тўла жойлашишга улгурмай, бир нохуш ҳодиса рўй беради: улар қўнган уйга ўт тушади. Оловнинг шашти жуда баланд бўлиб, пранг ўчирадилар. Бу воқеа қўнгилларга ғашлик солиб қўйди. Боз устига аъёнлар ҳар кеча ёмон-ёмон тушлар кўрардилар. Ҳаво эса қаҳрига олиб, баттар қор бўралар, совуқ кучайгандан-кучаярди. Гўё фалак кутилаётган бир фалокатдан хабар берарди. Соҳибқирон эса танг бўлар, одам юбориб йўллардан хабар олдирадди. Улар йўлларни қалин қор босганини (*баъзи жойларда икки-уч найза бўйи*), асло ўтиб бўлмаслигини маълум қилардилар.

Шу кунларда Тўхтамишхоннинг элчиси Қорахўжа ундан мактуб билан келади. Хатда Тўхтамиш ўз пушаймонлигини изҳор этиб, кечирим сўраган эди. Соҳибқирон Хитой юришидан қайтгач, Жўчихоннинг улусини унга топширишни ният қилиб қўяди. Бироқ бу ва бошқа ниятлар амалга ошмай қолиб кетади – қазои қадар ўз ҳукмини бошқача ўқийди.

... Бу воқеалар рўй бергандан сўнг йиллар ўтгач, Буюк Темурнинг ҳаёти кўплаб ривоятга ҳикоятларга мавзу бўлди. Гоҳ тарих ҳақиқатига яқинлаштириб, гоҳ соф афсонавий руҳда ровийлар қиссалар тўқидилар, олимлар асарлар ёздилар, шоирлар қасидалар битдилар. Улар қанча гўзал, мукамал бўлмасин, Соҳибқироннинг ҳаёти мислсиз ва ягоналигича қолаверди.

Халқ китоби «Темурнома» да нақл қилинишича, Мовароуннаҳрда Соҳибқирон туғилганини, у кўплаб мамлакатларни фатҳ этиб, ҳукмдорларни тахтдан маҳрум этишини Рум, Ироқ, Хуросон, Ҳиндистон,

Фаранг, Хитой, Ўрус мамлакатлари подшолари тушида кўриб, Бухоро ҳукмдори Баёнқулихонга (*тарихий далиллар бўйича Баёнқулихон амир Қазаған ҳукмронлиги даврида қўғирчоқ хон (1348–1358 йиллар) бўлиб турган*) чопарлар юборадилар ва алоҳида белгили чақалоқни топиб, ўлдиришни талаб қиладилар. Мозори Шайхда яширинган сандиқ ичидаги олти ойлик Темурни маҳв этишга келган элчиларни ғойибдан бир қўл пайдо бўлиб, бошини танидан жудо қилиб ташлайверади. Фақат Хитой элчиси бу илоҳий фаришталарнинг иши эканини, фаришталар эса итдан қочишини билади, мозорга итни киритиб юборади ва болани қўлга олади. Воқеани баён этар экан, қиссахон ўлдирилган олти элчининг мамлакати Темурга тиз чўкишини, Хитой эса бундан холи эканини қайд этади.

Бир манбада эса «Мажму фи аҳком ан-нужум» (*«Юлдузлар ҳукми асрори»*) деган фолбинлик қомусида биринчи Соҳибқирон 33 йил умр кўради, иккинчиси пайгамбарлик мақомига эришади ва биринчисидан 30 йил ортиқ умр кўради, учинчиси бутун дунёни эгаллайди ва иккинчи Соҳибқирон кўрган умрдан (63) биринчи Соҳибқирон яшаган йиллар рақамларини қўшгандан ( $33 - 3+3=6$ ) кўп умр кўради ( $63+6=69$ ) деб ёзилгани баён этилади. Балки Оллоҳ томонидан мислсиз куч-қудрат билан зийнатланган зотнинг умри поёнига етиб бораётганини ўзи ҳам сезгандир ва чала қолиб келаётган бир юмуш – Хитой билан орани очик қилишни тезроқ адо этишга шошилгандир.

«Самарқанддан 76 йағоч узоқ» (*Шарафиддин Али Яздий*)ликдаги Ўтрорда эса қаҳратон совуқ давом этар, ҳар бир ўтаётган кун бир синоатдан гувоҳлик берарди.

Шаъбон ойининг 10 – чоршанба (11 февраль) кунини Соҳибқироннинг мижози ўзгариб, иситмаси кўтарилади. Касаллик аломатлари анча олдин зоҳир бўлган, ҳазрат тез-тез оғриниб турарди. Энди катта юриш арафасида тобининг қочиши Соҳибқиронга ёмон таъсир этди ва астойдил тавба-тазарру қилиб, Оллоҳдан шифо сўради. Машҳур табиб Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий тинимсиз муолажа қилди. Бироқ бир дардни даволаса, бошқаси хуруж қиларди. Соҳибқироннинг касали авж олса-да, ақли-хуши жойида, кўшиннинг аҳволини мунтазам суриштириб турарди.

Аммо дарднинг бедаво эканини билди ва ҳазрат қазога ризо бериб, оиласи ва яқин сафдошларини чорлаб, дил сўзларини қазои қадар олдидаги сўнги қарздек баён этди: «Фаҳм этаяпманки, руҳ қуши қалб қафасини тарк этишни ихтиёр қилди, Оллоҳ даргоҳидан паноҳ тилайман ва сизларни унинг марҳаматига топшираман.

Мен дунёдан кетсам, оху фиғон қилмангларки, ҳеч фойдаси йўқдир. Фақат Яратгандан гуноҳларим учун кечирим сўрангиз ва руҳимни фотиҳа, дуо, такбир билан шод этингиз.

Алҳамдулиллоҳким, бугун Эрону Туронда бирон кишида мажол йўқки, бизга муҳолифат қилса. Оллоҳ таолодан умидим борки, гарчи гуноҳим кўп бўлса, бир жиҳатдан менга раҳмат қилғай – мазлумларни золимлар дастидан ҳимоя қилдим. Менинг давримда зўрлардан ожизлар зулм кўрмади.

Агарчи дунёнинг тайини ва саботи йўқ экан, негаки, менга вафо қилмади – сизларга ҳам вафо қилмайди...»

Соҳибқирон ана шу изҳорида набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мирзони тахт вориси этиб тайинлайди, ҳаммани унга итоатда бўлиб, бўйин сун-

шини сўрайди: «Сизлар, керакки, унга мутиъ бўлиб, иттифоқ билан унинг айтганларини бажарсангилар, салтанат бузилмайди ва мусулмонларга ташвишу захмат етмайди. Шунда менинг неча йиллик меҳнатларим зое кетмайди».

Шундан кейин ҳозир бўлган амирзодалар ва бекларга бу васиятларга оғишмай амал қилишлари ҳақида онт ичишларини сўради. Соҳибқирон хузурида бўлган набиралари – Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон, энг яқин беклари – Шоҳмалик, Шайх Нуриддин ва бошқалар изтиробга тушиб, йиғладилар. Айниқса, садоқатли лашкарбошилари Шоҳмалик ва Шайх Нуриддиннинг алами зиёда эди. Улар Соҳибқироннинг деярли барча юришларида сафдош бўлдилар, унинг бир ишораси билан денгизларда тўфон кўпганини-ю, қуруқликда бўрон турганини кўп бора кўрдилар. Музаффар лашкар қаршисида мамлакатлар ва ҳукмдорларнинг қай тақлидда таъзимда бўлганларига гувоҳ бўлдилар. Бугун эса ана шундай мислсиз ғалабаларнинг раҳнамоси фано ва бақо оламида муаллақ турибди.

Бекларнинг қирғинбаротлардан тош қотган дийдаси ёшга тўлди, улар ўзларини ҳар ёнга уриб: «Жонимиз садақа, кошки сизнинг эмас, бизнинг жонларимизни олса», деб фарёд чекдилар. Соҳибқирон: «Фойдаси йўқ, кетмоқ фурсати келди. Сизлар ишларингизда мардона бўлинглар», деди. Беклар яна қайта-қайта онт ичдилар. Улар яқин атрофдаги фарзандларга хабар юборсак, улар сизнинг дийдорингизни кўрсалар, деб тақлиф билдирдилар. Ҳазрат вақт танглигини, дийдор қиёматга қолганини изҳор этди. Фақат сўнгида «Магар фарзанд Шоҳрухниким, бу замонда уни кўрмадим», деди.

Бу сўзларни эшитган Сароймулкхоним ва бошқа аёллар ташвишга тушиб, Соҳибқироннинг

ақволидан безовта бўлдилар. Ҳазрат Соҳибқирон фарзандлари томон қараб, охирги насихатларини баён этди: «Мамлакат ҳаёти ҳақида айтган ҳар бир гапимни қулоғингизда тутинглар, камбағаллар ва фақирларнинг тирикчилигидан бохабар бўлинглар. Қиличнинг сопини маҳкам ушланглар, токи мендек подшоҳликда муродга етгайсиз...»

Касаллик хуруж қилди. Ташқарида ҳофизлар Қуръон тиловатини давом эттирдилар, улардан бири – **Мавлоно Ҳайбатулло**га ичкарига кириб, Соҳибқироннинг бош тарафида хатми Қуръон қилиш ишораси бўлди.

Кеч тушди. Буюк ҳаёт шоми яқинлашган, умр офтоби ботиб борарди. Намозшом ва хуфтон орасида ҳазрат Соҳибқирон Тавҳид калимасини қайта-қайта такрорлаб, омонатини Яратганга топширди. Бу воқеа ҳижрий 807 йил, шаъбон ойининг 17-си (**1405 йил, 18 февраль**) чоршанба куни рўй берди.

Шундай қилиб, қуёшнинг уфқ сари сафари Ўтрорда поёнига етди. У ўз сайрини жаннаторо Шаҳрисабз (**Кеш**)дан бошлаган эди. То тириклик дунёси мавжуд экан, бу сайру сафар, бу қахрамоннома қайта-қайта ривоят қилинаверади. Бу ривоятлар кеча ва кундузнинг такрорланиши сингари давомий бўлаверади. Зеро, ҳаёт бардавом, тириклик бардавом. Бинобарин, қуёш ҳам яна қайта чиқиш учун ботади, дейдилар.

... Юз йиллар ўтди. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари бўй кўрсатган заминда ҳуррият шамоллари эсди. Ўзларини буюк боболарига қондош деб билган бир тўда ёшлар махсус экспедиция уюштириб, Ўтрор тупроғига қадам қўйдилар. Ҳозир бу жойда жон асари йўқ, икки юз гектардан иборат ҳувиллаган майдон симлар билан ўраб қўйилибди. Фақат тадқиқотчилар, қизиқувчиларгина ташриф буюришар экан. Ёшлар борган кун, таассуфки, шамол



туриб, қаттиқ совуқ бўлди. Гарчи куз фасли бўлса-да, ўша аёвсиз қиш аёзи тарқамагандек эди. Балки За мин олти аср олдинги мислсиз йўқотишнинг изтиробини ҳамон унута олмагандир...



### **БУЮК ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ**

**1404 йил, 27 ноябрь** – қўшин Самарқанддан Хитой сари йўл олди. Оқсулотда совуқ туфайли тўхташ.

Ҳиротдан, Шоҳруҳ Мирзодан вакиллар келди.

**25 декабрь** – Оқсулотдан йўлга чиқилди.

**1405 йил, январь** – Узун отага келиш.

Йўлхўжаойда тўхташ. Сутканд, Қиморшоҳ ота, Султоншайхда қисқа вақт тўхташ. Сайхун (*Сурдарё*)дан муз устидан ўтиб, Зарнуқда тўхташ.

**9 январь** - Ўтрорга етиб келинди.

Тўхтамишхондан элчилар келди. Соҳибқирон улар билан суҳбатлашди.

**5 февраль** – нард ва шатранж ўйинларидан бош тортиш (*Фосих Ҳавофий маълумоти*).

**11 февраль** – Соҳибқироннинг иситмаси чиқиб, соғлиғи ёмонлашди.

**18 февраль, ҳижрий 807 йил, 17-шаъбон** – ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур вафот этди.



## ЭВРИЛИШ

### АМИР ТЕМУРДАН СЎНГ

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ҳали ул зоти шариф тириклигидаёқ афсона ва ривоятларга асос бўлган эди. Тўқилган бу ҳикоятларнинг мазмуни ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келавермасди. Ҳазрат узоқ ўлкаларда сафарда юрганда Самарқандда унинг қўлга тушганлиги (*енгилгани*), ҳатто ўлгани ҳақида миш-миш тарқаларди, бироқ орадан кўп ўтмай, музаффар лашкар ғалаба билан пойтахтга кириб келар эди. Албатта, бундай ҳолларни тушуниш мумкин, демак, олти юз йил олдин ҳам одамлар шов-шувга ўч бўлган экан. Худди шунингдек, Соҳибқироннинг сўнгги кунлари ҳақида ҳам турли ҳикоялар тўқилган. Уларнинг бирида гўё улуг лашкарбоши совуқни писанд қилмаганини кўрсатиш учун сочини қор тагида олдирганлиги тилга олинса, бирида алаҳсираб, ўрнидан туриб, қаҳратон қиш, изғиринли тунда қирга чиқиб кетгани, бошқасида тушида отасини кўргани, у отининг эгар-жабдуғини ечиб олгани сўзланади. Шубҳасиз, булар ташқаридан қараган ва Соҳибқирон ҳаётини фақат тасаввур қила олган кишиларнинг ижоди. Аслида, сарой тартиблари, унда Амир Темурнинг ўрни бутунлай бўлакча бўлган.

Ҳаёти ана шундай ҳикоялар, дostonлару афсоналарга қоришиб кетган инсон дунёни тарк этди. Бу ўз масштаблари билан мисли кўрилмаган йўқотиш эди. «Темур тузуклари»да: «Амирлар, сипоҳсолор, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мард-

лиги, мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим, дейилган. Соҳибқирон вафотидан сўнг ана шундай катта ҳудуд, унда умргузаронлик қилаётган миллионлаб одамлар ҳаётида янги, кутилмаган кунлар бошланаётган эди. Табиий, бу кунлар ташвишли ва ёқимсиз бўлиши аниқ эди, чунки буюк салтанатнинг устунни қулаган эди, кўплаб шербаччаларни бир қўлда ушлаб турган нар арслон ўйиндан чиққан эди.

Амир Темур салтанатининг кейинги тақдирини таҳлил қилган кўплаб олимлар парокандаликнинг турли сабабларини кўрсатадилар. Жумладан, бу ҳокимиятнинг шахсий садоқатга асослангани, ҳаддан ташқари кучли марказлаштирилгани ва чет ҳудудлар ҳукмронлари амалда ҳокимиятдан маҳрум этилганлиги далилини бўрттириб такрорлайдилар. Албатта, бундай баҳоларга эътироз билдириш қийин, бироқ шуниси ҳам борки, бу салтанат ўша замон давлатчилигида бутунлай янги ҳодиса эди ва ўз қиёфаси билан олдинги империялар мазмуни ва тартибларини навбатдаги босқичга олиб чиққан эди. Объектив зарурат сифатида пайдо бўлган кучли марказнинг тараққиёт силсилалари давомида эскириб қолиши ва таназзулга сабаб бўлиши эса тарихда жуда кўп такрорланган ҳодиса.

Яхшиси, бу жараён қандай кечганини воқеалар ривожини орқали кузатайлик.

### **ТАШВИШЛИ БИР ОЙ**

Амир Темур вафот этганда, тўрт ўғлидан икки нафари ҳаёт эди. Жаҳонгир (*1356–76 йиллар*) ва Умаршайх (*1356–1394 йиллар*) анча олдин бу ёруғ оламни тарк этган эдилар. Ўша пайтда Мироншоҳ Форсда турар, Эрон, Озарбайжон ҳудудларини идо-

ра отар эди. Мироншоҳ отдан йиқилиб, боши қаттиқ пат еган, соғлиғи яхши эмас, шу туфайли ҳукмдорлик ташаббуси амирзодалар Умар ва Абубакр қўлида эди. Соҳибқироннинг тўртинчи ўғли Шохрух Ҳиротда турар ва Хуросон тахтини бошқарарди.

Ўша кеча воқеанинг бошида бўлган садоқатли беклар – Бердибек, Шайх Нуриддин, Шохмалик ва Хўжа Юсуф маслаҳатлашиб, ўғилларга чопар юбордилар. Шунингдек, Балхда турган валиаҳд Пирмуҳаммадга (у *Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғли, марҳум валиаҳд Муҳаммад Султоннинг укаси эди*) бўлган гапни очиқ айтиб, тез Самарқандга етиб келишини тайинлаб хат йўлладилар. Беклар Соҳибқирон вафотини сир тутиш, қўшинда ваҳима қўзғамасликни келишиб олдилар.

Эртаси, пайшанба куни (*19 февраль*) мотамсаро карвон Самарқанд сари йўлга тушди. Уни ишончли беклардан Хўжа Юсуф кузатиб борадиган бўлди. Унинг изидан (*3–4 кун ўтиб*) Сароймулкхоним ва бошқа аёллар, амирзода Улуғбек ҳам қайтдилар. Душанба кечаси (*23 февраль*) пойтахтга етиб келиб, марҳумни тупроққа топширдилар. Албатта, бу мотам мисли кўрилмаган эди, хонимлар, беклар, амирзодалар бағри хун бўлиб, фарёд чекиб аза тутдилар. Уларнинг ҳолатини ўша замон тарихчилари энг қайғули лавҳаларда акс эттирганлар. Аммо ташқарида ҳаёт давом этар, у кун тартибига янги-янги ташвишларни кўндаланг қўяётган эди.

Маълумки, Хитой юришига жуда жиддий тайёргарлик кўрилганди. Бу даражада мукаммал, тажриба кўрган қўшин ҳарбий муҳорабалар тарихида камданкам тўпланишини замондошлар ҳам, ҳозирги давр экспертлари ҳам кўп таъкидлаганлар. (*Шарафиддин Али Яздий ҳам бунни эътироф этиб, «қўшиннинг мукаммаллиги ва Кониғилда ўтказилган дабда-*

*бали тўй туфайли Соҳибқирон салтанатига кўч  
тегди», деб таассуф билдиради).* Қарши тарафда  
(*Хитойда*) уларга бас келадиган куч йўқ эди ва ну  
ратнишон лашкар, албатта, мақсадига эришар эди.  
Буни яхши чамалаган беклар кенгаш қилиб, йўлдан  
қайтмаслик ва, албатта, Хитой устига бостириб бо  
ришга аҳд қилдилар. Бунинг учун қўшин билан Тош  
кентда турган Халил Султонга чопар юбориб, тезда  
етиб келишини ва лашкарга қўшилишини тайинла  
дилар.

Халил Султон Мироншоҳнинг Хонзодахонимдан  
туғилган ўгли бўлиб, амирзодаларнинг энг ёши улуғи  
(*21 ёшда*) эди ва уни қўшинга бош қўмондонликка  
мўлжалладилар. Қўшин Ўтрордан қўзғалди, Сирдарё  
дан ўтиб, Учариқ деган жойга етиб келди. Олдинги  
дек Соҳибқироннинг ноғорасини чалдилар, оқ уйини  
тикиб, унга Иброҳим Султон кириб ўлтирди. Энди  
Халил Султон ва Султон Хусайннинг етиб келиши ку  
тилаётган эди.

Султон Хусайн Соҳибқироннинг кичик қизи  
Тоғайшоҳ Оқабегим (*у амир Мусонинг ўғли Муҳам  
мадбекка узатилган эди*)нинг фарзанди эди. Сул  
тон Хусайн ажабтовур қилиқлари, бетайинлиги би  
лан бобосини кўп ранжитганди. Суриядаги юриш  
да аразлаб, душман тарафга ўтиб кетган, унинг  
сотқинлиги туфайли Амир Темур кўп азият чеккан  
ди. Соҳибқирон унинг онасини жуда яхши кўрар,  
бу қизи кўп яшамай, вафот этиб кетганди. Ундан  
қолган ягона зурриёднинг қилиқларини афв этган  
ди. Унинг атрофида бир тўда «муфсид» кишилар  
тўпланиб олиб, фитнани тож қилганча икки томон –  
бобо ва набирани бир-бирига қайрар эди.

Барибир нобакор фарзанд панд беради. Ўтрорга,  
жами қўшин тўпланиши керак бўлган Чукалак мав  
зёсига етиб келиш ўрнига, икки минг нафар сара

ланган сарбоз билан Хўжанд сувидан орқага қайтиб, Самарқандга йўл олади.

Бу хиёнат улкан салтанатни тутиб турган мустақкам арқондан бир толасининг узилиши эди. Унинг оқибати шунга олиб келдики, нусратнишон кўшини Хитой юришидан маҳрум бўлди.

Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий шундай ёзади: «Авалда тақдир йўқ эрмишким, ислом кўшини Хитой сори борғай».

Айни пайтда улкан салтанат эгасиз эди. Валиаҳд Пирмуҳаммаднинг давлат ишлари билан Ҳиндистон чегараларида экани маълум бўлди, бунча узоқ масофадан Самарқандга етиб келиш учун эса вақт кетди. Аъёнлар кенгашиб, пойтахтга Шоҳрух Мирзони чорлаш ва уни подшоҳ қилиб кўтаришни маъқул кўрдилар. Аслида Шоҳрух Соҳибқиронга яқин бўлиб, у ўғил эди, Пирмуҳаммад эса набира бўлади. Шоҳрухнинг тахтни эгаллаши вазият нуқтаи назаридан тўғри бўларди, бироқ у ҳукмронлик қилаётган Хуросон вилоятида ҳам аҳвол нотинч, Қора Юсуф ва бошқа фитначилар изғиб юришарди. Шуми ёки бошқа сабаблар борми, Шоҳрух Самарқанд азмини ихтиёр этмайди. Аммо тақдирнинг ҳукмини қарангки, унга шу ишни қилиш шарт экан. Кейинчалик Шоҳрух келади ва Самарқандда тартиб ўрнатади, фақат тўрт йилдан сўнг.

Султон Ҳусайннинг хиёнати салтанат арконларини титратиб юборади. Содик беклар Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин ҳудудларга чопарлар юбориб, аҳволни тушунтирадилар, Самарқанд ҳокими Арғуншоҳга хат ёзиб, хоинни пойтахтга киритмасликни тайинлайдилар.

Парокандалик бошланиши билан Хитой юриши кун тартибидан олинади, илғор қисм орқага қайтиб, Оқсулотда макон тутлади.

Хусайннинг бўлиниб чиққанидан ва салтанатда подшоҳ йўқлигидан хавотирга тушган, қўшин билан қишни Тошкентда ўтказган беклар маслаҳатлашиб, Халил Султонни подшоҳ деб эълон қилишади. Халил Султон Самарқанд ҳокими Арғуншоҳга хат йўллаб, пойтахтга ўзидан бошқа ҳеч кимни киритмаслигини, мабодо, у тахтни эгалласа, Арғуншоҳни муносиб тақдирлашини маълум қилади.

Тошкентда Халил Султоннинг подшоҳ деб эълон қилингани хабарини эшитгач, Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин безовта бўлиб, хат орқали бу иш Соҳибқирон васиятига хилоф бўлишини, тахт ворисин Пирмуҳаммад Мирзо эканини маълум қилдилар.

Бундан, яъни ҳазратнинг васиятидан хабар топган Тошкентдаги аъёнлар хато қилганларини, ўлгунларича Соҳибқироннинг иродасига садоқатда қолишларини изҳор этишади.

Соҳибқироннинг энг садоқатли кишилари — хонимлар, Улуғбек ва Иброҳим Султон ҳамда Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин Оқсулотдан йўлга чиқиб, эртароқ Самарқандга кириш тараддудида бўлишади. Шоҳмалик ҳаммадан олдин бориб, пойтахтдаги аҳвол билан танишмоқни истайди, бироқ барча дарвозалар берк эди. Арғуншоҳни топиб, у билан гаплашади. Арғуншоҳ Самарқандни Соҳибқирон унга топшириб кетганини, валиаҳд Пирмуҳаммад етиб келмагунча ҳеч кимга дарвозаларни очмаслигини маълум қилади. Шоҳмалик Самарқандга кира олмай, остонадан йиғлаб қайтиб кетишга мажбур бўлади. Шоҳмалик Амир Темурнинг ишончини тўла қозонган, садоқат билан хизмат қилган беклардан эди. Ибн Халдун Соҳибқирон Сурияда турган пайтда Шоҳмалик Дамашқ шаҳрининг ноиби эканини ёзса, Клавихо Самарқанддаги машҳур тўйда Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинни доим Соҳибқирон

онда кўрганини қайд этади. Энг содиқ кишининг пайтахтга кира олмаётгани Арғуншоҳ Халил Султон билан тил бириктирганлиги ифодаси эди. Шайх Нуриддиннинг мураса борасидаги ҳаракатлари ҳам зое этади.

Самарқандга киролмаслик аниқ бўлгандан сўнг беклар ва хонимлар маслаҳатлашиб, аёллар Самарқандга борадиган, амирзода ва беклар Бухорога кетадиган бўлдилар. Икки гуруҳ 5 март куни Амиробод деган жойда йиғи, алам, фарёд билан ажралдилар. Бошларига тушган кўргиликлар уларнинг кўрлигини ошириб, ҳазрат Соҳибқирон шавкатини ёнда туширар, бу саргардонликлар туфайли аламлари ёнда бўларди. Соҳибқироннинг завжалари – Сароймулкхоним, Тўкалхоним, Туман оқа шаҳарга кириб, ала очадилар. Шоҳмалик, Шайх Нуриддин, Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султон навкарлари билан Бухорога йўл оладилар. Соҳибқироннинг хазинаси ҳам уларда эди.

Улар Бухорода бир зум яшадилар, шаҳарда ободончилик ишлари олиб бордилар. Мудофаа истеҳкомларини мустаҳкамладилар. Сўнгра Ҳиротга, Шоҳрух хузурига кетдилар.

Халил Султон эса фурсатни ғанимат билди ва Самарқандга етиб келиб, тахтга ўтирди. Бу воқеа 18 мартда рўй берди.

### ПАРОКАНДАЛИК

Соҳибқирон васиятининг амалга ошмагани, баъзи аъёнларнинг мунофиқлиги туфайли Халил Султоннинг тахтга ўтириши қутилмаган фалокатларнинг юзага чиқишига сабаб бўлди. Бу, бир томондан, Халил Султон шахси билан шарҳланса, иккинчи тарафдан (*балки энг муҳими*) – сарой муҳотида ҳукм



сурган хиёнат, иккиюзламачилик, сотқинлик билан изоҳланади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бетайин кимсаларнинг хатти-ҳаракати билан Соҳибқироннинг порлоқ орзуларига заха етди – улар ҳам қабрга тиқилди. Катта бойлик эвазига Арғуншоҳ шаҳар дарвозалари ва хазиналарнинг калитларини олиб, акобиру ашрафлари билан Халил Султон йўлига пешвоз чиқди. Ўтрорда бўлган ва мотамсаро карвонни кузатиб келган Хўжа Юсуф Самарқанддан тўрт йиғоч (25 км) беридаги Шероз мавзеида янги ҳукмдорни кутиб олиш билан ўз садоқатини намоиш этди. Бундай ҳоллар ҳақида Шарафиддин Али Яздий «Соҳибқирон (руҳидан) ҳеч андиша қилмадилар», деб ёзади. Кўриниб қоладики, рўй бераётган воқеалар Амир Темур қарор топтирган тартибларнинг илдизига болта урди, барқарор салтанатда парокандалик бошланди.

Албатта, кейинги аҳвол мамлакат жиловини қўлига олишга аҳд қилган Халил Султонга боғлиқ эди. Унинг шахси ҳақида ўша замон муаррихларининг таърифидан маълум бўладики, у бу даражадаги улкан салоҳиятга эга бўлмаган. Аввало, бобосининг иродасига қарши бориши нобакорлик эди. Тож-тахт дардига мубтало бўлган Халил Султон бошқаларни ҳам чалғитади. Тошкентдан Самарқандга йўл олиши хабари тарқалгач, Шайх Нуриддин ва Шоҳмалик амир Жаҳоншоҳ ўғли Бурундуқбек орқали амирзодага хат йўллаб, бу фикридан қайтишини, Соҳибқироннинг охирги ўтинчини ўринлатиш шартлигини тайинлайдилар.

Халил Султон ва унинг атрофидаги беклар қилиқларидан пушаймон бўлиб, васиятга содиқликларини изҳор этиб, онт ичадилар, ҳатто аҳднома ёзиб, ўз муҳрларини босадилар. Халил Султон хат борган тарафга элчи этиб жўнатган Аталмишга алоҳида тайинлаб: «Биз амирзода Пирмуҳаммадга ниёзбанд-

миз, Соҳибқирони саъиди мағфурнинг васиятини қоим мақоми деб билурмиз», деган сўзларни айтди. Аслида бундай муносабат фирибгарлик бўлиб чиқди. Халил Султон тахтни эгаллагач, норози бўлган беклар ундан юз ўгирдилар. Шундай қилиб, ўзаро низолар бошланиб кетди.

Амир Темур ҳаётлигидаёқ бу набирасининг баъзи қилиқлари уни ранжитган эди. Соҳибқирон ҳақида меъёрсиз ҳақорат сўзларни қўллаган Ибн Арабшоҳ Халил Султонни энг тансиқ калималар билан улуғлагани қизиқ. Эҳтимол, у «Душманнинг душмани – менинг дўстим», деган ақидага суянгандир, Халил Султонни: «Юсуфдек чиройли, Муҳаммаддек хушхулқли, Халилдек мулойим, Исмоилдек садоқатли», деб таърифлайди. Ана шу «баркамол йигит» амир Сайфиддинбек *(ҳаж амалини адо этишига мушарраф бўлган мазкур лашкарбоши жангдаги жасорати, Соҳибқиронга садоқати билан алоҳида ажралиб турган, унинг «Сайфий» тахаллуси билан ғазаллар ёзгани эса камёб ҳодиса)* ҳарамдаги бир канизакка ошиқ бўлган эдики, бу ишқ можароси салтанат заволида яна бир омил бўлди. Нисбатан қуйи табақадан ҳисобланган аёлга шахзоданинг уйланиши аъёнларнинг норозилигини келтириб чиқарганди. Аёл ўлимга ҳукм этилади, фақат Сароймулкхонимнинг аралашуви билан гуноҳи сўраб олинади. *(Бироз олдин кетиб шуни айтиш мумкинки, хонимнинг бу яхшилиги ўзига бало бўлиб қайтади – Шодимулк уни заҳарлаб ўлдиради)*. Шодимулкнинг ўжарлиги сиёсатга жиддий таъсир этиш даражасига етган, аёл давлат бошқарувига фаол аралашган, бу аралашувлар нуқул зарарга ишлаган. Ҳатто канизаклигидаги хизматкори, касби бўзфуруш бўлган Бобо Тармиш деган зотни бош вазир даражасига кўтарган эди.

Халил Султон мамлакатни бошқаришда ўз йўриғига амал қилди. Тўғри, у бобосининг тартибларига қарши бормади, аксинча, унинг руҳига садоқатини ёдда тутди. Тахтга ўлтиргандан икки кун ўтиб, Амир Темур дафн этилган Муҳаммад Султон мадрасасига бориб, таъзия очди, жуда кўп жонлиқлар сўйиб, ҳадялар қилди. Бу мотамга бутун шаҳар аҳли қатнашди, у бир неча кун давом этди. Охирида Соҳибқироннинг йўлбарс териси қопланган ноғорасини олиб чиқиб, баланд пардада чалдилар ва бошқа ҳеч кимга хизмат қилмасин, деган удум билан бўлақлаб йиртиб ташладилар. Марҳумнинг либослари, қурол-аслаҳалари ҳам мадраса деворларига осиб қўйилганди.

Улуғ тарихчи Шарафиддин Али Яздий, «Зафарнома» асарида *(айтмоқчи, бу асарни олим биз бот-бот қайд этган Иброҳим Султон саройида, унинг топшириғи ва раҳнамолигида 1424–1425 йилларда ёзиб тугатади)* «... шаҳзода Халил Султон Самарқанд тахтида подшоҳ бўлиб, давлат била ўлтурди. Ул маҳалда Самарқанддек ер юзида маълум шаҳар йўқ эрди», деб ёзади. Амир Темурнинг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида йиққан жами бойлиги Халил Султон қўлига ўтди. У бу бойликдан ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида фойдаланиб, бекларга совға-саломлар, мулозимларга инъомлар улашишдан чарчамади. Меъёрни сақламай, «олтину кумушларни буғдой тортқон тарозуси била улаштирди» *(Яздий)*. Оқибатда, тўрт йилда бу бойликдан асар ҳам қолмади.

Ўшанда пойтахтда бошланган бошбошдоқликлар салтанатнинг бутун ҳудудларида акс-садо берган эди.

Катта салтанатда биринчилардан бўлиб Озарбайжон ва Ғарбий Эрон қўлдан кетди. Пайт пойлаб юр-

ган Қора Юсуф Мироншоҳга ҳужум қилди, шаҳзода бу зарбани қайтара олмади. Кейинчалик ҳам бу икки куч ўртасидаги кураш тинмади. Мироншоҳ қўлдан чиққан жойларни қайтариб олиш учун бир неча марта қўшин тортди, бироқ натижа бўлмади. Ниҳоят, 1408 йилда унинг жангда ҳалок бўлиши билан вазиятнинг бой берилгани тан олинди. Гарчи Соҳибқироннинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзонинг ҳаёти фожиа билан тугаган бўлса-да, унинг авлоди Темурийлар сулоласи довуғини оламга таратишда кам бўлмадилар. Айниқса, Ҳиндистонда буюк империяга асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу шонли тарихдан муносиб ўрин олди. Унинг шажараси қуйидагича: Соҳибқирон Темурбек – Мироншоҳ – Султон Муҳаммад – Султон Абусаид – Умаршайх Мирзо – Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Ғарбий Эронда Мироншоҳдан омад юз ўғиргани бежиз эмас эди. Соҳибқирон вафотидан ҳеч қанча вақт ўтмай, Форсда ҳукмронлик қилаётган Темурийлар орасига фитна оралаб қолган эди. Айниқса, бир пайтлардаги Хулоғухон давлатига эгалик қилиб турган Умар Мирзо билан Соҳибқирон унга маслаҳатчи қилиб қолдирган Жаҳоншоҳбек ўртасидаги зиддият чегарадан чиқиб кетади. Жаҳоншоҳ ҳазратга бошидаёқ садоқат кўрсатган ва умрининг охиригача ҳалол хизмат қилган Жоку барлоснинг ўғли эди. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Менга тушуниб кўмақдош бўлиш учун розилик берган биринчи киши – Ики Темур бўлди, иккинчиси, амир Жоку барлос эди». Гап Илёсхўжадан ажраб, олтмиш йигит билан Самарқанд тоғларига чиқиб кетиш **(1361 йил, куз)** воқеаси ҳақида кетаяпти. Соҳибқирон кейинчалик Жоку барлосга катта ишонч билдирган ва уни амиралумаро этиб тайинлаган эди.

Умар Мирзо тажрибали бекнинг маслаҳатларини қулоқ солмай, ўзбошимчалик билан йўл тута бошлайди. У очиқчасига бобосининг васиятларига шак келтираётган эди. Бунга чидай олмаган Жаҳоншоҳ Умарнинг чодирига бостириб киради ва бир неча кишини ўлдиради, бироқ кучлар тенг эмас эди, исёнкор Жаҳоншоҳ ҳам маҳв этилади.

Маълумки, Соҳибқирон Мироншоҳнинг бошқа ўғли Абубакрни Бағдодда тикланиш ишларини амалга ошириш учун жўнатган эди. Вазият ўзгаргач, у ҳам Султон Аҳмад жалойир (*Уша «бир бўлак гўшт»*) га қаршилик кўрсата олмайди ва чекиниб, Умарнинг ҳузурига келади. Ўз тахтидан хавфсираган Умар Абубакрни зиндонга ташлайди ва лашкарини ўзига қўшиб олади. Аммо Абубакр ўз тарафдорлари кўмагида зиндондан қочади, отаси Мироншоҳ билан бирга Султониядаги хазинани қўлга киритиб, атрофида лашкар тўплайди. Кўплаб амирлар, беклар Умардан қочиб, унга келишади. Ниҳоят, 1406 йилнинг апрелида икки куч тўқнашади ва Абубакр ғалаба қозонади. Умар Мирзо Шоҳрух паноҳига келади, шу ерда 1407 йил охирида вафот этади.

Афсуски, Абубакр Мирзо ҳам Қора Юсуфни тўхтатиб қола олмайди, Қора Ўрда деб ном олган туркмонлар авлоди Озарбайжон ва Ғарбий Эронни ўз тасарруфига киритади.

Бўлиниш, парчаланиш пойтахт Самарқандда ҳам тўхтамайди. Халил Султонни ҳамма барабар ҳукмдор сифатида тан олмайди.

Соҳибқирон Амир Темурга чексиз садоқатли амирлар, беклар Халил Султонга ё муҳолифатда бўлдилар, ё Шоҳрухга бориб қўшилдилар.

Фуқаролар ўртасида ҳам безовталиқ бошланди. Соҳибқирон Хитой юришида стратегик мақсадларни кўзлаб чегара ҳудудларига кўчирган ҳиротликлар

(уша «қора тоторлар») ва бошқа қавмлар ўз юртларига қараб йўл олдилар. Самарқандга Сурия, Ироқ, Туркиядан келтирилган илм-фан, санъат вакиллари, ҳунармандлар, оддий кишилар ҳам ўз ватанлари азмига киришдилар. Соҳибқирон Хитой чегарасидаги Ашшара шаҳрига ҳоким этиб тайинлаган Оллоҳдод ҳам ўрнини тарк этиб, муҳолиф кучлар билан бирлишиди. У Султон Хусайн билан ҳамкорлик қилиб, Халил Султонга қарши жангга чиқди. Шаҳрисабз яқинидаги тўқнашувда Оллоҳдод лашкарни бошлаб, Халил Султон тарафига ўтиб олди. Ҳамма нарсадан мосуво бўлган Султон Хусайн эса жонини ҳовучлаб, Шохрух ҳузурига қочди ва кўп ўтмай вафот этди.

**Шайх Нуриддин** Туркистон ҳокими **Худойдоди Хусайний** билан иттифоқ тузиб, Халил Султонга кўп бора таҳдид солди. Бу ишларидан натижа чиқмагач, у ҳам Халил Султон тарафига ўтиб кетди. Унинг тенгдоши, жангу жадаллардаги содиқ ҳамроҳи Шохмалик эса Шохрух ҳузурига борди, унга садоқат билан хизмат қилди. 1413 йили уни Шохрух Хоразм ноибни қилиб тайинлади. Шохмалик 1426 йилда ўз ажали билан вафот этди. Унинг зурриёди – эвараси Муҳаммад Солиҳ (**бобоси Иброҳим Султон, отаси Нурсайд**) шоир сифатида адабиёт ихлосмандларига яхши таниш.

Шайх Нуриддиннинг қисмати эса бошқачароқ тугаган эди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Шохрух Самарқандни эгаллаганда у Халил Султон лашкари сафида эди. Шохмалик Шайх Нуриддиннинг бу ҳаракатини кечира олмайди ва Сиғноқ қалъасида макр билан қўлга тушириб, Арғудоқ отли навқари қўли билан ўлдиради. (**«Бобурнома»да келтирилишича, Бобурнинг она томондан бобоси, Чиғатой авлодидан бўлган Юнусхоннинг онаси Шайх Нуриддиннинг қизи ё набираси экан.**)

Албатта, ҳаракат саҳнасида Соҳибқирон томонидан валиаҳд этиб тайинланган Пирмуҳаммаднинг фаолияти ўзгача манзара касб этади. У ҳазрат Соҳибқироннинг тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзо зурриёди бўлиб, отаси вафотидан қирқ кундан сўнг туғилган эди. Бобоси уни охириги марта – Самарқандда ташкил этилган тўйда кўрганида 28 ёшга тўлган, ҳар томонлама камолга етган йигит эди. Етти йиллик айрилиқдан кейинги дийдорлашувда Пирмуҳаммад Соҳибқиронда яхши таассурот қолдирган бўлса керак. Клавиҳо ҳам ўша тўй асносида Пирмуҳаммаднинг хос чодирисида Амир Темур мартабали меҳмонлар учун махсус зиёфат уюштирганини ёзадики, демак, Соҳибқирон бу набирасига алоҳида эътибор билан қараган. Уни валиаҳд этиб тайинлаганда ана шу ишонч ва унинг меросхўрлар ичида ёши катталиги (*Мироншоҳдан ташқари*) асосий омил бўлгандир.

Халил Султон тахтни эгаллагач, қонуний валиаҳд Пирмуҳаммад тарафидан ўзига таҳдид солиниши аниқ эканини билган ва бунга пухта тайёргарлик кўргани ҳақида тарих китобларда ишоралар бор. Чунончи, у қўлидаги катта бойликдан фойдаланиб, Пирмуҳаммад атрофидаги етук амирлар ва бекларни ўз тарафига оғдириб (*сотиб*) олишга интиланган, қўшинини заифлаштириш, бўлиб ташлаш йўллариини излаган. Ниҳоят, Пирмуҳаммад анча кечикиб, Самарқанд томонга қўшин тортади. Халил Султон ҳам унга қарши боради ва икки томон лашқари 1406 йил, 20 февралда Қарши атрофида тўқнашади. Жангда Пирмуҳаммад енгилади. Бундан кейин ҳам у ҳужумлар уюштиради, бироқ муваффақият қозона олмайди ва Халил Султон билан муросага боришга мажбур бўлади. Афсуски, уни энг ишонган кишиси – девон бошлиғи ва асосий маслаҳатчиси Пир Алитоз деган шахс 1407 йил 22 февралда қатл этади.

Ҳаддидан ошган Пир Али Ҳиротга ҳам ҳужум қилади, уни Шоҳрух енгиб, ўлдиради ва Қандаҳорни ҳам ўз мулкига қўшиб олади.

### **БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНАТИЛИШИ**

Кутилганидек, энди ҳаракат майдонида Шоҳрух Мирзо пайдо бўлади. У Соҳибқироннинг энг суюкли зурриёди бўлиб, тоат-ибодатли, илм-фан ва санъат ҳомийси, ҳар жиҳатдан баркамол инсон эди. Шоҳрух Ҳирот тахтини 50 йил маҳорат билан бошқариб, Те-мурийларнинг энг олий тимсолини намойиш этди.

Самарқандда тартибсизликлар чегарадан чиқиб кетганини, Халил Султон шаҳарни бошқара олмай қолганини, ҳатто пойтахтни Худойдод эгаллаб олганини эшитгач, Ҳиротдан қўшин тортиб йўлга чиқди. Лашкарга Шоҳмалик етакчи эди. Шоҳрухнинг Амударёдан ўтган хабарини эшитгач, Худойдод юзмаюз тўқнашувдан қўрқди ва Халил Султонни ўзи билан олиб, Андижонга кетди. Самарқанд аҳли очик юз билан Шоҳрух истиқболига чиқди ва уни шод-хуррамлик билан кутиб олди.

Амирзода Самарқанддаги вазиятни ўз назоратига олди, тартиб ўрнатди, падари бузруквори марқадини исломий шариат талабларига биноан ислоҳ қилиб, хотира маросимларини адо этди. Шоҳрух ўз пайтида хоинлик қилган Арғуншоҳ, Оллоҳдод ва Бобо Тармишни жазолади.

Шайтон хотин Шодимулкни сазойи қилдирди.

Халил Султон Андижонда туриб, Шодимулкни соғинар, унга бағишлаб қасидалар ёзарди (*шоир ҳам эди*). Соғинч, яқинлардан йироқдалиги уни чарчатди ва иложсиз, бош эгиб Самарқандга, Шоҳрух ҳузурига келди. Шоҳрух уни мамнуният билан кутиб олди, қилган ишларини юзига солмади, маҳбубаси Шо-



димулк билан яшашга ижозат берди, Рай ерларига ҳоким қилиб тайинлади. Лекин у кўп ўтмай вафот этди, Шодимулк ҳам ўз жонига қасд қилди.

Самарқандда юмушларини адо этгач, Шохрух 1409 йил ноябрда йўлга чиқиб, 24 декабрда Хиротга қайтиб келди. Самарқанд тахтига Муҳаммад Тарағай – Мирзо Улуғбек ҳоким этиб тайинланди. Энди бу бутунлай бошқа давр эди.





## ИҚРОР

### (ХОТИМА ЎРНИДА)

Мустақиллик йилларида эришилган маънавий юксалиш туфайли бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг шахси ҳам ўзгача келбат касб этди. Агар бугунги даражада туриб мулоҳаза юритсак, шўро давридаги тасаввурлар чилпарчин бўлиб, бобокалонимизнинг чинакам сиймосини энди таний бошлаганимиз маълум бўлиб қолади. Бироз орқага қайтиб фикр қилайлик.

«Заррада қуёш акс этади», деганларидек, шонли ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси тасаввурларимизни яна ҳам ойдинлаштириши мумкин. Хусусан, ҳазратнинг маънавий салоҳиятини яна ҳам тўлиқроқ ҳис қилиш учун олдин ҳам қаламга олинган мавзуга батафсилроқ қайтамиз.

Етти йиллик юриш даврида олим Валиуддин Абдурахмон ибн Халдун Моликий Дамашқда Соҳибқирон билан узоқ вақт суҳбатларда бўлади. Ибн Халдун Шарқ тафаккур оламида энг машҳур сиймолардан бўлиб, ўз даврида унга тенг келади-ган бошқа зот топилмасди. Яъни у Беруний, Хоразмий, Ибн Сино ва бу алломаларнинг замондошлари яшаб, дунёдан ўтган биринчи олтин давр ва **Мирзо Улуғбек билан бошланувчи иккинчи олтин давр**-гача бўлган оралиқ пайтда яшаган йирик олим эди. Шунингдек, у араблар дунёсида «қозилар қозиси» деб шуҳрат қозонган, Ғарбу Шарқ тарихини ипидан игнасигача ўрганган ва ёзган эди. Алломанинг ўз даврида «Асабия» деб аталувчи назарияси кенг

тарқалган бўлиб, унда ватанпарварликнинг табиати, воқе бўлиши ва бошқа унсурлари мукаммал тадқиқ қилинган эди. Уни ҳозирги замонда ҳам ҳаракатда бўлган «Социология» фанининг асосчиси сифатида тан олишади.

Ибн Халдун тарихнинг кечиши силсилаларини мантиқий таҳлил қилиб, инсоният тараққиётида етакчилик мавқеи араблар ва форслардан ўтиб, туркийларга етишганини башорат қилган эди. Худди шу фикрдан келиб чиқиб, ҳижрий 700 йилларда туркийлар оламида одамзот тарихида улкан бурилиш ясай оладиган инсон туғилганини ҳам айтиб берганди (*бу сана бобокалонимиз Амир Темур таваллуд топган йилларга тўғри келади, булар ҳақида олдинги бобларда ҳам сўз юритилди*).

Тақдир ана шу икки зотни рўбарў қилади. (*Бу учрашув 1401 йил январининг охирида Дамашқ яқинида рўй беради*). Подшоҳ олдида ёқимли лутфлар сўзлашни ўз бурчи, деб билган олим Соҳибқиронни олқаб, мақтов гаплар айтади. Ҳазратни улуғ подшоҳлар – Хусрав, Қайсар, Искандар, Бухтаннасар (*Валтасар*) билан тенг қўйиб таърифлайди. Шунда Амир Темур Бухтаннасарга эътироз билдириб, уни улуғ подшоҳлар қаторига қўшиш тўғри эмаслигини қайд этади. Фикрини исботлаш учун далил келтириб, Аҳамонийлардан бўлган Форс ҳукмдори Кир бостириб кирганда, Бобил давлатининг подшоси сифатида Бухтаннасар душманга қарши курашиш ўрнига қалъага қочиб яширинганини, қўрқоқ ҳукмдорни эса улуғ подшоҳлар қаторига қўшиб бўлмаслигини билдиради. Бу ҳақда Таврот ривоятларида ҳикоя қилинганини айтади. Аксинча, Бобил ҳукмдорларидан Навуходонасар II мамлакат ободлиги, ҳудудларни кенгайтириш ва бошқа ижобий ўзгаришлар борасида кўп иш қилганини таъкидлайди.

– Тарихчилар аксарият бу икки шахсни адаштириб келадилар, – дейди Соҳибқирон, – улуғ подшоҳлар қаторида туришга Навуходонасар II кўпроқ лойиқдир.

Ўз илмий салоҳиятига ишонган Ибн Халдун Бухтаннасарни ёқлаб, турли мисолларни баён қилади, ҳатто солномаларни ёзишда бенуқсон ҳисобланган Ат-Табарийдан далиллар келтирганда ҳам Соҳибқирон ўз фикрида қолади.

Хўш, бу мунозарада ким ҳақ эди: умрини тарих илмига бағишлаган алломами ёки шўро замонида ёмонотлиқ қилинган жаҳонгирми? Эндиликда бу саволга аниқ жавоб бериш имкони бор, чунки тараққиётнинг ҳозирги босқичида тарихда ўтган бир одамнинг шахсига баҳо бериш қулоқни ушлаб кўрсатишдек гап.

Қомуслардан шундай маълумотларни ўқиймиз.

Навуходонасар II (*ҳаёт йиллари – эрамиздан олдинги 604–562/61 йиллар*) Бобил подшоҳларидан бўлиб, тахтни отаси Набопаласардан қабул қилиб олгач, мамлакат қудратини юксалтириш учун жадал киришди ва бунга эришди ҳам. Кейинчалик у Миср, Сурия, Финикия, Фаластин ва Қуддусни ҳам босиб олиб, катта давлат тузди. Ободончилик ишларига жиддий эътибор берди. Дунёдаги етти мўъжизанинг бири сифатида тилга олинадиган муаллақ Семирамида боғлари унинг даврида бунёд этилди.

Бухтаннасар (*Валтасар*) ҳам (*вафоти – эрамиздан олдинги 538 йил*) Бобилнинг сўнгги подшоси Набониднинг ўғли бўлиб, ҳақиқатан форслар бостириб кирганда қалъа ичига кириб яширинади ва ҳарбий лашкарбоши Угбару томонидан ўлдирилади. Инжилда бу воқеалар нақл қилинган. Валтасар Белшарусура деган ном билан тилга олинади, ўлимининг башорат қилингани, уни Горбий ўлдиргани айтилади ва Дани-

ил пайғамбар китобида «Валтасарлар базми» ҳикояси келтирилади.

Маълум бўладики, Ибн Халдун билан мунозарада ҳақиқат Соҳибқирон Амир Темур тарафида экан. Мана шу кичкина унсурнинг ўзиёқ бобокалонимиз заковатининг нақадар буюклигидан далолат бериб турибди.

Орадан етти асрга яқин вақт ўтди. Инсоният бу даврда мислсиз кашфиётлар қилди: янги моддалар яратилди, космосга парвоз, ойга қўниш, радио, телевизор, компьютер, интернет... Хуллас, XXI аср одами ни унча-бунча нарсa билан қойил қолдириб бўлмайди. Таассуфки, ана шундай мислсиз ихтиролар даврида ҳам фахрли аждодимиз Амир Темур ҳазратлари амалга оширган ишлар, ул зотнинг «мўъжиза»лари инсониятни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Бунга Соҳибқироннинг 660 йиллик тўйлари муносабати билан 1996 йилда ўтказилган халқаро илмий анжуман ишини кузатиб яна бир марта иқрор бўлган эдик....

Минбарга АҚШдаги Атлантик кенгаши халқаро хавфсизлик дастурининг ўша йиллардаги директори генерал, бунинг устига профессор **Ричард Нельсон** таклиф қилинади. Баланд бўйли (*менимча, у иштирокчиларнинг энг дарози эди*), қўргошиндан қуйилгандек қотма гавдали меҳмон микрофонга яқинлашади ва худди қўшинга буйруқ бераётгандек шахдам овоз билан ўз тилида лутф қилади, пошналарини уриштириб, қўлини чаккасига олиб боради. Таржимон унинг гапларини ўгиради:

– Мен – ҳарбийман. Мен Буюк Темур қаршисида салют беришни ўз бурчим, деб биламан.

Зал қалқиб кетади. Нотик сўзини бошлайди. «Темур ҳарбий стратег ва геополитик сифатида. Замонавий талқин» деб номланган бу маърузада муаллиф бобокалонимизга нисбатан шундай меҳр билан га-

пирдики, унинг ҳар бир сўзини ҳаяжонсиз тинглаб бўлмасди. Чунки замонавий ҳарбий мутахассис сифатида Амир Темур эришган мислсиз ғалабаларни таҳлил қилар экан, Соҳибқироннинг жанговар санъатини бор овоз билан улуғлади, ул зотни «тенги йўқ ҳарбий саркарда» деб атади.

Бобомиз қўллаган минглаб муҳораба унсурларидан бири ҳақида тўхталиб, шундай деди: «Темур қулай позицияни эгаллаган минг жангчи ноқулай жойлаштирилган ўн минг жангчидан кучли, деб ҳисоблаган». Ёки «Жанг майдони унинг учун наворат эмас, ҳаракат майдони эди. Темур ички туйғу билан агар 70 ёшдан ошса ва Хитой юришида ғалаба қозонса, Уралдан Тинч океанигача бўлган минтақанинг ягона ҳукмдори бўлишини сезган эди. Голиблик – Темур стратегиясининг ўзаги бўлган» сингари эътирофларни генерал ички бир шавқ билан ирод этди. Шунингдек, бобокалонимизни Чингизхон билан таққослар экан, «Темур Чингизхондан фарқ қилиб, юришларига чаққонликка асосланган режалар тузувчи мавҳум стратег эмас, балки ўзининг ғалабага бўлган ишончини мавҳум режаларга омухта қила олган фаол, ҳақиқий стратег эди», деб хулоса қилади.

Ҳазрат Соҳибқирон яшаган даврдаги дунё цивилизациясини таҳлил қилиб, Ричард Нельсон буюк давлат арбобининг тараққиётнинг турли босқичлари – бир қисми кўчманчи, яна ярим ўтроқ, шаҳар маданияти ҳам бор бўлган, турли миллат ва динга мансуб улкан ҳудудда ягона маданиятнинг барпо қила олганига чинакам ҳайратини изҳор этади: «Темур ягона империя маданиятини зўрлаб тиқиштирмади, балки турли маданиятлар ўзаро таъсири ва киришиб кетишига йўл очиб бериб, ҳозиргача амал қилиб келаётган «Евроосиё сулҳи» ғоясини стратегик жиҳатдан шах-

сан асослаб берди. Бу билан у инсоният тараққиёти ибтидосидан бери амалда бўлган «цивилизациялар зиддияти» деган қарашга биринчи бўлиб зарба берди...» Шу тарзда америкалик ҳарбий тадқиқотчи бобокалонимиз ҳаётининг ҳали кўпчиликка унча таниш бўлмаган қирралари ҳақида тўлиб-тошиб, самимий нутқ сўзлади.

Маъруза поёнига етгач, сомеъларга тикилиб қаради, ярим қадам тисарилиб, яна шахдам овозда нималар деди-да, пошналарини уриштириб, қўлини чаккасига қўйди. Жаноб Нельсон буюк аждодимиз олдида яна бир марта ҳурматини бажо этиб, гулдурос қарсақлар кузатувида минбарни тарк этди. Океан ортидан ташриф буюрган ҳурматли меҳмоннинг Соҳибқирон юртида, унинг авлодлари ҳузурида ўзини бундай тутишини кучли ҳаяжон, ички ҳурмат туфайли, деб тушундик. Юксак маълумотли америкалик жанобнинг эса унча-бунча нарсадан ҳаяжонланмаслиги тайин.

Анжуманда дунёнинг энг йирик 27 мамлакатидан машҳур олимлар ташриф буюрганди (*тасодифни қарангки, бу рақам Соҳибқирон байроғи остида бирлашган ўлкалар сонига тенг*). Бизнингча, бунақаси бўлмагандир. Боз устига изҳор қилинган меҳрни айтмайсизми?!

Сўз Германиядан келган Трпер университетининг профессори **Клаус Пандер**га берилади. Меҳмон маърузасининг сарлавҳасиёқ у нима демоқчи бўлганини айтиб турибди: «Амир Темур ва унинг мероси: фақат Ўзбекистон учун муаммо эмас». Жаноб Пандер ўзи юртида тузиб эълон қилган «Марказий Осиё» йўлқўрсаткичи Амир Темур ватанида яшовчи халқлар маданиятини дунёга тарғиб қилишга хизмат кўрсатаётганидан қувончини яширмади. Маърузасида бобокалон ҳаётининг шонли қирралари

устига тўхталар экан, у давр бутун инсониятнинг улуг кунлари эканини, Амир Темур дунёвий муаммоларни бартараф этиш учун ғойибдан юборилган куч бўлганини очик тан олди. Фикрини давом эттириб, ўз майлларини шу тарзда ифодалади: «Ер юзида экологик танглик юзага келган, миллатлар ўртасида низолар кучайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги муттасил пасайиб бораётган ҳозирги шароитда Амир Темур бўлганда, барча муаммоларга ечим топарди»...

Рости, ўшанда бундай эътирофлар жуда кўп айтилганди. Хароратли лутфлар нуроний алломалар, назокатли хонимлар, шу мероснинг ворислари томонидан қайта-қайта такрорланганди. Буларнинг барчаси Амир Темур ҳазратларининг ХХ асрдаги иқрори эди.

Ўшанда, илмий анжуманда нутқ сўзлаган **Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов** Амир Темур даври ва буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида ёрқин фикрлар изҳор этганди. Тўла ҳуқуқ билан айтилган «Амир Темур фахримиз, ғуруримиз» деган сўзлар халқимиз қалбидаги асрий орзуларнинг, меҳрнинг ифодаси каби янгради. Эндиликда шарафли аждодимизнинг муборак номи, ҳаётий фаолияти алоҳида шахс тушунчаси доирасидан чиқиб, бутун халқнинг, миллатнинг рамзига айланиб кетди. «...Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса... Амир Темур сиймосини эслаши керак» деган сўзлар бизнинг маънавиятимизда қарор топаётган ўтмиш билан келажакнинг узвийлиги, халқимизнинг буюкликка дахлдорлиги, истиқлолимизнинг моҳияти ва эр-



танги кунимизнинг қиёфасига шаҳодатнома бўлиб қолаверади.

... Вақтнинг тез ўтишини қарангки, бобокалонимизнинг 660 ёшини нишонлаганимизга ҳам қарийб йигирма йил бўлибди. Бироқ миллатнинг ўзини қайта тасдиқлаши наҳорида зоҳир бўлган ифтихорнинг оҳори юз йиллар ўтса ҳам жозибасини йўқотмайди. Бундан кейин ҳам ер юзидаги энг сўнгги маърифатли одам қолгунча ҳазрат Соҳибқироннинг 670, 770, 1000 ва ундан кўп ёшини нишонлайверади. Ўшанда ҳам бу оҳанраболи куч мухлисларини ўзига мафтун этаверади. Эҳтимол, Буюк Темур шахсининг бетакрорлиги, сирлилиги, тенгсизлиги ҳам шундадир.

*2004 йил, февраль-сентябрь.*

*(2014 йил декабрда қўшимчалар киритилди)*



## САФАРНОМАЛАР

1. Тошкент – Шаҳрисабз  
(Қалъаи шерон дараси)
2. Тошкент – Ўтрор





## ЧИНОР КУНЛАР

*(«Амир Темура ўтган йўллар бўйлаб» сафар,  
1-босқич, 1991 йил, 1–20 август)*

*Тошкент. Жунаш*

Зулмат ортидан ёруғлик келиши – қонуний, шубҳасиз, бу сафарги тонг ҳам ҳеч кимни ажаблантирмади. Албатта, қатъий белгилаб қўйганимдек, нонушта қилдим ва тарангликдан ёрилай деб турган кичкина сафар халтамни ортмоқлаб йўлга тушдим. Ҳар куни сумкачамни ўйнатганча уйдан чиқардим. Бугун эса... Ҳовлига тушишим билан баҳри-дилим очилиб, ғўддайиб кетдим, ғўё улкан вазифани адо этишга кетаётгандек эдим. Троллейбусда ҳам анча сирли туюлган бўлсам керак, тўладан келган, қўнғирсоч жувон қизиқиб гап қўшди, суҳбатимиз қўр олиб, метрогача чакагимиз тинмади. Унга экспедицияга, 20 кунга кетаётганимни ҳам айтиб ўтдим.

Матбуот саройи олдида хийла одам тўпланган, қоплар, сандиқлар ҳам бор. Ҳамроҳларимни ғирашира танийман. Келишилганидек, телевидение муҳбири Садриддин кутиб турган экан. Бу ҳақда билардим.

Микрофонга қараб анча каловландим, чунки ҳаяжонланаётганим аниқ эди, охирида ўзимни босиб олиб, вазифалар ҳақида пухта гапирдим. Йўлга тушиш тадориғи бир оз чўзилди, айтмоқчи, ҳали автобусимиз ҳам етиб келмабди.

Қисқагина кузатиш маросими бўлди. Унда республика ёшлар ташкилотининг саркотиби, фахрий журналист, машҳур шоир ваъз айтиб, сафар-

ги муваффақият тилади. Автобус ҳам тайёр. Кино, фото, видео аппаратлар ишлатилмоқда. Суратчи юк кўтариб олган сайёҳдан кузатувчи билан кучоқлашиб, рўзнома учун махсус суратга тушишни илтимос қилди. Қиёфа жиддий, бир оз маънос бўлса ҳам майли, ахир... қайтиб келмаслик-да мумкин. Ўриндиқларига яшил ниқоб қопланган автобус лиқ тўлди, орқада шифт бўйи қилиб кўрпа-тўшаклар тахланган, салонда озиқ-овқатлар, плёнкалар ва бошқа лаш-лушлар жойлашган яшиқлар, қоплар.

Зангиотагача ҳамроҳ бўлиб бораётган кузатувчилар ҳам бор. Руставели кўчаси билан шаҳардан чиқиб кетдик.

Шундай қилиб, сафар бошланди. Унинг қандай давом этиши, тугаши ҳақида бирор нарса дейиш қийин. Ҳозир бу ҳақда ўйлаётганим ҳам йўқ. Деярли бир йил шу гоё билан яшадим. Мавриди келиб, бу ҳақда бош қотирсам, ҳозиргидан баттар саросимага тушиб қолардим. Биринчи мақолани таскин бўлар, деб тез ва шавқ билан ёздим. Уни тайёр ҳолида анча олиб юрдим, негаки, бирор муҳаррирнинг илтифоти қабул қилишига ишонмасдим. Катта ҳамкасблар билан маслаҳатлашдим, ниҳоят, ноябрь ойида уни Амиркулга (*у ёшлар газетасининг ижодкорлар билан ишлаш бўлимида хизмат қиларди*) топширдим. Мақолага «Амир Темур излари бўйлаб ёшлар юриши ўтказилса, йўл оғир бўладими?» дея узун сарлавҳа қўйгандим. У таҳририят папкасида узоқ туриб қолди. Бу орада йил охирлаб борар, янги режалар тузилаётган эди. Ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, хайрли ишни янги йилдан бошлашга қарор қилдик. Муваффақиятдан умид кам эса-да, нима бўлганда ҳам мақоланинг чиқишини жуда истардим. Унинг сарлавҳаси бир оз ўзгариб босилди. (*Куйида ўша мақола айнан келтирилади*).

## СОҲИБҚИРОН ЎТГАН ЙЎЛЛАР БЎЙЛАБ

*ёшлар юриши уюштирилса, сафар оғир бўладими?*

Биз мустамлака азобларидан қутулиб, ўзлигимизни бир оз англаш сари интилаяпмиз. Гўё улкан чархпалакни тинимсиз айлантиришга маҳкум этилган банди арқонлардан халос бўлиб, нафас ростлади-да, деярли илк бор: «Ўзи, менинг аждодим ким эди? Наҳот улар ҳам бойнинг ариғига сув тортиш билан машғул бўлиб, дунёдан ўтган бўлса?!» дея мулоҳаза қилаётгандек бўлаяпти. Гарчи амалий иш гапдан кам бўлса-да, шунисига ҳам шукр қиласан, киши. Ахир кечагина қўлларга эмас, тил-забонларга ҳам кишан солинган эди-ку. Бундай рўшнолик рағбат уйғотади.

Халқимиз ўтмиши, пурвиқор боболаримиз билан қанчалик фахрланмайлик, биз уларга лойиқ бўлмасак, бу хуфиёна ифтихор мушукнинг «Биз ҳам йўлбарслар авлодиданмиз» қабилидаги мақтанчоқлигига ўхшаб қолади. Миллатдошларимизнинг ўзлигини таниш учун қилган амалий иши шу бўлдики, биз боболаримиз қалам сурган алфавитни ўргана бошладик. Билмадим, ҳазрат Алишер Навоийни қачон тўлиқ ўқиймиз? Ёки улуғ Абдулла Қодирий тилсимоти қачон ҳар бир ўзбекка тўла етиб боради?

Жумладан, Амир Темур ҳақида чўчиб, қимтиниб гапира бошлашди. Таърифлаганда эса «мураккаб шахс», «Ўрта Осиё тарихида ўчмас из қолдирган» каби ҳаммабоп сифатлашлар ишлатилмоқда. Ҳолбуки, жаҳон афкор оммасининг эътироф этишича, Амир Темур буюк шахс, у дунё халқлари тарихининг даврлар қуюни маҳв эта олмайдиган ўлмас қояларидандир. Бизлар Темурга ватандошлигимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ ҳозиргача бу «фахр» буюк жаҳонгирнинг руҳини безовта қилиш – унинг қабрини очишдан нарига ўтгани йўқ, аксинча, уялмай-нетмай

«мустабид феодал», «қонхўр» каби лаънатлар осиб келинди, ҳатто уни «Ўзбекларга дахли йўқ» дегувчи пўк олимлар ҳам топилди.

Майли, ҳар кимнинг билгани ўзига. Мен Амир Темур номини қадрловчи кишиларни амалий ҳаракатга таклиф этмоқчиман. Маълумки, Темурнинг ўсмирлик йиллари, Мовароуннаҳр тахтини эгаллашгача бўлган ҳаёти жангу жадалларга, кескин воқеаларга бой бўлган. Ҳаёти турли тарзда кечган. Гоҳ кичик-кичик тўдаларга қўшилиб, тоғ-тошларни кезган, гоҳ қурол ва лашкар тўплаш илинжида тўқнашувларга борган. Бу воқеаларнинг асосий қисми Шаҳрисабз атрофларида, Ҳисор тоғ тизмалари орасида бўлиб ўтган. Ҳозир ҳам бу жойларда ўша суронли йилларни эслатиб турувчи обидаларнинг вайроналари сақланиб қолган, тепаликлар, ғорлар, сой-дарёлар воқеа иштирокчилари (*хусусан, Амир Темур*) номи билан аталади. Халқ орасида тўқилган қўшиқлар, афсоналар тилдан-тилга ўтиб, ҳамон ай-тилиб келинади. Хуллас, йиллар хотираси худди увол бўлган тупроқ каби сочилиб ётибди. Орзу қиламанки, бир нуфузли экспедиция уюштирилиб, Амир Темур излари бўйлаб юриш ўтказилса-да, унинг материаллари жамоатчиликка эълон қилинса, анча савоб иш бўларди.

Ўзимча, экспедицияни ташкил этиш тартиблари, фаолият жараёни, тақдирини ҳам ўйлаб қўйганман. Уни тузишга ҳозирдан киришиш мумкин ва экспедиция 1991 йилнинг июнь-июль ойларида ўз фаолиятини амалга оширади. Аввало, унинг ҳомийси маълум бўлиши керак. Мен бу шарафга Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти, Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, жумҳурият ёшлар ташкилоти ва газетасини лойиқ кўрардим.

Экспедиция қатнашчилари таркибида тарихчилар, фольклоршунослар, тилшунослар, географлар, этнографлар, ўсимликшунослар, археологлардан ташқари журналистлар, фотографлар бўлгани маъқул. Иштирокчилар конкурс асосида танлаб олинади. Менинг тахминимча, юриш маршрути текисликдан ташқари қирлар, тоғлардан ҳам ўтади. Асосан яёв ёки отда (*эшакда*) юрилади. Иштирок этувчилар шунга тайёр бўлишлари керак. Албатта, ҳар бир соҳа кишисининг қиладиган иши маълум. Мақсад – қайси ҳудуддан ўтилса, ўша ернинг ҳар томонлама мукамал манзарасини акс эттиришдир. Шунингдек, ўша жойлардаги одамларнинг бугунги ҳаёти ҳам диққатэтиборда бўлади.

Юриш қатнашчилари икки гуруҳга бўлиниб ҳаракат қиладилар ва бир нуқтада учрашиб, бир-бирларининг изидан қайтадилар (*йўлни алмаштирадилар*). Ҳар бир гуруҳда 10 – 13 киши бўлгани маъқул.

Экспедиция қуйидаги манзиллар бўйлаб ҳаракат қилгани мақсадга мувофиқ. Тошкентдан бир кунда йўлга чиқилгач, икки гуруҳга бўлиниб, Самарқанд ва Қарши тарафга ажраладилар.

Самарқанд гуруҳи Амир Темур қабрини зиёрат қилиб, Шаҳрисабзга ўтади, Темур ва Темурийлар билан боғлиқ меъморлик ёдгорликларини кузатади, одамлар билан суҳбатлашади. Яккабоғ туманидаги Хўжаилғор, Чироқчидаги Тарағай қишлоқларида бўлади, маълумки, бу қишлоқлар Темур ва аждодлари туғилган қутлуғ жойлар сифатида эътироф этилади. Чироқчи туманидаги Лангар қишлоғи, унинг яқинидаги Амир Темур ғори ҳам эътиборда бўлади. Бу жойлардаги юмушлар битгач, Яккабоғ қишлоғига ўтилади, ундан Самоқ қишлоғи орқали Ҳайдарбулоқ, Сувлисой, Тоғтор, Калтақўл аҳоли манзилларидан

Ўтиб, тоғлар орасидаги Тошқўрғон қишлоғига йўл олинади...

Қарши гуруҳи Ғузур шахри орқали ўтиб Қамаш туманидаги Қизилтепа аҳоли пунктидан Лангар қишлоғига боради. Йўлда Темурийларга дахлдор Бобуртепани, Ўғлонжон ота зиёратгоҳини кўради, одамлардан ҳикоя ва афсоналар ёзиб олади. Шундан сўнг Дехқонобод туманидаги Ойбек номли давлат хўжалиги ҳудудидаги ўурумқишлоққа томон йўлга тушади, ундан ўтиб, Тўрқа довони орқали Ҳисор тизмаларининг Бобурчи чўққиси этагидаги Амир Темур қорига йўл олади.

Самарқанд гуруҳи ҳам ғорга томон йўлни давом эттиради. Улар Тошқўрғон қишлоғидан ўтадилар. Бу қишлоқ ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Ҳар иккала гуруҳ ана шу ерда, яъни ғор ҳудудида бир кунда учрашади.

Денгиз сатҳидан 2,5–3 минг метр юксакликда жойлашган Тошқўрғон қишлоғи одатдан ташқари ҳавоси ва зилол суви билан ажралиб туради. Инқилобгача учта масжид бўлган.

Шўро даврида бирини бузиб мактаб қуришган, иккитаси ҳамон бор. Бўёқлари унникмай, ўз чиройини сақлаб турибди, арча дарахтидан тикланган. Бу қишлоқ шу ўрамдаги Зармас, Вори, Қизилтом, Эгрисув каби аҳоли пунктларининг маркази бўлиб келган, иқтидорли кишилари Бухоро мадрасаларида таҳсил олган.. Қишлоқ атрофида кўплаб пирлар, азиз-авлиёларнинг қабри бор. Доимий электр токи йўқ. Фақат 2–3 ой машина қатнови бўлади. Қишлоқ билан Амир Темур қори орасидаги йўлда машҳур динозавр излари сақланган қоя бор (*махаллий аҳоли тилида «Дулдулнинг изи» деб юритиларди*), у жаҳон аҳамиятига эга. Аҳолиси бундан 15 йил олдин Касби туманидаги «Ғалаба» хўжалигига чўлни ўзлаштириш



баҳонаси билан кўчирилган ва қишлоқ текислаб ташланган. Айни кунда 3 минг нуфусли қишлоқда 2 мачит, 10–15 хўжалик уйлари қўнқайиб турибди. Экспедиция қатнашчилари тараққиётнинг бу қурбонини ҳам кўришлари мумкин.

Ўқувчилик йилларида ва ундан кейин бир неча марта Амир Темур ғорига саёхатга борганман. Боришда кўзингиз табиатнинг мислсиз гўзаллигига тўяди. Илонизи сўқмоқ йўллар, чулдираб қўшиқ куйловчи чашмалар, уфққа ўқталган чўққилар. Яна атрофда гулларнинг ифори-ю, қушлар чуғури... **(Таърифлаш қийин, фақат кўриш керак)**. Ғорга яёв ёки от **(эшак)** да бориш мумкин. Шунда ҳам тоғ сакиртмалари-ю, тубсиз зовлар лабидан ўтишда чўчимаслик керак. Дулдулнинг изидан ўтгач, Ғўлмараша **(уни «Қалъа» ҳам деб аташади)** дарасига тушилади. Шотидан чиқиб, бандаргоҳ орқали Қалъаи шеронга кирилади. Дарё бўйлаб кетилади. Йўлда арча **(4–5 хил)**, ирғай, учқат, падбара каби дарахтларга, балдиргон, чукри, таран **(татарон)** каби ўсимликларга дуч келиш мумкин. Қалъаи шерон шундай жойки, агар бандаргоҳга соқчи қўйилса, бирон жойдан кириб ҳам, чиқиб ҳам бўлмайди. Борган сари кенгайиб боради. Тўри худди пичоқ билан кесилгандек минг метрлар баландликдаги тик қоялар билан ўралган. Ғор кунчиқишга қараб кетишда, дарёнинг чап тарафида. Бу ерда сиз ўзингизни чинакам табиат музейига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Қанчалаб ажойиботлар. Шулардан иккитаси – Хўкиз бурун ва Байтал думи шаршараларини эслаш кифоя.

Ғорга тахминан бир километрлар қолганда тик қоядан 150–200 метрлар чамаси тепадан иккита қувурдан чиққандек икки тарнов сув отилиб чиқиб ётибди. У ерга тушгунча сочилиб, куюшда товланиб мислсиз гўзаллик кашф қилади. Салқин шабада ву-

қудингизга ором бағишлайди. Энтикиб-энтикиб на-  
фас оласиз. Ундан ҳам юқоридан, кўз илғамас жой-  
дан бир оқим бўйлаб сув ёмғирдек сочилиб-сочилиб  
селади. Бу – Байтал думи шаршараси. Тепага соатлаб  
қараб турсангиз ҳам чарчамайсиз.

Ғорга дарё томондан 60 градусдан кам бўлмаган  
ўрликдан чиқиб борилади. Йўл чағир майда тошли,  
юриш осон эмас. Чарчоқларингиз ғорга етиб боргач,  
бутунлай унутилади. Бу табаррук масканни дунёнинг  
турли шаҳарларидан ҳар хил мақсадларда келиб  
кўриб кетишган, лекин қадам-бақадам ўрганилмаган.  
Манбаларда 616 метр, деб кўрсатилган. Одамлар нақл  
қилишича, ундан кетган киши Самарқанддан чиқар  
ёмиш. Ғорни шартли равишда икки қисмга бўлганлар –  
Отхона ва Асосий қисм. Энг катта жойда одимловчи  
экскаватор бемалол жойлашади, энг тор жойидан эса  
ўртача семизликдаги одам аранг эмаклаб ўтади. Жуда  
қоронғи (*ҳатто қўлингизни кўрмайсиз*), ичи нам,  
тор издан юрилади. Баъзи залларда чироқ нурида  
сталактит-сталакмитлар подшо саройидагидек тов-  
ланади. Тўрида кўл бор, унга шовуллаб сув қуйилиб  
туради, бироқ сатҳи кўтарилмайди. Бир марта бор-  
ганимизда кўл бутунлай қуриб қолган экан. Бошқа  
сафар эса кўлдан ҳам ўтишга муваффақ бўлганмиз.  
Унинг ўнг тарафидан кечиб ўтдик-да, тор йўлакдан  
ёнлаб 15 метрлар юрдик. Кейин кенг залга чиқиб  
қолдик. Унинг тўрида худди қўлда текислангандек  
улкан тош супа бор эди. Юқори тубсиз баландлик  
бўлиб, бўшлиқлар (*балки йўлакнинг давоми*) кўзга  
ташланарди. Уларга нарвонсиз чиқиб бўлмасди.

Бу ердаги ҳар бир тош, ҳар бир қадам тилсим.  
Унда Амир Темур бўлгани, балки узоқ макон қургани  
шубҳасиз, чунки кириш жойидаги ғорнинг оғзида  
узудлиги 20–25 метр, баландлиги 5–6 метр чамасида  
тош териб супа яшашган. Тошлар ғишт сингари жуда

силлиқ терилган ва орасига бақувват ёғочлар ташла-  
ниб, мустақамланган...

Экспедиция қатнашчилари ана шу улкан супа  
устида учрашадилар, бир ёки икки кеча тунаб, атроф-  
ни кузатадилар. Шунингдек, ўз сафарлари таассурот-  
лари билан ўртоқлашадилар, баъзи ҳал қилинмаган  
масалаларни келишадилар-да, биринчи гуруҳ иккин-  
чи гуруҳнинг йўли билан *(ва аксинча)* экспедиция-  
ни давом эттирадилар. Қайта учрашув Тошкентда  
бўлади.

Тошкент–Тошқўрғон маршрути бўйлаб ўткази-  
ладиган бу экспедицияга пухта тайёргарлик кўриш  
керак. Аввало, юриш ўтадиган йўл атрофлича  
ўрганилиши, ҳар кунги ҳаракат миқёси *(неча ки-  
лометр йўл босилади, қаерда туналади каби ма-  
салалар)* аниқ белгилаб олиниши лозим. Юришни  
махсус штаб кузатиб боради, керакли ёрдам уюшти-  
рилади. Штаб билан юриш қатнашчилари ўртасида  
радиоалоқаси йўлга қўйилса, яна ҳам яхши бўлади.  
Бу сафар бошдан-охир, кунма-кун газетада ёритиб  
борилади.

Ташкилий ишларнинг асосий қисми экспедиция  
ўтадиган ноҳиялар, қишлоқлар, хўжаликлар билан  
кўпгина масалаларни ҳал қилиб олишга қаратилади.  
Албатта, бу хайрли сафар қатнашчилари ҳамма жой-  
да илиқ кутиб олиниши, уларнинг самарали ишлаш-  
лари учун шароит яратиб берилиши, қатнашчилар  
билан ўқув юртларида, хўжаликларда, жамоат жой-  
ларида учрашувлар ташкил этилиши керак. Ундан  
жуда катта миқёсли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб  
боришда фойдаланиш кўзда тутилади. Бу борада  
Қашқадарё вилоят раҳбарияти, Шаҳрисабз, Яккабоғ,  
Қамаши, Ғузор, Чирокчи туманлари ёшлар ташки-  
лотлари ташаббускор бўладилар, деган умиддаман.

Узро мулоқотларда, гулхан атрофидаги суҳбатларда, иёв, отда ёки эшакда кезишларда буюк ғоялар туғилиб қолса, ажаб эмас.

Хуллас, бу юришнинг салмоғи ҳақида олдиндан бирор нарса дейиш қийин. Энг асосийси, биз бобомиз руҳини шод қилган, Ватанни яна бир карра ҳис этган бўлармидик?!

**P.S.** Азиз муштарийлар! Дунёнинг тақдирини ўзгартирадиган улуғ ва аксинча таъсири қарийб сезиларсиз бўлган мўъжаз ғоя ҳам дастлаб фикр сифатида бир инсон хаёлида туғилади. Унинг умум фикрига айланиши учун жуда кўп нарса лозим. Шу маънода сиз юқорида изҳор этилганларга қандай муносабат билдирасиз? Унинг мақсади, мазмунини бойитиш учун қандай таклифлар киритасиз? Умуман, Амир Темур қадамжолари бўйлаб сафар уюштирилишига муносабатингиз ижобийми?

Сизнинг ушбу саволларга жавобларингиз муҳим роль ўйнашини таъкидламоқчимиз. Тарихимизга бефарқ бўлмаган жонкуяр муштарийлардан таклиф ва мулоҳазалар кутиб қоламиз.

*Туркистон». 1991 йил, 4 январь*

\* \* \*

Мурожаат изсиз кетмади, кўплаб хатлар келди. Умид кўзлари ҳам мактубларга тикилгандек эди. Шунингдек, буюк Темур шахси кўплаб олимлар, адибларни ҳам қизиқтириб юргани сир эмасди. Жумладан, йирик назарийчи олим, профессор Очил Тоғай Соҳибқирон ҳақидаги асарлардан шавқ билан таржималар қилган, бадиий эссе ёзиш учун далиллар тўплаб юрганидан хабарим бор эди. Албатта, устозга рўзнома бошлаган ташаббус маълум эди ва уни сидқидилдан қўллаб-қувватлаганди.

Мен ул зотга муштарийларнинг хатларини кўрсатдим, уларда билдирган эзгу тилакларни маълум қилдим ҳамда ўз муносабатларини билдириб, бирор нарса ёзиб беришларини сўрадим. Илтимосимни бажонидил қабул қилиб, мақола ёздилар.

Сир-синаатларга тўладунёнинг ишларини қарангки, «Олтин дарахт» устознинг ҳаётлик даврларида ёруғлик юзини кўрган энг сўнгги битиклари бўлиб қолди (*марҳумларни худо раҳмат қилсин*).

### ОЛТИН ДАРАХТ

Очил ТОҒАЙ,  
филология фанлари доктори,  
профессор

Амир Темур тарихда шу қадар нодир, бебаҳо маънавий хазинаки, бу хазина узоқ вақт эл кўзидан пинҳон тугилиб, қоралаб келинди. Амир Темур фақат Ўрта Осиёга, мусулмон оламига, туркий халқларга мансуб эмас, жаҳоншумул шахсдир.

Амир Темурни ҳуш кўрмаган, унинг рақибларидан бўлган замондоши Ибн Арабшоҳ (1388–1450) ҳам буюклигига тан бериб, шундай тавсифлайди: «Темур бамисоли қадимий паҳлавон авлодларидан бўлиб, узун бўйли, тик қомадли, кенг пешонали, катта бошли, ғоят кучли ва салобатли, бўлалик, ранги оқу қизил, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомади камолига етган, серсоқол... Икки кўзи бамисоли шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди. У ўлимдан қўрқмас, ёши саксонга бориб қолган бўлса-да, бадани тўла ва пишиқ, худди қурч тош мисоли қаттиқ эди. У бўлиб ўтган ишга азиат чекмас ва ўзи эришган ютуқдан шодланмас эди... Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали бўлиб,

тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва унинг тадбири тоғига на текислигу на ғадир-будир орқали йўл топиларди (*яъни бепоен мушоҳада ва тафаккурга эга шахс эди*) ... У фикрини пешлаш мақсадида муттасил шатранж (*шахмат*) ўйнарди».

*(Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур ҳақидаги «Тақдир ажойиботлари» номли ушбу йирик ва мурраккаб асарини истеъдодли олим Убайдулла Уватов муваффақиятли таржима қилган).*

Амир Темур тарихда катта бир давр яратган шахс. Бу даврда халқ ҳаёти ва ўлка тараққиёти учун зарур бўлган барча иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техник ва ҳарбий масалаларнинг қарор топиши, ривож, бу соҳаларга доир янгиликлар, кашфиётлар унинг номи билан боғланган. Ўрта Осиёда мадраса таълими X асрларда пайдо бўлган, аммо унинг ҳақиқий мукамал ривож Амир Темур даврига тўғри келади, баъзи манбаларда уни Шарқда олий таълимнинг асосчиси, деб атайдилар. Амир Темурнинг ҳарбий назария ва амалиёт соҳасидаги кашфиётларининг ўзи бир дорулфунундир. Москвадаги олий ҳарбий илмгоҳда, билишимча, шу ҳақда махсус курс ўқитилади. Унинг ҳарбий тажрибаси бошқа хорижий олий ҳарбий илмгоҳларда ҳам ўқитилиши шубҳасиздир.

Амир Темур даври Мовароуннаҳр, яъни Ўрта Осиё, Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётида мисли кўрилмаган мўъжизадир. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг далолат беришича, XV аср бошларида Темур пойтахти Самарқандда шу қадар мўлқўлчилик эдики, ҳатто думбаси ярим пуд (*3–10 кило*) келадиган қўйларнинг бир жуфти бир дукат (*тахминан уч сўмлик тилло пул*) турар эди.

Мен Клавихонинг «Амир Темур саройига саёҳат» китобини бундан 110 йил муқаддам чоп этилган нусхасидан ўзбек тилига таржима қилиш натижасида

улуғ бобомиз сиймосини яна бир бор кашф этдим. Овруполик дипломат денгизу дарёлар, қуруқликлар, тоғу тошлар оша ўн беш ой йўл юриб **(1403–1404 йиллар)**, буюк Темур саройига келади, унинг нуруний сиймоси олдида буюк бир ихлос билан таъзим қилади. Бу – испан мамлакати подшосининг таъзими, овруполикларнинг Амир Темур сиёсий қудрати олдидаги таъзими эди. Биз эса ўз юртимиздаги бу тарихий-маънавий хазинадан эндигина баҳраманд бўла бошладик.

Истеъдодли олим-журналист Ҳаким Сатторийнинг Амир Темур излари бўйлаб ёшлар юриши ташкил этиш ҳақидаги таклифи ғоят оқилона ўйланган ишдир. Бироқ бу ҳаракат шу вақтгача кўникиб келганимиз юзаки ташвиқот удуми таъсирида қуруқ намойишкорлик билан энгил-елпи ўтказилмаслиги керак. Бунинг учун Амир Темур ҳақидаги, айниқса, Мовароуннаҳр тарихига оид муҳим илмий-адабий, бадий асарлар ихлос билан ўрганиб чиқилиши ва бу юришнинг пухта ўйланган режа-картаси тузилиши лозим. Самарқанддаги Амир Темур шахси ва фаолиятига оид ёдгорликлар, Самарқанд атрофида ўша даврда яратилган бир қанча подшоҳлик боғларининг ўрни **(манбаларда бундай боғларнинг 13 таси зикр этилган)**, айниқса, Амир Темур етти йиллик ҳарбий юришдан Самарқандга қайтиб, икки ой давомида ғалаба тўйи ўтказган Конибил яланглиги, Шахрисабздаги Оқсарой ва унинг кейинги даврда харобага айланиш сабаблари, Яккабоғ ноҳиясидаги Темур туғилган қишлоқ ва машҳур Темур ғори, Чўянли дараси ва бошқа меъморий обидалар, жуғрофий маҳкамлар пухта ўрганиладиган тарихий жойлардир.

Клавихо ўша машҳур тўй кунларида Конибил яланглигида 20 минг чодир тикилган эди, деб қайд этади. Мана шу катта майдонда ҳозиргача қандай

ўзгаришлар содир бўлганлигини аниқлаш, чодирларнинг жойлашиш тартиби ҳақида тасаввурга эга бўлиш катта аҳамиятга эгадир. Клавиҳо тўйда иштирок этган аёлларнинг расм-русумлари ва кийинишларига тасвирлайди. Сароймулкхоним (*Бибихоним*)га тегишли сарой чодирларидан бирида баландлиги одам бўйича келадиган, танаси одам оёғи йўғонлигича бўлган олтин дарахтни кўрганлигини ёзади: «Дарахтнинг мевалари сарғиш, қизил, зангори ёқутлар, зумрадлар, ферузалар ва бошқа думалоқ шаклдаги йирик-йирик тиниқ сара марваридлардан иборат эди. Бундан ташқари дарахтга сир билан сайқал берилган қушчалар қўниб турарди. Баъзи қушчаларнинг қаноти туширилган, баъзилари тушиб кетадигандай бўлиб, япроқларга зўрға илиниб турибди, айримлари дарахт меваларини еяётгандай ёқут, феруза, марварид ва бошқа тошларни тумшукларида тутиб турарди».

Мен юқоридаги сатрларни ўзбекчалаштираётганимда ушбу бебаҳо санъат асари мўъжиза юз бериб бирор жойда, айтайлик, дунёнинг бирор музейида мавжудлиги аниқланса, нақадар улуғ иш бўлур эди, деб ўйладим. Мажозий айтганда, Амир Темур сиймоси ҳам биз учун ана шу олтин дарахтдай нодир мўъжизавий ҳодиса. Эндиликда олтин дарахтни худди ўша даврдаги бебаҳо санъат асари шаклида топиш амримаҳол, албатта. Бироқ унинг қолдиқларини, у ҳақдаги маълумотларни тиклаш катта аҳамиятга эгадир.

Ёшлар ташаббуси – хайрли иш. Бу – масаланинг бир томони. Амир Темур ва Темурийлар, уларнинг авлодлари ҳаёти, фаолияти ва даврга доир, умуман ўтмиш бой тарихимиз ва аждодларимизга тегишли осори-атиқа буюмлар, ашёлар, шу ҳақдаги ҳикоя ва ривоятлар, буларни билган кишилар ҳақидаги



хабар ва маълумотларни кўз қорачиғидай авайлаб тўплаш ҳақида бутун халққа, Ўрта Осиё халқларига мурожаат қилиш керак. Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятларимизда Амир Темур ва унинг кейинги авлодлари ҳақидаги маълумотларни биладиган кекса уламолар топилади. Шаҳрисабзлик Файзулло бобо Исмоилов ана шундай кишилардан. Зукко отахоннинг мўъжазгина шахсий кутубхонасида ўтмиш асрларда нашр этилган нодир қўлёзмалар мавжуд. Халқ орасида аниқланган ҳар хил маълумотларни ушбу рўзнома таҳририятига ҳамда бошқа бирор мутасадди муассасага, масалан, Ўзбекистон тарихи музейига юбориш керак.

Хориждаги кўплаб мамлакатларда Амир Темур хотираси дунёнинг буюк сиймолари қаторида абадийлаштирилган. Айтишларича, Париждаги Амир Темур ҳайкали пойига «Овруподан. Халоскорига» деган сўзлар ёзилган. Таниқли ўзбек раққосаси Қизлархон Дўстмуҳамедова 1989 йилда Вашингтонда Амир Темурга бағишланган махсус кўرғазмада иштирок этган (*«Ёш куч», 1990 йил, 10-сон*).

Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда Амир Темур музейлари ташкил этиш вақти етди. Пойтахтимизда чех журналисти Юлиус Фучик ёки ўтган асрда яшаган рус артисти ҳақида махсус музейлар амал қилаётган бир шароитда жумҳуриятимизда Амир Темур музейининг йўқлиги миллий шаккоклик эмасми?!

Ташаббускор ёшлар изланишлари натижасини жамлаб, ўз таклифларини пухта асослаб, ҳукуматга тавсия этишлари лозим. Энг муҳими, жойларга Амир Темур номини бериш, ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш, масалан, Тошкентдаги ҳарбий олийгоҳни унинг номи билан аташ, шунингдек, маданиятимиз тарихига муносиб ҳисса қўшган арбоблар, жумладан, Руи

Гонсалес де Клавихо, Амир Темурни Чингизхон билан таққослаб, юксак баҳолаган буюк можар олими Ҳерман Вамбери номларини Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ёки Хива шаҳарларидан бирида абадийлаштириш инсофли иш бўлар эди.

Ватанпарвар ёшларнинг бу хайрли ташаббусини қўллаб-қувватлайман. Сиз қўлга киритган, аниқлаган материал ва маълумотлар ўзларингиз учунгина кизиқарли бўлиб қолмай, жумҳурият ёшларининг маънавий ҳаётини бойитишга хизмат қилиб, фанга янгилик бахш этиши мумкин.

«Туркистон», 13 март.

\* \* \*

Таҳририятимизга кўплаб хатлар келди, одамлар ташриф буюришди. Изҳор қилинган истаклардан Соҳибқирон Амир Темурнинг ёшлиги кечган йўллар бўйлаб кенг мақсадли экспедиция ташкил қилиниши тўла маъқулланади, тақлифлар баён қилинади. Улар билан танишганда, муз парчаси остидаги яшил майса эсга тушади. Эртанинг умиди бўлган бу тириклик унсурида яшашга интилиш шунчалик кучлики, у ўлмаган, таслим бўлмаган руҳ тимсолига ўхшайди.

Қуйида хатларда баён қилинган фикрлар билан танишасиз.

\* \* \*

«Талабалик йилларим Бухорода бир олим билан (*исм-шарифи эсимда йўқ*) танишиб қолдим. У менинг юртимни билиб олгач, ўзида йўқ хурсанд бўлиб «Сен Амир Темурнинг ватандоши экансан, энди сени Темур деб чақираман», деди-да, сўради, «Ўзи, Темурни биласанми, ким бўлган?» Ҳеч нарсани ўйламасдан ўргатганларидек жавоб бердим. «Золим...» Шунда олим қаттиқ изтироб чеккан, йиғлагудек алфозда

менга қахрамонона тарихни ҳикоя қилиб берган эди. Йиллар ўтди, 21 йилдан буён ўқувчиларга риёзиётдан сабоқ бераман. Имкони бўлди дегунча, ўтмиш меросимизни холис тушунтираман, бироқ ўшанда айтган бир оғиз ноўрин сўзнинг азоби мени тинч қўймайди. Экспедиция ўтилиши мўлжалланган йўлларни жуда яхши биламан, бир неча марта ўша ғорга борганман. Мени ҳам сафларингизга қўшишни сўрайман, зора ғафлатда ўтказган йилларим гуноҳини шу билан ювсам.

*Ёдгор МУМИНОВ,  
Қашқадарё вилояти, Касби туманидаги  
10-ўрта мактаб ўқитувчиси.*

\* \* \*

«Соҳибқирон ўтган йўллар» (1991 йил 4 январь) мақоласида «...Лангар қишлоғига борилади, кейин ўурумқишлоққа томон йўлга тушилади», дейилган. Ҳолбуки, орада Дара, Кўкбулоқ, Алмат каби 15 га яқин аҳоли пункти бор. Уларнинг ҳар бирида ривоят ва эртакларни билувчи, ғорга бориб келган кишилар яшайди. Жумладан, менинг отамдан ҳам тайинли йўл-йўриқлар олиш мумкин. Сафар қатнашчиларининг ҳар икки гуруҳини эса хонадонимизга ташриф буюришларини сўрайман.

*Аъзам РАҲМОНОВ,  
Қамаши туманидаги Абай номли мактабнинг  
10-синф ўқувчиси.*

\* \* \*

Бу ишга халқимиз ўз мададини аямайди, деб ўйлайман. Мабодо, экспедиция амалга оширилмаса, бобомизнинг руҳини яна безовта қилган бўламиз.

*Турдали ҲАСАНОВ,  
Янгийўл тумани, безовчи расом.*

\* \* \*

Юриш уюштирилса, тарих учун, халқимиз учун ҳам савобли иш бўлурди.

*Раъно ИСМОИЛОВА,  
Қарши педагогика институти 2-курс талабаси.*

\* \* \*

Чор Россияси даврида Ўрта Осиёга турли ниятли минг-минглаб экспедициялар келганини биламиз. Ҳар йили 2,5 миллиард долларлик пахтани, бир неча юз миллион долларлик олтинни арзонгаровга топшираётган Ўзбекистон учун кичик бир экспедициянинг харажати не бўлибди?

*А. ФУФРОНОВ,  
Фарғона вилояти, ўқитувчи.*

\* \* \*

Фидойиликка ҳар доим ўрин бор. Юриш ташкилотчиларига шу ҳис доимо ҳамроҳ бўлсин. Бу хайрли ишда қатнашишни истайман.

*Зайнобиддин ЭСОНОВ,  
Андижон вилояти, Хўжаобод тумани,  
Ширмонбулоқ қишлоғи.*

\* \* \*

Экспедиция маршрути ҳақида яхшилаб ўйлаб кўриш лозим. Эҳтимол, унинг миқёсини кенгайтириш керакдир. Ҳар ҳолда юриш тўғрисида ҳужжатли фильм яратилса, натижаси ойнаи жаҳон орқали намойиш қилинса, яхши бўларди.

*А. БЎСТОНОВ,  
Наманган вилоят ўлкани ўрганиш  
музейи бўлим мудири.*

\* \* \*

Касбим – ошпазлик, уйланмаганман. Ёшим 25 да.  
Юришда қатнашмоқчиман.

*Чори МИРЗАЕВ,  
Косон тумани, Бойғунди қишлоғи.*

\* \* \*

Оддий қишлоқ қизларининг қўлидан ҳеч нарса  
келмайди, деб ўйламанглар. Шу юришда қатнашсам,  
орзуларимдан бири амалга ошарди.

*Ирода АШУРМАТОВА,  
Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, 23-мактабнинг  
10-синф ўқувчиси.*

\* \* \*

Сураткашлиқда ўн йиллик тажрибам бор. Кино-  
ҳаваскорлар клубида уч йил таҳсил олганман.  
«Красногорск-3», «Зенит-ЕТ» маркали кино ҳамда  
фото камераларим бор. Слайда қилиш ҳам қўлимдан  
келади. Юришда қатнашишни жон-дилдан истай-  
ман.

*Қўрғон ҚУРБОНБОЕВ,  
Қирғизистон, Ўш вилояти,  
Арслонбоб қишлоғи, ўқитувчи.*

\* \* \*

Жаҳонгир бобомиз шаънига айтилган барча  
туҳматларни фош қилиш сари қўйилган биринчи  
қадам сифатида ёшлар юриши уюштирилиши шарт.  
У ҳақда фильм қилиниши лозим.

*Мўмин ХОЛМУРОДОВ,  
Журналистлар уюшмаси аъзоси, Қарши шаҳри.*

\* \* \*

Тарихга қизиқаман. Иложи бўлса, юришда қатнашардим. Муваффақият ёр бўлсин.

*Сайринисо САЙВАЛИЕВА,  
Фарғона вилояти, Кува туманидаги  
2-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.*

\* \* \*

Тошқўрғон қишлоғини биламан, сўзамол, дилкаш одамлари билан гаплашганман. Ҳозир бу макон дярли бўм-бўш. Юриш қатнашчилари мазкур тарих билан ҳам танишадилар.

*Ўлат ТИЛАВОВ,  
Шаҳрисабз тумани, Тепар қишлоғи.*

\* \* \*

Экспедиция қатнашчилари жиддий танловдан ўтказилишлари керак. Улар эсон-омон бориб келгач, фикр-мулоҳазалари асосида китоб ёзилса, маънавийтимизга ҳисса бўлиб қўшиларди.

*Нозима БЕКМУҲАМЕДОВА,  
Тошкентдаги 22-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.*

\* \* \*

Истеъдодли шоирлар, ёзувчилар, журналистлар юришда қатнашса, унинг ютуғи юқори бўлади.

*Бултурвой СИДДИҚОВ,  
Анджон вилояти, Пахтаобод шаҳри.*

\* \* \*

Йўл оғир бўлмайди. Юришни ташкил қилиш керак. Мақолада «Чироқчи туманидаги Лангар қишлоғи, унинг яқинидаги Амир Темур ғори ҳам эътиборда бўлади», дейилган, бироқ бизнинг мафтункор

қишлоғимиз – Тарағай ҳақида ҳеч гап йўқ. Ҳолбуки, ғорга энг яқин қишлоқ – шу.

Атрофда 120 дан ортиқ сой, жилга, булоқ, тепа, қирлар бор, ҳар бири ҳақидаги қўшиқ ва ривоятлар сақланган. Ҳор жуда улкан, 50 метрлар юрилгач, уч томонга йўл кетади, бироқ ҳеч ким бу йўлларнинг охирига етган эмас. Унда Шайбонийхон зулмидан қочган барлослар яширинган, деган ривоятлар бор. Ҳар йили бу ерга 1–1,5 минг киши келиб кетади.

Юришда Қарши муаллимлар олий билимгоҳи ҳам ҳомийликка таклиф этилса, унинг талабалари жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

*Ҳужамурод ЖАББОРОВ,  
Қарши муаллимлар олий билимгоҳи ўқитувчиси.*

\* \* \*

Маршрутнинг ўзи кишини ҳаяжонга солади. Чунки у жуда қизиқарли. Юришда билимгоҳимиз талабаларидан ҳам қатнашишини хоҳлардим.

*Гулчеҳра НАЗИРБОЕВА,  
Тошкент муаллимлар олий  
билимгоҳининг IV курс талабаси.*

\* \* \*

Ҳеч бўлмаганда сиз «Темур тузуклари»ни ўқиган-мисиз? Йўқ. Бўлмаса дунёдан сўқир кетаркансиз. Юриш уюштирилишига жазм қилингани жуда улуғ иш, унинг муваффақиятли ўтиши тарафдориман. Қўшимча равишда Самарқандга келувчи сайёҳлар пули ҳисобига «Амир Темур» валюта банкини ташкил қилиш, Самарқанд-Ўтрор маршрути бўйича ҳам саёҳат уюштириш, ҳайкаллар ўрнатиш, инглиз адабаси Ҳилда Ҳукҳем хонимнинг «Жаҳонгир Амир Те-

мур» романини ўзбекчага таржима қилишни тавсия  
эгаман.

*Турсун СУННАТОВ,  
Бекобод туманидаги Ойбек номли хўжалик  
фахрийлар кенгаши раиси.*

\* \* \*

Тянь-Шань тоғига чиққанман, альпинистликда  
«тарли малакам бор, кинога тушира оламан. Экспе-  
дицияга қатнашмоқчиман.

*Мирёқуб ҚОБИЛОВ,  
Каттақўрғон тумани, Пайшанба шаҳри.*

\* \* \*

Наполеоннинг хоки Авлиё Елена оролидан  
келтирилганда Парижда бирданига 129 та шоҳсупа  
ўрнатилганини ўқиб, академик Тарленинг «Наполе-  
он» романи билан танишиб, французларга ҳавасим  
келганди.

Бизнинг эъзозлайдиган боболаримиз камми?  
Юриш ҳақидаги фикрни ҳар томонлама қўллаб-  
қувватлаш даркор. Биринчи қадам қўйилса, янги ре-  
жалар туғилаверади. Эҳтимол, ўша ғорлар келгусида  
музейга айлантирилиб, бутун жаҳон аҳлига намоиш  
қилинар.

Экспедиция кенгайиб, бу ёғи Ҳиндистон, Кав-  
каз, Туркия, бу ёғи Астрахань, Москвага борилар. Бу  
жойларнинг жуғрофияси, тарихи, этнографиясини  
акс эттирувчи хариталар тузилишини, китоблар ёзи-  
лишини истайман. Халқлар тарихи институти базаси-  
да Амир Темур илмий текшириш институти ташкил  
қилинса ҳам арзийди. Келажакда барча маълумот-  
ларни йиғиб, дунёга машҳур музей очилса, деб умид  
қиламиз. Бу ишларга қўл урилса, Ўрта Осиё халқлари,  
бутун дунё қўллаб-қувватлайди. Ҳатто, халқаро банк



хисоби очилса, дунёнинг турли мамлакатларидан маблағлар тушади. Ҳозирча булар орзу, нақди эса мўлжалланган ёшлар юришининг муваффақиятини таъминлашдир.

А. МАВЛОНОВ,  
ТошПИ доценти, геология-минерология  
фанлари номзоди.

«Туркистон». 1991 йил, 26 март.

\* \* \*

Гўё қўлдан келадиган, имконият даражасидаги барча ишлар қилингандек эди. Бу ёғи жамоатчиликка боғлиқ. Бироқ орада узоқ сукунат даври бошланди, одамлар мавзуни эсдан чиқара бошлашди. Муҳаррир Жаббор Раззоқов билан маслаҳатлашиб, мавзуга қайтишга, навбатдаги мақолани тайёрлашга киришдим.

### **ИККИНЧИ ҚАДАМ ҚЎЙИЛАДИМИ?**

Агар биз бир қарашда шуларсиз тирикчилик ўтмайдигандек туюлаётган, аслида майда ташвишлардан қутулиб, юқорироқ кўтарила олсак, ўз тарихимизни ҳис этишда озгина тўртки бўлиши кўзда тутилган машварат – жаҳонгир Амир Темур излари бўйлаб ёшлар юришини таъминлаш борасида навбатдаги тадориқлар адо этилса, мақсадга яқинлашилган, балки унга эришиш нақд бўларди. Гап нима ҳақида кетаётгани ҳурматли муштарийларга маълум бўлса керак: режа ва мақсад «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон»)нинг шу йил 4 январь сонида эълон қилинган мақолада баён қилинганди. Ҳақ жамоатчиликни бепарво қолдирмади: таҳририятга кўплаб хатлар келди, ишқибозлар ташриф буюри-

шиб, қўллаб-қувватлашди. Илмий жамоатчилик, зиёлилар ҳам ўзаро суҳбатларда шундай экспедиция ўтказилиши айтилиб, муддао эканини таъкидлаб, бу тадбир уйғонаётган халқ руҳига мадад бўлиши, ўз-ўзини англашга хизмат қилиши мумкинлигини изҳор этдилар.

Хурматли устоз, профессор Очил Тоғай бу ташаббус ҳақида махсус мақола ёзиб, унда ватанпарвар ёшларга қарата: «Сиз қўлга киритган, аниқлаган материал ва маълумотлар ўзларингиз учунгина қизиқарли бўлиб қолмай, жумҳурият ёшларининг маънавий ҳаётини бойитишга хизмат қилиши, фанга янги омил бахш этиши мумкин» деб мурожаат этдилар (**«Олтин дарахт», «Туркистон», 1991 йил, 18 март**).

Бундай хайрихоҳлик кайфияти севимли рўзнамамизда эълон қилинган ўттизга яқин муштарийнинг дил сўзида ҳам билиниб турибди. (**«Туркистон», 26 март**). Уларда ҳатто бу ғояни умумжумҳурият даражасига кўтариш, умуммиллий тус бериш ва халқаро аҳамият бағишлаш истаги ҳам бор. Йирик фольклоршунос олим, профессор **Малик Муродов** ҳам шу ишга шахсан алоҳида рағбат билдирдилар ва тадбирнинг ташкилотчи раҳбарлари сафида бўлишларини изҳор этдилар. Хуллас, яхши ният араваси шу жойгача ғилдираб келиб, амалий ишлар босқичига навбат етди.

Хўш, энди нима қиламиз? Шунда ношуд деҳқон ҳақидаги ҳикоят эса тушаверади. Эмишки, бир киши йил бўйи меҳнат қилиб, буғдойдан мўл ҳосил етиштирибди. Хўп ҳайдаб, майдалабди. Навбат донни сомондан ажратишга келибди. Бу борада тажрибаси йўқ экан. Роса терга тушибди-ю, иш чиқара олмабди. Охири қўрга олов бериб, қочиб қолибди. (**Бунисидан худо сақласин**). Бизда эса мана шундай аччиқ кинояга ҳам ўрин бор: «Халқимиз ўтмиши, пурвиқор бобо-

ларимиз билан қанчалик фахрланмайлик, биз уларга лойиқ бўлмасак, бу хуфиёна ифтихор мушукнини «Биз ҳам йўлбарслар авлодиданмиз» қабилидаги мақтанчоқлигига ўшаб қолади».

Балки шу нуқтада бугунги авлод қиёфаси намояндалар. Гапнинг индаллоси эса Ҳисор тоғлари ичида яширинган Амир Темур ғорига уюштирилиши керак бўлган саёҳат тақдири ҳал бўлмаяпти, яъни барча гаплар айтилиб, амалий ишларга ўтишда ғилдирак бир жойда айланиб қолди. Бунинг қатор сабаблари бор.

Аввало, юришга кимлар (**аниқ исм-шарифли шахс сифатида**) қатнашишини аниқлашда турлича таклифлар бўлаяпти: баъзилар барқарор бир жамоа, масалан, фалон олийгоҳ жуғрофия факультети талабалари билан жўнаб кетавериш керак, деса, бошқалар қатнашчиларни барча вилоятлардан (**албатта, хоҳишига кўра**) таклиф этиш лозим, дейишмоқда. Албатта, биринчи йўл осон ва қулай, бироқ биз иккинчи таклиф тарафдоримиз. Буни уюштириш эса анча мушкул, қолаверса, вақт зиқ қолаяпти, бироқ ишонч билан айтиш мумкинки, уддаласа бўлади.

Энди энг асосий муаммо кўндаланг турибди: юришга ким ҳомийлик қилади? Мана шу саволнинг ечими ҳамма нарсани ҳал қилади. Шуни афсус билан таъкидлаймизки, жамоатчиликнинг бу фикрига бирорта ташкилот ёки илмий марказ хайрихоҳлигини изҳор этмади. Биз умид қилган Фанлар академияси тарих институти, халқлар тарихи музейи, жумҳурият ёшлар ташкилоти, Самарқанд, Қашқадарё вилоят, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва экспедиция маршрути бўйича бошқа туманлар ёшлар ташкилотлари бир энлик хат билан ўз муносабатларини билдирмадилар. Шуниси ҳам борки, бизда бу хилдаги экспедицияларни уюштириш тажрибаси йўқ (**фақат «пахта**

*тажрибаси» бор), шунинг учунми, кўпчилик унга бепарво ва ҳатто лоқайд муносабатда бўлди.*

Мен муштарий сифатида Москва матбуоти вакили – «Комсомольская правда» бир нечта жаҳон миқёсидаги юришларни ўз оталиғига олганини биламан. Жумладан, Эверест чўққисини забт этиш ва Шимолий муз океанининг ҳали инсон қадами етмаган нуқтаси – Шимол тожига уюштирилган экспедициялар жуда ҳаяжонли ва эсда қоларли тарзда ёритилганди. Рўзнама ўзининг жуда катта имкониятидан фойдаланиб, иштирокчиларга танлов уюштирган, ғолиблар билан таништирган, тайёргарликнинг боришини 1–1,5 йил давомида ёритиб борган эди, радиода репортажлар берилганди. Ишқибозлар ўз нигоҳларини гоҳ тубсиз музликлар қўйнига, гоҳ дунё томининг энг баланд нуқтасига қадагандилар, юриш қатнашчисининг телпагини шамол учириб кетгани-ю, ҳарорати кўтарилиб, иситмалаб қолганлигигача билиб тургандилар. Айниқса, муз парчаси ёрилиб, инсон тақдири айсберглар қуршовида қолганда бутун СССР ҳаяжонланган, туман тезроқ тарқалиб, вертолётлар одамларни эсон-омон кутқаришини илтижо қилган эдилар.

«Ёш ленинчи» бошлаган саъй-ҳаракат бунчалар романтикага бой, ваҳимали бўлмаса-да, Тошкентдан Тошқўрғон қишлоғига ҳозирги оддий замонавий транспортда икки кунда бориб келиш мумкин эса-да, томчида қуёш акс этганидек, эзгуликнинг катта-кичиги бўлмайди. Қолаверса, бизнинг шикоятлар ва нолишларга тўлиб кетган кунларимизда оддий, мақсадли саёҳатни уюштириш Амриқо очишдан қийин бўлаяпти. Ўйлаб қоласан киши: бизнинг авлод бирор амалий иш қилишга қодирми ёки фақат жағига зўр бераверадими? Қўйинг, одамларга қуёш ваъда қилмайлик, ундан кўра ногоҳ ўчган бир шамчирокни

ёқайлик. Орол, дея тўкилган кўз ёшлар жамланса ҳам жилға бўлар, ундан набототнинг бир парчаси баҳри оларди. Қуриётган денгизга бир ангишвона сувча на жот бердикми?

Амир Темурни талашавермайлик-да, уни олдин танийлик. Ҳозиргача маломатлар остида қолиб келаётган буюк инсон руҳи олдидаги қасам шуки, уни таниганларни У асрайди. Истак отига қамчи уриб, тоғдан тоққа сакраб юрган ўсмирга бошпана берган муаззам ғор остонасидаги табаррук супа устида кутиб олинган тонг янги замон йўриғидан дарак берса, ажаб эмас.

Хуллас, ўша беғубор субҳ каби орзу йўлида ҳал қилиниши керак бўлган ҳомийлик масаласига келсак, уни (**ҳомийликни**) кун тартибидан олиб ташлаш ҳам мумкин. Аслида ҳомийга юришни моддий жиҳатдан (**яъни, пул билан**) таъминлаш учун эҳтиёж сезилмоқда. Биз ўзаро фикрлашиб, бир неча таклифларни кўриб чиқдик. Экспедицияни 40–45 кун давом эттириб, уни бутун жанубий Ўзбекистон бўйлаб ўтказиш ҳақида ҳам истаклар бўлди. Ҳатто, унда туялар карвони-ю, вертолётлардан фойдаланиш хоҳиши ҳам айтилди. Бироқ ҳозирги аҳволдан келиб чиқиб, биз энг содда тўхтамага келдик.

Юриш жуда тор ва чекланган маршрутда ўтказилади ва 10–15 кун давом этади. У иштирокчиларнинг ватанпарварлигига таянади: харажатларнинг асосий қисми ўз чўнтагидан бўлади. Фақат энг зарур нарсаларни харид қилиш учун 4–5 минг сўм керак. Ўз ҳисобидан поезд ва автобусларда юрилади. Шу ўринда халқимиз саховатига ишонч билдириб, бир нарсага кафолот бера оламан: одамлар бизни меҳмон сифатида кутиб олади, тунаш учун жой беради, ейиш-ичишда қарашади. Сафарни дарё тошқинлари

қайтган, ҳарорат кўтарилган пайт – июлнинг иккинчи ярмида ўтказиш ўринлидир.

... Ҳар доим хайрли ишларда яхшилар мададкор бўлади, биз ҳам шундан умид қиламиз.

**P.S.** Рўзномамизда «Соҳибқирон ўтган йўллар» бўйича муваққат марказ тузилди. У юришни тайёрлаш ва ўтказиш билан шуғулланади. Жамғармаси бўлишига келишилди ва бир кишининг ҳиссаси 200 сўм қилиб белгиланди. Ўз имконияти (**вақти, соғлиги ва бошқалар**)ни ҳисобга олиб, сафарда қатнашишни астойдил истаган ишқибозларнинг ўзлари ҳақидаги тўла маълумотни (**2 дона 6X9 сурат билан**) бизга йўллашларини сўраймиз. Кўрсатилган миқдордаги пулни 700083, Тошкент-83, Ленинград кўчаси, 32-уй, «Ёш ленинчи» экспедициясига, деган манзилгоҳ бўйича почта орқали жўнатишингизни маслаҳат берамиз. Шунингдек, юришга моддий томондан кўмаклашмоқчи бўлган кишилар ва ташкилотларнинг ҳимматлари ҳам рад этилмайди. Муддат – 2 июлгача.

*«Туркистон», 1991 йил 21 май.*

\* \* \*

Аслида, иловада айtilган «марказ» насия гап эди, лекин кўпчиликнинг рўзнома идорасига серқатнов бўлиб қолгани рост. «Турон» ижодий гуруҳи билан кино ва видеога тушириш юзасидан «музокара»лар олиб борилди. Бот-бот йиғилиб турилди. Барибир ташкилий ишларнинг ҳал бўлиши қийин кечди: гоҳ кўрпа-тўшак етишмайди, гоҳ озиқ-овқат масаласи ҳал бўлмайди. Вақт эса бой берилаётганди, августнинг ўнларидан кейин тоғларда совуқ бошланади. Шошилинич, қатъий сўзни айтиш керак эди.

20 июлда ҳам улгуриб бўлмади. Ниҳоят, охири муддат сифатида 1 август белгиланди. Ашаддий ишқибозлар «Шу кун пиёда бўлса-да, сафар халтамни ортмоқлаб йўлга тушаман», деб эълон қилишди.

Хайрият, ҳаммаси яхши бўлди, эзгу ният қоғозда қолиб кетмай амалга ошадиган фурсат етишди. Бундан бир оз ифтихор қилса арзийди. Дил изҳоримни тунда қоғозга туширдим-да, Жаббор акага қолдирдим. У «Яша, ватансевар куч!» деб сарлавҳаланган эди. У биз сафардалигимиз пайтида газетанинг навбатдаги сонларидан бирида (*сарлавҳаси ўзгариб*) эълон қилинибди.

### **ЯША, ВАТАНПАРВАР КУЧ!**

Ҳаяжон ва изтироблар ортда қолгандек бўлди, имконият даражасида сафар тайёргарлиги кўрилди. Ва экспедиция белгиланган маршрут бўйича жўнаб кетадиган бўлди. Юмшоқ ўриндиқли автобус йўлдан ғизиллаб бормоқда. Юракларда яна янгича ғулу: бу ёғи энди қандоқ бўлади?

Шундай қилиб, «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» дея номланган экспедиция туғилди. Унинг доимий (*мунтазам*) ишлаб қолиши кутилмоқда, фаолияти илмий йўналишда бўлади. Албатта, ҳар бир ғоя ўзини кўрсата олиши учун вақт керак. Йиллар ўтар, авлодлар алмашар, лекин, нима бўлганда ҳам, Амир Темур номи билан боғлиқ ишлар ва нарсаларнинг яшаб қолишига шак-шубҳа йўқ. Инсоният янги, ўта маданиятли фарзандга доя бўлмоқчи. Агар шу рост бўлса, буюк жаҳонгирнинг салобати ҳозиргидан бир неча чандон улуғвор бўлади. Шу мавзудаги дастлабки мақолани эълон қилишга киришганимда ҳам ана шундай кайфиятда эдим. Ички бир туйғу охири ба-

хайр бўлишидан хабар бериб турарди. Шундай бўлиб чиқди, мақсадга эришилди.

Йўқ, ҳаммасини фолбинларча топқирликка йўйиб ёки баъзилар айтадиганидек, «тушимда воқиф бўлувди» қабилда талқин этсам, танишларим олдида масхара бўлиб қолишим тайин. Гап бошқа ёқда.

Агар биз кўчанинг гурунгига ишонсак, юртда биронта ҳам ватанпарвар қолмаган. Ҳамма сотқин ёки мамлакат оч, одамлар гадо. Аслида бундай гаплар фиска-фасоддан, тухматдан бошқа нарса эмас. Халқ баҳодир фарзандларга ҳар доим муҳтож бўлганидек, улар ҳар доим туғилиб турадилар. Тўғри, ўсмир Темур отининг туёқ излари бўйлаб сафарга чиқиш Прометейдан оловни тортиб олиш билан тенг жасорат эмас, балки баъзилар талқинича, шунчаки кўнгили истаги, бўш вақтни «лақиллаб» ўтказиш усулидир. Бироқ турли ҳудудларда яшовчи турли касбдаги кишиларнинг боши бир жойга қўшилган экан, уларнинг ҳар бири қалбида халқига, ватанига муҳаббат Темурникидан кам, деб ким айта олади? Шу жамоага қўшиламан, деб орзу қилиб юрган, лекин армонда қолганлар қанчалаб бўлгандир. Хуллас, тушкунликка берилавермай, миллатни ҳам, жамиятни ҳам ойдин йўлга олиб чиқадиган соғлом кучлар борлигига ишонайлик. Ахир ўсадиган эл бир-бирини «ботирим» деб эркалатар экан.

Яна умидсизлик ва ҳасрат ҳақида. Амир Темур сафари ва шунга ўхшаш «хуш» хабарлар турмушнинг минглаб можаролари гирдобидан навбахор насимидай кезиб юради. Ҳатто баъзан ўзбекона чапанилик билан «Юракка қил сиғмай турган пайтда...» деб сўкиб юборишга тил айланиб кетади. Бу гап-сўзлар ижтимоий муҳитдан йироқ, китобий сафсаталардек туюлади. Аслида кўз ёшларини артиб жилмая олиш ҳам бағрикенглик, бир чети – мардлик эмасми?



Хаёт биз ўксинганчалик зулмат билан қопланган эмас. Ҳали қуёш нур сочиб турибди, одамзод – барҳаёт, тириклик – барҳақ. Пештахталар «тап-тақир» дея айюҳаннос солинганда пештахталарда ҳамма нарса бор эди. Бугун «нарх осмонда» дея кўз ёш тўкилмоқда-ю, харидоргир бирор нарсанинг туриб қолаётганини ҳеч ким кўрмаяпти. Аслида бу ҳолга унчалик ажабланмаслик керак. Негаки, одамлар қандай яшашни хоҳласа, шундай ишлайди. Хуллас, мантиқ нимада: ўткинчи қийинчиликлар (**тирикчилик ҳеч вақт осон бўлмаган, дейишади**)дан нолиб, ғанимат дамларни беҳуда сарфлашдами ёки ширин ҳаётнинг аччиқ азобларидан лаззатланиб, эртанги кунни соғиниб яшашдами?

Муборак ҳадислардан бирида: «Кимки дунё бузилиб кетди деса, унинг ўзи бузилгандир» дейилган. Гапнинг индаллоси: ваҳималарга ҳаддан ташқари берилиб, бебаҳо умрни енгил-елпи ўтказиб юбормаяпмизми? Биз бажаришимиз керак бўлган ишлар навбат кутиб қолмаяптими?

30-йилларда ўзбек маданиятига «Алпомиш» достони керакми? ёки «Алишер Навоий ижоди керакми?» деган саволлар тегирмонида қанчалаб бошлар мажақланганини биламиз. Бугунги кунда ҳам «Амир Темур керакми?» деган савол кун тартибидан бутунлай олиб ташлангани йўқ. Бундай муносабат буюк юртдошимизни яхши билмасликдан эмасмикан? Ул зот ким бўлишидан қатъи назар инсоният оламига Темурийлар даври Мирзо Улугбек каби дунё олимларининг сарлашқарини (**Лондондаги Қироллик кутубхонасида сақланаётган бир суратда Улугбек шундай тасвирланган экан**), Мир Алишер Навоий сингари доҳий шоирни, Мирзо Бобурдек буюк инсонни ҳады этди. Улар жами одамзод маънавиятини бир неча қадам олға силжитдилар. Ёки Темур туз-

ган давлат мусулмон дунёсида энг узоқ – 480 йил яшади.

Жаҳонгирнинг «қонхўрлиги» ҳақида эътирозим шуки, одамқушлик ўша замоннинг ахлоқи бўлган. Олайлик, Стендаль «Наполеоннинг ҳаёти» роман-хроникасида француз лашкарбошиси юришда халақит беради, деб ўз ярадор аскарларини ўлдиришга фармон берганлиги ҳақида ишоралар бор. Ганнибал армиясида кутилаётган очарчиликни бартараф этиш учун солдатларга одам гўшти ейишни ўргатишган экан.

Майли, инсофни ўзларига берсин. «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» сафар манзиллари эса бири-биридан гўзал, бой. Бу қутлуғ тадбир Ўзбекистоннинг тўлишган фаслига тўғри келганини қаранг. Бозорлар мева-чевалар билан лиқ тўла. Атрофни анвойи ҳидлар қоплаган. Хонадонлардан қут-барака уфуради. Умид қиламанки, йўлимиз қаерга тушмасин, иссиқ дийдор устидан чиқамиз. Дала бошида қадрдон деҳқон яримта табассум билан қарши оларкан, «Ҳа, Амир Темур бобомизни йўқлабсизлар-да», дея ўз хайрихоҳлигини билдиради. У «Тузуклар» ёки «Темурнома»ни ўқиган чиқади ва бамайлихотир суҳбатлашишга ҳафсаласи бор. Тикув дастгоҳи ёнидаги ҳамшаҳар синглим бир зум ишдан тўхтамай бизни тинглар экан, аёллар энг муносиб шарафланган кунларни қўмсагандек ёки Навоийнинг гўзал байтларини қалбида хиргойи қилаётгандек туюлади.

Яна олдинда янги манзиллар. Кулоқларим остида қачонлардир эшитганларим жаранглайди: «Тоғтор қишлоқлик Темур бобода «Темурнома»нинг бошқа нусхаси бор эмиш». «Кийик дарада Рустам билан Нусрат қўй боқиб юриб, бир сандиқ китоб кўрган», «Ғорда Улуғбекнинг кутубхонаси яширилган»...

Булар сирли олам сари етаклайди, кўнгилда янги орзуларни палак ёздиради.

... Шу кунларда кадрдон юртнинг қайсидир гўшаларида буюк бобомизнинг ғолиб «урҳо»си аксадолари кезиб юрибди.

«Туркистон», 1991 йил 6 август.

\* \* \*

... Баъзан барча истакларни енгиб, кўнгил рост гапларни сўзлашни майл қилиб қолади (*масалан, «Мен – аблахман, чунки хотинимга ёлғон гапирдим» қабилда*). Бу сафар ҳам рост сўзлаш, ҳам рост сўз излаш истаги устун келди.

«Ўзбек совет энциклопедицияси»нинг Темур (*Амир Темур, Темурланг*)га бағишланган мақоласи (*11-жилд, 39–40 бет*)да энг кўп ишлатилган сўзлар «босиб олди», «хароб қилди», «вайронага айлантирди», «талади», 205 сатрли ахборотни ўқиб, шундай тасаввур оласиз: гўё XIV асрда Мовароуннахрда бир офат пайдо бўлган-у, чигирткадек қаерга қадам қўйса, изидан қип-қизил сахро қолаверган. Сўнгги жумлалар: «... бу давлат Темур ўлиmidан кейин кўп ўтмай, 15-асрдаёқ парчаланиб кетди» эса кишини алдайди: наҳот гўзал Самарқанд – абас, наҳот Мирзо Бобур бегона ёки Ҳиндистонда тузилган буюк империя, унинг энг сўнгги ҳукмдори Баҳодиршоҳ II нинг 1862 йилда вафот этгани (*Темур бобомиз таваллуди – 1336 йил*) – ёлгон!

Бир дақиқа орқага қайтиш имкони бўлмаганидек, 650 йил ортга чекиниш ҳам мумкин эмас. Фақат рост сўзлар ўша кунларнинг ҳақиқий манзарасини гавдалантиради.

Наполеон – фаранглар учун муқаддас, олмон ҳатто Гитлерни ташлаб қўйгани йўқ. Шахс (*гомо-сипиенис*) камоли ва заволини ўлчаш учун мезонлар керак

бўлса, ўшандай эталонлар қаторида юртдошимиз Темурбек ҳам бор! «Жангда сен рақибни ўлдирмасанг, рақиб сени ўлдиради» сингари ақида ҳукмрон даврнинг бирор фарзанди, қолаверса, лашкарбошиси замон зайлидан четда бўла олмасди. Ҳозирча тарих саҳифаларида қотган қон учун хун талаб қилмай, қилич тутган қўлнинг эгаси кимлигини атрофлича танийлик...

Ана шундай безовта туйғулар бизни уюштирди. Афсуски, имкониятимиз жуда чекланган. Биз нари борса суратдаги одамни кўрсатиб, халқдан «Бу зотни танийсизларми?» деб сўрашимиз, бош чайқаб, «Йўқ», деса, «Бу – Амир Темур бўлади, ана шу жойларда умргузаронлик қилган», деб айтишимиз мумкин.

### ҲАҚИҚАТ – КЕСКИР ҚИЛИЧ

... Жамоани уюштириш қийин бўлмади. Биз, шўро фуқаролари, ҳамма нарсани сўм билан ўлчаш энг ўнғай эканини яхши биладиганлар, мардлар синовига 200 сўм шарт қўйдик. Буни рўзномада эълон қилишдан олдин чуқур ўйлаб олдик: мабодо, пул ёғилиб кетсачи? Кўпчиликни олиб кетиб бўлмайди-ку! Унда иккинчи шарт қўямиз – ким араб тилини билса – боради. Бироқ жонажон Ўзбекистонда чўнтагида 200 сўм жамғармаси (*ва, албатта, вақти, хоҳиши*) бор 13 та азамат топилди. Косонлик Ч. Мирзаев пул юборди-ю, ўзи бормади. Андижонлик бир ўртоқ хатлар ёзиб, анча овора бўлди, дастлабки йиғилишда қатнашиб (*мен у кишининг иссиқ дийдорини кўра олмадим*), 5 минг сўм пул ва юк машинаси ваъда қилибдилар. Кейин хат-хабар бўлмай кетди – ишқилиб хонадонларида тинчлик бўлсин. Сафарга «Турон» ижодий уюшмаси 3 вакил билан қатнашадиган бўлди. Касбларига кўра жамоада 4 нафар журналист, шунча илмий хо-

дим, 2 нафар муҳандис тўпланди. Рассом ва мактаб ўқувчиси ҳам бор. Байроқдор – Малик Муродов, у кишининг унвонлари (**филология фанлари доктори, профессор**) учрашувларда жуда асқотишини биламиз.

Бировдан гина қилиб бўлмайди. Ватан, миллат деб қон қусиб юрганлар сон минг. Афсуски, улар овоз бермади, балки бундан ҳам муҳим ишлар билан банддирлар ёки бу ҳаракатнинг уларга миллат равнақи, мустақиллигига дахли йўқдир. Тўғриси, соя-салқинларда ваъзхонлик қилиш билан елкада қоп орқалаб тоққа кўтарилиш бир хил нарса эмас.

Асосийси – жаҳонгир шахсига муносабат атрофлича аниқлангани йўқ. Юз йиллар давомида таркиб топган фикр йўналишини бирданига янги ўзанга солиб юбориш осон эмас. Бу нарса меросхўр халқнинг маънавий савиясига ҳам боғлиқ. Ер юзининг қайсидир шаҳарларида, олайлик, сақични кашф қилган кишига ёки ақлли отларга, итларга қўйилган ёдгорликларга дуч келиш мумкин. Мазкур заминда қандай миллат ва халқ яшашидан қатъи назар, буюк Соҳибқиронга беписандлик билан муносабатда бўлинаётган экан, демак, бундай жойда муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Бутун одамзот тарихида яратилган маънавий меросни, асосан, инкор этувчи, унга зид йўналишни тарғиб қилувчи тарбия ўз тасарруфидаги ҳудудни маънавий мурдаларга тўлдириб ташлади. Коммунистик муносабат танқид қилади, рад этади, лекин мукамал намунани тавсия эта олмайди.

\* \* \*

Таг-замини моддийликка асосланган мафкура (**материализм**) руҳонийликни ўзининг бош душмани деб биларди, замонавий шахснинг қалби (**руҳияти**)ни эгаллаш билан ундан давр фуқароси –

граждан тарбиялашга эмас, балки маълум қолип билан жиҳозланган станокларда худди машина ясаган каби «коммунистик идеология» асосида «янги инсонни камолга етказиш»га интилиб келинди. Оқибатда, ўй-хаёли бошқа – қиладиган иши бошқа хилқат (*махлуқ*)лар пайдо бўлди. Улар оғизда социализмни улуғлар, уни тинмай мақтарди, амалда тескари иш қилиб, тузумнинг обрўсини бир пул қиларди.

Ана шундай муҳитда бутун борлиғи – хуррият-парварлиги, одиллиги ва шафқатсизлиги (*золимлиги эмас*) ҳақиқат бўлган (*яъни, тил ва дил бирлигини таъминлаган*) зотнинг – жаҳонгир Темурнинг қораланиши қонуний ҳолдир, чунки буюк бобомиз асослаган ва устувор қилган тузум билан биз яшаб келган жамият тартиботлари ўртасида мислсиз ва муросасиз зиддиятлар бор. Бундай зиддиятларни умуман ва алоҳида-алоҳида соҳалар бўйича илғаб олиш қийин эмас.

Авалло, динга муносабатда бу икки тараф ўт билан сув эди. Бу борадаги ашаддий ихтилоф чуқур изоҳларсиз ҳам тушунарли. «Темур тузуклари»да жаҳонгир ўзининг дунёга келиши Оллоҳнинг марҳамати эканини ва ислом динининг навбатдаги (*саккизинчи*) равнақ берувчиси сифатида вакил қилинганини эътироф этади. Унинг фаолияти Оллоҳга, унинг ғоялари йўлида хизмат қилишнинг беназир намунасидир. Ўзи забт этган юртларга маҳаллий ҳукмдорлар тайинлагани ҳолда у жойларни ишончли кишилари – шайхулисломлар кўмагида назорат қилди. Масжид, мадраса, хонақолар қуриш учун алоҳида топшириқлар берди, шаҳарларга олимларни юбориб, мусулмонларга тафсир, ҳадис, фикҳ илмларидан дарс айттирди... Шўро даврида эса бу борадаги муносабатнинг байроғига «Дин халқ учун афюндир» деб ёзилган эди ва тузум умрининг биринчи кунидан

сўнги нафасигача бу улуғ маънавий меросга қарши курашиб келди.

Нақл қиладиларки, Соҳибқироннинг узугига «Рости-русти» (*мазмуни: «Куч – адолатдадир»*) деб ёзилган экан. Бу шиор бобомизнинг ҳаёт мазмунига айлангани ҳақида тарихда мисоллар кўп. «Тузук»ларда «Сипоҳ билан раият ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш учун ҳар эл ва ҳар шаҳарга ўз олдига айрича адолат амири қўйдим», деб ёзадилар. «Бир соатлик адолат юз соатлик тоат-ибодатдан афзал» деган нақл ўша пайтларда пайдо бўлган эрса ажаб эмас. Машҳур уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик юришлардан кейин пойтахт Самарқандга қайтгач, машварат ўтказганлар ва ноҳақлик, зулм қилган амалдорларни, бекларни бутун шаҳар аҳли кўзи олдида жазолаганлар. Бизнинг кунларда адолат энг тансиқ сўзга айланди. Бу дунёда ҳақиқат борлигига одамларда ишонч йўқолди, уни кимдан сўрашни, кимдан талаб қилишни биров билмайди. Амалдорлар давлат номидан чайқовчилик қилишга берилиб кетдилар ва амалда ноҳақликнинг ҳимоячиларига айланиб қолдилар. Ҳеч бир замонда, ҳеч бир тузумда бунча хўрлик, бунча бедодлик бўлмаган. Оқибатда, йиллар оша жамиятнинг энг илғор кишилари – гуллари аёвсиз қириб турилди ёки улар кучли руҳий азоб туфайли ўз-ўзларини хароб қилдилар. Раҳбарлик иқтидорсиз, лаёқатсиз одамлар қўлига ўтиб қолди. Албатта, адолатсизлик чирмовукдек танини ўраб олган жамиятда Амир Темур ғояларининг тарқалишига йўл йўқ эди, унинг номидан қўрқишарди. Шу туфайли тақиқлашди, бадном қилишди.

Соҳибқиронни юзма-юз кўриш бахтига муяссар бўлган испан сайёҳи Руи Клавихонинг гувоҳлик беришича, Амир Темур бўш вақтларида олимлар билан мунозара қилишни яхши кўраркан. Сайёҳ

қаяжонланиб ёзади: «Ўзи билан тортишган ва тортишувда ютиб чиққан олимни мукофотлаган кишини холим деб бўладими?» Бу факт ўз ўрнида қимматли бўлса-да, унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, илм аҳли у замонда жуда юксак қадр топган. Бунга кейинги авлоднинг ҳам подшо, ҳам жаҳоншумул олим бўлиб етишгани гувоҳлик беради (*Улуғбек – буюк олим ва қирқ йил мамлакатни бошқарган подшо*). Самарқандда тасарруф қилинган мамлакатлардаги жамаи етук зиёлилар, ҳунармандлар тўпланди, уларга ҳомийлик ва меҳрибонлик қилинди. Ҳатто шаҳар дарвозасидаги махсус дидбонлар келувчилар билан иши бўлмас, кетувчиларни синчиклаб текширарди, негаки, бирор сабаб бўлиб машҳур олим, шоир ёки косиб кетиб қолмаслиги тайинланганди.

... Шўро даврида «подшо» (*ҳатто энг кичик раҳбар*) билан баҳслашишнинг ўзи оғир кўргулик эди. Кейин эса илм аҳлига паст назар билан қараларди. (*Лениннинг Горькийга хатларидан бирини эсланг: 1919 йил 15 сентябрда йўқсиллар доҳийси йўқсиллар ёзувчисига мурожаат этиб, «чиркин зиёлиларнинг ҳиқиллашларига эътибор бермай ёзиш»га чақиради. (Тўла асарлар тўплами, 51-том, 54-бет) А. И. Сольженициннинг маълумотига қараганда, доҳий халқ маорифи комиссари Луначарскийнинг зиёлиларни «халқнинг мияси» иборасига зид ўлароқ ахлат (нажас) сўзларини ишлатган.*)

Уларнинг меҳнати ва шаъни таҳқирланарди (*бош котиб, олайлик, микробиологиянинг келажagini белгилаб берарди*). Фақат бир хил – маъқуллаш ва мақташ йўриғида фикрлашга мажбур қилинарди.

Темур ва Темурийлар даврида турмушнинг барча соҳаларида ҳалоллик ва поклик тантана қилди. Айниқса, инсоний муносабатлар олий такомилга эришди. Хусусан, оила муқаддаслиги таъминланди.



Эркак-аёл муносабатларида ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар қаттиқ қораланди. Бировнинг никоҳидан аёлга кўз олайтиргани учун ўз фарзандини энг оғир жазога мустаҳиқ қилишдан тортинмасдилар. Шўро даврида бундай кадриятлар ҳам оёқ ости қилинди, оила ўз мазмунини йўқота бошлади. Жорий қилинган баъзи тартиблар амалда бузуқликни рағбатлантирди. Чунончи, никоҳсиз бола кўрган аёлга ёлғиз она сифатида имтиёзлар берилар, нафақа тўланарди.

Рад этиб бўлмас фактларнинг гувоҳлик беришича, Темур аслида урушларга қарши бўлган. Бу ҳақда «Тузук» ларда давлат ишларига хос юмушларнинг ўндан тўққиз улушини маслаҳат (*тинч йўл*) билан ҳал қилганини, фақат чорасиз қолганда қилич тутганини эътироф этади. Узоқ йиллик ҳарбий юришларига асосан, ё ташқи ёвнинг ҳужуми, ё тайинланган амалдорларнинг ғайр ҳаракатлари туртки берган (*албатта, жаҳонни забт этиш истагининг бўйсунмас кучини рад этиб бўлмайди*). Бу ҳолни Тўхтамиш ёки Боязиднинг хатти-ҳаракатига муносабатида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, саройдаги қўшин билан ёрдам беришни ўтиниб сўраганларидан сўнг йўлга чиққан. Биз эса оғизда тинчлик таянчи, энг тинчликсевар юртда яшадик, бироқ қуролланишда шунчалар илгарилаб кетилган эканки, оммавий қирғин воситалари ерга сиғмай, кўкни ҳам қоплаб олибди. Эндиликда уларни асраш ва йўқотишга болалар богчаларига сарфланганидан кўп маблағ исроф қилинмоқда. Бу харажатлар бугун тўйиб нон ея олмаётган, усти кийимга ёлчимаётган оддий одамларнинг оғзидан ризқини узиб қолиш ҳисобига бўлаяпти.

Оддий фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурматлаш ва ҳимоя қилиш Темур ва Темурийлар замонида доимий эътиборда бўлганини қуйидаги икки воқеа аниқ кўрсатиб турибди.

Ривоятда айтишларича, Темур навкарлари билан Қаршида турарди. Бир кун эрталаб Соҳибқирон отни суғориб кетаётган аёлга кўзи тушади-да, ажабланиди. Эрини топтириб, сўроқ қилганда, уйида навкарлар борлигини, уларнинг олдига хотинини ташлаб қўйолмаслигини баён этади. Гап нимадалигини тушунган Соҳибқирон шундан кейин одамларнинг уйига тушмайдиган, очиқ жойда ўтов тикиб яшайдиган бўлади. Унинг йўриқларида камбағалнинг сигири ёки эчкисини ўғирлаган навкарга ўлим жазоси берилиши ёзиб қўйилган...

Ҳазрат Алишер Навоийнинг нақл қилишларича (*«Ҳайрат ул-аброр», 27-боб*), шоҳ Ғозий (*Султон Хусайн Мансур Бойқаро*) айланиб юрганда бир деваона кампир ўлдирилган ёлғиз ўғлининг хунини талаб қилади, шариат қозиси олдида шоҳнинг адолати ва инсофини гувоҳ сифатида келтиради. Ўз адолати ва инсофи қадрини ўлимдан юқори кўрган шоҳ кампирнинг қўлига қиличини тутқазиб, бўйнига ип боғлайди-да, бошини кундага қўяди...

«Бобурнома»да таъкидланадиги, Султон Хусайннинг ўғилларидан бири эҳтиётсизлик туфайли бир деҳқонни ўлдириб қўяди. Хун талаб қилиб келишганда, пул, мол эмас, ўғлининг ўзини бериб юборади.

Энди сиз оддий меҳнаткашнинг енгил машина сотиб олишини ёки фарзандининг олий ўқув юртига киришини тасаввур қилиб кўринг. 10–15 йиллаб навбатда туриб, «тўртта ғилдирак»ка эга бўла олмаётганлар, бу ҳақдаги орзулари саробга айланганлар сон минг. Ўқишга пул билан кириш эса оддий ҳол бўлиб қолдики, аслида, у алкоголизм ёки гиёҳвандликка ўхшаган фожиа. Бу иллатлар жамиятни қанча бузса, пул билан диплом олган мутахассис шунча зиён етказди. Бу ҳолат ҳали ҳеч кимни без-

овта қилаётгани йўқ, аксинча, янги-янги қирралар билан бойимоқда.

Амир Темур она тупроқ шаънини юксақларга кўтарди, жаҳон миқёсига олиб чиқди. Бу – рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Яна бир ҳақиқат шуки, тараққиёт ҳар доим кучли марказлар атрофида айланади. Темур пойтахтини дунёнинг кўплаб мамлакатлари вакиллари тавоф қилдилар, ўзаро алоқалар ўрнатдилар. Жорий қилинган расмий тартибга асосан у эгаллаган юртлар қарамлик рамзи сифатида совға-салом (**бож**) юборишдан бўйин товламасдилар. Жумладан, Москва ҳам узоқ йиллар бу хизматини адо этиб турди. Йиллар ўтиб, дарёлар тескари оқди, энди поездлар Ўзбекистондан Москвага қатнайдиган бўлиб қолди. Юртимиз текин ва арзон хом ашё базасига айланди. Халқини, миллатини сотиб, шу ҳисобда яшаб юрганлар-чи?! Албатта, уларга рост гап ёқмайди, тарихимизга ёлғон чаплашдан уялмайдилар, жумладан, Темур ва Темурийлар даврини ўз дидларига (**аниқроғи, ўз нафсларига**) мослаб талқин қиладилар. Дунё эса рост гап билан тирик.

Мулоҳазаларнинг табиий оқимидан бобомизни қоралайдиган бирор важ топа олмайман. Аслида, бунга маънавий ҳаққим борми? Мен – кимман? «Тухумга баҳо бериш учун товуқ бўлиш шарт эмас» – тўғри. Бироқ барча ҳаёт ҳикмати тухум пўчоғига сиғавермайди ва барча ҳикматларни товуқ туғмайди. Баъзан алоҳида шахсинг, балки жами одамзоднинг асло шак келтирмай қабул қиладиган муқаддас қадриятлари бўлиши керак экан. Масалан, фарзанд учун ота, шогирд учун устози комил. Шунга кўра, буюк Соҳибқирон Амир Темурдан нуқсон излаб қаерга борамиз? Таёқнинг икки учи борлиги, тараққиёт бирибирига зид икки кучнинг кураши асосига қурилгани рост бўлса, барча табақа ва тушунчаларни ўзида

қамраб оладиган, ҳаммани барабар рози қиладиган ютнинг бўлиши ақлдан ташқари ҳодиса. Ёмонларни яхшилар ёқтирмаганидек, адолатли шоҳ зулм тарафдорларига ёқмаслиги табиий. Тўғрилиқни ҳимоя қилиш учун, албатта, ўғрилиққа қарши курашиш керак, кураш эса қурбонсиз бўлмайди. Амир Темурнинг юришларида қон тўкилгани, ҳатто *(сиёсатда учрай-диган ҳодиса)* ноҳақ қурбонлар бўлганига шубҳа йўқ.

Манзарани аниқроқ тасаввур қилиш учун ўша замон ибораларини ҳам ўзича тушуниш керак. Жумладан, ишончли маълумотларга қараганда *(масалан, «Бобурнома»да)* «калладан минора яшаш» дегани қаттиқ ғазабланиш белгиси сифатида, пўписа учун қатл қилинган тўрт кишининг бошини тўрт ходага қадаб, минорадек қилиб қўйиш экан. «Тириклай ерга кўмиш ҳоллари» ҳақида эса манбаларда тайинли гап йўқ, у ғирт туҳмат бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам у кунлар учун жавобгарлик талаб қилиш бефойда, ҳақни ҳам, ноҳақни ҳам Оллоҳ ўз ихтиёрига олган. Бироқ бахт-саодат ҳақида тинимсиз қўшиқлар куйланган мамлакатда миллионлаб одамларнинг кафансиз кўмилганига ҳам тарих гувоҳ бўлди-ку!

*(Гарчи шу тузум «нашъу намо»ларидан баҳраманд бўлиб улғайган кишининг у ҳақда аччиқ таъналар айтиши эриш туюлса-да, ноўрин тўкилган кўз ёшлари, изтироблари, алдовлар, ҳазон бўлган умр лаҳзаларининг аччиқ азоби шуни талаб қилади. Бу тузумнинг кўргилиги шу эканки, эсини таниган ҳар бир фуқаро уни нафратлайди, негаки, у ҳақда ҳақиқатни билишга қанча интилсангиз, қабиҳлиги шунча очилиб қолаверади. «Ёлғоннинг умри қисқа» деб шуни айтсалар керак-да).*

## ТАЪБИР

Сафар ўтаётган кунлар мамлакат ҳаётида эди қоладиган уч муҳим воқеа рўй берди: Тошкентда беш республика (*Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон*) раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви (*12–14 август*), Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга сафари (*17–19 август*) ва Москвада давлат тўнтарилишига уриниш (*18–21 август*).

Булар ҳаёт оқимини шунчалик тезлаштириб юбордики, етмиш йилдан буён исканжага олиб келган баъзи қолиплардан бирданига воз кечиш мумкин бўлди. Жумладан, 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил, деб эълон қилинди.

## ЗАНГИОТАДА

Экспедицияни тайёрлаш жараёнидаги хур орзуларимиздан бири – дастлабки оқ фотиҳани Тошкентнинг энг йирик масжиди жомеъсида минтақанинг энг йирик дин пешвосидан олиш эди – рухсат беришмади. Тортишиб ўтириш ўринсиз, мақсад хавф остида қолиши мумкин. Биринчи зиёратгоҳ сифатида эса Зангиота ёдгорлиги танланди. Зангиота – Ойхўжа Тошхўжа ўғли машҳур Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг жияни – қадимда шу атроф-теваракни сўраб турган, бутун туркий-ислом дунёсида донғи кетган йирик диний-мазҳабий шахс ҳисобланган. Ёдгорликнинг тикланиши билан боғлиқ шундай ривоят бор.

Маълумки, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг мавқеи Туронзаминда бекиёс бўлган. «Мадинада – Муҳаммад, Туркистонда – Хўжа Аҳмад» деган муқоясанинг ўзиёқ буни кўрсатиб турибди. Соҳибқирон Амир Темур Яс-

савий таълимотини чуқур ҳурмат қилади ва ҳазратни Ўзининг маънавий пирларидан бири ҳисоблайди. Ихлос билан Яссавий мақбарасини қуришга киришади. Лекин ҳаракатлар зое кетаверади – пойдевор қулаб тушаверади (**чўкаверади**). Бу синоатга машойихлар таъбир қиладиларки, Тошкент ва Қовунчи орасида дафн этилган улуғ зот – Зангиота Хўжа Аҳмад авлодларидан, унинг қабри қаровсиз ётибди, шу сабаб руҳи безовтадир. Магарки, ишни у ёқдан бошламоқ жоиздир. Шундай қилиб, Зангиота қабрига мақбара тиклаш бошланади, шундан кейин Туркистондаги ишлар ҳам юришиб кетади.

... Ниҳоят, буюк бобомизни эслатувчи биринчи маскан. Кўча юзидаги ғиштин дарвоза билан масжид ораси юз метрлар бор. Йўлнинг икки тарафи майсазор, гулзор. Зиёратгоҳ ҳовлисига кичикроқ дарвозадан кириб бориларкан. Чап тарафдаги масжид яқинда таъмирдан чиқарилибди, рангларига ғубор кўнмаган – ўткир, тоза. Тўрдаги хонақоҳ эса ярим вайрона ҳолида.

Куръон тиловатининг сеҳрли садолари янграйди. Ҳамма қабр атрофида чўкка тушган, кўзлар ерга қадалган, бошлар эгик. Эҳтимол, бошланган сафарнинг бехатар ўтиши ҳақида илтижо, улуғлар руҳини мададга ундаш чақириви қалблардан кўчаётгандир.

Ҳовлида имом-хатиб Қосимхон ҳожи билан суҳбатлашдик. Ул зот шу йил ҳаж сафарини адо этиб келибдилар. Мақсадимизни эшитиб, бағоят хурсанд бўлдилар, дини исломияга, миллий қадриятларга эътиборнинг ошгани фақат наф келтиришини таъкидладилар. Астойдил дуо қилиб, ҳар биримизга биттадан оқ белбоғ ҳадя этдилар. Бу латиф одат – оқлик инъом этилгани – кўнглимизни кўтариб юборди.

Чиқишда кўзимиз гулзор ўртасида кўнқайиб турган «монумент»га тушди. Ғалаба шарафига экан. На-

риги хона музейми, расмхонами эмиш. Муқаддас қадамжо ҳовлисига буларни тикиштиришни қандай тушуниш керак? Улкан иморатнинг остига захри қотил қўйилса, секин емириб қулатган. Бу «ижод» муаллифлари ҳам шуни назарда тутдимиканлар?! Афсуски, қазиган чоҳларига ўзлари қулашди (**шу ҳақиқат рост бўлсин**).

Биринчи юзлашувдан кейиноқ вазмин ва ёруғ кайфият оралаб қолди. Муқаддас жойларнинг чинакам сеҳри бор. Қадам қўйишинг билан руҳда ажиб енгиллик, жонда улуғворлик пайдо бўлади. Майин ва хун ҳавоси бор бу масканларнинг. Елкангдан кўринмас кучнинг салобати босиб туради, илоҳий сиймо олдида имтиҳон топшираётгандек сезасан ўзингни.

Бу гўшада Амир Темур номи кўп бор тилга тушиди: гоҳ маълум ривоят сабаб, гоҳ бобомизнинг фақат тирикларни эмас, дунёдан ўтганларни улуғлаган ҳиммати сабаб ёки дарвозадаги «XV аср ёдгорлиги» деган қуруқ ёзувни ўқиб, жаҳонгирни қайта-қайта эсладик.

Буюк Темурнинг инсоният олдидаги мислсиз хизмати ҳақида сўз кетганда уни йўқдан бор қилувчи, сеҳргар сифатида эмас, аниқ тарихий сиймо – ўзигача таркиб топган илғор анъаналарни давом эттирган, ривожлантирган, инсоният манфаатларига хизмат қилдирган ислоҳотчи деб қараш керак бўлади. Зафарли XIV асргача ҳам Мовароуннаҳрда юксак маданият излари бор эди, Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши экилган эзгулик уруғларининг унишини тезлаштирди, тараққиётга янгича омил бағишлади, узоқ ривожланишни таъминлади. Амир Темурнинг «дунёга келиши» ҳам Турон учун бахтли ташриф эди. Даврнинг буюк ҳикмати шундаки, тафаккурнинг барча кўринишларида янгиланиш бошланди, илм-фан, адабиёт-санъат, меъморчиликда минг йилларнинг

тимоилини белгилаб берувчи заминга асос солинди, қолаверса, Шарқ Уйғониши (*Ренессанс*) тезлашди. Шу туфайли иморатларда, муסיқада ва бошқа жанрларда уйғунлик бор, бири иккинчисининг тадрижию давомига ўхшайди. Темур ва Темурийлар жаҳон маданияти хазинасида ўз дастхатларини ўлмас қилиб қолдирганлар.

## ТҮТИЁ МАНЗИЛЛАР

Гарчи Зангиота билан Оқсарой орасида юзлаб қақирим йўл бўлса-да, умумий рух уфуриб турибди.

Ораликдаги масофани қарийб тўққиз соатда босиб ўтдик. Йўлда ҳар хил ҳангомалар бўлди, турли хотиралар эсланди. Сирдарёда косаси 4 сўмлик лағмондан текин ҳинд чойи кўпроқ ёққан бўлса, Омонқўтон қирларида Маматкарим полвон, Намоз ботир излари кўмилиб ётганидан хижолат бўлдик. Чироқчи худудида ҳар қадамда учрайдиган европача номлар тишга теккан бўлса, Шаҳрисабзда йўлни адаштириб анча айланишга тўғри келди.

Қадимги Кешда Амир Темур руҳи ёнма-ён яшаётгандек. Тўйларда энг эзгу тилак сифатида ёш гўдакни бобосига менгзайдилар, фарзандларини ардоқлаб, унинг номи билан атайдилар. Бу ерда ХХ асрга қўйилган мангу ҳайкал – Оқсарой харобалари қад ростлаб турибди – айниган ва ғорат этилган аср, жароҳатли обида. Ҳеч қачон мавҳум тушунчаларни мавжуд жисмлар ёрдамида бунчалик аниқ ифодалаб бўлмаса керак: инсон заковатининг бетимсол ижоди – нодир санъат асари ва унга муносабат. Давр мазмуни ҳақида истаганча мулоҳаза қилиш мумкин.

...Шаҳар остонасида мотоциклининг ҳаво сигналини янгротиб, махсус фахрий кузатувчи кутиб олди, гўё тантанали қисм бошланди. Хавода саланглаб



турган мис карнайнинг ҳайқириғи, унга жўр бўлган сурнайнинг эзгин навоси нақ Бағдод қўйнига ета-клаб кирди. Йўқ, бу «Минг бир кеча» эртаклари эмас, қадрдон юрт манзараси. Мана, «соқолларини силкилатиб» созни гирён қилаётган менинг қариндошим – Саъдулла дорбоз, ёнида – Жўра масхарабоз.

Одамлар тўплана бошлашди, гап нимадалигини билишгач, юракдан алқаб, дуо қилишди, миннатдорчилик билдиришди: «Хуш келибсизлар Соҳибқирон юртига!»

Темур ўз волидаи муҳтарамаси шарафига қурдирган, такрорланмас ва тенгсиз олий иморат бўлган Оқсаройнинг бугунги ҳолига боқиш – азоб. Уни тўпдан отишган, бузиб, ғиштини олиш учун ҳашарлар уюштирилган. Узунлиги қарийб 250 метр бўлган маҳобатли қасрдан кириш портали – уйнинг дарчасигина мунғайиб турибди. Уни тиклашга ҳеч ким, ҳатто адолатли ЮНЕСКО ҳам қизиқмаяпти (**келишилган 2 миллион долларни ўтказмабди**).

Шаҳрисабз, умуман, унутилган гўша ҳолида экан – бу ҳақда шаҳар ҳокими ҳузуридаги суҳбатда куйиниб гапиришди. Яқинда ўтадиган Мирзо Улуғбек юбилеи тадбирларида ҳеч нарса кўзда тутилмаган. «Буюк Ипак йўли» харитасида йўқ, тарихи ҳақидаги китоб нашр этилмай турибди, юбилеи тилға ҳам олинмайди. (**Бир мулоҳазани қистириб ўтмоқчиман: экспедиция давомида гувоҳ бўлдикки, Амир Темурга тааллуқли барча нарсалар атайлаб «унутилган», хароба ҳолига келтирилган. Бу, балки, тарихимиздаги нурли саҳифаларни йўқотмоқчи бўлганларнинг ишидир**). Холбуки, Шаҳрисабз Соҳибқироннинг илк пойтахти, бу ерда падари бузруквори – Муҳаммад Тарағай Баҳодир, пири – Шамсиддин Мир Кулол, жувонмарг бўлган ўғли – Жаҳонгир дафн этилган. Улуғбек қурдирган

Дорут-тилавот шу ерда (*гумбази ёдгорликлар сира-сида энг катта*).

Шунингдек, машхур муҳаддис Исмоил Бухорий шу жойда таҳсил олган, Хисрав Дехлавий ва Мирзо Бедилнинг ота шахри, мозаикани биринчи марта VII асрда Кеш усталари қўллашган. Ана шундай бой ўтмишга эга маскан қачон ўз мавқеига муносиб, замонавий шаҳар бўлади? Шу ниятда йўл очилган бир даврда тарих юзидаги ғуборлар кўтарилишини, ҳамма нарса ўз ўрнига қўйилишини умид қилайлик.

Сухбатда айтилганидек, ислом олами қачондир Муҳаммад (*с.а.в.*)дан кейин Амир Темурни тан олади. Илло, шу кунлар узоқ бўлмасин.

Биз ҳар қадамда одамларнинг хайрихоҳлигини, бобомизга нисбатан бардам кайфиятини ҳис этиб турдик. Одатда, баданнинг бирор жойига зарба тушаверса, қотиб, пишиб бораверади. Халқ руҳига яқин, унинг қиёфасини акс эттирувчи қадриятлар темир панжаралар билан қанчалар тўсилмасин, тақиқ нечоғлиқ кучли бўлмасин, дамба қилинган сув тирқиш излаганидек, ўша томонга қизиқиш (*босим*) ошаверар экан. Гарчи ҳадиклар кўтарилмаган, жаҳонгирнинг номи кўпларнинг рангини ўчириб турган бўлса-да, пайдо бўлган тирноқча рўшнолик – бизнинг бобомиз номини йўқлаб, шу тупроққа қадам қўйганимиз катта ғалаба сифатида кутиб олинди.

Одамлар ўз истакларига талпинар эдилар: бу шундай енгилмас куч ва майл эдики, отасини соғинган фарзанд унинг бағрига ана шундай иштиёқ билан интилиши мумкин. Яккабоғ шаҳрида, Хўжаилғорда бу ҳис яна бир неча чандон ортиқроқ намоён бўлди.

## ЯККАБОФ – ҚАДИМ БОФ

Шаҳар оромгоҳида бир маҳалла байрами ўтказилди. Ранг-баранг томошалар ҳаммаси миллий турмуш тарзимиздан олинган, гўё ҳаёт сахнага кўчган. Унинг ижрочилари чоллар, кампирлар, уй бекалари – нопрофессионал кишилар. Қолип (*сюжет*)га солинган ҳаёт лаҳзасини тўлиқ ифодалаш осон эмас, бироқ томоша гаштли бўлаяпти.

Чарх йигираётган кампир хилватда таноб тортганда, балки мургилаб ўтирармиди? Кўпчиликнинг назари унга ғайрат бағишлаган, қоқсуяк қўлларида урчуқ жадал айланади, берилиб куйлаётган қўшиғи тобора баланд ўрлайди. Унинг ҳолати ёнидаги тенгдошида ҳам завқ уйғотди шекилли, паноғини қўлига олди. Қўшиқ ҳам бошқачароқ жаранглай бошлади: «Эшон бувам келсалар, ўйнамоққа завқим бор».

Келин минган от олдида қулочини кенг ёзиб ўйнаб келаётган чолда 20 ёшли йигитнинг вазоҳати бор. Қизил дуррани қия ўраган бобонинг ёши 80 дан ошган, у чапак чалиб, лапарга жўр бўлмоқда, диконглаб чунон рақс этмоқдаки, ҳали замон йиқилиб тушади, дейсиз – қаерда, ярим соатдан буён шу ҳангома.

Майдон шодон қийқирикқа тўлган, халқ ёйилиб байрам қилмоқда. Кўпинча катта-кичик синовлар ҳақида гап кетганда, натижа тилга олинади-ю, руҳий устунлик қайси томонда бўлганлигига эътибор берилмайди. Ҳолбуки, жамоанинг ялпи кайфияти (*жанговарлик ёки тушкунлик*) кўп нарсани ҳал қилади. Буюк Темур қўшинини доим юқори кайфиятда ушлаб турган бўлса ажаб эмас. Мункиллаб қолган чол-кампирни ирғишлатган кучнинг сеҳри бобомизга маълум бўлгандир.

Тўй қилаётган майдонда улуғ жанглардаги «урхор»нинг бир эпкини кезиб юргандек бўлди. Мезбонлар бугун хузурларига «Темур экспедицияси» ташриф буюрганини билишарди. Томоша бошланмасдан олдин ўзаро мулоқот бўлиб ўтди. Ҳар ҳолда биз бу учрашувнинг самимийлигига ишондик.

Муддаомиз – тарих китобларида қайд этилган машҳур Хўжаилғор қишлоғида тунаш, унинг юлдузларига термилиш эди. Бизга раҳнамолик қилган (**«ўраб олган» десам шакколик бўлар**) мутасаддилар «Мана шу ер – Хўжаилғор» деб «Ленинизм» колхозидораси атрофини кўрсатишди. Ишонқирамадик. «Одамлар яшайдиган уйлар кўринмайди. Ҳамма жойга Хўжаилғорни кўчириб келаверса бўладими?» «Бизда дарахтлар жуда қалин, шу туфайли уйлар кўринмайди. Ишонаверинглар. Яқинда мана шу кўчани Амир Темур номига қўйдик». Кўндик. Кўчларни ташладик.

Мўлжаллаган энг катта тадбиримиз – миллий одатларимиздан келиб чиқиб ис чиқармоқчи, бобомиз руҳларига худойи ўтказмоқчи эдик. Тадорикни бошлаб юбордик. Мезбонлар билан бир оз тортишиб олдик – харажат масаласида. Улар «ташвишланманглар» дейишди, биз эса «хазинамиз бор, пул йиққанмиз» деб туриб олдик ва, ниҳоят, қўй олишга 150 сўм (**арзимаган**) улуш қўшадиган бўлдик.

Анъанавий ирим-расмларга амал қилиб, қон чиқардик – қўй сўйдик. Маъракага одам кўп келди, уларни қўлини чайдириб (**сув қуйиб**), сочиқ тутиб кутиб олдик. Асфальт йўлга чодиру кўрпаларимизни ёйиб ташладик. Хўжалик, туман раҳбарлари биз билан бирга оёққа туриб хизмат қилишди.

Охирида олти бора дуоға қўл очилди: Соҳибқирон руҳи, жами ўтганлар арвоҳи, замоннинг тинчлиги, Ўзбекистон камоли, экспедиция муваффақияти,

ёшлар бахти учун домла Малик Муродов ижобат сўрайвердилар, уч имом-хатиб босиб дуо беравердилар. Рухимиз анча енгил тортди, кайфиятимиз кўтарилди, худди янги кийим кийгандек димоғимиз чоғ бўлиб қолди.

Аста-секин ўзгача қиёфага кира бошладик, ҳамма жиддий тортиб қолди.

Бизни мақсадимиз, асосан, мачитларга, қабристонларга бошларди. Маълумки, бу икки гўша халқимизда муқаддас ҳисобланади. Айтиш мумкин, жаҳонгир Амир Темур ҳақидаги хотиралар ана шу муқаддас жойларда яширинган. Мачитларда аҳли мўминнинг суҳбати дини ислом равнақ топган фараҳли кунларга тақалади. Қабристонларда эса маълум ёки номаълум авлиё дафн этилган, ул зотнинг шажараси ҳам Темур ва Темурийлар даврига бориб тақалади – тирикликимиз ўша мунаввар айёмлардан шунчалик қувват олган экан.

Хўжаилғор қабристони ташқи томондан жуда кўримсиз, яъни диққатни тортмайди. Ичкарида эса минглаб қабрлар (*уларнинг эгаларини худо раҳмат қилсин*) қуршовида олис тарихга дахлдор мармар қабртошлар, ёзувлар, сопол парчалари сочилиб ётибди.

Бу ерда катта дахма бор, у хўжа Абдурахмон саҳоба (*хўжа Абдурахмон Авф, хўжа Илғор*)га тааллуқли. Бу зотни ислом динини тарғиб қилиб келган араб қўшинлари илғор (*авангард*) қисми лашкарбошиларидан, дейишди. (*Экспедиция давомида Хўжаиспорос, Хўжаилмкони қишлоқларида ҳам худди шундай ўлчамли, қурилиши ўхшаш дахмалар борлигини кўрдик*).

Яқин атрофда 4 қишлоқ, 5 тепалик, 7 чашма бор экан. Чашмаларнинг бири (*Чиллабулоқ*) бўйида ҳайкалга жой белгиланибди. Тепаликлар эса кўзга

ташланмайди – улар текислаб юборилган. Шунда қурол-аслаҳали одамларнинг жасадлари чиққан экан. Катта жомеъ масжиди ҳам бузиб ташланган, унинг ўрни теп-текис бўлиб турибди. Шу ерда ҳамон жума намози ўқилар экан. Қабристон четидаги ариқда эса... темир тобутлар қалашиб ётибди. Афғонистондан аскар йигитлар жасади келган бу совуқ қутиларни кўрганда, беихтиёр юрак увишади.

Дархон қишлоғига йўл олдик. У ерда маҳаллий ўқитувчи Жуман Тўхлиев учта ривоят айтиб берди.

1. Темур Шахрисабз тахтини эгаллай олмай сарсон бўлиб юрган пайтларда бир кун шу қишлоқлик кекса кампирниқига тушади. Кампир – Дархон момо меҳмондорчиликка шавла пиширади. Очиқиб ўтирган Темур овқатнинг ўртасидан олиб ейди ва оғзи куяди. Кузатиб турган момо: «Темурга ўхшамада!» дейди. Ҳайрон бўлиб, гапнинг маъносини сўраганда «Темур ҳам сен каби шошиб, Шахрисабзга ҳужум қилганди, енгилиб оғзи куйди. У олдин атрофдаги қишлоқларни эгаллаши керак эди», дейди. Гап нимадалигини тушунган Темур шундай йўл тутади ва зафар қозонади. Дархон момога шу катта ариқдан пастки улуснинг бож-хирожини бағишлайди.

2. Ишлари юришмай турган пайтда Темурнинг эсига Дархон момо тушади ва навкарларини маслаҳатга юборади. Момо ҳеч нарса демай, боғидаги кекса дарахтларни кеса бошлайди. Темур ҳам қари лашкарбошилари ўрнига ёшларни тайинлаб, мақсадга эришади.

3. Ҳиндистонни забт этиб қайтаётган Темур шу ерга етганда Дархон момони эслайди. Уни топтириб келиб, яна бир марта шавла пишириб беришини сўрайди. «Шавлангиз ширин бўлмабди», дейди бу сафар жаҳонгир татиб кўриб. «Ўшанда сен оч эдинг,

оч қолиб ейилган ҳар қандай овқат ширин туюлади», деб жавоб беради момо.

Бу далил – буюк шахснинг устозларидан бири аёл киши экани – ноёб ҳодиса, азалдан ҳам юртимиз оқила аёллар ватани бўлганининг исботи. Дархон қишлоғи «Шарқ юлдузи» колхози ҳудудида, шу номли ариқ ҳам бор.

## МУЛОҲАЗА

Сафаримиз кутилгандек ўтмоқда. Фирқа ходими Юсупов бошлиқ ҳомийларимиз ташвишларимизни баҳам кўриб, жуда одамгарчилик қилишди. Райижроқўм муовини Хуррам Туймаев, ҳатто биз билан тоққа боришга ҳам тайёр бўлиб турибди. Бизни уюштирган умумий кайфият – авлодлар руҳи олдидаги қарздорликдан ташқари бобомиз Темур туфайли қариндош бўлиб қолгандек эдик.

Йўл-йўлакай учрайдиган муаммоларни ҳал қилишда уюшқоқлик, чўчимай масъулиятни зиммага олиш, қозоннинг оғир томонини кўтаришга уриниш каби ҳолатлар ўзбекнинг тўйидаги оғайнилар, қўшниларнинг жипслигини эслатарди. Хуллас, ҳамма ўзини Соҳибқироннинг узоқ аждоди деб билар, бу машваратга ҳалол иштирок этишни хоҳларди.

Баъзан дил тубида чўкиб ётган худбинлик ҳислари ҳам жазавага келиб қолар, ўзаро буюк аждодимизни талашиб, унга ўзини бевосита «пайвандлаб қўйиш»га уриниш ҳоллари ҳам учрарди. Хусусан, Темурнинг киндик қони томган тупроқ, деганда Ибн Арабшоҳнинг асарида Хўжаилғор қишлоғи кўрсатилса-да, бу маълумот нисбий, у аслида Кешнинг Шаҳрисабз маҳалласида; Октябрь посёлкасидаги Тароғли қишлоғида; Чироқчи-Қарши оралиғида; Муборақда – Занжирли қудуқда таваллуд топган, де-

ган даъволар айтилди, булар атрофида мунозаралар бўлди.

Яккабоғда эса бир зиёлинамо киши ҳамманинг диққатини ўзига тортиб, манбаларда Темурнинг барлос уруғидан, дейилгани хато, отаси – сайидлар авлодидан бўлиб, барлосларнинг пири бўлган, деб қолди (*Ўзи ҳам сайидлардан экан*). Хатто «фалон рассом катта тоғамга қараб Улуғбек суратини чизувди, мен эса Темурга ўхшайман» деб шаъма ҳам қилди. Бундай даъволарда қанча миқдорда ҳақиқат бўлиши мумкин, лекин асосий масалага дахли кам.

Эҳтимол, Соҳибқироннинг туғилган жойини игнанинг учидек аниқлик даражасида топиш, уруғини белгилаш қандайдир қизиқувчилар клуби учун керакдир, бироқ бундай маълумотларнинг фан учун, хусусан, меросхўрлик учун заррача ҳам аҳамияти йўқ, деб ўйлайман. Мабодо, шу йўналишдаги мунозараларга зўр берилса, иш абсурд (*бетамизлик*)гача – икки қишлоқнинг бир-бири билан ёқалашувигача бориши мумкин, лекин муддао ҳосил бўлмайди. Бироқ энг катта ҳақиқат шундаки, Амир Темур мана шу заминда туғилди, ўсди, яшади, бизга ватандош, қондош, диндош.

Эътиқодни байроқ қилиб, буюк жаҳонгир ҳақидаги бор гапни жамоатчиликка маълум қилиш хизматига – марҳамат! Қолаверса, бобомиз отининг изи қолган ҳар бир қарич жой тадқиқотга муҳтож, негаки, у ерда тарихимизнинг бир парчаси яширинган. Мана, Яккабоғ қишлоғидаги Ёдгор Валлома(*т*) мадрасаси харобаси. Бутун қолган икки кошинли минора уч хил рангда, нақшлари ҳам ҳамоҳанг эмас. ўишт терилиши, пардозларда нафислик етишмайди, лойихаси ўзига хос (*нишабликда қурилган*). Шўро даврида ҳаммом, ароқ дўкони, военкомат бўлган ёдгорлик жуда аянчли ҳолда, мадраса хужралари бузи-



либ кетган, ҳовли ташландиқ суприндихонага айланган. Яккабоғликлар уни Темур салтанати илк даврида: **(ёки ундан ҳам олдин)**, ҳали олий иморатлар қуриш тажрибаси бўлмаган пайтда бунёд этилган, деб ҳисоблашади. Бу гапда қанчалик ҳақиқат бор, билмадим. **(Яна афсус: етти аср гувоҳи емирилиб, йўқ бўлиб бораяпти. Қанисиз маданиятга тааллуқли бўлса отнинг тақасини ҳам сақловчи халқлар?!)**

Ёки Темурнинг оқсоқлиги ҳақида ҳам турли тахминлар айтилди. Оёқ синишини қароқчиликда, жангда деб ўқигандик, Шаҳрисабзда Қиёмхон ҳожи китобларда кўрганлари асосида Темурнинг оёғи Бухоро яқинида хандаққа қулаб синган **(Ўсмирликда)** ва Қалмоқ деган кампирникида ётиб даволанган, шу ерда атала **(шавла эмас)** еб оғзи куйган, деб қолдилар. Яккабоғда эса болалигида ҳам оқсоқ бўлганини, тепага чиқишда кимўзарга қувлашмачоқ ўйнашса, орқада қолиб кетар, лекин ҳар доим қалпоғини отиб, биринчиликни олганини, ўртоқларига «бош оёқдан улуғ, менинг бош кийимим маррага биринчи келди», деб важ айтганини сўзлаб беришди.

Албатта, бу ҳикоялар асл таржимаи ҳол олдида ёлғон, бироқ халқнинг ўз фарзандини эъзозлаб, шундай нақллар ижод қилгани, уларнинг авлодлар оша яшаб келаётгани эътиборга молик. Ҳолбуки, жаҳонгир ҳақида юзлаб ривоятлар, маталлар тўқилганки, улар деярли тўпланмаган, ўрганилмаган. Бу – буюк аждодимизга нисбатан совуқ муносабат, уни халқ хотирасидан ўчириб ташлаш истагининг ифодаси эди. Энди айбни ювиш фурсати келди.

## ТЕМУРБЕК ИЗИ БИЛАН

... Автобусни тоғ олдидаги Калтақўл қишлоғида қолдиришга тўғри келди. Яна ҳомийларимизнинг ҳиммати асқотди. Улар кучли юк машинаси топиб беришди. Маълум бўлишича, бизни лаш-лушларимиз билан битта машина тоққа олиб чиқа олмас экан. Иккига бўлинишга тўғри келди. Олдинда кетдим, эртароқ бориб, ул-булни тайёрлаб туриш керак.

Тоғ йўли тик, ўнқир-чўнқир бўлишдан ташқари ниҳоятда тор – бир изли. Қарши тарафдан машина келиб қолса, нима бўларкан? Мотор гувиллайди, зўриқади, баъзан ғилдирак жойида айланиб қолади, юрагимизни ҳовучлаб, бортга қапишганча юқорилаймиз. Ҳа деганда, тубсиз дара, унинг қаърида оқаётган дарё кўринаверади. «Лочин» бўлмасак майли эди, ишқилиб худо асрасин. Баъзан қисқа текисликлар тўғри келиб қолади, машина ғизиллаб чопади, тоғ шамоли сочларни тарайди, димоққа уфор ҳидлар урилади. Юқорилаган сари одам ёруғлик денгизида фарқ бўлаётгандек сезади ўзини. Тоғларда ўзгача мунавварлик, мусаффолик бўлади. Димоқ куйишади, бу ҳавонинг сийраклашаётганидан, юрак тезроқ ура бошлайди.

Кўзлаган манзилимиз – Тошқўрғон қишлоғи, у худди чинни пиёланинг тубида жойлашгандек. Ҳозир 4–5 километр баландликка чиқамиз, сўнгра 2–3 километр пастга тушамиз. Қишлоқ кунчиқар тарафда, нақд Қашқадарё чегарасида. Нарини томон – Сурхондарё, Бовурчи чўққисидан Тўполондарё ирмоқлари бошланади, дейишади.

Республикамиз харитасида Тошқўрғон деган қишлоқлар анча-мунча. Уларнинг, шубҳасиз, ўзига хос тарихи бор, лекин умумий томонлари бор-йўқлиги номаълум. Балки бу сўз тўғри маъносида – «тош ай-

лантирилган кўрғон» шаклида ясалгандир. Бундай жойлар ҳар қадамда учрайди. Иккинчи эҳтимол эса бу қишлоқларнинг асоси бир, ягона уруғдан тарқалган бўлиши ҳам мумкиндир, негаки, Афғонистонда шундай отли катта шаҳар бўлган (**ҳозирги номи – Хулм**). Мана бу қишлоқдагилар ўз аجدодларини асли Афғонистондан кўчиб келган, деб нақл қилишади. Аҳолиси, асосан, ўзбек халқининг турк-қатағон уруғи, оқчепкан (**оқ чекман?**) тармоқчасидан.

Қишлоқда жуда қадимги тарих излари бор, масалан, тошдан оҳан (**металл**) ажратиб олишдан ҳосил бўлган чиқиндилар – ғовак қоп-қора мух (**шлак**)ларга ҳар қадамда дуч келасиз.

Биз ўрмалаб юраётган йўлни тиришқоқ тоғликлар ҳашар йўли билан қура бошлаган эди. Ўша йил (**1975**) кўкламида вазият ўзгарди – Қизилсув кўриқ-хонасининг барпо этилиши одамларни тирикчилик воситалари (**ўтин, хашак каби**)дан маҳрум қилди ва кўчишга мажбур бўлишди. Шундай қилиб, яхши ният билан авлодлар хизматига ярайди, деб қурилаётган йўлдан кўч-кўронлар ортиб ўтилди, қишлоқнинг неча минг йиллик тарихи битди. Ҳозир бу ерда «адашиб қолган» йигирмага яқин хўжалик яшайди. Биз улардан бириникида кўноқ бўламиз.

Қишлоқнинг экспедицияга тааллуқли томони шундаки, унинг юқорисида Амир Темур номи билан аталувчи ғор бор. У махсус ўрганилмаган ёки материаллар жамоатчиликка маълум қилинмаган. Ўорда қадимги ҳаёт излари сақланган: тош тахлаб, катта супа қилинган, зинапоялар бор.

Шундай қилиб, уруш ва меҳнат фахрийси Бозор бобо Ёрбеков хонадонига тушдик. Отахоннинг ўн бир фарзанди, кўплаб набиралари бор. Катта ўғли Назар – ўқитувчи, у бизга Юрий Аракчеевнинг «В поисках Аполлона» деган китобини кўрсатди. Унда табиат

ишқибозининг қизил холли оқ капалак – Аполлонни излаш саргузаштлари баён қилинган. Шу қишлоқ манзараларининг рангли суратлари берилган. Тафсилоти кўп, самолётга билет олиш олди-қочдисини икки саҳифада ифодалайди. Москвадаги «Мысль» нашриётидан чиққан бу китоб пишиқ қоғозда, чиройли рангли муқовада босилган. Бизда ҳам шундай китобларни чиқаришармикан?!

Тун файзли ўтди. Эрталаб ғорга отландик. Беш эшак ва икки отга кўч-кўронни юкладик. Кўриқхона бўлим бошлиғи Ёдгор ва Назар ҳамроҳлик қиладиган бўлишди. Дарё бўйига тушиб, тоққа ўрладик. Бу йўллардан кўп юрганман, ҳар бир сўкмоқ таниш. Ҳамроҳларда ишқибозлик ошгандан-ошган, кўпларига бундай сафар янгилик. Эшакка ҳам эплаб миниша олмайди, бироқ иштиёқ кучли.

Газақўтонга чиққунча бўлганимиз бўлди. Йўл жуда тик, илонизи, ҳатто эшакларнинг тўқиму юкларни тушиб қолди (*албатта, қайта ортдик*). Текислик бошланди, кейин яна ўр, нишаб. Азимбулоққа етиб, дам олдик.

Кўчишдан кейин бу томонларга инсон қадами кам теккан, бироқ йўллар бекилиб кетмабди. Атроф ўт-ўланга бурканган. ўўлмарашадан чиқадиган шоти тушиб кетибди, тош ташиб кўтардик-да, уловларни ўтказдик. Қалъаи шеронга ўтиладиган кўприк ўрнида 2–3 чириган хода турибди. Топқир Назар дарёдан ўтишни таклиф қилди. Юкларни кўтариб ўтдик-да, от-эшакларни битталаб дарёга итариб тушириб, нариги қирғоққа тортиб олавердик. Ҳайвонлар сирпанчиқ қояда оёғини тираб олар, қамчи ёки таёқ зарбидан иложсиз бир метрлар пастга, шовуллаб оқаётган тоғ дарёси гумига сакрарди. Бу жойдан қайтишда асло чиқиб бўлмайди – бу ҳақда ўйлаш фурсати эмас, йўлда давом этиш керак.

Ўсиқ буталар, дарахт шохлари юришни қийинлаштирар эди. Манзил ҳам негадир бу сафар анча узоқ туюлди. Кун оққанда Хўкизбурун шаршарасига етиб келдик. Сочилиб оқувчи Байталдуми фаввораси қуриб қолибди. Ундан бир километрлар юргач узоқдан ғорнинг оғзи кўринди. Дарё бўйидаги текисликда тўхтадик.

Соҳибқирон ҳақида нима ўқиган бўлсам, ҳеч бирида унинг ғорда бўлгани ҳақида батафсил маълумот йўқ. «Темурнома»да Балхни қўлга киритаётганда бир муддат тоғ-тошларда, ғорларда яшаб юрганига ишоралар бор. Бизнинг бу саволга аниқлик киритишга қурбимиз етмайди, ниҳояти ғорни бориб кўришимиз мумкин. Кексалар Темур бу ерда узоқ вақт яшагани, мислсиз юришларига тайёргарлик кўргани ҳақида ишонч билан гапиришарди.

Ғўлмараша дарасида икки қоя (*ораси 50–60 метрдан 150–200 метргача бор*)га арқон тортиб аскарларини осилтириб ўтказар экан. Бундай машқни, ҳатто, Қалъаи шерон дарасида (*оралиқ 2 километрлар чамаси, баландлик 500 метрдан кам эмас*) ҳам такрорларкан. Бовурчида шундай текис майдонлар борки, минг лашкар ҳам от суриб жанг қила олади. Хўкизбурун олдида яқинларгача тегирмон тошлари (*одатдагидан кичикроқ*) тураркан. Дара табиий жиҳатдан жуда қулай, тўсатдан ҳеч ким бостириб кела олмайди. Узоқ-яқинни кўрган экспедиция аъзолари бундай манзаралар бетимсол ва такрорланмас эканини тан олдилар.

Кўпчилик шу сайҳонликда тунаш ва ғорга эрталаб жўнаш таклифини билдиришди. Чунки тепада сув йўқ, фақат яёв бориш мумкин. Бир гуруҳ «жанговар қисм» (*олти киши ажралиб чиқди*) супада ухлаш истагини изҳор қилишди. «Бўлинманглар, бўри кўп», дейишди бошқалар. Ташаббускорлар эса «Низомда «Муборак

супада тонг оттирилади», дейилган. Биз буни бажармас эканмиз, келажак авлодлар кечирмайди» деган даъвони қўйишди. Буни рад этиб бўлмади. Мен ҳам улар билан кетдим.

Бир соатлар тик қияликдан тирмашиб йўл юрдик. Ниҳоят, силлиқ терилган тошларга кўзимиз тушди, узунлиги 18–20, баландлиги 3–5 метр. Ёввойи қоялар орасида инсон қўлининг излари иссиқ ва мададкор туюлди. Супа юзида бесаранжомлик, олов қолдиқлари, тошлар сочилиб ётибди, ирғитилган, синдирилган шишалар кўзга ташланади. Қўлбола супурги ясаб, обдон тозаладик, тош териб ўчоқ ясадик. Атрофда қари дарахтлар роса йиқилиб ётибди, мўл-кўл ўтин ҳозирладик. Худди ёзги таътилдан уйига қайтган шаҳарликдек, ҳафсала билан бир зумда ҳамма нарса-ни муҳайё қилдик. Энди тонг оттирса бўлади.

Кимдир ерни бир метрлар чуқурликда кавлабди, гўнг ва сомонли лой қатлами кўриниб турибди. Супага тик равишда уч жойда кўмилган устуннинг ўринлари бор. Супадан шипгача 15 метр келади. Эҳтимол, бир вақтлар хоначалар бўлгандир. Ғорга кириш жойи улкан харсанглар билан тўсилган. Қоронғулик чўка бошлади, ҳарорат – мўътадил.

Ўтин тўплаб, олов ёқдик. Гулхан атрофида ярим тунгача гаплашиб ўтирдик, пастда, дарё бўйида ҳам эрталабгача ўт ўчмади.

Тонг ғира-ширасида пастдагилар ҳам шовқин-сурон билан етиб келишди. Қисқа машваратдан сўнг синоатли ғор сафари бошланди. У икки қисмдан иборат. Отхона деб аталувчи қисм 70 метрлар узунликда, жуда улкан, баланд. Тошга шунақа нақшлар ўйилганки, улар табиат ижодидан кўра иқтидорли уста санъатига ўхшайди. Ичкаридан бир парча сопол топиб олдим, у ярим сантиметрлар қалинликда, тирноқнинг юзидан каттароқ, ботиқ шаклда, сирти

яшил рангда сирланган. Қандай келиб қолди экан, ё ғор шипларида безак берилган жойлар бўлганми? Айниқса, Отхонадан чиқишда, шипда инсон қўлининг излари аниқроқ қолганга ўхшайди. Асосий ғорга кираверишда айланма зиналар ясалгани билиниб турибди. Ичкари қоронғу бўлишидан ташқари нам, бирон ҳид сезилмайди. Деворлар тош сумалаклар билан шундай безанганки, фақат кучли чироқ ёруғлигида уларнинг бутун сеҳрини кашф этиш мумкин. Вақти келиб, бу жой музейга айлантирилса, шунда одамлар ашёлардан кўра кўпроқ ғор деворларини томоша қилишса, ажаб эмас.

350 метрлардан кейин қилкўприқдек синовдан ўтказувчи қисилма келади. Барваста одамлар шу ерда қолди. 30–40 метр фақат эмаклаб юрилади. Намлик ортиб боради, дарё шовқинидек кучли гувлаш кулоққа чалина бошлайди. Ниҳоят, кўлгача етдик. Бу жойга олдин ҳам 3–4 марта қадамим теккан. Назаримда, кўл атрофи манзараси ўзгарган, чап тарафдаги тош уюмлари олдин йўқдек эди. Бу сафар сув бўйига 2 метрлар тепадан келиб қолдик. Зеҳним ишламайди – кўлдан кейинги тешик – ғорнинг давоми қаерда? Тош уюмларидан судралиб, ўнг тарафга юрдим. Чироқ ёруғида таниш манзара кўринди, фақат сув сатҳи баландроқ эди.

Кечиб ўтишга тўғри келди, сув совуқ, этни жунжиктиради. Тиззамдан ошиб кетди. Майда тошли, қоратупроқли жойга чиқиб олдим. Кавак бўрининг уясига ўхшарди. Эмаклаб юқориладим, сўнгра қиялаб юриш имкони бўлди. Изимдан Жуманазар ва Нурали етиб келди. Ниҳоят, тўрга яқинлашдик, унинг шифти жуда баланд, каваклар кўринади, ҳатто боши тўқмоқли қозикдек тош ҳам бор. Эҳтимол, пастдан арқон отиб, юқорига чиқиш мумкиндир.

Бу марра экспедициянинг чўққиси ҳисобланади, йўлга чиққанимизнинг еттинчи куни унга эришдик. Хат қолдирмоқчи бўлдик. Учовда ҳам қоғоз-қалам йўқ экан. Майда тошлар (*улар ғорга кўтарилган одамлар сонига тенг – 21 та*) билан «Ёш-91» деган шартли сўзларни ёздик, кўришиб турсин учун белбоғдан йиртиб, оқ сурп билан ўраб қўйдик. «Тантанали» маросим тугаб, орқага йўл олдик.

«Одам, инсон каби яшаб ўт!» ўор оғзидаги дафтарда шу сўзлар бўрттириб ёзилган, XX аср одамнинг ноқис панжаси хилват ғор қаърига ҳам етиб келибди. Ичкарида чайналиб ташланган суяклар, майдаланган шиша синиқлари тез-тез учрайди. Ҳатто энг тўрда шундай манзара. Бу – замондошимиз ички дунёсининг ифодаси, барча муқаддас нарсалар устидан кулиш, бошига миллат шарафини эмас, ароқ шишасини кийиб олганлиги рамзидир. Наҳотки камдан-кам одамнинг қадами етадиган хилват гўшага бошқа ниятни тугиб эмас, ароқхўрлик қилиш учун келадилар? Алкоголь вужуднигина эмас, онг-тушунчаларни ҳам захарлаган.

Бу ғор бундан ўттиз йиллар олдин ҳозиргидан анча бой, латофатли бўлган. Кейинчалик ғузорлик кекса педагог Абдурахмон Азизов 50-йилларнинг ўрталарида китобларни кўрганлигини, қозиклар, охурларнинг ўрни сақланиб турганини айтиб берди. Энди эса улар йўқ, ташриф буюрганлар уларни талаган (*бу ерга чет элдан ҳам қайсидир йўллар билан келиб туришади*), ташиб кетган. Ҳатто чиройли сталактит-сталакмитлар ҳам қолмапти, уларни синдириб олиб кетишяпти. Демак, ғорни ўрганишгина эмас, уни муҳофаза қилиш ҳам долзарб масала бўлиб турибди.



## МУНОЖОТ

Қайтишда киночилар гуруҳи чўққини айланиб ўтишга аҳд қилди. Бу йўлни кўрмаганим учун қизиқиб мен ҳам қўшилдим. Асосий тўда билан маълум жойда кўришишга келишиб, хайрлашдик.

Қоя бўйлаб кетган из қиялаб боради-да, юқориги ўрлайди. Йўл йўқ, фақат унинг белгилари қолган. Қадимда шу из орқали отда қатнаганларини нақл қилишарди, ростдан, онда-сонда кўндаланг ташланган йўғон ёғочлар учрайди. Тошлар орасидан ўтган йўл тугаб, этлам (*тупроқли*) ерга чиқдик. Пастлик кўзга ташланади, ерни читирлар пайвас қоплаб олган.

Обдон чарчаган ҳамроҳлар ёнлаб юришни таклиф қилдилар. Менимча, йўлни чўққига қараб тикка олиш керак. Оғир бўлса ҳам шундай қилиш шарт, бўлмаса, қозикда айлангандек юраверилади. Бир километрлар тикка кўтарилишга тўғри келди. Тер чиқмайди, бироқ кучли толиқасиз. Бош кийим ҳам оғирлик қилиб қолди, бизда эса кино ва видеоаппаратлар, яна анча лаш-лушлар бор.

Бу жойларга, эҳтимол, биринчи марта шундай кишилар қадам қўяётгандир. Мақсадимиз – холис, ниятимиз – эзгу. Нима бўлса-да, кино ишлаб, мақола (*китоб*) ёзиб, сурат чиқариб, табиатнинг бу унутилган гўшаларига жамоатчиликнинг назарини тортиб, бебаҳо хазинани халқимиз манфаатига хизмат қилдиришга ҳисса қўшиш. Зора, вақти келиб ватандошларимиз чет элдаги машҳур курортлардан воз кечиб, маҳаллий оромгоҳларга интилсалар. Бу ерларда ҳам энг юқори талаблардагидек хизмат кўрсатадиган саломатлик ва маданият масканлари қурилса, деган умиддамиз.

Қаерга дуч келишимизни ҳеч ким билмасди, қирга тирмашиб чикдик. Шундан кейин Бовурчи чўққиси бағридаги Ошхона деган зиёратгоҳ кўринди. Бу ер менга таниш, бир неча марта бўлганман. Енгил тин олиб, ҳордиқ чиқаришга ўтирдик.

Куюш ҳар куни шу чўққи орқасидан чиқиб, Тошқўрғонга салом берарди. Бугун унга қўл етгудек жойдаман. Қорнинг эпкини сезилиб турибди, ундан бошланган булоқ ёнгинамдан жилдираб оқаяпти. Узоқда, кунботиш тарафда она қишлоғим ҳарир парда ортидан кўринмоқда. Киндик қони томган, бош илк марта ерга теккан жой ҳақида фарзандлар қалбида илиқ хотиралар яшайди.

Мен Тошқўрғоннинг бир ойлаб узлуксиз тўй бўлган шодон дамларига гувоҳман, йиғирма икки ёшимгача яхши-ёмон кунларим унинг кучоғида ўтди. Қадимий қабристонда отамнинг муборак хоки унинг тупроғига қўшилиб ётибди. Бугун одамларни сиғдира олмаган кўчалар, майдонлар ҳувиллайди, уйларнинг ўрнида ола кўзли чақиртиканаклар ўсган. Кулбаларнинг қолдиқлари мозорни эслатади.

Баланд чўққидан мавҳумлик сари тикилиб турарканман, мискин туйғулар қалбимни эзди, фақат Оллоҳнинг иродаси билан бу гўшалар қайта обод бўлиши мумкинлигини эслаб, таскин олдим.

Тошқўрғонни вилоятда яхши билишади, ўзиға хос ширингина таърифи – тарихи бор. «Босмачи»лар унга қўл тегизмаганлар, чунки ҳимматли бойлари – Ғофир оқсоқол, Мамашариф ўз хазинасидан уларни рози қилиб турган. Мадрасада таҳсил олган Эсон домулло, мулло Абдурахмонлар ҳақида «Бухоронинг ярим илмини олиб кетди» деб гапиришар, илм аҳли ўртасида ечилмаган масала бўлса, «тошқўрғонлик Касал домуллодан сўра» деган иборалар юрар экан.

Кекса ўқитувчи Жаббор Муҳаммадиевнинг ҳикоя қилишича, қишлоққа келган илмий ходим унга 1895 йилда чиққан китобни кўрсатган. Унда сайёҳ хотиралари келтирилган. Жумладан, у Тошкўрғонда дуч келган кишидан нари-бери ўзбекчалаб «ўор қаерда?» деб сўраган. У одам русча жавоб қайтарган. (**Ажаб, маҳаллий одамлардан рус тилини билган ким?**)

Уруш йиллари чекка қишлоқ доруломонликда яшаган, унинг «тупроғи ҳам дон бўлиб кетибди» деган гап тарқалган. Урушдан кейин кўп ўтмай сув электрстанцияси қурилиб ишга туширилган, бу пайтда вилоят марказида ҳам доимий электр манбаи бўлмаган. Далаларида турли экинлар, айниқса, картошкадан мўл ҳосил олинган. Картошка мислсиз кўп бўлар, ташиб олишга Термиздаги ҳарбий гарнизондан машиналар (**ҳар сафар ўттизмагача**) келаркан. Одамларнинг ғайрати шундай кучли бўлганки, оддий иш қуроллари – бел ва кетмон билан автомобиль йўли қурган (**қарийб 70 километр**). Тўрт метрдан кам бўлмаган кенликда, ўн метрлаб қияликдаги чўнг тоғ заминини қирқиб тушириш осон эмаслигини тасаввур қилинг.

Яна кўплаб мақтовларга лойиқ қишлоқ эндиликда ўрнида йўқ. Бор бўлиш ҳам, йўқ бўлиш ҳам қийин эмас экан. Таниш сўқмоқлардан зилдек хотираларни юклаб, қоронғу тушганда қишлоққа қайтдик.

Ҳамроҳлар билан йўлда учрашиш имкони бўлмади. Уйда худди адам саҳросидан қайтгандек кўришдик. Маълум бўлишича, Назар Қалъадарё ўзани бўйлаб йўл бошлабди, унга Ёдгорнинг (**у биз билан эди**) ўргатишлари ёқмай, ўзича йўл тутибди.

Ҳаммаси соз, гаштли давом этаркан. Ғордан эсон-омон чиқишди, қийин давр ўтди, бу ёғи тез кетади. Одамларда ғолибона кайфият, ҳайвонларда... Манави айгир анави байталга хуштор бўлса керак,

хайвоний ишқ билан севади чоғи – тезагини искаб чунонам нашъа қиладики, тўхтаб қолса, ўлса – юрмайди. Тойчоқнинг отаси ҳам ўзимикан? Бирдан... оёғи дарахт томирига кириб қолган от гурсиллаб дарёга қулади. Қўлига арқон илашиб қолган одам ҳам сийрилмадан сувга тушиб кетди. Бор бўйи шалаббо бўлди. Кўтариб қирғоққа чиқаришди. «Тани-жони соғ» экан. Ҳуши ўзига келгач, кўзларига ёш қуйилди. Дарёда «жанг» давом этарди, ҳамма сув ичида, юк халталар қалқиб юрибди.

Қора тўнли киши қўлини беихтиёр саланглатиб оқиб бораяпти, ҳойнаҳой у беҳуш ёки... бўлса керак. Қирғоқдаги одам ёшли кўзлари билан уни аниқ кўрди ва бор овози билан «кетди, ҳо-кетди» деб бақирди. Тоғлар жаранглади, ота-онаси, болалари бир зумда нигоҳидан ўтди-да, баралла ўкириб йиғлаб юборди. У узоқ дийда гирён қилди, «кетган»ни ҳам тутиб олишди. У, аслида, оддий юк халтаси бўлиб, йиртилган жойидан чопоннинг енги чиқиб қолган экан... Бу кураш ҳаммани чарчатди, толиқиб манзилга қайтишди.

Эртасига чарчоқларни чиқариш, табиат қўйнида дам олиш учун Кўҳнақишлоқ оромгоҳига бордик. Ота-боболаримиз покиза, гўзал жойларни зиёратгоҳларга айлантирганлар. Бу ер ҳам шунақа. Узоқдан қараганда сутдек туюладиган Оқсув бир кечада отилиб чиқади ва бир кечада қуриydi. Бу мўъжизани ҳеч ким «тутиб олгани» йўқ. Бошқа бир булоқ бўйида Турсунхўжа эшоннинг қабри бор. Ўзлари Қарши тарафлардан бўлган ул зот шу атрофдагиларнинг пири эканлар. Сурхондарё томонлик бир шайх билан тортишиб, олов ёқилган лаҳмда намоз ўқийдилар, жойнамознинг бир чети сарғаяди, холос. Нафаси ўткир, илми зўр киши бўлганликларини нақл қилишади. «Худодан кўрқаман, бўлмаса, дарёни тескари оқизардим», дерканлар...

Август ойининг ўрталарида гилос, ўрик энди пишибди.

9 август эрталаб уста Мейликул Салоҳиддинов (у «*Рулни ушлаб қаридим*», дейди) тоғ йўлларида авайлаб, текисликка тушириб қўйди.

### МАЪРИФАТ ШУЪЛАЛАРИ

Сафарнинг навбатдаги босқичи Китоб ноҳияси худудидаги меъморий обидалар – Хўжаиспорос ва Хўжаинкана (*Хўжашлмкони*) қишлоқларидаги ёдгорликларга ташриф буюриш билан бошланди. Шунинг мамнуният билан қайд этиш керакки, сафар давомида қайси аҳоли пунктида бўлмайдик, зиёлилар бу ердаги барча тарихий ашёлар ва иморатларни Темур, Теурийлар номи билан боғлаб талқин қилишарди. Бу нарса шунчаки нисбат бериб гапириш эмас, балки ҳар бир шарҳнинг замирида қандайдир ҳақиқат бор эди. Жумладан, шу ерлик Жўраҳон Қудратовнинг таъкидлашича, Хўжаиспорос қишлоғидаги қабристонда жаҳонгир бобомизнинг пири Шайх Шамсиддин Парранда дафн этилган эмиш. Бир пайтлар бу ерда 18 хужраси бор мадраса қад ростлаб турган, кейинчалик уни бузиб, ғишларини завод қурилишида ишлатишибди. Ўрнида ғарибгина саждагоҳ қўнқайиб турибди, аҳоли пул тўплаб устини тунука билан ёпибди. Қабристонга кираверишда азим тутга дуч келасиз, бунақаси ҳеч жойда йўқ, айланасини 7 киши қўл ушлашиб, аранг ўраб олишди. Ховли тинч, салобатли сукунат ҳукмрон, тиловат садолари ўзгача тарзда янграйди.

4–5 километр наридаги Хўжаинкана қишлоғида чинакам мўъжизага дуч келдик. Бу мўъжиза одатдагидек вайрона ҳолида эди, бироқ шу тарзда ҳам жуда улуғвор ва мағрур туюларди. Нақл қилинишича, у Ту-

ронзаминдаги энг катта кутубхонанинг қолдиқлари экан. Унинг кунчиқиш тарафида 6x8x2 метрлар ҳажмдаги сағана бор. У сидирға мрамар билан қопланган. Шу қишлоқлик фозил зот – 78 ёшли отахон Иззатулло Назар ўғлининг ҳикоя қилишича, мавлоно Дарвишнинг *(ул бузрукворнинг қабрлари Хўжаиспоросда эмиш)* ўғиллари мавлоно Абдубоқи, мавлоно Абдулмажид, мавлоно Абдулвоҳид шу ерда дафн этилган эканлар. Иззатулло ота ишончли тарзда илмий далилларни ҳам келтирдилар. Мавлоно Дарвеш ҳисорлик, мавлоно Абдулбоқи ҳижрий 1008 йилда, Абдулмажид 1022 йилда вафот этган. Хонақоҳ Бухоро хони Абдуллахоннинг ўғли томонидан XVI асрнинг 40–50 йилларида қурилган деган тахминлар бор. Бухорода дорулфунун, бу ерда ўрта ўқув юрти бўлган...

Албатта, бу фактлар илмий изоҳланиши керак. Ахир тилга олинган исм-шарифли алломалар фан тарихида қандай ўрин тутганини олимларнинг аксарияти ҳам билмайди-ку! Худди соқов тарих каби қаршимизда улкан иморат мунғайиб, сукут ичида турибди. Унинг шикаста деворларига «мангуликка дахлдор» енгилтак замондошлар ўз исмларини ўйиб ёзишган, таъмирлаш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаяпти, аксинча, унинг ҳужралари бузилиб, ғиштлари «Ленин 100 йиллиги» мактабига ишлатилган, пойдевори кўпорилиб, йўл ўтқазилган...

Ҳақиқатни эса текислаб бўлмайди, у оддий бир тарҳда, нозик бир чизгида яшаб келмоқда. Дўппимиз ерга тушгудек бўлиб кошинларни кузатар эканмиз, боболар заковатининг нақадар буюклигини ҳис этиб, ўзимизнинг анча кичик ва ожизлигимизни тан оламиз. Ўтмишимиз ўз жароҳатлари билан ҳам улуғвор.

Мезбонлар изтироб билан бизни қаровсиз ва кадрсиз дарахтлар – қишлоқдаги икки ноёб чинор

томон бошладилар. Кўчанинг юзарағида кўкарган чинорлардан бирининг танаси худди қояга ўхшайди. Ургутда ҳам, Сайрамда ҳам бунақаси йўқ эмиш. Иккинчиси эса 30 йиллар олдин ўз-ўзидан ёниб кетибди. Ўрнида 30–35 киши чордана қуриб ўтиради, кесими 10 метрлар бор. Икки чинор ҳам, нариги қишлоқдаги ноёб тут ҳам давлат муҳофазасига олинмаган, алоҳида махсус рўйхатга киритилмаган. Бу «бепарволик»нинг сабаби ҳам номаълум.

### ИККИНЧИ ҒОР

Эътироф этиш керакки, сафаримиз биз кутган чалик осон кечмаяпти. Аввало, Тошқўрғонда пиёда кезишларнинг чарчоғи шундоқ билиниб турган шароитда ҳавонинг ҳарорати-ю, тушлиқда мириқиб овқатлана олмаслик каби кичкина омиллар ҳам кўшилиб, жисмоний толиқиш сезила бошлади. Бироқ шикоятга ўрин йўқ. Сафар энди яримлади. Иккинчи ўн кунликнинг дастлабки икки куни Чироқчи ноҳиясидаги «Қалқама» давлат хўжалиги ҳудудида ўтди. Тарағай, Лангар қишлоқлари, Амир Темур номи билан боғлиқ ғор шу ерда жойлашган. Тарағай (*у Паст, Юқори деб иккига ажратилар экан*) қишлоғида жаҳонгирнинг отаси Муҳаммад Баҳодир туғилганини ишонч билан эътироф этишди. Говхона, Бузовот деган жойларда молхоналари бўлгани, сойга сиғмас подалари шу далаларда ўтлагани ҳақида айтиб беришди.

Бизнинг дастлабки мақсадимиз ғорни кўриш эди. Унга қўл етгудек жойга бориб кўч-кўронни ташладик. Ғорнинг жамолини кўриш учун икки ярим соат тиришиб-тирмашиб, йўл босишга тўғри келди. Оғзи (*кириш жойи*) узоқдан деярли сезилмас, чўққи бўйлаб келгач, айиқ инидек бир кавакка тирмашиб

чиқилди. Чўккалаб 30 метрлар юрилгач, тик қоянинг ўртасидан чиқиб қолинди. Пастлаб кета бошладик. Илонизи йўл четларида ёввойи бодом, ғарғанак каби бутасимон дарахтлар, равочнинг қуриб қолган «панжа»лари учрар, ерда майда тошлар кўп эди. Сирпаниб кетиш мумкин, арқон жуда асқотар экан. Деярли тошларга суйкалганча 25 метрлар пастга тушдик ва ғорнинг асосий қисмига етиб келдик. Унча катта эмас, бир киши чўккалаб аранг юради. Тобора кенгайиб боради ва зинапоялар билан (**албатта, табиий**) мунтазам пастга қараб кетилаверади. Шипдан сув томиб турибди.

Юз метрлардан сўнг орқага қайтдик. Айтишларича, бу ғорнинг тубига ҳали ҳеч ким етмаган, Самарқанддан чиқар эмиш. Ғорда узлуксиз одам яшаган излари йўқ, бироқ у жуда қулай жойда, узоқ-узоқлар бемалол кўриниб туради, 40–50 километрдан кейин Самарқанд бошланади. Албатта, тарихий ва жуғрофий манбалардан бу ғор ҳақида маълумот тўплаш, уни татбиқ қилиш кечиктирилмас вазифадир.

Лангар қишлоғида Темурийлар даврини эслатувчи икки хонақоҳ ва бир масжид сақланган. Қишлоққа кираверишда Қадамжо ота зиёратгоҳи мавжуд. У ҳақда шундай ривоятни айтиб беришди: қишлоқ валийси Абул Ҳасан Ишқия масжид деворини тиклаётган, ҳалфалар унга лой узатаётган эди. Устоз узатилган лойни олмай туриб қолади. Сабабини сўралганда «Бизга Маккаи мукаррамадан хирқай муборакни олиб келаётган карвон Амударёга чўкиб кетаётган эди, шуни тортиб олдим. Ишонмасанглар, елкамни кўринглар, арқони ботиб кетган», дейдилар. Ростдан, елкада арқоннинг изи бўлади. Элчилар Лангарга келишда шу ерда тўхтаган. Кичкина уйча бор, унда оёқ изи тушган тош сақланади. Ишқия ўткир илми билан



ислом оламида донг таратган эди ва у хирқаи муборок билан мукофотланган. Хирқа 1956 йилгача (?) Қамашидаги Лангарота масжидида сақланган. Ҳозир йўқ.

Лангар (*Чироқчи*)даги масжид деворлари оҳакланган, шифти жуда чиройли безатилган. Ички қарида 4 устун мавжуд, саҳни кенг, баҳаво. Қишлоқ юқорисидаги хонақоҳларнинг бирида 5, иккинчисида 8 қабр бор. Дафн қилинганларнинг кимлиги номаълум. Айтишларича, бир пайтлар мармар лавҳа бўлиб, унда исм-шарифлар ёзилган экан. Лавҳа йўқолган.

Шу нарса эътиборни тортадики, маданиятимиз фақат камситилган, зиндонга солинган эмас, балки таланган, ғорат қилинган. Биз бўлган қишлоқларда одамлар сағана ва хонақоҳлардаги эсталик тошлари, ёдгорлик буюмлари олиб кетилганини афсус билан эслашади. Бундан ташқари, ҳар қадамда ривоят, ҳар бир сўз, ҳар бир воқеа тилда муҳрланган. Фақат уларнинг ҳаммаси диний либос билан ўралган. Шундай экан, бизнинг ўтмиш маданиятимизни диндан ажратиб тушуниб ҳам бўлмайди, диний илмларни билмай, тушунтириб ҳам бўлмайди.

## ЛАНГАР ДУРДОНАСИ

Муносабат... У кўп нарсани ҳал қилади. Агар уч бирлик: бўй, эн, баландлик ва ундан маълум масофа узоқликдаги кузатув нуқтаси орасидаги нисбатни солиштирсак, жисми (*демак, борлиқни*) турлича кўриш мумкин. Олайлик, қаршимиздаги гугурт қутисига назар солганда, биров суратини, бошқаси ўт чиқадиган томонини, учинчи киши эса ҳеч нарсани илғамас экан. Бизнинг сафаримиз ҳам мезбонларга турлича таъсир этибди.

Мақсадимизни тушуниб, хаяжондан йиғлаган кишиларни ҳам, «Яна комиссиями?» деб қочишларни ҳам кўрдик. Сезимларда шу ҳақиқат акс этиб турарди: одамларни қаттиқ қўрқув исканжаси ҳали ҳам тарк этмаган, «юқори»дан келган ҳар қандай зот уларга олабўжи бўлиб кўринади. Шу туфайли деярли ҳар бир учрашувда ниятимиз холис экани, барча тадорикни кўриб чиққанимиз, ҳатто кўрпа-тўшакларимиз борлигини таъкидлашга тўғри келарди.

Маршрутимиз ўтадиган бир қишлоқ оқсоқоли очикча оғриниш билан истиқболимизга чиқди. Чамамда, уни меҳмонлар безор қилиб юборган, негаки, қир бағрида қўшқаватли шийпон, ёнида гўзал фаввора бор. Ноҳияга ташриф буюрганларнинг кўпчилигига уни манзират этишар, шу туфайли нотинчлиги бисёр экан. Бахтга қарши бизга ҳам шу ерда тушлик ҳозирлашибди. Тансиқ таомларнинг бир зумда чангини чиқардик. Оқсоқол ташвишга тушиб қолди ва биздан қутулиш йўлини излай бошлади. Бизнинг эса... юрадиган ҳолимиз йўқ. Мақсадимизни обдан тушунтиришга тўғри келди. Йўқ, қалбида миллат шаъни ўлмаган экан, сўнгра шундай парвона бўлдики, бу оқшом анча дилкаш кечиб, толиқишлар бир оз ёзилди.

Қамашида эса бизни «Буюк ипак йўли» сайёҳлари сифатида қабул қилишди ва, менимча, шу тасаввур ўзгармай қолди. Бироқ туман ҳудудида жойлашган Лангар ота зиёратгоҳида бўлгач, энг нодир нарсалар қўл етмас жойларда яширинишига яна бир карра ишондик. Кўрганларимиз эртаклардаги шоҳ саройларидан кам эмасди.

Иккинчи Лангар Қарши-Шаҳрисабз йўлидаги Қизилтепа қишлоғи бекатидан 40 километр қуёш чиқар томонда, дарё бўйидаги қишлоқ. Анча хилват, бегона назарлардан холи жой бўлганиданми, улкан

жомеъ масжиди аслича сақланганга ўхшайди. Айвони кунгай тарафда, 9-10 метрли ўнта устуни бор. Устунлар икки қатор қўйилган. Намозгоҳ ҳам хийла кенг, беш устуни бор. Девори ердан 2 метрлар чамаси рангин сополлар билан безатилган. Нақшларнинг ўртасида чуқурчалар бўлиб, кексаларнинг эслашича, кечаси ёнадиган тошлар қўйилган экан. Масжидга қатагон йиллар қўй қамалган, ғалла омборхонаси бўлган. Ўша пайтда қимматбаҳо нодир тошлар ўғирлаб кетилган. Шифтида тилсимли нақшлар бор. Айтишларича, уларда 38 мамлакатнинг рамзлари акс этган эмиш. Булар қандай давлат экани, нега 38 талиги ҳозирча сир. Масжид тарихига 650 йиллар бўлган дейишади, у Муҳаммад Содик шайхга хос экан. 68 ёшли отахон Мадулло Ҳайит ўғлининг маълумотига қараганда, ул зотнинг шажараси – Илёс шайх – Муҳаммад шайх – Худойқул шайх – Абул Ҳасан (Ишқия) шайх – Муҳаммад Содик шайх (1460–1545 йиллар.) *(Махсус таҳсил кўрмаган бу кишининг айтганлари ҳазрат Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридаги далилларга яқин).*

Масжид шикастланган, таъмирланган, бироқ бу иш ўлда-жўлда. Ғалла омборхонаси бўлганда нишаб томонга сурилиб кетган, 20 йиллар олдин 7–8 метр баландликда зинапоя шаклида таянч қўйилган, ўтган йил усти тунукаланган.

Бир сой нарида мақбара мавжуд, унинг теварагида 200 тупга яқин хандон писта бор, шиғил мева қилган. Мақбаранинг тарҳи Самарқанддаги машҳур Амир Темур мақбарасига ўхшаб кетади. Эшикнинг икки тарафида 9 та улкан, силлиқланган, оятлар битилган тошлар қўйилган. Улар 1,5–2 метр узунликда, 30–40 сантиметр баландлик ва кенгликда. Ҳақиқий мўъжиза ичкарида. Шифтдаги гумбазга тўқ қизил фонда оқ ранглар билан нозик нақшлар ишланган. Бу

ерда бешта қабр бор. Уларнинг учтасида икки метрлар чамаси 10–15 сантиметр қалинликдаги мрамартошлар тик қўйилган. Иккитаси сариқ рангда (*эхтимол, тилла сувидир*), бири оқ рангда (*кумуш сувидир*). Тик тошларга араб имлосида каттагина матн ёзилган. Уларнинг учтасини Абул Ҳасан шайх, отаси ва ўғлига, эшик олдидагисини халфага, чап тарафдагисини Балх маликасига (?) тегишли дейишади. Қабр тошлари (*ердагиси*) қора мрамардан, жуда чиройли нақшланган. Устига қирмиз ранг бахмал ва оқ сурп ташлаб қўйишибди. Шу ерда 2 та туғ (*у 3 метрлар узунликдаги билакдек ёғочга ўрнатилган, оқ жездан ишланган, очик турган беш бармоқ кўринишида*) ҳам турибди.

Лангар масжидида Абул Ҳасан шайх (*Ишқия*)га тақдим қилинган хирқаи муборак сақланган. У китоб, кулоҳ ва чакмондан иборат бўлган. Хирқаи муборак маълум одамлар томонидан яқинда олиб кетилган, тақдири номаълум.

Бу ерда кўп нарса хайратли. Аввало, хонақоҳнинг ўзи бетимсол. Ташқарида улкан тошлар борки, уларни бу тоғ ичкарасидаги қишлоққа қандай келиб қолгани сирли. Айтишларича, энг катта қабртоши шу ерда экан. Кўрдик, қора рангли, тахминан 250x50x40 сантиметр ўлчамда.

Атроф-теваракда бу жойнинг мавқеи жуда баланд бўлган, етти марта зиёрат қилса, ҳаж сафарига тенг бўлади, деган гап бор. Лангар Буюк ипак йўлида жойлашган, дейишади. Темур ва Темурийлар даврида гуллаб-яшнаган, мадраса ва мақбараларда ўша давр меъморчилигининг услуби аниқ билиниб турибди. Бу мулоҳазалар илмий тадқиқотлар билан янада аниқлаштирилиши шарт. Шундагина дурдонанинг сири маълум бўлади.

## КАЙФИЯТ

Бу сафар ўз моҳияти билан «халқ ичига юриш», жонли, ҳақиқий ҳаёт ила юзма-юз бўлиш эди. Ҳар бир сония – янгилик, ҳар қадамда қайтарилмас мўъжиза. Бизни нималар ҳайратга солмади, дейсиз. Ўлкамизнинг нақадар кенг, бепоёнлиги, одамларнинг танти, дангаллиги, миллий рух, ислом дини шуурига енгилмас куч билан талпиниш, тоғларнинг салобати-ю, боғларнинг малоҳати. Йигитлар мағрур, қизлар гўзал эди. Яккабоғда Насиба сочларини майда ўриб, дўппи кийиб чиқди. Унга гап отмаган, суратга туширмаган киши қолмади. Шаҳрисабзда ёши ўтиб қолган Зоир шоир шундай пишқириб куйладики, ҳамма чинакам санъат қаршисида лол бўлди. Янги термага овози ва созини келтира туриб, «Бугун Темур бобомнинг руҳи мадад бераяпти, кўрасанлар, чарчамайман», деди.

Ҳар гўшада ҳаёт давом этар, халқ ўз удумлари, урф-одатлари доирасида яшарди. Бизнинг ташрифимиз бутун улусни бепарво қолдирмагани каби, маъракаларнинг иштирокчиси бўлишимизни астойдил исташар, тўйхонанинг тўрига таклиф қилишарди.

Қамашида бахт тўйига ташриф буюришга тўғри келди. Менимча, кечанинг энг муҳим воқеаси экспедиция аъзосининг табриги бўлди. Шундан кейин ўзгача жонланиш бошланди, икки сўзнинг бирида Темур номи тилга олинди, ҳатто ёш келин-куёвни илк фарзанди ўғил бўлса, Соҳибқирон номи билан, қиз туғилса Тегина деб аташга дуо беришди.

Шайтонқишлоқ (*Шаҳрисабз*)да катта тўй учун тузалган дастурхоннинг энг обрўли жойига бизни ўтқозишди. Дастурхон шунчалар серобки, қўлни қўйишга ўрин йўқ. Шу ерда барча бизга миннатдорчилик билдириб, табриклар, эзгу истаклар изҳор

қилишди. Жумладан, Сурхондарёдан келган меҳмон қадимий Бақтрия давлати тарихини ўрганиш учун ҳам шу ҳолдаги сафар зарурлигини таъкидлади.

Миракида бизнинг ташрифимиз шарқона кураш бўйича Ўрта Осиё турнири очиладиган кунга тўғри келиб қолибди. Албатта, тантанали қисмда буюк бобомизнинг номи бир неча бор тилга олинди. Бизнинг экспедиция аъзолари қатнашаётгани эслатилди, Малик Муродов мусобақага муваффақият тилаб, нутқ ирод этди. Кечқурунги зиёфат чоғида бу мусобақага анъанавий тус бериш, Амир Темур номида соврин таъсис этиш истаги изҳор қилинди.

Аммуғон қишлоғидаги бахт кечасида ёш оилага эзгулик рамзи сифатида тақдим қилганимиз Соҳибқироннинг сурати энг қимматли совға сифатида қабул қилинди.

Чироқчида худойига таклиф қилишганда ҳам рад этмадик, бориб фотиҳага қўшилдик.

Ургутда тўйнинг маслаҳат ошига қатнашдик.

Азбаройи шуҳратпарастлик эмас, холисанилло дилдан шуни истар эдикки, бизнинг Амир Темур излари бўйлаб юрганимизни кўпроқ одам билсин, рўшноликдан, кеча тақиқланган нарсалар бугун рўёбга чиққанидан ҳамма одам хабардор бўлсин. Зотан, автобусимиз пешонасига кучли мегафон ўрнатиб олиш эсимизга келмаганидан афсусландик. Шаҳар ва қишлоқлардан ҳайқириб ўтганда, балки ғафлат уйқулари бузилган, ўзлигини англаш ва уни қадрлаш мавриди келганидан сергакланиш бошланган бўлармиди?

Биз нималарни орзу қилмайлик, қандай эзгуликлар тиламайлик, халқ ўз азалий йўриғида кун кўраётган, меҳнат қилаётган, аччиқланаётган, кулаётган бўлади. Сиз билан мен баъзан тўрсайиб турамиз, халқни бебошлиқда айблаймиз, тажанг бўламмиз-

да, зум ўтгач, ўзимиз ҳам унга қўшилиб кетамиз. Ҳаёт барибир гўзал, яшаш барибир тотли! Бир нарсани сезганмисиз, халқимиз кулгига нақадар ўч. Ҳар бир қишлоқнинг ўз Афандиси, ҳар бир оиланинг ўз лати-фаси (*латифалари*) бор.

Чамбил қишлоғида қирқ кишилик супада бир оқшомни кутдик. Қалқама сув омборидан тутиб келтирилган гулмоҳи балиқлари пайдарпай пишиб турибди. Мезбон Қудрат ака, қўшни Тошпўлат шофёр ичакузди гаплардан олаяпти.

Қандайдир йигит бўлар экан, номи лақаби билан – Эшқобил палтара. Умри сурув орқасидан ўтган. Бир кун «озиб-жозиб» Чироқчига тушиб қолибди. Бекорчиларга қўшилганми, биров қистаб борганми, ичишни бошлабди. Ўттиз коса пиво, 5 ароқни ичгач, ўзини нохуш сезибди. Яна 2 ароқдан сўнг феъли бузилиб, жанжаллашиб қолибди. Кошки биров эплай олса? Ўн чоғли милиционер қўлини қайириб, бўйнига миниб, олиб кетибди. Кетатуриб, «Бормаيمان, билмайсанми, тоғда қўйлар эгасиз қолиб кетган», деб бақирармиш. Унинг хархашаларига қарамай, қамаб қўйишибди. Эшикни қулфлаётган миршабга қараб: «Ҳали кунингни кўрасан, менинг пешонамдан Рашидов ўпиб кетган», дебди.

Янгибой полвон 2 винодан бас бойлашиб, бир чолни эшаги билан елкасида кўтариб, магазиннинг олдиғача олиб борган экан. Ўз ўрнида афсусланиб, ана шундай паҳлавон йигитлар ҳозир учрамаётганини эслаб ўтишди.

Кулги ҳар қадамда бизга ҳамроҳ. Дераза ойнасини тез-тез тозалаб туришга эҳтиёж сезилганидек, дил шишасини ҳам бот-бот ғуборлардан фориг қилиб туриш кўнгил эҳтиёжи. Баъзан кулгили воқеалар ўйлаб топилади, баъзан қаҳқаҳага сабаб бўлувчи олди-кочдилар рўй бериб туради...

Ҳотам бобонинг келинларидан бири адашиб пахта ёғининг устига керосин солиб қўяди. Анчагина нарса исроф бўлишини кўзи қиймаган келин кўпни кўрган қайнотасига маслаҳат солади. Бобо «Бунинг йўли осон» деб ишга киришади. Ҳовлига катта қозон қуриб, тагига олов ёқишади-да, аралашмани солиб, қизита бошлашади. Бобонинг «кашфиёти» бўйича, қозон қизигач, керосин буғланиб чиқиб кетиши, пахта ёғи ажралиб қолиши керак эди. Иссиқлик ортавергач, бирдан қозондан «лов» этиб олов кўтарилади. Ҳаммаси ёниб кетади. Ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, ўчириб бўлмайди.

... Шаҳрисабзга жума куни ташриф буюрдик. Шу куни жомеъ масжидига атроф-теварақдан минглаб намозхонлар келишади. Масжидни кўриш истагини билдирдик. Ҳали ибодат тугамаган экан. Эшик – қибла томонда, кириш ноқулай (*ҳамманинг юзи шу тарафга ўгирилган*). Кута бошладик, бироқ киночиларнинг сабри чидамади, кичкина даричадан ичкарига кириб кетишди. Катта ҳовлида минг чоғли одам намоз ўқияпти. Атрофни кузатдик, аммо кириб олган ҳамроҳларимиз кўринмасди. Синчиклаб қарасак, улар ҳам сафда туриб намоз ўқишяпти. Ёпирай, таҳоратсиз? Саждага бош қўйилди. Тиззалари букилмайди, ҳаммадан дўнграйиб қолишди. Тиззалаб тиловат қилиш бошланди. Чидаша олмади, чордона қуриб олишди. Юзлари бўғриққан, ҳарсиллашарди. Ибодат тугагач, ҳамма қўшилиб кетди, уларни ҳеч ким сезмади.

... Тарағай қишлоғидан ғорға чиқиш айна туш пайтига тўғри келди. Силламиз қуриб, ярим йўлда тўхтадик-да, пайпоқларни ечиб, оёқларга дам бердик. Тоҳир ака кедадан оёғини суғурар экан, патак билан қўшилиб... паспорт ҳам ерга тушди. Унинг варақлари титилиб кетганди. Автобусда кийимлар-



ни алмаштираётиб, «Паспортим йўқолиб қолди», деб юрувди, пайпоқ билан қўшиб кийиб юборган экан, 3 соат юрибди ҳам, сезмабди.

Ғузурда шамоллаб қолдим, ёнига тиш оғриғи қўшилди. Дехқонободга кетаяпмиз-у, вужудим ёнади. Мезбон ифор, пудина, кашнич қўшилган қатикли ош келтирди. Бир коса ичдим-да, ухладим. Терлагач, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб уйғондим.

### ДЕБДУРЛАРКИ...

«Юрган – дарё» деганларидек, сафар давомида бошқа мўъжизаларга ҳам кўплаб дуч келдик. Айниқса, ривоятлар ва бошқа ҳикоялар кишининг ҳайратини оширади. Уларда тасвирланган воқеалар ақлдан ташқари, ўта фантастик бўлса-да, қандайдир ички куч ишонишга ундайди.

Шайх Шамсиддин Парранда намозининг фарзини Маккада ўқиса, суннатини Китобда адо этаркан.

Лангар ота азонда туриб, таҳорат олмоқчи бўлганда шогирдлари сувни иситиб қўяркан. Бир қиш куни обтобага қарға қўниб, тўкиб юборибди. Устози олдида хижолат бўлишдан қўрққан шогирд идишни сувга тўлдириб, қўлтиғида иситиб турибди. Шайхнинг қўли куйибди – сув қайнаб кетган экан. Шунда жаҳллари чиқиб «Ҳа, тирноққа зор бўлгур», деб қарғабдилар. Жаҳлларидан тушгач, «Энди айтилган сўзни қайтиб олиш йўқ. Яхшиси, сизга Қамашни тарафнинг шайхлигини ҳадя этаман», дебдилар. Қамашдаги Лангар ота Чироқчидаги Лангар отанинг шогирдлари бўлади.

Имом Хусан (*ул зот Язид билан бўлган жангда шаҳид бўлганлар*)нинг бошлари ўраб келинган жойнамоз Китобдаги Ҳазрати Султон ғорида сақланган. Ўғирлаб кетишган. Ҳозир Эрмитажда эмиш.

Хўжаилмконида Матендаран (*Арманистон*)даги-га ўхшаш катта кутубхона бўлган (*унинг вайроналарини кўрдик*).

Омонқўтонлик мулло Абдухоликда катта, кичик тарих (*китоб*) бор.

Тарағайдаги Дунётепадан зиндон топилган. Бульдозер сураётганда оғзи очилиб қолган. Бадбўй ҳид чиқиб кетган. Ҳеч ким ўрганмайди, қизиқмайди ҳам. Тепа текисланганда мис косалар, узук тақилган бармоқ суяги топилган.

Темурбекнинг отаси Муҳаммад Тарағай дастлаб Бузовотдаги қабристонга дафн этилган, сўнгра хоки Шаҳрисабзга кўчирилган.

Кишмиштепа – Кеш шаҳрининг қадимги ўрни. Одамлари жуда бузилган. Ҳазрати Жаброил бир кечада чаппа қилган. Энг катта мулласининг уйи очиб кўрилса, келини билан ялангоч ётган бўлган.

Темур даврида ўғрининг бармоғини қирқиб, кўлини қайнаб турган ёққа тиқишган.

Чиллахонага кириб, қирқ кун ёлғизликда яшаса (*узлатга чекинса*), Худонинг васлини кўриш мумкин.

... «Бизнинг бурчимиз – ривоят сўзлаш, ишониш-ишонмаслик – сизнинг ишингиз», деди бир ровий.

## МУНОСАБАТ

Албатта, икки томоннинг бир-бирини нечоғлик тушуниши кўп нарсани белгилайди. Бизни ҳамма жойда самимий қабул қилишди, эътибор билан қарашди. Шаҳрисабзнинг Тўдамайдон, Мираки қишлоқларида меҳмон бўлдик. Тарағай (*Чироқчи ноҳияси*)да анграйиб кутиб олишган бўлса-да, сўнгра чиқишиб кетдик. Қудрат ака (*Чамбилда*), Намоз ака (*Қизилтепада*), Эшқувват Қиличев (*Деҳқонободда*)

Ўз хонадонларидан жой беришди. Раҳбарлар зарур ишларини ташлаб, ҳамроҳлик қилишди. Бундай пайтларда биз тариқча ғайирликни сезганимиз йўқ. Зеро, биз ҳам юрган йўлимизда ҳеч кимнинг шаъни-шарафига тегадиган бирор оғиз гап қилмадик. Вазият нозиклигини, истаган пайтда бизни тўхтатиб қўйишларини билардик. Шундай бўлса-да, ғайирлар ҳар қадамда бор экан.

Вилоят марказидаги йиғилишларнинг бирида бизга шубҳа билдиришибди ва иложи борича жамоатчилик билан юзма-юз қилмаслик ҳақида кўрсатма бўлибди.

Тарағай қишлоғида барлос уруғининг вакиллари билан учрашиш, улар билан дилдан суҳбатлашиш истаги бор эди, бизни эса «чой ичдириш» баҳонасида лақиллатиб, ҳеч ким йўқ чекка бир сойликка бошлаб боришди. Ғузурда карнай-сурнайлар билан кутиб олишди-ю, тунашга пахтазорлар ичидаги олис шийпонни таклиф этишди. Деҳқонобод фирқа котиби ҳеч кимга тайинламай, узоқ тоғ қишлоғига кетиб қолди.

Қаршида умуман эътибор бермадилар, биз «тутиб олган»лар ҳам турли баҳоналар билан жўнаворишди **(улар келажак авлодга «Темур экспедицияси келганда бурилиб ҳам қарамаганмиз» деб мақтанишлари мумкин).**

Албатта, бизнинг таъна қилишга, танбеҳ беришга маънавий ва «юридик» ҳаққимиз йўқ, фақат бу бир нарсани яна бўрттириб кўрсатади: олти юз йил қозик атрофида айланган фил кишан олиб ташланганда ҳам яна тўрт юз йил **(Улгунча)** қозик атрофида айланаверадими? Бизга нима учун таҳдид қилмоқчи бўлишганини биламиз. Ҳали кўрқув шарпаси бутунлай кўтарилгани йўқ. Ҳали ватанни, миллат шарафини севиш мансабдек лаззатли бўлган эмас. Қолаверса,

«даврининг ақл-идроки ва виждони» – қизил фирқа хали ҳаракатда! *(Бу сатрлар ёзилганда КПСС ва унинг жанговар отряди – Ўзбекистон Компартияси сўнги кунларини яшаётган эди).*

Барибир Қашқадарё билан хайрлашув оқшоми жуда файзли ўтди.

### ТОҒ ВА ЧЎЛ МЕҲРИ

Касби қишлоғи жуда кўп қадимий манбаларда қайд этилган, йирик қишлоқ *(арабча «қасаба» – кичик шаҳар)* сифатида изоҳланган. Анъанавий хунармандчилик излари бор, у ҳамон давом этмоқда – Касби кулоллариининг санъати воҳада яхши маълум. Кўҳна тарихга дахлдорлигининг яна бир шоҳиди – кунботар томонда қадимий қабристон мавжуд. Унда бир қанча хонақоҳ ва саждагоҳлар бор. Энг йириги – Султон Мирҳайдар Амир Шамсиддин *(вафоти – 1366 йил)*га мансуб. Шу ерда таъмирлаш ишлари олиб бораётган қурилиш участкасининг бошлиғи, мозий ихлосманди Олим аканинг ҳикоя қилишича, мажмуани икки метрлар қалинликда тупроқ кўмиб қолган экан *(бу миноралардаги излардан ҳам билиниб турибди)*. Қазиб ишлари ниҳоясига етмаган. Кейинроқ қўйилган бир қабр тагидан очилиб қолган қадимий қабрни кўрсатишди, у бешик шаклида ғишт билан терилган, туйнуги бор, ундан қўл тикиб кўрганларида аёл кишининг сочлари илашиб чиққан. Ҳа, ҳали тупроқ қаърида кўплаб синоатлар бор.

Қазиб очилган иморатлар ўзига хос меъморчилиги ва жуда батартиблиги билан ажралиб туради. Қабрларда тарих битилган тошлар сақланган.

Ривоят қилишларича, Султон Мирҳайдар асли урганчлик бўлган, Бухорода таълим олган. Унинг тиришқоқлигига тан берган домла қизини бермоқчи

бўлади, бироқ ифвогарлар ишни бузгач, бош олиб Кас-бига келиб қолади, қирқ устунли мачит қурдиради. Шундан бошлаб работ пайдо бўлибди. Ҳикоя қиладиларки, Темур ташриф буюрганда оти сув ичиб турса, унинг танглайдаги холни кўриб қолишади. Кейин эса ўғирликда тухмат қилишади. Исбот сўралганда, «отимизнинг танглайда холи бор эди» дейишади. Жаҳли чиқиб, қабилани сахрога қувғин қилади. Йўлда давом этади-ю, уч кун ҳам юриб-юриб шу ерга келиб қолаверади. Шунда Мирҳайдар ота қувғин қилинганларни кечиришни сўрайди.

Мажмуанинг шимол томонида Абдуллахон даврида қурилган ёпиқ сардоба сақланган, ичида муздек суви бор, бироқ ичишга яроқсиз. Гумбазининг кесими 30 метрлар, сув сатҳидан шифтига 15 метрча чиқади. Жануб томонда очик сардоба излари бор. Бу ер, афтидан, катта шаҳар ёки карвонсарой бўлган.

Кейинги рўшноликлар туфайли эътиқод ҳурлигига қайтиш, руҳий покланиш масканлари – масжидларни тиклаш, янгиларини барпо этишга катта эътибор берилаяпти. Имонли кишиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли гўё чанг қоплаган япроқлар устига оби кавсар ёғмоқда.

Ғалаба қишлоғида *(бу мавсканда тоғдан кўчирилган тошқўрғонликлар келиб жойдашган)* ҳашар йўли билан катта «Тошқўрғон» жомеъ-масжиди қурилиб, бир йилдан буён ишлаётган экан. Асосий қисми тошдан *(у Самарқанд тоғларидан ташиб келинибди)* тикланган, замонавий бетон плиталар билан бирга анъанавий дурадгорлик ишлари уйғунлашиб кетган. Бино кишининг баҳрини очадиган иморат бўлибди. Арча устунлари биз қадам қўйган тоғлардан келтирилган. Бундай масжид Муғлон қишлоғида ҳам қурилайётган экан.

Кечқурун «Ғалаба» хўжалиги ёшлари билан экспедиция қатнашчиларининг учрашуви бўлди. Таассуротлар баҳам кўрилди, шеърлар ўқилди, мусиқа оҳангларига рақсга тушилди. Кеча анча дилкаш ва самимий ўтди, у ўн беш кунлик сафар якуни, Қашқадарё билан хайрлашув рамзига айланди.

## ТУПРОҒИ – ТАРИХ УРВОҒИ

Бухоро ва Амир Темури!

Одатда, қадим тарих учун улуғлик тимсоллари қиёсланмайди. Дейдиларки, ўнта бўлса, ўрни бошқа. Агар мутлақ «қўл етмас» чўққилар ҳақида гап кетгудек бўлса ҳам улар тарозининг икки палласига қўйилмайди.

Бу икки исм бизнинг қадриятларимизни, ўзлимизни ифодаловчи икки тушунчадирки, улар фақат ёнма-ён ва бақамти яшаши, бир-бирини тўлдириб туриши керак. Истикболга чорловчи кўплаб нури маёқлар сафида яна бир жуфт ёруғ юлдузнинг борлиги қандай соз!

Бухоро йиллар шиддатини енгиб, бардам яшамокда, асрлар ва йиллар бу кўҳна заминга ўзига хос дастхатни турли шаклда чеккан: бугун ёнма-ён жойлашган ўн икки минг киши намоз ўқиши мумкин бўлган Мачити Калон ёки шунча кишини бир йилда ақлдан оздириши мумкин бўлган видеосалон.

Буюк жаҳонгир ҳам асрлар тўфонини писанд қилмай бардам яшайпти. Не бахтки, ундан қанча узоқлашсак, йўллар унга шунча яқин олиб бормокда. Мангу барҳаёт руҳга ҳазор бор салламно!

Ҳали Қашқадарё бахш этган рангин туйғулар қалб мулкига айланмай туриб, «ислом оламининг қуввати» остонадаёқ бетимсол ҳикмат билан қарши олди. Остона – Когон шаҳрида барча динлар ва мазҳаблар

учун муқаддас бўлган (*халқаро аҳамиятга молик дейиш мумкин, бунақаси кам топилади*) Баҳоуддин Балогардон ҳазратларининг ёдгорлик мажмуасини четлаб ўта олмадик.

Айтиш мумкинки, бу соҳир гўшага қадам қўйиш насиб этгунча ҳам дил ифтихор ҳисларига лим-лим тўлиб кетганди. Ҳар бир янги манзилда яна бир янги мўъжиза (*ҳатто кашфиёт*)га дуч келинар экан, беихтиёр энтикасан, дийдангга, мижжаларингга ёш қалқади: ҳар бир қаричи маърифат хазинаси бўлган бундай азиз тупроқ яна қаерда бор?!

Олайлик, бир қадам орқада қолган Муборак шаҳрида олдимизни тўсиб худди Амриқо президенти ўзгаргандек бир янгиликни сиғдиролмай тўкиб солишди: Темур болалигида сув тортган Занжирли қудуқ қўл етгудек жойда, марҳамат қилинглар (*Бир учрашувда «Темур бобомизнинг ўзи ном қўйган Хусен қишлоғида бўлдинларми?» деб сўрашди. Шундай пайтда мен Қашқадарёни яхши билмаслигимдан, гуруҳимиз аъзолари эса танланган манзилларимиз харитаси жуда қашшоқлигидан ўкиниб кетамиз*). Қаранг, одамзод 2 минг йиллик тарихида яратган беш алпнинг бири Буюк Темур билан боғлиқ жойлар фаранг ёки олмон тупроғида эмас... Муборакда! Кўнгил, ифтихор кавсарини томчима-томчи сиғдир ва наъра тортки, ўтмишинг гўзалдир, унга меросхўр ва лойиқ бўлмасанг – уят!

Ҳазрати Баҳоуддин зиёратгоҳида ихлос билан келганларни ҳар куни учратиш мумкин, улар табаррук қудуқдан сув ичиб, жонлиқ сўйиб, кенг, баҳаво айвонларда, ҳовуз бўйида, хос ҳужраларда тунаб қолаверадилар. Бу жойнинг руҳи чинакам маърифат масканини эслатади.

Чап қўлдаги улкан хонада болалар савод ўрганмоқда, у намозгоҳга туташиб кетган. Асосий ма-

чит ҳам ёнма-ён. Ёнлаб ўтиб ҳовлига кирасиз, азбаройи ихлос туфайли пойабзалингизни ечиб ташриф буюрсангиз, яна ҳам соз. Ҳовли анча кенг, 30 метрлар ичкарида қари тут тагида нуроний отахон кўрпачада оғир чўкиб ўтирибди, у тинимсиз Қуръон тиловат қилади. Бир қадам нарида эса сағана – Баҳаво ҳаққул ва дин Нақшбандий ҳазратлари ва яқинларининг қабри. Гарчи қўл теккизиш ва ўпиш савобдан эмас, деб ёзилган бўлса-да, мрамртошлар ялтираб кетган, эҳтимол қанчалаб кўз ёшларнинг излари қолгандир.

Бундай жойларга, одатда, «кўзи очилган»лар келади ва ўзларини руҳан поклайдилар. Покланиш сидқидилдан тавба-тазарру қилиш ёки имон келтириш ёхуд «кўнгил ойнасини шўр кўз ёшлари билан ювиш» орқали бўлиши мумкин.

«Дил – ба ёру, даст – ба кор» шиори ҳазрат Нақшбандий тариқатининг асоси. Ўзини ҳақ йўлига армуғон қилиш, қалб гумбазига муқаддас Қуръони каримни нақш айлаш ва дилни Оллоҳга банд этиш – биринчи шарт шундан иборат.

Таклифимиз билан имомхатиб Мухтор ҳожи Абдулло суҳбатимизга қўшилдилар. Мукаммал тарбия, чуқур таълим, истиқболли таҳсил, фикрни банд қилган маъно салмоғи бу кишининг нуроний чехрасида, юз ифодасида акс этган, ул зот ҳали сояда қолиб кетаётган янгича ўзбек зиёлиси вакили. Мусоҳаба ихлос, руҳ озуғи, олам лаззати каби мавзуларда давом этди.

Ривоят қиладиларки, Темурнинг элчилари келиб, ҳазрат Баҳоуддинга хазина тугаб қолганини айтишибди. Ҳазрат мачит деворининг тубидан бир қоп тупроқ олиб кетишни буюрибдилар. Хулоса – ихлос қилсанг, тупроқ ҳам олтинга айланади.

Ниҳолнибошдан, боланиёшдан тарбия қилинглари – боболаримиз шундоқ демишлар. Писта, мағиз, хурмо



чайнаб, гўдакнинг тили остига қўйилса, у сут билан бирга ютилгай ва бола пок бўлиб ўсгай.

Кўз кўради, қулоқ эшитади, тил... Бироқ барча аъзоларнинг подшоси – қалб. Қалбнинг истагига кўра кўз бошқачароқ кўриши, қулоқ... Шул сабаб ислом динимизнинг бутун борлиғи қалб тарбиясига қаратилган. Овқат – жасад озуқаси, қалб озуқаси эса эътиқод, унинг суви – Оллоҳга муҳаббат, лаззати Оллоҳга хизмат...

Мана бу исм-шарифларнинг салобатли эшитилишини қаранг: Бухорода ҳазрат Саид Мир Қулол ўтган, ул зотнинг 104 забардаст шогирди бўлган. Шулардан Бобо Самосий, ул зотнинг икки кучли шогирди: мавлоно Ориф Деггароний ва Баҳоуддин Нақшбандий бўлганлар.

Ушбу маълумотлар яна ҳам қизиқ: Швейцариядаги дорулфунунларнинг бирида тасаввуф куллиёти бор, унда Нақшбандий тариқати ўрганилади. Амриқода Нақшбандия жамияти тузилганига кўп йиллар бўлган.

Биз, ниҳоят, чорак соат ҳожи жаноблари суҳбатида бўлдик. Ҳаммаси янги, гард қўнмаган, инсоний тарбияга дахлдор гаплар. Азалий тарбия усулларимизни, йўриқларимизни халққа етказиш вақти келмадимикан?!

... Бухорода бизни «Буюк ипак йўли» халқаро туризм акционерлик жамияти вакиллари кутишарди. Бу жамият янги истаклар ҳосиласидан бунёд бўлган, эзгу мақсадлари бисёр. Ҳали ёш, жузъий камчилардан қатъи назар, истиқболи порлоқ. У жаҳон туризмнинг супермарказларидан бўлиб қолади. Вилоят ёшлар ташкилоти ҳам сафаримизга катта рағбат билдиришди, қўллаб-қувватлашди.

Қадимий шаҳар ўз дарвозаларини очди. Юракда эса бир ҳис туғён урарди: Бухоро Темурнинг онаси

Тегина бегим Моҳ шаҳри, жаҳонгир бу заминга асло тиг кўтариб қадам қўймаган, аксинча, ҳар сафар пиёда кириб келган, тупроғини ўпган, сиғинган. Жами фарзандлар йўлини ёритиб турувчи қуёш – она, Она-жон! Салтанатинг мангу бўлсин.

Сайёҳлар орасида «Бухорони юз кун томоша қилиш керак», «Бухорони тунда кўрмоқ лозим», деган нақллар юрар экан. Икки чошгоҳлик сафаримиз давомида Эски шаҳарнинг 3–4 жин кўчасини базўр айландик.

Бухорода учинчи дафъа бўлишим. Илк марта Шарқнинг бу қадимги шаҳри мўйсафид алломадек тасаввур қолдирганди: муҳитда ўзгача салобат ҳукмрон, кўзинг ё минорага ёки қалъанинг асрий деворларига тушаверади, уларда эса сирлилик ва виқор. Ҳа, Бухоро – аллома, бу ерда дунёнинг бор илми жамланган. (*Ушанда Самарқанд шеърятдек жилвагар ва нафис туюлганди*). Иккинчи бор эса шаҳарнинг турмуш ташвишларига шерик бўлдим. Бу сафар йўриқчи (*гид*) Саидакром ака (*Сергей Сергеевич эмас*)нинг саъй-ҳаракатлари билан чинакам танишувга киришиш имкони бўлди.

... Мана, Лаби ҳовуз, зинапоялардан бирида ўтир-да, кечгача хаёл сур. Хоҳла кўчанинг нариги бетидаги Кўкалдош мадрасасининг услубий бетакрорлигини, унинг бугунги кунда меҳмонхона сифатида фойдаланаётганлигини, иста жездан қуюлган Насриддин тимсоли манзарага қанчалик мазмун қўшгани-ю, овқат қолдиғининг бурунни тешгудек ҳиди қаердан келаётганини зеҳнингдан ўтказ. Нега ҳовуз четига кўпроқ тут экилган ва уларнинг сони нечта? Бугун ҳовуз суви ичишга яроқсиз, ўтмишда фаросатли мешкобчилар ундан қандай фойдаланишган?

Нодир девонбеги ёки Абдулазизхон мадрасаларининг пештоқи (*гумбази*) еттита, Улуғбек мадрасасида эса бешта. Бирор синоат борми?

Минораи Калон (*1127 йилда қурилган*)нинг баландлиги 46 метр. Шунча нарида усто Бақо мангу уйқуда ётибди. Ул зот авлодларга айтиб қолдирмишки, Минораи Калон рўзи қиёматгача собит турғусидир. Мабодо, ўшал тўфон бошланса, иморатим қабрим сари қулайди ва мени уйғотади. Мен гўрдан чиқиб, бухоролик юртдошларимга нажот йўлини кўрсатаман.

Саидакром ака Бухоро ҳақида мухтасар ва теша тегмаган гапларни айтди. Эътироф этишича, бу муқаддас шаҳар тарихини ипидан-игнасигача билувчи кишилар кўп (*улар «халқ тарихчилари» деб аталади*), ҳикояларини ёзиб олиб, нашр қилиш керак. (*Эсимиз кирса, шундоқ қиламиз*).

Жин кўчаларда, ариқ бўйларида, ҳар бир ғиштда ўтмиш бўзлаб ётибди – эътиборсизликдан, ғайри расм-русумлардан. Ҳамма тартиблар адолат, инсоф, саховатга қаратилган эди, улар поймол қилинди.

Мир Араб мадрасасининг муаззам деворлари орасидан ғишт қалаб беркитиб ташланган бир тешикни кўрсатди йўриқчи. Таркиб топган анъанага кўра, мухтож одам тирқишнинг олдига келиб, ўз тилагини айтиб шивирлаган (*масалан, «менга ўн сўм керак»*), бир зум ўтгач, гойибдан қўл узатилиб, ўша истакни сўраганга тутқазади. Одам кўринмаган, бир оғиз гапирмаган, негаки, мухтожлик сезган одам хижолат бўлмасин, ўз камчилигидан эзилмасин. Ва яна анъанага кўра қарздор одам ўша пулни, албатта, қайтарган. Мир Араб мадрасаси 1533–36 йиллар очилган ва шундан бошлаб «кўринмас одам» марҳаматидан баҳра олиб келишган. Шўро келгач эса туйнук тақа-тақ ёпиб қўйилган. Янгича муносабат, давр қиёфаси бу.

Олам сир-синаотга тўла, ҳар бир гап ҳикматдан холи эмас. Кимдир «Бир вали 73 йилдан сўнгрўшнолик бўлишини каромат қилган» деганида унчалик ишонмадик, бироқ мана бу мўъжизага ишонмаслик мумкин эмасди. Абдулазизхон мадрасасидаги масжидларнинг бирига ташриф буюрганимизда мезбон меҳрога ишора қилиб, «Нимани кўряпсизлар?» деди. Ярим гумбаз шаклида ўйилган девор тоқи бўртик нақшлар билан безатилган, тиниқ оқ рангда эди. «Ҳозир шу ердан муаззин чиқиб келади», деди Саидакром ака. Нуқул жиддий гаплардан айтиб келган бу одамнинг ҳазили танг қолдирди. Ҳамма мўъжиза илинжида тикилди. Даҳлизга чикдик, барча чироқлар ўчирилди, 25 метрлар узокдан меҳробга тикилдик, ростдан оқ, катта салла ўраган, чўққи соқол нуроний бизга қараб турарди, лаб, кўзлари ҳам аниқ билинарди. Ёқамизга туфлаб, изоҳ сўрадик. Бўртик нақшлар шунчалар симметрик ишланган эканки, ташқаридан тушган ёруғлик синиб, сояда одам тасвири ҳосил бўларкан. Бу закий ижод ҳамон боқий, йўлингиз тушса гувоҳ бўлинг.

Ҳайрат ичра орқага ўгирилдим, мени нақшинкор девор суяб турарди. Унда шундай ёзув бор экан:

*Оламни пиёда кезиб чиққанлар,*

*Икки дунё сўзин дилга тукканлар...*

Бухорода кўриб турганларимиз: Чашмаи Аюб, Исмоил Сомоний мақбараси, Арк, Ҳовузи боло мачити, Намозгоҳ ва охирида Ситораи Моҳи хоса – Юлдузлар ва Ой маскани. Бу маскан муболағадан ташқари ҳайратли эди: унда энг илғор Оврupo ва классик (**нодир**) Шарқ меъморчилиги уйғунлашиб кетган. Қурилиш тугалланган йили – 1918. Агар бинолар тарҳи, ганж ва ёғоч ўймакорлиги Шарқдан, курсилар, пол, қандиллар, мунаққашда кўзгудан фойдала-

нилганини Овруподан дея тушунсак, бу обида минг йиллар давом этиши тайин бўлган санъатга доя бўлиши мумкин экан. Афсуски, инқилоб...

Ситораи Моҳи хоса – Шарқ ва Ғарб нодир санъати қўшилувининг ҳозирча биринчи ва сўнгги намунаси.

Оғир хаёлларни елга сочай, деб ёзги кўшкка кўтариламиз. Ёғоч зиналар ўттизтами, қирқта. Кўзимиз тушган манзара эса... қўл бўйидаги ширяланғоч хотинлар. Маълум бўлишича, ёдгорлик ҳудудида санатория бор, унда кийимларни ечиб, гарданни Ўзбекистоннинг сахий кўёшига тоблаш мумкин экан. Бу тадбир ижодкорларининг фаросатига тан бермадик.

Дарвоза олдида товуслар кузатиб қўяди. Улар камалак қанотлари билан хуфтон бўлган дилингизни овлайди. Кимдир шивирлайди: «Бу ғиштларга амир Олимхоннинг қадами теккан». Енгил тин олиб, газсув дўконига қўл чўзасан.

Мабодо, зулматдан зериксангиз, қалбингиз нур истагида бўлса, Бухорога боринг!

Юз кунда ҳам кашф этиб бўлмас шаҳар ҳақида бир чимдим ҳикоя – шу.

## СОҲИБҚИРОННИНГ ШОҲ АСАРИ

Сафар тизимида навбатдаги манзил – Самарқанд белгиланган. Шу ерда биз маррага етиб келган бўламиз, ўз саёҳатимизнинг савобини Соҳибқирон руҳига бағишлаб, мантиқан экспедициянинг биринчи босқичини тугаллаймиз. *(Ҳолбуки, ҳали икки кун бор. Темур дарвозасида «XX аср варварлари билан жанг қилиш»имиз, ҳомийларимиздан бири – Жиззах трикотаж фабрикаси жамоаси ҳузурига ташриф буюришимиз керак).*

Ўзбекистонда Самарқандни кўрмаган ёки у ҳақда билмаган эсли-ҳушли одам топилмас. Икки ярим минг йилдан зиёд тарихга эга, асрий мезонлардан «ер юзининг сайқали» деган улуғвор шўҳрат билан ўтиб келаётган бу бебаҳо маскан ҳар куни минглаб одамларни қабул қилади, кузатиб қўяди.

Биз бир чодирхаёлга – Самарқанднинг биринчи рақамли фуқароси жаҳонгир Буюк Темур фаолияти изига тушган 13 нафар зот тортанақдек қадим шаҳарга интилардик, эҳтимол, шу илинжда 18 кунни тоғу тошларда ўтказишга тўғри келгандир. Бизни у ерда ҳеч ким кутмасди, шаҳар оламшумул юмушлар билан банд, бунинг устига бугун якшанба, дам олиш куни. Биз Темур пойтахтининг азиз меҳмони эмас, балки «атоий» (*халқ ибораси – худо ато этган, кутилмаган*) меҳмони бўлишни, бу муқаддас даргоҳга тиланчилардек саодат, иқбол умидида кириб боришни эп кўрдик. Зеро, унинг тарихий шон-шавкати шунга ундайди, бизнинг қалбларимизда пайдо бўлган илоҳий тимсол шуни талаб қилади: буюк Соҳибқирон даргоҳига оёқ билан эмас, бош билан юриб борса арзийди.

Қадрдон Бухоро тонгги соат 4 да кузатиб қолди. Ҳамманинг руҳи тетик, айтилган вақтдан ҳеч ким кечикмай автобусда ҳозир бўлди.

Умуман, сафар давомида бизни кўзга кўринмас бир ғайрат тарк этмади. Ҳамма юмуш – юк билан тоққа кўтарилиш, суви қочган нонни булоқ сувига бўктириб ейиш, тунда юқа уйқу-қопда тап-тақир ерда дилдираб тонг оттириш, 4–5 соатлаб автобусда кезиш – ҳаммаси гаштли эди. Гўё ўткир бир назар бизни кузатиб тургандек, унинг олдида тайсаллаш, чарчаш мумкин эмасдек туюларди.

Манзиллар ҳам жуда тиғиз жойлаштирилган, бир кунда ўтиб кетган жойларни 2–3 кун ўрганиш

керак экан. Ижодий ишга, ҳатто хотира дафтари-га бирор нарса қайд этиб қўйишга вақт етмасди (*бу хулосалар келгуси юришларда ҳисобга олинади, деб орзу қиламан*). Учрашувлар, жонли мулоқотлар кам бўлди, демак, маърифий вазифалар тўла бажарилмади. Ташкилий ишлардаги номутаносиблик баъзан панд берди.

Шу кун тортишувлар билан нонуштани Катта-қўрғонда қилишга келишдик, бироқ на ошхона, на чойхона маълум эди. Наҳорда тановул қилган овқатимиз шунчалар бемаза эканки, кўнгилни айти-тиб, беҳузур қилди.

Регистонга етишда икки километрлар қолганда эса... бензин тугаб қолди. Тақчиллик замонида куни билан қолиб кетиш ҳеч гап эмасди.

Хайрият, иш осон кўчди. Энг яқин хонадон соҳиби кимлигимизни билгач, шахсий машинасидан сўнгги томчи бензинни ҳам олиб бизга берди. Боз устига астойдил чойга таклиф қилди, бирга юриши шартлигини, бироқ уйда ҳашар борлигини айтиб, самимий узр сўраб қолди. Бор бўлсин ҳамият!

Дастлаб Шоҳизинда мажмуини зиёрат қилдик. Бу жой ўзига хос марҳумлар шаҳри. Жаҳонгирнинг энг яқин кишилари мангу макон тутган гўша. Мақбараларнинг ишланишида такрорийлик йўқ, шакллар, ранглар марҳумнинг тирикликдаги сурату сийратини акс эттириб тургандек. Кўпчилиги хотин-қизлар марқадига бино қилинган, бу, эҳтимол, аёл олдидаги сўнгсиз қарзларни узиш истагидандир.

Одам кўп, турли тоифа ва диндан. Юз ифода-лари ҳам, демак, таъсирланиш ҳам ҳар хил: кенг кўйлак кийиб, рўмол ўраган опалар шундоқ пахта-зордан келган бўлса керак, лаблари тинмай пичир-лайди, азиз-авлиёларга сиғинади, бироқ рангларга, нақшларга бепарво. Зангор кўз, кумуш соч аёл эса

рангин кошинларга нозик бармоқларини босиб, ўз тилида нималардир дейди. Шунчалар хаяжондаки, кўзларидан оқаётган ёшга ҳам эътибор бермайди. Бир қадам, икки қадам қўяди-да, деворларни силаб, йиғлайди, гапиреди. Унинг хаяжони менга ҳам кўчди, ток ургандек бир титроқ вужудимни тебратиб ўтди. Ўз кечинмасини яширолмай ошкор баён этаётган, борлиқни унутган аёлни суратга олдим. У, эҳтимол, Самарқанд билан танишувни Шоҳизиндадан бошлаган, гапнинг рости, бу жой амир саройи эмас, қабристон – шу туфайли камтар. Мабодо, у Тиллакори масжидини ёки Амир Темур мақбарасини кўрса, қай аҳволга тушаркин?

Мажмуанинг тўрида XI асрда қурилган даҳмалар мавжуд. Пастроқда пайғамбаримизнинг амакиваччаларидан Қусам ибн Аббос мақбараси ва қабри макон топган. Кираверишдаги қайрақочдан ясалган мўъжаз эшиқни 1405 йилда эронлик уста Шерозий ясаган, у ҳамон шакл-шамойилини бузмай, ранглари ўчмай турибди, ҳали ҳам таъмирга муҳтож эмас экан.

Қабр тоши нозик нақшлар билан ороланган, сўзлар битилган. Мезбон улардан бирини айтиб берди: «Мусулмонлик йўлида ҳалок бўлган одам ўлган эмас, у муслимлар қалбида яшайди». Ва айтишадикки, қабрнинг кунчиқиш тарафида кудуқ – ер қаърига йўл бўлган. Уни 50-йилларда беркитиб ташлашган. Демак, биз бўлган икки ғор Самарқанддан чиқади, деган гап уйдирма эмас, унинг замирида ҳақиқат бор экан-да.

Чиллахонага тушдик, салқин ва сокин... Ташқарида ҳарбийлар навбат кутиб туришарди. Зиёратгоҳга одам танлаб қўйилмас экан, шунданми, ёзувлар, синиқлар. Ҳолбуки, 60-йилларгача Шоҳизиндага фақат мусулмонлар қўйилган, улар-



га ҳам обдон таҳорат олгач, рухсат берилган. Ҳозир эса... «санъат – халқники»-да...

Регистон – дунёдаги гўзал шаҳарларнинг энг гўзал гўшаларидан. Мен бу ердаги иморатларнинг инсон кўли билан бунёд этилганига кўп-да ишонмайман. Улар бутунлигича, гўё дарахтдек, гўё тоғ қоясидек униб чиққан ёки осмондан тушган. Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, мағрурлик туғи сифатида кўкка ўрлаган минорлар.

Бу сафар мен ана шу жойда буюк тоғлар маҳобатини, улуғворлигини ҳис этдим. Табиат – тенгсиз меъмори аъзам. У билан баҳслашиб бўлмайди, фақат тақлид қилиш мумкин. Қани, ҳар бир меъмور табиатнинг мингдан бир заковатини ўз иморатига кўчира олса, одамзот бунчалар ваҳшийлашиб кетмасмиди?

Эсимга тоғлар орасидаги Амир Темур ғорининг улуғворлиги тушиб кетди. Муборак супада деярли ухламай тонг оттирган тунда маҳобатли қояларга термулиб, Регистонни ўйлаган эдим, тоғлар мамлақати қанчалар салобатли бўлмасин, майин ва меҳрибон туюлганди – ҳозир шу ҳис қайтди. Хилват макондаги она табиатнинг нодир ижоди билан бетимсол Регистон мажмуида уйғунлик, ҳамоҳанглик сездим. Буюк меъмورнинг тафаккури чўққилар виқори ва улуғворлигини сингдира, гавдалантира олган. Биз ҳаммамиз табиатнинг фарзандларимиз. У ўз амри билан бунёд этади, ўз хоҳиши билан йиғиштириб олади.

Самарқандда табаррук, муқаддас жойлар кўп, лекин уларнинг юраги Амир Темур ва Темурийлар мақбараси. Бу ерда Туронзаминнинг шавкати, буюк жаҳонгир Амир Темур ибн Тарагай мангу макон топган. Худудсиз мамлакатларда адлу имонни устувор этган зот, «Куч – адолатдадир» деган шиорни байроқ

қилган одил подшо, ер шарига сиғмаган қалб бир парча қора нефрит остида сокин уйқуда ётибди.

Қушлар бу зиёратгоҳни айланиб учадилар, одамлар бу даргоҳга хоҳлаб ва хоҳламай тавозе билан кирадилар.

Мақбара шифти сидқидилдан таъмирланибди. Уни 20 йиллар олдин, мактаб бола пайтим кўрганман. Шунда ходалар қалаштириб ташланган, кутган мўъжизамга дуч бўлмаган ва ҳайратим тўзиб кетганди. Энди эса – қойил, истеъдод тадрижи, чинакам меросхўрлар бор экан-ку!

Соҳибқирон қабрига қўйилган қора нефрит фақат Амир Темурники бўлгани учун маҳобатли.

Пастга, қабрлар ёнига тушдик. Муборак Қуръон суралари яна бир гуруҳ бандалар ташриф буюрганидан хабар беради. Сукунат. Бобомизнинг абадий уйларига тикиламиз. Ўша машъум «очиш» излари билиниб турибди. Оқ тош уч жойдан дарз кетган.

Таъналарнинг мавриди эмас, хилхонадан чиқайлик, очиқ ҳавода гаплашайлик. Бир савол чарх уради: Соҳибқироннинг азиз бош суяги қаерда? Либослар, ҳарбий хос ашёлар олиб кетилганини билдик, ҳатто бобомизнинг қошлари тилла қутичада сақланаётганини, у Эрмитажнинг энг нодир буюмларидан эканини эшитдик. Хўп, булар эғасига қайтариладими? Ҳамма жим, сур одамлар узоқроққа кочади.

Бизни маъзур тут, Самарқанд – қўриқлай ва улуғлай олмаганимиз учун. Ҳақдан тилаган муроди-га етади, дейдилар, ҳаммасини жой-жойига қўювчи фарзандинг, эҳтимол, бешиқдадир, эҳтимол, эшиқдадир. Сен барибир бетимсолсан. Сендан фалакка нур кўтарилади. Бу нурни дунёнинг нариги тарафидан илғайдилар, унга интиладилар, биз эса кўзи камашган одам ҳолидамиз. Сенинг шавкатинг боқий

ва илло Амир Темур ҳам мангу барҳаётдир. Зеро, асарни унинг муаллифисиз тан олмаслар. Сенга бутун ишқини бахшида этган, қадами теккан жойдан жами усталарни, моҳирларни келтириб, оролатган, обрўйингни бошида тутиб, дарвозаларингга дид-бонлар қўйдирганча, бу шаҳардан ҳеч кимнинг дили хижил бўлиб кетмаслигигача таъминлаган ўғлингни унутиб бўладими? Йиллар хотираларни хиралаштиради, замон йўриғи билан воқеаларни турлича талқин қиладилар, лекин сен ўз борлигингча тураверасан. Буюк Темурнинг кимлигини асрлар оша авлодларга сўзлайверасан.

Жаҳонгир она шаҳри Шахрисабзда қурдирган Оқсарой деворларига, «Мин шакка фи валаятино ва караматино фанзар ила имаратино» деб ёздирганди. Ҳамоҳанг тарзда шундай демоқчиман: «Кимки Темурнинг буюклигига шубҳаланса, Самарқандни бо-риб кўрсин».

## УРГУТДА

Бухоро ва Самарқанддаги уч кунлик саёҳатдан сўнг Ургутга йўл олдик. Агар ҳар бир жойнинг рамзлари танланадиган бўлса, чинор Ургут тимсолини аниқ ифодалайди. Бу музофот азалдан фаровонлиги, элининг бойлиги билан машҳур. Шаҳарда кейинги икки йилда амалга оширилган қурилишларнинг қўлами ва ўзига хослиги диққатни тортади. Кулол Маҳкам Облоқулов хонадони эса «ўзига хос»ликнинг янги қирраси – боболардан қолган уч юз йиллик хумдон ва 8 ёшли ўғилнинг дастлабки мустақил иши – жажжи лаганча.

Ургутда азалий ва барқарор ҳаёт бир маромда давом этади. Бу тупроқда Темур ва Темурийлар бир неча марта бўлганига шак-шубҳа йўқ. Афсуски, минг

йиллик чинорлар сўзлай олмайди. Уларнинг «ўзига хос» қўриқхонасида бўлиб, табиатнинг буюк ижодига ва марҳаматига яна бир марта таҳсин айтдик.

Танасининг айланаси – 42, баландлиги – 30 метр, 1050 ёшли дарахтнинг илдиз қавагида 20 киши бемалол жойлашиб ўтирар экан. Тепангда ўн асрлик тарих гувоҳи турганини ҳис қилавермайсан.

Зилол булоқ бўйидаги мана бу дарахтнинг ниҳоли жаҳонгир вафотидан 25 йил кейин ўтказилгани (*балки уни шикордан қайтаётган қайсидир шаҳзода эккан*), наригисининг эса Темур ҳаётлигида кўчати қадалганига 65 йил бўлгани (*ёши 710 да*) дабдурустдан хаёлга келавермайди. У зотлар аллақачон фано бўлган, хотираларни чанг босган, оқ бадан чинорлар эса қўр тўкиб турибди, улар яна шунча яшаши мумкин. Умрингни чинорларга ула, шу бахт насиб этганларга юракдан ҳавас қил, зеро, тириклик саҳнасида бир чиқиб ғойиб бўлишдек қисқа бўлса-да, инсон умри чинорлар ҳаётгича давом этиши мумкин. Бу ҳикматни жаҳонгир Амир Темур каби буюк зотларнинг мангу ўчмас шуҳрати бугун ҳам тасдиқлаб турибди. Яхши ниятларни дилга жо қилиб, ихлос билан чинор таналарини тавоф қилдик, муаззам булоқ сувига юз-қўлларимизни ювиб, тўйиб-тўйиб ичдик. Ҳозирча шу бахт насиб этган экан, уни ҳам бой бериб қўймайлик.

Ёғоч меъморчилигининг ажойиб намунаси – Ғавсул Аъзам масжиди Ургутнинг кўрки, ташрифимизни мамнунлик билан кутиб олишди.

Қалин дарахтзорлар оғушидаги чойхонада ўтган тун ҳам файзли бўлди. Алламаҳалгача маҳаллий ёшлар, кексалар билан суҳбат давом этди. Одамлар ҳар хил юмуш билан жуда банд бўлишар экан, тонггача қадамлар тингани йўқ. Ургутнинг сирли эртаклари кўп.

Сафар оёқлаб қолди, ҳисобимизда охирги кун ва тун, ундан кейин Тошкент. Эрталаб эшитган биринчи хабаримиз – Горбачевнинг бўшагани бўлди. Тушуниб бўлмайди: ахир у икки вазифада эди-ку, озод қилишдимиз, истеъфо бердимиз? Мен хафа бўлдим, кимдир «Энди Ўзбекистон мустақилликка эришади, биз унинг биринчи аскарлари бўламиз», деб шовқин солди. Ҳамма ўз муносабатини изҳор қилди, фикрлар бир хил эмас эди. Тўғриси, бу янгилик тезда унутилди, ўз ташвишларимизга шўнғиб кетдик. Навбатдаги манзил – Темур дарвозаси, сўнгра – Жиззах.

### ДАРВОЗА

Ривоят қилишларича, Соҳибқирон Амир Темур Самарқанддан шимолга йўл олганда Ғаллаоролдаги тоғ тизмаси ёрилиб иккига ажралган ва унга йўл берган экан (*бу бобомиз кучининг илоҳийлигига, унинг асло қайтмас ва енгилмас эканига ишора*). Эндликда икки қоя икки тарафга мангу ажралган, ўртадан Сангзар дарёси, автомобиль ва темир йўл ўтган.

Қирғоқларда қарама-қарши манзара намоён, чап тарафдаги қояда Мирзо Улуғбек ва Абдуллахон (*XVI аср*)нинг зафарли юришлари таърифи ёзилган бўлса, ўнг тараф вужудидаги доғлардан фарёд чекиб ётибди. Бу ерда шундай хатти-ҳаракат қилинганки, уни тасодиф деб бўлмайди. Чўнг қояга исмлар (*аксарият европача ва жуфт – аёл-эркак*) турли бўёқларда ёзилган, ерда, автомобиль йўлидан ичкарига тигдек кетган кавак саҳнида шиша синиқлари. Синиқлар ичимлик, кўпроқ шампань виноси идишлариники бўлиб, ерни бир қаричлар қалинликда қоплаган.

Бу жой кимларгадир зафар майдонига айлангани, эҳтимол, аждодлари истило қилган заминда эсон-омон қовушганлари, энди уларнинг янги авлоди

давру даврон суриб яшашига пойдевор қўйилгани, бир кун келиб улар ҳам жуфтини топса, шу ерда оналарини эслаш учун келиши шарафига шишалар билан «мушакбозлик» қилингани ҳақиқатга яқин. Бундан ҳам баттар даҳшатли воқеалар, ҳақоратлар содир бўлгандир. Бироқ ўз исмини ёзган маҳаллий ёшлар бу қилиқнинг моҳиятига тушундилармикан? Ахир бу ер Пётр ёки Наполеонга эмас, Темур бобомизга алоқадор муқаддас жой-ку!

Истило, мустабидлик – унинг изларини ҳам ҳар қадамда учратиш мумкин. Бор гап – нариги қирғоқда ёнма-ён қолдирилган зафарномалар устида яна бир «зафарнома» бўлган, у фақат қояга ўйиб ёзилмаган, кўчма лавҳа (*эхтимол, мрамор*)га дарж этилган, тошга михлаб ёпиштирилган. Пастдаги иккаласидан фарқ қилиш учун тепасига электр чироқ (*фонар*) ўрнатилган. Афсуски, ёзув ҳам, чироқ ҳам йўқ, балки улар туриши керакмиди, ҳар кўрган ўзбекнинг бағри куйиб, бир сесканарди...

Биз ҳеч ким қилмаган ишни бажардик, чангга ботиб, кетмон ва белкурак билан обдон ишладик. Бадбўй ҳид анқирди. Чиқиндилардан катта тепа ҳосил бўлди, унга фон Кауфман қабри устидаги белгини қўйиб, Жиззахга йўл олдик.

Шаҳарда нотинчлик сезилиб турарди, Москвадаги воқеалар – давлат тўнтаришига уриниш нима билан тугашини ҳеч ким билмайди. Фалак чархи тескари айланиб, эркин фикр тарафдорлари қувғин қилиниши ҳам мумкин. Бизнинг қилиб юрган ишимиз учун уч йил олдин ҳам қамаб қўйишлари тайин эди. Шунақа андишалар туфайлими, Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасидаги учрашув номигагина, тай-ёргарликсиз ўтди. Бир томонлама шуниси ҳам яхши бўлди: бизга энг кераги – ҳордиқ, жуда чарчаганмиз.

Тошкентга элтувчи кунга гўзал сарлавҳа қўйиб тонг отди. Оралиқ 4–5 соатлик йўл. Яна қайноқ ҳаёт ўз бағрига олади. Ўша толғин ва соғинчли кунлар бошланади. Турмушнинг минг битта икир-чикирлари орасида мунаввар туйғуларга ҳар доим ошно бўлавермайсан. Биз эса йигирма кун ҳамма ташвишлардан воз кечиб, фақат бир тушунча асири бўлдик: Соҳибқирон Амир Темур!

Турлича завқ, сажия ва меъзожга эга бўлган, мақсадлари ҳам ҳар хил кишилар қалбида бу кунлар ранг-баранг акс этгани шубҳасиз. Агар кўнгилдаги суратларни бир мажмуага тўплаш имкони бўлса эди, мислсиз рангин ва гўзал манзара ҳосил бўларди. Ота-боболаримиз изи мангу турфа гулларга ўранган.

Бекаму кўст нонушта қилиб олгач, автобуста – бизнинг йигирма кунлик ҳаракатдаги уйимизга чиқиш бошланди. У обдон безанган – пешонасига араб имлосида экспедиция номи, биқинида мўлжалланган манзиллар харитаси ва сафар унвони туширилган. Уни «Тошшаҳарйўловчиташиш» идораси (**бошлиғи Равшн Файзуллаев**) ҳомий сифатида ихтиёримизга берган эди. Ҳамматингга балли, яхшилар!

Бирлашма вакиллари билан самимий хайрлашдик, мулоқотларимиз абадий ва узлуксиз бўлишини умид қилдик. Ҳамма ўз жойини эгаллади. Ҳеч ким жанговарликни тарк этмаган, менимча, сўнгги минут – тантанали кутиб олишгача сафдагидек бўлишга аҳд қилганди. Автобус Жиззах кўчаларини ортда қолдириб, асосий трассага чиқиб олди.

Иншооллоҳ, шу кунларга етдик, мақсадимизга эришдик. Аслида, ҳеч нарса бўлмаслиги, ҳаммаси қоғозда – газета юзида қолиб кетиши мумкин эди.

Йўқ, Яратганнинг ўзи оқ йўл берди, кичкинагина жамоа уюшдик, соғ-саломат белгиланган тадбирларни кутилганидан ҳам зиёда адо этиб, маконга қайтаяпмиз.

Сафар муваффақиятининг яна бир жиҳати – у нақадар мазмунли ва эсда қоларли бўлди. Бизларга тасодифан шундай омад кулиб боқдики, ўтган жойларимизни катта пул эвазига ҳам кўриш қийин ёки ҳозиргидек мазмунли бўлмаслиги мумкин.

Тушунчаларимиз – халқимиз ҳақида бутунлай янгиланди, ҳатто ўзгариб кетди. Одамларимиз биз ўйлаганчалик гўл ёки ювош эмас, яхшидан ёмонни, асилдан ноасилни жуда тез ажратади. Агар ногаҳон қитиқ патига тегиб қўйсанг, тириклай еб қўяди. Уларнинг қонида жаҳонни лол қолдирган авлодларининг ғурури, шаън-шавкати, фаросати кезмоқда, боболаримизнинг енгилмас мағрур руҳи халқимиз руҳига пайванд. Ўзбекистон халқи ҳар доим ҳал қилувчи овозга эга бўлиб келган ва бугунги долғали кунларда ҳам шундай бўлиб қолади.

Экспедиция давомида турмушда учрайдиган катта-кичик турли муаммоларга дуч келдик. Улар кўлами жиҳатидан паст-баланд: баъзилари хўжалик миқёсида, айримлари туман ёки вилоят даражасида ҳал бўлади.

Жумладан, Ҳисор давлат кўриқхонаси худуди ўт-ўланга шунчалар беланганки, сомонхона дейсиз. Йўл очиб юриб бўлмайди. Нега шу ерларда ҳар 3–4 йилда чорва молларини ўтлатиб, тозалаб бўлмайди?

«Қалқама» хўжалигида етиштирилган лалми узумлар тилни ёради, ажойиб майиз бўларкан. Ер – бисёр, одамлар – ишсиз, шу соҳани ривожлантиришга нима тўсиқ бўлаяпти? Ёки сув омборидан тутилган гулмоҳи балиқлар ниҳоятда хушхўр. Уни кўпайтириш, савдога чиқариш йўллари кўрса бўлади-ку!



Моҳиятан шундай муаммолар борки, уларнинг ечими бутун республика, ҳатто жаҳон миқёсидаги саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Амир Темур ғори (*унга энг яқин аҳоли манзили Тошқўрғон қишлоғи*) ва унинг атрофидаги манзаралар ҳар қандай кишини лол қолдиради. Бу жойни жаҳон туризми олтин ҳалқасига киритиш, у ерга ажнабий сайёҳларни таклиф этиш иқтисодий ва маънавий жиҳатдан катта наф келтиради. Мабодо, Қизилсув дарёси ўзани – дара бўйлаб автомобиль йўли қурилса, Тошқўрғон қишлоғида санаториялар, дам олиш уйлари барпо этилса, йил бўйи одам оёғи узилмайди. Мусаффо ҳавоси, зилол сувлари, бой наботот ва ҳайвонот олами билан бу жойлар кўпларнинг қалбига завқ бағишлаши мумкин. Ҳатто шу ҳудудда миллий парк барпо этиш, уни Соҳибқирон Амир Темур номи билан аташ ҳал қилиб бўлмайдиган жумбоқ эмас. Шаҳрисабз халқаро туристик шаҳар, унинг тармоғини Амир Темур номли миллий парккача давом эттирсак, яхлитлик юзага келиб, нур устига аъло нур бўлади.

Қолаверса, жаҳонгирнинг она шаҳри – Шаҳрисабзда ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб юмушлар тўпланиб қолган. Оқсаройни тиклаш – асрий орзу бўлиб қолаверадими? Шаҳар юбилейини нишонлаш, бу ерда Амир Темурга аталган меъморлик мажмуини барпо этиш тарихимизга кўрсатилган эътибор бўларди.

Бу қадим дунёда мантиқан олиб қаралса, ер остида ер устидагидан кўп одам «яшайди» – қабристонлар – марҳумлар шаҳри. Экспедиция давомида кўплаб ёдгорликлар қабристонларда экани ёки ёдгорликлар атрофи қабристон қилинганининг гувоҳи бўлдик. Мабодо, бу жойларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва ўрганиш мақсадларини кўзда

тутувчи ҳукумат дастури ишлаб чиқилса, маблағ ажратилса, халқимиз қалбидаги гап бўларди. Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида бу иш аллақачон таъминланган.

Ҳозиргача бўлган бир томонлама муносабат туфайли азиз-авлиёларга нисбат берилган даҳмалар, масжидлар қаровсиз қолдирилди. Аслида тарихимизнинг бир парчаси бўлган бу обидалар энди рўйхатга олиниши, тарихий ёдгорлик сифатида қўриқланиши, ўрганилиши, бундай жойларни акс эттирувчи харита тузиб чиқилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Самарқанду Бухоро, Шаҳрисабзу Касбидаги нодир меъморий дурдоналарни кўз қорачиғидек сақлаш, уларнинг абадий яшаб қолишини таъминлаш келажак олдидаги энг катта қарзимиздир.

Шубҳасиз, бу юмушлар катта куч-ғайрат талаб қилади. Агар иштиёқ бўлса, ҳаммасини бажариш мумкин – бугун ўз вазифасини уддалаб келаётган, қалбида музаффар аскардек ифтихори бор киши сифатида ишонч билан шундай деяпман.

...Салонда ёқимли сукунат ҳукмрон. Ҳамма чуқур хаёл оғушига гарқ, юзлардан қон қочиб, ранглар оқариб кетган. Фақат ҳайдовчи Шоилҳом рулда собит турибди. У сафар давомида ҳалол хизмат қилди, болафеъл, очикқўнгил йигит экан. Бошқалар ҳам ўзаро яхши таассурот қолдирдилар, деб ўйлайман.

«Эртага роса соғинсак керак-а», дейди биров тинчликни бузиб. Ростдан, ҳозир тарқаб кетамиз. Қайта тўпланиш насиб бўлармикан? Бу одамларни биров эслармикан? Эҳтимол, шарт эмасдир, бироқ уларнинг ҳар бири энди бу ҳисни тарк этолмаслиги аниқ. Энди бу ҳис кимларнингдир эътиқодига айлангани ҳам шубҳасиз.

Гавжум кўчадан келиб, ўнгга бурилдик. Матбуот саройининг айвонигача кўтарилганимизда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Тўхтагач, ойнабанд эшик очилди-да, бизни кутаётган дўстлар пўртанадек отилиб чиқишди.

... Янги манзилларда кўришгунча!

1991 йил, 20–30 сентябрь,  
Ғалаба қишлоғи.





## ТУРКИСТОН ТОМОНЛАРДА

(«Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» сафар,  
2-босқич. 1992 йил, 13–20 октябрь)

### 1. ЯНГИ МАНЗИЛЛАР САРИ

Кузнинг намчил ҳавосидан тўйинган Тошкент осмони тўла ёришмай, келишилган жойга етиб бордим. Ҳар ҳолда, мендан олдин келганлар ҳам бор экан, майдонда оғзи очиқ қолган қопчиқ яйралиб ётарди. Бироқ ҳеч қандай тантанадан дарак ҳам, бунақа руҳ ҳам йўқ, ҳатто созини қўлтиғига қистириб олган карнайчига биров парво қилмайди. Ростки, бу сафарги юриш жуда кўп мулоҳазалардан кейин, шунчаки, орият учун уюштирилаётгани ҳам сир эмас.

Гарчи иқлим ўзгарган, ўтмишга, айниқса, Амир Темурга муносабат илиқлашган бўлса-да, бизнинг камтарона саъй-ҳаракатимиз бирон доирада эътироф этилмади, аксинча, уни сояда қолдириш учун ҳаракатлар бўлди... Аллақачон расмий тан олинган маърифий жамият дадил ҳаракатлар қила бошлади, лекин бу ташаббуснинг биринчи қалдирғочи бўлган бизнинг экспедициямиз эсга ҳам олинмасди. Бундай муносабатлар чўққини ҳар ким ўз сўқмоғи билан кашф этишга уринишга ўхшаб туюлади. Хайрият, кеча «Туркистон» газетасида бўлган йиғилишда барча гина-кудуратга чек қўйилди, йирик тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг ўзлари сафаримизга оқ йўл тиладилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилиниши билан муносабатлар кескин ўзгарди. Кечаги золимлар бугун жабрдийда бўлиб қолганидек,

ҳақиқатни пичирлаб гапирганларнинг оғзига элак тутиб келганлар бугун ўша гапни мис карнайлардан бақириб эълон қилмоқда. Бундай шовқин-сурон ичида одми, табиий овозлар эшитилмайди ҳам. Нима бўлса-да, турли мақсад ва муддаоларни кўзда тутган бўлса-да, жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг мухлислари кундан-кун кўпайиб бормоқда. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак.

... Қуёш Матбуот саройи пештоқларини заррин нурлари билан жилвалантира бошланганда майдонга анчагина одам тўпланиб қолганди. Ниҳоят, шундоқ ойнаванд эшикнинг тагида туриб олган машшоқлар ҳавони титратиб, карнай-сурнай садоларини янгра-тишарди. Артист Теша Мўминов, рассом Неъматжон Ҳакимов ва яна бошқа кўплаб мухлислар эзгу тилаклар ила кузатиб қўйишди.

Бахтли тасодифни қарангки, пойтахтдан Амир Темур кўчаси бўйлаб чиқиб кетдик. Гавжум Тошкентда одатдаги иш куни бошланган, одамлар, транспорт ҳаракати жуда тиғиз. Айниқса, эрталаб ҳамма қаергадир шошади. Олой бозори, телеминора, Юнусобод даҳасидан ўтган узун ва кенг-равон кўча Чимкент йўлига туташар экан. Ўишткўприк – Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудлари ўртасидаги кичик қўналға. Шу жойда бир зум тўхтаб ўтилди.

Бу сафарги ҳамроҳлар сафида янгилар ҳам бор, «фахрий»лардан тарихчи Мурод, яна Ашрафхўжаев ва Султон ака, холос. «Туркистон» газетасидан Аҳрор Аҳмедов, Рўзимбой Ҳасан, радиожурналист Анвар Абдуллаевнинг қўшилиши жамоа нуфузини оширди. Номаълум юртда ишонганимиз – Искандар, у – иқтисодчи, мен уни «Туркистон йўлбарси» деб атадим. Билмадим, бу «йўлбарс» йўлбошловчиликни қандай эплайди?! Суратчи Алмуродга энг шарафли

юмуш – сафарни тарихга муҳрлаш вазифаси юкланган. Бу гал кино, видео – йўқ.

Ўтган йилги ўша автобус яна бултурги суратлар, либослари билан бизни бағрига олиб, силлиқ асфальт йўлдан қийналмай олиб бормоқда. Йўл аллақачон қозоқ замини узра давом этмоқда. Мен бу жойлар билан она юртим ўртасидаги фарқни сездим. Адирларнинг чексизлиги, бепоёнлик ортидаги кимсасиз саҳролар мен ўрганган «қир ортида ҳам қишлоқ» қабилидаги сезимларга ўхшамасди. Нигоҳинг ҳеч жойда қўним билмайди, чексизлик. Бу худди мангуликка, абадий бедор-бетинимликка ўхшайди.

Куз рангларига бўялган ўркач қирларда бўйсунмас отуюрлари елиб юрса ёки соч толасидек сўқмоқлардан туялар букчайиб ўтиб қолса, бу ҳусн чинакам нодир хаёлот бўларди. Қирдан узилганча йўлга дўлайиб тушган тепаликда «чол-кампир» шер ва шербачча изгиб юрибди. Эркагининг оғзи катта очилган, ичида олов ёниб тургандек. Мавҳум таъсирдан бадан жунжикади. Гарчи ҳайвонлар подшоси билан на якка, на умумий тарзда дуч келмаган бўлсанг-да, нафасинг чуқурга тушиб кетади. Дашт хазинасига ярашган қўлдан ясалган тимсолларда ҳам чинакам қўрқув яширинган.

Баъзан учрай бошлаган ҳовлилар, уйлар атрофини ўраб турган деворларга боқиб, эгаларининг ҳафсала билан, бардам яшашини тасаввур қиласан. Уйларнинг олдида ҳар хил нарса уйиб ташланмаган, бинолар баланд кўтарилиб солинган, деворлар силлиқ урилган, андаваланиб, оқланган.

Бу жойларда яшаётганлар, балки бизнинг умри далада кечадиган темирбардош деҳқонларимиздан кўра турмушдан завқланишни яхши биларлар. Балки улар меъёрида ишлаб, муносиб ҳордиқ олишар. Ҳар ҳолда, бизнинг эгри-бугри гувала деворлар би-

лан «безанган», ҳовли тўла ё ғўзапоя, ё ўтин-чўп бўладиган, пастак, нимқоронғи уйларни кўрганда бу жойларда ҳаёт ниҳоятда эзгин, омонат, одамлар ўта чарчоқ эканини сезасан. Қозоқ овуллари эса обдон парваришланган бедовдек йилтираб турарди.

Чимкент шахрига етгунча турли манзараларни ортда қолдириб анча йўл босилди. Орада тарвуз ва тандир нон билан тушлик ҳам қилишга тўғри келди. Сафар йўриғи бўйича бугун Темурлановка деган манзилга етиб бориш керак. Баҳолиқудрат, бир маълумотли одам сифатида, шунақа жой (**қишлоқ, овул, шаҳар**) борлигини билмас эканман. Уни тасаввур қила бошлайман: европача қурилган 3–4 ёғоч уй, ўрислар...

Чимкентни айланиб ўтиб, йўлда давом этамиз. Шаҳар четидан дарё оқиб ўтар экан, унинг шундоқ ёқасида заводлар қурилган, бири кўмир билан ишлайдиганми, ишлаб чиқарадими, осма сим йўлдан ташилган кукун тоғ бўлиб кетибди. Албатта, дарё сувидан ичиб бўлмаса керак. Чимкентда цемент, шифер, автомобиль кавуши чиқарадиган заводлар бор, дейишади.

Яна яйдоқ дала бошланади. Яна Мухтор Авезов, айниқса, Чингиз Айтматов асарларида тасвирланган Бетпақ (**Бадбахт**) дала ҳақидаги тасаввурлар жонланади. Бироқ бугун бу далалар ризқ-рўзга тўла. Элга қут-барака улашмоқда. Ҳосили йиғиштириб олинган пайкалдаги поя-чўплар, хашаклар, шу далалар бағридан ўтган йўллардан ғизиллаб елувчи оғир юк ортган машиналар буни тасдиқлаб турибди.

## 2. ЎРДАБОШИ ОҚШОМИ

Тепадан борган йўл чиройли манзара касб этиб, айланма ҳосил қилди-да, дарё бўйига чиқиб қолди.

Тахтадаги ёзувдан унинг Арис дарёси эканини билиб олдик, хотира панд бермаса, бу дарё номи кўплаб тарих китобларида қайд қилинган. Кўприқдан ўтгач, 4–5 км ичкарида Темурлан (**Темурлановка**) қишлоғи жойлашгани маълум бўлди. Сўраб-суриштириб, марказни ҳам топиб олдик.

Бизнинг кимлигимизни, мақсадимизни билишгач, дўстона кутиб олишди, илтифот кўрсатишди. Темурлан Будун авдони (**райони**) маркази экан. Ҳоким (**глава**)нинг биринчи муовини Умеров бизни қабул қилиб, самимий суҳбатлашди. У Самарқандда бўлганини, Амир Темур қабрини зиёрат қилиб, Куръон ўқиганини айрича ифтихор билан таъкидлаб ўтди. «Соҳибқиронни барчамизнинг, жами туркийларнинг бобоси», деди. Ёрдамчиси Янгибойга меҳмонларга етарлича ҳурмат кўрсатишни тайинлаб, керакли барча нарсаларни қилинлар, менинг номимдан иш тутинлар, деб кўрсатма берди. Албатта, бундай марҳамат кўнглимизни кўтариб юборди.

Мезбонларнинг бири эътироф этганидек, улук кишиларнинг оти бехосият жойларга қўйилмайди. Қишлоқ теварагидаги Ўрдабоши, Қораосмон, Арис каби номлар кўплаб дostonларда, илмий манбаларда қайд қилинган. Қозoқларнинг афсонавий қаҳрамонларидан бири – Қобландиботир ҳақидаги эпосда унинг Қораосмон деган ерда дафн қилингани айтилади. Ўрдабошида хитой (**жунғор**) қирғинини даф қилиш учун қозoқнинг уч йирик уруғи бирлашган. Тулебей, Арданабей, Қарлиғочбей бошлиқ қўшин умумий ҳолда босқинчиларга шу ерда катта зарба берган. Ўрдабоши Куликово, Бородино сингари улкан муҳориба бўлган тарихий жой, ҳолбуки, бу воқеани эслатадиган тошлавҳа ҳам йўқ, деб афсусланишди мезбонлар. Улар айтган «ўзбекнинг энг сўнги хони ҳам Ўрдабошида ўтирган» деган маълумотни



эса ўрганиш керак. «Ўғизнома»да Арис (*Аруз*) сўзи билан боғлиқ шундай шарҳ келтирилган эмиш. Ўғиз бошлиқларидан бирининг ўғил фарзанди бўлмаган. Бир тўйда фарзандли одамларни оқ ўтовга жойлаштириб, оқ қўй, фарзандсизларни қора ўтовга тушириб, қора қўй берадилар. Ўтовлар ҳам дарёнинг қарама-қарши икки қирғоғида тикилган бўлади. Қаттиқ изза еган ўғилсиз ўғиз бир болани асраб олади, унга Арис (*Аруз*) деб исм қўяди. Шундан бери оққўйлилар билан қорақўйлилар бир-биридан қиз олмайди.

1964 йил март ойида ташкил топган Будун авдонининг 77 минг аҳолиси бор, уларнинг 92 фоизи қозоқлар. Худудида 14 хўжалик, 10 қишлоқ кенгаши жойлашган. 12 минг га ерга пахта, 40 минг га ғалла, 3 минг га майдонга маккажўхори экади. 160 минг қўйи, 10 минг қорамоли, 1,5 минг бош йилқиси бор. Авдонда 370 млн. куб об-ҳаётни сиғдирадиган Будун сувташламаси қурилган, Арис-Туркистон канали шу ердан ўтган. Номини Ўрдабоши деб ўзгартириш юзасидан ҳаракатлар бўлаётган туман бизнинг Ангрен шахримиз билан биродарлашган экан. Мезбонлар мустақиллик байрами куни совғага от олиб, Ангренда бўлганларини қувонч билан айтиб бердилар.

Марказда иккита қишлоқ кенгаши бўлиб, бири Темурлан, бири Ҳожимуқон деб юритилар экан. Ҳаёт йўли, тақдири бир-бирига ўхшамаган бу икки шахсининг ёнма-ён «яшаши» жуда қизиқ. Қишлоқда машхурполвон, ҳатто чорподшонинг сарой паҳлавони Поддубнийни енгган, Франция, Олмония чемпионларини таслим қилган, Япония чемпионининг жонини олган Ҳожимуқонга эътибор кучли экан. Унинг қабри шу ерда, уй-музейи бор. Юртдошларининг шаънини авайлаб сақлашар экан. Яқинда Россиянинг нуфузли газеталаридан бири «Ҳожимуқон дарбадарликда ўлган» тарзида мақола берган экан, туман газетаси

«Ўрдабоши ўтлари» бир ярим йил баҳслашибди ва охири кечирим сўрашга мажбур қилишибди.

Биз зиёратимизни паҳлавоннинг уй-музейидан бошладик. Унинг кираверишида баланд қоя устида мушаклари ўйнаб турган мужассама. Шоҳсупага «Ҳожимуқон Муқантпасов. 7/IV 1871 – 16/VIII 1948» деб ёзилган. Эскурсовод қиз жуда мароқли ҳикоя қилди, ашёлар ҳам бой экан. Айниқса, икки гапнинг бирида «Ҳожимуқон отамиз...» тарзида лутф қилинишида ўзгача меҳр, ҳарорат бор эди.

Қишлоқ четидаги қабристонга етгунча таассуротлар жўшиб бораверди. Қайрилишда полвоннинг узоқ қариндошларидан бири, қари чолни миндириб олдик. У акаси ҳақида маълумотларни сўзлаб берди. Бўйи 190 см, елкаси 145 см. бўлган алпкелбатли Ҳожимуқон курашга тушса, қорни ичига тортиб, ихчам бўлиб қолар экан. У Қопландиботирнинг ё тўққизинчи, ё ўн биринчи авлоди. Турли мусобақаларда ғолиб бўлиб, 48 та олтин-кумуш медаль олган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида шахсий маблағи ҳисобига битта ҳарбий самолёт ясаттирган. Олти марта уйланган бўлиб, завжалари орасида поляк, татар, қозоқ миллатига мансуб аёллар бўлган. Учинчи авлодидан вакиллари бор.

Найман ариқнинг нариги қирғоғидаги қабристоннинг атрофи ўралмаган, баъзи қабрлар устида ҳайбатли миноралар ўрнатилган. Ҳожимуқон мангу макон топган жойда мақбара кўтарилган. Зиёратчилар тез-тез келиб туриши билинади. Сағана – оддийгина, мақбара деворига марҳумнинг таржимаи ҳоли рус тилида ёзиб қўйилибди. Қуръон тиловат қилиб, руҳига сокинлик тиладик-да, орқага қайтдик.

Дунё ишлари қанчалик суронли бўлмасин, барчанинг борар жойи бир. Худди шундай фикр умрининг сўнгги йиллари бу ерга ташриф буюрган Мухтор Аевзов хаёлидан ҳам ўтган экан. Шу воқеа билан боғлиқ

бир ҳикояни айтиб беришди. Унинг тўғрилигига гувоҳлар ва ровийларнинг виждони шоҳид. Дунё тил-симотларга тўла эканини яна бир эслатиш учун унинг баёини келтираман.

Мухтор оға мақбарага етгач, қабрга қараб писанда қилгандек, «Дунёнинг ярмини кезиб, келиб ётар жойинг шу ер экан-да» қабилида гап қотган, тиловат ҳам қилмаган. Чиқаверишда бехосдан бир мункиб кетган. Кўтариб қўйишган, 1–2 қадамда яна ва яна йиқилиб тушган. Кўнгли хижил бўлган ёзувчи машинага чиқавериб, «Нега менга тош отасан, оёгимдан тортдинг» деб йиғлаб юборган экан. Орадан кўп ўтмай Мухтор оға дунёдан ўтди, дейишади арвоҳнинг кучига ишонч келтириб қишлоқдошлар.

Сафарнинг биринчи куни ниҳоятда сермазмун бўлди. Айниқса, Россия газетасини «тиз чўктирган» «Ўрдабоши ўтлари» рўзномаси ва унинг муҳаррири Нормакан Бегалиев унутилмас таассурот қолдирди. У биринчи дақиқадаёқ бизга ҳамроҳ бўлди, саёҳатнинг мазмунли ва ёқимли бўлиши учун елиб-югурди. Уддабуронлик, ишбилармонлик ҳар қадамда асқотади. 5400 нусхада чоп этиладиган рўзнома қошида унинг марҳум муҳаррири, машҳур ёзувчи ва журналист Қўшжон Мусрепов номида тўғарак фаолият кўрсатади.

1968 йилда тузилган ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ишни календарлар, рангли суратлар, таклифномалар чиқаришдан бошлаган эди. Қозоғистонда ўшанда кам, ҳозир ҳам ягона бўлган бирлашма молиявий жиҳатдан бақувват ташкилотга айланди. Ўтган йил 582 минг сўмга 6 га майдонни эгаллаган санатория-профилакторияни бутунлай сотиб олишди. Ҳар йили уларнинг ташаббуси билан шу ерда уч кунлик айтишув мусобақалари ўтказилади.

Ўтган йил бош совринга «Москвич» машинаси қўйишганди.

Маданият уйи қаршисида кейинги 150 йилда ўтган энг машхур оқинлар, шоирлардан етти нафарига қўйилган ҳайкалларни ҳам улар ўрнатишган. Оқинларнинг аввали Мойлихўжа Султонхўжани Жамбулнинг пири, устози дейишди. Темурланда маданиятни шунчалик қадрлашар экан, бунга фақат ҳавас қилиш мумкин.

Албатта, бу хайрли юмушларнинг бошида Нормахан ога бош-қош. қирғиз қалпоғи ва қоп-қора мўйлови ўзига ярашган, нурли чехрали, бир оз бўғиқ овозда гапирувчи муҳаррирнинг ишчан, будли-шудли одамлардан экани кўриниб турибди. Устидаги жинси костюмини Ўзбекистондан эсдалик, деди. Маълум бўлишича, Ангрэнда Австрия билан ҳамкорликда аллақачон шундай кийимлар чиқаришаётган экан. Ижод ҳақида гап кетганда, уюшма аъзоси эканини, китоблари нашр этилганини, табиат мавзусида лирик шеърлар ёзишини айтиб ўтди. Қандай ажойиб?

Оқшомни газетанинг «хусусий» мулки ҳисобланмиш санаторияда ўтказадиган бўлдик. У бир йўла 30 кишини қабул қила олар, путёвка баҳоси ҳозирча 6 минг сўм экан. Мезбонлар бизнинг кўнглимизни овлашга сидқидилдан киришдилар. Чиройли дастурхон тузилди, Манзура ва Темур исмли ўланчиларни таклиф этишди.

Муомала-муносабатлар самимий ва дилкаш бўлса, ўртадаги ҳурмат, қадр-қиммат кўп самаралар бериши мумкин. Сўхбат мавзуси ҳам ўзбек ва қозоқларнинг азалий қардошлиги, ҳозирги мураккаб шароитда боларимизнинг хайрли удумларини ёдда тутишимиз, мустақил мамлакатларимиз олдида турган вазифалар ҳақида бўлди. Биродарларимизнинг бизга чуқур

эхтиром сақлаб муносабатда бўлаётганини сезиш қийин эмас.

Гап асносида Ўзбекистоннинг Осиёга маданий таъсири Византиянинг Европага таъсиридан кам бўлмагани ҳақидаги тарихий ҳақиқат эслаб ўтилди. «Пахта иши» қатағонида бизнинг ҳам бағримиз қон бўлди, деди Нормахан оға. Узоқ тарих силсиласида елкадош бўлиб келган икки улуғ халқ тақдирининг муштарак томонлари ёдга тушди. Кейинги асрда қозоқлар бошига тушган офатлар – 30-йиллардаги очарчилик ва уруш даврида ўзбеклар бизни қучоғига олиб сақлаган, деди мезбонлар меҳр билан. Аслида биз бир дарахт шохларимиз, ўртадаги сунъий тўсиқлар бизни ажрата олмайди, деб жавоб қайтардик.

Даврада беғараз, ҳароратли руҳ мужассам. Шунда халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишда сиёсат ягона йўл эмаслигини ўйлаб қоласан. Бир қарашда расмий қиёфага ўранган сиёсат бир-бирини чўчитиш, тан олдириш тамойилига асосланган. Халқда «Болага сиёсат қилма» деган ибора бор, бу «Болани қўрқитма», дегани. Дилларни яқинлаштирувчи воситалардан муҳими ҳозирчалик дўстона ташрифлар, саёҳатлар, турли мусобақалар уюштириш эмасми? Ҳар қандай манфаат ва сиёсат васвасаларидан холи бундай тадбирлар асосий ўринга чиқса, ажаб эмас.

Сухбат авжида, айниқса, тандирдек қизиган мўрча (*сауна*)да ўтириб, маъданли сувда ювиниб олгач, енгил тортиб, кайфият яна очилиб кетди. Шу ерда биринчи марта бешбармоқ отлиқ таърифли овқатдан истеъмол қилдим. У биз тарафларда бўладиган шилпилдоқ (*лахшатунна*) устига қовуриб димланган гўшт, картошка, сабзи ва зираворлар қўшиб тайёрланар экан.

Дил сўзлари дўмбира садоси ва ўланга уланиб кетди. Қўшиқларга ҳам бепоён сахро руҳи кўчган, навода от дупурларининг садоси эшитилиб туради. Ўланлар Олмаота, Қоратов ҳақида, халқ оҳангларидан – «Қора қош», «Усмон, ёри жоним», «Яллалашайлик». Манзура «Бегона аёл» деган қозоқча ашула айтди, унда эрининг хиёнатидан изтиробга тушган аёлнинг нолиши таъсирли ифодаланган. Шу мазмундаги замонавий ўзбекча қўшиқ борлигини эслай олмадим. Бастакор Султон Анваров ижрочилар маҳоратини юқори баҳолади, ўзи ҳам дўмбира чалиб, хиргойи қилди.

Бу оқшом нақадар файзли ўтди. Саёҳат – янги юртлар, одамлар қалбига ташриф – қандай гаштли. Бизга шундай омадни насиб этган буюк бобомиз хотирасига тинимсиз шукроналар айтдик.

Тарих ўзича яшаб қолаверади. Ҳозирда туман маркази бўлиб турган жойга бобокалоннинг номи нақш этилган экан, бунинг ҳам қизиқ тафсилоти бўлса керак. Буни изоҳлаш жиддий илмий изланишни талаб этиши муносабати билан олдиндан бир нарса дейиш қийин. Курбимиз фақат – **лан** қўшимчасига эътироз билдиришга етди. Мезбонлар, аксинча, қозоқчада бу – «буюк, улуғ» маъноларини билдиради, дейишди. Бўлса – бордир. Ҳар кимнинг таъби – ўзгача.

### 3. ҲАЗРАТ ЯССАВИЙ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Эрталаб биринчи қозоқ космонавти Тўхтар Авбакировнинг номига қўйилган кўчада дўстлар билан хайрлашдик. Туркистон шаҳрида бизни кутишмаяпти. Бу жой фақат туркийлар орасида эмас, ислом оламида машҳур. Бу, албатта, дунёга ўз кўзи билан қарай олган буюк зот, янги бир тариқат асосчиси Қулхожа Аҳмад Яссавий (**Ҳазрати Султон**) хилхонасининг шу ердалиги билан изоҳланади. Инсон зоти

борки, яхши яшашга, бойлик тўплашга интилади. Ҳатто дунёнинг ўткинчилигини, умр беш кунлик қисқа фурсат эканини буткул унутиб юборганлар – сон минг. Аҳмад Яссавий молпарастлик, дунё лаззатига муккасидан берилиш, умрни енгил ҳаваслар йўлида қурбон қилишга қарши ўз таълимотини яратди. Унинг моҳияти шундан иборатки, бу дунё – ўткинчи, балки ҳақиқий ҳаёт – нариги дунёга бориш олдидан синов. Мол-дунё, бойлик – ҳаром, уни талашиш эса гумроҳликдир.

Киши умрини тоат-ибодатда, дилида Оллоҳ ишқини туғиб, унинг висолига тезроқ етишни ният қилиб яшаши керак. Авлиёнинг шиори – «Ўлмасдан бурун ўлинг!» бўлган. Ўз эътиқодига амал қилган шоир 63 ёшдан кейин дунёдан воз кечган ва қолган умрини танҳоликда, ер остида ўтказган. Ҳоёларини «Ҳикматлар»да ифодалаган.

Соҳибқирон Амир Темур Яссавийни маънавий пирларидан бири деб билган. Бу ўринда чиройли номутаносибликка дуч келасиз: беҳисоб бойлик ва мамлакатлар эгасининг таркидунё қилган дарвишни пир тутиши бобокалоннинг қалб уммони бағоят кенглигидан далолат. Эҳтимол, дунё чопқинида чатнаб кетган қиличини Яссавий нафаси ила тобига келтириб олгандир. Эҳтимол, бу муносабат Соҳибқироннинг ўзи таъкидлаганидек, нима иш бўлса дини ислом ривожи учун қилганининг, жаҳонгирлик даъвоси бўлмаганининг исботидир.

Йўл яна бепоён далалардан ўтди. Дарахтлар кам, онда-сонда тентираб юрган туялар кўзга ташланади. Қатнов кўп, оғир юк машиналари тинимсиз ўтиб-қайтади. Йўл четида баъзан ярим ой ёки хоч кўтарилган хотира лавҳалари учрайди, айримларига автомобиль чамбараги суяб қўйилган. Булар йўлда аварияда нобуд бўлган ҳайдовчиларнинг қабрлари

экан. Таомилга кўра марҳумни жойида дафн этишаркан. Денгизчи ўлимини денгизда топади, деганлари шу бўлса керак-да.

Жамоанинг кайфияти байрамона. Чақчақлашиб йўлда давом этаяпмиз. Султон ака бир ишнинг дардига чалинган: экспедиция мадҳиясини яратиш шарт. Бунинг учун яхши шеър лозим. Баъзан ҳолижонингга қўймай ёзиб бер, деб туриб олади. Қани тезроқ қофиялар уйқашиб кела қолса? Ниҳоят, бугунинг истаги амалга ошди чоғи. «Шеър тайёр, муаллифи – Темурийлар», деди ғолибона. Ҳатто жўр бўлиб айтдик ҳам.

*(P.S. Афсуски, ўша шеърни топиб бўлмади. Шунингдек, Туркистон шаҳрида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга телеграмма жўнатиб, сафар мақсади баён қилинган, мадад ва ҳамкорлик истаги изҳор этилган эди. Шу телеграмма матни ҳам сақланмаган экан. – Муаллиф. 2005 йил).*

Ажойиб шоир Миртемир домла таваллуд топган Иқон қишлоғидан ўтдик. Бу ердаги уй-музейни қайтишда зиёрат қилишни мўлжалладик, чунки белгиланган вақтдан кечикаяпмиз. Бир оз ўтгач, уфқда улкан қоядек иморат тарҳи кўзга ташланди. Бу – машхур мақбара. Ашрафхўжаев «Покланинглар, таҳорат қилиб олинглар», деб ҳаммани автобусдан қувиб чиқарди. Бунга бажонидил рози бўлдик, бироқ атрофдан сув топилмади.

Шаҳар маъмуриятининг биносига етиб борганимизда бизни кутаётганлар кетиб қолган, икки соат кечиккан эканмиз. Ҳокимнинг ёрдамчиси Ҳаким карвонсаройга бошлаб борди. Уни ширкатчилар ўз маблағлари ҳисобидан қурган экан, ёнида меҳмонхона ҳам бор.



Шавгар (*X асргача*), Ясси (*XIV асргача*), Туркистон номлари билан маълум бу шаҳарни айни пайтда туркийларнинг рамзий руҳоний пойтахти деб тан олишади. Ҳозир теварак-атрофи билан қўшиб ҳисобланганда 82 минг аҳолиси бор экан, унинг 33 фоизи ўзбеклар. Яқинда Туркистон Тошкентнинг Юнусобод тумани билан биродарлашибди.

Аҳмад Яссавий мақбараси Туркистоннинг таянч нуқтаси, уни 1397 йилда бобомиз Амир Темур фармони билан қурилиши бошланган, вафотларидан кейин иш тўхтаб қолган, XVI асрда Бухоро хони Абдуллахон қурилишни охирига етказган. Бу ҳол икки давр сурати сифатида иморатда ўз аксини қолдирган: қуйи қисми миллий нақшларга бўянган, рангдор, юқориси эса сидирға ғиштдан терилган, рангсиз. Баландлиги – 41 м, ичи – 39 м, гумбази – 18 метр экан. Унинг маҳобатини Бибиҳоним масжиди ва Оқсаройга тенглаштириш мумкин. Кираверишда, ойна ичида тарихий ҳужжат сифатида Соҳибқирон фармони билан ёзилган ва тасдиқланган вақфнома осиб қўйилган. Унда хазинадан муттасил ажратилиши кўзланган маблағ ва унинг сарф-харажатлари белгилаб берилган. Шу жойда машҳур 40 кулоқ қозон ҳам турибди, у 1399 йилда уста Абдулазиз раҳбарлигида Қарноқда қуйилган экан. Оғирлиги – 2 т., бўйи – 167 см., эни – 247 см.

Бу – мақбаранинг энг катта хонаси, худди шундай 35 та хона бор ва улар турли мақсадларда фойдаланилган, масалан, ошхона, кутубхона, мачит, қудуқхона, хилхона, Оқсарой каби. Йўғонлиги одамнинг белидек, 2 метрлик чамаси узунликдаги тол ёғочидан ўйиб тайёрланган улкан товоқлар одамнинг диққатини ўзига тортади. Уларда дарвешларга ҳалим тортилган экан. Белига кашкул ва носқовоқлар осиб

олган, сочлари ўсиқ қаландарларнинг бир идишдан талашиб овқат ейишлари ўша даврнинг хос манзараси бўлса ажаб эмас.

Яссавий ҳазрат мангу макон топган хонани биз учун махсус очиб кўрсатишди. Кишини ҳаяжон қоплайди, ўзгача салобат елкадан босади. Яшил рангли улкан нефрит тош жасаднинг устига эмас, ёнига ўрнатилган. Уни бобокалонимизнинг фармони билан Ҳиндистондан келтиришган экан. Ҳозир таъмир-талаб жойларига ишлатиш учун бунақасини ҳеч жойдан топа олмаётган эмишлар.

Ёндаги хонада замонасининг машҳур кишилари қабр тошлари сақланар, ҳатто улар дафн қилинган ҳам экан. Овчи Йўлбарсхон отган архар шохлари ҳам деворга тармаштирилганча турибди. Мирзо Улуғбекнинг Жўжи авлодидан бўлган Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхонга узатилган қизи Робиясултонбегимнинг сағанаси ҳам шу ерда.

Тарих ва маданиятдан сўзловчи жиҳозлар кўп. Булар – кумуш шамдонлар, мухрлар, қадимий Куръон, «Девони ҳикмат» нусхалари, папирус қоғозлари, мрамар лаганлар, турли совғалар. Вақт ҳар хил йўсинда ўз изини қолдирган. Босқинчи Черняев қимматбаҳо тошлар билан безанган олтин нақшинларни кўчириб олган, бошқа бири тўпга тутган.

Йўлбошловчи Моҳидил 40 устунли мачитни кўрсатмоқчи бўлди. У бир оз тепалиқда жойлашган экан. 1982 йилда тасодифан топилган чуқурлик кавлаб кўрилганда бутун бошли улкан иморат қолдигига дуч келинибди. Ҳатто хилватхонага олиб тушадиган тўйнуқ ҳам топилибди. Ҳозиргача ер остида 4 хона аниқланган, улар 42 та деган тахминлар бор. Ер ости йўли Сайрамгача давом этган, дейишади. Маълумки, улкан тасаввуф шоири Аҳмад Яссавий хилватда олт-

миш йилча умр ўтказган, 4500 ҳикмат ёзган, деган фаразлар бор.

Ҳозир музейга айлантирилган Шарқ ҳаммоми қадимда одамларга маиший-коммунал хизмат кўрсатиш аъло даражада бўлганини кўрсатиб турибди.

Рости, мақбара ва унинг атрофини ораста, доимий эътибордаги жой деб ўйлаган эдим. Аксинча, қаровсизлик, бепарволик аломатлари яққол сезилиб турибди. Ҳатто таъмирлаш баҳонасида меъморчиликнинг азалий миллий услубига шикаст етказилган. Айтишларича, бу ерда қурилиш ишлари олиб борган бешта гуруҳ ҳам суиистеъмолда қўлга тушиб, ишини судда кўришибди. Мана, қадриятларга замонавий муносабат намунаси.

Шаҳар ҳокимлигида бўлган учрашувда ўз фикрларимизни билдирдик. Унда яқинда Олмаотада «Ипак йўли» миллий қўмитаси тузилганини, унга Бош вазир етакчилик қилаётганини маълум қилишди. Ундан умидлари катта экан.

#### 4. ҚАРНОҚДА АЗИЗ ҚҶНОҚ

Бу қадим тупроқнинг ҳар қаричида бир неча қат тарих яшириниб ётганига Қарноқда яна шоҳид бўлдик. Қишлоқ кўриниб турадиган тепалиқда мезбон Саидахмад Ёқубов VII асрда қалъа, расталарнинг бугунги ўрнини кўрсатар экан, бу жой пахта даласидан фарқ қилмас эди. Йиллар юки, чанг-ғуборлари ҳар қандай буюкликни ҳам маҳв қилишга қодир. Қадимий халқлар эмас, ўз ўтмишини авайлаб-асраганлар мангуликка дахлдор.

Қишлоқдаги Шомат эшон мадрасасини кўриб, анча хижолат бўлдик. Ёғочдан оригинал ишлан-

ган гумбаз, чиллахона, дарсхоналари бўлган обида қаровсиз ҳолда ётарди. Ёдгорликларга муносабатда юқори раҳбарлик билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги ихтилофни ҳар қадамда сезиш мумкин. Одамлар мадрасани таъмирлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасиз кетганини афсусланиб айтиб беришди.

Мезбонлар Қумайлитош қирлари бағрида жойлашган, 16 км. наридаги саҳоба Укоша ота зиёратгоҳига йўл бошладилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бу зот ҳақида «Тирик жаннати одамни кўраман десанглар, ҳазрат Укошага боқинглар», деган эканлар.

Асосан, фарзандталаблар ихлос билан тавоф қиладиган бу жой икки қир туташган сойликда экан. Узоқда дарахтлар кўриниб туради. Уларни дунёдан ёлғиз ўтган, сирли фазилатлари кўп, отдан ҳам илдам Комилқори ва синглиси кўкартирган, дейишади.

24 қадамли узун қабр атрофи тош девор билан ўралиб, усти ёпилган, кириш жойида кичкина гумбаз ва туғ кўтарилган. Қабрнинг узунлигига сабаб – душманлар саҳобани қатл қилганларида бу ерларга қон сачраган ва бошлари думалаб узоқдаги қудуққа тушиб кетган эмиш. Бу гапларни ҳикоя қилиб берган мужовул қариянинг ҳам дунёга ўз назари, фалсафаси бор. У қуйилиб келган тоғнинг сой бўйида тўхтаб қолишини ҳазратнинг кароматидан, деб билса, Амир Темура ҳақида «Кўрагон – Каъбани кўрадиган, дегани. Намозга турганларида қалблари билан сажда қиладиган тарафни аниқлар эканлар» деди.

Автобусга кузатар экан чол: «Энди қозоқларимга бориб қаққиллай», дея бизни тарк этди.

Қудуқ бир ярим чақиримлар беридаги қоянинг белида. Унга 130 зинадан чиқиб бордик. 40 метрли арқондан ташланган челаққа ҳар доим сув

чиқавермас экан. Оғзи тор, ичида тошлар туртиб чиққан, худди парманинг қолипига ўхшаган қудуқ фақат гуноҳсизларга марҳамат қилар экан. Бизга, ҳар ҳолда, унинг суви насиб этди.

Қарноқда энг яйраган Искандар бўлди. Бу жой унинг ота юрти, падари бузруквори – машҳур ёзувчи Одил Ёқубов шу қишлоқда туғилган. Уларнинг ҳовлиси Ирмоқ дарёси ёқасида, илон изи сув йўли бўйида. Минглаб толлар шохларини тарвақайлатиб қўр тўкиб туришибди. Шу манзарада бир ажиб сеҳр бордек туюлди. Яна қимматли томони шундаки, етти хил маъдандан Қарноқда қуйилган дошқозоннинг усталари сафида қарноқликлар ҳам бўлишгани тарихдан маълум. Агар Амир Темур унча-бунча одамга ишонч билдиравермаганини ҳисобга олсак, бу ерда қадимда ҳунармандчилик ривожланганига шакшубҳа йўқ.

Қишлоқ мактабидаги учрашув жуда таъсирли ўтди. Биз ўқувчиларга Ўзбекистоннинг қайноқ меҳрини етказдик. Она халқимиз тарихини чуқур ўрганишга, унинг унсурларини кўз қорачиғидек асрашга руҳлантирдик.

Бир пайтлар шу қишлоқлик зиёли Абдулла Абдухолиқов Қарноқ тарихини ёзган экан. Қандай ибратли иш. Унда яшаётганларнинг 41 авлоди **(улар тўпларга бўлинган)** шажараси тузиб чиқилган. Мактаб жамоаси ташрифимиздан миннатдорчилик изҳор этдилар. Келгуси йил шу ерда «Туркистон» газетаси кунларини ўтказиш таклифи билдирилди.

## 5. БУЮК ҲАЁТ ШОМИ

Уммон қанча теран бўлса, унинг тубида жавоҳирлар ҳам шунча кўп бўлиши табиий. Бизнинг миллий фахримиз, ифтихоримиз саналмиш буюк

бобокалонимиз Амир Темурни ҳам тубсиз уммону жавоҳирлар сандиғига, ҳатто мангу порлаб турувчи осмон ёритғичига, абадий нур ва ҳарорат манбаига қиёслаш мумкин. Маърифатсизлик, жаҳолатдан ортиқ гумроҳлик йўқ. Зар қадрини заргар билади, деганларидек, маданият дурдонаси ҳисобланмиш кичкина қутича билан ўчоққа ёқиладиган ўтинни фарқлаш учун кишининг қалбида бир чимдим гўзаллик туйғуси бўлиши шарт. Асрлар давомида мисқоллаб йиғилган тафаккур хазиналарини жаҳолат гулханида ёқиб, тафтига исиниб келганлар одамларнинг маърифатсизлигидан, ҳақиқатни билмаслигидан манфаатдор эди.

Мабодо, йиллар бўйи Темурнинг «золим»лиги ҳақидаги ваъзни тўтиқушдек такрорлаб келган домла Ибн Арабшоҳ ёки Ҳерман Вамберининг Соҳибқирон ҳақидаги ҳайрат тўла ҳикояларидан бирини ўқиганда, уятдан юраги ёриларди. Афсуски, бу китобларни бизнинг авлодлар ўқиш бахтига муяссар бўлишмади. «Амир Темур тарихи», «Бухоро тарихидан лавҳалар», «Зафар йўли» сингари китобларнинг чоп этилиши, «Зафарнома» (*Шарафиддин Али Яздий*)нинг таржимаси ва бошқа хайрли ҳаракатлар бобокалонни яқиндан билишга туртки бўлмоқда, йўл очмоқда.

Ҳайратланарлиси шундаки, биз қанча кўп маълумотга эга бўлсак, ҳурматимиз шунча ошиб, ифтихор туйғулари кучайиб боради. Жумладан, бобокалоннинг қутлуғ изларини тавоф қилиб, бундай ҳисни яна бир чандон кучлироқ кечириш мумкин бўлмоқда.

Дилларни чароғон, йўлларни равон, тилларни бийрон этувчи бу бетимсол ҳикмат соҳиби азиз ва мўътабар Шаҳрисабз (*Кеш*) заминида дунёга келди. Шаҳрисабз – ислом оламининг Соҳибқиронига бешик бўлган муқаддас тупроқ. Қолаверса, Турон заминнинг сарвари – қуёши ўз сафарини шу жойдан бошлади. Бу

буюк ҳаёт, барча инсонлар учун ўлим ҳақ бўлганидек, тарих китобларида ёзилишича, Ўтрорда ўз сафарини қаритди. Шаҳрисабз – машриқ бўлса, Ўтрор – мағриб. Бизнинг бу тарихий жойга сафаримиз мўлжалланган кун ҳаво булутли, ёмғир ҳам ёғиб ўтган, изғирин шамол эсарди.

Бугунги кунда Ўтрор туман номи сифатида сақланиб қолган, ҳув нарида 200 гектар майдонда қадимий қалъа ўрни ҳам мавжуд. Туман маркази қадимги Фороб, ҳозирги Шаулдер деб аталадиган қасаба сочларини шамол тараган чўл одамларини эслатади.

Ривоят қилишларича, ишқи тилларда дoston бўлган Шомил исмли йигит ва Дур отли қиз ошиқ-маъшуқликнинг тўсиқларини енгиб, шу жойда учрашган, уларнинг шарафига шаҳарча номи Шомилдур (*кейинчалик – Шоулдер*) бўлиб қолган экан.

Кутилмаган совуқ шошириб қўйди, сафар йўриғи тезлашди. Шу ерда буюк бобокалонларимиздан аллома Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Ўзлуғ ал-Форобий ат-Туркий (*870 йил, Ўтрор – 950 йил, Дамашқ*)нинг уй-музейлари бор экан. Бино қозоқ қалпоқлари каби чўққили, ўзига хос. Ичкариси қимматбаҳо ашёлардан ишланган. Миллий либос – каштали камзул ва узун қўйлак кийиб олган Шарқгул хоналарни айлантириб, роса қизиқ ҳикоя қилди. Энг қадимги замондан ҳозиргача бўлган давр буюмлар, суратлар, диарама воситасида акс эттирилган. Айниқса, маиший турмушни кўрсатишга кенг ўрин берилган. Қозоқ хонадони, уй анжомлари, ошхона идишларининг барча туридан қўйилган.

Музейда илмий ходим бўлиб ишлайдиган қозоқ йигити Мухтор Хўжаев ўзига хос тарих ишқибози, Амир Темурнинг чинакам мухлиси экан. У Соҳибқиронга бағишланган алоҳида бўлим очмоқчилигини билдир-

ди. Маълумот учун бир пайтлар Олмаотадаги энг катта музейда Амир Темур сурати қўйилганини, бу жой ташриф буюрганлар, айниқса, чет элликлар билан кун бўйи гавжум бўлишини, буни кўра олмаган ичи қора одамлар суратни олдириб ташлаганини айтиб берди. Ойни этак билан тўсиб бўлармиди, нодонлар? Бундай қилмоқчи бўлган одамнинг этаги кўтарилиб, ўзи шарманда бўлади-ку!

Мухтор яқинда бир туш кўрибди. Унинг мазмунига қараганда, Амир Темур вафот этган жойда Куръон ўқиш керак экан.

Яссавий мақбарасини зиёрат қилишни ният қилган кишиларнинг шундай таомили бор экан: сафарни Сайрамдан бошлаб, Арслонбобда тунашар, кейин тонгда Туркистонга йўл олишаркан. Халқимизда «Арслонбобда – туна, Яссавийдан – тила» деган нақл бор.

Яна ривоят қилинишича, Аҳмад Яссавий мақбарасини тиклашга киришилганда бир хўкиз келиб деворни ағдариб кетаверибди. Таъбир қилибдиларки, шоирнинг устози Арслонбобнинг қабри ҳам қаровсиз (*худди шундай ҳикоят Тошкент яқинидаги Зангиота зиёратгоҳига нисбатан ҳам айтилади*). Соҳибқирон қабрини излаб, отда кетаётганларида ердан бир қўл чиқиб, отларининг оёгидан ушлаб тўхтатибди. Кейин шу жойдаги хароба мақбара таъмирланибди. XII асрда қурилган, кейин бир неча марта тикланган, 1907 йилда қайта барпо этилган муҳташам иморат яйдоқ даштда, эски қабристон ўртасида жойлашган. Унда Европа меъморчилигининг изи билиниб турибди.

Манбаларда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом 300 ёшли Арслонбобга бир омонат топшириб, уни тилининг остида сақлашини, бир замон келиб, ёш бола шу омонатни сўрашини, шунда унга



топширишини тайинлаганлари ёзилган эмиш. Орадан 500 йил ўтгач, 11 ёшли Аҳмад Арслонбобнинг йўлини тўсиб, худо тилига солганидек, омонатини талаб қилади...

Боб (**бобо**) бир олий унвон бўлиб, диннинг қоқпаси (**эшиги**), билимдони ва ҳимоячиси маъноларини билдирар экан. Ўтмишда бундай зотлар бисёр бўлган. Шу туфайли одамлар орасида «Ўтрорда – ўттиз боб, Туркистонда – туман боб, Самарқандда – сонсиз боб» деган нақл юраркан.

Баданни тешгудек изғирин шамол кузатувида Ўтрор томон юрамиз. Оқшом чўқмоқда, атрофда кулранг сукунат. Автобусдан тушиб, анча пиёда кетдик. Қалъа ўрни симтўрлар билан ўралган, киришда қулфланган дарвоза. Ўтрор – энг қадимий китобларда ҳам дарж этилган, бошидан қанчалаб сиру савдо ўтказган шаҳар тупроқ уюмлари остида дўппайганча қанча асрорларни яшириб ётибди. Бугдойдек сочилиб ётган қизил тошчалар майдаланган пишиқ ғишт ушоқларими? Ердан худди ёғ сизиб чиқиб ётгандек.

Бу жойда мўғул қирғини жуда даҳшатли бўлгани китобларда ёзилган. Тепаликнинг у ер-бу ери ковланган, кимдир номзодлик ёки докторликка етадиган улушни олган-у, кетган. Батафсил ўрганилмаган. Тепадан бир оз суриб очилган жойдан улкан иморат деворларининг излари чиқди. У ердан анча баланд қисми бўлса керак, устунлар ҳолида яккам-яккам. (**Бу Соҳибқирон қурдирган улкан масжид қолдиқлари экан**). Тупроқлар орасидан суяклар, сопол идиш парчалари кўзга ташланади. Афсуски, улар гунг, биз эса ҳайронмиз. Бу тилсимотлар қачон маълум бўлади?

Бир парча жойни кўриб хаёлдан қанча гап ўтади. Ҳолбуки, Ўтрор қўриқхонаси 200 гектарни ташкил

этади. Куръон тиловат қилиб, тақводорлар нафил на-  
мозини ўқиб, орқага қайтдик.

Шаулдерга беш чақиримлар етмасдан «Темур» деган жой ҳам борлигини йўлда билиб қолдик. Жаҳонгир сўнги соатларини ё ўша жойда, ё хон саройи жойлашган тепаликда ўтказган, деган тахминлар бор. Булар қатъий аниқланиши лозим. Ҳали бу борада талай ишлар навбатда турибди. Амир Темур шарафига арзирли ёдгорлик ўрнатиш, музей очиш кейинги йилларда амалга ошар, иншооллоҳ!

Негадир, Ўтрорда таъбимиз хира бўлди, дунёга сиғмай қолдик. Қоронғу тушиб қолган бўлса-да, Сайрамга қайтишга аҳд қилдик. Қарийб 200 км йўл босишга тўғри келди. Афсуски, Сайрамда ҳам бизни ҳеч ким кутиб турмаган экан. Тажанг бўлиб ўтирган туман ҳокими қўлини силтаганча, уйига кетиб қолди. Кўчада қолдик. Автобусда тонг оттириб бўлмайди, ҳаво совуқ.

Мусофирхонани топиб, унинг хўжайини – корейс қизга ялинишдан бошқа илож қолмади. Бироқ биронта ҳам бўш жой йўқ эди. Валянинг раҳми келдими, бизни тушундими, хоналарни тақиллатиб, «ортиқча кўрпаларни беринглар» деганча ҳаммани уйғотиб чиқди. Йўлини қилиб, мажлисхонада жой тайёрлаб берди. Шу кеча полда думалаб, тонг оттирдик.

Эрталаб ҳокимликка «тишимизни қайраб» борган эдик, муовин Анатолий Кенжаев шаштимиздан туширди. У сайрамликлар ҳам меҳмондўст бўлишини таъкидлаб, илтифот билан муомалада бўлди. Ҳатто нонуштага таклиф қилди.

1930 йилда ташкил топган туманда 44 миллатга мансуб 200 минг аҳоли яшар экан. Уларнинг 57 фоизи ўзбеклар, 23 фоизи қozoқлар. Бизнинг Қибрай билан мусобақадош. Дўстлик ришталари жуда маҳкам боғланган.

Оқсув, ундан кейин Қизилсув бўйлаб кетган йўл баландликка кўтарилиб боради. Атрофда тоқзорлар, боғлар, пахта далалари. Узоқдан тоғларнинг қорли боши кўринади. Сайрамга кираверишда сизга Иброҳим ота мақбараси пешвоз чиқади. Фотима она авлодига мансуб бўлган бу зот Аҳмад Яссавийнинг падари бузруквори.

## 6. ТЕРАН ТАРИХ ХИЛХОНАСИ

Баъзи манбаларда ёши 7 минг йил деб, Сарём, Исфижоб, Мадина ул-байзо, Ўринкент, Сайрам номлари билан машҳур бу маскан ҳақиқатан табаррук жой экан. Унда 80 га яқин улуғлар, азиз-авлиёлар билан боғлиқ тарихий обидалар мавжуд. Деярли ҳар бир кўчасида бир мачит ёки хонақоҳга кўзингиз тушади. Сайрамнинг тупроғида Мовароуннаҳрдан чиққан барча алломаю буюкларнинг оёқ изи бор, десак янглишмаймиз.

Идрис пайғамбар қурган мақбара яқингача бор экан, уни 1967 йил бузиб ташлашибди. Сайрам – Туркистон орасида ер ости йўли ўтган, деган маълумотлар учрайди. Сузук отага 3 км.ли бундай йўл борлиги рост.

XVIII аср тарихчиси Мусо Сайрабий бу шаҳарни ҳозиргача 13 марта вайрон қилишганини, бироқ таслим бўлмаганини ёзади. Сайрамда ҳеч қачон очарчилик бўлмаган.

Амир Темур бу заминга илк бора 1366 йил, ҳали Самарқанд тахтини эгалламасданоқ қадам қўйган, дейишади. «Сайрам» сўзи саркарда Мирзо Бобурнинг ҳарбий парол (**Урон**)ларидан бири бўлган.

Сайрам тарихи музейида бир илмий текшириш инс-титутига манба бўладиган ашёлар сақланмоқда. Унинг ходими Мираҳмад Мирхолдор ўғли жонли та-

рих, бу мавзуда рисоалар ёзган. Бизни мусулмончиликни жорий қилишга сафарбар этилган лашкарбоши, оташпарастларга қарши урушган, 71 жойидан ўқеган боблардан Азизбоб мақбар-сига бошлаб борди. Аҳмад Яссавий Арслонбобдан омонат – тил остидаги хурмони қабул қилиб олган жой – Хонкўприкни узоқдан кўрсатди.

Шунда оғзига хурмони солган Аҳмад ҳолсизланиб, беҳуш бўлиб қолган. Кейин ўзига келган экан. Мактабдан қайтишда Қуръонни бошига қўйиб, орқаси билан ҳовлидан чиқаркан. Устози Оқота бобо талабаларини текшириш учун «Эртага биттадан хўрозни худо кўрмайдиган жойда сўйиб келасизлар», дейди. Шогирдларидан бири оғилнинг ичида, бири кўприкнинг тагида сўйиб борибди. Аҳмад эса хўрозни тирик келтирибди. Сабабини сўраганда: «Қаерга беркитиб, сўймоқчи бўлмай, худо кўриб турганини сездим», деб жавоб берган экан.

Аҳмад Яссавийнинг волидаи муҳтарамаси Қорасоч она – Ойша Хотуннинг қабрлари ҳам шу ерда. Ул зоти олия насл-насаби жиҳатидан имом Аъзам ҳазратларига тақалар эканлар. Шу ерга яқин жойда муаззам масжид қурилаётган экан, муборакбод қилдик.

Сайрамда ўн кун бўлса ҳам камлик қилади, бироқ вақт зиқ. Қолаверса, қиш ўчоғи тор, деганларидек қимматчилик замонида ортиқча эркалик ҳам кетмайди.

Истироҳат боғидаги тантанага ташриф буюриб эса барча тақчилликларни эсдан чиқаргандек бўлдик. Бу ерда бир нечта хайр-саховат ва меҳроқибат оқимлари бирлашганга ўхшайди. Жамбулдаги вертолётда юк ташиш ҳарбий полки учинчи мактаб-интернатга сафдан чиққан вертолётни

совға қилишибди. Унда Анвар Ҳайитметов бошлиқ кичик корхона «Бўтакўз» деган кафе ташкил этибди. Шунинг очилиши муносабати билан беш жуфт келин-куёвга гувоҳномалар топшириш маросими бўлаётган экан. Албатта, атрофда байрам кайфияти, ҳамма шод. Биз ҳам хурсандчиликка шерик бўлдик...

## 7. ТОШКЕНТГА

Жанубий Қозоқистон ҳудудида кечган кунларимиз ранг-баранг ва сермазмун ўтди. Биз яна бир марта сирли сўқмоқларда гузар этдик, ўз эътиқодимизни мустаҳкамладик ва имонимизни покладик. Бу сафоли кунларнинг шукуҳи бир умрга татийди.

Харитада бир қур назар ташлаш ёки таниш сўзларни газетадан ўқишдан нарига ўтмаган тасаввур жонли, бой хотиралар билан лиммо-лим тўлди. Иккинчи босқич дастлабкисининг давоми сифатида унинг такрори эмас, балки тадрижи, ривожи бўлди.

Рости, ҳаяжонлар, мақтовларнинг ҳаммаси шу эмас. Қашф қилинадиган, айтиладиган синоатлар, гаплар кўп. Булар ҳали олдинда. XIV–XV аср осмонининг энг ёрқин, лекин кам ўрганилган сирли юлдузларидан бири Соҳибқирон Амир Темур буюклигини эътироф этиш учун йўл очилган экан, иншооллоҳ, бизларни нурли кунлар кутажак.

*1992 йил, октябрь.  
Тошкент.*



*Резюме*

## **ГОРЯЧЕЕ ДЫХАНИЕ ХОЛОДНЫХ СКАЛ**

Однажды мне пришлось лететь самолетом из Ташкента в Термез, чему я был очень рад, потому что никогда прежде не приходилось бывать в этом городе, считающимся южными воротами республики, хотя много слышал о нем. По историческим сведениям, город в древности снискал вполне заслуженную славу центра философской и научной мысли, был колыбелью двенадцати мыслителей Востока, взявших себе имя «Термези». Собираясь в путь, я загадал желание: если удастся, первым делом посетить мавзоль незабвенного Хакима ат-Термези, почитаемого «третьим халифом». Словом, охваченный волнением и ожиданием новых впечатлений, я сел в самолет.

Было начало апреля, стояли теплые солнечные дни. Природа пробуждалась и являла прекрасную картину: зима отступала, сдавала свои позиции, и весна уверенно вступала в свои права.

Вершины гор, сверкающие снежной белизной и объятые голубоватой дымкой, медленно проплывали под нами. Все с жадностью прильнули к иллюминаторам и пристально вглядывались в проплывающие внизу картины природы. То там, то здесь, словно притаившись, лежали белые шапки нерастаявшего снега: легкий ветер ласково поглаживал первую зелень. Кругом прозрачно, чисто, и кажется, что можно увидеть даже иглу, упавшую с высоты.

Казалось, отара овец и жилище чабана, словно необычная лодка, затерявшаяся среди волн, и дымок,

вьющийся из трубы, находятся рядом, на расстоянии вытянутой руки. И это картина напоминала далекую, тихую обитель. На душе тихо и спокойно – нас ждут теплые встречи, искренние рукопожатия друзей.

Начинаю вспоминать знакомые эпизоды: мы летим над прекрасным Самаркандом, а впереди близкий, дорогой сердцу Шахризабз. Не удивительно, что дымок, вьющийся из жилища чабана, навевает приятные воспоминания. Там, где сливаются Памирская и Гиссарская горные гряды, под снежным покровом мирно лежит горное селение. В здешних местах еще не настало время пробуждения природы: только в конце мая, когда дехкане начнут вспахивать свои земельные участки, все почувствуют, что пришла весна.

Трудолюбивые, мужественные горцы покинули эти места давно, лет двадцать назад. Они ушли в долину. К горлу подступает ком: сколько прошло времени с тех пор, как Номозгох, Торкуль, Чакил погрузились в оглушающую тишину, как перестали слышать горы и ущелья крики ребятишек, с нетерпением ожидавших, когда же наконец сойдут снега, и можно будет выбежать на улицу босыми и попрыгать с камня на камень, взбираться на горные вершины, укрываться в горных ущельях.

Вспоминаю, как каждое утро, выйдя из дома, начинаю до боли в глазах искать горную вершину Бовурчи, не сомневаясь, что безошибочно найду ее среди многих горных вершин. Вон она возвышается, словно знамя, над остальными, простираясь с севера на юг. Издалека она похожа на брови застенчивых девушек этих мест. От вершины Бовурчи горная цепь снижается и дальше сливается с другими вершинами. В автобиографии нашего великого предка Амира Темура, написанной им самим, «Зафар йули» («*Путь к триумфу*») упоминаются «горы Аррафот». У меня

лично нет ни малейшего сомнения в том, что речь идет именно об этих горах. Ведь можно разрушить, сравнять с землей города, высушить реки, но горы стереть с лица земли невозможно. И еще один бесспорный довод: чудо природы, называемое в народе и научном мире пещерой Амира Темура, находится именно здесь, на склоне вершины Бовурчи...

\* \* \*

Наверняка многим известно, что на склоне Гиссарских гор, простирающихся от Кашкадарьинского оазиса до Сурхандарьи, в долине, похожей на жемчужину на дне моря, притаился кишлак Ташкурган. Если вам хоть раз доведется побывать здесь, вы будете гордиться этим всю свою жизнь, рассказывать об этом другим. Кишлак отдален от других населенных пунктов, и добраться сюда стоит немалых усилий. Вероятно, по этой причине здешние жители сохранили обычаи, особенности быта, одежды и даже способы приготовления некоторых блюд, которые уже не встречаются в других местах. Из-за большой удаленности от «большой земли», неудобного географического расположения кишлак по административно-территориальному делению в разные времена относился к Кукабулакскому, Камашинскому, Гузарскому, Яккабагскому районам Кашкадарьинской области.

Река Кизилсув (*древнее название Сурхоб*), протекающая через кишлак Яккабаг, берет свое начало высоко в горах, среди вечной мерзлоты. Горные речушки из ущелий с диковинными названиями Мезайгов, Шилхазор, Сартугай сливаются с рекой Калаъсуви, берущей свое начало в ущелье Калъаи Шерон, и дальше несет свои воды в равнины. В том самом месте, где соединяются два горных течения, и расположен кишлак Ташкурган. Он напоминает, говоря



образно, пиалу с нанесенными на ней красивейшими узорами. Края пиалы – окружающие кишлак горы, а красивые узоры на дне пиалы – и есть кишлак.

Кизилсув, изрезав горы, пробила себе путь. Она считается «дорогой жизни» этого кишлака. В полном безмолвии идешь по едва видимой тропинке вдоль реки, наконец проходишь в первый обитаемый кишлак Тотор (*возможно, происходит от словосочетания «Тог тор» – «гора тесная, узкая»*). Кстати, эта «дорога жизни» внешне представляет собой совершенное инженерное сооружение. Природа проложила такую узкую дорогу, что на ней ни за что не поместится второй путник. Но какими бы трудными ни были эти переходы, горцы, на протяжении тысячелетий жившие здесь, не покидали родные места. У них был свой неповторимый мир, и роднились они с соседними кишлаками Вори, Зармас, Кизилтом.

Возможно, где-то есть книги, рассказывающие о жизни в таких кишлаках, но мне, к сожалению, их не довелось читать. А история кишлака Ташкуртан довольно-таки интересная. Многих интересует, как в таком отдаленном месте смогли поселиться люди и остаться жить надолго. Найденные там предметы свидетельствуют, что жизнь здесь существовала еще много веков назад. Старожилы говорят, что их предки были балхцами. Другие же утверждают, что деды и прадеды местных жителей родом из афганского города Ташкуртана. В этих предположениях, похоже, есть доля истины, потому что живущие здесь горцы принадлежат к катаганскому роду тюрских племен.

Но делать окончательные выводы трудно, не имея достоверных источников. Думаю, это дело историков, этнографов – подробное описание исторического прошлого кишлака, обозначенного на карте родины едва видимой точкой, пролило бы свет на многое.

Караваны лет уходят, оставляя едва заметные следы на земле. Возможно, в оглушающей тишине, прислушавшись к звукам далекого прошлого, можно услышать и зов далеких предков. Ведь жили они здесь еще тысячи лет назад. Представляя свое далекое прошлое, мы чаще опираемся на легенды, предания, вмещая их в наши сегодняшние представления. А может быть, это и есть эволюция знаний, путь к просвещению?

Как известно, все сущее на земле имеет свое название. При выезде из Ташкуртана по направлению в Бовурчи есть возвышенность под названием «Дулдулнинг изи» (*«След мифического коня»*). На вопрос, откуда такое название, обычно следует ответ, что этот след оставлен конем одного из четырех первых халифов, сподвижников Мухамеда – почтенного Хазрата Али. Конечно, доводы местных жителей мало убедительны, но главное в другом. В низовьях есть впадина, спускающаяся прямо к реке. И там действительно есть следы размером с блюдо. Их 23, расстояние между ними 1,2–1,5 метра. На камне четко просматриваются углубления, напоминающие фаланги, когти крупного животного. Так и представляешь себе, как некое гигантское существо, будто испугавшись чего-то, в панике промчалось, оставляя следы на свежем растворе. В действительности же это следы динозавров, живших в мезозойскую эру. Согласно научным данным, в период извержения вулканов и образования новых материков Гиссарская горная гряда омывалась водами древнего океана. Это происходило предположительно несколько миллионов лет назад. Если вы хотите представить исторический период продолжительностью в несколько миллионов лет, хотите увидеть свидетельства древности, приез-

жайте в величественные и неповторимые Гиссарские горы. А человек – самый юный «гость» на этой древней земле.

Увидев следы нашей далекой истории на камнях, умоляю вас, не прерывайте своего путешествия. Собирайтесь с силами и преодолите эту гору. Вы попадете в места, где наш великий предок Амир Темур провел свою юность.

В сущности о возрасте кишлака Ташкурган можно судить не только по следам динозавра на застывшей лаве. Мы можем гордиться, что по этим горам ходил Амир Темур и в здешних реках он утолял свою жажду.

О подростковом и юношеском периодах жизни Сохибкирана до нас дошло чрезвычайно мало сведений. Читателю известно лишь о его более зрелом периоде. Возникает вопрос: а где же проходили подготовку его воины, поражавшие противника своим мужеством и искусством владения оружием? Ответ может быть один – конечно же, в укромном, скрытом от глаз месте. Об этом военном полигоне упоминает и сам Амир Темур. Кстати, здесь же находятся горы Аррафот (от слова арра – пила) и ущелье Амира Темура со следами лап динозавра.

Самая высокая отметка гор Аррафот – вершина Бовурчи. В некоторых словарях это слово передается как «ошпаз» («повар»). Интересно, что на вершине горы есть священное место, называемое «Ошхона». Внешне его можно сравнить с небольшой чайханой, вокруг которой невысокая каменная ограда, редкие деревья, кустарники. Здесь же высится мусульманская хоругвь. Люди приходят сюда для совершения обряда жертвоприношения. Тут вы можете узнать, что вас ожидает впереди – надо только подойти к каменной насыпи, засунуть руку в углубление и до-

стать, что попадет. Возьмешь зерно – станешь земледельцем, шерсть – чабаном. Свои древние традиции народ чтит на протяжении многих веков. В своих «Уложениях» наш великий предок неоднократно отмечал, что в различных жизненных обстоятельствах пытался таким образом предугадать свое будущее. В голове проносится мысль, что, возможно, трогательный обычай предсказывать свою судьбу здесь, на этой вершине, перешел от нашего великого предка.

Это удивительные по своей красоте горы, высота которых достигает трех-четырёх тысяч метров над уровнем моря. Королева гор – арча – не растёт на такой высоте, а, раскинув ветви, остаётся внизу. Человек, оказавшись на этой вершине, чувствует себя необыкновенно сильным, способным покорить весь мир. Быть может, именно такие чувства обуревали и великого полководца перед вступлением в большую жизнь, давали ему силы на протяжении всей жизни, наполненной великими свершениями. Думая о нашем славном предке, невольно пытаешься найти истоки его духовных сил, мудрости, необходимых для строительства мощного государства с непобедимой армией, покоривший мира (*ойкумена человечество*). И тут важен каждый, даже малозначительный факт.

Если у вас появится желание подняться на вершину Бовурчи и для этого достаточно сил в мышцах, огня в сердце – пожалуйста, попробуйте. Старцы, оказавшиеся в здешних святых местах, пожелают вам доброго пути. Не так-то просто покорить вершину. К месту, куда, казалось бы, можно дотянуться рукой, вы идёте 6–7 часов по едва заметной, словно след змеи, тропинке. Вас окружает чудесная картина. Где-то прокричал кеклик, а вот вышел из норы суслик и, забыв об осторожности, насмешливо озирается по сторонам. Наконец вы почти добрались до нужной

высоты, но чтобы достичь ее, нужно преодолеть еще некоторое расстояние по совершенно гладкой дороге. Поднявшись на скалу, дальше вы видите только горы, горы. Как необъятна наша земля! На этих вершинах – царство вечных снегов. Только когда в долине температура воздуха достигает наивысшей для этих мест плюсовой отметки, под снегом начинают оживать... черви. В дороге вам может встретиться человек, устанавливающий на вершине горы своего рода памятник из камней родным и близким. По преданию, такой знак поможет исцелить больного, поправить дела тех близких, которым не очень везет в жизни. Вот и стоят, продуваемые всеми ветрами, каменные символы любви и уважения. А поднявшись на вершину, вы увидите могилу святого. В нескольких шагах от этого священного места – бездонная пропасть. Паломнику, набравшись смелости, нужно трижды обернуться и, взяв в руки камень, коснуться им глаз. Когда-то 17–18-летним юношей я без страха стоял у края пропасти и любовался открывавшейся взору картиной. Мой односельчанин, покойный Карши бобо, читал здесь аяты из Корана, просил Всевышнего послать ребенка его брату Кучкару. И через года два у того действительно родился сын.

\* \* \*

Кто-то из писателей сказал: «Мои впечатления не поддаются словесному описанию, их надо переложить на музыку». Я тоже чувствую, что слова мои блекнут перед этим великолепием природы. И если вы, прочитав эти строки, побываете здесь, то можете быть уверены, что навеки останетесь пленником красоты этой местности. Вам непременно захочется вернуться сюда еще и еще раз. Что ж, чем больше поклонников здешнего чуда, тем лучше для всех нас.

А пока мы вернемся к священному месту «Ошхона». Спустившись вниз мимо зарослей дикого кука, хрустальных горных ручьев, густых кустарников, осторожно ступая по размытой оползнями тропинке, мы окажемся у пещеры Амира Темура. Если идти туда, огибая Кальасуви, то надо будет подниматься по горному проходу Кальаи шерон, а если от Бовурчи, то надо спускаться вниз.

Пещера эта, даже по словам очень сдержанных, хладнокровных людей, – неповторимое зрелище. У входа высотой с трехэтажное здание расположена поляна, на которой могут разместиться 100–150 человек. Различные знаки, обнаруженные внутри пещеры, свидетельствуют о том, что тут долгое время жили люди. По историческим документам известно, что здесь укрывался народный мститель Хошим ибн Хаким – Муканна, поднявший людей на борьбу с захватчиками. Великий Амир Темур начинал свой путь полководца, не знавшего поражений, именно отсюда. Спасибо и низкий поклон тебе, убежище дедов и прадедов наших, взлелеявших в своем сердце мечту о свободе Родины, национальном достоинстве!

Скрытые от взора неприятеля, эти места представляли собой настоящий природный военный полигон. Уже с первого взгляда нетрудно понять, что здесь проводились военные занятия, воспитывались настоящие воины, создавался мощный военизированный султанат. Кажется, что просторные гладкие площадки, вертикальные перекрытия, траншеи и переходы являются немymi свидетелями топота конских копыт, лязга оружия, криков солдат. Здесь хотелось бы напомнить о таком факте. В поход в Китай Амир Темур отправился с восьмисоттысячным войском. Это были отборные, отлично подготовлен-

ные воины. Где же изготавливались доспехи, обмундирование для них?

Чтобы найти ответы на этот и другие вопросы, прояснить многие домыслы и предположения, думаю, необходимо снарядить сюда авторитетную научную экспедицию. И если бы известный кинорежиссер Али Хамраев снял свой фильм «Буюк Темур» (*«Великий Темур»*) не в искусственных павильонах киностудии, а в местах, где эти события действительно происходили, то все увидели бы удивительные, чудесные уголки нашего края.

\* \* \*

Достоверных сведений о том, как пришли сюда люди, нет. Один из религиозных служителей, ныне покойный мулла Рахматулла (*пусть земля ему будет пухом!*), в последней беседе со мной сказал: «Я сравнил традиции и обычаи жителей нашего кишлака с тарикатами ислама. У нас утвердились истинные исламские обычаи. Это свидетельствует о том, что здесь жили незаурядные ученые, религиозные деятели». Можно предположить, что у жителей этого небольшого селения, затерявшегося среди гор, утвердился свой образ жизни.

Как вспоминают здешние старожилы, становление советского строя в кишлаке проходило трудно. Кстати, мятеж народа против угнетателей, носивший название «Каракалтук» (*«Черная палка»*), начался в этих горах. Это движение, ставшее темой специального научного исследования, было направлено против поработителей. В свое время Ташкурган был убежищем для участников национально-освободительной борьбы. Кстати, среди добровольцев было немало юношей из этого кишлака. По воспоминаниям очевидцев, «басмачи» не наносили

никакого вреда местным жителям. Баи сами платили им налоги, имущество простолюдинов никто не трогал. О пребывании здесь «красных» напоминает просторная гладкая площадка – Кулдаши, где проводились военные учения. До сих пор в языке местных сохранились прямые заимствования из русского, такие как «атрад» (*отряд*), «петух» (*пехота*). Затем началась коллективизация. Решения об отмене частной собственности, обобществлении средств производства вызвали недовольство среди населения. Тех, кто не желал вступать в колхоз, облагали непосильным налогом. Рассказывают, что у одного селянина было семь мельниц. Так его обложили таким налогом, что он вынужден был шесть мельниц разрушить. Но и одна вскоре была обложена налогом. Односельчане посоветовали ему сжечь мельницу, на что он ответил решительным отказом: «Или я одолею эту власть, или она меня». Его объявили «кулаком».

Годы Второй мировой войны не нанесли особого урона этому «малому государству», затерявшемуся среди гор. Напротив, говорили, что земля Ташкургана стала настоящей житницей. Сюда стекались все обездоленные и голодные. В детстве мы наслушались рассказов о том, как работали от зари до зари наши матери.

После войны здесь произошли большие перемены. Под руководством инженера по имени Давид построили электростанцию, с кетменями и киркой – автотрассу на «большую землю». Соорудили также школу, больницу, в кишлак пришло радио. С благодарностью вспоминают жители колхоза своего председателя, ныне покойного Мамарасула Ахмедова, стоявшего во главе всех этих перемен.

Специальным решением областного исполнительного комитета в 1976 году жители кишлака Таш-



курган были переселены в долину. Нелегко им было бросать насиженные места, свой родной кишлак, имеющий тысячелетнюю историю. Через 3–4 года кишлак опустел, осталось несколько семей, в основном старики. Обветшали мосты, опустели дороги, дома, в которых некогда звенели детские голоса.

Высказывались предложения сохранить кишлак как открытый музей на природе. И даже по заданию Шарафа Рашидова о кишлаке был снят кинодокументалистом Маликом Каюмовым киносюжет.

Но несмотря на то, что кишлак опустел, неповторимая красота природы продолжает радовать людей. Я уверен, придет время, и снова начнет бить ключом жизнь в здешних местах, как было в прошлом, когда месяцами не смолкала свадебная музыка в домах. Здесь можно построить зоны отдыха, которым не будет равных во всем мире. В этих местах сохранились некоторые виды растительного и животного мира, занесенные в «Красную книгу». А почва по своему составу хороша для выращивания картофеля. Кстати, сейчас здесь из года в год получают хороший урожай этой культуры. А начинать возрождение кишлака надо с главного – строительства дороги. Сюда бы легендарного Фархада со своим чудо-кетменем, он мигом бы рассек гору и открыл путь воде, находящейся в 25–30 километрах! Надеюсь, что это время тоже наступит.

Самосознание – это и любовь к своему дому, родной земле. Порядки, царившие до обретения Независимости у людей многие годы вынудили оторваться от корней, соединяющих с историей. Вместо того чтобы разделить с ней боль, быть ее защитником, мы обращали свои взоры к дальним чужим уголкам. Ташкурган стал жертвой такого легкомысленного отношения к родным местам, а красота здешней при-

роды оказалась не понятой и не оцененной в свое время по достоинству. Сегодня, когда возрождается наша история и культура, немеркнущая слава великого Амира Темура эхом отзывается в этих далеких горах. И каждый из нас сегодня явственно ощущает горячее дыхание холодных скал.

Я рассказал лишь об одном небольшом уголке нашей славной и великой Родины. Между тем таких прекрасных мест на карте Узбекистана много, и у каждого своя неповторимая история.

Скажите, разве можно не любить такую Родину?

Моя Отчизна, хочу как сын обнять тебя, но ты так необъятна!

*«Народное слово», 1 марта 1994 года.*

## **ТАМЕРЛАН, КОТОРОГО ЗНАЛ МИР**

**или**

**до каких пор будет продолжаться ложь?**

Перед началом обсуждения данной темы хотелось бы напомнить одну истину: на современном этапе развития свойства, особенности, признаки многих явлений в основном выявлены и раскрыты. Человеческий разум, не ограничиваясь достигнутым, интересуется недрами земли и бесконечным космосом, стремится изучить все доступное его взору.

К большому сожалению, в настоящее время на Западе, в других странах дальнего и ближнего зарубежья люди не владеют объективной информацией об одной из выдающейся, исторической личности центральной Азии – нашем соотечественнике Сахибкиране Амуре Темуре Курагани. Если не считать малочисленных, объективно написанных там трудов, в

преподносимой нам огромной массе литературы, пестрящей названиями типа «Тамерлан», «Темурланг», «Хромой Темир», отображается не истинный образ нашего великого предка, а его противоположность – выведенная в кривом зеркале личность. **(Парадокс: «На зеркало нечего пенять, коли рожа крива!» – а вдруг зеркало все же кривое?).** Уже, к сожалению, на протяжении столетий общественное мнение воспринимает его именно таким. Подобное положение дел сохраняется и сегодня. Но не черная тень наговоров и лжи, а образ великой личности, несмотря ни на что, привлекает людей.

Вообще могут быть две причины имеющегося заблуждения. Первая – возможно, есть желание говорить на эту тему искренне и честно, однако не хватает соответствующих материалов. Тех, кто пошел по такому пути и допустил ошибку, можно сравнить с непросвещенным другом: умный враг лучше глупого друга. Следовательно, не имея достоверных источников, лучше сохранять молчание. Конечно, исключения здесь составляют исследования, основанные на сопоставлении ряда материалов.

Вторая причина – необъективный подход или нежелание объективного подхода. До недавнего времени использовался именно такой подход, в результате чего в обществе сформировалось одностороннее представление. **(В эпоху царизма и власти Советов очернение Сахибкирана было организовано на уровне государственной идеологии; в результате был создан образ страшного человека, порождающего конфликты между народами, уничтожающего культуру и искусство, кровопийцы и жадного до богатств.)**

Для уяснения масштабов искажений приведу конкретные примеры. Конечно, автор опирается на книги, написанные на основе объективного подхо-

да в годы независимости. Ведь, если у человека нет представления о чем-то, все предлагаемое он воспринимает в той форме, в которой ему это преподносится (скажем, если человек никогда не видел яблока, а ему предлагают картофель и называют его яблоком, он поверит этому).

В изданном в 2005 году в Москве энциклопедическом сборнике «Кто есть кто?» содержатся сведения о тысячах известных людях. Формат книги уникален – размер сравним с экраном телевизора, а вес составляет 4–5 килограммов. Стоимость – 75 долларов.

Обладатель книги – патриот, интеллигентный человек, – вручая мне книгу, с тяжелым вздохом указал на статью «Тамерлан». Прочитал статью, занимающую более страницы (относительно большой объем), и, признаюсь, на несколько мгновений потерял дар речи. Как следует из статьи, Тамерлан якобы родился инвалидом – одна нога короче другой, вследствие чего хромал (*на самом деле, в 1362 году во время захвата крепости Зуранж в Сеистане он был ранен выпущенной из лука стрелой. Впоследствии, в 1382 г., встретился с этим лучником – Маматкувом из Мекрона...*). Далее – еще интереснее: будто Тамерлан вел борьбу за восстановление в Средней Азии империи Чингизхана и в 1370 году после тяжелого боя захватил Самарканд. В конце статьи – те же старые сказки: в Афганистане смешал с глиной и камнями заживо 20 тысяч человек и возвел стену, в Индии уничтожил 1 миллион человек...

Сторонники аналогичных взглядов в своих рассуждениях о Сахибкиране с ужасом говорят о жертвах, минаретах из людских голов. Конечно, нельзя оправдывать убийство. Но история человечества состоит из бесчисленных войн и конфликтов. Нынешний прогресс подобен деревьям, выросшим

на крови миллионов людей. Какой же властелин незапятнан? Ведь отсечение головы человека в те времена было подобно обезглавливанию курицы. Вот несколько примеров из истории средних веков.

В конце XV века испанцы достигли американских земель и безжалостно истребили местное население, уничтожили его многовековую культуру. Их девизом было: «За одного убитого европейца убить сто индейцев». Однако никто с ужасом не вспоминает о Кортесе или Писарроне, стоявших во главе кровопролития. Испанцы, обретя мощь и контролируя море, стали угрожать Англии. Насчитывающая 130 кораблей «Непобедимая армада» в 1588 году сразилась с английским флотом в проливе Ла-Манш. Две недели продолжался жестокий бой на море. С двух сторон в бою принимали участие почти 50 тысяч человек, и лишь немногим посчастливилось остаться в живых. Законы войны безжалостны.

Когда в марте 1799 года Наполеон осаждал египетский город Яффу, в окружении находились 4 тысячи человек. Они сдали оружие с условием, что им сохранят жизнь. Однако полководец не сдержал своего слова – все были убиты. В целом в армии Наполеона к смерти были приговорены миллионы людей. В Россию он вторгся с 700-тысячным войском, а при возвращении его армия насчитывала менее 30 тысяч солдат...

История знает еще немало кровожадных, жестоких полководцев. И несправедливо выделять только некоторых и проклинать их. Даже сейчас люди читают далекие от истины материалы и верят им.

На Западе, да и во всем мире, наблюдается определенная последовательность в формировании одностороннего подхода. Люди почему-то более верят лжи, нежели правде, и ложь распространяется быстрее,

существует дольше. *(Индийский философ Ошо так определяет это состояние: «Ложь – часть времени. Время постоянно в действии, поэтому ложь распространяется постоянно. А истина подобно вечности постоянно стоит на месте»)*. Воспоминания Иоганна Шильтбергера (*коротко – Шильта*) могут служить основой для возникновения и существования лжи.

В московском издании «Тамерлан» 1992 года приводятся отрывки из воспоминаний Шильты. По признанию автора, во время битвы в Анкаре (1402) он сражался в рядах войска Баязета, попал в плен и затем 6 лет служил в войсках Тамерлана. Затем перешел к Шахруху. Когда Мирзо Шахрух освободил Курдистан от Кора Юсуфа и сдал Мираншаху, остался в рядах армии Мираншаха. На самом деле так оно и было.

Известно, что после захвата Австрии Баязет женился на дочери короля Лазаря, и в бою в Анкаре сербские рыцари под началом Стефана воевали против самаркандского войска. После поражения Баязета было много пленных, среди которых находился и немец Иоганн Шильтбергер.

Вернувшись на родину после службы, Шильта пишет вызвавшие у многих интерес рассказы, а его воспоминания издаются в виде книги. Однако Шильта, обладавший ограниченной информацией, не мог подробно и правдиво отобразить действительность. Но кому это нужно знать на Западе? Европейцам требовались легенды о «довольно хороших» азиатах. Немецкий солдат с духом сказочника обеспечивает распространение, с одной стороны, мнения о немыслимом авторитете Сахибкирана среди народов Европы (*его действительно признавали как настоящего освободителя*), а с другой – своих воспоминаний, и таким образом в Европе появляется представление о некоем Тамерлане. Если мы, соотечественники вели-

кого Сахибкирана, сравним наши нынешние представления и понятия с воспоминаниями человека, который лично был свидетелем событий и дал им оценку, то в нашем сознании «оживет луна, отображенная в луже». И хотя они основаны на реальных событиях, все же не полностью соответствуют истине. Это лишь фрагментарные заметки очевидца.

В сочинениях Иоганна Шильтбергера много преувеличений, которые в дальнейшем стали присущи распространенным в Европе повестям и романам о рыцарях (*можно допустить мысль, что подобного рода воспоминания послужили толчком для создания таких образов, как Гулливер, Дон Кихот, Санчо Панса – героев западной литературы*).

«С миллионным войском Тамерлан повел наступление на Сивосе, – пишет Шильта. – Достигнув города, взял в плен много людей, среди которых были девять тысяч девушек». В бою в Анкаре войско Тамерлана якобы состояло из одного миллиона шестисот тысяч солдат. Баязет же выступил против него с войском в один миллион четыреста тысяч человек. Это во много раз больше того, что указывается в исторических книгах. Например, в своих «Уложениях» Сахибкиран пишет: «Кайсар выступил против меня с четырьмя сто тысячами всадников и пеших солдат».

Такое преувеличение Шильта допускает для гиперболизации безжалостности Тамерлана: «После девятидневной осады сдался город Айнтоб. Затем путь был взят на город Бегесна (?) – самый большой город Сирии после Дамаска. Там была большая мечеть с сорока воротами. В пятничные дни там зажигались 12 тысяч свечей, а в другие – 9 тысяч. Подсвечники были изготовлены в основном из золота или серебра». «С наступлением атаки около 30 тысяч людей спрятались в мечети... Рассерженный Тамерлан закрыл все

ворота и поджег мечеть. После этого с миллионным войском идет против Вавилона. Город сдается после месячной осады, он разрушается и засеивается ячменем. Из дворца, окруженного ровом с водой, выносят три, а затем – четыре кованых сундука, заполненных золотом и серебром».

Все это – выдумки Шильты, так как на карте не существовали указанные им города и такие события не упоминаются ни в каких летописях.

Фантазии предлагаются и в другой форме. Якобы после возвращения из Вавилона Тамерлан приказывает подданным готовиться к походу в Малую Индию, расположенную от столицы на расстоянии, которое можно пройти за четыре месяца. А между тем индийский поход был совершен намного ранее битвы в Анкаре – в 1398 году. В воспоминаниях читаем: «Король Индии начал с ним переговоры и обещал выплатить два центнера индийского золота (*лучше, чем арабское*)». Как можно верить этому? Однако люди верили...

Шильта пишет, что после возвращения из Индии в погоне за богатством направляются послы в Султани и Мозондарон. Затем начинается поход в королевство Исфаган (*в 1387 году произошла казнь бунтовщиков Исфагана*). После захвата города были казнены граждане старше 14 лет, дети до 7 лет были собраны на площади и затоптаны всадниками. Город был подожжен, затем вернулись в Самарканд. Прошло 12 лет (?) со времени, как он покинул столицу. Естественно, человек со здравым рассудком вряд ли поверит этим легендам.

Более того, разрушение, жестокость абсолютно противоречили сути и убеждениям Сахибкирана. Целью его походов были не богатство и кровопролитие. Сам хазрат писал: «Я заботился о распро-



странении религии Бога и закона Магомеда, этого избранного Богом сосуда: я поддерживал ислам во всякое время и во всяком месте». По крайней мере, надо быть единомышленником, чтобы понять содержание такой благородной цели, оценить деятельность Сахибкирана.

Да, по отдельным словам, высказываниям, написанной строчке можно судить о том, кем был этот повествователь. Как христианин не мог принять каноны ислама, так и европейцы не понимали норм и правил азиатских народов. В противном случае, автор не впал бы в такой бред. По его предположениям, Тамерлан после возвращения в Самарканд узнал, что самая молодая из трех жен изменила ему. Якобы сташая жена сказала: «Если не верите, проверьте ее сундук, где лежат подаренное любовником кольцо и любовное письмо». Таким образом, будто бы после возвращения из Китая от холодов и страданий из-за измены жены Тамерлан умер. Затем, оказывается, его радостью похоронили. Однако в течение года из его могилы были слышны ужасные крики. Муллы, посоветовавшись, освободили всех пленных, после чего голос из могилы смолк.

Вот такие сведения распространяются на Западе о самой яркой личности нашей истории. Эта ложь распространяется в больших масштабах, а книга переведена на многие языки (*в частности, на русский язык в 1866 году*). Пожалуй, не следует уж очень и обижаться по данному поводу. Ведь в то время (XV век) культурные связи между народами не были развиты. На Западе мало знали о Сахибкиране. Наконец, имелись попытки объективно отразить события и действительность.

А на Западе, в мире в целом, тогда интерес к личности Великого Темура был огромен. Причина про-

ста – Европа стояла на коленях перед стремительным Баязитом, лучшие ее войска были бессильны перед ним. А Темур спас Европу от этой напасти. По представлениям европейцев, на Земле не было силы, которая могла бы сравниться с Баязитом. Однако произошло чудо. И всех стал интересовать вопрос: что это за чудо?.. Поэтому произведения на эту тему быстро распространялись, создавались новые, переводились на другие языки.

Как писали академик Э. Ртвеладзе и профессор А. Саидов, уже в 1415 году служитель итальянской католической церкви Бернардо де Мигнанелли написал на латинском языке брошюру «Жизнь Тамерлана», однако она до сих пор не изучена. С 1582 года в Мадриде Гонзал Арагат де Молино стал публиковать дневники Клавихо.

В Англии в 1587–1588 годах Кристофер Марло создал драму «Великий Темур». Книга Ибн Арабшаха «Перипетии судьбы в истории Темура» была переведена на латинский в 1636 году, на французский – в 1658 году. Безусловно, уровень этих произведений и переводов различен, отношение авторов к событиям также было не одинаковым.

Поскольку произведение Ибн Арабшаха нам знакомо, можно на этом примере продемонстрировать придуманную им интерпретацию. Несмотря на то, что Ибн Арабшах, поддавшись эмоциям, не жалел черных красок, он все же признает истинную силу и величие этой личности. Однако некоторым читателям интересны выдумки и наветы. А в «Перипетии судьбы» их достаточно. В частности, Ибн Арабшах пишет: «Темур и его отец были чабанами, невежественными людьми, без ума и убеждений». Еще, как он утверждает, «отец Темура был сапожником». Далее читаем: «Однажды ночью он (*Темур*) украл одну

овцу и взвалил ее за спину. Тогда чабан выпустил в него стрелу и ранил плечо, а другой стрелой поранил бедро, и он упал обессиленный». Для сравнение переведем: В русской народной книге «Повесть о хромом Темуре» написано: «По профессии он был кузнецом, нрава был жестокого – был безжалостным разбойником, насильником, вором. В юности от голода он выкрал овцу. Люди поймали его и сломали ему ногу».

В сущности, такой разговор «вокруг да около» применим по отношению к вымышленному герою. Но не в отношении полководца, объединившего под одним знаменем 27 стран мира, установившего на этих территориях мир и благополучие, ставшего покровителем науки и культуры. Еще при жизни он назывался «сайф-уд-дин» (*меч религии*), «сайф ул-Аллох» (*меч Аллаха*), и поэтому этот великий человек не заслужил в свой адрес досужих вымыслов и измышлений.

Несомненно, что прошлое – урок для будущего. Говорят, что в мире ничего не бывает нового, «все новое – это хорошо забытое старое». Если мы хотим, чтобы будущее было свободным от всевозможных зигзагов и диспропорций, нужно честно оценивать прошлое. Ибо, как гласит одно мудрое изречение, «если ты будешь стрелять в прошлое из пистолета, то будущее ответит тебе из пушки».

Сколько бы ни занижали значения Сахибкирана, сколько бы ни навешивали на него ложных обвинений, история не примет ничего лишнего и не изменится, она будет вершить свой вечный суд. Иначе говоря, память о Сахибкиране не померкнет. Непризнание величия личности, сумевшей продемонстрировать всю силу человека, не изменит ровным счетом ничего. Но непризнание истины – это безнравственно. К сожалению, заслон на пути этого процесса все еще не поставлен, очернительная кампания про-

должается. Стало быть, и в XXI веке нравственность человека не достигла того уровня, чтобы признать истину. Правда, Амир Темур действовал как представитель и правитель своего времени. Никто и не пытается представить его ангелом, но то, что некоторые современники видят его только с негативной стороны, опираясь на ложь, весьма печально.

Есть тут и другая сторона. Эта тема настолько раздута, что с первого взгляда трудно отделить белое от черного. Недавно в мои руки попала книга, изданная на русском языке в Нью-Йорке (**США**). На обложке дано изображение человека в царских одеждах на белом коне. Книга озаглавлена «Я – Тимур, властитель Вселенной. Жизнь и деятельность Тимурлэнга, описанная им самим». Дополнительные данные обеспечивают ее неприкосновенность в качестве имущества: составитель Марсель Брион (**Франция**) совместно с Забихулло Мансурий; все права по изданию книги реализованы и защищены библиотекой Мостауфи; издатель – Абдул Жалил Абдурашид. Это, оказывается, седьмое (!) издание книги, вышедшей в 2004 году.

Подробно ознакомиться с книгой не оказалось возможным. Она состоит из 500 страниц, похоже, что растиражирована путем снятия копий с одного экземпляра. Как и в других подобных изданиях, здесь содержится немного правды – соответствуют действительности некоторые элементы, связанные с именами его детей, их биографиями. В частности, в книге приводятся такие сведения: «Темурлэнг женился на принцессе Чигатая, она родила ему трех сыновей». Это неверно. На том же уровне и достоверность другой информации. Книга содержит религиозные сведения (*в ней освещены споры Темурлэнга с учеными по поводу Корана*). Похоже, она написана

религиозным человеком, плохо осведомленным о реальной жизни Сахибкирана. Но публикуется как жизнеописание, сделанное собственной рукой Амира Темура. Не совсем понятно, в чем состоит цель издания, тем более седьмого. Возможно, это коммерческий проект. И в этом проявляется своеобразный подход.

А раз имеется интерес к личности Сахибкирана, как и ко всем великим людям, то настал момент прийти к единому мнению в этом вопросе. Общественность, как и всегда, желает знать правду и только правду. И связывать всевозможные вымыслы с личностью Сахибкирана – дело недобросовестное. Ведь у человека бывает один-единственный образ. Как низкорослого человека нельзя назвать высоким, так и вора не назовешь праведником.

Если мы пропустим через сито точки зрения, формировавшиеся на протяжении столетий, то все отношения к вопросу сконцентрируются вокруг двух полюсов: 1) вымыслы и 2) действительные факты. В соответствии с этим возникают два образа: «Тамерлан», украшенный качествами, о которых мы говорили выше, и только теперь становящийся известным Амир Темур, великий Темур. **Ясно и то, что Тамерлан – это не Амир Темур, родившийся в Кеше и умерший в Утраре, нашедший вечный покой в Самарканде. Тамерлан – это вымышленный образ, созданный людьми разных убеждений. Давайте признаем границу, прочерченную между этими двумя именами, и будем следовать этому принципу в своих последующих действиях.** Добросовестно подошедшие к теме ученые В. Бартольд, Г. Вамбери, Т. Грановский, Л. Зимин, М. Иванов, Л. Лянглэ, А. Якубовский и многие другие исследователи называли своего героя Темуром. Следовательно, смешивание имен Темур и

Тамерлан, толкование их как одной личности, представляется неверным. *Иначе говоря, граница между двумя именами должна быть четкой.*

Мир на разных языках слышал достаточно рассказов о Тамерлане. Большинство этих рассказов было основано на лживых измышлениях. В соответствии с этим у миллионов людей сформировались неверные представления об Амуре Темуре и такое положение продолжает иметь место. Все это, конечно, следствие непросвещенности, неосведомленности. Если расстелить на столе карту мира и подсчитать путь, который прошел Сахибкиран на своем боевом коне, то, невольно почувствуешь его силу. Кто-то представляет его всадником наподобие Дон Кихота, кто-то уподобляет другим героям. Но стоит только представить Темуридов, которые властвовали почти шестьсот лет, — целую вереницу сотен принцев, принцесс, то понимаешь, насколько это непростая личность.

Во всяком случае, мы верим в силу просвещения. Настоящая правда о великом Темуре только теперь стала звучать во весь голос. Ежегодно издаются десятки книг, пронизанные реальными историческими фактами. Их распространение по всему миру поможет людям представить объективный облик нашего великого предка.





## БУЮК ТАРИХГА ДАХЛДОРЛИК

*(Биринчи китобга якуний сўз)*

Мана, бир китоб мутолаасини охирига етказдингиз. Шундан кейин тасаввурингизда, кўз олдингизда калейдоскопдек манзара намоён бўлган эса, бу ажабланарли эмас. Воқеалар қамрови ер юзининг тараққий этган жами худудларини қамраб олади, унда иштирокчиларнинг аксарияти ҳам инсоният тарихида қай даражададир из қолдирган зотлар. Ҳа, шавкатли бобокалонимизнинг умр тарзлари ана шундай теран ва худудсиз кечган эди, бу бепоёнлик ҳамон давом этмоқда. Бир ҳолат аниқ кўзга ташланади: тараққиёт ривожланган, турли соҳаларда фантастик натижалар қўлга киритилаётган даврлар сисиласида Амир Темури шахсига қизиқиш кучайиб бораёпти. Турли муаммолар гирдобидида қолаётган одамзот ечим излаб, ўтмишга, ўз тажрибаларига муурожаат этаётганда, шуурда беихтиёр ўша нурли кунлар «Лаббай» деб жонланмоқда, ривожланишнинг барча жабҳалари баравар таъминлан кунлар сабоғи асқатмоқда.

Бундай қизиқишнинг асосий сабабларидан бири – давлат мустақиллигидан кейин, аввало, миллатнинг ғурури уйғонаётгани, кейин эса нурли тарихимиз, жумладан, Соҳибқирон Амир Темури ва Темурийлар даври изланишлар туфайли ёрқинроқ намоён бўлаётганидир. Очиғи, бу бой мероснинг кўп қирралари ҳозиргача маълум эмас ёки нотўғри талқин этилган эди. Холисона ва ватанпарвар-

ларча ёндашув туфайли янги бир манзара намоён бўлмоқдаки, у бутун инсониятнинг маънавий мулки сифатида бугунги кунларимиз учун хизматда қўл келиши мумкин.

Теран тарих ҳақиқатининг тўлароқ намоён бўлаётгани юртимиз ҳаётининг турли жабҳаларига ўзига хос тезланиш ато этаётир, муқаддас заминимиз ҳар қаричида пинҳон ётган ўтмишнинг бебаҳо мероси маънавий мулкимизга айланаётир. Шу йўналишда баъзи мулоҳазалар.

Мамлакатимиз туризм салоҳиятини тўла истифода этиш учун қилинаётган саъй-ҳаракатларни жаҳон жамоатчилиги қониқиш ва ҳайрат билан кузатиб турибди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида ўтказилган БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилоти ижроия кенгашининг 99-сессияси катта воқеа бўлди. Умуман, Ер юзининг сайқали сифатида эътироф этилган Самарқанд шаҳри ўз мавқеига мос равишда кейинги пайтда кўплаб халқаро анжуманлар марказига айланиб қолмоқда. 2014 йил 15–16 май кунлари бўлиб ўтган «Ўтган асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция ҳам юксак даражада ўтган эди. Унинг очилиш маросимидда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, жумладан, шундай деган эди: «Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни алоҳида қайд этмоқчиман, Ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда». Шундан кейин фақат Ўзбекистондаги китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма



асарлар сақланаётгани, уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилгани, бундан ташқари аждодларимиз яратган но-дир асарлар дунёнинг энг нуфузли кутубхона-лари хазиналарини бойитиб тургани таъкидланади. Ҳақиқатан, ўз вақтида ва кейинчалик ҳам шундай китоблар бўлганки, уларнинг баҳосига мамлакатлар-нинг бир йиллик хирожи ва божи етмаган. Улар шу даражада муътабар бўлган ва муносиб қадрланган.

Ёки бошқа бир эътироф. Нобель мукофотига са-зовор бўлган Кьюрилардан бири шундай деган экан: «Кордовада минглаб қўлёмалар аёвсиз ёндирил-ди. Шулардан тўрттаси тасодифан бизгача етиб кел-ган экан. Биз уларни тадқиқ қилиб ўрганганимизда, топган кашфиётларимиз уч бора Нобель мукофоти-ни олишни таъминлади». Маълумки, азалдан маъ-рифат масканларидан бўлган, гот епископларининг қароргоҳи ҳисобланган Кордова (*Куртоба*) 711 йилда араблар томонидан эгаллаб олинган ва 755–1031 йил-ларда халифаликнинг пойтахти ҳисобланган. Шу йил-ларда бутун дунёдан, жумладан, Мовароуннахрдан йиғиб келтирилган қўлёмалар асарлар Пиренея ярим оролидаги Андалузия, Арагона, Гранада, Каталония каби шаҳарларда ташкил этилган илмий марказ-ларда ўрганилган, лотин ва бошқа тилларга таржи-ма қилинган. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли алоҳида фанлар – астрономия, география, физика, медицина ривожланган, дастлабки университетлар очилган. Шундан сўнг денгиз сайёҳлиги йўлга қўйилиб, янги қитъалар, ороллар кашф қилинган. Ички ёнув двига-тели ихтиро қилинган, меъморчилик ривожланган. Хуллас, цивилизация тўлқинини Осиёдан Европа-га ўтиши таъминланган Кейинчалик истилочилик

урушлари туфайли ҳукмронликнинг Европа вакиллари қўлига ўтиши оқибатидан олдинги тараққиёт вайрон қилинган, инчунун, қўлғазмалар йўқотилган. Кьюри шу талотўмлардан омон қолган ва физика, химия соҳасида улкан кашфиётларга сабаб бўлган битиклар ҳақида сўзламоқда.

Ҳақиқатан, юртимиз нодир маънавий ва моддий бойликларга шунчалик конки, уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳақида гап кетганда бир ақида ёдга тушади, унда «Қанча кўп ўқисам, шунча кам билишимни тушуниб етавераман» дейилади. Худди шундай, ўз тадқиқочиларини кутиб ётган хазиналар қатидаги асрорлар билан танишиб борган сари бу борадаги ишлар ҳали етарли эмаслигини тушуниб етаверасиз. Бир мўъжиза бошқа мўъжизага йўл очади, бир ҳикмат бошқасининг маъносини тўлдиради ёки янгисини излаб топишга туртки беради. Таъбир жоиз бўлса, бу хазина муборак юртимизнинг ҳудудларида сочилиб ётибдики, ҳар бир қадамда бир улуғ зотнинг изи қолгандек, ҳар бир ҳудудда бир минора ёки масжид бўй чўзиб тургандек туюлади.

Бир сафар давомида Ширкент қишлоғига боришга қатъий аҳд қилдик. Бунинг ўзига хос сабаби бор эди. «Темур тузуклари»да шундай жумлани ўқиймиз: «Ширкент мавзесига етдим ва ўша ерда бир кеча-кундуз тўхтаб, яна йўлга тушиб, Қарши қалъасидан бир фарсанг масофага келиб тушдим». Агар «Тузуклар»нинг мавқеидан келиб чиқадиган бўлсак, унда унча-бунча киши ёки жой номлари тилга олинавермаганини, шундай шарафга эга бўлиш эса буюк тарихга дахлдорликни таъминлашини тушиниш қийин эмас. Очиги, ҳозиргача бу қишлоқ ҳақида мавҳум таассуротлар қарор топган, 1991 йилда чоп

этилган «Темур тузуклари»дан бошлаб Ширкент – Қарши туманининг маркази Бешкент деб изоҳлаб келинганди. Бу маълумотдан кўнгилда бир иштибоҳ бор эди ва «наҳот Бешкент билан Ширкент бир жой бўлса?» деган гумон оралаб юрарди. Қизиқ тарафи – шунча йилдан буён бирон киши бунга эътироз билдирмаганди.

Сухбатлардан бирида шу масала муҳокамага тушиб қолди ва ўтирганлардан кўпчилиги Қарши туманида Ширкент деган алоҳида қишлоқ борлиги, у ҳар жиҳатдан Бешкентдан фарқланишини айтиб қолди. *(Аслида истиқлолдан олдин нашр этилган Ўзбек қомусида ҳам бу аҳоли пункти ҳақида алоҳида маълумот бор)*. Кейинчалик шу қишлоқда туғилиб, шу жойдаги Ғафур Ғулом номли мактабни тугатган кишилар билан учрашиб ҳам қолдик. Хуллас, қизиқишларимиз бизни шу қишлоққа бошлади. Қаршидан кун ботарга қараб, Бешкентни ҳам ортда қолдириб, яна ўн чақиримлар юрилгач, Ширкентга етдик. Қишлоқ оқсоқоллари, муаллимлар билан мактабда қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Очиғи, ҳеч ким қишлоқлари муътабар бир манбада қаламга олинганини билишмас экан. Фақат хотираларда боболарнинг «Амир Темур бир кеча қўниб ўтган» деган иқрори яшаб қолган. Баъзи далиллар билан қизиқдик. «Ширкент» сўзи бир мусофирга *(у авлиёсифат зот бўлган экан)* сув ўрнига сут тутилганидан келиб чиққанини, бу жой азалдан кўкаламзор, чорвабоп маскан бўлганини эътироф этишди. Боғдорчиликда ҳам ўз анъаналари, ўзига хос мева навлари бор экан.

Қишлоқнинг яна бир эътиборли томони унинг яқинида Муин ота тепалиги бор ва унинг бағрида қабристон бўлиб, қўшни Қовчин қишлоғига ҳам

умумий. Даҳмаси шу жойда боқий бўлган «Муин ота» эса, манбаларда таъкидланганидек, Абул Муъин ан-Насафий (1027–1114)га тегишли, ул зоти шариф ўз даврининг йирик алломаларидан ҳисобланган, калом илмида асарлари машҳур бўлган, фақиҳ ва усулиётчи олим сифатида шуҳрат қозонган. Профессор Убайдулла Уватовнинг қайд этишича, унинг тўртинчи бобоси Макҳул ан-Насафий (**вафоти 930 йил**)дан бошлаб, сулоланинг давомчилари ҳадисларни ўрганиш (**тўплаш**) ва бошқа диний илмлар билан шуғулланганлар, шогирдлар тайёрлаб келганлар. Демак, бу зот ниҳоятда табаррук шахс, муътабар сулола вакили.

Сўхбат жараёнида бой меросимизни ўрганиш, уларни ёш авлодга етказиш, бу борада илғор мамлакатлар тажрибаси юзасидан мулоҳазалар айтилди. Тўрт юз нафарга яқин бола тарбияланаётган мактаб жамоаси ўз масъулиятларини ҳам ҳис этгандек бўлишди. Ахир мактабда қишлоқларининг муътабар «Темур тузуклари»да тилга олинганини қайд этиб, бирор тарихий лавҳа ўрнатиб қўйиш мумкин-ку. Шундан кейин йиллар ўтди, билмадик, нима ўзгаришлар бўлди. Ҳолбуки, хабарлашиб туришга, янгиликларни баҳам кўришга келишгандик, шу мақсадда телефонларни алмашган эдик

Ҳар ҳолда мозий қатларига сингиб, мавҳумлашиб кетган, бугун маъносини чақишга унча-бунча ақл ҳам ожизлик қилиб қоладиган ўтмиш бойликларини истифода этишда кўпчиликнинг саъй-ҳаракати жуда асқотади. Биз буюк тарихга дахлдорлигимизни қанча тушуниб етсак, уни юзага чиқаришда ҳам зиммамизда шунча масъулият ҳис қилмоғимиз шарт. Худди катта дарё жилғалардан тўлиб боргани-

дек, тарқоқ тарихий маълумотлар ҳам кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан мукамаллик касб этиб кета-веради. Мана, жонли мисол. Ангор туманида бўлиб ўтган бир тадбирда Соҳибқирон Амир Темурнинг шу ҳудудларда маънавий устози, пири Саййид Барака билан илк бора учрашгани ҳақида гап бўлди. Бу йиғилганлар учун янгилик эди ва ҳеч ким унга қўшимча қилишга ботинмади. Фақат «Камолот» фаоли Дилшод ўзгача қизиқиш билдириб, бу воқеа айнан қаерда бўлганига тарих ишқибози отаси аниқлик киритиши мумкинлигини изҳор қилди. Кейинги кун у мамнун бўлиб:

– Бу воқеа Қорақирда бўлган экан. Отам бобола-ридан эшитган экан, – деди. Сухбатга гувоҳ бўлиб турган ҳайдовчи эса:

– Ҳақиқатан, яқин-яқинларгача бутун ангорлик-лар шу тепа атрофида Наврўз байрамини ўтказарди, катта халқ сайли бўларди, – дея қўшимча қилди. Шундай қилиб, муҳим тарихий далилга аниқлик киритилгандек бўлди.

Яна бир мулоҳаза.

Ҳисор тизма тоғларида бошини йил бўйи қор қоплаб ётадиган чўққилар кўп. Шулардан бири Хўжапирпир деб аталади. Уни Бовурчи чўққисидан туриб кўриш мумкин: қуёш чиқиб келишида ғубор ичида элас-элас кўзга ташланади. Сариосиё тумани ҳудудидан эса Хўжапирях чўққиси шундоқ кўзга ташланиб туради. Унинг ҳам боши йил бўйи муз (**ял**) ва қордан аримайди, узоқлардан «Чиқолмайсан!» дегандек мағрур кўр тўкиб туради. Хўжапирпир ва Хўжапирях битта чўққими ёки уларнинг икки хил аталишими – буни билмадик, бироқ Мирзо Бобур шу атрофларда бўлгани, ҳатто «Ким кўрибди, эй

кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ» деб бошланувчи машҳур ғазалини айнан ўша кунларда яратганини «Бобурнома»да қайд этган. Энди «Бовурчи» деган сўзга эътибор берсак, гарчи луғатларда «бовурчи – ошпаз» деб изоҳланса-да, халқ ўртасида уни «Бобурчи – Бобур юрти» деган талқини ҳам бор. Бунга асос эса шу чўққи пойида «Мирзовуланг – Мирзонинг ўланги (*яйлови*)» ва «Шоюрти» (*шоҳ юрти*) деган улкан қўриқлар ястаниб ётибди. Шу жойларнинг жануб тарафида эса Қалъаи шерон дараси ва машҳур Амир Темур ғори... Бу далилларда ички мантиқий боғланиш борга ўхшайди.

Умуман, қадимда шу ҳудудлардан ўтадиган катта карвон йўли мавжуд бўлганини тахмин қилишга асос бордек. Негаки, тарихларда Александр Македонскийнинг Термиздан Самарқандга тўғри ўтганлиги қайд этилган. Бу йўл тоғлар орасидан бўлиши ва шу изларга тўғри келиши эҳтимоли бор. Яна бир мулоҳазали гап. Ҳозиргача гўзал малика Рухшонанинг қароргоҳи (*қўрғони*) қаерда бўлгани аниқ эмас.

Энди Тошқўрғон қишлоғининг рўпарасидаги «Қўрғон» деган манзил эътиборни тортади. Бу жойда атрофда учрамайдиган тошлардан тағзамин кўтарилиб, иморат солингани излари сақланиб қолган. Тонгда Бовурчи чўққисидан кўтарилган қуёш елкасини силаб ўтувчи Қўрғондан минг метрлар чамаси пастда кўл бўлган. Албатта, ёвдан муҳофаза мақсадида бўлса керак, сув олиб чиқиш учун ёпик лаҳм кавланган. У йиллар ўтгач, чўкиб кетган, излари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Халқ тилида бу қўрғонни бир золим ҳукмдор қурдиргани, жами эркакларни сафарбар қилиб, узоқ-узоқлардан елкаларида тош ташиттиргани, уларни ҳатто ишнинг оғирлигидан

хотинлари билан учрашишга ҳам рухсат бермагани ҳақида ҳикоя юрарди. Қўрғондан қўлга тушган лаҳмнинг чўккан ўрни тилимлангандек бўлиб қолган, уни кўз билан аниқ пайқаса бўлади. Аммо ҳеч ким уни ўрганишга жазм этмаган.

Аслида ўрганишга лойиқ қанча синоатлар бор.

Тошқўрғондан кун чиқар тарафга Қизилсув дарёси бўйлаб 60–70 чақиримлар йўл кетади. Бу сирли масканни «Кийик дара» деб аташади. Унинг ҳар бир ўрамида қанча синоатлар яшириниб ётибди?! Одамлар қояларнинг тағларида уюм-уюм китобларни кўришган. Айнан «Бум» деб аталадиган жой рўпарасида қўй боқиб юрган Рустам ва Нусрат чакалакзор, бутазор бир қияликдаги ўнгирда одам бўйдан ҳам баланд тахланиб ётган китобларнинг устидан чиқиб қолишади. Бунга ҳам қирқ йил бўлиб қолди. Ўша пайтлар қўлёзма китоблар борасида шакланган салбий қарашлар туфайли болалар бу манзарадан кўрқиб кетишади ва кўрганларини ҳеч кимга айтишмайди. Рустам Назар ўғли ва Нусрат Тошев энди олтмиш ёшни қоралаб қолди. Ҳамон гурунларда ўша дамларни эслашади. Энди истиқлол йилларида у китоблар тўтиёдек қадрланаётганини таъкидлаб:

– Ўша ўнгирни топа оласизларми? – деган саволга,

– Шунчалик кўрққан эканмизки, ўша жойни унутишга, яқинидан ўтмасликка интилганмиз. Бироқ китоблар кўз ўнгимизда турибди, шипга тирмаштириб тахланган, анча кўп эди. Аммо тахминлаб топса бўлади, – дея жавоб беришади.

Бир қарашда афсонадек бўлиб туюлувчи бундай гаплар заминидан катта ҳақиқатлар яширинган. Энди ўз

тарихимиз, ўтмишимиз юзасидан қўрқмай мулоҳаза юритиш имкони юзага келган экан, ҳозиргача одамлар тилида сақланиб қолган, тупроқ остида кўмилиб ётган катта тарихга доир далилларни илмий ўрганиш фурсати етишди. Зеро, буюк ўтмишга дахлдорлик барчадан масъулият талаб этади. Ватанпарварлик бурчи ҳам шуни тақоза қилди.

Балки ушбу китоб мутолаасидан олган таассуротлар ҳам қалбдаги эзгу амалларга суръат бағишлар. Зеро, аждодларимиз зарралаб тиклаган қаҳқашонни ҳаммамизнинг саъй-ҳаракатларимиз билангина дунёга кўз-кўз қилишимиз мумкин.

*2014 йил, октябрь.*





## МАНБА АДАБИЁТЛАР

**Ислом Каримов.** «Амир Темура ҳақида сўз». «Ўзбекистон», 1996 йил.

**Ислом Каримов.** «Юксак маънавият – енгилмас куч». «Ўзбекистон», 2008 йил

«Темура тузуклари». «Ғафур Ғулом» номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991 йил ва 1996 йил.

**Низомиддин Шомий.** «Зафарнома». Форсчадан Юнусхон Ҳакимжонов таржимаси. «Ўзбекистон», 1996 йил.

**Шарафиддин Али Яздий.** «Зафарнома». Форс тилидан Муҳаммад Али Бухорий таржимаси. «Шарқ», 1997 йил.

**Муъиниддин Натанзий.** «Мунтахаб-ут тавориҳи Муъиний». Форс тилидан Ғулом Каримов таржимаси. «Ўзбекистон». 2011 йил.

**Заҳриддин Муҳаммад Бобур.** «Бобурнома». «Шарқ». 2002 йил.

**Ибн Арабшоҳ.** «Амир Темура тарихи». Араб тилидан Убайдулла Уватов таржимаси. 1-2 китоб. «Меҳнат», 1992 йил.

«Зафар йўли». «Нур». 1992 йил.

«Тамерлан». Тўплам. Москва. «Гураш». 1992 йил.

**Рустан Раҳмоналиев.** «Амир Темура Великий». Москва. «Туркестан». 1999 йил.

**Салоҳиддин Тошкандий.** «Темуранома». «Чўлпон». 1990 йил.

**Турғун Файзиев.** «Темурийлар шажараси». «Ёзувчи». 1995 йил.

**Убайдулла Уватов.** «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида». «Шарқ». 1997 йил.

«Сомон йўли». «Камалак». 1992 йил.

**Бўрибой Аҳмедов.** «Амир Темура». Абдулла Қодирий номи нашриёт. 1995 йил.

**М. Иванин.** «Икки буюк саркарда». «Фан». 1994 йил.

«Самарқанд тарихи». «Фан». 1971 йил.

**Поён Равшанов.** «Қашқадарё тарихи». «Фан». 1995 йил.

**Жумабой Раҳимов.** «Туроннинг шерюрак баҳодири». «Ўқитувчи». 1999 йил.

**Херман Вамбери.** «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи». Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти. 1990 йил.

**Азамат Зиё.** «Ўзбек давлатчилиги тарихи». «Фан». 2001 йил.

**Омонулла Бўриев.** «Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё». «Ўзбекистон». 1997 йил.

«Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида». Тўплам. Абдулла Қодирий номли нашриёт. 1997 йил.

**Хильда Хукҳэм.** «Етти иқлим султони». «Адолат». 1999 йил.

**Люсьен Кэрэн.** «Амир Темуր салтанати». «Маънавият». 1999 йил.

Тезиси международной научной конференции «Амир Темури и его место в мировой истории». «Ўзбекистон». 1996 йил.

**Ойдин Тонарий.** Жалолиддин Хоразмишоҳ ва унинг даври. «Шарқ». 1999 йил.

**Руи Гонзалес де Клавихо.** «Самарқандга – Амир Темури саройига саёҳат кундалиги». Рус тилидан профессор Очил Тоғаев таржимаси. «Ўзбекистон». 2010 йил.

**Поён Равшанов.** «Амир Темури сулоласи». «Янги аср авлоди». 2014 йил.

**Хусан Иброҳимов.** «Соҳибқиронни англаш». «Фан ва технология». 2013 йил.

**Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.** «Тарихи Рашидий». «Ўзбекистон». 2011 йил.

«Темури қиссаси». «Фан». 2008 йил.

«Амир Темури ва Улуғбек замондошлари хотирасида». «Бобур энциклопедияси». «Шарқ», 2014 йил.

## КАРТАЛАР

1. Илк юришлар (1360–1370 йиллар) ..... 85
2. Мовароуннаҳр чегараларини мустаҳкамлаш учун  
кураш (1370–1380 ва 1385–1389 йиллар ..... 112
3. Уч йиллик юриш (1386–1388 йиллар) ..... 142
4. Тўхтамишхонга қарши юриш (1391 йил) ..... 162
5. Беш йиллик юриш (1392–1396 йиллар)..... 192
6. Ҳиндистон фатҳи (1398–1399 йиллар)..... 208
7. Етти йиллик юриш (1399–1404 йиллар)..... 272

## МУНДАРИЖА

Истиқлол адолати .....	3
Муаллифдан .....	9

### Шавкатли умр баёни

Ҳақ сўз истагида .....	14
Муқаддима .....	14
Таваллуд айёми.....	22
Дунё .....	25
Туронзамин.....	28
Оила.....	31
Балогат.....	37
Мақсад сари.....	55
Ҳукмдор.....	93
Жаҳонгир.....	120
Соҳибқирон .....	157
Жавоб юриши .....	157
Беш йиллик сафар .....	170
Ҳиндистон фатҳи.....	201
Етти юлдуз ёғдуси.....	227
Жаннаторо Самарқанд.....	286
Қорли Ўтрор .....	303
Эврилиш .....	315
Амир Темурдан сўнг .....	315
Ташвишли бир ой .....	316
Парокандалик .....	321
Барқарорликнинг ўрнатилиши.....	329
Иқрор ( <i>Хотима ўрнида</i> ) .....	331

## Сафарномалар

Чинор кунлар .....	340
Туркистон томонларда .....	445
Резюме .....	471
Бу юк тарихга дахлдорлик .....	496
Манба адабиётлар .....	506
Карталар .....	508

*Адабий-бадиий нашр*

ҲАКИМ САТТОРИЙ

**ҲАЗРАТ  
СОҲИБҚИРОН**

**I**

*Тулдирилган ва қайта ишланган  
иккинчи наشري*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2016

Мухаррир *Б. Эшпулатов*  
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Саҳифаловчи *Д. Габдрахманова*  
Мусахҳиҳ *М. Зиямухамедова*



ҲАЗРАТ  
СОҲИБҚИРОН



ISBN 978-9943-26-469-4



9 789943 264694